




Абдужаббор ОБИДОВ

# БАХТИНИ ЙЎҚОТГАН ГЎЗАЛ




20161102  
11944

АБДУЖАББОР ОБИДОВ

# БАХТИНИ ЙЎҚОТГАН ГЎЗАЛ

*Саргузашт роман*



Toshkent  
«Tafakkur qanoti»  
2015

УДК: 821.512.133-3  
КБК: 84(5Ў)7  
О-14

Чубен салтаси

Тақризчилар:

Худойберди Тұхтабоев,  
Ўзбекистон халқы ёзувчиси.

Ҳайдар Мұҳаммад,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг айзоси, шоир ва драматург.  
Абдуманноб Тожиев,  
Педагогика фанлари номзоди, доцент.

**Обидов, Абдужаббор**

**О-14** Бахтини йўқотган гўзал: саргузашт роман / А.Обидов. –  
Тошкент: «Tafakkur qanoti», 2015. – 480 б.

Бу дунёда ҳар бир инсон саодатли бўлишни истайди. Аммо кўпчилик ўз оёғи остидаги иқболни кўрмай, уни узоқлардан излайди. Кутимаган қизиқарли воқеа-ҳодисаларга бой бу асарнинг ҳусну малоҳатда тенги йўқ бош қаҳрамони Лайлони тасодиф бошқа ўлкаларга отади.

Лайлонинг бошидан кечирганиларидан ушбу китоб мутолааси жараёнида огоҳ, бўлган ҳар қандай китобхон ҳам, баҳту баҳтсизлик чегаралари ҳақида ҳаёлга толади.

УДК: 821.512.133-3  
КБК 84(5Ў)7

2016/10/2	Alisher Navoiy
	номидаги
4944	О'zbekiston MК

ISBN 978-9943-382-36-7

© Абдужаббор Обидов, 2015.  
© «Tafakkur qanoti», 2015.

# ИЛК СЕВГИ ИЗТИРОЛАРИ

### БЕКАЧ ХОЛА

Лайлонинг опаси Адібанинг турмушга чиққанига олти ойдан ошди ҳамки, онаси Хайрихоннинг ичи ёришмайды. Адіба оғиз очиб, лом-мим демаса-да, унинг ҳәёти дуруст эмас-лигини ойиси сезади. Бу ҳолдан сиқиласы. Қариндош-уруғита дардини ёйишга юзи чидамайды.

Лайлонинг дадаси Құдрат аканинг Россияға кеттаниңа ҳам беш йилдан ошди. Ҳар замонда уйға бир-бир келишини айт-маса, умри үшінә ёқда үтади. Шу боис Адіба турмушга чиққаң, уйда фақат Лайлодан онаси ёлғыз қолди.

Құни-қүшнилар Хайрихон опаны «бекач хола» деб чақи-ришади. Чунки бу уйда қишин-ёзин тикув машинасасининг шиғиллаган товуши аримайды.

Ҳақиқатан ҳам, Хайрихон опанинг құли гул. Шунинг учун буюртмачилари күп. Авваллари, асосан, катта ёшдаги аёл-ларга оддий фасондаги күйлакми, халатми, мурсақми тикарди. Бора-бора қызларға ҳам замонавий күйлаклар, костюм, тобкалар тикадиган бўлди.

Бу орада Хайрихон опа тикувга оид журналларни ўқиб, ҳар хил андозаларни сўраб-суриншириб, ўрганиб, катта ти-кувчи мақомини олводи. Ҳозир исталған буюртмаларни қабул қила беради. Фақат Адібани узаттач, бироз қийналиб қолди. чунки катта қизи унинг касбини тўлиқ ўзлаштирган, Хайрихон опа билан тенгма-тенг иш тикарди. Келин бўлгач, унинг ўрни жуда билинди. Энди қизи қайнонасасининг уйидаги иш-лардан ортмайди. Қўлида гулдек ҳұнари бўла туриб, супур-сиدير билан овора бўлиб қолганидан гоҳида Хайрихон опанинг юраги сиқиласы. Унинг қайнонаси ҳали ёш, қайнинглиси эса институтда ўқииди деб, ишга солинмаган экан. Адіба уларга текин хизматкордек гап. Уй иғишишиш, кир ювиш ва овқат қилишдан боши чиқмайди.

Хайрихон опа шулар ҳақида ўйларкан, қизимдап тикувчилисса иштиёқ сўнмаса эди, деб ҳавотирга тушади. Кудасига юрак ютиб бирор нима дейишга андиша қиласди.

Йўқса, куёв ва қайнотанинг томпани ҳаминқадар, еб-ичиши амал-тақал етади. Хайрихон опа, бекор шу йигитга берган экаймал, дэя тишини ташлаб кўп афсусланди. Аммо айб узиле бўлғанлиги боис ичидагини сиртита чиқаролмасди. Чунки, қизимни ўймдан баланд жойта бормайман, камбаражлигинизни юзига сблади, дэя шу муменик куёвни узи танлаганди. Эри ҳам рўйхушлик берганди. У тўйга уч-тўрт кун қолганда келди-ю, барча маросимлар ўтиши билан яна Россиянига кетди қолди. Ташибишларнинг ҳаммаси Хайрихон опанинг елкасига тушди, ота-бала ёғоч ишлари устаси экан, кўлида ҳунари бор деб севингланлари узоқка чўзилмади.

Оғир меҳнат ўз таъсирини кўрсатиб, Хайрихон опанинг эркак қудаси уста Мўмин анча қарнб қолганди. Бир томони тоши оғирлашган, ҳавозалар устига бемалол чиқолмасди. Шунинг учун фанер, гипсокартон ва пластикларни қоқиши каби оғир ишларни асосан Файбулла бажарар, отаси эса унга пастда ёрдамлашиб туради.

Иш секинланган сайни кўлга тегалиган шунинг ҳам барақаси учарди. Бир томондан усталар кўпайиб кетган, Умрида мих қоқмаганлар ҳам «Ўстаман» деб ўзини шу ишга урганди. Шунинг учунми, энди уста Мўминнинг уйига «Ишимни қачон қилиб берасиз?» деб келгувчиларнинг сони анча камайганди.

Файбулла аслида ёмон йигит эмас; меҳнаткаш, кули гул уста. Аммо куре ва тажант: сал нарсага жаҳди чиқадиган одати бор. Адигага кўл кўтармайдику-я, аммо аччик гапларидан унинг юратига наштар санчади.

Куёвининг тунд башарасини биринчи бор узоқдан кўрганда, Хайрихон опа салга иршайдиган, куйдирган каллаларга ўхшамайдиган жиiddий бола экан, деб курсанд бўлганди. Аммо болалигидан қийналиб ўстани учунми, куёвининг тунд башараси ўйлангандан сўнг ҳам очилмади. Аксинча, елкасига янада катта масъулият юклантганлигини ҳис қилдими, олдингидан баттар камган, бадфөъл ва «ичимдагини топ» бўлиб қолди.

Аёл куда ҳам, аксига олиб, берсанг ейман, урсанг ўламан дейдиганлар тоифасидан экан. Уйда ботмонлаб кир йиғилиб кетса ҳам, парво қилмай, кўчадан бери келмас, тутун чиқсан жойдан қуруқ қолмай, айтилмаса ҳам ўша ерга учиб борар-

ди. Узоқ кариндошими ёки бирор танишинингми тўй-маъра-  
каси бўлса. Қорасув тугул. Янгийўла ҳам бориб келишга эрин-  
масди. Бу қилинг бирорвга ёқса, бошқасига хуш келмас, ўла-  
нинг кунидан «Келинг-келинг», дейишарди.

Яқин-яқингача бу ҳовлиниң уй ишларини катта келини  
Зулхумор бажааради. Аммо катта уған Ҳабибулла янги келин  
келиши билан уч хоналик уй олиб чиқиб кетди-ю, бу ишлар  
энди Адібанинг зиммасига ўтди.

Шаҳлога бирор уй ишларини эслаттудек бўлса, афтини буж-  
майтиради. Фақат жиянларини циркгами, ҳайлонот боғигами  
олиб бориншта йўқ демасди. Шаҳло уйда ўтиrolmas, кўчага  
чиқишга бирор сабаб бўлса бўлгани, ҳатто кичикроқ харид  
учун бозорга ҳам бориб келишга тайёр туради. Уям онасига  
ўхшашиб юримсакликка мойил эди.

Хайрихон опа ўйлаб кўрса, Адібанинг ёши йигирма икки-  
дан ошса ҳам содда, айёлликни билмайдиган қиз экан. Она-  
сининг гапига бир оғиз йўқ, демай, кўнди-куйди. Агар ўшандо,  
«Бу йигитга тегмайман», деганида қайтанга яхши бўлар-  
миди?...

— Ойи, яна опами ўйлаясизми? — деб сўради Лайлоп-  
онасининг сукутта тролганини кўриб.

Хайрихон опа чўшиб ўзига келди.

— Ҳа, — деди унга ҳорин термулиб.

— Қайтариб олиб келинг, уларнинг ҳаёти бўлмайди. Туш-  
ган жойи яхшимас. Опами эзиг қўйишиди.

— Ён бошининг билан сенга ким қўйибди бундай гапларни  
гапиришни?

— Ойи, ёш эмасман, ўн саккизга кирдим.

— Яххиси, ишингта бор, Таня опа кутиб қолгандир.

Лайлоп анил-тапил чойини ичиб, Таня опасиникига югуради.  
Унинг ортидан термуларкан, Хайрихон опа яна ўйга тол-  
ди...

Катта фарзанди етти ёшида оғир хасталик туфайли ҳаёт-  
дан кўз юмганди.

Яккаю ёлгиз ўнлари касалманд туғилганидан эр-хотин  
ўзларини кўярга жой тошомасди. Қудрат ака ўғли Қобил-  
нинг айтганларини сўзсиз бажарар, унинг учун ҳамма нар-  
сага тайёр эди.

Қобил охирги касалхонага ётган қезлари шифокорлар энди  
умид йўқ, дега эр-хотинининг диалини баттар сиёҳ қилишиди.  
Ўшанда Хайрихон опа кичик қизига ҳомиладор эди. Қобил-  
нинг ўлим билан олишаётган сўнгти кунлари кўзи ёриди.

Отаси ўелига бу янгиликни айттанды, у:

— Ада, синглимга нима исм қўясизлар, — деди.

— Қайси исм сенга маъқул?

— Менинг айттаним бўладими?

— Албатта,

— Айхоо, синглимнинг исми Айхоо бўлсин.

— Ия, қаердан олдинг бу исмни?

— Мультфильмдаги буту боласининг исми. Уни бўрилар қувлади, аммо етолмайдилар. Довирорак, кўркам буғча.

— У буғча ўтилмасмиди?

— Билмадим...

Қудрат ака бевакт ҳаётдан кўз юмаётган ўғли қошида музтар ўтираркан, унинг сўнгти илтимосини бажаришни ўзи учун фарз деб билди.

— Қиз болаларнинг исмига мослаб «Лайхоо» деб атасакчи? — деди ўғлига.

— Майли, ада, Лайхоо чиройли исм экан.

— Яхши, унда буни ойингта айтаман.

Орадан бир ҳафта ўттач, Қобилнинг жони узииди. Унинг истаги билан янги туғилган чақалоқнинг гувоҳномасига Лайхоо деб ёзилган бўлса-да, айтишга ўнгай, дёя унинг яқинлари Лайлоб номи билан чақира бошлиди.

## ТАНЯ ОПА

Хайрихон опанинг қўшниси Татьяна Васильевнани маҳаллада ҳамма «Таня опа» деб чақиришади. У биринчи қаватда яшайди. Таня опанинг қизи билан ўйли Красноярск томонларга кўчиб кетганига анча бўлган. Қўярда-қўймай Таня опани ҳам ёнларига чақириб олишганда, икки ой ўтмай, совуқ экан, деб у қайтиб келди-ю, қўшиларга дангал гапни айтди:

— Бутун умрим иссикда ўтди. Совуқ жойларга кўнига олмас эканман. Ўзимнинг серқуёш юртимдан қўймасин! Мени энди ҳеч ким бу диёрдан ажратса олмайди. Ўлсан ҳам хоким шу ерда қолади.

Шундан сўнг Таня опа ҳар-ҳар замонда болалари ва набираларини кўргани бормаса, деярли у томонларга қадам босмай қўйди.

Унинг бу ерда иккита уйи бор. Бигтасида ўзи бароқ мушуги билан яшайди. Қарисидаги тўрт хоналик уйида эса ҳар хил пишириқлар пиширишни ўргатадиган ўқув курслари очган.

Хар ойда ўн-үн беш қиз-жувонлар бу курсни битиришади. Аввалига асосий машғулотларни Таня опа ўзи олиб борарди. Энди эса иккита ёрдамчиси бор: бири Элмира, иккинчи Лайло.

Элмира – ёши каттароқ жувон. Тингловчиларга ўзбек ва рус тилларида бир кун назарий, иккинчи кун амалий машғулотлар ўтади. Охирги пайтларда амалий машғулотларни Лайло ҳам ўта бошлади.

Бу ерда ўндан ортиқ турдаги пишириклар бир сәйде давомиде ўргатилиб борилади. Рецептлари бекитилмай, барча тингловчиларга етказилади.

Лайло бу курсда икки йил бурун ўқиб чиққанди. Зийраклиги ва ишга укуви борлиги учун Татьяна Васильевнага маъқул келиб қолди. Аёл баъзан Лайлонинг орасталигини кўриб, «Аккуратная, добросовестная», деб мақтаб қўяди. Лайло саккизинчи синфгача рус мактабида ўқиганлиги боис Таня опа билан бемалол гаплаша олади.

Ўтган йили Лайло тўқимачилик институтига ҳужжат топширганди, аммо тест синовидан ўтолмади. Йиқдан бали бироз етмай қолди.

Шундан сўнг Таня опа қизни ўзининг ёнига олди. Аввалига у маҳсус буюртма билан пишириладиган торт сирларини қизга ўргатди. Лайло яхшилаб ўргангач, бу вазифани бутунлай ўзига топширди.

Сўнг қизга маош тайинлади. Ҳисобчи Лайлонинг ишига қараб, ойма-ой пул бера бошлади. Шунинг ҳисобидан қиз ўзига бир-иккита тилла тақиңчоқлар олиб қўйди.

Таня опа Лайлони ўз қизидай яхши кўриб қолганди. Лайло ҳам Таня опани жуда ҳурматлар, ҳар бир ишини у билан бамаслаҳат қилишга ўрганганди. Қизининг яхши аёл қўлида ишлалёттанидан севинган Хайрихон опа ҳам Таня опани бирор бир баҳона сабаб тез-тез уйига чақирад, бу иккала аёл яхши ёмон кунларида бир-бирларига суюнчиқ эдилар.

У ҳам тортинимай кириб қелади. Хайрихон опа билан ачомлашиб кўришади. Бу оиласалар бир-бирига боғланиб қолишган. Таня опанинг фарзандлари Россиядан таътилга келганда, албатта Хайрихон опага, қизларига алоҳида-алоҳида совғалар олиб қелишади.

Хайрихон опа ҳам уларни сийлаб, қуруқ мевами, Таня опанинг набираларига спорт майкаларими, трусикларми бериб юборади. Икки қўшни оила ўзаро бир-бирларини кичик совғалар билан бўлса-да, хурсанд қилишни билишади.

Кундалик түрмушда маслаңатлашиб үрганған Хайрихон опа, қизи Адібани үзагиша негадир Таня опага маслаңат солмай, бошқа таниш-билишларининг мақтовори билан күевга узатди қўйди. Орадан бироз вақт ўтгач, Адіба қайнонаси билан қизалик уйига меҳмонга келганда, Таня опа қизик бир гапни айттиб қолди:

— Хайрихон опа, кўзинг қаерда эди? Адібани куйдирисан-ку, аёл куданг ҳақиқий мешчан экан!

Кейинчалик Хайрихон опа: «Мешчан нима дегани экан?»

— дея анча вақтгача бирорлардан сўраб-суринтириб юрди. Кўпчилиги билмайман дегандек елка қисиб кўярди. Аммо бир кўшиниси, тор фикрли, манфаатпараст аёлларни шундай дейишади, дея тушунтиргач, Хайрихон опа Таня опани нақадар топиб айтганлигига қойил қолди. Айниқса, Адібага ҳайитлик юборишганда, бунга яна бир бор икрор бўлди...

Хайрихон опа арафа куни, қудаларим норози бўлишмасин деб, қизига мўл-кўл қилиб ҳайитлик жўнатди. Аммо эртаси куни ёқ телефон орқали қудасидан дакки эшилди.

— Мўлроқ килиб олиб келсанглар бўлмайдими? Сизларни билмадим-у, лекин биз юрт ичида юрган одамлармиз, элдан уяламиш. Кўни-кўшилар: «Юборган ҳайитлигини қаранглар, қанақа жойга қуда бўлгансизлар?» — дейишса яхшими?

Хайрихон опа гапиришга эпди оғиз жуфтлаганди ҳамки, қудаси шарақлатиб гўшакни қўйди.

Ўшанда ҳам Хайрихон опанинг жонига Таня опа оро кириб, анча пул топиб берди. Ҳар хил пишириқларни эса Лайло кўшини келинлар билан кечаси пишириб чиқди.

Кўшилари гапни орасида, ҳайитта юборган масаллиқларингиз юрт қатори тўқис эди, қудангиз шунчалик ношудми, бундек режали бўлса, уч кунга бемалол етарди, сал у ёқ-бу ёққа қараб столга тортмабди-да, деганлар ҳам бўлди.

Ҳайит ҳам ўтди. Қуда томон мақтов тутул, раҳмат ҳам айтмади. Қуда бўлмиш Мухтабар опа шунақа қалондимоғ, ўзгани одам қаторига қўшмайдиган аёллар тоифасидан эди.

— Лайлони узатадиган бўлсангиз, ўзим бўлажак күев билан ҳам, ота-онаси билан ҳам гаплашаман. Ёқса, шунга беринглар, дейман. Ёқмаса, бермайсизлар, чунки Лайло менинг ҳам қизим, — деди Таня опа бир куни Хайрихон опадан Адібанинг дардини эшигаркан.

Қудасидан панд еган Хайрихон опа Лайлони узатайтганда, унга маслаңат солишига ваъда берди.

Таня опа Лайлого пиширикларнинг қолипларини вакти-вакти билан алмаштиирмаса, яхши чиқмаслигини доимо уқти-рарди ва эринмай бозор айланиб, қолип танларди. Яқинда бу ишларни ҳам Лайлос мустақил равишда ўзи бажарадиган бўлди.

Таня опа бир куни қолипни қандай танлашни ўргатиш учун Лайлони Чорсу бозорига олиб чиқди. Қатор устахоналарда турли-туман асбоб-анжомлар ясаётган темирчиларга учраб, Лайлого уларни таништириди.

— Таня, қизингизни олиб келдингизми? — деди уни олдиндан танийдиган Абдувосиқ деган уста.

— Ҳа, қорасочли қизимни олиб келдим, — кулди Таня опа.

Лайлос уялиб, унинг елкасига бошини қўйди. Таня опа унинг соchlарини майин силади.

Ичкаридан Абдувосиқ, тёмирчининг ўели Козим чиқди.

— Ассалому алайкум! — деди бир опага, бир Лайлого қараб.

— Ваалайкум ассалом, Козимбек, яхшимисан! Танишинглар, бу менинг шогирд қизим Лайлос. Бундан бўён қолип олишга у келади. Яхшилаб тайёрлагин, сифати пасаймасин.

— Бўлди, гап йўқ! Бурчакларини ҳам чиройли қилиб ясаб бераман.

Абдувосиқ ака ўғлиниң қиздан кўз узолмаёттанини сезиб, Таня опага сўз қотди:

— Қизингиз ҳали ёшмасми, ишни эплайтими ўзи?

— Мендан ҳам зўр эплайди.

— Хўш, қизим, буюртмаларни энди сендан оларканмизда, — деди Абдувосиқ ака ва Лайлони уқувини синааб кўрмоқчи бўлиб, — қайси металл сенга кўпроқ маъқул? — деб сўради.

— Шу қолипни қайси металлдан тайёрлаган бўлсангиз, бошқаларини ҳам шундан қиласиз, — деди Лайлос ҳеч бир ўзини йўқотмай қўлидаги қолипни кўрсатиб. — Катта-кичклиги, шакли, бурчаклари мос, қарама-қарши тушсин. Нархи ҳам ўзгармасин.

— Йўқ, энди ҳеч бўлмаса нархи ўзгаради. — деди уста қизнинг пишиқ-шуҳталигидан завқи келиб...

Ҳамма бирдан кулиб юборди.

— Оббо, қизим-эй! Устозингдан ўтаман, дейсан-а?! Металлнинг нархи ошган, патент пули кўтарилган. Битта қолип аввал бир ярим минг бўлса, энди икки минг бўлди. Розимисан?

— Хўп, розиман, аммо шарти, уч кунда тайёр бўлиши керак.

Уста Козимни сұхбатта чорлаш учун атай унға юзланды:

- Үглім, қаңон тайёр қиласан?
- Майли, уч кунда ясаб бераман. — деди йигит оғзи қулоғига етиб.

Таня опа билан Лайлоду бу гапдан кейин улар билан хайрлашиб жүнаб кетиши.

Таня опа Лайлони гүмбаз остидаги расталарга бошлады. Қаймок, творог олиб, қай жойдан харид қилишини күрсатды, сотувчиларга Лайлони таништириди.

Себзөрдеги үйларига «Зарқайнар» супермаркети тарафдан айланиб келишаркан, Таня опа сүрады:

- Адібани турмушы қанақа?
- Жуда ёмон!
- Энди сен әхтиёт бўл.

Улар уйга етиб келиши.

— Таня опа, юринг уйга, чой ичамиз, — деди Лайлоду уйга еттач.

— Раҳмат, қизим, уйимга бориб бироз чўзилай. Чарчадим шекилли, эртага вақтли чиқ.

## ТУРМУШ МУШТ

Лайлоду ҳам ўз подъездидан иккинчи қаватта кўтарилса, эшик қия очиқ экан. Ҳайрон бўлиб, уйга кирди. Кимдир келибди, шекилли, балкондан ғўнғир-ғўнғир товуш эшигиларди.

- Ойи, мен келдим, — деди у туфлисини ечаётib.
- Ҳа, келақол, ош тайёр.
- Ҳозир.

Лайлоду ваннахонага кириб, юз-қўлларини ювиб, ораста бўлиб чиқди.

Адіба келган экан. У опаси билан кўришаётib, Адібанинг кўз ости кўкарганини сезди, аммо индамади.

Уларнинг үйларида қандайдир кўнгилсизлик ўтгани аниқ эди. Онасиам, опасиам индамагандан сўнг Лайлонинг ўзи сўраб-суриштиришга ийманди.

Лайлоду онаси, опаси ёнига чўкиб, ош ейишга тутинди.

Адіба шунчаки чўқилаб ўтириди. Унинг хаёли аллақаерларга кетиб қоларди...

Орадан бир-икки кун ўтди. Аммо Адібанинг ортидан ҳеч ким келмади. Ҳайрихон опа жаҳд устида қизини ажратиб олишини ўйлай бошлади. Ёлғиз қолиштанда секингина қизидан сўради:

— Күёв билан яшаб кетишининг кўзинг ётадими? Биламан, феъли қайсар эшақдек. Яна қўл кўтарадиган одат ҳам чиқарбиди?

— Билмадим ойи. Бир ҳисобдан индамаслиги яхши. Ортиқча инжиқлик қилмайди, бўлар-бўлмасга жанжал чиқармайди. Фақат онасида гап кўп. Кун бўйи қаерлардадир сангиф юради-да, уйга келиб жаги очидаи. Қилган ишларимдан хато қидиради.

— Жанжал, ўзи, нимадаң чиқди?

— Менда ҳам айб бор, шекилли, — аста бошини эгди Адиба.

— Қанақа айб?

Адиба «айтсамми-айтмасамми» дегандек, бир зум иккилашиб қолди. Сўнг аста гап бошлиди:

Ўша куни қайнонамнинг уйини йиғиштираётсан, столда Шаҳлонинг рейтинг дафтарчаси турган экан. Қайнонам доим қизим яхши ўқииди, деб мақтанарди. Қизиқиб дафтарчани қўлимга олдим. Қарасам, ҳамма баҳолари уч экан. Қайнонам билан тапимиз қочиб, у менинг ношудлигимни юзимга солавергач, шу сирни билмай очиб кўйдим. Буни қайнотам билмас экан, ҳаммасини олиб бориб, олиб келди.

— Уйда биттаям иш қилмасанг, онанита ўхшаб қўчадан бери келмасанг, кирингни ювмасанг, аълога ўқияпти деб индамасдим, менинам ҳалитдан алдашга ўтдингми, шумғия? — деда қайнотамнинг жаҳли чиқиб, Шаҳлога тарсаки туширди.

— Вой, ота қизини урса, бебаҳт бўлади! Нега урдингиз?! — деда қайнотам йиғлашга тушди.

Қайнотам жаҳл билан кўчага чиқиб кетди. Қайнонам эса бор аламини мендан олди. Эрим ишдан келиши билан қўшибчатиб чақиб берди.

— Бизнинг оила ишига сен аралашма! — деди эрим ўшқириб.

— Мен бу оила аъзоси эмасманми?! Кимман бўлмаса? — деда йиғлаб юбордим.

— Сиз ҳозирча бир малайсиз. Кейинчалик балки ўйлаб кўрармиз? — деди қайнотам.

— Мен малайлик учун бу уйга келмаганман! Оримни, қадримни яхши биламан! — дедим алам билан.

— Ана, яна гап қайтаряпти! — эримни гижгижлади қайнотам.

Эрим эса юзимга тарсаки туширди. Қаттиқроқ урдими, кўзим тиниб, йиқилиб тушдим. Кейин нима бўлганини билмайман.

Қайнотамнинг:

— Иккикат хотинни ҳам урадими, Галварс?! — деган тапи злас-злас қулогумга чалинди, холос.

Кўзимни очсан уйда ётибман. Ҳовли жимжиг Эрим шу холимда мени ташлаб, кўчага чиқиб кетибди. Қайнонам билан қизи уйда телевизор кўриб ўтирарди. Ҳурлитим келди, жаҳл устида нарсаларимни йигдим-у, бу ёққа келдим. Аммо энди шушаймон бўлаяпман. Бекор келдим. Оғирроқ булишим керак эди. Ҳамма айб менда обижон. Сизни ҳам ташвишга кўйдим.

— Вой қизим, нега айб сенда бўларкан?! — деди Ҳайрихон опа алами келиб.

## КИССАВУРНИНГ ҲИЙЛАСИ

Лайло бозор оралаб кетаркан, ногоҳ сумкаси киттальниб қолганлигини пайқади-ю, юраги шув этиб кетди. Шоша-шиша сумкасини титкилашга тушибди. Қараса ҳамёни йўқ, текис қирқилаган сумкасининг тагидан шамол кириб ётибди. Лайло турган жойида қотиб қолди. Энди нима қиласман?! Таня опага нима дейман?! — деди ичиде вахима билан. Бўғзига аччиқ бир нарса тикилиб, ийрагиси келди. У ўзини жуда пишиқ-пухта қиз, деб ўйларди. Мана пишиқ-пухталиги. Кутша-қундуз куни, одам унча тикилинч бўлмаган бозорда ҳамёшини ўргига олдириб ўтирибди. Лайло нажот излагандек, аланглаб ён-атрофга қарди. Балки, адашгандирман, деган ҳаёлда сумкасини қайта-қайта ковлаб кўрди. Аммо ҳар гал сумкасига қўлини тиқданда бармоқлари қирқилаган тешикдан ташқарига чиқиб, мана ҳеч вақо йўқ, деяётгандек, таъбини тирриқ қиласми. Юрай деса оёқларидан мадор қочгандек ўринидан жилолмай қолди. Бозор ўргасида серрайиб турганлиги учун ўткинчилар уни бехосдан туртиб юборар, арава судраб ўтаётган ҳаммоллар эса «Пўшт-пўшт», дей уни четроққа чиқишга ундарди.

— Ҳой қиз, четга ўт! — деди шу пайт кимдир унинг нақ кулоқлари тагидан чинқириб.

Шундагина Лайло ўзига келди. Аранг оёғини судраб, супермаркет томонга юра бошлиди. Шу пайт кимдир ортидан эргашгандек туюлди унга. Аммо қиз бунга эътибор берадиган аҳволда эмасди. Чунки унинг бутун фикри-зикри йўқолган пулида, шамол ўйнаб ётган сумкасида эди. Қолип олодмай Таня опанинг ёнига қуп-куруқ қайтаётганини ўлагани сари

дами сиёх булиб кетаёттанди. Киз энди бозордан чиқай де-  
танды бир йигит келиб, унинг йўлини түсди. Лайлло ҳайрон  
булиб, унга қаради.

— Ҳа? — деди зардаси қайнаб.

— Сизга нима бўлди? Худди бир нарсангизни йўқотган-  
дек тушкун аҳводдасиз?

Йигитнинг хол сўраши Лайлонинг кўнглини юшратиб  
юборди.

— Ҳамёнимни ўтиратиб қўйдим. — деди кўзлари жиққа  
ёшга тўлиб.

— Ия, ёмон бўлибди-ку. Қаерда йўқотдингиз!

— Гумбаз ичида, — деди Лайлло қули билан бозор томонни  
кўрсатиб, — Ойимга ярим кило курт олғандим. Ўғри пойлаб  
турганини сезмаган эканман.

— Балки тушириб қўйгандирсиз?

— Йўқ, мана сумкам ииртилаган, — деди Лайлло таги тешик  
сумкасини йигитта кўрсатиб. — Ўғри олгани аниқ.

— Ҳа, тўғри, кесиб олишибди номардлар. Ҳамён чармали-  
миди?

— Йўқ, чармалмас, заменител.

— Ҳа, майли, бўлар иш бўлибди. Сиз кетмай туриңг, мен  
ҳозир сўраб-суринтириб келаман, — йигит шундай деб гум-  
баз томон югуриб кетди. Лайлонинг дилида умид уйғонди.  
Топиб келса-я?! Қандоқ яхши бўларди, — деди юраги ҳап-  
рикиб. Шу умид билан анча пайт кутиб турди. Йигит кела-  
вермагач, ҳафсаласи пир бўла бошлади.

«Бегона бир йигитта ишониб, лақиллаб ўтирибман-а, —  
деди ўз-ўзидан ранжиб. У йигит менга ким бўлибди, ҳамё-  
нимни тошиб берса? Раҳми келганидан айтди-қўйди-да».

Лайлло кетишига чорланиб йигит югуриб кетган тарафга бир-  
икки марта аланглаб қўйди-да, сўнг оҳиста юра бошлади.  
Аммо бозордан чиқаёттанды яна бир бор ортига қарагиси кел-  
ди. Ва шундай қилди ҳам. Шу пайт бояги йигитнинг бир ўспи-  
ринни судраб келаёттанини кўрди-ю, худди пули топилган-  
дек қувониб кетди. Йигитнинг етиб келишига сабри чидамай  
шошқалоқлик билан у томон юрди.

Ичида умид учқунлари ёнарди унинг:

— Бахтингиз бор экан, — деди йигит рўпарама-рўпара  
келишгач тиржайиб. — Мана, Санжар деган бола ҳамёин-  
гизни ердан топиб олган экан. Бозор радиоузелига энди ха-  
бар бергани кетаёттанды тўхтатиб қолдим.

- Шуми? — деди ўспирин Лайлого ҳамёнини күрсатиб.
- Ҳа, — деб ҳовлиқди қиз.
- Мана, олинт.

Лайло ҳамёнини қўлига оларкан, қувончдан ўзини қўярга жой тополмасди.

- Ҳамёни очинг-чи, пулларингиз жойидамикан? — деди йигит.

Лайло шоша-ниша ҳамёнини очди. Пуллари жойида.

- Тошиб олсанг ҳам санаб ол дейишади, — деди йигит зўр ишни қойиллаттандек керилиб. — Санжар, сен санадингми?

- Йўқ, мен бирорвнинг пулинин санамайман. — деди ўспирин.

Лайло эса пулни санаш ёки санамаслигини ҳам билмай ҳамон эсанкираб туради.

- Сизга катта раҳмат, — деди, ниҳоят, ўзига келиб.

Йигит қизнинг катта-катта чиройли кўзлари қувончдан янада чиройли бўлиб кетганини кўриб, юраги ҳаприқди.

- Менинг исмим Юсуф. Сизники-чи? — деди сўнг таваккал.

- Лайло, — миннатдорчилик юзасидан ўзини танишириди қиз.

- Ия, шунақами?! Нега Зулайҳомас?

Қиз кулиб юборди.

- Билмасам, — деди сўнг бошини бир ёнга қийшайтириб.

- Келинг, пулингизни санаб берай, — деди йигит унга меҳрибончилик кўрсатиб.

Бу гап негадир Санжарга ёқмади. Қовоғини солиб олди.

- Пулингиз қанча эди ўзи? — деди Юсуф Лайлонинг пулинин санай туриб.

- Юз эллик минг сўм.

- Мана, ҳаммаси жойида экан, — санаб бўлиб пулни узатди Юсуф.

- Ҳа, бир сўми ҳам камаймабди. Йўқотган нарсамни биринчи марта тошиб олишим.

- Мен ҳам олган нарсамни биринчи бор қайтариб беришм, — беихтиёр пичирлади Юсуф.

- Бир нима дедингизми? — ҳайрон бўлди Лайло.

- Ҳа, йўқ, шунчаки ўзим... Сен энди кетавер Санжар, — деди Юсуф бояги ўспиринга юзланди.

- Ҳамёнингиз топида. Пулларингиз жойида. Суюнчи бермайсизми? — безбетларча тиржайди ўспирин.

Юсуф унгә ўқрайиб қаради. Қыз шошиб қолди.

— Мана ҳозир. Беш минг берсам етадими? — деди сұнг астайды.

— Майли, менга змас, Юсуф акага беринг. Йұли шунақа...

Бозордаги тилла магазини олдида шунчаки ҳомузға тортиб турған Юсуф үзокдан Лайлони күрді-ю, юраги жыз этиб кетди. Қызниң хүсни-жамоалы, тик қомати ва шу қадди-бастиға чиппа ёпишган ҳаворанғ қўйлаги ҳам жуда ажойиб зди. Юсуф бир дам ундан кўз узолмай қолди. Миясида «Қыз билан қандай танишсамийкин?» деган фикр ғужғон үйнай бошлади. У билдиримайгина Лайлонинг ортидан тушди. Қыз эса ҳеч нарсадан бехабар аввал олма ва аноялар растасидаги нарх-навони суриштириди. Олма-анор олмоқчи бўлди, шекилли, бироз тўхтаб үйланиб қолди. Сўнг нимадир зсига тушиб, расталарни охиригача айланмай, гумбаз ости томонга юрди. Қошлари қалин, қоп-қора хотиннинг ёнида тўхтаб, куртнинг нархини сўради. Куртчи хотин алланималар дея жавраганча олдидаги майда синиқ куртчалардан бир бўлагини кўярда-кўймай қызниң оғзига солди. Қизга қора хотиннинг қурти маъқул келдими ёки еган оғиз уялар, қабилида иш тутдими, ҳарқалай ўша аёлдан қурт сотиб олди. Сўнг қурт солинган целофан билан бирга ҳамёнини ҳам сумкаласига солиб қўйди. Қызниң бу хатти-ҳаракати Юсуфнинг назаридан қочмади. Гумбаздан чиқишида одамлар жуда тирбанд зди. Ўша ерда Юсуф қизга тегиб-тегмай унинг сумкасини чархланган танга билан кесиб юборди.

Кейин бүёғи унинг учун силлиқ кечди...

Лайло иўқ деса ҳам Юсуф уни темирчилар растасигача кузатиб борди.

Лайло буюртма берилган ўттиз иккинчи, яны Абдувосиқ аканинг дўконини яхши эслаб қолганди. Шу боис тўшпа-тўғри ўша ерга борди. Фақат дўконда Абдувосиқ аканинг ўғли Коғимниң ёғлиз ўзи экан. Қизни кўриб, оғзининг таноби қочди.

— Қалайсиз? — деди Лайлого пешвоз чиқиб.

— Яхшимисиз. Буюртмаларим тайёр бўлдими?

Коғим қызниң ёнидаги йигитни кўрди-ю, бирдан қовоги осилди.

— Бўлди. Мана ўттизта қолип, — деди истар-истамас.

— Нархи ўшами?

— Ҳа, келишганимиздек, икки мингдан.

— Эй, нима деяпсан?! — деди Юсуф бирдан. — Икки минг?! Битта тешик кути шунча қымматми?!

— Қымматмас. Мехнатига яраша-да.

— Барыбір, нархи жуда баланд.

— Сен үзинг шу құлларинг билан биттасини ясаб күр, кейин гапирасан, — деди Козим құлларини унта күрсатди.

Унинг ёрилган, ғадир-бұдир бармоқларини күриб, Лайлонинг раҳми келди.

— Сен құлларинг билан пул топсанғ, мен оғерм билан топарканмамы?! Менинг бармоқларим сеникідан қийнірок ишларни ҳам оппа-осон бажара олади.

Юсуф шундай деб кафтини очди. Унинг бармоқлари жуда нозик ва силлиқ, эди.

Козим қыздарниң көзіндегі құллар кимде бўлиши мумкинлиги ни хаёлига ҳам келтирмай, порози оҳангда деди:

— Сен шинанин чалсанғ керак-да. Құлларинг билан мақтанма. Хўш, оласизларми үзи? Аммо материал тоза. Нержавейка. Зангламайди.

Қиз Юсуфга қаради.

— Кўяверинг, — деди сўнг ялингудек бўлиб, — Худо бир олиб, қайтарган пуллар-да. Сиқиб нима қиласман?!

«Мен олиб, қайтарган пуллар», деб қўиди Юсуф ичида инжиниб.

Лайло пулни Козимга узатди.

— Келиб туриңг, — деди Козим негадир жуда тушкун овозда, қолип солинган пакетни берәтиб.

— Аввал қолиларни устозимга кўрсатай. Ишларингиз маъқул бўлса, яна келарман.

— Майли. Кейинги сафар нархини тушириб бераман.

— Боя туширсанғ бирор еринг камайиб қолармиди? — яна баланддан келди Юсуф.

Козим ўқрайди.

Юсуф билан Лайло кулиб-хангомалашиб кетишиди.

Темирчи йигиттга алам қилди. Қизнинг үзи сўраганда ёки ёнидаги йигит аралашмаганда, эҳтимол, қолиларни ярим баҳосига бериши мумкин эди. Баҳонада қизни үзига боғлаб олиб, ёнига тез-тез келадиган мижозга айлантириб олармиди...

Эсиз, анави бола ишнинг белига тәпди-да.

Юсуф Лайло билан «Зарқайнар» ёнидаги катта йўлга чиқди.

— Сизни ишдан қолдирдим, — деди Лайло хижолат чекиб. — Мени деб, энди хўжайинингиздан тан эшитиб қоласиз.

— Ҳечқиси йўқ. Хўжайнимиз пул йигишга тушдан кейин келади. Мени ҳозир ишда йўқлигимни билмайди. Ундан кўра менга телёфон номерингизни беринг. Бирор ёрдамим керак бўлса дарров ёнингизда пайдо бўламан.

— Менинг телёfonim йўқ.

— Йўр-э?! Кўл телефонингиз йўқми?

— Йўқ.

— Унда меникин олинг. Мен бошқасини сотиб оламан.

— Қўйинг, ҳаддингиздан ошманг. — деди Лайло йигитдан бироз ранжиб. — Мен кетдим, хайр.

— Тўхтанг, кетсангиз сизни кейин қандай топаман? Нажотки, уй телефонингиз ҳам йўқ бўлса?

— Бор, — деди Лайло иккиланиб.

— Унда номерингизни айтинг, илтимос.

— Ойимга нима дейман кейин?

— Борини айтасиз.

Лайло нойлож уй телефони ракамини айтди.

— Эртагаёқ телефон қиласман, — деди Юсуф қувониб.

— Йўт-эй, шунчак тез телефон қиласизми?

Юсуф мийикида кулиб қўйди. Лайло кўринмай кетгунча ортидан термулиб қолди...

Лайло пули топилганига хурсанд бўлиб унга оилавий ахволи, қаерда яшashi ва нима иш билан шугулааниши ҳақида очик гапирганди. Аммо Юсуф ўзининг нима иш билан шугулланиши ҳақида қизга лом-мим демади. Қизнинг «Нима иш қиласиз?» дея берган саволига директорга ёрдамчиман деб қўя қолганди...

Юсуфнинг чўнтағида ҳар доим пули кўп бўларди. Майда киссавур ўғрилардан фарқли ўлароқ, пулдор кишиларни одамлар орасидан жуда тез ажратиб оларди. У феъл-атвори жиҳатдан отаси Умар ошпазга ҳам, акаларига ҳам уҳшамасди. У уйда энг кичик фарзанд бўлгани учунми, тантик ва эрка бўлиб ўғланди. Лекин ўта зеҳни ва фаҳм-фаросатли эди.

Иккита акаси отасининг ишини давом эттириб, ошпазлик билан шугуллана бошлиди. Уларнинг асосий даромадлари шу касб орқасидан эди. Умар ошпазнинг ота-бувалари ҳам овқат пишириб, бозорга олиб чиқиб сотишган экан. Ҳозир ҳам бу оила аъзолари бозорга лаган-лаган ош ва ҳоним тўла тогоралар олиб чиқишиди. Бозордаги сотувчилар Ҳам Умар ўшпазнинг ошига, унинг хотини Салтанат сатанинг эса ҳони-

миға сипік. Аввалдан буюртма беріб күнишмаса, ош билан хоним етмай қолиши мүмкін.

«Бир ошазнинг обрұси бұлса, Умар аканикича бұлар», дейди күни-құшнilar уларга қавас қылғы. Шу обрұси туфайли Умар ака яхши-яхши кишилар билан қуда-андә бұлды.

Фақат йиллар ўтиб, унинг обрұсига бироз соя түшди. Бу унинг кичик ўғлы Юсуф туфайли эди. Умар ака билан хотини маслаҳатлашиб: «Юсуфни оғыр мекнатдан озод қылайлик, хеч бұлмаса шу кенжатойимиз ўқимишли инсон бұлсын», деб уни бозорға овқат ташиш каби майдың-чүйдә юмушлардан озод қилишганди. Аммо эр-хотиннинг орзуында орзулигича қолди. Тұғри, аввалига Юсуф бешинчи-олтигчи синфларгача мактабда аъло баҳоларға ўқып келаёттан эди. Сұнгра ота-она назорати сусайдими ёки күча болаларға күшилдими, ҳарқалай унинг феъли айний бошлади. Еніда оргикча пуллар пайдо бұлды.

Юсуф ишёқмас, мекнатта бүйінші ёр бермайдиган бола бұлсада, мұмай пул топишнинг йүлітпі биларды. Умар ака ўғлиниң қандай йүлга кирганини билгана, вакт үттән эди. Қайтармоқчи эди, аммо фойдаси бұлмади. Шундан сұнг Умар аканинг шашті синди, тоби қочиб, тез-тез қон босими күтариладиган бўлиб қолди. Ич-ичидан эзилиб, «Бизнинг уруғда бундайлар бўлмаган эди» дейди-ю, аммо беданабоз, чойхонадан бери келмайдиган ишёқмас кичик укаси кўз олдига келиши билан тишини тишлаб қолади. Кичик укаси у билан бир девор қўшини, отасидан қолган ҳовлида яшайди. Умар Юсуфни тергашга тушиши билан укаси дарров ёнини ола бошлайди.

— Эй, ака, биттаси шунақа чиқса чиқибди-да. Шунга шунчами, — дейди у шанғиллаб. — Мана мен ҳам юрибман-ку маза қилиб. Бирордан кам жойим бўлмаса. Сизга оғирлігі тушаяптыми шу боланинг? Қўяверинг, бир куни одам бўлиб қолар. Қўрасиз ҳали, бүнингиз шундай обрў орттирадики, ҳатто ақаларини ҳам етаклаб юради.

Амакиси башорат қилганидек, Юсуф ақаларидан кўра маҳаллада анча обрў топтанди. Пўрим кийинар, катта-кичикнинг хурматини жойига қўярди. Қурбонликларда кўй сўйдириб, ҳайнит-байрамларда ота-онасига совға-саломлар қилишини кўрган кўни-қўшни: «Умар аканинг шу боласи бопқа-ча чиқди-да», дейишардя қавас билан.

Бир куни маҳалла ичидан кичикроқ бир ер сотилаётганини эшиттән Умар ака: «Аттант пулымиз кам, йўқса шуни олиб қўйсан яхши бўларди», деб қолганди, Юсуф дарров отасига пул чиқарыб берди. Шундан кейин Умар ака ўғлини тергамай қўйди.

Юсуф шуни кутиб турган эканми ё омади чопдими, бойлик унга ёмғирдек ёғилиб кела бошлади. Бозордан кичикроқ бир дүкон сотиб олди. Ичини мол билан тұлдирғач, үзи савдо қилмай сотувчи ёллади. Шундан сүнг у майда ишларни йигиштириб қўйиб, үзини савдога урди. Катта-кatta юк машиналарида мол олиб келиб, сотишни йўлга қўйди. У гоҳида бу қаби ишлардан ютар, гоҳида ютқизарди. Ва шунда ҳам ҳеч қачон «Эх, аттанд» дей пушаймон қилмасди. Иши юришмай қолса бирорвга нолимас ва ҳеч кимга сир бой бермасди ҳам.

Акалари ўз рўзгорини тебратиш билан овора бўлиб юрганда, у отасига «Нексия» олиб берди. Унинг хотамтойлигидан қаттиқ таъсиrlаниб кетди шекилли, Умар аканинг кўзидан ёш тирқиради.

— Илоҳим, ишларинг бароридан келсин. Оллоҳ, ризқингни улуғ қылсан, — дей қисқагина дуо қилди-ю, кўзларини яшириб олди.

Ичидә: «Ўзинг кечир, эгам. Ишқилиб, боламни ўз паноҳингда асра», деди юраги эзилиб.

«Ўғирликни ташладим» деган йигитта эски қасби Лайлобилан танишиб олишишига аскоттан, у ичидә, охиргиси шу, деб яна ўзича қасам ичиб қўйганди.

## КЎЧА КЎРГАН ЮСУФ

Юсуфнинг ўғрилик кўчаларга юриб кетишига аслида бир воқеа сабаб бўлганди.

Бундан ўн икки йиллар олдин Умар акага бойвачча қўшниси Қаландар кечки соат ўн иккilarга яқин беш-олти кишилик товук кабобга буюртма берганди. Ўша куни Умар аканинг қўли-қўлига тегмади. Юсуф ҳам акаси Содикқа ёрдамлашиб турди.

— Юсуф, бўл, манавиларни олиб чиқишига ёрдамлаш, — деди бир пайт акаси кабоб тайёр бўлгач. Сўнг иккаласи кабобларни катта лаганга бостириб қўшниникига олиб чиқишиди. Уй эгаси акасига айтган пулини берди. Шу пайт очик ҳавода, стол-стулда ўтирган меҳмонлардан бири Юсуфни чақириб қолди.

— Сен, кичкина, бу ёққа кел, — деди қўли билан уни имлаб.

Стол-стул атрофида бешта киши ўтирас, шулардан иккитасининг қўлида қарта бор зди. Юсуф уни чақирған семиз

киши тарафға юра бошлади. Яқинроқда үтирган катта әңдаги киши унга үтирилди. Шунда Юсуф беихтиёр унинг күлидаги қарталарға қаради. «Валет на ўн, жами шигирма экан», деб жүйди ичидә. Лекин ўша одам Юсуф унинг қартасига қараганини сезмади.

— Агар қарши бўлмасантлар, мен шу болани шерик қиласман, — деди семиз киши Юсуфнинг билагидан чанивлааб.

— Қанақа шерик? — ҳайрон бўлди даврадагилар.

— Ундан бир нима сўрайман.

— Нимани сўрайсан, ёш боладан? — деди бояги кекса киши ҳиринглаб.

Ҳамма кулиб юборди.

— У ёри менга ҳавола. Майдими. йўқми?

Даврага сукунат чўқди. Бошқалар ганирмади.

Уй эгаси ўргадаги жимланки бузиб деди:

— Ана, Акбарали бойнинг ўзлари ҳал қилсиллар. Бизлар пас. Ўйиндан чиққанмиз. Иккалангиз ўйшасиз. Қоидаси шунақа. Тарафлар келинса бўлгани. Ўргада нуч ёнроқмас, нуя тикилган.

— Юсуф, кетдик. — деди бир нимани сезгандек Юсуфнинг акаси Содик, узокдан уни имлаб чақириб. — Уйдагилар хавотир олади.

Ҳамма ялат этиб уй эгасига қаради. Юсуфнинг акаси ҳамма нарсага ақли етадиган каттагина бола эди. Унинг ҳали кетмаганлигига улар боя зыгибор беришмаган экан. Шу бое сироз типиричилаб қолища.

— Содик, сен боравер, — деди уй эгаси Содикка кўли билан имо қилиб. — Юсуф ҳозир сенга этиб олади. Аданга раҳмат, дегин.

Содик бош иргаб чиқиб кетди. Эшик танбаланди.

— Бу бола ким ўзи? — деди Акбарали бой синчковлик билан Юсуфга тикилиб.

— Умар ошазининг кичик ўсли.

Акбарали бой болага қараб кўнгли юмшаб кетди.

— Жуда келиншган йигитча экан, — деди жилмайиб. — Кизим бўлса шу болани куёв қилардим.

— Ҳа, қизлар жуда меҳрибон бўлади-да, — деди семиз киши бовини ликнлатиб. — Бой, афсуски, қизингиз йўқ-да.

— Акбарали ака, балки кўча-куйда, биз билмагая болаларингиз ичидә қизчаларингиз ҳам бордир, — деди үтирганлардан бири тиржайиб.

— Акбаралы бой ташлагас одамга ёмон қаради.

— Бунака гап билан ҳазиллашма, сұғи, — деди кескин. — Болингни салчадек узиб ташлайман-а. Билиб күй, ичишим, қимор ўйнатпым, баъзы ахмоқчилеклар қилишім мумкиндер. Аммо беникоҳ фарзанд күришдан ҳазар қиласан. Бунинг гуноҳи оғир...

Сұғи ялтоқланды.

— Бетамизлик қиадим, — деди бүйини згиб. — Оғзимдан чиқиб кетди.

— Бундан кейин гапнингни ўйлаб гапир, тушундигми?!. Билмаган нарсанғ ҳақида умуман оғзингни очма. Шу насиҳатим доим қулогышда бўлсин.

Орага сукунат чўқди.

— Шароб куйими? — деди уй эгаси ўргадаги нокулайликни бузнишучу.

— Күй, — деди Акбарали бой қошини чимириб. Қадаҳлар бир зумда шаробга лиммо-лим тўлди. Даврадагилар шароб куйилган қадаҳларни қўлларига олиб, ҳўплаб ича бошлиди.

Семиз киши бошини қашиб Акбарали бойга маъноли қараб қўиди. Бой унинг нима демокчилигин тушунди.

— Мен ҳам бир пайтлар манави йигитнадек Андижоннинг келиншгая боласи эдим, — деди унинг қарашига парво қилмай.

— Умр бир зумда ўтди-кетди. Тақдир тақозоси билан қай ерларда юрмадим, дейсиз. Ниҳоят, Тошкентда қўним топдим.

Акбарали бойнинг қарта ўйинидав кўнгели совиб, хаёли негадир болалик чорларига учганди. Тупроқни қишаоқ кўчаларида чопиб юрганлари, ярим чақирим наридаги катта анҳор сувидә чўмишгаплари, пахта далаларида кўсак терганлари бир дам кўз ўнтидан лип-лип ўтиб, кўксини тошдек бир нарса эза бошлиди. Бой беихтиёр уф тортиб чуқур хаёлга толди, кўзлари матъюсланди.

— Қобил бола кўринади, — деди сўнг бирдан ўзита келиб. — Қиморга алоқаси бўлмаса керак. Ё қарта ўйнаб туранми?

— Йўқ, адам ўйнатмайдилар, — деди Юсуф бош чайқаб.

— Бўлмаса ўйнармидинг?

Бола елкасини қисди.

Ўтирганлар кулиб юборишиди.

Семиз киши қаттикроқ кулди шекилли, кўлидаги қадаҳи қалқиб кетиб, шароб столга тўкилиб кетди.

— Шуни ҳам энлааб ича олмайсиз-а. Тўлқин ака, — деди уй эгаси жеркиб. — Қарта устига тўкилиб кетишинга сал қолди.

Эҳтиёт бўлинг-да, — у стол устига тўкилган винони кичкина сочиқча билан артиб одди.

— Боланинг ўйинга қўшилишига розилик берамизми? — деди Акбарали бой даврадагиларга юзланиб. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Чунки улар бойнинг феълини яхши билишади. У ён-атрофдагилардан фикр сўрашга сўрайди-ю, аммо ўша иши ўхшамай қолса сен айтгандинг, дея гапирган кишининг тे-рисига сомон тиқади.

— Кабир, сен айт-чи, — деди бой, учига чиққан қимор-бозга қараб.

Доимо қовоғини солиб юрадиган Кабир қиморбоз елкаси-ни қисди:

— Билмасам. Бу қийин масала-ёв. Янги қўшилганларнинг қўли бошида баланд келади. Яна, ўзингиз биласиз.

— Ҳа, буниси ҳам бор.

Акбарали бой сўфига қаради.

— Сен нима дейсан? — деди салмоқлаб.

— Тўлқин пухта бола билан ютса, сизнинг марҳаматингиз. Мабодо Тўлқин ютқазса, бизнесига барибир сиздан қарз олади. Тантанинг у ёки бу томони тушадими, омад, бойлик барибир сиз тарафда. Ҳаммамиз сизнинг соянгизда юрибмиз.

Акбарали ҳузурланиб кулди.

— Бояги гапларинг учун танобингни тортгандим, дарров ақлинг кириб қолибди-даа?! Мени маст қиласидиган гаплар-дан гапирдинг.

Акбарали энди уй эгасига юзланди:

— Қаландар, сен ҳам бир нима де-чи?

— Тўлқин ақадан аввало ютқазиб бериш лозим эди. Ойда-йилда бир марта ўйнайсизми-йўқми, шунга ҳам уялмай ти-ришиб ўйнайпти, ҳайронман.

— Нима, бу гапинг билан бизлар жўрттага сизга ютқазиб берардик, дембқчимисан?! Эй, бўлмадинг сен. Гапинг ўхшамади. Сендан кўра анаву кал сўфи пишиқ гапирганди.

Ҳамма гурр этиб кулиб юборди.

— Майли, болани қўшилишига мен розиман, — деди ахийри Акбарали бой Тўлқинга қараб. — Фақат шарти бор.

— Нима шарт экан? — жонланди Тўлқин пухта.

— Ютсанг чўтал берасан.

— Кимга?

— Кимга бўларди, шу болага-да.

— Майли, бераман.

- Қанча берасан?
- Билмасам.
- Қаландар, келиштир.
- Үртадаги бор пулнинг ўндан бири.
- Бе, ўндан бири шу ернинг ҳақи, — лаб бурди бой. — У билан тенглаштирма. Камида ўндан тұрткын беради.
- Энди күпайиб кетмадими?
- Бұлмаса болани құшма.
- Яхши, мен рози, — деди Тұлқин пухта.
- Ютқазсанғ бу болага даъвоинг йўқ, тұгрими?
- Албатта, уни ўзим киритайшман-ку.
- Аммо боланини биттә ҳам туки тұқилмасин. Бу менга болалигимни эслатди, — деди Акбарали бой.

Қарта тарқатаёттан Кабир қиморбоз Акбарали бойга қараб олиб, Тұлқин пухтага деди:

- Тұлқин, нима қиласан бұлмаса?
- Ҳозир.

Тұлқин пухта қартасини болага күрсатмоқчи эди, Қаландар:

- Күрсатма, — деди.

Акбарали бой нимагадир bemalol бұлиб қолғанди.

- Құявер, энди улар шерик.

Шундан сүнг Тұлқин пухта қартасини күрсатади. «Үн саккиз», деб ичиде пичирлаб қўйди Юсуф.

- Карта олайми? — деда сүради Тұлқин пухта.

Юсуф хали ёш бұлса ҳам, эски шаҳарнинг болаларидек пишиқ-пухтагина эди. Шу боис у ҳийла ишлатди. Шошсам ёки күзларимга қарашса, боя қартаны күрганимни билиб қолиши масин, деб худди ўйлаёттандек осмонга қаради.

- Хүш, — деб тиқилинч қилди Тұлқин пухта.
- Майли, ола қолинг, — деди ниҳоят Юсуф.
- Кабир, битта қарта бер.

Кабир қиморбоз қарта узатди.

Тұлқин пухта қартаны олиб бундай қараса, «дама» экан. У сакраб ўрнидан туриб кетди.

- Йигирма бир, очко, мен очдим! — деди ҳовлиқиб.

Кабир қиморбознинг ҳафсаласи пир бўлди.

— Акбарали ака, ана мен айтгандек бўлади, янги қўшилган ишни бузиб қўйди, — деди тиззасига шапатилаб.

- Акбарали бой парво қилмай қўлини силтаб қўйди.

— Қаландар, болани уйига кузатиб қўй, — деди сүнг.

Қаландар болани ўйнга ташлаб келганды тун ярмидан оққанды.

— Ўтириңглар, тамадди қилайлик, — ҳаммани дастурхонга таклиф қилди Қаландар.

Карталар йиғиштирилиб, столга товуқ кабоб тортилди. Машат тутар чоғида Акбарали бой хәёлгә чўмиб, деди:

— Қаландар, мен узокда тураман. Сен ҳалиги боладан хабардор бўлиб тур. Майда-чўйда ишларга аралашмасин. Жуда қийналиб қолса ёки ёнида безорилар пайдо бўлса, ўзинг уни ёнингта од. Бозор ва вокзалларда турли хил одамлар кўп бўлади. Бола ўшаларнинг таъсирига тушмасин. Ундан ҳали каттакатта ишларда фойдаланса бўлади. Мен ўзим шундай пайтларимда вокзалда тирикчилик қилганман. Отам ташлаб кеттан, ёлиз ойим ва опам билан яшардик. Онимнинг фаррошлиқ қилиб топган пули рўзгорга етмасди. Опам иккаламиз мактабдан сўнг ойимга қарашардик. Мен бундан руҳан изтироб чекардим. Сўнг майда-чўйда ишлар қиладиган болалар мени ёнларига олишди. Иш ўргатишди. Шерик бўлдим. Уйга пул олиб борсам аввалига ойим қаттиқ уришиб берди. Сўнг индамай кўйди. Чунки тирикчилик тошдаи қаттиқ эди, ойим маошини на еб-ичишимизга ва на уст-бошимизга етказа оларди. Яна опамини узатишимиз керак. Топиб келган пулларимни оимнинг кўлига тутқазсам, «кўрпача тагита кўй», дёрди кўзини ерга қадаб. Негадир қўлига олмасди. Аммо ўша пуллар зертаси куни кўрпача тагидан йўқ бўлиб қоларди. Кейинчалик бошқа вокзалларга ҳам бориб келадиган, борганды ҳам қуруқ бормай, мол ташийдиган бўлдим. Шериклар билан Россияга мева-чева жўнатадиган бўлгач, ишларим юришиб кетди. Бойлиқ савдогарчилик орқасидан тезроқ келар экан. Бекорга пайғамбаримиз ҳам савдогарчилик билан пгуулланмаган эканда. Яна тижоратда топганингни баракаси ҳам бор. Ишончли ҳамкор бўлса, бир-бирини алдамаса, шериклар билан анча иш қилса бўлади. Тўғрими, мана сизлар билан беш-олти йилдан бери бирга ишлаб, манфаат кўрдим. Сизлар ҳам зарар кўрмагандирсизлар?

— Йўқ, йўқ, — дейишди даврадагилар.

— Менинг чет эллик ҳамкорларим ҳам кўзи тўқ одамлар. Европа, Россия билан ишлашга ҳали сизларни ҳам олиб чиқаман. Пул ҳаммамизга етади.

— Эй, раҳмат. Акбарали бой, ростмана Боссиз. Сизга етадигани йўқ, — дея бойга куллук қилишди ўтирганлар.

— Қаландар, яна қайта айтаман, бояги боладан хабардор бўлиб туриш эсингдан чиқмасин. Кўзи ўйнаб турибди. У отасининг овқатини ташиб, кун кўрадиган болага ўхшамайди. Мана кўрасан, у жуда олғир йигит бўлади. Майли, аввал у сенинг қозонингда бир қайнаб чиқсин. Кейин уни ўзим ёнимга оламан. Тўлқин, сен болани рози қилишни унумта. Фақат унинг омонати ўзинигда тура турсин. Балки бирорта дўкон-пўкон олиб қўярсан. Пул етиб қолар, нима дединг?.

— Ҳа, етади-етади, — тасдиқлади Қаландар. — Ҳозир учтўрт минг шартли шул бўлса-бўлгани.

— Илоҳо омин, қилган харажатларимизнинг ўрни тўлсин, — деди бой ўтиришга якун ясаб.

Шу гаплардан сўнг орадан учтўрт йил вақт ўтди. Қаландарга югурдаклари бир гашни етказишиди.

— Юсуфни майдабезори, зўравон болалар ўз ёнларига тортишибди. Ўқишини ҳам ташлаб қўйибди.

Бу гапни эшигиб Қаландарнинг патагига қурт тушди. Бу гап бойининг қулоғига ётиб борса нима бўлади, деди ичини ит тирнаб. Сўнг дарҳол улардан Юсуфни ажратиб олди. Юсуф Қаландар акасининг асл қасби нима эканлигини ўшандагина билди.

Бир куни Қаландар уни Ўрдадаги тилла тақинчоқлар сотиладиган магазинига олиб борди. Иккаласи ҳам пўрим кийиниб олишган, Қаландарни кўрган киши бирор ташкилотда раҳбар бўлиб ишласа керак, деб ўйларди.

Йўл-йўлакай Қаландар нима қилиш кераклигини Юсуфга тушунтириди. «Мен магазинга кирганимдан сўнтина ёнимга келасан. Киши билмас узаттан ҳамённи қўйнингга соласанда тез магазиндан чиқиб, анҳор ёқалаб Паҳтакор стадионига борасан ва ўша ерда мени кутасан», деди қайта-қайта танинлаб.

Троллейбусдан тушганларидан сўнг Юсуф бекат ёнидаги газ-сув будкаси ёнида қолди. Қаландар тилла магазинга кираверишда кимнидир куттандек туар, бу ерга кираётганларни зиддан кузатарди. Орадан ярим соатлар вақт ўтдими-йўқми, қоп-қора хориж машинаси йўл четида, магазин тўғрисида тўхтади.

Машинадан жуда яхши кийинган, ўрта яшар танноз бир аёл тушди. Унинг соchlари сарик, кўзи кўк, юzlари тип-тиник

эди. Аел магазинта кирайтганда Қаландар унга зимдан разм солди. Сунг аёлнинг ортидан магазинта кирди. Юсуф аввалига нима Қилишини билмагандек бироз эсанкираб турди. У ҳозир ичкарига кириши лозимлигини унутмаган бўлса-да, аммо негадир оёғи тортмаётганди. Аммо магазинта кириши керак. Акес ҳолда Қаландар акаси..

Юсуф магазинта кирганда Қаландар аёлга яқинроқ ерда турарди. Юсуф худи у ўргаттандек қилиб, унинг ортидан юрди.

Орадан бир-икки дақиқа вақт ўтдими-йўқми, Юсуфнинг кўлига Қаландар узаттан ҳамён тегди. У ўзини йўқотиб кўймай шартта ҳамённи олиб, қўйнига солди. Ва сирхалиб эшик томон юрди.

Қаландар эса дарҳол аёлдан ўзини четта олиб, витринанинг ўнг томонидаги бир узукни кўрган киши бўлиб турдида, сўнг у ҳам аста эшикдан чиқиб кетди.

Бу вақтда Юсуф юраги ҳаприқканча анҳор ёқалаб, Пахтакор стадиони томон борарди.

Қаландар магазиндан чиққанда бояги гўзал жувон ҳали пули йўқолганligини сезмаганди, шекиали, ичкаридан додвой қилган овозлар эштилмади. Қаландар ўзини чап тарафга, гул магазини тарафга урди-ю, кўп қаватли уйлар оралаб кетди. У Пахтакор стадионига етиб бориши билан Юсуф унга ҳамённи узатди. Улар худди ота-бала сайд қилиб юргандек бемалол стадион ичидан ўтиб, катта кўчага чиқишиди ва такси тўхтатиб Қаландарнинг уйига келишди..

Ҳамёндан анчагина пул ва долларлар чиқди..

Қаландар Юсуфга ортиқча пул бермади. Фақат бош-оёқ усти-бош қилиб берди, холос. Юсуф ўшанда ўн уч ёки ўн тўрт ёшлиардаги ўспирив йигитча эди. Кейинчалик пакет ва сумкаларни чархланган тангада кесишни ўргаттан биринчи устози шу Қаландар бўлди..

Орадан тўрт йил ўтди. Юсуф мана шу доирада катта бўлди. Мустақил иш юритишни, пулни пулга уриб, катта-катта сармояларга эга бўлишини ўрганди. У энди ўғрилик касбини йиғишириб қўйганди. Бунинг бир сабаби, бу ёқдан топаётган катта-катта пули бўлса, иккинчи сабаби, Қаландар акасининг қамалиб қолиши бўлди..

Қаландарнинг қамалишини эшитган Акбарами бой узок ўйга толиб:

— Унинг қартага ишқибозлиги менга ёқмасди, — деди нимагадир ачинган бўлиб. — Қарта ўйинида жанжал бўлиб,

үйидан ўлук чиқибди. Нече бор айтдим, бу ишиңгни йиғиштирип деб.

— Мен ҳам ҳайронман, — деди Тұлқин пухта кифт қисиб.  
— Бозорда энди дүкенлар ҳам сотиб олғанды. Улгуржи савдога пул тикканды, мижозлар ҳам топиаганды. Майшатта унча мүккасидан кетмаган, лекин бүш қолди, қарта чийиларди.

— Мана натижа, ён-атрофдагиларга қулоқ солмасликнинг оқибати. Совуқ темирлар ичида үтирибди. Еб-ичишидан хабар олишяптими?

— Катта ўғли Ипподромда паттачи. Сүрасам, ҳаммаси жойида деди.

— Мен бошқалар орқали, ўзим ҳам келишим билән суриштирдим, посилка ташкил қылғанман. Соғалиғи жойида, қорни ҳамманицидан түқ экан. Ҳеч ким билән конфликтта бормаган, хулқи яхши деган баҳо олибди. Яна бир йилларда чиқиб қолар, хабардор бўлиб турсак.

— Ҳа, тўғри.

— Унинг ўғли паттачи бўлса, ишини ким юргазяпти, куёвими?

— Йўқ.

— Ё сенинг одамларингми?

— Ҳа, десам ҳам бўлади, йўқ десам ҳам.

— Нима деганинг?

— Умар акани кичик ўғли Юсуф. Ҳов, ўша бола.

— Ростданми?

— Ҳа.

— Дуруст бўлибди. Айттанимдек, лочиндек бўлдими?

— Лочин бўлганда қандоқ. Бир чантал солса, ўлжасини қўйиб юбормайди.

— Нима дегандим сенларга. Бу ҳаётда одам таний бериб, битта кўришда донини донга, пучагини пучакка ажратадиган бўлиб кетдим. Худони ўзи доно қилиб қўяркан.

— Раҳматли ўғлимга ўхшаш шунқор. Ундан ҳам ўтаман дейди, учарки, у ёқ-бу ёрий йўқ.

— Кўпчиликка манфаати тегадиган, ён-атрофини обод қиласидиган, кексайганимизда бизни ҳурматимизни жойига қўядиган, келажагимиз шундай йигитларники. Майда-чуйда ишларга аралашмаяптими?

— Йўқ, бизнесга, фақат тижоратта бор ҳаракатини қаратган. Қарта ўйнамайди. Майшатни кетидан қувмайди. Қўшни юртларга борса казиноларга кирмайди.

— Түзүк. Бундай ишләр тијоратчи пулини баракасини учирди, сипдиради. Майды ўериліктар ҳам унга номуносиб иш Ақлини топибди, шунға журсанд бүлши керак. Юборған молларни пули тайерми?

— Тайёр.

— Яхши. Ўша дочинни кейин мениң олдымга бир олиб келарсан.

— Баш устига.

## МУРОСАСИ БҮЛМАЙДИ, ШЕКИЛЛИ

Юсуф Лайлони яхши күриб қолғанды. Уннинг қалбида илк бор бундай түйргү қалаён қилиши эди. Күзини томди дегүнча кизнинг чиройлы юзи, қадди-басты ва чиройлы жилмайиши намоён бұлаверарди. Уни шунчалик соғинардикі, бир күн телефон қылмаса бир нарсасини йүкотиб күйгапдек гәраптисіб юрарди. Лайлонинг күншіроқдек овозиши әшитиши билан қалби тасқын топарди.

Бора-бора үқиз билан фақат телефон орқали гаплашишта қаноат қылмай күйди.

Энди у Лайлони күргиси, күлларидан туттиси, бағрига болсіб, сочларидан силягиси келарди. Қизни шунчалик қаттық соғинардикі, бир бор күрармикинман, деб уннинг уйи томонларға ўтиб келарди. Аммо Лайлола күн бүйи Таңя опасиникида торт пипишиш билан овора бұлғанлуги учун деярлы күтага чиқмас, онда-сонда чиқкудек бұлса ҳам Юсуф унга дуч келмасди.

— Лайлола, илтимос, кинога борайлик, — деди бир күни Юсуф телефондан қизга ялиниб.

— Йўқ, боролмайман, — ўйлаб ўтирмай уни рад этди қиз.

— Нега?

— Чунки бу яхши иш эмас, кейин ойим ҳам рухсат бермайди.

— Кап-кatta қызысиз-ку, ойнингиздан сұраб ўтирасизми?

Лайлола үзок, вақт жим бўлиб қолди.

— Хўш, борамизми? — деди сукут алматини ризолик белгиси деб билган йигит.

— Йўқ, — Лайлола шундай деб шараклатиб гүшакни қўйиб күйди. Юсуфнинг жаҳли чиқди. Қизнинг бу қилигини нозми ё бошқа нарса эканлитини билолмай хуноби ошди.

Лайлого эса Юсуфнинг тақлифи ёккан бўлса-да, аммо ҳали йигитлар билан бирор марта кино ёки киёбонларға бориб кўрмагани учун бу нарсани жуда-жуда уятли иш деб билар, аниқ-

роти, бунта юраги дов бермасди. Чунки Таня ошаси йигитлар билан учрашиб юрадиган қызларни кинога кириб, орқа қаторда ошиқ-малыпук бўлиб ўтиради, деб кўп бор тақрорларди. Лайлого бу жуда ғайритабий хатти-ҳаракатдек туюларди. Бегона бир йигит қызни кинога олиб кирса-ю. Зада чироқ, учини билан шартта ўтиб олса... Жуда ғалати-ку. Лайло шундай деб ўйларди-ю, аслида йигит қучори ва бўса таъми қандай бўлиши ҳакида ўйлаб колар, ўзи билмаган холда юраги энтикарди.

Юсуф эса қиздан ўзгачароқ тарзда бундай лаҳзаларни солтаб ҳаёл қилиб ўтирас, балки жон-жаҳди ва бутун вужуди билан истарди. Ҳаёлан Лайлого ичидағи истакларини мингмарта айтарди-ю, аммо унга қўнғироқ қилиши билан бор жасорати қаёққадир ғойиб бўлиб қоларди. Қизнинг биргини «Алло» дейишп ҳамма истакларга тўсик бўлгандек туюларди унга. Аммо ҳар гал бир гашш қизга айтишдан таш тортмасди:

— Менга нимадир бўляяпти. Аммо бунинг нималитини ўзим ҳам билмайман. Сизга телефон қилмасам, овоздингизни кунига бир мартағина бўлса-да эшитмасам, бирор нарсанин йўқотиб қўйгандек юраман. Лайло, сиз бошқача қисиз. Менга ана шу бошқачалигинги ёқади...

Лайлого ҳам йигитнинг мана шу содда ва юракдан чиқарраб айтиётган гаплари кўпроқ маъқул эди.

Бир куни Юсуф Лайлого тезроқ уйланмаса, ортиқ бундай юролмасалитини айтди.

— Йўғ-эй, мен ҳали ёрга тегмайман, — деди Лайло дабдурустдан айтилган бундай таклифдан довдираб.

Аммо қалби ширин бир энтикишдан қаттиқ ларзага келди. Кейин ўзи ҳам бу йигитга боғланиб қолган, шу боис «Сизга тегмайман» дейишта юраги дов бермасди.

Бу орада Лайлонинг опаси Адібани олиб кетишга қайнонаси келиб кетди. Хайрихон опа кудасини хушламайгина қарши олди. Чунки қизнинг ҳаёти нотинч кечёттани учун фақат шу аёлни айбор деб биларди.

— Қуда, яхши юрибсизми? — деди Адібанинг қайнонаси хеч нарса бўлмагандек Хайрихон опа билан кўришиб. — Энди эр-хотин ўртасида нималар бўлмайди, дейсиз. Эри урмаган хотин бор эканми? Аммо билсангиз, аёл кишининг бошига тили бало бўлади. Қизингизнинг ҳам оғзига кучи етмас экан, ушантга ўғлим бир шапалок урди, холос. Бу ёқда қизим Шахло ҳам Адібанинг чақуви билан отасидан калтак еди...

— Ҳали фақат қизингиз айбор дениг, — қудасининг сўзини шарт кесди Хайрихон опа.

- Бўлмасам-чи, айби борки эридан қалтак еди.
- Қарс икки қўлдан чиқади. Қизингиз ҳам оппобим эмас-дир. Ё Шаҳлонинг дангасалиги ёғонми?
- Рост, тан оламан. Қизим бироз танбалроқ. Аммо нима қиласин, ўқиши бор, чарчайди. Бўлмаса ишдан қочадиган қиз эмас. Институтни битириб олса ҳаммаси изига тушиб кетади. Худога шукр, Шаҳлонинг муомласи яхши. Эрга тегса ширин сўзи билан ҳам эрининг кўнглини овлай олади. Қиз бола ота уйида меҳмондек гап. Шундай экан, унга отасининг ёнида писандә қилиш шартмасди.
- Ўзингиз Адабаний саводсизсан, дебсиз-ку. Билсангиз қизим мактабда беш баҳота ўқиганди. Қўлимиз қалталиги боис уни институтда ўқитолмадик.
- Хабарим бор, буни минг марта айтгансиз, — лабини бурди Мухтабар опа. — Қизингиз ҳам ўша куни оғзини тўлдириб қайта-қайта мақтанинди. Кеккайиши, мақтаниши сиздан ўтган экан-да. Яхшиям институтгда ўқимаган экан. Агар ўқиса бошимизни уриб ёаркан бу қизингиз.
- Куёв келмадими? Қилгуликни қилиб қўйиб, қай ерларда қолди, — деди Хайрихон опа қудасига гапириш бефойдалигини билиб.
- Куёвнишиз узрини айтди. Мана, унинг учун ҳам мен кеддим. Келинимиз иккикат. Эсон-омон кутулиб олсин десангиз, қизингизни мен билан юборинг.
- Куёвнинг ўзи келмагунча Адива бормайди. Мениям ташлаб қўйган қизим йўқ.
- Вой-бўй, битта тарсакига шунчами? Сиз билан мен эримиздан қалтак емабмизми? Кўзларимиз кўкариб, қовоқларимиз шишмабдими? Кўйинг қуда, ғалвани бошламанг энди!
- Куёвимнинг ўзи келсин, деганим ғалва кўтаришми? Ҳаммага ошкора қиласам, маҳаллангизга бориб, «Қизимни урибди» десам, мана бу ғалва кўтариш, дейилади, билдингизми? Энди уйингизга боринг. Куёв келсин, кейин гаплашамиз. Сизга айтадиган бошқа гапим йўқ.
- Эй, қизингизни бошингизга болиш қилинг унда! — Мухтабар опа шундай деб шартта ўриидан турди-да, кетди-қолди.

Орадан тўрт кун ўтгач, Адабанинг қайнотаси, эри ва амакиси келишди. Ўша куни Тания опа ҳам Хайрихон опаникига чиқкан эди. Қудаларга сиз гапиринг, гапга чечансиз, деб Хайрихон опа уни ҳам қудалар ўтирган уйга олиб кирди.

— Куёв бола, хотин кишини урадиган замонлар ўтиб кетган, — деди Таня опа Файбуллани уялтириб. — Ўзи бирор сабаби борми урганингизга?

— Қизишиб кетдим, онамга терс гапирди, — деди Файбулла рўлдираб.

— Сабаби бошқа экан-ку?! Синглингизнинг шимини ювмаганига фавро чиқибди деб эшилди. Нима, унинг ўзи киймини юволмайдими? Институтда зўра ўқиётган, уйда ишқилмайдиган, ўқувсиз қиздан кимга манфаат?

— Ҳа, қизимният тарбиясини онасига ташлаб қўйгандим, — деди қайнота бошини эгиб. — Ҳаддидан ошиб кетиби.

— Эссиз, шунча меҳнатингиз. Болани катта қилгунча нене заҳматлар чекади ота-она. Ишёқмас бир қизни деб ёш оила шунчалик азият чекиб ўтириби.

— Қизим институтда ўқииди, деб укамиз сал талтайтириб юборибида, — деди амаки гапга қўшилиб. — Ақди кириб қолар.

— Шу пайтгача кирмаган ақл, энди киарканми, — дея норози бўлди Хайрихон опа.

— Ҳомиладор хотинни урибсиз, — деди Таня опа яна Файбуллага юзланиб. — Боласига зиён етса ўз фарзандингизни қотили бўлардингиз, шуни биласизми? Бу иснодни бир умр кўтариб юардингиз, гуноҳи бўйнингиздан бўгарди. Ўшанде таъна-маломатларга чидай олармидингиз?

Файбулланинг дийдаси қаттиқ эди. Индамади, у гўё қилган ишидан ишаймон чекмаётгандек эди. Хайрихон опа бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Ўтган ишга саловат, — деди амаки уларни муросага келтириш учун. — Турмушнинг муштлари кўп. Келинимиз энди биринчи муштга дуч келибди, бунга бардош қилиш керак.

Хайрихон опа ахийри чидолмади.

— Нега биринчиси бўлсин?! Қизимни ҳомиладор ҳолида қулдек ишлатиш, ҳамма юмушни унинг бўйнига юклаш бу муштмасми? Қайнона билан қайнисингил кўчадан бери келмаса-ю, қизим ойлаб ташқарига чиқмаса, ҳатто яқинлари билан кўришишдан мосуво бўлса, бу яна бир муштмасми? Калтаклаш, «малайсан», деб масхаралаш-чи?!

Хайрихон опанинг хўрлиги келиб, баралла йиглаб юборди. Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Адiba қизим, сенинг ҳам гапинг борми? — деди Таня опа.

Адиба ёрга қараб пичирлади:

— Файбулла акам биринчи гапирсингар. Нимага мента уйланғанлар. Ҳовлиларига чури олиш учунчи, ёки үзларига бир умрлик умр йүлдош қилиш учунчи?

Файбулла күлларини ишқалаб, нима дейишими билмай қолди. Отаси уғлининг бирор бир жұялғы гап айтишита күзи етмай безовталяниб унга қаради.

— Хотін топилади, — деди ниҳоят Файбулла мингираб. — Ота-она топилмайды. Хотинимни биригчи үршінга күйсам яқинларим, ошна-оғайнилар ва мәхдалла-күй нима деди? Онам мени дунёға келтирған, боқиб кетта қылған. Шундай экан, Адиба онамнинг сўзидан чиқмаслиги керак.

— Ойинг ноҳақ бўлса-чи? — деди Таня опа қизишиб.

— Нега ноҳақ деяпсиз?

— Ойинг ҳали ёш бўла туриб иш қилмаса, кўчама-кўча юришдан бўшамаса, Адигага нимани ўргатиши мумкин?! — Сиз онам тўғрисида ёмон гапирманг! — деди Файбулла тутақиб. — Онам биринчи үринда туради дедимми, гап та мом-вассалом!

Файбулла индамай юргани билан ўта қайсар, ўжар экан-лигини Хайрихон опа энди билганди. Шу боис бирдан тутақиб кетди.

— Эй, сен пандаваки!... — деди бирдан унга ҳайқириб. — Сенга қиз берган мен аҳмоқман ўзи. Сўзингда на маъно ва на тутуриқ бор. Оила нималигини, унинг қадр-киматини билмас экансаи, нима қилардинг уйланиб?! Қизим сен билан яшаб умрини хазон қилғандан кўра, дунёдан шундай ўттани маъқул. Қани, жўна, сенга энди Адигани бермайман!

Уста Мўминга Хайрихон опанинг сўзи оғир ботди. Гап билмас, бадфеъ ўғлидан ҳам ранжиди. Ҳозир Файбулла муроса йўлини тутиб турганда келинини үзлари билан олиб кетишарди. У эса ишнинг белига тепиб ўтирибди.

«Болаларимнинг қалтафаҳмлиги онасига тортди», деди уста Мўмин ичиди хўрсиниб. Ойи-куни ҳали узоқ бўлса-да, келинининг шу ерда яшаб турганни маъқул туюлди. Акс ҳолда Адиба ҳозир уларга қўшилиб кетадиган бўлса, Мухтабар «барибир келаркансан-ку» дея баттар кеккайиши, оқибат келинини баттар эзиши мумкин. Кейин худо кўрсатмасин, боласига бирон нарса бўлса, оила риштаси чирт узилиши аник. Ҳозирча арқонни узун ташлаб қўйгани маъқул. Иккала томон ҳам ҳовуридан тушсин-чи, кейин бир гап бўлар.

— Майли, биз борайлик унда, — деди уста Мўмин фотиҳа-га кўл очиб. — Келинимиз сизга омонат, кейин бир гап бўлар.

Отасининг бу гапидан Файбула Адабани олиб кетолмас-лигини билиб, тишлари гижирлаб кетди. Аммо бир оғиз узр сўрашни ўзи учун ор деб билди.

Қудалар совуққон хайрлашишиб, йўлга отланишди. Адiba кўзида ёш билан эрининг ортидан термулиб қолди. Хайрихон опа қизига қаради. Унинг мунғайиб қолганлигини кўриб, бекор қилдиммикин, деган ўйга борди. Шу пайт ўйга отилиб Лайлор кирди.

— Ойи, бопладингиз, — деди Хайрихон опанинг бўйнига осилиб.

— Билмадим қизим, тўғри қилдимми ё йўқми, бошим қотиб қолди.

— Жуда тўғри иш қилдингиз, ойижон. Поччамга опамдек аёл ҳайф. Кеккайшиничи у кишининг!... Ҳали кўрасиз, куёвингиз ялиниб келмаса отимни Лайлор эмас, Лайхоо қўяман.

Унинг гапидан ҳаммалари кулиб юборишли.

— Сен турмушга чиқсанг ҳақингни бермайсан, — деди Таня опа унинг соchlаридан силаб.

Орадан кунлар ўтди.

Бу орада Юсуф Лайлого ҳар куни қўнгироқ қилишдан зрин-масди. Аммо телефонда соатглаб гаплашмас, маъшуқасининг ово-зини бир боргина эшитиши билан дарров ўзига келиб қолар, кайфияти кўтарилиб кетарди.

Юсуф Лайлони чиндан кинога бормайди, деган тўхтамга келгани учун энди уни ҳеч жойга таклиф қилмай қўйганди.

Аввалига чинданам йигит билан кинога киришни истамаган қиз эса энди бирор бир янги кино ҳақида эшитиб қолгу-дек бўлса, «Юсуф таклиф қилсайди», дея юраги энтигадиган бўлди.

Аслида бундай жойларга ҳозиргача ойиси, опаси, Таня опа, ҳеч бўлмаса ўзларининг пишириш-қандолат курсидаги қизлар билан борарди.

## ХОТИННИНГ ҚАДРИ БИЛИНДИ

Файбула, Адабанинг ортидан йўқлаб боришим билан дарров олдимга тушиб, уйга қайтади, деб ўйлаганди. Аммо бирданига ишнинг тескари айланиб кетиши уни қаттиқ гангитиб қўйди. Уйига қайтгач ҳафсаласи пир бўлиб, қўли ишга бор-

май қолди. Уста Мүмин буни сезса-да, лекин ўзини сезмасликка олиб юрди. Бир томондан, унинг ўелига раҳми келса, иккинчи томондан, жаҳли чиқарди. «Кеккаймай бошини сал эгип турғанда ҳаммаси яхши бўларди», деб кўярди ичидә ўелидан ранжиб.

— Ўзинг бориб хотининг билан гаплашиб кел, — деди ахийри бир куни уста Файбулла гага ётиги билан.

— Энди бормайман, — деди қайсарлик қилди Файбулла.

Унинг отдан тушса ҳам эгардан тушмай туриши уста Мўминнинг жаҳдини чиқариб юборди.

— Унда юравер, ўз ёғингдә ўзинг қоврилиб, — деди аса-бий қўл силтаб.

Файбулла парво ҳам қилмади. Бўлиб ўтган йашлардан гўё афсус чекмаётгандек ўзини мағрур тутишга уринса-да, аммо вақт ўтгани сари бардоши тугаб борди. Энди у бор аламини ичклиликдан оладиган, ота-онаси насиҳат қиласа тескарисини қиладиган одат чиқарди. Ҳатто у бўкиб ичиб олгач Адабанинг маҳалласига бориб тўполон кўтарар, овозининг борича бақи-рар, қайнонаси очмаса эшигини тепиб-тепиб қайтиб кетарди.

Хайрихон опа қўни-қўшинидан уялганидан Адабани уйнга жўнатиш хаёлига ҳам борди-ю, аммо қизининг Файбулла билан энди ҳеч қачон баҳтли бўлмаслигини ҳис эттани бунга йўл қўймади.

Бир куни Файбулла яна қайнонасининг эшиги тагида ба-қир-чақир қилаёттанида Тания опа келиб қолди-ю, шартта унинг ёқасига чанг солиб:

— Агар яна бир марта тўполон кўтарадиган бўлсанг мили-ция чақириб, топшириб юбораман, — деди пўписа билан.

Милиция сўзи Файбуллагага кутилганидан ҳам зиёда таъсир қилди шекилли, мулла минган эшакдек индамай қайтиб кетди.

— Сенга нима бўлди? — деди эшикни очтан онаси унинг ахволини кўриб.

— Ҳеч нима... — аранг минғирлади Файбулла. Сўнг индамай Адiba билан ўзига ажратилган уйига йўл олди. У уйга кириб, куёвлик дамларининг ширин хотираларини яна бир бор эслагиси, Адабанинг токчада турган суратига термулиб хаёл сургиси келганди. Аммо остона ҳатлаб ичкарига кирди-ю. Адабанинг пардоз столи қарписида ўзига оро бериб ўтирган синглиси Шаҳлони кўриб тутақиб кетди. Унинг худди ўзиникидек бемалол Адабанинг нарсаларини титкилаб ўтириши Файбулла-нинг разабини қўзитиб юборди. Барча аламларининг сабабчи-

си шу синглиси эканлиги ёдига тушиб, шартта унинг сочига чанг солди.

— Сен таниз бу ерда нима қиляпсан? — деди уни таш-қарига судраб.

— Ваҳший, қўйвор сочимни! — деб ўшқирди синглиси.

— Йиғилган кирлар шифтта етай дейди, сен бўлсанг, ўзингга оро бериб ўтирибсан! Нега кир ювмайсан, нега овқат пиширмайсан-а. Майибмисан, ё қўлинг синганми?

— Вой-дод ойи, мени ўлдиряпти? — деди акасининг қўлидан чиқишга уриниб, тўлғана бошлади Шаҳло.

Файбулла Шаҳлони судраганча кир уюми томон олиб бора бошлади. Бакир-чақирни эшлиб Мухтабар опа билан уста Мўмин югуриб чиқишиди.

— Кетиб қолган хотинингнинг аламини шу бечорадан ола-япсами?! — деди Мухтабар опа ҳайқириб. — Хотин керак бўлса, ундан ҳам зўрроини олиб бераман, синглингни қўйвор.

— Менга бошқа хотин керак эмас! — деди Файбулла бақириб. — Адиба керак! У борида уст-бошим тоза, қорним тўқ юардим!

— Нима, мен сенга овқат пишириб бермаяпманми?

— Адиба пиширган овқат бошқача, биадингизми?

— Вой, ордона қолсин ўша безбет хотининг!...

— Тўғри айтаяпти, — деб гапга қўшилди уста Мўмин. — Келинингдек мазали овқат пиширолмайсан. Она-бала иккаланг ҳам бир гўрсанлар.

— Вой, адаси, ўғлингизни тинчтиш ўрнига, уни баттар теззаяпсизми? — деди Мухтабар эридан норози бўлиб.

— Бўлган гапни айтаяпман, — деди уста Мўмин чиқиб кетди.

Бир кун жанжал чиқкан уйдан қирқ кун барака қочади, деганларилик, шу куни ҳеч кимнинг кайфияти бўлмади, ондасонда жаҳли чиқадиган уста Мўмин эса уйидан илон чиққандек жуда кеч қайтиб, эрта туриб кетадиган одат чиқарди.

Умрида бирор жойда ишламаган, фақат турмуш ўртоғининг тоғанини совуришдан бошқасига ярамайдиган Мухтабар опа шу пайттacha эри ва ўғилларининг ишдан келишига ҳар куни овқат пишириб кутиб олишга ўрганмаганди. У ҳафтада бир ёки икки мартағина қозон осарди, ҳолос. Шу боис ота-бала қўшингча ўзлари ишлайдиган жойдан тамадди қилиб келишар, акс ҳолда уларни уйда икки-уч кунлик овқат кутардӣ.

Йиллар давомида бу одат оиласда ҳукмрон эди. Аввалги келини бу одатни ўзгартириш учун бироз ҳаракат қилди-ю,

аммо бу оиласы тартибсизликдан ҳафсаласи пир бўлиб доқайдикка берилди, бора-бора у ҳам қайноасига ўхшаб қолди. Келин энди уй ишларини чала-чулпа бажаар, ойда-йилда бир марта дераза ойналарини артса артар, артмаса шунақасича қолаверарди.

Кичик келининг тўйи бўлишидан аввал, катта келин янги уйга кўчиб чиқиб кетди. Ўшандо Гайбулла уйларини таниш усталарга таъмирлатиб, оқлаб-кўклаб олганида қўшнилар: «Бу уйга ҳам нур киарканми?!» — деб кулишганди...

Адиба жуда ораста келин эди. Буни кўни-қўшнилар дарров сезиши. У тонг саҳар туриб, кўча-кўйини ёр тушса ялагудек қилиб супуриб қўяр, шомда ҳам шу ишини тақоролаб, сув сепиб ҳаммаёқни салқинлатиб қўярди. У ошхонани ҳам жуда тоза тутишга одатланганди. Лекин йиллар давомида қайноаси билан қайнисинглисининг қон-қонига сингиб кетган одатларни ўзгартириш жуда мушкул эди.

Адиба ҳамон ишларни сидқидидан бажараётган бўлсада, унинг ширин умидлари, уйни озода тутиш ҳакидаги орзулари пучга чиққандек эди.

Гайбулла гап-гаштакларга борса, ораста, дазмолланган кўйлаклар кияр, ёнидан дастрўмоли узилмас, туфлилари ҳам ярқратиб мойланган бўларди. Энди эса...

Гайбулла ўйлай-ўйлай тарозининг бир палласига Адибанинг мана шу хислатлари билан бирга ўзини ҳам қаттиқ севишни қўйди. Бироқ тарозининг иккинчи палласига онасининг бир оғизигина: «Хотинингта ялнима. Бошингга чиқиб олади», деган тапини қўйиши билан палла оғирлашди.

Шу боис у жуда қийналиб кетди...

Уста Мўминнинг қўшнилари Адабанинг йигирма кундан буён кўринмай қолганидан унинг уйига аразлаб кетганлигини тусмол қилишганди. Айниқса, Адабани жуда яхши кўрадиган қўшни хотин Турсуной она чидомай Мухтабар онанинг ёнига чиқди.

— Нима бўлди, келинингиз кўринмайдими? — деди у бироруз сұхбатлашиб ўтиришгач, теварак-атрофга аланглаб.

— Аразлаб онасиникига кетди, — деб бепарво жавоб берди Мухтабар она.

— Вой, нега?

— Нега бўларди, домда ўстан қиз рўзгор тутишни билмас экан, — деб, тап тортмай ёлғон гапирди қайнона.

— Қўйинг-е, қўшни. Шу гапни бошқатга айтсангиз ҳам менга айтманг. Ахир келинингиз кёлгач уйингиз сонга кириб қолганлигини ҳамма билади-ку.

— Вой-вой, сиз менга қўшнимисиз ёки душман? Нега Адабанинг тарафини оласиз? — деб бобиллай кетди Мухтабар опа.

— Тарафини олмаяпман, бор гапни айтаяпман, қўшни. Нега жаҳдингиз чиқади?

— Унга ачинаётган бўлсангиз, у сизларга сийлов. Мен ўслимга бошқа хотин олиб бераман.

— Суф-е, сизга. Бу гапни бир айтдингиз, бошқа ганирманг. Ахир Адiba ҳомиладор-ку?!

— Нима бўлибди?! Ўслим уйланса яна болали бўлади.

— Эй, боринг-е!..

Кўшни жаҳд билан ҳовлидан чиқиб қетаётгац эди, остоңда Шаҳлога дуч келди.

— Ассалому алайкум, Турсуной хола, — деди Шаҳло у билан кўришиб. — Нега кетаяпсиз, ойим йўқ эканларми?

— Ойинги бор, ҳамма бор бу уйда, фақат келинойинг йўқ.

— Ҳа, ўлсин, — деди Шаҳло лаб буриб. — Кетиб қолган. Ношукур экан. Кўзи ҳам оч.

— Йўғ-э, — деди Турсуной хола Шаҳлога бошдан-оёқ разм солиб. — Кўзи оч бўлса тилла занжирини ҳам ташлаб кетармиди?!

Шаҳло ялт этиб холага қаради ва кафти билан бўйнидаги занжирни яширди. Чунки бу занжир Адигана тегишли эди...

Турсуной хола ўша куни уйига кириб ҳам жаҳлини боса олмади ва шартта Адабанинг ойисига қўнғироқ қилди.

— Адига нарсаларини очик-сочик қолдириб кетиб бекор қилибида-да, — деди ҳол-аҳвол сўрашгач.

— Нега бундай деяпсиз, — ҳайрон бўлди Хайрихон опа.

— Тилла занжирни билан зирағини Шаҳло тақиб юриди. Айтиб бўладими йўқотиб-нетиб қўйса, нима бўлади? Сиз ҳам қизингизга қийналиб сеп қилгансиз. Ёки ундей эмасми?

Бу гапни эшитиб Хайрихон опанинг ичига гулгула тушди.

— Қизим ёмон-у, унинг тақинчоқлари яхши эканми? — деди алам билан...

Гўшакни қўйигач анча пайт ўйланиб қолди. Ўзи ҳалол ва тўғрилиги боис қудаси билан қизининг бундай қилиқлар қилишини хаёлига ҳам келтирмаган экан. Улар ҳалитдан шундай қилишса, не азобларда қилган бошқа сарполарининг аҳволи нима кечар экан?

Хайрихон опа ўйлай-ўйлай Таня опага маслаҳат солди.

— Бугуноқ бориб, Адабанинг нарсаларини йигиштириб келиш керак, — деди Таня опа ҳам шартта.

— Йўғ-э, қизимни ажратиб оламанми?!

— Ким сизга ажратиб одасиз деяпти?! Унинг нарсалари ни йигиштириб, қулфлаб келамиз, холос. Шундай қилсак, күёвингизнинг бўйнидан шайтон тушгунча Адабанинг сеп-си-дирғалари бехавотир туради.

— Ҳа, майли. Унда Адабанинг ўзини ҳам олиб боришимиз керакми, ахир нарсаларини ўзи йигиб-термаса, биз қаердан биламиз;

— Йўқ, йўқ, мен бормайман, — деди Адиба бу ишдан юраги безиллаб. — Менинг ўрнимга Лайло борсин.

Хуллас, Хайрихон опа билан Таня опа ва Лайло етаклашиб Адабанинг келинлик уйига йўл олишди. Уйда фақат Мухтабар опанинг ўзи бор экан. Уларни кўриб аввалига: «Келинмимни ўзлари олиб келаяпти», деб ўйлади шекилли, бироз калоңдимоғлик билан қарши олди. Аммо Адабанинг йўқдигини куриб, бироз саросимага тушиб қолди.

— Келинмимни олиб келмадингларми, — деди ахийри сабри чидамай.

— Биз Адабанинг келинлик уйини йигиштириб, бироз тартибга келтириб кетиш учун келдик, — деди Таня опа сир бой бермай.

— Ҳа, шундайми?

Мухтабар опа истар-истамас уларни уйга бошлади. Хайрихон опа остоидан ичкарига ҳатлаши билан келинлик уйининг файзи кетиб, ҳувиллаб қолганлигини сезди. Куёванинг уст-бошлари ҳар ерда тўзгиб ётар, дераза токчалари ва ойналарни қалин чанг қоплаганди.

— Деразани очиб юборинг, сасиб кетибди, — деди Таня опа истиҳодани ҳам йигиштириб.

Мухтабар опа унга ёмон қаради. Аммо унинг айтганини сўзсиз бажарди.

— Ҳа, эгасиз уйдан фаришталар ҳам қочади, — дея гапни јурди Хайрихон опа. — Қани, Лайло, нарсаларни жой-жойига сўйиб, уйни тозалашга кириш.

Хайрихон опа шундай деб тўғри пардоз столи ёнига борди. Тортмани очиб, тилла тақинчоқлар солинган қутини чиқарди. Унинг ичини очганида, никоҳ узути билан оқ, кўзли гузук, буҳори зирак, ингичка тилло занжир турганлигини кўрди.

Түйдән бир неча күн олдин қарз-җавола қилиб сотиб олиб берган бир жуфт ёкут күзли зирак ва қалин занжир негадир кути ичида йўқ, эди.

— Бунинг ичида ҳамма тақинчоқлар йўқ-ку, — деди Хайрихон опа қудасига қараб.

— Билмасам..., — дея елка қисди Мухтабар опа.

— Сиз билмасангиз ким билади?

— Балки Файбулла олиб, бирор ерга бекитиб кўйтгандир. Чунки ўзи совға қилган-ку!

— Қанा�қа йигитки, ўзи берган совғани ўзи қайтариб олса?!

— деди Тания опанинг жаҳли чиқиб. — Неслыханно.

— Адашманг куда, — деб Хайрихон опа тушунтириш берди. — Мана, қуёв берган никоҳ узуги билан ингичка занжир турибди. Ўзим олиб берган занжир билан зирак йўқ.

— Ҳа-я, — деди Мухтабар опа гўё адашгандек. — Файбулла совға қилгани турган экан.

Лайло ҳам шкафни очиб кўриб, Адибанинг кийимларини кўздан кечирди. Бигта қимматбаҳо қаймоқранг костюм-юбкаси жойида эмасди. Лайло қани дегандек, қудахолага қарди.

— Ҳа, уни қизим химчисткага бермоқчи эди. Ҳозир олиб чиқаман, — деди-ю нариги уйга кириб кетиб, ҳаял ўтмай костюм-юбкани олиб чиқди.

— Қизингиз буни боплабди-ку, — деди Тания опа костюм-юбкани кўздан кечириб. — Манави доғни қаранглар.

Кудахола ўзини эшитмаганга содди.

— Юринглар, чой ичамиз, иш бўлса қочмас, — деди гапни чаллитиб.

— Майли, чой ичганимиз бўлсин, — деди Тания опа. — Унгача Лайло хоналарни уборка қилиб чиқади. Бу уйда аёл зоти йўқ экан, шекилли.

Ҳаммалари айвонга чиқишиди. Кудахола зиппилаб ошхона томон юрди.

— Адибанинг ҳамма қиммат нарсаларини олиб кетмасангиз, бу қудаларингиз расвосини чиқаради. — деди Тания опа бош чайқаб.

— Тўғри, — дея унинг гапини тасдиқлади Хайрихон опа.

— Адиба келинимни олиб келмабсизлар-да, — деди Мухтабар опа бир ниёладан чой ичишгач ялтоқланиб.

— У ҳозир положенияда, қорнида бироз оғриғи бор. — Хайрихон опанинг ўрнига жавоб берди Тания опа. — Агар

келса уйининг ақволини кўриб ахволи баттар бўлар экан-да. Айниқса, тилла тақинчоқларининг йўқолганини билса...

— Йўқолмагандир, — унинг сўзини бўлди Мухтабар опа. Ҳозир Шаҳло келсин, балки у билар...

Бир оздан кейин Шаҳло ўқишдан келди. Унинг бўйнида ва қулоқларида Адабанинг тилла тақинчоқлари ял-ял товланиб турарди....

## ШИППАҚДАН «ШИПАЧ»НИНГ ФАРҚИ

Лайло Юсуф билан танишганига ҳали икки ой тўлмай йигит унга совчи юборди. Умар ака йигирма иккига кирган ўғли уйланмоқчи бўлганини эшишиб, севинганидан ҳатто Лайлонинг Қандайлигини ҳам суриштирмай дарров кўнди. Бундан хотини бироз норози бўлгандек бўлди.

— Уйланса, тезроқ қуйилади, — деди Умар ака уни тинчлантириб. — Кўнглим хотиржам бўлади. Битта ташвишдан кутиламан.

Одатда, совчилар биринчи марта қизникига келишганда ҳеч нима олиб боришмайди. Аммо Салтанат сатант овсини Марҳабо билан Лайлоларникига бир товора сомса, ёғли патир ва ширинликлар кўтариб келишди. Хайрихон опа шошиб қолди. «Наҳотки, булар қизимизни беришимизга шунчалик ишонч ҳосил қилиб келишган бўлса?» — дэя бироз жаҳли ҳам чиқди.

— Ўзимиз қизингизни ёқтириб қолган экан, — деди Салтанат сатант муддаога ўтиб. — Шунга: «Ёшлар бир-бирига кўнгил беришган экан, уларни қовуштириш биз катталарнинг бурчимиз» дэя, уйингизга бостириб келавердик.

— Сўраб-сuriштирайлик, тақдири қўшилган бўлса, биз нима ҳам қила олардик?! — деди Хайрихон опа сиполикни кўлдан бой бермай...

— Ойи, энди Лайлони учирма қилар экансиз-да, — деди Адива совчилар кеттач кўзига ёш олиб.

— Вой, сен ҳали кўз ёш қилмай тур. Ким икки қўллаб қизини танимаган-бilmagan хонадонига узатиб юборар экан.

— Мени бериб юборгансиз-ку!

— Сенинг йўриғинг бошқа. Аданг уларни танийман, яхши оила дегани учун берганман.

— Хўп, ким экан совчилар?

— «Пуштиҳаммомликмиз», дейишиди. Умар ошпаз деса ҳамма танир экан. «Кимдан сўрасангиз, бизларни билишади», деб ўзларига таъриф келтиришди.

— Төгөраларини бүш қайтартмадингизми?

— Вой, қизим-эй, менга ўргатаясанми сен? «Урф-одаттаримизни ойим билмайды», деб ўйлайсанми, нима бало? Ўзларининг ёли патирлари ёнига ширмой нон ва пишириклар солдим.

— Биринчи келишда қуруқ күл билан ҳам келишса бўларди-ку, оий?

— Билишимча, Лайлло айттан йигит шу бўлса керак,

— Қайси йигит?

— Ҳар куни Лайлого қўнғироқ қилади-ку, ўша шекилли. Ҳали синглинг келсин, сўраб биламиз.

Орадан бир кун ўтмаёқ Юсуф Лайлого қўнғироқ қилди.

— Совчилар юбордим, нима дейсиз? — деди эвтишиб.

— Ҳали бизникіда тўй қилинмайди дегандим-ку. — Бекор совчи юборибсиз.

Лайлло шундай дейишта деди-ю, аммо ич-ичидан Юсуфнинг бу ишидан кувонди.

— Якшанба күнни яна боришади, — деди Юсуф унинг гапига парво қилмай. — Сиз ҳам уйда бўлиб туринг, илтимос.

— Мен нима қиласман? — ҳайрон бўлди Лайлло.

— Чой қуйиб ойимга узатасиз. Онам сизни кўргилари келаяпти.

— Ҳечам-де! — Лайлло тарақлатиб гўшакни қўйиб қўйди.

— Ҳа, Лайлло, нега телефонга зўғум қиласан? — деди унинг ортидан ўйга кирган Хайрихон опа.

— Оий, «Якшанба куни яна совчилар боради», дейпти Юсуф ака.

— Яхши, келишаверсин. Қизлик уй карвонсарайдек гап. Алик жавоб айтилмагунча эшикнинг турмини бузишаверади.

— «Бу йил узатмайман» дент, оий? — деди Лайлло Хайрихон опага осилиб.

— Бўлмаса, уларга: «Бир йилча бизларга тегмай туринглар» дейман, майлими?

— Майли.

— Улар кўнишмаса-чи? — айёrona жилмайди Хайрихон опа.

— Оий-и...

— Ҳа, майли, бир йилгача худо пошшо. Бир гап бўлар...

Эртаси куни эрталаб ўнидан турган Хайрихон опанинг хаёлига Таня опанинг, ўтиранган пулни қайтарилишини энди

эшитишім, йигит ҳйла ишлаттан, деган гапи келди-ю, күнгли ғаш тортди, Сұңг үйлай-үйлай синглесига қүнғироқ килиб, бор воқеани айтиб берди.

— Совчи юборган йигиттінг оиласини бир суриншириб келмаймизми? — деди суҳбат сұнгидә синглесига маслаҳат солиб.

— Майли опа, — дей дарров рози бұла қолди синглеси ҳам. — Бир соатдан кейин «Зарқайнар» супермаркеттінг ёнида учрапамиз...

Умар ошпазнинг уйини жуда тез топищди. Күчага зеб бериб турған икки қаватлы уй ошпазники экан. Опа-сингил ҳаш-паш дегунча суриншириув ишларини бошлаб юборищди.

— Оталари ошпаз, Бозорга овқат олиб чиқиб сотишади. — деди ён күшниси уларга таъриф бериб, — Катта үйллари ота қасбини танлашған. Келинлар ҳам шу иш билан андармон.

— Ошпазнинг кичик ўелини нима иш билан шуғуланишини, тұгериси, билмайман, — деди бошқа қүшни, — Аммо жуда пұлдор. Үй-жой ҳам шу ўелининг орқасидан қайта күтариған.

Бу гаплардан Хайрихон опа билан синглесининг тарвузи күлтиғидан тушиді. Яна бир-иккита оиласын суринширишганда, икки хил гап чиқди. Бири «Қизингизни шу йигитта бөринг, оч қолмайды», деса, бошқасы: «Болалигида үгрилік қилғани учун «Юсуф шипач» номини орттирган, янаям үзингиз биласиз», деди.

Хайрихон опа билан синглесига айникса Юсуфнинг кис-савур бола бўлганлити жуда ёмон таъсир қилди.

— Бўлмайди, — деди Хайрихон опа синглесига чўрт кесиб. — Бир камим «куёви шипач» деган номни кўтаришим колувди.

Якшанба куни Хайрихон опа ҳар ҳолда эшикдан қелган меҳмон, дей келадиган совчилар учун қозонда шўрва осди. Тушга яқин Салтанат сатанг билан яна ўша овсини Марҳабо Лайлоларниги келишди. Бу сафар улар тогораларига кабоб солиб келишганди. Хайрихон опа суюқ овқатдан сұнг меҳмонлар олдига кабоб тортди.

— Ойн, мен нима қилай? — деди Лайло онаси ошхонага чиққанда. — Чой олиб кирайми?

Хайрихон опа Лайлолинг күнгли шу йигитдә эканлитини сезиб, унинг шаштини қайтаргиси келмади.

— Майли, олиб кира қол, — деди истар-истамас.

Лайло чойнак күтариб ичкарига кириши билан иккى аёл ўзаро шивир-шивир қилиб олишди.

— Ўралим бекорга қизингизга ошиқ бўлмаган экан, — деди Салтанат сатанг Лайло чиқиб кетиши билан мамнун илжа-иб. — Бир қошиқ сув билан ютугулиг-а?

— Қайдам, бундан ҳам сулуврот қизлар бор-ку, — камтарлик қилди Хайрихон опа.

— Мана, қизингизни кўрдик. Икки ёш ҳам бир-бирлари-ни деб кабутардек потирлашиб турибди. Энди фотиҳа кунини ҳам тайинласақ бўлар?!

— Вой, нега энди?! — деди довдираб қолган Хайрихон опа. — Айтдим-ку, қизимиз ҳали ёш, деб.

— Биз ҳам ҳозир олиб кетамиз дейттанимиз йўқ. Бирор йиллардан кейин катта тўйни қилсак, ҳозир фотиҳа тўйини қилиб қўяйлик, деяпмиз-да.

— Бу умр савдоси, шошлиб иш қилиш ярамайди, — деди Хайрихон опанинг синглиси. — Ўғлингиз нима иш қиласди, бизлар билмасак...

— Суриштиргани борганингизда кўни-қўшнилар айтиш-гандир, — деди Салтанат сатанг данглаига.

Сожида бироз каловланиб қолди.

— Ҳа, бордик, — деди сўнг ўзини қўлга олиб. — Ахир сўраб-суриштириб қиз бериш одатимиз-ку.

— Тўғри айтасиз. Суриштирганингиздан хафа эмасмиз. Аммо қўшниларимиз бизни ёмонлашмагандир?

— Мақтов гап ҳам, бироз ўйлантирадиган гап ҳам эшитдик.

— Ўйлатадигани қанақа экан? Ишқилиб жуда ножӯя гап эмасми?

— Йўқ, гап унда эмас, — бироз чайналди Хайрихон опа.

— Гап буғдойдами?! Айтаверинг, — шарақлаб кулди Салтанат сатанг.

— Майли, унда очишини айтайлик, — деди Лайлонинг холаси сухбат тизгинини ўзи томонга олиб. — Ўқимаган, бирор жойда ишламаган йигит пулни қаердан топади? Шу бизни бироз ўйлантираяти.

— Пулнинг макони бозор эканлигини наҳот билмасангиз, — деди Салтанат сатанг бироз жаҳди чиқиб. — Отанг бозор, онант бозор деб бежизга айтишмаган. Ўслимининг даромади шу бозордан.

— Яна ўғилларингизни «Юсуф шиппак» дейишаркан,

- Юсуф шиппакмас, Юсуф шипач.
- Фарқи нима?
- Фарқи катта. Шиппак деб қўлидан бирор иш келмайдиган кишиларни айтишади. Шипач номини ҳар кимлар ҳам олавермайди.
- Йўғ-эй? — ажабланди Лайлонинг холаси.
- Ҳа-а. Шунака.
- Нима тўғрисида ганираяпсизлар менга қоронғу-ку, — деди Хайрихон опа. — Аммо бир йилдан бериси қизимни эрга бермайман. Шуни бориб ўелингизга етказсангиз. Илоҳо омин! Совчилар беихтиёр фотиҳага қўл очиши...

## СОВЧИЛАР ҚУРУҚ КЕТИШДИ

Совчилар бир неча марта келишса-да, қизининг уйдагила-рини кўндиришолмади.

- Уйигитта кўп рўйхушлик бераверма, — деди Хайрихон опа қизини койиб. — Ҳали бир йилагача худо пошшо.
- Кизга онасининг гапи оғир ботса-да, аммо индамади.
- Менга ҳозирча телефон қилмай туринг, — деди бир куни у Юсуфга.
- Нега? — ҳайрон бўлиб сўради йигит.
- Ойим уришади.
- Лайло, билиб қўй, агар ойинг менга бермаса, сени олиб қочиб кетаман.

Лайло энтиқди, аммо сир бой бермади.

- Шаҳар бедарвоза эканми? — деди қовогини солиб.
- Юсуфнинг кайфияти тушди. Назарида қизга бир умр етишолмайдигандек эди.

Эртасига у Бешқайраочга — Тўлқин пухтаникига йўл олди. Қуруқ қўл билан бормай, дея йўл-йўлакай Кўкча бозоридан бир банка қаймоқ ва Хасково бекатидан иккита ёғли патир олди...

Дарвозани Тўлқин пухтанинг келини очди.

- Қушларга дон бераятилар, қиринг, — деди уни ичка-рига таклиф қилиб.

Тўлқин пухта ишком тагида тўтиларига дон бераётган экан. Юсуфни кўриб хурсанд бўлиб кетди.

- Кел, келавер, — деди қўлини ювишга чоғланиб.
- Ишлар жойидами? — деди сўнг Юсуф билан ҳол-аҳвол сўрасаркан. — Дўкондаги товар ҳақини вақтида ундирияпсанми, ишқилиб?

- Ҳа, бұлшыпти.
- Муаммо йўқми?
- Йўқ.
- Дуруст, унда бирор янгилік борми? Ё ўзинг келдингми?
- Сизни күргани келгандым.
- Шум болага ўхшаб гапни узокдан бошламай, мақсадға ўтавер: Бекордан-бекорга мени күргани келмагандирсан?
- Ўйдагилар совчиликка боришганди, — деди Юсуф мақсадға кўчиб.
- Зўр-ку! Уйланмоқчимисан? Қиз қайси маҳалладан?
- Себзордаги домда туришади.
- Хўш, кейин-чи?
- Қизини беришмади.
- Беришмаса-беришмас, шунга шунчами? Бошқасини топамиш, сенга қизини бераман деганлар сон мингта.
- Бошқаси керакмас.
- Эй-ҳа, любов-любов, дегин ҳали?
- Шунақароқ.
- Қизнинг ҳам сенда кўнгли борми?
- Ҳа.
- Нега унда уйдагилар ноз қилишшаётти?
- Киссавурга қиз беришмас экан, — деди Юсуф бошини згиб.
- Ҳа, гап бу ёқда дегин. Нима, узил-кесил «йўқ» дейишидими?
- «Бир йил ўтсин, ҳали тўй қилолмаймиз. Кейин кўрапмиз», дейишибди.
- Унда ҳали умид бор экан. Кутиш керак.
- Мен бир йил тугул, бир кун ҳам кутолмайман, қўлим шига бормаяпти. Мана шу ерим ёниб кетаяпти, — деди Юсуф қўли билан чап кўксини кўрсатиб.
- Ҳай, ҳай, шошмай тур. Ўзингни бос. Нима, қозоқлардек қизни ўғирлаймизми унда?
- Йўғ-эй.
- Барибир сени ўғри дейишибди-ку. Шундай экан, қизни ўғирлайсан-қўясан. Шуям проблемами?!
- Ия, бўлмайди-да, — деди Юсуф: «Келиб-келиб, дардимни сизга айтдимми?» дегандек, асабий қўл силтаб.
- Нега бўлмас экан?
- Бизда бундай одат йўқ-ку!
- Шунай билсанг, кечки пайт соат саккизларга яқин Бўзсув-

га борасан. Акбарали аканинг уйи ёнида учрашамиз. Тушундингми? Майли, энди борақол.

Юсуфнинг қалбида умид уйғонғандек бўлди...

Акбарали бойнинг уйи Шаҳидлар хиёбонининг орқасидағи эски ҳовлилар қаторида, настки тарафидан Бўзсув суви оқади. Сувга яқин жойда ҳамишпа меҳмонлар билан тўла қатор тахта супачалар.

Соат йигирма бирларда олди меҳмонлар кетиб, яқин қадрдоиллар қолди. Тўлқин пухта оғзини гапта жуфтламоқчи, ни мадир сўзламоқчилигини сезган бой уни алоҳида супачага таклиф этди.

— Хўш, нима гап? — деди Акбарали меҳмонларни кузатгач Тўлқин пухтага.

— Юсуф уйланаман, деялти.

— Умар ошпазнинг ўғлимни?

— Ҳа, ўша Юсуф шишаҷ.

— Лакабини менинг олдимда айтмаларинг, демаганимидим?!

— жаҳди чиқди Акбаралининг.

— Ҳамма гап унинг лақабида-да. Унинг шу лақаби учун қизнинг ота-онаси рози бўлишмабди.

— Қанақа оила экан ўзи?

— Оддий, меҳнаткаш оила. Отаси Россияда устачилик қиларкан.

— Улар билан ўз тилида гаплашиш керак!

— Юсуф шу ерда, чақирайми?

Акбарали унинг гапига эътибор бермай, ёрдамчисига имоқилди: — Юсуфни чақириб кел.

— Хўп бўлади.

Ёрдамчи ниқди.

Бирпастан сўнг Юсуфнинг қораси кўринди.

— Ассалому алайкум, — деди Юсуф эшикдан кирав-кирмас кўлинни кўксига кўйиб.

— Ваалайкум ассалом. Кел, қариялар билан ҳам бирпастутир-чи, — деди Акбарали унга ёнидан жой кўрсатиб.

Сўнг йигиттага зимдан нигоҳ ташлади.

Унинг назарида кўзлари қоп-қора, от юзли бу йигитда кишини ўзига тортадиган нимасицир бордек эди. Мехри иссик, биринчи бор кўрган одамита ҳам жилмайиб қараши — унинг яхши хислати.

— Дўконни эплайсанми? — деди Акбарали йигитни гапга солиб.

- Ҳа.
  - Текширишлар қийнамаяптыми?
  - Бухгалтер тоғанинг ўзи ҳаммасини ҳал қылайпти. Ҳужжат ишларига ҳали унчалик яхши тушунмайман.
  - Ақлинг етмайдиган нарсалар күн-у, яна уйланаман дейсан-а.
  - Ўзим ҳам ҳайронман. Шу... қийнаб күяркан.
  - Нима қийнаяпти, ошиқликми? Мұхаббатта гирифторлик сен билан бизга ярашмайди, ука.
  - Тушундим. Лекин бир нима қылсам экан?
  - Тўйни эсдан чиқар. Сени, яххиси, узокроқ жойта ишгами ёки ўқишгами юборамиз.
  - Балки, Дубайдаги супермаркетингизга жўнаторсиз? — деди Тўлқин пухта гапта кўшилиб.
  - Йўқ, яххиси, уни Англияга ўқишга юбориш керак. Четтилини ўргансин, Бўш вақтида бирорта фирмада ишлаб, тажрибасини ҳам оширади.
  - Лекин Юсуфнинг тил ўрганишга қобилияти бўлмаса-чи?
  - Пули тўланса, бир ойда булбулигўё қилиб қўйишади. Аммо у ерда ўқишга кириши шартмас. Тил ўрганиш курсларига қатнаса бўлди.
  - Тил ўрганса, балки, бирор фирмага жойлаб кўярсиз?
  - Буни кейин ўйлаб кўрамиз, — деди Акбарали уларга «маслаҳат пишди» дегандек қилиб.
- Тўлқин пухта ичида, тиник фикр, деб кўйди.  
Юсуф ўйланиб, бошини қуий эгди.
- У умрида бир мартагина Дубайга олти кунга Тўлқин пухта билан Акбарали бой супермакети очилишида борган эди. Тил билмагани учун, ўшанда қийнамгаңди. Катта-катта магазинларга кирганды ранги, туси турли ोдамларнинг ўзаро инглиз тилида гаплашаёттанини, шартномалар тузаттанини бир неча бор гувоҳи бўлди ва уларга ҳаваси келганди.
- Ҳозир у бойнинг, хўш, сенга-чи бу тадбир тўғри келадими, деган сўргига, гарчи Лайлодан ажralиб фироқда бошини эгиб юришига мажбур бўлиши, қийналишини кўз олдига келтирган бўлса-да, майли, сиз айтгандек қиласман, деди.
- Орадан бир ҳафта ўттач, Юсуф Лондонга тил ўрганиш учун жўнаб кетадиган бўлди. У то кетгунича бирор марта бўлса-да Лайлого қўнғироқ қиласади. Фақат эртага самолётта чиқаман, деган куни қизга қўнғироқ қилди.

- Алло, — гүшакнинг у томонидан қизнинг қўнғироқдек овози жаранглади.
- Алло, Лайлло. Бу мэнман.
- Юсуф ака, сизми? Ассалому алайкум!
- Ваалайкум ассалом. Яхши юрибсанми?
- Раҳмат, ўзингиз-чи?
- Дуруст, — дей бироз сукутга толди Юсуф, сўнг оҳиста.
- Сени соғинидим, — деди.
- Ростданми?
- Рост. Лайлло, мен эртага учиб кетаяпман.
- Вой, қаерга учиб кетасиз? — ҳайрон бўлди Лайлло.
- Лондонга.
- Нега кетаяпсиз?
- Тил ўрганиш учун,
- Шунинг учун Лондонга бориш шартми?
- Шундай бўлиб қолди, Лайлло.
- Қачон келасиз?
- Олти ойдан сўнг.
- Олти ойдан сўнг?! — ҳайрон бўлди қиз. — Мунча узоқ вақт!
- Хайр, мени кут, илтимос, кўришгунча, — дей Юсуф тапни қисқа қилди.
- Ҳалиги... қўнғироқ... Майли, яхши боринг.

Лайлло унга, «қўнғироқ қилиб туринг», демоқчи бўлди-ю, аммо айттолмади. Гўшакни жойига қўяркан, кўнгли бўшашиб, кўзидан ёш думалади...

Тўлқин пухта йигитта, у қизга вақтинча телефон қилмагин, йўқса у эсингта тула берса, хаёлинг бузилади. Тилни ўрганиш мақсадинг амалга ошмаслиги сенга минус, билиб кўй, деганди.

Роппа-роса олти ой ўтганда Юсуф ҳамон Лондонда тил ўрганиш билан банд эди. Унинг ёнида доимо репетитор бўлгани учун инглиз тилида гапиришни ўрганиб олган бўлса-да, грамматикасига келганда, ҳали оқсарди. Натижада, у яна олти ойга Англияда қолдирилди. Катталар шунга келишишганди.

Умар акани уйига ойда бир Тўлқин ака болалари маълум миқдорда пул ташлаб кетишарди. Умар ака бу пулларни бир сўмини сарфламай, ўғлим келса, тўйига ишлатаман, деб йиғарди. Бирпаста анча маблағ тўплади.

Орадан бир йил ўтди.

Бу вақт давомида Лайлолар уйига келаётган совчиларнинг қадами узилмади.

Турли табақата мансуб оиласардан уни сұраб келгандар бўлди. Автомобиль йўллари институтини битирған калта бўйли бақалоқ йигитдан тортиб, заргарлик лицейида қасб ўргангандан тилло буюмлар билан тирикчилик қиласидан сулода вакилларининг кенжা авлоди Олмос деган чиройли кўк кўзли йигитга ҳам сұраб келишди. Америкада пул топиб келган учар, чаққон болами, шаҳарда бир нечта машина ювиш нуқталарини очган бойваччанинг арзанда ўғлиданми совчилар келди. Уларнинг кўпчилиги тўғри муомаласини қилиб келишган эди. Таня опа дараклаган Абдувосиқ ака чилангарнинг оиласидан келган совчиларнинг қилиғи ҳаммасидан ўтиб тушди.

Улар, унча-мунча жойга бормаётган эдик. Таня опа мақтагани учун келдик, деб баланддан келишди.

Хайрихон опа Таня опани йўқлатди.

Орадан бир чой ичишлик вақт ўғди. Таня опа кириб келгандар билан сўрашди, ўзини танитди. Уларга разм солар экан, Абдувосиқ аканинг хотини кўнглига ўтирмади. Юзлари заҳил, тунд, гап-сўзларидан заҳархандалиги, калондимоғлиги билиниб туради.

Таня опа бошини сарак-сарак қилди. Хайрихон опа тушунди. У барча совчиларга айтилган важ, қизимиз ёш, ҳаливери узатмаймиз, деб жавоб берди.

Лайло, ўз навбатида, қолипларни бошқа темирчилик дўконидан сотиб оладиган бўлди.

## ОРАДАН БИР ЙИЛ ЎТИБ...

Охирги уч ой давомида Юсуф Лайлого қўнфироқ қилмади. Келиш вақтини ҳам айтмади.

Нихоят, орадан бир йил ўттач, Юсуф Тошкентта қайтди. Уч кун уйидан кўргани келгандарнинг қадами узилмади. Юсуф эса Лайлони кўришга муштоқ эди. Тўртинчи куни эрталаб тўппа-тўғри бозорга йўл одди. Чунки у Лайлонинг хариц учун шу бозорга келишини яхши биларди. Эгнида Англиядаги хариц қилган юмшоқ, тоза пахта кийимлари, кўйлак чўнтағидаги кўзойнак учун кўриниб турибди. У тилла буюмлари сотиладиган дўкон олдида типирчилаганча қизни кута бошлади. Узоқдан Лайлонинг қораси кўриниши билан кўзига қора кўзойнагини тақди ва тескари ўтирилиб, кўзойнакка тушаётган шуъла орқали Лайлони кузатди. Қиз тепаға кўтарилиб, гумбаз остидаги бозорга кирди. Кўзларида кўзойнак, соchlарини пахмайтириб унинг ортидан Юсуф юрди.

Қиз ўртадати расталардан қурт сотиб олди, сүнг сут-қатик, қаторига ўтди.

Кұтара нархига қаймок сотаёттан сотувчи Севаранинг қўли-кўліга тегмасди. Ахир бир кундан кейин ҳайит. Навбат ўрнита одамлар тұдалашып туриб олишган, қиз қайси томондан яқинлашишини билмай анграйиб турғанда, бирор елим халтасини оҳиста тортди.

Қиз ўғиб-қайтувчилар туртиб кетаяпти, деб ўйлади шекилли, елим халтасини янада маҳкамроқ чангалауди. Аммо Юсуф баттар ўзи томонга тортди. Лайлонинг жаҳли чиқиб, шарт ортига бурилди. Бурилди-ю, кўзига қора кўзойнак таққан, соchlари паҳмоқ бегона бир йигитни кўриб, котиб қолди.

— Менда ишингиз борми? — деди қошларини чимириб.

— Бу бозорга мендан рухсат сўраб кириш керак, — деди Юсуф.

— Нега энди сиздан рухсат сўрашим керак экан?

— Чунки мен Юсуфман, сенинг бўлғуси эринг. — Юсуф шундай деб кўзидан кўзойнагини олди-да, қизга жилмайиб қаради.

— Юсуф ака! — қувончдан кўзлари чараклаб кетди Лайлонинг. — Сизмисиз? Жуда ўзгариб кетибсиз, танимабман.

— Сени жуда согиндим, — деди йигит энтикиб. — Илтимос, четроққа ўтайлик,

— Буюртмам бор, қаймок олишим керак.., — дея бироз иккиланди Лайлло.

— Ҳозир..

Юсуф шундай деб кимгәдир қўнироқ қилди. Ҳаял ўтмай уларнинг қаршисида ўша ўғри бола — Санжар пайдо бўлди.

— Яна нималар керак? — деб сўради Юсуф Лайлодан.

Қиз сумқасидан рўйхат олиб, энди ўқишига тутинганди ҳамки, Санжар унинг қўлидан юлиб олиб кетди.

— Биз сени бозор дарвозаси олдида кутамиз! — деди Юсуф унинг ортидан қичқириб.

Икковлари сал четроққа ўтиши.

— Лондон ҳақида гапириб беринг, — дея эркаланди Лайлло.

Юсуф Лондон ҳақида, қандай тил ўргангани, бир фирмада ишлагани хусусида қисқача гапирди.

— Мен ҳам мактабда инглиз тилидан бешта ўқиганман, — деди Лайлло унга мақтантиси келиб.

Юсуф қизга инглиз тилида бир-иккита саволлар бергани-

ди, қыз талаффузини бузыб бўлса-да, бинойиңек жавоб берди. Юсуф, Лайлони хорижий тиллар инститигутида ўқитиш керак экан, деб қўйди ичида.

Санжар бозорлик қилиб келгач, Юсуф сумкаларни «Нексия» машинасининг орқасига юклади.

— Неча сўм бўлди? — дея сўради Лайло шоша-пиша сумкасини ковлааб.

Юсуф унинг қўлини ушлади:

— Кераги йўқ,

— Ия, нега? Унда мана буларни олмайман.

— Қўй, ундан кўра ўзингдан ганир. Мана, сен айтган бир йил ҳам ўтди-кетди. Энди совчиларни юбораверсам бўладими?

— Билмасам... — ўнгайсизланди Лайло. — Сиз ўзгариб кетибсиз.

— Йўғ-эй!

— Бошқачароқ, бўлиб қолгандексиз...

— Сен ўзинг-чи? Нега кўзларинг камгиндек?

— Сиз эса улгайбсиз. Оғир-босиқ бўлиб қолганлигин-гиздан сал чўчияпман.

— Булар шунчаки гап. Кўнглини нима дейди?

— Кўнглим?.. Кўнглимни бирор фироқда чўктириди, мени ҳижронларга ташлаб кетди...

— Мени кечир, аммо айб кимда? Бир йил ўтсин, деган ўзингизлар-ку? Ё нотўрими?

— Тўғри.

— Мен барибир бошқа Лайлони билардим. Қувноқ, ўх, бир гапириб, ўн куладиган. Аммо ҳозир қаршимда замга ботган бир қизни кўраяпман.

— Ажаб бўпти.

— Оддинги Лайлого қайт. Мен бир умр сени деганман. Тайёр тур, эрта-индин совчилар боришади.

— Илтимос, ҳали бироз шошилманг. Адам Россиядан қайтганлар, мазалари йўқ. Ҳозир даволанаятилар. Тузалиб олиннлар, кейин аста-секинлик билан бўлаверади. Чунки ҳаммаси адамга боғлиқ...

ЛайлоЮсуфга машинасини уйи ёнигача ҳайдаб боришига рухсат бермади. Йигит қанча уринмасин, қўшнилар гапсуз қилишади, дея уйидан сал берироқда тушиб қолди.

Юсуф Лайлонинг ортидан тикилиб қоларкан, ҳар қалай, замгинларининг сабаби бошқа экан, деб қўйди ичида.

## ОТА БИР КЕСАДИ

Лайло уйга келгач, бўлган воқеани оқизмай-томизмай она-сига айтиб берди.

— Пулимни ҳам олмай, мени хижолат қилди. Энди нима бўлади? — деди кўзлари чараклаб.

— Бандасининг эмас, Яраттанинг айтгани бўлади, — деди Хайрихон опа чимрилиб.

Чунки ўнга қизининг шу йигитни деб суюнишлари ёқма-ётганди. Нариги уйдан отасининг қисқа-қисқа йўталгани эшитилди.

— Тисс, — деди Лайло кўрсатгич бармоғини лабига бо-сиб, — адамга айтиб қўйманг.

Кудрат ака Россиядан ўпкасини шамоллатиб қайтиб кел-ганди. Ва мана, етти ойдан бери она-бала отасининг куч-кувват йигишига қараб туришибди. У соғлиги бўйича ноги-ронлик нафақасига илинганди.

Кўча айланиб очиқ ҳавода кўп юради. Она-боланинг ишига ортиқча аралашмайди.

Бироқ қайтиб келган кунининг эртасига ёқ қудаси уста Мўминни уни кўришга чиқсан кўшнилар орқали йўқлатди.

Кудасининг уйи яқин, Тахтапулда. Уста Мўмин эртасига ўели Файбуллани ҳам олиб келди.

Хайрихон опа дастурхон тузади.

Адиба қўлида чақалоги, чиқиб улар билан сўрашди. Уста Мўмин неварасини қўлига олиб, бағрига босиб, ҳидлади. Кўзи-дан ёш тирқиради. Сўнг Файбулла ҳам узоқ вақт икки қўллаб кўтариб ўтириди.

— Ухлайдиган пайти бўлди, — деб Адиба зўрга эрининг қўлидан чақалоқни олди.

Кудрат ака хонасидан чиқмади. Уни кўргани ҳузурига ки-рипиди. Ҳол-аҳвол сўрашишди, у ёқ-бу ёқдан гаплашилгач, Ади-банинг уйига қайтиб келиш сабаблари тўғрисида гап кетди.

Кудрат ака бор воқеалар тафсилотини эшитганди, аччиқ-ланиб гапирди.

— Хўш жўра, йўғлигимда хотинларга сўзинг ўтмадими? Ти-лини суғуриб олмайсанми? Ё ўслингта гапинг ўтмайдими? Сен-га қойил қолмадим?

Уста Мўмин нима дейишини билмай, тилини тишлаб ўти-рарди.

— Хотин ўз йўлига, она ўз йўлига. Бирини биридан устун

қўйсанг, бири зулмкорга айланади. Ё ногўрими куёв, Сиз нима дейсиз?

— Пайғамбаримиз онангни рози қил деганлар, шунга амал қиласман, деб чегарадан чиқиб кетдим, шекилли.

— Лекин онанг туфайли «онлангни ташлаб қўй, фарзандингдан кеч», деган жойи ҳам йўқ-ку! Сизни энди ўз онлангиз, ўз фарзандингиз бор. Фарзанд кўча-кўйда, бошқа жойда ўssa, ма-ломати тегмайдими? Кўча кўрган ўртоқлар гапирмадими?

Файбулла индамади.

— Қизиқ, — деди Қудрат ақа, — Энди Адабани ҳимоя қила оладиган одам борми?

Файбулла қайнотасининг айёrona саволининг мазмунини англади.

— Мен билан кетсин, ҳаммаси жойида бўлади.

— Борса, уйдагилар зуғумидан асрай оласизми?

Уста Мўмин кўzlари ярқираб гапга қўши:

— Асраймиз. Бу ишни ўғлим эплоимаса, мана мен қиласман.

— Ундоқ бўлса, қизим ҳозироқ йўлга тушади.

— Ростданми?

Файбулла беш ойдан ортиқ бу уйга қатнаб, хотинини олиб кетишига кўндира олмаётган, бор қариндош, ўртоқлари, қўшиларидан дакки эшита бериб, роса тавбасига таянган эди. Роса хурсанд бўлиб кетди. Доимо ғамнок, ҳаётдан норозидек юрадиган уста Мўмин ҳам қувончда эди.

Бу хабарни эшиттан Хайрихон опа ва қизлари ҳайрон қолиши.

Хайрихон опа, қайнота, куёв катта уйга қайтиб чиқишиданда, эрининг ҳузурига кириб узоқ пичирлаши.

Қудрат аканинг сўzlарини бош эгиб эшитди. Хайрихон опа розилигини, битта шарт билан, қуёви ва қудаси олдида чертиб-чертиб гапириб, зўрга берди:

— Агар куёв қизимни хотин ўрнида кўраман, вакт-вақти билан қариндош-уруғта қўшаман, ўйин-кулгиларга олиб борман, деса, Адiba майли, уйига қайтади.

Қудрат ақа ёнита уста Мўминни чақиририб, соат кундузги тўртга хотин қуда, куёвни олиб келишини тайинлади.

Қудрат ақа укаси Ҳикматга қўнғироқ қилиб чақирди. Укаси кейинги домда туради. Физ этиб етиб келди. У эрталаб вақтли чиқишини ва қизига қайта никоҳ ўқитиши кераклигини, шу муносабат билан бозор қилиб келиши ва домла олиб келиши зарурлигини тайинлади.

Эртасига дөмлө келиб никох ўқиди.

Үста Мүмин күзлари намланы. Мухтабар опанинг ҳам шодлиги түлиб-тошарди, чунки уни маҳалла хотинлари ва жигарлари ношудликда айблаб тинч күйишмаёттан эдилар. Күпчилик барибир ҳак одамни тарафини олишига у иқрор бўлганди. Бир ёқда қизи Шаҳдога совчилар келмай қўйганди.

Куёв ўзича хурсанд, қўлига чақалоқни оловоди. Аввал у Адабанинг йигилиб қолган бўғчаларини машинасига жойлаб чиқди.

— Ўслимнинг туғилиши шарофати билан «Тико» олгандик.  
— деди Файбула оғзи қулоғида бўлиб.

Хайрихон опа ич-ичидан хурсанд бўлса-да, аммо буни сез-дирмади.

— Илоҳим, қизим бу машинага кўзининг ёшини оқизиб миннисин, — деди сир бой бермай.

Адiba чақалоғини бағрига босганча ота-онасига қўл сил-киди.

Кудрат ака қилган ишидан мамнун бўлиб, уларнинг орти-дан жилмайганча тикилиб қолди. Аммо уйи ҳувиллаб қолган-лиги учун ич-ичидан эзилди.

— Ада, уйлар бўм-бўш бўлиб қолди, — деди Лайло ҳам дадасининг кўнглидагини уққандек.

— Кўявер, опанг энди мустақил оила бекаси. Қачонгача қанотимиз остида сақлаймиз?

Кудрат аканинг қизини тезроқ ўз уйига қайтаришдан яна бир мақсади, касаллигини чақалоққа юқиб қолишидан қаттиқ хавотирда эди. Бу касалдикнинг юкумли босқичидан ўтиб ол-гунча қизи, ёнидаги набирасига бир уй ҳавосидан нафас олиш мумкин эмас эди.

— Қизингиз, барибир, у уйда тиниб-тинчиб кетмайди, — деди Хайрихон опа бироз кўз ёш қилиб.

— Яхши ният қил, онаси. Ҳали ҳаммаси жойида бўлади.

Кудрат ака айттанидек, Адабанинг уйидаги муҳит яхши томонга ўзгарди. Эрка қиз Шаҳдо ҳам ҳаял ўтмай Зангнота томонда иссиқхонаси бор, ўзига тўқ бир оиланинг яккаю ёғиз ўғлига эрка келин бўлиб тушди.

— Пахмок, қизнинг баҳтини берсин, деб шуни айтадилар-да, — дейишиди шу қизни ҳам бирор келин қиласмикин, дея тап-сўз қиласиган кўни-қўшнилар.

Қизи эрга теккакч, Мухтабар опага ҳам инсоф кириб қолди. У бўш қолди дегунча набирасини қўлига олар, у билан ову-нар, шуни деб тўй-ҳашамларга ҳам бормай қўйганди.

Уста Мўмин Гайбулланинг икки-уч ойгача чўзиладиган ишлари энди бирпасда бигаёттанидан худога шукронга келтиради.

Гайбулла онасига сездирмай, қайнотаси учун қиммат доридармонлардан қидирар ва уни киши билмас Лайлоларникига таширди. Бир куни бундан Мухтабар опа хабар топди-ю, аммо индамади.

— Оий, пулини беришган, — деда ёлғон гапирди Гайбулла юраги пўкиллаб.

— Қайнотанг муросаю мадорани тушунадиган яхши одам. Агар шу одам бўлмаса турмушинг бузилиб кетарди. У кишига ҳар қанча қиласанг кам, — деди онаси.

Гайбулла севинганидан онасининг юзидан ўшиб олди:

— Оий, наҳотки шу гапларни сиз айтиётган бўлсангиз?! — деди унинг елкасидан қучиб.

— Нима, онанг шунчалар ёмон аёлми, бу гашимдан ҳайратланасан?! — деда кўзларига ёш олди Мухтабар опа.

Кудрат ака неча ой ўтса-да, ўшка касалидан кутулолмай, азобда эди.

## ЖАВОБ ЎША-ЎША

Шундай кунларининг бирида Абдувосик темирчининг ўғли Козимдан Лайлого совчи келди.

— Ўзимизга ўхшаган оддий, касб-кори тайин оила экан.

— деди Кудрат ака хотинига маслаҳат солиб. — Йигитни чақиртири, у билан ўзим бир гаплашиб кўраман.

— Йўғ-эй, қизингизга у бола ёқмайди, — деда беихтиёр Хайрихон опани оғзидан бу гап чиқиб кетди.

— Қизинг муштдек боши билан яхши-ёмонни қаёқдан биларкан?! Мехнатда тобланган йигит бўлса, нимаси маъкулмас?! — деди Адаси, қизингизнинг ҳам раъийга кулоқ солинг.

— Ортиқча гапга ўрин йўқ! Йигитни эрталабки ишидан қўймайлик. Яхшиси, соат бешда, шомга яқин келсин. Бўлди, гап тамом!

Хайрихон опа мулзам бўлиб хонадан чиқиб кетди ва совчиларга эрининг гапини айтди.

Хайрихон опа ўйлай-ўйлай ҳийла ишлатишга қарор қилди. Лайло билан узоқ маслаҳатлашди.

— Агар эргага темирчи йигит аданига маъқул кёлса, унда ҳаммаси тамом, — деди қизининг юрагига булагула солиб. —

Кейин аданг ўлса ҳам сўзини қайтиб олмайдиганлар тоифасидан. Буни яхши биласан-а?!

— Ҳа. Унда нима қиласиз?

— Яхшиси, сен ўша Юсуф ўлгурга кўнғироқ қил. Тушга қолмай улар томондан ҳам эркаклар келиб, аданг билан гаплашиб кўришсин.

Лайло қайсарлик қилди:

— Ойи, аввал адамга улар келишини билдиринг, балки қарши бўлмаслар.

— Сўрасам, албатта, аданг: уларнинг кимлигини, нега эркаклар келиши кераклигини сўрайвериб саволга кўмиб ташлайди. Индамай келаверишсин-чи, бир-икки соат қолганда адантга билдирамиз.

Лайло ноилож кўнди.

— Лайло ўзингмисан?! — ҳовлиқди Юсуф унинг овозини эшитиши билан.

— Ҳа, ўзимман.

— Қуёш қаёқлардан чиқди?

— Фарбдан, бўлдими?

— Тинчликми ишқилиб?

— Бизнигига совчи юборар экансиз, ойим айтдилар.

— Совчилар боришинми?! — ҳайрон бўлди Юсуф.

— Ҳа, ўзим айтмасам, сиздан садо чиқмайди ҳам.

— Ўзинг ҳали адам билмай турсинлар, демаганмидинг?

— Энди билсинлар, деб қўнғироқ қиляпман.

— Яъни?..

Лайло ўпқасини босолмай, барадла йиглаб юборди.

— Вой, тантиқ қиз, нега йиглайпсан?

— Нима қилай, кулайми? Эртага адам уйимизга келиб юрган совчилардан бирининг ўғлини чақиртирганлар, унга хўл деб юборсалар тамом, кейин адамнинг фикрини ўзгартириш қийин.

Юсуф жиддийлашди.

— У йигит ким, — деди босиқлик билан. — Соат нечидаборади?

— Козим, Абдувосиқ темирчининг ўғли. Соат бешда келаркан.

— Анави, сенга тортнинг қолипини сотган йигитми?

— Ҳа, ўша.

— Вой, галварс-е, ҳали сенга уйлангиси келиб қолибдими?

— Ҳозир уни ҳақоратлаб ўтиришдан фойда йўқ, — деди Лайло тоқатсизланиб.

— Бўпти, эртага тушга яқин бизниклар боришади. Ҳеч қандай оворагарчиликнинг кераги йўқ. Бўлдими энди, йиғлоқи қиз?

— Мени сиз йиғлатаяпсиз.

— Сен-чи, мени ҳам ҳеч ўйлайсанми?

— Эй, боринг-эй! — Лайло шундай деб гўшакни шарақлатиб жойига қўйди.

Унинг кўзларидан шашқатор ёш оқарди.

— Бўлдими? — деди йўлақдан унинг гапини эшитиб турган ойиси ёнига келиб.

— Эртага соат бирларда улар томондан уч киши келаркан.

Хайрихон опа қизининг юзига термулдй. Доимо мағрур юрадиган, ҳеч кимга бўйин эгмайдиган Лайло шу йигитта боғланиб қолганиданми ёки қўнғироқ қилиб турури синганиданми қаттиқ ўкинаётганди.

Хайрихон опа уни жимгина бағритга босди.

— Ойи, сиз учун қўнғироқ қилдим, тўғрими? — деди Лайло ҳиқиллаб.

— Ҳа, албатта, мен учун. Мен эса сенинг баҳтингни ўйладим, қизим.

Ўша куни Юсуф отасига, эртага касал кўргани бир жойга борамиз, деганида, Умар ака бош иргаб маъқул деб қўя қолди.

Юсуф отасига овқат қилиб сотмаслигини қайта-қайта тайинласа-да, Умар ошпаз ўрганиб қолгани учунми, ҳеч бўлмаса бир кунда беш кило гуруч дамлашни канда қилмасди, ўзи сотмасди-ю, касбини давом эттираётган ўғли Содикнинг ошига кўшиб бозорга чиқартиради.

Ҳозир ҳам у Юсуфнинг гапига аҳамият бермай қозонга андармон бўлди.

Эртаси кунигача Хайрихон опа зўрга чидаб юрди. Саҳарда эса астагина эрининг ёнига кириб:

— Сизни кўргани пешинда меҳмонлар келишаркан, — деди эрининг елкасига қўлинни қўйиб.

Кудрат ака дарров сезди. Демак, келадиган меҳмонлар совчи. Аммо ким экан улар? Ким бўлса ҳам хотини ва қизига таниш ва маъқул одамлар шекилли, хотини буни очиқ айтольмай чайналиб ўтирибди.

Кудрат ака хотинига синчков нигоҳларини тиқди.

— Бундай қараманғ, адаси, — деди Хайрихон опа эркала-ниб.

— Ким ўзи улар? Сүлжайиб туришингдан сен танийсан, шекилли?

— Бултур Лайлого совчи юборған, бозорга овқат чиқариб сотадиган оиласдан.

— Исли борми?

— Умар ошпаз.

Кудрат ака бироз ўйга чўмди.

— Ҳикмат у ердагиларни яхши билади, — деди сўнг чуқур хўрсиниб. — Уни чақирирайлик.

— Телефон қиласизми?

— Соат неча бўлди ўзи?

— Саккиз.

— Яхши, менга телефонни олиб кел...

Кудрат ака укасига телефон қилиб, соат бирга яқин биз-никига чиқ, меҳмонлар келади дея тайинлади.

Орадан икки-уч соат ўтгач эшик қўнгириғи жириングлади. Ўй тозалаётган Лайло югуриб эшик ёнига боргунча ошхона-дан Хайрихон опа чиқиб келди.

— Ўзим очаман, — деди совчилар келганмикин, деган ха-ёлда. Лайло ортига бурилди.

— Лайло, булар нимаси? — деди эшикни очган Хайрихон опа ҳайрат билан.

— Нима гап оий? — дея ичкаридан ютуриб чиқди Лайло.

— Буларни қара!

Лайло эшик тагида катта-катта учта қороз қути турганли-гини кўриб, ҳайрон бўлди. Сўнг бу Юсуфнинг иши эканлиги-ни билиб, юзига табассум югурди.

— Қорбобо ташлаб кетган оий, — деди қутиларни ичкари-га олиб киришга уринаркан ҳазиллашиб.

— Сенинг қорбобонг, шекилли. Қани қўрайлик-чи, нима-лар олиб келибди.

Хайрихон опа шундай деб қороз қутиларни бирма-бир очиб кўра бошлади. Биттасида ҳўл мевалар, биттасида чак-чак, яна бирида қанд-курс, ёғли патирлар...

Лайло югуриб айвонга чиқиб, деразадан пастта қараган-ди, Юсуфнинг машинаси уйдан узоклашаётганлитини кўрди.

— Оий, Юсуф акамнинг ўзи олиб келган экан, — деди Лайло ойисининг ёнига қайтиб.

Хайрихон опа аёллигига борди.

- Шундай саҳоватли йигитта ўғрими-түғрими, жон деб қизимни берганим бўлсин! — деди кўзига ёш олиб.
- Ойн, нималар деяпсиз? Ҳали адам розӣ эмас-ку.
- Даданг ҳам рози бўлмай қаёққа борарди.

Юсуф, ҳеч қандай ташвиш қиласанга, деган бўлса-да, Лайло билан ойиси қозонга шўрва осишиди. Дастурхонни бе-заб бўлишганди ҳамки, Ҳикмат амакиси келди.

- Умар ошпазни эшиттанимисан? — деди Қудрат ака уни гашга солиб.
- Нега эшитмай?! Бу оилани ҳамма билади-ку. Иккита ўғли ота касбини танлашган.
- Кенжатойи-чи?
- Юсуфми?!
- Ҳа, ўша.
- Кўча боласи, аммо обруси бор.

Шу пайт пастдан машина сигнал берди. Тўлқин ака ҳайдовчига танбеҳ берди:

- Одамларга ўҳшаб бир жойга тинчгина борсанг бўлмайдими? Нима қиласан бутун домни асабини бузиб? Бор, ундан кўра тоғораларни, юкларни таши.

Тўлқин пухта ва Умар акани подъезд олдида Жўравой қасоб кутиб олди. Улар секин юқорига кўтарилишди.

Эшиқда турган Ҳикмат улар билан қувноқ сўрашиб, ичкарига таклиф этди ва дастурхон атроғига барча жойлаштагач, ўзини ҳамда акасини таништириди. Жўравой қассоб, ўз навбатида Тўлқин ака, Умар ошпазни уларга таништириди ва дастурхонга таомлар тортилиб, тамадди қилинаркан, енгил сухбат қурилди. Жўравой қассоб Қудрат акадан Россияяда, мусофирчиликда ўтказгав дамларидан сўраб кўнглини хира қилиб қўйди.

Шу чоққача кулиб турган Қудрат ака негадир тажантлашди. Таомлар ейилгач, асосий сухбатта ўтилди.

Савол-жавобни Ҳикмат олиб борди:

- Йигитнинг касби-кори бизларни ўйлантириб қўйди?
- Умар ака Тўлқин пухтага қаради.
- Нимаси ўйлантиради? У бизнесмен, тижоратчи, — деди Тўлқин пухта. — Яқинда Лондонда чет тилига ўқиб келди. Энди Дубайга бориб хизмат кўрсатади.
- Ўзини олиб келмабсизлар. Унга ҳам саволимиз бор эди.
- Ҳозир.

Тұлқин пухта Юсуфға құнғироқ қилды: «Тезда бу ёққа чиқ!».

Сал ўтмай останада Юсуф күринди. У орастай кийинган ва үзини тутишидан анча-мунчада нарсага фахми етадиган йигитдек зди. Қудрат ака айерлик билан уни анча сүрекқа тутди.

— Сизни Лондонда ўқиб келган деб эшитдик... — деди гапни узокдан бошлаб.

— Ҳа, у ёқда тил ўрганиб келдим.

— Энди таржимонлық қиласизми?

— Йўқ, хорижликлар билан бизнес юргазиша керак бўлади.

— Сизлар билан баробар бўлолмаймизми, деб қўрқаман-да...

— Мен ҳам энди оёққа туряпман, — деди Юсуф безовтавланиб. — Лайлони бошимда кўтариб юраман.

— Аммо бизнинг қизимиз ўқимаган, оддий уй қизи... — деди Қудрат ака, қизимни кейинчалик камситишиңгиз мумкин, дегандек.

— Агар Лайло истаса уни ўқитаман.

Орага жимлик чўқди.

Юсуф ҳаёт-мамоти ҳал бўлаёттган одамдек бесаранжомланиб утиради.

— Тўлқин ака, Сизнинг бошқа исмингиз ҳам бормиди? — деди Ҳикмат орадаги жимликни бузиш учун атайлаб. — Сиз ҳаммага таниш ўша акамисиз?

— Ҳа, Тўлқин пухтаман. Уялмай айтаверинг, ўрганиб кетганиман.

— Эй, яшанг-э, боядан бери айттолмай ўтиргандим.

— Ҳа, — деди Тўлқин пухта гапни асосий мақсадга кўчириб. — Биз Юсуфга ишонамиз. У ишнинг кўзини биладиган йигит. Менимча, ундан ёмон куёв чиқмайди. Менга қолса, тўй бўлсин. Рози бўлиб, қизингизни шу йигитга беринглар.

— Яхши гап айтдингиз, — деди Ҳикмат ялатоқланиб. — Ака, сиз нима дейсиз?

Қудрат ака укасига ўқрайиб қаради.

Ҳикмат аввалига, бор-барака дейдиган даллоллардек қизишиб кетганди, аммо акасининг авзойини кўрди-ю, шашти пасайди.

— Қудрат, чет жойларда ишлаб келдинг, — деди Жўравой қассоб сұхбат тизгинини ўз қўлига олиб. — Пул топишининг ўзи бўлмайди. Оллоҳ кимга юқтирса, ўша бой бўларкан. Агар иккиланаёттган бўлсанг, сабабини айт.

Кудрат ака, ҳозир айтаман дегандек. Юсуфга қаради. Йигит бирдан хүшёр тортди. Демак, Лайлонинг дадаси усиз меҳмонлар билан сұхбатлашмоқчи.

— Мен машинамдан бир хабар олай... — деди-ю, ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди.

— Сени ўйлатиб қўйгани, пулдорлигими? — деди Жўравой қассоб.

— Шундай деса ҳам бўлади, — дея мужмал жавоб қилди Кудрат ака.

— Умар ака, ўзингиз бир нима денг? — қизиши Жўравой қассоб.

Умар ака, мен нима ҳам дейман дегандек, Тўлқин пухтага қаради.

— Мен ҳамма гапимни айтиб бўлдим, — тўнини тескари кийди пухта ҳам.

— Эй, менга қара, Кудрат, — деди Жўравой қассоб аччиқланиб, — ким айтади сени бошқа юргларни кўриб келган, деб? Шу йигитта ишонмасанг, кимга ишонасан?! Одам ажратишни биласанми ўзи?!

— Ичимда бир нарса қизингни шу йигитта беряпсанми ё сотаяпсанми деб мени тинимсиз сўроқ, қилаётти, — деди Кудрат ака ҳам дангалига.

— Унда ҳозир жўяли бир гап айта олмайсан, шундайми?

— Шундай! Яхшилаб ўйлаб кўрай, қизим ҳали ёш, бирор ерга қочиб кетаётганий йўқ.

Мехмонлар совуққина хайрлашиши.

Ҳикмат ҳам акаси билан омонат хайрлашиб жўнаб қолди.

Хайрихон опа тогораю қутиларни қайтараётганидан эмас, ишнинг пишмаганидан хафа бўлиб, кўзига ёш келди.

Олиб келган нарсаларини совчилар қўлларида кўтариб тушаётганлигини кўрган Юсуфнинг кайфияти бузилди. У машинасини ўт олдириди-ю, бошқаларни кутмай, шартта кетди-қолди.

Соат бешга яқин Абдувосиқ темирчининг ўели Козим келганида, Кудрат ака ҳали ҳам хаёллар гирдобидан қутилмаганди.

Нихоят, айтилган вақтда куёвликка даъвогарлардан бири бўлмиш Козим ҳам Лайлоларникига келди.

Кудрат ака қаршисида ўтирган Козимга қараб бу йигит билан қизининг умри бир хил ўтишини, ўта қашшоқ ёки бой

ҳам бұлда масалигини түшүнди. Үнинг қүй күзларидағи тобелік ва маңыслик умри ҳар доим оғыр меңнат билан үтаёт-гандығини, орзу-ҳавас ва үйин-кулгудан йироксалып анықтады. Бундай йигитлардан оиласа парвар әр әле қаттыққұл ота чиқиши мүмкін. Аммо оиласини ҳар томондан түкин-сочин қилиб қўйиш қўлидан көлмайди...

Құдрат ақа Козимни аста-секин гапта сола бошлади.

Козим бувалари ҳам темирчи, түгрірорғи, босқончы бұлғанини, Раҳим босқончы деса, «Эски жуға» бозорида ҳамма билишини эслатди.

Онасиңнинг авлодлари эса әгарчи маҳалласыда эшон үтиштегидан сүздәди.

Құдрат ақа күндалик савдо миқдөргіга урғу берганды.

Козим пишиқаңқ қылабми, тортинибми, савдо бүлиб турибди. Айниқса, пишириқ шаклларынга буюртмалар күп. Лайлога ҳам бир вақтлар қолип ясад берганини айтиб, билмасдан мақтаниб қўйди.

Құдрат акага бу гап маъқул көлмади. У үсмоқчилаб сүради:

— Қизим пулинин берганми?

— Ҳа, олғанман,

Құдрат ақа ўйланиб қолди. Мазмунан Лайлони у йигит ҳам, буниси ҳам олдиндан танийди. Үшанға на униси, на бу учрашуға қизини чорламаянты. Тушунарлы.

Құдрат аканинг юраги сиқылди. Беихтиер күлини дуога очди. Козим ҳам шоша-пиппа үнга құшилди. Құдрат ақа йигитни эшиккача кузатиб чиқаркан, дадаңтязға салом дент, деди ҳурмат іюзасидан.

— Хотин, — деди сүңг ортиға бурилиб.

Хайрихон опа нариғи үйдан югуриб чиқди:

— Нима дейсиз?

— Бу ёққа келиб, ёнимга үтир.

Әр-хотин олдинма-кетин меңмонхонага киришди. Хайрихон опа эрининіг рүпарасита чүкди.

— Сен менга қизин! Козим билан Юсуфни қаердан танишини түшүнтириб бер! — деди Құдрат ақа үнга қаттиқ тикилиб.

— Бу темирчи йигитни Тания опа пишириққа қолип олғанни борғанды Лайлола билан таништырган экан. Энди шу йигитдан қолип оласан, иши пишириқ, деганлиғи учун қизингиз шу йигитдан ҳар доим қолип ола бошлаган. Лайлола йигитнинг отасыга ҳам ёқиб қолибди. Бор гап шу.

- Яхши, Ошпазининг бойваччасини-чи?
  - Лайло у билан бозорда танишиб қолишган. Қизингиз пулини йўқотиб кўйгандә шу йигит топиб берган экан.
  - Қанақасига?
  - Билмасам, Юсуфнинг бозорда сўзи ўтса керак-да.
  - Хўш, кейин-чи?
  - Кейин у йигит қизингиздан телефон рақамини сўрабди.
  - Қизинг эса жон-жон деб берган. Сўнг кафёга, киноларга борадиган бўлишган шундайми?
  - Кўйсангиз-чи, дадаси. Лайло у билан бирор марта ҳам учрашувга чиққани йўқ. Фақат телефон орқали таплашиб туришади, холос.
  - Йўғ-э, шунақами? — хотинига кинояомуз қаради Қудрат ака.
  - Үлай агар. Унинг ўзи Лайлони яхши кўриб қолибди. Бултур совчи кўйганди, «Қизимиз ҳали ёш» деб қайтарган-дик. Аламидан чет элга бориб, тил ўрганиб келибди. Тинибтинчимайдиган йигит экан. Уй-жойларини жуда зўр қилиб олибди. Кўни-кўшниларидан сўраб-сурингириб келдик. Билганим шу.
  - Ўзи-чи, ўзи ҳақида нима дейишди?
  - Яхши йигит дейишди. Бозорда дўқонлари бор экан.
  - Бўлдими, ҳаммаси шуми? — деди Қудрат ака хотининг асосий гапни яшираётгандигидан жаҳди чиқиб.
  - Ёшлигига қўли эгри бўлган, дейишди.
  - Боядан бери чайналмай шу гапни айтишинг керак эди.
  - Ҳа, энди.
  - Қизингта қайси бири маъқул?
- Хайрихон опа қўрқа-писа эрита қаради. Юсуфда кўнгли бор, дейишта юраги дов бўрмади. Лайлодан ўзингиз сўранг, деди-ю, боши балога қолди.
- Биттагина қизингнинг кўнглидан нималар ўтаётгандигини билмасанг, қанақа онасан ўзи?! — деди Қудрат ака, унга қаттиқ тикилиб. — Ё оналик сезгиси йўқми сенда?!
  - Менимча, шу ошпазнинг ўғлида кўнгли бор-ов, — деди Хайрихон опа таваккал.
  - Қизинг шу Юсуф шипачни севибдими ҳали?! Шипач нима дегани, биласанми?!
  - Ўғриларни кўча тилида шундай дейишармиш чори.
  - Ҳа, яша! Оғзингни сувини оқизиб ҳавас қилаётган ўша йигитнинг ўғривачча.

- Адаси, янги паспорт олар. Энди иймон йўлига кирди, дейишиди-ку. Ёшлигиде адашгандир-де.
- Эй, бу паспортта ёзилмайдиган ном. Пешонага босилган тамға.
- Яхши одамларнинг фарзанди барибир аслига тортади, Отасини қаранг, қандоқ мискин одам экан. Унга қўшилиб келган савлатли одамлар ҳам бекорга орага тушишмас.
- Ҳа, кўрдим. Отаси яхши одамга ўхшайди. Оғир, вазмин, камтарин...
- Шундоқ экан, боя розилик беришингиз керакми?!
- Эрининг бироз бўшашганини кўриб, дадилланди Хайрихон опа.
- Лайло орзу-ҳавасли қиз. — деди Кудрат ака ўйга толиб.
- Бир томондан Козим унга мос эмас экан. Уф, чарчадим, дам олай.

### ҚУДРАТ АКА ЭНДИ КЎНГАНДИ...

Орадан уч кун ўтдими-йўқми, бир пайт эшик қўнғирои жингиллади. Хайрихон опа шошиб эшикни очса, эшикда участка врачи Файзуллаева турибди:

- Мумкинми?
- Келинг, киринг.
- Қудрат аканинг соғлиқлари яхшими?
- Анча тузуклар.
- Уларга райздравдан текинга путёвка бериб юборишиди.

Эртадан ётишлари керак.

- Йўр-эй? Қандоқ яхши, чақираими?
- Ҳа, албатта.

Файзуллаева стула га ўтириб, сумқасидан путёвка чиқарди ва қархисида пайдо бўлган Кудрат акага узатди:

- «Чинобод»га, йигирма кунга.
- Умрингиздан барака топинг!

Раҳмат, Аммо ташаккурни райздравга етказаман. Мана бу накладнойга қўл кўйинг, ярмини қайта топширишим керак. Кудрат ака қўл кўйиб хотинига қаради.

- Чойга қарамайсанми?

Хайрихон опа хурсандлигидан ўзини йўқотиб, қотиб турарди.

- Вой, ҳозир.

У бир стакан олча компотини олиб чиқиб, Файзуллаевага тутди.

Дүхтір компотни ичиб мактади:

— Ўзингиз қылдингизми? Жуда қуюқ, шарбатнинг ўзи-я?

Құдрат ака «Чинобод» санаторийсіда Олим ака деган хизмат күрсатған маориф аълочиси билан бирга дам олди-ю, ана шу одам туфайли қизини кимга бериш ҳақида узил-кесил бир тұхтамға келди...

Бир куни Олим ака Христофор Колумб ҳақида ғалати бир гап айтиб қолғанды. Америка қытъасини очған деңгизчилар-нинг аксарияты ўлымга маҳқум этилған жиноятчилар экан. Чunksи ўша пайтда номаълум манзилаға сузишга ҳеч қайси деңгизчининг юраги дов бермаган экан. Шу боис қамоқхона-даги жиноятчиларға агар улар қуруқ ерни очища иштирек этишса, қайтгач, уларға озодлық ваяда қилинади. Жиноятчи-лар қамоқхонада йиллар давоміда ўлмини кутиб ётишдан күра саёжатни афзал күришади. Улар янги ерлар, Кубага яқын оролларни қашф этиб қайтишганда, халқ уларнинг жиноятчи эканлыгини унугиб, қаҳрамонлардек кутиб олишган экан.

Бу ҳикоя Құдрат ақага жуда қаттиқ таъсир қылды ва қизи Лайлони Юсуфға беришга қарор қылды. Бұндан ташқари, Юсуфнинг одамгарчилігі, ҳар куни үндан ҳол-ақвөл сұра-ши ва ҳатто ошпаз отасини ҳам бу ерга бошлаб келиши Құд-рат аканинг шу қарорға келишига сабаб бўлғанды.

— Сизга ош қилиб кедім, — деганди Умар ошпаз уни күргани келганида камгарлық билан. — Қазини ҳам ёғлиғи-дан танладим. Томоқни юмшатади. Күпроқ еб, тезроқ қувват-га кириң.

Аммо кейинги ўн кунларда негадир Юсуф күринмади. Кейин билса, у Акбарали бой билан хорижға бир ишни битказиб келиш учун кеттән экан.

Юсуф иўқ кунлари Лайлонинг шашти пасайиб, кайфияти ҳам тушиб юрарди.

Құдрат аканинг үйига кетишига уч кун қолғанда путёвка ким томонидан берилгандығы маълум бўлди. Бу ҳам танти Юсуфнинг иши экан. Буни эшитиб Құдрат ака мийирида ку-либ қўйди.

— Ўйлаб кўрсам, мен сени шу йигитчалик қадрлашни бил-маган эканман, — деди у эртаси куни хотинига күргани кел-ғанда елкасига оҳиста кўлинни қўйиб.

— Адаси, нималар деяпсиз?! Бир сўзлигингиз, мардлигин-гиз ва оиласпарварлигингизнинг ўзи мен учун энг катта иззат. Бундан бошқасини кутмаганман сиздан.

- Буни қара, мени шу сиҳаттоҳга жойлаштирган киши ҳам бўлгуси қуёвинг экан-у, мен билмай юрган эканман.
- Мен буни ўша пайтиёқ сезгандим.
- Қизинг айтувдими?
- Йўқ, қизим ҳам сиздек ҳеч нарсадан бехабар. Мен таҳмин қиласандим, холос.
- Барака топишсин. Мен таслим бўлдим.
- Энди қизингизга оқ фотиҳа берасизми?
- Ҳа, мен розиман.

Шу пайт хонага Лайлло югуриб кирди. Негадир унинг рангида ранг қолмаганди.

- Нима гап, тинчликми? — деди Хайрихон опа ҳовлиқиб.
- Юсуф акамни қамаб қўйишибди...

Юсуф контрабанда билан қўлга тушган эди. Бозорга киришиб сотаётган молларнинг катта қисми учун давлат божи тўланмаганини аниқланди.

Божхона декларациясига киритилмаган моллар ҳисобига Юсуфнинг ултуржи сотадиган товарлари арzon, шу туфайли тез сотиларди. Туя кўрдингми йўқ қабилида иш бўларди. Чаканачиларга товарлар бирпаста тарқатиларди. Ҳатто насиҳа бериларди, ёки бирор ҳафтада сотиб пулинни қайтариш шартни қўлланиларди. Аммо бозорни текширувчилар босганди, айнан чаканачилардан хужжатсиз моллар чиқди-ю, унинг изи Юсуф дўконига бориб тақалди.

Юсуф дўконида катта миқдордаги контрабанда моллар аниқланди. Агар дарров акахонлар ўртага тушиб, келишигурвларни амалга оширмаса Юсуф хонавайрон бўлармиди. Шунинг учун тузилган актда молларнинг ўндан бири — атиғ йигирма миллион сўмдан ортиқроқ, товар кўрсатилди, холос. Шунда мавқели текширув қоғозига Юсуф Сиддиқовнинг биринчи бор имзоси қўйилди. Шу ернинг ўзида контрабанда молларнинг актга мос қисми давлат ихтиёрига ўтказилди. Моллар автомашинага ортилиб, маҳсус жойга жўнатилди. Бу моллар кўни ўтмай қолган, ранги ёки сифати бозорининг дидли харидорлари инкор этган товарлар бўлиб чиқди. Бу макрда ҳам устамон акахонларнинг қўли бор эди.

Ўйинқароқ, шўх, ҳар нарсага қўлим етади, ҳеч бўлмаса каталар ҳимоя қила олади, деб ўргангандан Юсуфнинг боши эгилиб қолди. Гарчи тергов тутагунча уйида эркин яшаган бўлса ҳам унинг руҳи чўккан, отасининг олдида боши эгилганди. Умар ака бу ҳол бир кун албатта бўлишини билар, кўнгли сезар, бундай

бебилиска пуллар баҳт-саодат эмас, ташвиш, фурбат келтири-шни ҳозир у рүёда рүпару бўлиб туради.

Үйдаги нотинчлик Умар акадан кўра Салтанатхонга кўпроқ таъсир қилганди. У арзанда ўғли орқасидан энди ёруғликка чиқдим, кундалик овқат пишириш, бозорга чиқиб сотишдан кутулдим, энди оёғимни чигилини ёзаман, деб бекорчиликка ружу қўяётган, маҳаллада, қариндош-уруглардаги юришлардан биттасини ҳам қўймайдиган одат чиқарганди. Борган жойига энг олди сомсами, норинми, табаками токора-токора олиб бориб, овсин-ажин, ҳатто ётларни кўзини ўйнатиб, қўли очиқ деган ном чиқараётган эди...

Бир томони, Салтанатхон шу ўғлини толеи баланд ҳисобларди. Катта фарзандлари роса меҳнаткаш, лекин бири икки бўлиши қийин. Юсуф эса бошқа. Мол-давлат ўзи кетидан қувлади.

Юсуф бир-икки кун анча пусайиб қолди. Буни ташқаридан ҳамма сезибди. Онаси: қўй болам, бир гап бўлар, ўйлайверма. Молинг кетса-кетибди, деса, отаси: сенга айтмаганмидим, ўзингни четроққа ол. Катта пулга аралашма. Энди нима бўлади? – деб қўярди.

## АДАШДИНГМИ, ЖАЗО ОЛАСАН

Шу воқеанинг учинчи куни Юсуфни кечқурун соат тўққизларда акахонлари чақириб қолицди. Акбарали бойнинг уйининг дарвозасига яқинлашгандарида дарбон эшикни очди. уни индамай ичкарига бошлади. Юсуф даранглаган қадимий гиштлар ётқизилган йўлақдан юриб, ташқи ҳовлидаги меҳмонхонага кирди ва салом берди:

- Ассалому алайкум.
- Ваалайкум ассалом.

Акбарали бой ўрнидан турмай алиқ олди. Тўлқин пухта ҳам ноилож жойидан қимирламай, қўлинни ұзатиб, ҳол-аҳвол сўради. Юсуф овозини қўтармай хокисорроқ жавоб берди. Бой юқорида, Тўлқин пухта унинг сўл томонида ўтиради. Ҳозир у Тўлқин пухтани ёнига ўтиromoқчи эди, бой ўнг тарафига ўтиришини кўрсатди.

- Яқинроқ ўтири-чи. Сени бир сўроқ қиласай. Нима ишлар қилиб юрибсан? Молни кимдан олгандинг?
- Озил текстилдан.
- У доим назоратда-ку? Молни шу ерда яширинча тикитириб, Туркияда ёки Хитойда ишлаб чиқарилган деган тамға қўяди.
- Билмай қолибман.

— Ким таништирган эди.

Юсуф индамади.

— Нега гапирмайсан.

— Ҳм.

— Айт. Ё бўлмаса, вшибалларни чақирайми? Биқинингта бир уришинми? Шунда гапирасанми?

Акбарали бой бу ташни таҳдид билан тапирдими, Юсуф шошиб Тўлқин пухтага қаради.

Тўлқин пухта ноилож тан оди:

— Мен таништирганман. Ўзи оқ-қорани мустақил ажратишни ўрганар деган мақсадда...

Бой анграйиб қолди.

— Сен. Сен... Ҳайф сенга пухта ном.

— Бир қошиқ қонимдан ўтинг.

— Хом иш қилибсан. Юсуф ҳали блатной. Масалани тагига етиб борадиган мавқега чиқмаган. Ҳаёлида ўйин-кулги. Сен уни ёниб турган оловга ташлабсан. Ҳайф сенга яна бир марта.

Орага сукунат чўқди. Тўлқин пухта нима қилишини билмай, дастурхон попутини ўйнар, Юсуф қизариб кеттан, ожизлигидан уялиб, миқ этмасди.

Ходим кирди. Юсуфни олдига ярим коса қайноқ мастава кўйиб кетди. Юсуф ҳамон қимирамай ўтиради. Тўлқин пухта косани қўлингта ол деб имлади. Юсуф имтиҳонга келган талабадек, ҳамон қовуша олмас, овқатни олиш-олмасликни билмасди.

Бой гап қўшди:

— Тез маставани ичиб ол-чи. Гап бор.

Юсуф қандоқ қилиб маставани қўлига олганини, қандоқ қилиб ичканини билмади. Бойнинг сўз бошлаганидан ўзига келди.

— Бўлар иш бўлибди. Озил шахсий самолётида Туркияга қочган. Энди ўзинг ва у билан ишлаган сенга ўхшаган бир нечта соддалар қамоқхона ҳаёти билан танишиб келасанлар. Кўп ўтирамайсан. Бироқ илож қанча. Ўтириш керак. Гурушпавой. Бир ўзинг бўлганингда бошқа гап зди. Мол-дунё топилади. Пул ҳам. Бироқ пешонага ёзганидан қочиб кутула олмас экансан!.. Шунақа гаплар.

Тўлқин пухта:

— Олиб қолишимизнинг йўли йўғ-а? — деб сўради.

— Йўқ. Сен яхшиси унинг руҳини кўтар. Шалвираб қолибди.

— Ҳа, лочинимиз.

— Қанақа лочин, юввош мусичадан ҳам хароб. Мен нариги уйга кириб чиқай, гаплашиб тур.

Елғиз қолишганда Тұлқин пухта сүради:

— Қизинг яхши юрибдими? Құнғироқ қылаптими?

— Яхши. Фақат мен гаплашмаяпман.

— Үндай қилма. Яхши күрадики, құнғироқ қилади. Ҳеч нима бўлмагандек, кўкрагингни кериб юр. Бой ҳам сенинг устингда бироз сиқилган. У сени ташлаб қўймайди. Бағрингни кенг қил. Уйдагилар, ён-атрофдагиларга хафақонлигинг ўтмасин. Дўстлар куийб, душманлар кулмасин. Маъқулми?

— Яхши.

— Қани, ҳозирданоқ қовоғингни очиб ўтири. Қамоқни ҳам бир синов деб бил. Сенинг палагинг тоза, ажабмас, у ердан ҳам ўзгармай, феълинг бузилмай келсанг.

— Ҳаракат қиласман.

— Хўп бўлади де.

— Хўп бўлади.

— Бу бошқа гап. Энди, бошингни кўтар, қаддингни ростла.

Бой сал шамолга эгиладиган новдаларни ёқтирумайди.

— Яхши.

Бирордан сўнг бой кирганда, Юсуф тетик ва ҳушёр ўтиради. У Тўлқин пухтага миннатдор бокди-да, дуога қўл очди.

Юсуф ўша ерга бориб келгач, у яна қоматини кериб, қанотини пирпиратаётган лочин қиёфасига кирган эди. Фақат у яралангани учун, аввалги шижаоти барибир пасайганди.

Эрталаб Юсуф Лайлого қўнғироқ қилганда, Лайло ҳолаҳвол сўрашгач, ёшлигига бориб:

— Ўзи нима бўлди, Юсуф ака? Нега сизни тергашяпти? — деб сўраши Юсуфга малол келди-ю, сұхбатни:

— Хайр, — деган қисқа сўз билан узиб қўя қолди.

— Хайр, — Лайлонинг овози қалтираб чиқди.

Аммо унинг ҳақиқий изтироби кейин бошланди.

Суд Юсуфга уч йил қамоқ муддати тайинлаши олдиндан маъдум бўлганди. Нуфузли адвокат саъй-ҳаракати, жаримани бекаму кўст тўланиши, судда унга жазо муддатининг энг ками кўлланишини англатарди.

Юсуф отасининг ғамгузор қадди, онасининг йигидан қизарган кўзларига қарамасликка ҳаракат қиласар, йўқса, бу ҳолга чидай олмай, у ҳам дод деб юбориши мумкин эди.

Нихоят суд қарорини эълон қилди. Юсуфга мўлжалдаги уч йиллик жазо муддати эълон қилинди.

Юсуфни ўзи ўтирган қафасдан конвой олиб чиқар экан, яқинига келиб қолган онаси уввос солиб йиглади.

— Болам-м! — деда Юсуф томон талпинди онаси.

Умар ошпаз хотинини силтаб ташлади:

— Нега йиғлайсан, урушга кетяптими?! — Боши омон бўлса, келади бир куни.

— Ойи, дада, яхши ўтириинглар, — деди Юсуф уларга илтижоли қараб, боши эгик кетар экан.

Бунга жавобан отаси насиҳат қилди:

— Ўзингни эҳтиёт қил. Ҳеч ким билан гап талашма. Ишдан қочма. Бошинг тошдан бўлсин, илоҳим.

Дуога кўл очилди. Юсуфнинг акалари, беданавоз амакиси, кенномийлари, хола-аммалари келишганди. Улар ҳам омин қилишди.

Салтанатхон ҳамон йигларди.

Беданавоз амаки кениойи қошига келиб далда берди:

— У жойларни ёмон деб ўйламанг. Яхши одамлар ҳам кўп. Ўртоқлари билан баробар ишлаб, гаплашиб юради. Хиқиллайвериб, болани кўнглини чўктираверманг.

Юсуфни суд залидан пастга олиб тушишди. Сўнг бироз ўтиб маҳсус кабинали машинага ўтказиб олиб кетгунларича ҳеч ким тарқамади.

Бу ноҳуш хабар Лайлоларникуга ҳам етиб келди. Фам-андух қизидан кўра аёлига кўпроқ ўтирганини кўриб Қудрат ака ҳайрон бўлди, лекин бир сўз демади. Кечки овқатни ҳам сукутлиқда танаввул қилишди. Телевизор ҳам қўйилмади. Қудрат ака айлангани кўчага чиқиб кетиб, алламаҳадда келди. Ҳайрихон опа Адиба қизига кўнғироқ қиласми деб ўйлаб-ўйлаб, ҳаёт кўрган, турмуш зарбаларига бардош бера оладиган синглиси Сожидага телефон қилиб роса дардлашди. Лайло ўз уйига кириб, ҳали айрилиқнинг юкини ҳис қилмай гарант алфозда, ойнадан ташқарига қараб ўтиаркан, осмондаги юлдузларни томоша қилас, чукур хаёлларга берилиб кетганди.

Лайло аввалига бир ҳафта Юсуфни эсламай, ортиқча күюнмай юрди. Отаси ва онаси унинг бу ҳолатидан ажабландилар. Улар аслида суюмли қизларидан бошқа ҳаракатни кутишган, руҳига бу ташвиш таъсир этиб, қизлари не ахволга тушаркин, савдойи бўлиб қолмаса эди, деб ўйлардилар.

Аммо улар сезишмаганди. Лайло эрка, тантик қиз — ори кучлилик қилиб, дардини ичига ютиб юрарди. Бундай гўзал-

лар аслида мардлик, жүпкінликка қанчалик күчли қодир бұлсалар, бошига келган ташвиш ва нағоматни ҳам шунчалик метинлиқда кечиради.

Зона камераси. Қора Зокир янти келгандар билан танишишини амалға ошириб, Юсуфни гапта солди.

— Хүш, йигит, исмінг нима? Касби-коринг борми? Қайси шамоллар учирди, дегандек? Гапир, әшитамиз?

Үтирганлардан бири гап құшды:

— Тез, тез гапир. Йүқса жаҳлим ёмон.

Қора Зокир уни жеркиб берди:

— Қитмир, Баста, Бирор сенға сүз бердими? Сен, йигит, бұшаңма?

Юсуф жавоб айтди:

— Эски шаҳарлықман. Исмім Юсуф.

«Қитмир» лақабли бояғи маҳбус яна гап құшды:

— Юсуф шипачми?

Юсуф бошини силкиди.

— Эшигтанман. Зүр-ку!

— Болалиқдан номим шунақа.

Қора Зокир тасдиқ маъносида сүзлади:

— Уялма, бу ном ўлгунингча кетади.

— Нега уяларқанман? Бұлғаним шу. Бозорда дүконим бор.

Хужжатсиз мол соттаним учун ушлашыді.

— Үри молми?

— Улгуржи фирмадан олғандым. Ярмуга қоғоз бор, ярмиға йүқ?

— «Адолатпеша», шарх бер?

«Адолатпеша» лақабли маҳбус гап құшади:

— Контрабанда молни сотиш, бир юз ... модда, уч йилдан беш йилгача. Жарима ҳам тұланади.

Қора Зокир Юсуфдан күзини үзді.

— Сен билан тушунарлы.

У энди Сұннатиллага қаради.

— Нима қилиб хотинга пичок тиқиб юрибсан.

Сұннатилла ерга қараб минғирлади:

— Охирғи пайт күш ичадиган бўлиб қолғанман. Келсам хотиним дайдиесини қилиб, жанжал чиқаради. Асабим бузилар, бақирадим. Болалар күрқиб күчага қочарди. Үзимни зүрге босиб юрадим. Бу гал жаҳлимни жиловлолмай пичок тиқдим. Хотин шалоп үйқиляди.

- Кейин-чи?
- Құшнilarни чақирдим. Улар тез ёрдам, милицияга хабар берішди.
- Үлиб қолмадими?
- Йүк, пичоқни учи кирибди, холос. Бүйнимга осилиб йиғлади. Кечирим сұради?
- Сен-чи?
- Мен ҳам пушаймон бўлиб, роса йиғладим? Оёқларини ўпдим.

Қитмир гап қўшиди:

- Хотинни оёғини ўпадими? Ахмоқ?

Қора Зокир уни жеркиб берди:

- Ақлинг етмаган гапни гапирма? Амаки, сиз домла экан-сиз? Сизни чув туширишибдими? Тухматта учрадингизми?

Қора Зокир энди катта ёшли амакига қаради.

Домла мулоим, лекин қалтираган овозда гап бошлади:

- Ҳечам бу иш мен билан бўлади деса ишонмасдим...

Домла сукутта чўмди.

Қитмир:

- Айтаверинг амаки, барибир қиласиган иш йўқ. Бир томони, ичингизни бўшатиб оласиз? — деди.

— Қайдам, эслаган сари асабим бузилади, юрак сиқилади.

Қора Зокир бир гап айтди:

- Маҳбуслик ҳам Аллоҳнинг синовларидан бири.

Домла энди астойдил гапира кетди:

- Ўттиз йилдан бери домлалик қиласман. Бўш қолдим, уйда той боқаман. Қази соламан. Маҳаллада қазичи домла деган лақабим бор. Ҳеч бўлмаса болаларга физикадан репетиторлик қиласман. Институтта киришига тайёрлайман.

Қитмир қизиқиб сўради:

- Нима у репетиторлик?
- Болалар билан алоҳида шуғулланиб, қўшимча дарс бераман.

— Бу ҳалол меҳнат экан. Яхши.

— Шу пайттacha бирордан бир сўм олиб, баҳо қўймагандим.

Қора Зокир гап қўшиди:

- Интернетта расмингиз у ҳолда қандай чиқиб кетди?

Домла йиғламоқдан бери бўлиб, ҳаяжонланиб гапирди:

- Битта талаба баҳосини олавермага, ҳар хил нарсалар, хизматлар таклиф этди. Бир-икки таибех, бериб ҳайдадим. Бир гал ўртоғи билан келганда, вариантлар сўради, тайёрла-

ниб келаман деди. То ўгирилип папкамдан вариант олгуним-ча, устимдан пул соча бошлабди, папкага ҳам пул келиб түши, бошимни күттарганимда ўртоғи видеога олаёттанини сезмабман ҳам.

Қора Зокир аччикланы:

- Қаллоблик бўлибди-да.
- Бир кунда Интернетта чиқиб кетибман. Қаллоблик ўз ўлига. Порахўр домла номини оддим.
- Ўзи домлага бериладиган маош каммасми?
- Сабрли одамга етиб ортади. Уйда товуқлар бор. Тухум ўзимиздан чиқади. Лекин хотин доим нолийди. Яшаши билмайсиз деб койибди. Бўлганим шу.
- Ҳа, ҳалолман денг. Бу яхши. Бизлар ҳам бундай одамларни хафа қилмаймиз. Доим ҳурматда бўласиз. «Адолатпеша», нима маслаҳат берасан.

«Адолатпеша» йўл кўрсатди:

- Ҳар бир домла тўғрисида, ижтимоий фикр асосида, сўров ийғилган бўлади. Тарабалар шу пайтгача ёмон фикр билдиримаган бўлса, институт, маҳалла-кўй маълумотлари асосида қайта кўриб чиқишга берса бўлади.
- Инсон ҳар ерда инсонлигича қолади. Ҳақиқатни қарор тоғтирамиз. Керак бўлса ўша икки тирмизакнинг адабини бериб, ўзиникини ўзига едиртираман, — деб Қора Зокир ўрнидан туриб кетди.

Домла йиғлаб юборди.

- Адолатсизлик ёмон нарса экан.
- Бекорга тухмат балосидан ўзинг асра дейилмайди. Умумлаштириб айтсам, амаки, сиз емаган сомсага, улар майли, Юсуф еб юрган сомсасига, Суннатилла бир марта еган сомсасига пул тўляяпти. Йигит, ҳаёт шунаقا, доим кайф-сафо, майшатдан иборат эмас. Энди бу синовларига ҳам чидайсизлар. Сизлар цемент заводида ишлайсизлар. Амаки, гарчи ҳеч ким бўлмасам ҳам, Сиз учун енгилроқ иш сўраб кўраман. Таваккал.

## ҚИЗ ХАЁЛИ ЎЗИДАМАС

Бир куни Кудрат ака балкондаги супачадан кўлига газета ушлаганча кўчага қараб ўтиаркан, қизини чақирди.

- Лайло, кўзойнакни олиб чиқ,
- Лайло кўлида капгир билан паришон ҳолда чиқиб келди.
- Кўзойнак сўрадим? — деди Кудрат ака ҳайрон қолиб.
- Сенга нима бўлди?

— Ҳеч нима.

Лайло елкасини қисди,

Озгина вақт ўтиб Хайрихон опа иш тикиб, қизидан қайчи-ни сўрайди:

— Лайло, катта қайчи қани?

Лайло қўлида газета билан паришон ҳолда туради.

— Газетани нима қиласман?

— Ўзингиз сўрамадингизми?

Хайрихон опа унга анграйиб қараб қолади.

Лайлонинг хаёли фаромуш бўлиб қолганди. Ҳамма нарса-ни олдини олишга ўргантан Таня опа Хайрихон опага Лайло-ни докторларга кўрсатиши кераклигини айтавериб, охири ўзи она-болани етаклаб неврология — эс-хушни кўрадиган психиатрларга олиб борди. Улар, бошига тушган ташвишлардан унинг эси оғиб қолиши мумкин, тезда бирор иш билан баңд этиш, имкон топиб сайр-саёҳатларга олиб чиқишиларини маслаҳат қилишди.

Шундай кунлардан бирида Хайрихон опа ва Қудрат ака куюниб сұхбатлапишиди.

Хайрихон опа йиғлаб галирарди:

— Олиб бормаган жойим қолмади. Қизингизни эс-хуши жойидамас. Ўлсин бу муҳаббат айрилиги шунчалик бўлса.

— Ташҳис ўша-ўшами?

— Сиқилиш, улар тилида депрессия оқибати. Аввалига тиббий муолажалар олди. Эскичаси ҳам қолмади. Қайта-қайта ўқитдим, куф-суфлар қилдирдим. Бироз енгил бўлди. Балки яна ўқитишм керакдир.

— Даволаш учун дўхтирлар нима дейишяпти.

— Дўхтирлар, миасини чалғитиб, тоғ-тошга, сайр-саёҳатларга олиб боринглар ёки бирор юмуш билан машғул қилинглар дейишди. Ўшанда бу дард балки эсидан чиқар дейишяпти.

— Тушунарли. Саёҳат бўлса, саёҳат. Тайёрлан хотин, эртага Самарқандни томоша қилиб келамиз. Саҳарлаб тезюарар поезд бор. Тўрт соатта қолмай етиб оламиз. Шаҳарни асосий қисмини пиёда айланамиз. Роса мазза.

Эртаси соат ўнда улар Регистоннинг кошоналарини томоша қилаётган, Лайлонинг кошинкор мақбараю мадрасаларни кўриб кўзи қувнаётган эди. Чунки унинг ва онаси Хайрихон опанинг Самарқандга биринчи боришлари эди. Кечгача барча қизиқарли қадамжоларни кўришга зўрга ул-

гuriшди ва тунда яна ўша тезюарар поездда Тошкентта қайтишиди.

Қудрат ака Лайлодан таассуротларини сүраб ўтирмади. билъакс она-боланинг кўнгли кўтарилгани шундок ҳам равшан эди.

Орадан икки кун ўтгач Қудрат ака, Хайрихон опа ва Лайлодан қайдасан Сайрам дея йўлга тушишиди. Ва бу саёҳат Лайлонинг тақдирини тамоман тескари томонига буриб юборди.

Кўшни давлатдаги нуфузли идоралардан бирида ишлайдиган Сидикмат ака уларни кўриб қувонганидан дарҳол меҳмонларнинг оёғи тагида қўй сўйди. Бирпасда ҳашаматли уйидаги катта столни ноз-неъматлар билан тўлдириб ташлади. Бешбармоқ, қази, дудланган товуқ ва балиқдан пиширилган таомлардан Лайлодан бироз тотингандек бўлди-ю, яна ўзи билан ўзи овора бўлиб ўтираверди.

Сидикмат аканинг хотини Ойгул билан Хайрихон опа бирпасда чиқишиб кетишиди.

Қудрат акалар икки-уч кун қолиб кетишиди. Сидикмат акани аёли Ойгулга Хайрихон опа ўзи олиб борган юмшоқ материалдан дарров халат тикиб берди. Эртаси меҳмондорчиликка келган Ойгул опани яқинларими, Сидикмат акани синглисими Хайрихон опага ёпишиб қолишиди, баъзи бир нарсаларга буюргмалар беришиди. Хайрихон опа тикиб қўйса, Тошкентта одам юбориб, келтиришларини айтишиди. Манзил, телефонларни ёзив олишиди.

Сидикмат аканинг икки фарзанди бўлиб, бири Нодир бўлса, иккинчиси Олтинсоч ундан беш ёш катта, Тошкентда институтни битирган. Фақат Олтинсоч бир йил ҳам турмуш қилмай яқинда уйга қайтиб келган, сал димоғдор, худбинроқ, барча унга эътибор беришини болалигидан қонига сингдиртан қиз. Ҳозир укасини Лайлодан атрофида гирдикапалак бўлиши унга ёқмаяпти.

Айниқса Сидикмат аканинг ўн саккизга кирган ўғли Нодир Лайлого ўзгача қизиқиш ва иштиёқ билан термулар, атрофида гирдикапалак бўлар ва:

— Сиз ҳам инсон фарзандими опача, фаришта эмасмиз? — дея қулоқдарига лабини теккизгудек дам-бадам шивирларди.

Аммо унинг опаси Олтинсоч негадир меҳмонларни ёқтиргмагандек қовоқ солиб ўтирас, онаси бирор нарса деса ҳам терс жавоб қайтарарди.

— Эртага дачада дам оламиз, — деди Сидикмат ака меҳмонларнинг келганига уч кун бўлганда. — Бир маза қилиб балиқ овлайлик.

Эртаси куни тонг саҳарданоқ меҳмонлару мезбонлар Сидикмат аканинг Жип машинасига миништиб дачага йўл олиди. Дача Сайрамдан чиқишидаги хушманзара тоғли жойда жойлашганди. Айниқса, шарқираб оқаётган дарё табиатнинг ҳуснинга ҳусн қўшаётганди. Дарёга тушиш учун дачалинг темир тўсиқли деворлари томондаги эшиги очилса кифоя экан.

Қармоқларни кетма-кет сувга отаркан, Нодир энг сўнгтисини Лайлого тутқазди. Лайло ўтирган жой нисбатан баландроқ бўлиб, бу ердан маза қилиб ён-атрофни томоша қилиш мумкин эди. Дарё жуда сокин оқар, қирроқда ўсан мажнун-толлар гўё кокилини сувда чаяётган гўзал қиз каби тароватли эди. Ён-атроф кўм-кўк майсалар билан қопланган, ўт-ўланларнинг димоқни қитиқлайдиган ёқимли ҳиди дилга аллақандай тотли туйғуларни соларди.

Лайло умрида бундай гўзал манзараларни кўрмаганлиги учунми, гўё маст одамдек узоқ-узоқларга термулиб ўтирас, қўлидаги қармоғи аллақачон эсидан ҳам чиқиб кетганди. Нодир Лайлого ўзи шу йили битирган сайёхлик лицейи тўғрисида гапириб бераркан, барибир мен ҳам адам танлаган касбни танлайман, милицияга ўқишига кираман, деди. Лайло уни эшигмасди, шунчаки йигитчанинг гапини маъқуллагандек бош сил-киб турарди, холос.

Дачанинг ёнидаги қуюқ дарахтзор ичида Сидикмат ака билан Қудрат ака йиғма стулларга ўтирганча мириқиб сухбат қуришаётганди. Сал наридаги шолча солинган ерда Ойгул опа, Хайрихон опа ва тор жинси шимини тиззасигача қайриб олган Олтинсоч ўтиришарди.

— Тошкентдаги милиция академиясига ўқишига кирганимдан бошим кўкка етиб, ижара уйга келсан бека бугун уйни бўшатишм кераклигини, қизи Россиядан келаётганлигини айтди, — деди Сидикмат ака ёшлик дамларини эсга олиб. — Нима қилишимни билмай барча танишларимга бирма-бир кўнғироқ қилиб чиқдим. Аммо ҳаммасидан бир хил жавобни эшигдим: иложим йўқ.

— Соат тўнги ўн бирларда бир қўлимда кўрпа-тўшак, иккичисида жомадон кўтарганча бекатда турсам, бир эскигина Жигули ёнимга келиб тўхтади.

— Қаерга борасан? — деди шофёр энгашиб деразадан қаараркан.

- Билмадим? — дедим гарангсиб.
- Борадиган жойинг йўқми?
- Шунаقا.
- Эски шаҳарда болохонада бўлса ҳам тураверасанми?
- Жон дейман
- Ўтири бўлмаса.

Мен орқа ўриндиққа нарсаларимни жойладиму, ўзим шоғёрнинг ёнига ўтириб олдим.

- Испинг нима? — деди шоғёр менга қараб.
- Сидикмат.
- Бақувват исм экан.
- Амаки, лекин ҳозир пулим йўқ, — дедим фалон пул бўлади, деб қолса нима қиласман деган кўркувда.
- Пуани қўя тур, қаерликсан?
- Сайрамданман.
- Жаннат жойлардан экансан...

Шундан сўнг сизларнинг уйингизда то ўқишни тутаттунча яшадим. Отанг Жавод ака беш йил давомида мендан бир сўм ҳам олмади. Болохона эса Эски шаҳардаги энг чиройли уйлардан бири эди. Бу уйнинг оила аъзолари мен учун жуда қадрли бўлиб қолганди. Айтганча, ака-укаларинг яхши юришибдими? — деди Сидикмат ака Кудрат акага.

- Фақат укам Ҳикмат ҳаёт, акам ўтиб кетдилар.
- Эҳ, аттанг! Иш билан бўлиб, йигирма йилдан буён сизлардан хабар ололмабман-а. Ўтганларни оллоҳ раҳматига олган бўлсин.

- Илоҳи омин!
- Ҳозир ўша уйларингда ким яшаетти?
- Акамнинг ўғиллари.
- Болохона турибдими?
- Ҳа.
- Тошкентта борсам бир зиёрат қилишим бор. Имгиҳонларга тайёргарлик, бадиий китоблар ўқиш шу сокин жойда кечган. Овқатланишга кўпинчча аданг ёки ойинг чақириб кетарди. Аканг билан уканг эса овқатга чақиришни унчалик исташмасди. Менга ўҳшаган текинтомоқни ўша вақтларда ҳам унча-мунча одам уйидан жой бериб, яна ёнидан боқмасди ҳам-да. Чунки адам қазо қилганлиги боис уйдан келадиган ёрдам тамоман узилганди. Кечки пайт вагондан юқ ташишга эса кучим етмас ва унчалик хоҳламасдим ҳам. Кийимларимга бирор доғ тегса ўзимни нокулай сезардим.

— Ҳа, эсімда. Құшнилар сизни, намунча шүрим бўлиб юрмаса бу қозоқ, деб гийбат қилишарди.

— Қизиқ, ўзбек бўлсан ҳам қўшниларинг қозоқ дейишарди-я...

Сидиқмат ака ҳангома қилиб турган шу чоқда Нодир Лайлонинг бирор сўз демай қотиб туришидан зерикди. Ва ўзи балиқ овлашга жон-жаҳди билан киришиб кетди. Дадаси билан Қудрат ака ҳам дарё бўйига келишганды Нодир бешолтита балиқ тутишга улгурганди.

— Мана сизларга ҳам қармоқ тайёр, — деди у дарёга ташлаб қўйға иккита ортиқча қармоқни кўрсатиб. — Би уриниб кўринглар-чи, мендек тута олармикинсизлар?

— Сен биздан кўра кўпроқ Лайлодан опангни қизиқтири. Са кўнгли ёзилсин, — деди Қудрат ака.

— Эй, опачам худди қўғирчоқдек қимирамай ўтиришда бошқасига ярамас экан.

Қудрат ака дўстига қизи чеккан изтиробларни гапири берганди.

Шу пайт Лайлонинг қармоғи қаттиқ, силкиниб қолди нима бўлганлигини англаб улгургунча пастга қараб мунъ кета бошлади. Буни кўриб Нодир югуриб қизнинг ёнига боди-да, тирсагидан ушлаб ўзига тортди. Лайлодан мувозанати йўқотиб дарёга йиқилишига бир баҳя қолганда маҳкам Ғидирга чирмашиб олди. Нодир бир қўли билан Лайлодан кўй юборган қармоқни ушлаб олди-да, иккинчи қўли билан қизнинг белидан маҳкам кучди.

Қармоқ энди қаттиқроқ силкина бошлади. Нодир қизни кўй юбориб, иккала қўли билан қармоққа маҳкам ёпишиб, симин-бир тоританди нақд уч кило келадиган лаққа балиқ тўн эти қирғоққа тушди. Буни кўриб Лайлодан чапак чалиб юборди:

— Ур-эй! Мен балиқ тутдим.

Нодир қизнинг жилмайишинга маҳлиё бўлиб, ундан кўз ололмай қолди.

— Лайлодан, сен шу ерда қол, — деди Ойтул опа қизга мебилан тикилиб. — Нодир билан маза қилиб балиқ тугиб юсан.

Хайрихон опа ҳам қизининг замгусорлиги ариёттанлидан ўзида йўқ шод эди.

— Нодир, Лайлони сенга ишониб топшириб кетайми? деди йигитчага жилмайиб.

Нодирнинг юзи қизариб кетди ва ер остидан Лайлого қар-

ди. Қиз унга парво қилмас, лаққа балиқни тиширчилашига боқиб, ҳамон шодланарди.

Нодир боя қизни қучганды сезган ҳароратни яна бағрида ҳис эттиси келди. Чунки унинг қалбида Лайлота нисбатан тушунксиз ҳиссиётлар туғён ураётганды. Шунгами, биринчи кунданоқ Лайло опасининг ҳуснига мубтало, гап-сұзларига маҳтал, оғзидан бир тошшириқ чиқмай бажаришга тайёр юрарди. Бояги ҳолат баъзи ҳисларини янада туғён уришига йўл очди. Бир зумлик яқинлиқдан ҳамон йигитнинг юраги гурс-гурс тепар, елкасида қизнинг қайноқ билаклари ҳамон осилиб турғандек эди. Шу бир лаҳзалик яқинлиқда Нодир қизнинг соchlаридан тараляёттган муаттар хидни димогида асраб қолганди. Ҳозир у шу ифорни қайта туйиш, қизни янада қаттиқроқ бағрига босиш учун ҳар нарсага тайёрдек эди. У бу манзарани қайта-қайта кўз ўнгига келтираркан, қайтадан опачасининг соchlариданми келаётган ислар димоқларини қитиклади, ўзи ҳам қизнинг белидан тортишга борди. Шунда кўкрагига тиralган таранг нарса дириллаб кетганини билди. Бир зумлик бу яқинлиқдан бутун вужуди ҳалигача қизир, мияси гувилларди. У опасини севиб қолган, севишига эса ҳозирги-на янада чуқурроқ иқрор бўлди.

— Нодир, қани, балиқларни кўрсат-чи? — деди шу пайт Сидиқмат ака унинг хаёлларини тумандек тарқатиб. — Энди қовуришни бошласак ҳам бўлар.

Ҳаял ўтмай ҳовлидан лаққа балиқнинг жазиллаб қовурилаётгани эштилди.

Сидиқмат ака билан Қудрат ака оз-оздан конъяк ичишиб, иштаҳа билан балиқ ейишар, аёллар эса оз-оздан тотиниб, асосан ҳар хил шарбатлардан ичиб ўтиришарди.

Нодир йигитликнинг энг қайноқ палласида бўлганлиги учунми, кўнгли романтикага жуда мойил эди. У жилмайганча Лайлонинг ёнига келди-да:

- Бронденшафт қилиб шарбат ичайлик, — деди.
- У қанақа бўлади? — ҳайрон бўлди қиз.
- Ҳозир кўрасиз.

Нодир шундай деб Лайлонинг бир қўлига кичик балиқ бўлаги, иккинчи қўлига эса апельсин шарбати тутди-ю, қўлини унинг тирсаклари орасидан ўтказиб шарбат тўла қадаҳни лабига теккизди.

- Энди бир вақтда ичамиз, — деди.

Лайло Нодир билан бир вақтда шарбат ичиб бўлиб нафас

ростлаганды Нодир эпчиллик билан унинг лабларидан ўпид олди.

Бу ҳолни күриб барча баб-баравар кулиб юборди.

— Бронденшафтинг шуми? — деди бундай бўлишини кутмаган Лайлло аччиқданиб.

Нодир ўзини оқдаш учун ойисига қаради:

— Ойи, шарти шунақа-ку, тўғрими?! Мен Лайлло опачам билса керак деб ўйлагандим.

— Опачангни бундай хижолат қилма-да, ўглим, — деди Ойгул опа Нодирни беозор койиб.

Хайрихон опага эркатой бу йигитчанинг қилиқлари ғалати туолса-да, меҳмонлик иззати туфайли бир нима дейишга ийманди.

## ЛАЙЛОНИНГ БОЙФРЕНДИ

Эртаси куни меҳмонлар йўлга тушадиган бўлиши. Хайрихон опага маросими жуда чўзилиб кетди.

Лайлло билан Хайрихон опа нарсаларини йиғиб, сумкаларга жойлаётганда, Ойгул опа аста Хайрихон опанинг ёнига келди.

— Юринг, бир маслаҳатингиз зарур бўлиб қолди, — деди уни нариги уйга чақириб.

Улар чиқиб кетар-кетмас остоңада Нодир пайдо бўлди. Лайлло ёлрондакам қовоғини уюб олди.

— Опа, кетаяпсизми? — деди Нодир оҳиста.

— Кечаги қилифингдан кейин қандай қилиб кўзимга кўрияпсан, ҳайронман, — деди Лайлло унинг саволига жавоб бермай.

— Мени кечиринг. Энди қайтарилмайди.

— Ҳамманинг ёнида мени уялтирдинг.

— Яна бир бор кечирим сўрайман.

Нодир йигламоқдан бери бўлиб тапиради. Лайлонинг унга раҳми келди.

— Нимага кирдинг, хайрлашганими? — деди бироз юмшоклик билан.

— Ҳа, лекин...

— Ҳа, нимайди?

— Илтимос, эрга тегманг.

— Нима?! — Лайлонинг чиройли кўзлари ҳайратдан катта-катта бўлиб кетди. — Эрга тегманг?! Бу нима деганинг?

— Сизни яхши кўриб қолдим.

Лайло бир дам нима дейишни билмай ўнғайсизланди. У Нодирнинг ўзига ошиқ бўлиб қолганлигини аллақачон сезган, аммо буни унинг ёшидаги йигитчалар учун шунчаки бир ҳавас бўлса керак деб ўйлаганди. Ҳозир эса...

— Нодир, мен сендан каттаман, шуни биласанми?! — деди ўзини атай катталардек тутиб.

— Ҳа.

— Шундоқ экан, бу гапни иккинчи марга гапирма! Сен яхши боласан.

— Мен бола эмасман, — бирдан жаҳди чиқди Нодирнинг.

— Хўп яхши, сен катта йигитсан, — деди Лайло унга жилмайиб.

Нодир индамади.

— Энди кийинмоқчиман, — деди Лайло ортига ўгрилиб.

— Ё яна бирор гапинг борми?

— Мен сизга доим суюнчиқ бўлсам дегандим...

— Сен менга ўз укамдексан. Демак, суюнчигимсан, шундайми?

— Йўқ! Мен сизга ука бўлолмайман! Мен сизни бошқача кўраман.

— Тушунарли, менинг укам бўлгинг келмаяпти, тўғрими?

— Ҳа,

Лайло қаршисида турган болакайнин эрмаклай бошлади:

— У ҳолда менга ким бўлгинг җелаяпти?

— Бойфренд!

— Бу нима деганинг?! Йигитим бўлмоқчимисан?! — деб, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди Лайло.

— Ҳа, сизнинг севган йигитингиз бўлсам дегандим.

— Нодир менинг йигитим. Жуда қизик, ва қулгили, — деди Лайло табассумидан ёшланган кўзларини бармоқлари билан артиб. — Аммо менинг қалбим банд.

Нодир Лайлонинг қўлидан маҳкам ушлаб олди. Лайло беихтиёр ўзини орқага ташлади.

— Кулаверинг, — деди Нодир секин, аммо қатъий овозда.

— Мана кўрасиз, барибир менини бўласиз.

Лайло бир зум ўйланиб турди.

— Ундей бўлса шартим бор, — деди сўнг Нодирга тикилиб.

— Майли, истаган шартингизни айтинг, бажараман

— Ҳаёлингни бузмай аввал ўқишига кирасан. Ўшандан кейин бу ҳақда таплашамиз. Майлими?

Нодир севиниб кеттанидан ёш боладек иргишилади.

- Майли, факат ватъдан бузиш йўқ,
- Яхши,
- Унда қўлингизни беринг.

Лайло беихтиёр қўлини унга узатди. Нодир қизнинг қўлларини кафтига олиб маҳқам сикди. Лайло панжалари увишаштаганинги ҳис қилса-да, шу йигитчанинг кўнгли ўксимасин, деб қўлини тортиб олмас, Нодир эса унга мафтункор боқарди. Шу пайт уйга Олтинсоч кириб қолди-ю, уларнинг кўл ушлашиб турганлигини кўриб, бироз ғаши келди.

— Нодир, опачангнинг қўлини кўйиб юбор, яна оғриб қолмасин, — деди пичинг қилиб.

Лайло шошилиб қўлини тортиб олди. Нодирнинг эса жахли чиқди.

— Бирор сизни чақирдими? — деди опасига норози қараб.

— Бу ер ўзимнинг уйим, Хоҳлаган пайтимда киришга ҳаққим бор, тўғрими, Лайло?

— Тўғри, мен ойимнинг ёнига борай, — Лайло шундай деб, ташқарига чиқди.

— Нима бало, уни яхши кўриб қолдингми? — деди Олтинсоч энсагини қотириб.

— Опа, сиз аралашманг. Сизнинг лексиконингизда севиш деган тушунчага ўрини ажратилмаган. Демак-ки, яхши кўриш нималигини тушунмайсиз.

— Вой-ей, муштдек бошингиз билан сиз тушунадиган бўлиб қолдингизми ҳали?! — тепа сочи тикка бўлди Олтинсочнинг.

Сидикмат ака меҳмонларни кузатар экан, уларнинг миннатдорчилиги, раҳматларидан ийиб кетмади, факат хаёлига Кудратнинг отаси Жавод амаки ва ундан кўрган яхшиликлари келди. Бу яхшиликлар чегараю ҳудуд билмай, уларни борлаб туришга кифоя қиласр эди.

Тошкентта қайтишгач, Кудрат ака бундан буён Лайлони фикри-зикрини банд қилиш чорасини белгилаб, уни қошига чақирди. Унинг назарида қизи энди анча ўзгарган, кўзларида нур пайдо бўлганди.

— Сен, шу йил, албатта, институтта кираман, деб ватъда бергандинг, эсингдами? — деди Кудрат ака гапни узоқдан бошлиб.

— Ёдимдан кўтарилий дебди, — дея Лайло ерга қаради.

— Ундоқ бўлмасин. Бугундан ўқишига кириш учун тайёр гарликни бошла.

- Хўп, адажон.
- Бу бошқа гап, — Қудрат ака шундай деб, бошқа хонага ўтиб кетди.

Уларнинг сухбатини эшишиб қолган Хайрихон опа зрининг галини маъқуллади:

- Аданг тўғри айтганди.
- Орадан бир неча ой ўттач, Лайло ўқишига кирди.
- Ойи, мен кетяпман, дуо қилинглар, — дерди у хар куни эрта тонгда ўқишига кета туриб.

Ота-онаси унинг ортидан дуо қилиб қоларкан, қизимиз, ҳарқалай, дардини бироз унугди дея қувонишиди.

- Бутун Нодир телефон қилди. — деди бир куни Хайрихон опа Лайло уйга қайтгац. — Сени ўқишига кирганингни эшишиб, роса қувонди. Табригимни етказинг деди. Ўзи ҳам ҳарбийлар мактабига ўқишига кирибди.

- Яхши бўлибди.
- У сени яхши кўрадими, нима бало?! — сўради Хайрихон опа тагдор қилиб. — Сен ҳақингда жуда бошқача меҳр билан тапирди.

- Опачаси сифатида яхши кўрса керак-да...
- Менимча, ундей эмасов, — жилмайди Хайрихон опа.
- Эй, ойи, қўйсангиз-чи...

Лайло кўзга яқин қиз бўлганлиги учунми, институтда ҳам унинг ошиқлари кўп эди. Шулардан бири курсдоши Қобил уни деб жонини беришга ҳам тайёр эди. Бир куни Қобил, эртага уйингта совчи юбораман деди-ю, қизнинг жавобини ҳам кутмай, машинасини елдириб кетди.

Лайло уйига келасолиб бу янгиликни онасига айтди. Хайрихон опа ўйланиб қолди.

- Лайло, курсдошингдан совчи келарканми? — сўради Қудрат ака эртаси куни. — Яхши йигитми, ишқилиб?
- Илтимос, ада, қизимиз унаштирилган дент.

Қизининг бу гапидан Хайрихон опанинг бирдан жаҳли чиқди:

- Хўп, шундоқ қилдик ҳам дейлик, у йигит ким? деса-чи, Қамоқда ўтирибди, бир ўғривачча деймизми? Кейин нима бўлади? Курсдошларинг мазах қилмайдими?

- Чидайман!
- Сен-ку, чидайсан! Биз-чи?! Биз нима деймиз?! Аданг билан мени ўйлайсанми ҳеч?! Гап тамом. Энди Юсуфни эсингдан чиқар.

— Чикара олмайман!

— Она қизим, ақлингни йиғ, — деде насиҳат қилишга ўтди Хайрихон опа. — Сенга ота-онанғ ёмонликни раво күрар-миди? Бүнти, ҳеч бўлмаса, бу дардингни ҳеч кимга айтма, ичинингта юттин.

— Майли, сир бўлиб қолади, буни ҳеч кимга айтмайман, ойи.

— Совчиларга келсак, уларни кутиш, кузатиб кўйиш бизнинг ишимиз. Агар йўқ десак, сени бирор мажбурлаб, кўлингдан судраб кетолмайди, тўғрими?

— Ўзингиз биласиз...

Бу орада Нодир Лайлого ҳар куни телефон қиладиган одат чиқарди.

— Нега ҳадеб телефон қилаверасан, Нодир? — дерди бундан жаҳли чиққан Лайлло йигитчани уришиб,

— Чунки сизни яхши кўраман!

— Ўқишингни ўйласанг-чи, болакай.

— Яна мазах қилаяпсизми, майли чидайман...

Лайлого унинг қиликлари ёш боланинг хархашасидек туъюлар, батъзан бундан тутакиб кетарди.

— Ойи, анави сайрамлигинги айтинг, ҳадеб менга телефон қилавермасин, — деди бир куни Лайлло онасига шикоят қилиб.

Йигитчанинг шайдолигини ўткинчи бир ҳавас бўлса кепрак, деб юрган Хайрихон опа билан Қудрат ака қизининг бугапидан сўнг ўйланиб қолишиди. Ахир Нодир Сидикмат аканинг кўзга суртган яккаю ягона ўғли. Унинг Лайлого ошиқлигини эшитса, ранжиб қолмасмикан? Ахир Нодир қизларидан кичкина.

— Рост, Нодирга тайинла, ўқишини ўқисин. Лайлого қўнғироқ қилишни камайтирсир! — деди Қудрат ака хотинига тайинлаб.

— Қандай айтаман?! Буни қизингиз талаб қиласа, унчалик кўнглига тегмайди. Биз айтсан, ранжиб қолмасмикин?..

— Яхши, унда, Лайлло, сен ўзинг ўнга: иккӣ ҳафтада бир марта қўнғироқ қилсанг, сен билан гаплашаман, бўлмаса, йўқ, деб шарт кўясан.

Лайлло худди дадаси айтганидек йўл тутди. Нодирнинг бу шартга кўнишидан бошқа чораси йўқ эди. Чунки ундаги хистуғёнлар ҳали янги ва йигитча биринчи муҳаббат деб аталувчи шаробдан маст бўлиб қолганди. Шу боис у қизга сўзсиз

итоат этар, унинг учун ҳар нарсага тайёрдек эди гүё. Лайло эса бу эркароқ, укасининг мубталолиги тез ўтиб кетишни истарди. Назарида, қалбидан чукур жой олган Юсуфни асло унута олмайдигандек эди.

Аммо мана энди Нодирнинг тинимсиз кўнфироқларидан билияптики, йигитча уни осонликча унутиб юборадиганлар хилдан эмас...

## ҲАЁТ БИЛАН ЎЙНАШМА

Юсуф қамоқда юрганида, ғалати туш кўрди. Тушида Лайло оппоқ келинлик либосини бағрига босганча Юсуфга кияйми, дегандек термилиб турган эмиш. Йигит уйқудан уйронгач, ўзича тупшига таъбир излай бошлади. Унинг назарида, Лайло бошқа бирорга кўнгил қўйгандек эди. Кўрган тушидан Юсуфнинг кун бўйи кайфияти бузилиб юрди. Шеригига бу ҳақда айтганди: «Қиздан воз кеч-да, кутул», деди. Аммо Юсуфнинг қиздан воз кечгиси келмас, Лайлони қалбининг тўрида ҳамон авайлаб-асрарди.

Юсуфнинг камерадоши домла уни гапга солди:

— Юсуф, сенга ҳафтада озиқ-овқат келади. Вақтида ҳабар олиб туришса, нимага забунсан?

- Зонага ўргана олмаяпман.
- Шайтонга ҳай бер. Бошга тушганни кўз кўради.
- Туш кўрдим. Лайло фата тақиб, оқ кўйлак киймоқчи.
- Ростданми?

Домла ачиниб Юсуфга қаради.

Шу пайт қитмир гап қўшди:

— У қизни баҳридан ўт. Ёки у сени ташлаб кетиб, қалбингни пора қилганда, аламингдан минг афсус чекасан-у, кеч бўлади.

Қора Зокир ўз фикри билан Юсуфнинг қарорини тезлаштириди:

— Тўғри. Маҳбуслар ҳатто фуқаролик ҳукуқидан маҳрум қилинади. Жиноятчидан яхши кўрган қизи тутул хотини юз ўтиrsa, ҳеч ким айб қилмайди.

Юсуф бошини эгди.

Қитмир уни тезлатди:

— Ана, телефонни Қора Зокир ташкил этиб берар ё хат ёзасанми?

Юсуф бошини чайқади:

— Хат ёзсан бўлмас, зонадан хат борса, қўни-қўшнилар билиб қолса, маломат, гап-сўзга қолишади.

Қора Зокир күлди:

— Дуруст. Калланг пўла эмас экан.

Бир зўм сукунат чўмди. Домла Юсуфни астойдил кузатиб турарди.

— Телефон борми? — деди Юсуф.

Қора Зокир телефонини узатди.

Домла уни қайтармоқчи бўлди:

— Ҳой бола, ўйлаб иш қил. Айтилган гап — отилган ўқ.

Ҳаёт билан ўйнашма?

— Бир йилча бўлди, ҳали овозини эшигтмадим. Уйдагилар салом етказишади. Балки алдаб юришгандир.

— Гумон, шубҳа раҳмонни ишимас. Ақдингни йиғ.

Қитмир домлани жеркиб ташлади:

— Қўйинг, домлалик қўлманг! Сиқилиб юргандан кўра тилини ёёса дили очилади. Кўнгли равшан бўлади. Гапир, ичинга қолиб кетмасин.

Юсуф ўйлай-ўйлай, Лайлодан воз кечиш керак, деган хуло-сага келди.

Қиз Юсуфнинг қўнгироқ қилишини кутмаган эканми, даст-лаб уни танимади.

— Кимсиз? — деди ҳайрон бўлиб.

— Мен, Юсуфман.

— Вой, Юсуф ака, қаердасиз?

— Лайлло, мени кутма. Йўлинг очик, эрга тегиб кетавер.

— Юсуф ака, бу нима деганингиз?! Шунча вақтдан бўён ёнингизга боролмаганим учун кесатяпсизми ё? Ўқишига тайёрлангандим, шунга... Айтмоқчи, институтга кирдим.

— Табриклийман, сен учун хурсандман.

— Юсуф ака, бир зум ҳам сизни ўйламай яшаганим йўқ.

— Мен бунга арзимайман. Сенинг гулдек умрингни ўзимнинг бедаво касалим билан заҳарламоқчи эмасман. Шунинг учун мени унут. Хайр...

— Нима? Қанақа бедаво касал, Юсуф ака?!

Юсуф шартта телефонни қўйиб қўйди. Лайлло уввос тортиб йиглаб юборди. Ичкари уйдан Хайрихон опа югуриб чиқди

— Нима гап, Лайлло? Нега йиғлаляпсан?! — деди ҳовлиқиб.

— Юсуф акам бедаво касалга чалиндим деяпти.

— Вой, шўрим!..

У ёқда домла аччиқланди:

— Ёлон сўзлаб, гуноҳга ботдинг, баттол.

Қитмир ҳингиллади:

— Синов учун тоҳида макр, ҳийла ишлатса бўлади.

Лайло институтта киргандан бери уйларига совчилар келиши ортганди. Совчиларнинг табақаланиши ҳам ўзгарган, авваллари ишчи, хунарманд, майдә савдогарлардан совчилар келаётган бўлса, энди ўқиган оиласлари вакиллари ҳам кўшилганди...

Хайрихон опа балконга стол тузаркан, сўради:

— Адаси, бизнесмен совчилари жавоб беринглар деб кўйиншмаяпти. Нима қиласими?

— Қайси, анати курсдоши Қобилнинг оиласими?

— Ҳа. Жуда бой эмиш?

— Рост. Бой. Мен Ҳикматта айтгандим, суришириб келди. Домбрабодда уларга етадиган йўқмиш.

— Бўлмаса...

— Бир ёқда Юсуфни кутайлик десам, у бедаво касалга йўлишибди. Олдин қамалган тамғаси бор болага қандоқ қилиб қизимни бераман, деб бошум қотиб ётувди, энди касалманд бўлса, қизимдан умидини узсин.

— Ўшани айтаман-да.

Кудрат ака бошини қашиди:

— Шошган қиз эрга ёлчимайди. Қизимизни биринчи курсини битказгунча узатмаймиз, деб жавоб бера қол. Янги йил келаётти. Эсон-омон кутиб олайлик.

Ниҳоят, сокин куз ўз ўрнини қаҳратон қишига бўшатиб берди. Декабрь кириши билан кўчалар байрамона безатила бошлаганди. Арчаларда ёнган милт-милт чироқлар шодиёна кунларга жуда оз фурсат қолганилигини билдиради гўё...

## КАТТАЛАР ҲАЛ ҚИЛИШСИН

Янги йил байрами куни Лайло ҳафсала билан дастурхон тузашга киришди. Ўзи яхши кўрадиган энг зўр тортлардан пишириди.

— Ўҳ-хў, меҳмон келадими дейман, қизим? — деди Кудрат ака дастурхондаги хилма-хил пишириқларни кўриб.

— Ўзимиз учун тиришдим, ада...

Кечки соат тўққизларда бор-йўғи уч кишидан иборат оила аъзолари дастурхон атрофига жам бўлишганди ҳамки, телефон жиринглаб қолди. Хайрихон опа югуриб бориб гўшакни олди-ю, хурсандлигидан юzlари гул-гул яшнаб кетди. Қўнғироқ қилган сайрамлик Ойгул опа экан. Хайрихон опа Ойгул опа билан анча вакт ҳол-аҳвол сўрашиди.

— Ҳаммалари сизларга салом айтишашынди, — деди сүнг гүшакни күли билан ёпиб.

— Сен ҳам биздан салом де, — деди Қудрат ака.

Сүнг Хайрихон опа анча пайт сукут сақлаб, Ойгул опанинг гапларини эшитиб турди-да:

— Яхши, кутамиз, — деди гүшакни күйиб қўйди.

— Нима гап, ойи, тинчликми? — деди Лайло ҳайрон бўлиб.

— Индинга совчилар келаркан.

— Вой, яна совчиларми? Кимдан экан, ойи?

Қудрат ака жимданлигини дарров фаҳмлатганди. Шу боис хотинидан сўраб ўтиргади.

— А, ойи? — деди Лайло қисталанг қилиб.

— Бойфрендингдан, — деб кесатди Хайрихон опа.

Ҳаммалари баб-баравар кулиб юборишли.

Соат ўн иккига яқин ҳаммалари тилак билдириб, Янги йилни кутишаркан, Лайло Юсуф аста-секин қалбидан узоклашаётганини, унинг ўрнини нозик диди, эркатой Нодир згаллаётганини хис этди.

«Наҳот ўзимдан икки ёш кичик йигитчага боғланиб қолган бўлсан?» — дерди у ўзига-ўзи ҳайрон бўлиб. Ёш бўлишига қарамай, Нодирнинг ўқтамлиги, дилкаш ва фаросатлилиги унга жуда-жуда ёқаётганди.

Сидикмат ака Плеханов олийгоҳида ўқийдиган қизи Олтинсочнинг қистови билан Тошкентдан уч хонали уй олиб қўйганига анча бўлганди. Сайрамдан тўғри шу уйга келишаркан, вақтида жой қилиб кўшишганига, ҳар гал Тошкентта келгандарида амин бўлишарди.

Эр-хотин икковлари ювениб-тараниб, Қудрат аканинга ўл олишар экан. Олтинсочнинг ҳамон ялпайиб ўтирганини кўриб, ҳайрон бўлиши.

— Сен бормайсанми, қизим? — деди Ойгул опанинг бироз жаҳди чиқиб.

— Йўқ, мен уйда қоламан.

Ойгул опа энди уни уришишга оғиз жуфтлаганди ҳамки, Сидикмат ака аста хотинининг қўлидан тутди:

— Майли, уйда қолаверсин. У ёқса боргани билан ҳеч кимга қўшилолмай, зерикади.

Ҳаял ўтмай, Қудрат аканинг уйидаги катта стол атрофи қадрдоналар билан жамулжам бўлди. Узундан-узоқ ҳол-ахвол сўрашишди. У ёқ-бу ёқдан гаплашилди. Даастурхонга турли таомлар тортиди.

Меҳмонар келиши муносабати билан Хайрихон ола қизи Адабани ҳамда күёвини чакиртирганди. Ҳозир барча юмушларни Адиба бажараётганды боис, Хайрихон ола Ойгул ола билан бемалол гаплашиб үтиради.

Йўлакда меровсираб турган Нодирни Лайло секин хонасига чақириб олди. Қизнинг мақсади ишққа муккасидан кетган бу йигитчанинг ақлини киргазиб қўйиш эди.

Нодир хонадаги ягона креслога үтиради. Лайлодераза ёнидаги каравотининг четига омонатгина қўнди ва сухбатни нишадан бошласам экан, дегандек, Нодирга қаради. Қаради-ю, ўзига қадалган ошуфта кўзлар таъкибиға дош беролмай бoshини эгди. У Нодирга ташиб бераман, нега мендан сўрамай, совчиларни бошлаб келдинг, деб уялтираман деганди. Аммо негадир бундай дейишга юзи чидамади, бир оғиз таъна қилишга сўз тополмай, эсанкираб қолди.

Адиба уларни овқатта чақираман, деб бехосдан эшик очди-ю, икки ёшнинг бир-бирига термилиб үтирганини кўриб қотиб қолди.

Чунки Нодирнинг чексиз меҳр билан Лайлого тикилиб туриши ва бундан ўнгайсиз ҳолга тушган қизнинг хиёл қизаринкираган юзи яхши кунлардан далолат эди.

Адиба синглиси учун хурсанд бўлди. Чунки Юсуф қамалтанидан бери унинг юзида энди нур пайдо бўлаёттандек эди...

— Кудрат, Нодир қизинг Лайлони яхши кўриб қолибди. Нима дейсан? — деди Сидикмат ака, ниҳоят, асосий мақсадга кўчиб.

— Билмасам, бу бизнинг ҳам қулоғимизга чалингандек бўлганди. Аммо қизимнинг ёши Нодирдан катта-ку.

— Нима фарқи бор? Мухими, ўғлимга ёқса бўлди-да. Йўқ дема. Ўғлим бошини тошга уриб ёрай деяпти. Ёғиз ўғил, раъйига қарамасам бўлмайди. Бир томондан, Ойгул иккализига ҳам Лайло жуда маъқул келди. Сайрамда олди келин бўлади, йўқ дема.

— Қизим энди институтга кирган бўлса... Ҳали яна уч йил ўқиши керак.

— Алматига кўчирамиз. Суриштириб кўрдим, мумкин экан. Баъзи бир тафовутли фанларни қайта топширади, холос.

— Билмасам, ўйлашиб кўрайлик. Ҳали Тошкентда бир-икки кун бўласизлар чоги?

— Бир ҳафта, деявер. Эртага эски ҳовлингизни зиёрат қилишга бораман. Ундан кўра мен билан юр.

— Жуда яхши. Унгача биз қизимизнинг дилидагини билалмиз.

— Маъқул.

— Қани энди дастурхонга марҳамат, — деб, Қудрат ака меҳмонларни дастурхонга таклиф қилди.

Ҳамма жамулжам бўлганда столга овқат тортилди. Бироқ ҳамон ошиқ-маъшуклар кўринмасди. Қудрат ака хотинига қизинг қани, дегандек имлади. Хайрихон опа «Мен ҳозир» деб ўрнидан туриб, Лайлонинг эшигини очди-ю, қизи билан Нодирнинг бир-бираига термилишиб ўтирганини кўриб, ичичидан қувониб кетди. Бироқ ҳали қўлидан иш келмайдиган Нодирнинг ойлани эплаб кетишига ақди етмасди. У йўталиб қўйди. Икковлари ҳам бирдан сергак тортишди.

— Қани, юринглар, ҳамма сизларни кутаяпти, — деди Хайрихон опа.

Улар олдинма-кейин юриб хонага киришаркан, ҳамманинг нигоҳи уларда эди. Лайлло стулга ўтираёттанды Нодир унинг стулинни оҳиста суриб қўйди. Бундан ўтирганлар бир-бирларига сирли им қоқиб қўйишиди.

— Қани, дастурхонта қараңглар, — деди Қудрат ака.

Бу сокин хонадондаги тартиб-интизом Сидикмат акага жуда маъқул тушганди. Ўлаб қараса, уйидаги бундай сукунатни ҳар доим қизи Олтинсочнинг ҳархашалари бузиб тураркан. Баҳт ҳашамда эмас, тинчлик-осойишталиқда эканлиги рост экан, деб қўйди ичида.

Эртаси куни тонг саҳарданоқ Сидикмат ака телефон қилиб оиласиб бўлиб шаҳар айланамиз, тайёр туринглар, деб қолди. Ҳаял ўтмай, кўп қаватли уй ёнида Сидикмат аканинг «Жип» машинаси келиб тўхтади. Унда бадқовоқ Олтинсоч ҳам бор эди. Сидикмат ака унинг Қудрат ака ва Хайрихон опалар билан совуқдан-совуқ оҳангда сўрашишидан бироз хижолат чекди. Олдинда Сидикмат ака билан Қудрат ака, ўрта қаторда Ойгул опа билан Хайрихон опа ва энг орқа қаторда Лайлло, Олтинсоч ва Нодир жойлашишиди. Нодир опасининг ўзи билан Лайлло ўртасида қоработирдек бўлиб ўтиришидан жиғибийрони чиқар, қизнинг нозик қадди-бастини яқингина-сидан ҳис эттиси келётганди унинг.

Энг биринчи Қудрат аканинг эски шаҳардаги ҳовлисига боришиб, у ерда бироз ўтиришиди. Сўнг ҳаммалари биргалик да шаҳар айлангани чиқишиди.

Мустакиллик майдонида саир қилишиб, кабобхонага киришганда Нодир Лайлони майдондан ташқарига етаклаб кетди.

— Нима қилаяпсан, Нодир? — деди Лайло қиқир-қиқир кулиб.

— Сизни қора ботирлардан олиб қочиб кетаяпман.

— Кўлимни қўйиб юбор, ёмон бола.

— Ҳечам-да.

Нихоят, қатор тизилган арчалар панасига етишганда иккаласи ҳам тўхтаб, бир-бирларига тикилиб қолишиди. Нодир қаттиқ ҳаяжонда эди. Лайло эса, тез юрганиданми, билинраб билинмас титтаратди. Январь оий бўлса-да, кун жуда илиқ эди.

Нодир аста эгалиб, Лайлонинг бармоқларини бирма-бир ўпа бошлади. Унинг бу қилиғидан ғалати бўлиб кетган Лайло шартта қўлини орқасига тортиб олди.

— Сен қанчалик интеллигент бўлсанг ҳам, қўлларимни ўпишингни хоҳламайман. Билдингми?

— Ахир китобларда...

— Китобингни кўй.

Нодирниң қулоғига гап кирмайдиган аҳводда эди. Шу боис шошқалоқлик билан қизнинг лабларига лаб босди. Лайло шошиб бошини орқага ташлади.

— Нима қилаяпсан? — деди сўнг жаҳди чиқиб.

— Опача, — унинг кўзларига мўлтираб қаради Нодир. Қизнинг унга раҳми келди.

— Опа дейсан-у, қилаётган қилиғингни қара, — деди у бироз юмшоқлик билан. — Уқалар опасига бундай қилмайдилар.

— Сиз менга бошқача опасиз.

Нодир яна ўпмоқчи бўлиб, Лайло томон талпинди.

— Кўй, қолгани тўйга қолсин, — деди Лайло уни ўзидан беозор итариб.

Нодирниң кўзлари чақнаб кетди.

— Шу гапингиз ростми?

— Рост, ёмон бола, — Лайло шўхчан кўз қисди-да, шитоб билан майдон томон юриб кетди.

Нодир унинг ортидан ҳаллослаб етиб келиб, қўлидан ушлаб олди ва томирлари бўйлаб иссиқлик юрганини ҳисқилди.

— Уларга айтамизми? — деди сўнг гарант алфозда.

Лайло бир муддат ўйланиб қолди.

— Ҳозир айтма, илтимос, — деди шошиб. — Мени уятта қўясан.

- Яхши, лекин ойимга-чи?
- Кейинроқ айтарсан, майлими?..

Яна бир куни Навоий ва Фофур Гулом номли истироҳат боғларини айланишди. Сидикмат ака ёшлар бир-бирлари билан кўпроқ гаплашиб, тезрок бир қарорга келишсин, деган ияятда имкони борича Лайло билан Нодирни холи қолдиришга уринарди. Лайло Нодирга ўзи ҳақида гапириб берди. Чунки у Нодирга бутунлай боғланиб қолмасдан бор ҳақиқатни айттаним яхши, деган қарорга келганди. У Нодирга бошидан ўттандарини бирма-бир сўзларкан, кишининг ўз ҳаёти ҳақида бирорвга гапириб бериши жуда қийинлитини ҳис қилди. Юсуф тўгерисида гапираётганда эса кўзларига ёш қуйилди...

Улар анча пайт жим бўлиб қолишли. Шунда Лайло беихтиёр Нодирнинг елкасига бош қўиди. Йигит эса унинг кўлларини оҳиста юзига босди. Орадан бироз вақт ўтгач, Лайло яна аввалги ҳолига кайтди.

- Нодир, эртага балки кетмассан, — деди йигитта жилмайиб.
- Опача, яхшиси, тўйга розилик беринг. Шунда доим бирга бўламиш.
- Яхши. Ўйлаб кўраман.
- Эртагача муҳлат, майлими?
- Аввалги севгимни юзимга солмайсанми? — деди Лайло бироз қизариб.
- Йўқ, мен ул севгингизни юрагингиздан чиқариб ташлай оламан.
- Сенга ишонаман.

Кечки пайт она-бала уйда ёлғиз қолишганда, Лайло хаёли фаромуш ҳолда онасидан сўради:

- Ойи, муҳаббатсиз ҳам турмушга чиқса бўладими?
- Биз ҳам аданг билан севишиб турмуш қурмаганмиз. Севги-муҳаббат, асосан, турмуш қургандан кейин бошланади.
- Ойи, менинг кўнглимда ким бор, ҳамон билмайман. Нодирми ёки Юсуф?
- Юсуфинг ўша ерда ёмон касаллик юқтирибди-ку. Уни эсингдан чиқар энди. Нодир эса сен учун ҳатто жонини ҳам беришта тайёр. Ё уни севмайсанми?
- Ойи, у менга тўй қиласлий, деди.
- Хўш, сен нима дейсан?
- Билмасам, ойи. Катталар ҳал қилишсин.
- Демак, ихтиёринг дадангнинг қўлида, шундайми?

- Ҳа, ойи. Адам нима десалар, шу бўлади.
- Дадаси, — деди Хайрихон опа бу гапдан қувониб кетганидан эрини чақириб. — Бу ёққа келинг, дадаси!
- Нима дейсан? — сўради нариги уйдан чиқиб келган Кудрат ака ҳайрон бўлиб.

— Қизингизнинг ихтиёри сизнинг қўлингизда эмиш. Но-дирга бериш-бермасликни ўзингиз ҳал қиласканлиз.

Кудрат ака бу гапни эшишиб, шошиб қолди. Чунки бугун ҳам Сидикмат ака: «Нима дейсан, розимисан?» дея қисталанг қиласганди.

— Қизим, шу гап ростми? — деди Кудрат ака ишонқира-май.

Лайло бошини эгиб, эшитилар-эшитилмас, деди:

- Сиз нима десангиз шу...
- У ҳолда, эртагаёқ розилитимизни билдириб, тўйни бел-гилаймиз, қизим. Маъқулми?

Лайло индамади.

Кудрат ака уялганидан хонадан чиқиб кетаёттан қизини бағрига босиб, пешонасидан ўпиб кўиди.

— Инсон тақдири ўзининг қўлидамас. Йўқса, неча йилдан бери Сидикмат акани йўқдамай қўйгандик. Худо сенинг тақ-дирингни боғлаш учун бизни ўша томонларга жўнатди. Се-нинг баҳтинг Сайрамда экан-у, биз адашиб юрган эканмиз. Нодир яхши бола, шекилли.

- Худди укамга ўҳшайди, — деди Лайло ийманиб.
- Энди у сенга укангдан ҳам яқинроқ ва азиз бўлади.
- Ҳимм... — дея Лайло югуриб хонасигта чиқиб кетди.
- Тўғри айтдингиз, бўладиган ишнинг эртароқ бўлгани яхши, — деди Хайрихон опа зернинг елқасини силаб. — Тўйни февралларда ўтказиб юборсакми?
- Февралнинг бошларида бўлса яхши. Мен Сидикмат акага қўнфироқ қиласай унда. Эртага келишисин.

## САЙРАМДА КАТТА ТЎЙ

Эртаси куни Лайлоларникига совчилар келиб, оқ ўтар ма-росимини ўтказишиди. Сидикмат ака билан Ойгул опа ўзлари-да йўқ шод эдилар.

- Биз тўйни тез ўтказиш тарафдоримиз, — деди Кудрат ака Сидикмат акага. — Бўладиган ишнинг бўлгани яхши.
- Эй, тилингта шакар. Хўп десанг, ўн кунда тўй қиласамиз.

— Ўн кун биз учун кам. Тўйга ҳозирлик кўришнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, қиз томоннинг ками битмайди.

Сидикмат ака бошини силкиб, Ойгул опага бир нима де, дегандек қараб қўйди.

— Айланайин, қудалар, ўзингизни қийнаманг, — деди Ойгул она гул-гул яшина. — Ҳамма нарсаси бисёр ҳовлига қиз беряпсизлар. Бизга Лайлодек қизингиз керак эди. Унинг сени-ю, мебеллари эмас.

— Йўғ-эй, биз ҳам орзу-ҳавасда қиз катта қилганмиз. Лайло кўёвникита куп-қуруқ, сўнпайиб борса, уялами. Гилем, билур идишлар ва чинниларини аллақачон таҳлаб қўйганмиз. Парда ва мебеллар олишимиз керак, холос.

Сидикмат ака чаккасини қашиб, «Бир чекиб олай», дея ўрнидан турди. Унинг ортидан Кудрат ака ҳам қўзғали.

— Ўзингни қийнама, Кудрат, ахволинг маълум, — деди Сидикмат ака балконга чиқишигач. — Биз сенга бегона одамлар эмасмиз. Амаким билан опоқим ҳурмати, бир тўй қиласай, ҳам масини менга қўйиб бер, илтимос.

— Нималар деяпсиз, мен ҳам ўлар жойда эмасман?..

Сидикмат ака қараса, Кудрат тапга кўнмайдиганлар хилидан. Шу боис бошқача йўл тутиш лозимлигини ўйлаб, унга ортиқ, сўз демади. Бир вақт балконга Ҳикмат чиқди. Кудрат ака бир-икки йўталиб қўйганди, Сидикмат ака уни ичкарига киришта ундади:

— Кудрат, бу ер сал совукроқ экан, сен киравер. Менга Ҳикмат ҳамроҳ бўлади.

— Сайрамлик бой ота, яхши юрибсизми? — деди Ҳикмат акаси кириб кеттагач, Сидикмат акага юзланиб. — Эшитиб, курсанд бўлдик. Қуда бўлиб, янада яқинлашар эканмиз-да. Тўй қилсантиз, баҳонада Авлиёота томонларни зиёрат қилиб келамиз.

— Албатта, бош устига.

Сидикмат ака Ҳикмат билан гурунглашаркан, у орқали Кудратга таъсир ўтказишни дилига тутигиб қўйди.

— Ҳикмат, яхши ўзинг келиб қолдинг. Бўлмаса, аканг билан савдомиз пишмай турганди.

— Йўғ-эй, нега энди?

— Пишмаянгти-да.

— Муаммо нимада, Сидикмат ака?

— Мен Кудратнинг Россиядан касал орттириб келганини, рўзгорни хотини билан қизи тебратёттанини яхши биламан.

- Ҳимм...
- Шунинг учун қарз-қавола қилиб, тўй қилишларига қаршиман.
- Хўши?..
- У ёқдаги тўй ўз йўлига. Аммо бу ёқдаги тўй ошига ҳам ҳисса кўпсам дегандим.
- Бўлмайди, ака. Бизда тўй ошини қиз томон қилади.
- Тошкентда дўстларим кўп, йўқса, ошини биргаллашиб берайлик.
- Шундай йўл тутса, балки, бўлар. Мен акамга айтиб кўрай-чи.
- Яна баъзи катта нарсаларни Тошкентдан у ёқча ташиш ортиқча харажат. Чегарадан ўтказиш ҳам даҳмаза.
- Тушунарли. Кўндираман. Бир автобус хотинлар...
- Куруқ боришиси, йўл узок, Фишткўприқда ушланиб қолишади. Товора-товора нарсалар айниб қолади...
- Албатта. У ҳолда тўйга эмас, худди саёҳатга боргандек бўларкан-да.
- Ҳа, мана бу сут пули, буниси тўй пули.

Сидикмат ака шундай деб иккита конвертда Ҳикматга пул узатди.

- Сут пули кўп эмасми? Чўғи мўлроқ кўриняяпти.
- Үн минг.
- Үн минг?! — ҳайратланди Ҳикмат. — Бу жуда кўп-ку. Йўқ, мен акамни яхши биламан, бунча пулни олмайди у.
- Пулни кенойингизга берасиз.
- Барибир, уйга акам бош. Билгач, барибир қайтаради. Уч мингдан кўпи ортиқ.
- Қолган пулни ўзингнинг номингдан Қурдатга қарзга деб берсанг-чи?
- Ишончсиз амал. Менда шунча йўқлигини акам яхши билади. Майли, бир нима ўйлаб топарман,
- Ҳа, яша.
- Тўй пули. Тўрт минг, сал мўлжалдан ошиқ, лекин буни олишга кўндира оламан. Яхши, юринг ичкарига кирайлик. Сиздан ҳам совуқ ўтгандир бой ота. Топганингизга барака берсин. Сиздек одамлар борига ҳам шукур!
- Ҳимм...

Ҳикмат ичкарида керак жойда акасини, кенойисини, ло-зим топганда Ойгул опани катта галирганларида, ё мавзудан адашганларида тўғрилаб, сухбатни танобини тортиб, юмша-

тиб. Кудрат аканинг бой қудаси олдида ори ва фурури эгил-майдиган, харажати ҳам камчиқим натижага олиб келди.

Сўзларини якунлаб, «Ҳаммага маъқулми, менга эътиро-зинглар йўқми? Бўлмаса тўйлар муборак», — деб кўйди.

Сидиқмат ака Ҳикматта имлади.

Ҳикмат тушуниб, конвертларни узатди.

У тезда биттасини чиқариб, кенинай олдига кўйди:

— Олинг. Қизни боққансиз. Сут пули. Бизда қалин олиш-бериш йўқ,

Ҳамма жилмайиб кўйди.

Сўнг иккинчисини Кудрат акага берди:

— Бу тўй пули. Тўйни куруқ оласиз дегани.

Яна кулишди.

Бошқа масалаларда тўйдан бир кун олдин Тошкентда «Себзор»да Кудрат ака ош беради, у биргалиқда ош беришга кўнмади. Сидиқмат акага қанча қадрдонингиз бўлса олиб кела беринг, ўшанга қараб ош дамлатаман деб туриб олди. Эртаси Сайрамда никоҳ, аёллар эрталаб тўққиздан чегарага йўл олишадиган бўлди.

— Эркаклар ҳам боришини. Сизларга барибир юз кишилик жой қилдириб қўяман. Ҳозир тўйда эркак-аёл баравар ўтиришади. Кутаман, — деб Сидиқмат ака аввал Ҳикматта, сўнг Кудрат акага қаради.

— Хўп, борганимиз бўлсин. Ишқибоз қариндошлар топилади. Ҳам тўй-ҳашам, ҳам зиёрат ичида ўтаркан-да? — деб жавоб қайтарди Ҳикмат.

Соат ҳам алламаҳал бўлди. Ҳикмат очликка чидамайди. Ҳозир у, бўлдими, барча масалалар кўрилдими? Мажлисни биринчи қисми тамом. Бадий қисмга ўтамиш. Қани кеннайи, овқатларни тортинг, деди.

Тамадди қиларканлар, қудалар анча жиддий ўтиришди. Бекорга айтгилмайди: дўст-ўртоқлик ўзича, қуда-андачилик ўзйулига.

Дастурхонга фотиха ўқилиб, туриш арафасида Лайло ва Нодир олдинима-кет чопишиб кириб келишди-ю, уй чаровонлашиб кетди.

Лайло пальтосини ечаркан, Нодир ёқа тарафидан ушлаб турди, сўнг қўлидан олиб вешалкага осиб қўйди. Этигини бир пойи осон ечилиб, иккинчисини молнияси очилмаётганда Нодир энгашиб, бу ишни бажаришга уннаб кетди. Ҳамма уларни кузатиб турганидан хижолатда Лайло қизик гап қилди:

— Аяжон, ҳозирча Нодир ечиб турсин, кейин мен унга қайтараман.

Кулги бўлиб кетди.

Ойгул опа кулгиларидан кўзига ёш келиб деди :

— Хайрихон, мен Лайлони шу кувноқлиги, дадиллигини ёқтираман. Олтисочга ўхшаб ичимдагини топ деб ўтирумайди.

Сидиқмат ақа гап қистириди:

— Бу хислатлари сенга ўхшайди.

Ниҳоят этик ечилди.

Лайло тез юриб Ойгул опага яқинлашди ва елкасини бошига қўйди.

— Ассалому алайкум, аяжон.

Ойгул опа унинг бетларидан ўпди:

— Баалайкум ассалом. Бахтинг кутлур бўлсин.

У сумкасидан қўш зирақ олди.

— Қани, зиракларингни ечиб тур.

Лайло ҳайрон ойисига қараганди, у розилик маъносидан бошини силкитди. Қиз қулоғидаги ўзининг зирагини чиқарип, ойисига узатди.

Ойгул опа таққан катта кўк кўзли зираклар ниҳоятда чирошли экан. Лайло югуриб хонасига кириб кетди, ортидан Нодир чопди.

Совчилар кетишиди.

Лайло у уйдан бу уйга сакраб юрганидан, эркин ҳолатидан Хайрихон опа Қудрат акага маъноли қараб қўяр, у, ўз навбатида, боласининг баҳтини ўйлаб хаёлга чўмиб ўтиради.

Бирор соатлар ўтиб, эшик қўнғироги чалинди.

Югуриб эшикни очган Лайло қичқирди: «Опамгилар келишиди».

Эркак ва аёл қуда, Файбулла, Адиба боласини олиб, бир уй бўлиб, муборакбод қилишга келишган эди.

Улар иқболига Хайрихон опа чиқиб катта уйга бошлади. Улар ғўнғир-ғўнғир қилиб ҳол-аҳвол сўрашиб, сухбатга берилишиди.

Бироз ўтиб уйқудан уйғониб Қудрат ака ҳам уларга қўшилди. Вазмин ва оддий ўртоғи уста Мўминни гапга солиб ўтиреди. Куёви Файбулла ва қизининг бир-бирига меҳрибонликларими, оқибатлариними кўриб, қайнананинг бир гапириб ўн кулиб, Адабани мақтаёттанини, неварасидан гапириб тўймаёттанини, ўғлини топар-тутарида бара-ка киргани сабаб, оила тинчиб, хотиржамлик ва фароғати

опшанлигидан киши билмас эшитиб, ич-ичдан мамнун ўти-  
ради.

Битта қизимдан тинчиidim, энди кичигини, эркасини яқин  
орада узатиб олсам марра меники, деб үйлади.

Тўйга бир неча кун қолганда, Ҳикмат деярли ҳар куни  
акасиникига чиқадиган бўлди.

— Қариндош-уруг, таниш-билишларни ҳаммасини, мана,  
рўйхатта киритдим. — деди у шундай кунларнинг бирида ака-  
сига қофоз тутқазиб.

— Яхши, қани, кўрайлик-чи, кимларни унугиб қолдирган  
эканмиз?

Кудрат ака кўзойнагини тақиб, рўйхатта кўз югуртиар-  
кан, бирдан пешонаси тиришиб кетди.

У рўйхатта бармогини ниқтади:

— Бу нима? — деди.

— Қайси? — деда бўйинини чўзди Ҳикмат ва Умар ошпаз-  
нинг исмини кўриб, бироз каловланиб қолди.

— Уларни ҳам айтсан, яхши бўладими деб...

— Калланг ишлайдими сенинг?! — жаҳддан бўғриқиб кетди  
акаси. — Умар ошпазни нима деб айтгамиз? «Сизларга бер-  
моқчи бўлган қизимизни узатадиган бўлиб қолдик. Тўйга бо-  
ринглар», деймизми?!

— Ҳа, энди, одамгарчилик юзасидаи... Танти одамлар эди-  
да, ҳар ҳолда.

— Ҳикмат, баъзан тушунчанг етмай қоладими, ё эсинг кам-  
ми? Биласанми шуни?

— Ақа-а?!

— Ҳозир нима дедим. Лайлло йиғлай-йиғлай, энди у йи-  
гитни унугтандек бўлди-ку. Сен бўлсанг...

— Бўлди, ака, узр. Ҳеч бўлмаса ошпаз текин бўладими деб  
ўйлагандим-да. Ҳар ҳолда, борди-келдига ярайдиган одамлар  
деб...

— Текин ош миннатли бўлади, тушундингми? Эшиитмаган-  
мисан шуни? Нима, шундай катта Тошкентда Умар ошпаздан  
бошқаси куриб қолибдими? Ё зўрини топиш кўлингдан кел-  
майдими?

— Қўлимдан келади. Мана ҳувайдолик Мирвосил ошпаз.  
Тўртта зўрининг бири.

— Шуни айт бўлмаса. Эплай оласанми?

— Бўш бўлса, эргагаёқ ёздириб келаман.

- Ҳофизга-чи?
- Мансур ака Мамеровни айтаман. Улар билан яхшигина танишлагимиз бор. Эрталабқи ошни ашуаларини қийворади.
- Яхши, яна нима гап қолди?
- Бир ҳожи акадан қарз күтарғанды. Фоизсиз. Топғанда қайтариш шарти билан берғанды. Шуни кам-күстингизга ишлатсангиз, — Ҳикмат шундай деб тунов куни Сидиқмат ака берған пулни акасига узатди. — Беш минг.
- Ростданми?! Бу ишинг зўр бўлибди...

Сидиқмат ака қудамга оғирлик қилмасин деб айтганда юзга яқин одами Қозогистон номерли йигирматача машиналарда Сайрамдан келишганди, шаҳарлик яна эллик чөсли танишлари қўшилиб қуда томонга ажратилган жойга олинди. Ош тарқатилганды, уларга бақувватроқ сузиш ошпазга тайинланганди. Мирвосил ошпаз Қудрат ака айтганидек сузди. Ош қайтмади. Қуда томондагилар ошни мақтаб-мақтаб ер эканлар, Ҳикмат уларга чойнақда шароб ҳам қўйдирган эди, бирпасда чангчикиб кетди. Бироқ меҳмонлар мамнун бўлишиди. Тўйхона тўридан номи чиққан ҳофизнинг Навоий сўзига «Гул узорим» кўшиғи янтраб турарди.

Қудаларга беш-олти чўпон, қудага пальто ва куёвга чарм куртка кийгазилганда, Сидиқмат ака: «Қудам фаросатли экан, келган дўст-душман ичиде кўксимни кўтарди, камбағал бўлса ҳам ҳамиятни билади», — деб хурсанд бўлди.

Тўйни ўтказиб, эртаси куни Сайрамга йўл олишганда, қизининг ўзга хонадонларга учирма күш каби учиб кетаётганлигидаи юрак-бағри эзилган бўлса-да, аммо барча маросимларни кўнгилдагидек ўтказганидан Қудрат ақанинг елкасиндан тоғ ағдарилгандек бўлганди.

## ЭСКИ ВАЪДАЛАР УНУТИЛДИ

Қудрат ақалар хонадонида тўй ташвишлари билан зир югуриб юрган кунларида Юсуфни кўргани Салтанатхон опа ва Умар ақалар боришиди.

Учрашувга рухсат сўраб, ариза топширганларида эрталаб эди. Аммо учрашувга келганлар жуда кўп экан. Кун пешиндан оғса ҳамки, навбат келай демасди.

- Уф-ф, куйиб кетдим, куйиб кетдим! — деди Салтанатхон таппа ерга ўтириб. — Болам шу ерларга келгунча, мен тиконзорда ётсам бўлмасмиди?

— Нафасингни иссиқ қил, бу бир синов. Нолисанг, худонинг қаҳри келади...

— Худонинг олдида нима гуноҳим бор экан?

Ниҳоят, асрға яқин уларга навбат етди. Учрашув хонасида боласини бетоқат кутиб ўтирган Салтанатхон Юсуфни кўриши билан ҳўнграб юборди.

— Болам, — деди уни бағрига босиб. — Онанг ўласин, болам!

— Ойижон, сизда нима гуноҳ, нега ўзингизга ўлим тилайсиз?!

— Сени шу йўлдан қайтаролмаган она гуноҳкор бўлмайдими?

— Қўйсангиз-чи, ойи. Ҳаммасига ўзим айборман.

— Юсуфжон болам. Нега бунча озиб кетдинг? — деди Салтанатхон бироз ўзига келгач, ҳамон уни бааридан бушатмай. — Ҳеч қаеринг оғримаяптими?

Бундан Умар аканинг жаҳли чиқиб кетди:

— Кўриб турибсан, тўрт мучаси сор. Нега бунча тергайсан? Худога шукр қилишни биласанми ҳеч?!

Юсуф отасига қараб янгилик айтди:

— Намозга кирдим.

— Шу билан зора иймонга кириб, инсофга келсанг, ўғрилик қиласанг, майли...

Юсуф оғринди.

— Ада..?

— Кечиринг, адаси! — деди Салтанатхон кўз ёшларини артиб. — Акаларинг, яқинларингдан салом. Фақат бу сафар Лайлодан салом йўқ, — деди ўғлига термилиб.

— Майли;

— Нимага деб сўрамайсанми?

— Нега экан? — деди Юсуф онасининг нима дейишшини сезган бўлса-да, ўзини гўлликка солиб.

— Лайлони узатишяпти.

Юсуф индамай бош эгди.

— Нима қиласан энди, чидайсан-да, — деди Умар ака. — Бандасининг бардоши шундай дамларда билинади. Қўлимиздан нима ҳам келарди?..

— Кутишса бўларди, ноинсофлар, — деди Салтанатхон тутакиб. — Вақтида ўелимдан роса фойдаланишганди. Кутса, уч йилда қариқиз бўлиб қолмасди ё қизининг бўйни туйнукдан чиқиб кетармиди.

— Ойи, ўтган ишга саловат, — деди Юсуф секингина.

— Майды гапни күй, хотин, — деди Умар ака қыз томон қарори тұрғилигини тасдиқлагандек. — Қамалғанга ҳар ким ҳам қызы бермайды. Ихтиёр ўзларида. У қызни ҳам қарғама. Яхшиси дуо қыл: «Бахтли бўлсин».

— Энди менинг шипач деган лақабим ёнига «қамалған» деган сўз ҳам кўшилади-да, а, дада?! — деди Юсуф бошини темир панжараага қўйиб.

— Пешонага ёзилган ёзиқдан ҳеч ким қочиб қутулолмайди, ўғлим. Муҳими, хатолардан тўғри холоса чиқаришда...

## ҚИЗ БОЛА – ПАЛАХМОН ТОШИ

Сайрамда Сидикмат аканинг ҳам етарлича обруси бор. Шу боис у никоҳ тўйига «Истек» тўйхонасида беш юз кишилик жой қылдирганди. Тошкентдан келган эллик чорли аёл қудалар ва Ҳикмат бошчилигига шунчак эркакларга тўйхонанинг тўридан ўрин ҳозирланди.

Кудрат ака соғлигини ўйлаб, изғиринли кунда йўлга чиқмаганди.

Аммо Хайрихон опа кенжатой, эркатой қизини ўзи узатиб келганди.

Никоҳ тўйи тугаши билан Ойгул опа қўшиларига айтиб қўйган, шекилли, аёл қудаларни бешта-олтитадан бўлиб, уйларига олиб кетишиди. Уларга шоҳона тутилмаган кўрпа, кўрпача, ёстиқлар ажратиљди. Бу жойларнинг оқибати шунақа, бундай қўни-қўшничиликка ҳеч нима етмайди.

Хайрихон опа бошчилик ўн аёлга эса Сидикмат аканинг икки қаватли уйининг биринчи қаватидан жой ҳозирлашиди.

Келин-куёвга ажратиљган ётоқхона иккинчи қаватда эди.

Эртаси куни келинсаломнинг давоми сифатида чаллари ўрнига Ойгул опа куда томонни то кечгача меҳмон қилиб, зиёфат берди. Индинига эса меҳмонлар Тошкентта йўл олишиди.

Ҳикматлар ҳам роса бити тўкилди. Уларни тўй куни кечасидан то индин эрталаб хотинлар билан кеттунига қадар Сидикмат аканинг укаси Турдимат олиб юрди. Шаҳар четидаги акасининг ресторанида пивохўрлик қилишиди. Сўнг Турдиматнинг паст солинган, лекин иссиқ уйида эрталабгача ҳангома қилиб, маишат қилиб чиқишиди.

Қайтишларида уларни Фишткўприкка қадар машинага солиб юборишиди. Қази-қартга, сур гўшт, пишлок, нон, салқин ичимлик-

лар ва турли-туман шаробга тұла сүмкани акасининг номидан Ҳикматта Турдимат тұтди ва акасини иш билан бошқа туманта юбориштани учун узрини етказди.

Хотинлар ҳам куруқ күл билан қайтишмади.

Ойгул опа саросимада қолди. Түйдан түрт күн үтди ҳамки, келин-куёдан янгилик йүк. Наҳотки үқлимда қусур бұлса, дерди у кечалари вахимага тушиб... Шунинг учун бу ишнинг ечимини күзлаб янги келин-куёвларни дачага жұнатди, холи ва овлоқ жой, зора-мора Нодирнинг йигитлігіни құзғаб...

Улар дачага күн оғанда кириб келишаркан, изиринли совуқ турғанды. Ҳаял үтмай иккі ёшнинг ҳам баданларидан совуқ үта бошлади.

— Печканы баландлатайми? — деди Нодир Лайлонинг ияги қалтираёттанини күриб.

— Майли.

Нодир машинанинг пекасини баландлатди. Дачага етишларига түрт-беш чақирим қолғанди. Шунда Нодир кичик бир хатога йүл қўйди. У хаёлида «Жип»да кетаяпман деб үйладими, манзилни яқинроқ қилиш учун рулни асфальт қилинмаган йўлга бурди. Машина бир-икки марта силтанди-ю, сўнг тақ-тақ тўхтаб қолди. Фидираклар деярли бутунлай лойга ботганди.

Энди нима қилиш керак? Йигит Лайлонинг ёнида қанчалик ўзини йўқотмасликка ҳаракат қиласин, аммо чорасизлигидан қип-қизариб кетди. Лайло баттар совқота бошлади. Ҳатто Нодирга ёрдам бергиси келиб, машинадан тушди-да, ён-атрофдан тошми, виштми, майда тахта бўлакларими топиб, фидирак остига ташлади. Нодир эса машинага тинимсиз газ берарди. Аммо, барибир, фойдаси бўлмади.

— Опача, сиз рулга ўтириңг. Мен машинани итараман, — деди Нодир.

— Вой, мен машина бошқаришни билмайман-ку?!

— Ўзим ўргатаман.

Нодир унга нима қилиш кераклигини ўргатиб, ўзи машинани бор кучи билан итара бошлади. Аммо ҳар сафар куч билан итарғанда, машина бир-икки силтаниб, салгина олдинга сиљирди-ю, сўнг орқага қайтиб, баттар лойга ботарди.

Нихоят, иккаласи ҳам ҳолдан тойинди.

— Бўлмайди, Нодир, — деди Лайло ҳарс-ҳарс нафас олаеттан йигиттага ачиниб. — Нима қиласиз энди?

— Адамга қўнғироқ қиласаммикин?

— Шундоқ қыл, илтимос, совуқ ўтди.

Нодир уяла-уюла дадасига құнироқ қылды.

— Ҳа, Нодир, тиңчиликми? — деди үғалини бу пайтда дачага етиб бориб, Лайлони күчөнігі олиб ўтирган бўлса керак, дея хаёл қилган Сидикмат ака.

— Ада, машинамиз лойга тиқилиб қодди.

— Ҳозир, ҳозир одам жүннатаман, ўғлим. Қаердасизлар?

— Шошманг-чи, қандайдир машина биз томонға келаяпти, шекилли, — Нодир шундай деб телефонини ўчириб қўйди.

— Алло, Нодир, алло?! — деганча қолаверди дадаси.

Нодир сал наридан секинлаб келаётган машинага қўлини кўтариб, «Тўхтанг» дея ишора берди. Эскироқ «Жигули» ҳайдовчиси эса ёши каттароқ рус кишиси экан, у ортиқча тиҳирлик қилмай тўхтаб, вазиятни билгач, машина юкхонасини очди-да, узун трос оди...

Ниҳоят машинани катта йўлгача аранг судраб чиқишиди.

— Дала йўли расво, — деди бояги ҳайдовчи. — Яхшиси, асфалт йўлдан кеттанларинг маъқул. Қиз ҳам совуқда тара-шадек қотгандир. Хотинингми?

— Ҳа.

Нодир киши билмас чўннагини ковлаёттанида у бошқа гапни айтди.

— Пул нима? Барibir бу ердаги магазин ёшилиб қолгандир. Шаҳаргача эса анчагина йўл. Эсиз, бугун ароқсиз қолдим.

— Исмингиз нима?

— Нимагайди? Дядя Евдоким.

— Дядя Евдоким, бўлмаса дала ҳовлига биз билан кетмакет юринг. Ўша ерда топилиб қолар, бу сабил, — деди Нодир.

— Бу бошқа гап.

Нодир дядя Евдокимга ароқ бериб хайр-хўшлашиб киртанды, Лайло лой бўлган кийимларини кираверишга ечиб, қайноққина ваннада чўмилаёттан эди. Ойгул опа ваъда берган-дек, дала ҳовли хоналари иситилган, камин ёқилган, ошхона столига бир-иккита овқат қўйилган, холодильник тўла тамадди. Ҳатто қоровулга бутун жавоб берилган, шунинг учун ҳовли четидаги кичик уйчанинг чироги ўчиқ эди.

Нодир ҳам совқотиб кеттанлити боис, кела солиб камин ёнига келиб ўтиреди. Чирсиллаб ёнаёттан оловга қараб, хаёлга толди. Лайло ҳадеганда чиқай демасди. Йигит уни кута-кута кўзи илинди...

Лайло жакузиларда, сифатли совун ва шампунлар билан обдан чўмилиб, бошига катта сочиқ, эгнига янги қалин ҳаммом халатини кийиб чиқди. Бундай қараса, Нодир камин ёнида тарашадек қотиб ухлаб ётган экан. У астагина йигитнинг устига одеял ташлаб қўйди. Сўнг унга халақит бермаслик учун ошхонага кириб қаҳва дамлаб чиқди. Ошхона катта залга нисбатан совуқ, экан. У камин ёнидаги бўш креслога ўтириб, қаҳва ҳўпларкан, бир дам Нодирга термилиб қолди. Йигитнинг тим қора қошлари ва бироз чўзинчоқ юзи жуда чиройли кўриниб кетди кўзига ва секин ўрнидан туриб, унинг юзидан ўшиб қўйди. Зерикканидан хоналарни томоша қила бошлади.

Иккинчи қаватда қўш ётоқхона, ёнбошида меҳмон куттилаган катта зал, сўнг яна икки-уч кишилик бир нечта хоналар бор экан. Ҳаммаси дид билан безатилган, телевизор ва қимматбаҳо мебеллар хоналарга ўзгача кўрк бериб турарди.

Пастки қаватда эса каминли катта залдан ташқари, бир неча кичик хоналар, ошхона, ваннахона жойлашган. Каминга рўпарў тарафдаги деворда одам бўйи келадиган ойна ўрнатилгани учунми, олов худди икки томондан ёнаётган манзарани касб этарди. Чап томондаги катта деразадан эса шарқираб оқаётган дарё кўриниб турар, осмонга туташиб кетган тоғлар кишида ажабтовур ҳис-туйғулар уйғотар эди. Фақат ҳовлидаги мева дарахтлари шир яланғоч шохлари билан мулзам эди...

Катта залнинг поли палуба усулида тахта билан ишланиб лакланган, ялтирайди. Умуман, ҳамма уйларда ҳам шу манзара.

Лайлого иккинчи қават нисбатан совуқроқдек туюлди. «Ётоқхонани биринчи қаватта кўчириш керак экан», деб қўйди ичида ва яна камин рўпарасидаги креслога оҳиста чўқди. Ўриндиқ билинار-билинмас гижирлаб кетди. Нодир шугина товушдан ҳам чўчиб уйғонди. У дастлаб қаерда ётганлигини англолмади, шекилли, ён-атрофга аланглади. Сўнг қаршисида кулимсираб турган Лайлого кўзи тушиб, ҳаммасини тушунди ва хижолатли жилмайиб қўйди.

— Ухлаб қолибман, уйғотмабсиз, — деди нокулай аҳволдан қутулиш учун.

— Машинани лойдан чиқараман деб, чарчаган здинг, кўзим қиймади.

— Бир ёқда совуқ ўтибди. Мен ҳам қайноққина душ қабул қилиб чиқай унда.

— Майли, унгача мен чой дамлаб турман.

Нодир шоша-пиша ўрнидан турди.

Лайло пиширилган товук іштідан бироз иситиб, ликопчаларга солди. Сұнг бежирим идишга помидор шарбати қуиди. Арпа нондан қесди. Күк чой дамлади. У шундай шоҳона жойларда келинлик гаштини суралттанидан ўзида йўқ шод эди. Ҳаял ўтмай, Нодир ваннахонадан чиқди.

— Күшдек енгил бўлдингми?

— Ҳа,

— Дунёнинг бир четига келиб қолганимга ишонгим келмаяпти. — деди Лайло хўрсиниб. — Қиз бола — палахмон тоши, деб шуни айтсалар керак-да. Ота-онам мени бир зумда Тошкентдан Сайрамга улоқтиришди-я.

— Опача, Сайрамга келин бўлганингиздан хафамисиз?

— Нега бундай деяпсан?

— Менга хомушдек кўриндингиз.

— Ҳечам унда эмас. Фақат уйимни соғиндим.

— Бирпасда-я?

— Ҳа, сен ҳам туғилиб ўсган юртингдан бир умрга кетаётганингни фаҳмласант, менинг аҳволимга тушардинг.

— Тошкентта тез-тез бориб турамиз.

— Меҳмонга бориш бошқа-да, Нодир. Лекин сендеқ йигит билан ҳаётимни боғлаганимга афсусим йўқ.

— Ростданми? Раҳмат, опача.

Нодир Лайлони жуда қаттиқ яхши қўрганидан, дилидаги гапларини аввалгилик шартта-шартта айттолмас, негадир қизни бағрига босишдан ҳам истиҳола қилас, қандайдир куч уни Лайлого яқинлашишдан қайтариб турарди. Эҳтимол, қизни ҳамон опача дея сизлаётгани ҳам шундандир. Лайло эса худи ўз укасилик Нодир дея мурожаат этяпти. Бу эса йигитнинг қизни ёр ўрнида кўришига яна бир тўсиқ бўлаяпти гўё.

Шунинг учун, мана, никоҳ кунидан бошлаб бешта кеча ўтган, ҳамон у қизил «байроқ»ни онасининг қўлига тутолмади. Ойиси бу ҳолдан, атрофдагилар маломатидан чўчиб уни шоширишар, йигитлигингни тезроқ кўрсат, деб қистарди.

Ҳозир чойни ҳўплаб ўтиаркан, шуни у хаёлидан ўтказарди. Нодир романтиклиги учун бу нарса ўз-ўзидан иккала ошиқ майли бу нарсани хоҳлаганда бўлишини тарафдори эди. Бунга эса унинг ўзи ҳам, сезишича, ҳали опачаси ҳам тайёр эмасди. У хотинини Лайло деб чақирмас, керак бўлса ҳамон опача деб йиллар юришга ҳозир, фақат у ёнида бўлса, у билан гаплашиб, фақат ҳамроҳликка яраса ҳам майли.

У нарса, балки уларнинг бекараз, осойишта, шодон кунларига раҳна солиб қўйса-чи? Унда нима қилади? Шундек ҳам у ўзини баҳтиёр сезар, бундан ортиқ баҳт йўқдек бошқа, бўлак туйғулар, ҳисларга эришмакни ўйламасди. Мана бугун ҳам ойиси: «Ўелим, шундай қила берсанг аданг кўчада бош кўтара олмай қолади. Уят бўлади. Бир галгина қаттиқроқ, бўла қол. Жон болам», деб тайинлади.

Хайрихон опа билан қолган ўнтача қариндош аёллар кечакайтиб кетишиди. Ойгул опа уларнинг ҳаммасини яхши кузатди. Тугуларнинг ҳар бирига ҳам кўйлак, ҳам лозимли материаллар қўйдирди. Қанд-қурс, шоколадларга кўмди.

Эсон-омон уларни кузатдилар. Сидикмат ака Черняевкага довур етказиш шарти билан, уларнинг барини микроавтобусга жойлади.

Бугун эрталаб овсини янга бошлаб келганда. Ойгул опа индамади. Ҳа ёки йўқ, ҳам демади.

Лекин Хайрихон опа: «Майли», — деб розилик берганди.

Янги янгани Лайлоб билан холи қолдиришиди. У ҳақиқий янга чиқиб қолди. У Лайлого хотинлик мақомини ипидан-игнасига тушунтиргач, у эрини Нодир, ёмон бола деб юрганлари учун, гоҳида ҳалигача сенсираёттандлари учун ўзидан уяди.

У эрининг тўпигигача ҳар куни олиб кириб ювиб қўйишини, йўқса силаб қўйишини, майлини фақат жўяли сабаб бўлгандагина қайтариши мумкиналигини айтар экан, Лайлобоши қуини тушди. Айниқса, охирги тапларидан кейин ўзини ерга кириб кеттандек сезди. Янги янга: «Қиз бола эрга тегишига рози бўлдими, эри қонуний никоҳ билан ўз маҳрамига оддими, шу дамдан бошлаб эрининг шаъни унинг шаъни, эрининг обрўси уники. Кечалари ёш эрини қийнаш, керакли амални бажаришига изи бермаслик билан кўнгил йўқлигини билдириш бўлади. У ҳолда турмушга чиқмаслик лозим», деди.

Лайлонинг яна боши эгилди.

Янги янга Ойгул опага бошқа гап айтди. Бизнинг вазифа уялган келинларнинг юзини бироз очмоқлик. Йўқса, натижага эришиш қийин бўлади. Йигитлар тортинаади, қизлар чўчииди.

Ойгул опа тасдиқлади:

- Тўғри. Болам тортинчоқ.
- Ундей бўлса сизга бир маслаҳат. Балки уларни тепасида пойламай, тинч қўярсизлар.

- Яъни.
- Бирор холи жойда танҳо ўзлари яшасинлар. Бошқа ўйинглар йўқми?
- Бор. Яхшигина дала ҳовлимиз бор. Бўлармикин.
- Албатта бўлади. Бугуноқ ўша ёққа кўчиринг.
- Қандай қилиб?
- Болалар, сиқилиб кетдинглар, ўзларинг холи туриб бир яйранглар дент. Масъулиятини эслатманг.
- Кўп нарсани биларкансиз?
- Вазифамиз шунаقا. Профессионал де фуа, — деб машҳур фильм сўзини келтириб, кулди.
- Қандай рози қиласай?
- Қочиб кетмаяпсиз-ку? Аввал бир гап эшитайлик.

Шундан кейин Ойгул опа ўғлига дачага бориб турмайсизларми, деганда у жуда хурсанд бўлиб кетди. Чунки шунча хотин-халаж ичида, ҳар бир қадамини бирор ўлчаб юргандек туюлганди.

## ВИСОЛ КЕЧАСИ

Нодир ҳозир ҳам чой ҳўплаб, Лайлого термилиб ўтираркан, қиз тобора ундан қўл етмас чўққига кўтарилиб қетаётгандек эди гўё.

— Кино кўрмаймизми? — деди бир пайт томдан тараша тушгандек.

Лайло «Ҳалиям бола-я», деб кўйди ичида.

— Жуда зўр кинолар бор.

— Майли, нима кўрамиз?

— Билолмасам, юринг танлаймиз.

— Ҳозир, сен саралаб тур. Мен йиғиштириб олай.

Лайло дастурхонни йиғиштириб, идиш-товоқларни саранжом-саришта қилиб, меҳмонхонага кирганда, Нодир кресло-да ялпайиб, видео кўриб ўтиради. Лайлони кирганини сезмади ҳам.

Ёмон бола, ёш бола, деди Лайло ўзича ундан аразлаб ва индамай ётоқхонага кириб кетди. Шкафни очганди, турлиуман кийим-кечакларга кўзи тушди. Улар ичида ўзиники ва янги сотиг олингандари ҳам бор эди. Кийимларимни жойлаб кетишига қачон улгуришди экан? — деди у ҳайрон бўлиб.

Қийқириб юборди. Трюомода лаклар, бўёқлар, атир-упарнинг ҳам бир неча тури бор.

Шошашынан халатини ечиб, тунгы күйлакларини бирма-бир бадани устига солиб трюмода күра бошлади. Оч ҳаво, салат рангларини дарров кераксизга чиқарди. Лола ва қаймоқ рангдагиларини ажратиб диванга ташлади. Сүнг осма чироқни үчириб, торшер ёргида ўзини ойнага солиб күрди. Сочларини ёйиб ташлади. Бутун елкаси бўйлаб тўлқинланган толалар накд белигача тушганди. Сочларини суриб, қулоқ ортига атире тегизди. Бирпасда бурунни қитиқлайдиган ис хонага тараалди.

У ўзини ойнага солиб, кулиб турган қизнинг таранг юзлари, бўялмаган бўлса-да, қип-қизил соғлом лабларига, сочларини сурилиб очилиб қолган оппоқ елкаларига, ҳатто дўшашийиб турган кўкракларига бемалол қаради. Оёқларининг силлиқлигини кўз-кўз қилиб, қўлларини белига тираб турилап заларга кирап, аммо у бу қизнинг кўзларига қарашга юрагидов бермасди. Сабаби, унинг кўзларидаги мунг ва айрилиқ эски хотираларини қўзғаб юбориши мумкиндек эди.

Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Нодирнинг ўта тарбиямийигит эканлигига Лайло яна бир бор амин бўлди. Қиз, кўзларини ювощи бокувчи бу йигитта тобора боғланиб бораёттандигани, унга нисбатан қалбида чексиз хурмат уйғонаёттандигини ҳис этди.

— Нима гап Нодир? — деди ҳовлиқиб уст-бошини кияркан.

- Уйқум келди.
- Бирпас шошмай тур, ҳозир, — Лайло шундай деб бироз вақтдан сўнг эшикни очди.
- Кир, — деди йигитчани ичкарига таклиф этиб.
- Мана, кирдим.
- Нодир, бу хона совукроқ экан. Камин олдида жой қиласак-чи?
- Зўр фикр. Пардалар ёпилса, зимистонда чирс-чирс этиб каминда олов ёниб турса.

— Романтик бойфрендимдан ўргилай, — деди Лайло кубиб. — Шам ҳам ёқиб қўямиз. Девордаги ойнадан хонанинг акси кўриниб туради.

- Ҳа, жуда ажойиб бўлса керак.
- Кейин буни бир умр эслаб юрамиз.

Орадан ярим соат вақт ўтар-ўтмай ётоқхонадаги кўрпашаклар катта хонадаги камин ёнига, Нодир қайсицир уйдан топиб чиқсан иккита бир хил, чўғдек Хива гиламини устига кўчирилган эди. Пардалар туширилиб, каминнинг иккиси

та четига шам ёқилган, улар мұлжалидаги тасвир бунёд этилганди.

Ёшлар креслодан бу ҳолни томоша қилиб ҳузурланаётганды, Нодир қаҳва таклиф қилди.

— Ичасизми, олиб келайми?

— Қаҳва үйқунгни қочирмайдими?, — деди қыз тағдор қилиб.

— Менга таъсир қымайди.

Лайло бошқа жавобни күтганди, Нодир болаларча тилга келганини айтди.

— Юра қол, ошхонада үзим дамлаб бераман.

Бирпас қаҳва нүшиб, Лайло ошхона чироқларини үчириб, ётоқхонага кийим алмаشتыргани ўтаркан, күз ташласа ёш ёришишиллаб үйқуга кетибди.

Шунгами, Лайло шошилмади. Негадир қызил ранглисідан воз кечиб, қаймоқ тусидаги ичкі кийимни кийди. Белига қалин қызил тасмача боялаб олди:

— Бу Лайлонинг зүннори бўлади, — деди сирли жилмайиб.

Нодир унга тўрдан жой қолдирибди. Икки метрдан ҳам мұл тўшакдаги болишга у ҳам бош қўяр-қўймас үйқуга кетди.

Чунки тўй ташвишлари билан бўлиб иккаласида ҳам ҳаловат бўлмаганди. Эрталабдан то шом қоронғусигача Ойгул опанинг овсинлари ва яқинларининг шивир-шивири, маъноли йўталишлари уларга ажратилган ётоқхонага эшитилиб турарди. Шу боис бўлса керак, Лайло беш кундан буён тўйиб ухломаганди.

Шаҳар чеккасидаги бу сўлим маскан үзининг сокинлити ва хотиржамлиги билан ёшларни аллараб қўйгандек эди.

Орадан беш-олти соатлар ўтгач Лайло уйғониб кетди. Аланглаб соатта қаради. Уч, Ўрнидан турганди, эти жунжиқди. Камин олови ўчай деб қолибди. Нодирни уйғотишга кўзи қиймай, каминнинг узун симчаси билан чўғни кавлаб, бир-иккита нўла ташлади. Сўнг қўлини ювиб, ошхонадаги термосдан бироз сошиб қолган қаҳва қуйиб ичди. Қаҳвани иссиқ-иссиқ ичмасататимас экан, деб қўйди ичидә. У бир зум ўйланиб турди-да, сўнг термос билан иккита чашкани каравот ёнидаги пастак столга қўйди. Совукдан жунжиқиб исиниш учун ёш эрчасига суйкалади. Оёқларини унинг оёқларига теккизди. Кўллари билан унинг елкасидан қучди, силади, қулогининг четидан тишлаган бўлди. Бу ўйин унга ёкиб қолганидан яна давом эттириш истаги тушибди. Аммо, ҳамон үйқудан уйғонмаётган Нодир унинг этини

ўлдиради. Лайлонинг бироз жаҳли чиқиб унга терс ўтирилиб олди, бошини унинг елкаларига тиркаб хаёлга чўмди.

Ширин ўйлар, орзулар кенг қанот ёзиб, уни осмонларга олиб чиқа бошлади. Қизпинг кўзлари бир юмилиб, бир очиларди.

Бир пайт Нодир уйқусида у томонга ағдарилди-ю елкалари оша кўлларини ташлаб, билибми-бilmайми кучорига олди-кўйди.

Лайло қимирлолмай қолди. Бадани қизиб кетди. Шундек қулоқлари остидан Нодирнинг нафас олиши эштилар, бундан унинг вужуди ғалати титраб кетаётганди...

Бўғилиб кетганидан нарироқ суримоқчи бўлди. Аммо Нодир уни қаттиқроқ қисди.

Лайло унинг ҳийласини тушунди ва ярим ўтирилиб деди:

— Ёмон бола, қўйиб юбор.

■ — Ҳо, энди кўлимга тушдингиз-ку. Чор атрофда жосуслар ҳам йўқ.

Нодир ҳамон кўзини очмай гапирав, овози тиник ва қатъ иятли чиқарди.

— Кўрқитма. Тур, ундан кўра қаҳва ичамиз.

— Керакмас,

— Ў, бир сен қўллаган усулда ичамиз.

— Ростми? Унда розиман.

Нодир кучофини очиб, уни бўшатди.

Лайло қаддини тиклаб ўтиаркан, чукур-чукур нафас олди. Бошқа бунаقا қаттиқ сиқма, деб танбеҳ беришдан зўрга тилени тийиб қолди. Чунки Нодир салга хафа бўладиган, арзимаган гап ёки ишораданми кўнгли чўкиб қоладиганлар тоғасидан эди. Шунинг учун Лайло бироз соchlарини ўйнаф ўтиреди. Нодир унга интиқлик билан қараб ўтирганини сезар шу йўл билан унга қадрини ўтказарди. Лайло атайлаб бошни силкиб қўйганди, соchlари чиройли тўлқинланиб, елкалари узра ёйиди.

Нодир ярим ёнбошлаб ундан ошиқ кўзларини узмас, сабр косаси тўлаёттанилиги унинг қарашларидан ҳам маълум эди. Лайлонинг имиллаёттанилигидан тоқати тоқ бўлиб, сал қимиғлаганди, қиз шошиб қолди.

— Бўлди, мана ҳозир қуйяпман, — деди термос қопқорин очишта уриниб.

Нодир қаддини кўтариб, қизга яқинроқ ўтириб олди. Ве Лайло узатган қаҳва ўша шартда ичилиди.

Лайло Нодир қўлидаги чашкани қандай олиб бир чеккага кўйганини, ўзини эса ёстиққа суюб ётқизганини билмайди. Эслагани Нодирнинг лабларида нам сезгани, шундек яқинида йигитнинг тим қора кўзлари ялт-ялт этаётгани бўлди.

Лайло қўлларини икки ёнга ёзиб, кўзлари шодгун ёрита изн берганди.

Нодир жуда шошиб қолди. У гоҳ бошини кўтариб қизнинг хусн-жамолига, сочларига, бўйнига ва очик елкаларига қараб турар, сўнг уларни алоҳида-алоҳида ўпид чиқарди.

Бу ҳол анча пайт давом этаркан, Нодир қизнинг бошқа кийимларини ечишни ўйламас, шошилмас ёки эсига келмасди...

«Баҳона ёки турткни берсаммикин», деб ўйлади у ва ўрнидан оҳиста турди.

— Қаёққа? — ҳайрон бўлди Нодир.  
— Бу мато қичитар экан. Бошқасини кийиб олай. Мен ҳозир.

Лайло шошиб ётоқхонага кирди. Томонигача ёпилган юпқа матодан тикилган кенг, аммо енгил тунги либосини кийиб чиқди.

Аммо Нодирнинг бирдан ҳафсаласи пир бўлди.  
— Бу нимаси, опача? Кўйлагингизнинг ҳамма томони ёпиқ, Кўзим қувонмаяти.

— Шундай дегин, бойфрендим, — деди Лайло ва ўрнидан туриб, ўзини ойнага солди.  
— Тўғри, бу либоснинг ҳамма ёпиқ экан, лекин у сирли. Агарда сен унинг тепасидаги тасмасини бўшата олсанг, бўрги кенгайиб, бутунлай қизик манзара ҳосил бўлади.

Нодир оғзини очиб анграйиб турарди.  
— Кел, уриниб кўр. Ўшандада бултур балиқ тутишда мени ушлаб қолган йигит сен эканлигинга икрор бўларман.

Нодир ширин хотираларни эсга солган, Лайлони илк марта бағрига босган дамларни эслаб, оғзининг таноби қочди. Сўнг шаҳд билан ўрнидан турди-ю, Лайло айтгандек қилди. Шу ҳамоно кўйлак сирғалиб пастга тушиб кетди ва белидаги қизил тасмачадан ташқари Лайлонинг эгнида ҳеч бир кийим қолмади.

Нодир Лайлонинг гапларини ҳазил тариқасида қабул қилганини учун қаттиқ, довдираб қолди. Унинг анқайиб туришидан Лайло қизаринди. Соchlари билан кўксини бекитиб, иккала кўлинни Нодирнинг кўзи олдида силкитди:

— Ёмон бола, бир нима дегин, уялиб кетяпман.

Нодир беихтиёр бир қадам орқага тисарилди ва чўккалади.

Унга ён томондан ва ойнадан гўзал бир дилбарнинг шам шуъласидаги хипча бели, дўппайган ўртача қўкраклари ва узун оёқлари яққол намоён бўлаёттанди.

Унинг хаёлий образ яратишга мойил қалби эса, ҳозир шудамда бу ботиний гўзаллик қошида лол бўлиб қолганди.

Узоқроқдан қараса, хира ёқилган қоп-қоронғу уйнинг у тарафида ёнаётган каминдаги олов, шам шуъласида ўзга бир жонон қаддини намоён этиб туради. Ёрук унинг афтига тушмай, асосан елка, қўкси ва пастини ёритганди. Бу ҳолат балки узоқ давом этиши мумкин эди. Венера қошида мафтункор Юони каби, Нодирга ҳам севиш-севилиш, гўзаллиқдан, ишқдан баҳра олиш қон билан кирганди.

Лайло бу саҳна қошида чўкка тушган шаҳзода-ю, ўзи эса тенгиз малика янглиғ туяди.

Орадан бир неча сония ўтди.

Нодир эти жунжукаёттанини англади.

Ҳозир қўлини чўзиб бағрига олади. Шундек бўлди ҳам Лайло унинг бўйнига қўлини ташлаб шивирлади:

— Томоша тамом. Совуқ ўтди. Ёмон бола, кўтариб ол?

Нодир бундай илтимосни кутмаган бўлса-да, шиддат билан Лайлони гиламдан узи ва ичида: қиз бола бўйнингдан қучоқлаб олса, қушдек енгил бўларкан, деб ўйлади...

Нодир энди бўйин, юз, лаблардан ташқари, бошини кўтариб бирнас қизнинг кўкрагини томоша қиласар, сўнг ташланиб, айниқса шу ерини иштиёқ билан ўшишга тушарди. Лайло уялиб соchlари билан қўксини ёпиб кўйса, қўллари билан суриб, ўша ерига қайта-қайта лаб босиб тўймасди.

Шу дамда янганинг кечаги гаплари қулоғи остида яна жаранглаб кеттандек бўлди: эр шаъни оила шаъни. Тортинчок бўлса, у сўрамаса ҳам изн беринг. Бу гапга жавобан Лайло силадим, сийпаладим, ўпдим, изн бериш учун ўзимни ярим яланғоч ҳолатта келтирдим. Бу камми? Унинг эркалашлари бугун очилди. Нодир айтганимдан чиқмайди. Қандай йўлга солай, тонг отягти, деб фикр қилди.

Лайло соchlарининг учи билан йигитнинг бўйинини қитиклади ва нимадир гап айтмоқчи бўлиб, Нодирнинг бурнига секин туртди. Йигит савол назари билан унга қаради.

- Ёмон бола, мени яхши кўрасанми? — деди сўнг оҳиста.
- Жонимдан ортиқ суюман.
- У ҳолда, қулоғингни тут! Энгаш! — деди Лайло шивирлаб. Йигит у айтгандек қилди. Шунда гап қулоғи қалин лабларга тирауди ва қизнинг:
- Юзимни ёруғ қил! Мени ол! — деган ҳўрсиникиди овозини эшитди.

### КУЁВ ЧИЛЛАЛИ ЭДИ...

Деярли бир соатлар ўтиб, дачани аёллар босди. Хушхабардан Хайрихон опа, Ойгул опа ва аёллар шифокори биринчи машинада келишди. Лайло қимирламай, тўшакда мудраб ўтирап, Нодир унинг ёнбошларига ёстиқ тираб, эгнига қалин халат кийгизаб қўйганди.

Шифокор Лайлони ҳар томонлама текшириб, турли саволлар берди, жавобларини ҳам ажабланиб, ҳам ҳайратланиб эшитди, шамоллаб қолмант, лекин қайноқ ванина ҳам мумкинмас, — деди.

У Ойгул опага имоли қараб, бошини тасдиқлаб қўйди ва қулоғига яна нимадир шивирлаб қўйди.

— Ростданми, деб, Ойгул опа хохолаб кулди.

Хайрихон опа ҳам юзида севинч, қизини суваб олиб чиқди.

Лайло юваниб-артиниб, ётоқхонадан келинлик кийимларини кийиб чиққанда, меҳмонхонани тўлдириб ўтиришган шаҳардан келган қариндош-уруғ, кўшни аёлларга кўзи тушди ва уларга салом бериб бошини эгди.

Ойгул опа биринчи бўлиб унга қучогини очди.

— Ўзим айланай келинимдан.

Лайло ёлғондакам йиглади:

— Ўзингиз ёмон қийнадилар, ойижон!

Ҳамма гурр этиб кулиб юборди. Тошкентлик келинининг гаплари уларга эриш туюлди.

— Ўтиб кетади, сулув келиним. Бахтимизга юзимизни ёруғ қилибсиз! Раҳмат!

— Ҳм...

— Буниси мукофотига, — шундай деб, Ойгул опа унинг кичик барморига ёкут кўзли узук тақиб қўйди.

— Ташаккур қуда. Болаларингизни роҳатини кўринг!

Шунда ўтирган аёллар галма-тал туриб, қайнанани табриклаб, келинни астойдил бағрига босганча, унинг елкасига

рўмоами, кийимликми ташлай бошлашди. Қариндошлар ундан каттароқ соввалар кўтариб келишган экан.

Ойгул опанинг овсини, «бизнинг совға ҳали у ҳовлига чиқади», деди.

Ойгул опа, келин, сизга кўп юриш мумкинмас, ётоқхонага кириб ўтиринг, керак бўлсангиз чақирамиз, деб кичик уита киритиб юборди.

Унга чой, патнис қилиб онаси Хайрихон опа кирди. Лайло онаси билан ҳам қайта қучоқлашиб йиглади:

— Ойи, уйни соғиндим.

— Вой, қизим-эй. Шундай баҳтли, хурсандчилик кунда нега уйни соғинасан.

— Адамни бир ўзлари. Сиқилаёттан бўлсалар-чи?

— Нодир қай ерда? — деб сўради Хайрихон опа гапни буриб.

— Тепада бўлсалар керак.

— Хабар ол-чи, чой-пой ичар.

Лайло тезда қайтиб тушди.

— У ерда йўқлар.

Шошиб ошхона олдида аяжонини кўриб ундан сўради:

— Нодир акам қанилар, чой бермоқчийдим.

— Вой, акам деган тилларингиздан, қизим. Ўртоқлари билан овга кетди.

Хайрихон опа «Вой» деб, тилини тишлади.

— Ҳа, нима гап?

— Куёвим чиллали-ку.

— Бизда таомил шу, ўрдак овига боришади.

Ойгул опа нари кетди.

Лайло ётоқхонага шошиб кирди ва телефонни олиб қўнгирок қилди.

— Алло.

— Мен Лайломан.

— Эшитаман, опача.

— Энди ундоқ деманг. Уят бўлади. Отимни айтиб чақиринг.

— Мени сизлайпсизми?

— Ҳақиқий эр бўлган ёримни нега сизламай.

— Раҳмат Лайло опача. Яхшиям ҳаётимга сиз кириб келдингиз.

— Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Сизни овга кеттанингизни эшитиб кўнглимга рулгула тушди.

- Яхши. Сиз кўп хавотир олманд.
- Қачон қайтасиз?
- Ҳозир бориб қоламан.
- Илтимос, вақтлироқ келинг Нодир ака!
- Опача, фақат Нодир ака ўхшамади...

У томондан кимдир телефонни олиб қўйди, шекилли, йигитларнинг Нодир ака деб уни мазахлагани, тошкентликни оҳанрабоси зўрми, сенга ов ҳам татимаяпти, дея кулгани эшитилди. Лайдонинг жаҳли қўзғаб, шартта телефонни ўчириб қўйди...

Қўшнилар ўтказилган тўй-тантанада ҳамма нарса бисёр бўлганидан, тўй ҳам роса қизигани, Тошкентдан келган ҳофизлар кечага файз киритгани, лекин ҳашамга энг ажаб чиройни келин ҳусни бўлганлигини қайта-қайта айтишиб, қандок топишганининг тарихини суриштиришарди. Ойгул опа ўзидағи соддадиллиги билан бу муҳаббат тарихини очишни бошлаганди. Хайрихон опа аввалига истиҳола қилиб, бироз остоначда туриб қолди.

- Қуда, бу ёққа қаранг, — деди сўнг сабри чидамай.
- Нима гап? — Ойгул опа сўзи бўлинганидан бироз норозилигини намоён қилиб, аммо қудасининг ҳурмати учун ёнига келди. — Тинчликми?
- Лайло тўхтамай йиглаяпти, юринг.
- Вой, нега кўз ёш қилаяпти?
- Икки қуда оддинма-кейин ётоқхонага киришди.
- Қизим, келинжоним, нега қайруриб ўтирибсан? — деди Ойгул опа Лайдони қучогига олиб.
- Нодир акамдан хавотир оляпман. Уларни чақиртиринг. Яхшиси, адажон ўзлари топиб келсинлар. Юрагим ғалати бўлиб кетаяпти.
- Вой, шунга шунчаликми? — деди Ойгул опа шарақдаб куларкан. — Соғиндингми, жон қизим. Ўзи шунаقا бўлади. Янти келин-куёвлик пайтида эр-хотин бир-бирига тўймайди.
- Ойижон, илтимос, ўғлинига чакиринг!
- Майли, ҳозир чақираман, қизим. Фақат сен йиелама. Ойгул опа ҳовлиқиб эрига телефон қила бошлади.
- Алло, адаси?
- Ҳа, гапир. Нимага ҳовлиқаяпсан?
- Тезда Нодирни топиб, ўзингиз билан олиб келинг.

- Тинчликми, бунча шошилинч?
- Келиним айтди.
- Келин айтган бўлса, бош устига. Нима гап ўзи?
- Юрагим ғалати бўлиб кетяпти, деб қўймаяпти. Нодирнинг овга кеттанидан хавотир оляпти, шекилли.
- Ўзингни ўйласа яхши-ку. Демак, ҳақиқатдан хурмат қиласи. Ҳозир ўзим бориб олиб келаман. Боя йўлга чиқсан бўларкан.

— Нега ундаи деяпсиз?

— Менинг ҳам кўнглим ғаш.

Сидикмат ака ўғлини ҳақиқий қуёв бўлганлигидан севи-ниб, ресторанда укаси ва бир-икки яқин қариндош-уругла-рига зиёфат бераёттанди.

Бирор соатлар олдин Ойгул опа қўнгироқ қилганда, ун-чалик эътибор бермаганди. Аммо энди келини ҳам «юра-гим ғаш» деяёттанини эшитиб, хавотири баттар ошганидан шошиб, ташқарига чиқди. Кетидан гандираклаб укаси ке-ларди.

Ўрдак кўли бу ердан ўттиз чақиримча йўл. Машинада бир-пасда етса бўлади. Сидикмат ака ўғлига қўнгироқ қилганида, негадир телефонни ўртоги олди.

— Алло, Нодир, Нодир? — деди ҳовлиқди Сидикмат ака.

У томондан аввал қандайдир шовқин, кейин бегона бир йигитнинг кимгadir:

— Аҳмад, нима қилай? — деган овози эштилди.

— Алло, алло! — бақирди Сидикмат ака жигибийрон бўлиб.

— Алло, Сидикмат ака, Ассалому алайкум, — деди, ниҳоят, бир йигит эсанкираб, — Мен Аҳмадман.

— Нима гап, Аҳмад? Нодир қани?

— Яхши ўзингиз телефон қилдингиз, Сидикмат ака. Но-дирга «тез ёрдам» керак.

— Нима? Нималар деб валдираяпсан, аҳмоқ? Нега унга ёрдам керак бўлади?

— У билмасдан ўзини отиб кўйди.

— Вой аблах, нега отади?! Ким отади?

Телефон узилиб қолди. Сидикмат ака юрагини чанглаб, ерга ўтириб қолди.

— Нима гап, ака, тинчликми?! — деди унинг ортидан етиб келган укаси Турдимат.

— Қўнгироқ қил! — деди Сидикмат ака аранг шивирлаб. Турдимат қайтадан Нодирга қўнгироқ қилди.

- Алло, мен Турдиматман. Ким бу?
- Мен Ахмадман. Биз ўрдак кўлдамиз. «Тез ёрдам» олиб келинглар. Нодир ўқ еган!...

Турдимат кўп ичган бўлса ҳам, рўй берган воқеанинг даҳшатини хис қилиб, дарҳол кайфи тарқаб кетиб, ҳушёр тортди.

- Ака! — деди аянч билан.
- Аканг ўлди, — Сидикмат ака шундай деб, юрагини чангллаганча ерга ўтириб қолди.

Сидикмат аканинг ҳайдовчиси уни шоша-ниша машинага ўтқазиб, газни босди. Йўл-йўлакай «Тез ёрдам»га телефон қилишди.

Орадан ярим соатлар ўтгач, улар тез ёрдам машинаси билан олдинма-кейин Ўрдаккўла етиб келишди.

Нодирнинг аҳволини таърифлашга тил ожиз эди. У дарахт тагида чалқанча ётқизиб қўйилган, ўқ, ўпиреб кетган оғиздан тинимсиз қон оқарди. Тез ёрдам машинасидан иккита врач отилиб тушиб, дарҳол Нодирга биринчи ёрдам кўрсатишга шошилишди.

— Нодир! Болам! — деди Сидикмат ака аранг ўғалининг тепасига бориб.

Нодир сўниб бораётган нигоҳлари билан дадасига қарап-кан, нимадир демоқчи бўлиб қўли билан имо қилди.

— Ўғлим... — деди Сидикмат ака уни қучоқлаб.

Нодир бироз қимиirlаганди, қон оқиши баттар кучайди.

— Тегмант! — деди унинг томирига кетма-кет укол юбораётган врач ҳовлиқиб. — Ҳозир уни қимиirlатиш мумкин эмас!

— Тезроқ касалхонага олиб борайлик! Нимани кутяпсизлар?! — ҳайқирди Сидикмат ака.

Врач негадир бошини сарак-сарак қилди. Нодир бармоқларини қимиirlатиб ёзмоқчи эканлигини билдириди. Тезда унга қоғоз билан ручка беришди. Сидикмат аканинг кўзларида ёш силтиллади.

— Нодиржон, ўғлим! — деди унинг соchlаридан силаб.

Нодир қоғозга аранг қинғир-қийшиқ, қилиб ёза бошлади. «Ада, оий, сизларни яхши кўраман. Мени кечиринглар», деб ёзди дастлаб. Сўнг «Лайло» деб ёзди-да, яна устидан чизиб: «Опача, сизни жонимдан ортиқ, кўрадим. Сиз менга баҳт бердингиз, ўзимни бу баҳтдан мосуво этдим. Опача, сизга айтмай чиқиб кеттаним учун Худо мени жазолади». У ёғига кучи

етмади, шекилли, тұхтаб қолди. «Айб болалар...» деган сүзинің өзді-ю, құлидан ручка тушиб кетди, «Тез ердам»дагилар айтған, шекилли, қаерданың милиция машинасы ҳам пайдо бүлди.

— Ҳамма турған жойда қосасин. Ҳеч нарасаға тегілмасин! — деди машинадан тушған баланд бўйли милиционер.

— Ия, Сидикмат ака?! — деди сүнг Сидикмат акани таниб қолиб. — Сиз бу ерда нима қиляпсиз?! Наҳотки жабр кўрган сизнинг ўғлингиз бўлса?!

Сидикмат ака уввос тортиб йиглаб юборди.

— Бардам бўлинг, ўзингизни кўлга олинг, — деди милиционер. — Мен майор Ўролбек Ўрдабаевман. Бизга қурол ишлатилгани ҳақида хабар беришди.

— Ўқ, оғзини ўпириб юборибди, — деди Сидикмат ака ҳиқиллаб. — Ҳатто гапиролмайди ҳам бечора.

Ўролбекнинг хатта кўзи тушди. Кўлига олиб ўқиди.

— Бу хат шахсий, шекилли? Ия, охири қизиқ-ку: «Айб болалар...» дебди-ю, давом эттиրмабди.

— Дармони қолмади.

— Балки, ўғлингиз шерикларига айб қўйгиси келмаган-дир?

— Билмасам. Яхшиси, хатни менга беринг.

— Хат тергов ишига тикилади. Беролмайман, ўртоқ полковник.

— Ахир...

— Ўзингизга маълум, воқеа жойидан топилган ҳар бир буюм биз учун аҳамиятли. Уни делога тикмасак, қойдан бузган бўламиз. Лекин нусха кўчиритириб беришим мумкин.

— Майли...

Врачлар аввалига кўп қон йўқотган, лекин умид бор, деб туришганди. Аммо Нодирнинг хушидан кетганини кўриб, баттар ҳовлиқиб қолицди. Қон ҳамон тинмай оқарди. Уни ўрнидан қимирлатиш ўлим билан баробар эди. Сал қимирлатилса ҳам, қон оқиши баттар ортарди. Сидикмат ака ўғлингиз аҳволини кўриб, ундан мангу айрилаёттанилигини юрәк-юрақдан ҳис қилди. Ҳис этди-ю, ичидан тошиб келаётган бир вулқон ҳай-кириқ бўлиб бўғзидан отилди:

— Ўғлим! Болажони-и-м!

Дадаси билан видолашмөқчилик Нодир хиёл кўзларини очди-да, яна оҳиста юмди. Сидикмат ака юрагини чангалла-ганча бир томонга оға бошлиди...

— Акам... Акамга қаранглар! — деди Турдимат сал наридан югуриб келаркан.

Энди врачлар Сидикмат ака томон чопиши.

— Инфаркт! — деди улардан бири томирини ушлаб күриб. — Қимирлатманглар. Ҳозир укол қиласан.

Сидикмат ақапи машинанинг орқа ўринидигига ётқизиб, укол қилишди. Врач Турдиматни имлаб чақирди.

— Оғир бўлинг, — деди унга далда бериб. — Яхши, энди акантиз ҳеч нарсани билмайди.

— Нимани айтяпсиз? — дея гарангсиди Турдимат.

— Ўзининг кўз юмишини,

— А-а?

— Уч-тўрт дақиқалик умри қолди шўрликнинг. Қон кўп йўқоттан.

— Бирор нима қилинг, дўхтирижон! — деди Турдимат жон ҳолатда унинг қўлини чанглаб.

Врач оғир хўрсинди:

— Нима қилай? Ҳатто ўрнидан қимирлатишнинг ҳам иложи бўлмаса. Шундай пайтларда ўзингни врач эмас, жаллодек ҳис қиласан киши...

Ўрдабаев Нодир билан овга чиққан йигитларни бир ерга тўплаб, сўроқ қила бошлади. Ҳамма милтиқларни йириб олдида, ўқ отилганини, гильза ва патронларни алоҳида-алоҳида қилиб елим халтага солди.

Шу пайт Нодирнинг тепасида турганлар додлаб юбориши.

— Ўлди, — деди ҳамшира оҳиста.

Укол таъсиридан кўзлари юмилиб кетаётган Сидикмат ака бақириқдан бир сесканди-ю, сўнг яна ўзидан кетди...

## БЕБАҶО ИШҚ

Нодирни эртаси куни тонгда чиқариши. Унинг маросимларини ўтқазишга Турдимат бош-қош бўлиб турди. Чунки Сидикмат ака бошига тўқмоқ теккан одамдек гарангсиб қолган, бўлаётган воқеалар гўё тушида кечётгандек эди.

Таъзиянинг учинчи куни Ўрдабаев келиб, Сидикмат акага эртага тергов бўлимига келини Лайлобилан бориши зарурлигини айтиб кетди.

— Келинни овора қилмайлик. Ўз ёғига ўзи қовурилиб ётибди бечора, — деди Сидикмат ака ҳиқиллаб.

— Ўзингиз ҳаммасини тушунасиз-ку, ака. Обормасангиз, иложи йўқ. Унга бир-иккита савол берамиш, холос.

Лайлони тергов бўлимига олиб боришга зўрға кўндиришиди.

— Ундан кўра, мени тинч қўйишин — деди у зор-зор қақшаб, — Терговчи Нодир акамни тирилтириб берармиди?! Унга жон ато этармиди?!

Эртаси куни Сидикмат ака бир амаллаб уни тергов бўлимига олиб борди. Ўрдабаев қадди-қомати келишган сулувги на келинчакнинг кўзларидағи мунгни кўриб, юраги эзилди, унга раҳми келди.

— Нодирнинг ўлеми бўйича бирор кимсага даъвоигиз борми? — деди мулойимлик билан.

— Йўқ,

— Эрингиз ўрдак овига кетишини сизга айтганмиди?

— Йўқ, қайнанамга айтган экан. Кейин мен телефон қилдим.

— Сиз ўша куни телефонда гаплашганмидингиз?

— Ҳа.

— Нима ҳақда? Агар сир бўлмаса...

— Мен ўша куни у кишига вақтироқ, келинг, кўнглим нотинч, деб ялиндим...

— У эса сизнинг зорингизни нозга йўйган, шундайми?

— Билмасам, Нодир акам жуда содда эди. Бирорга йўқ дея олмасди. Охирги сўзларини эшитмадим ҳам. Ўртоқлари ўйин қилиб телефонни кўлидан олиб қўйишиди.

— Афсус, бевақт қазо қилди. Худо сизга сабр берсин.

Лайло ҳўнграб йиғлаб юборди. Сал ўзига келгач, майор унга керакли қофозларга имзо чектириди. У Сидикмат ака билан хайрлашаркан, беихтиёр кўзларига ёш қалқди.

— Сидикмат ака, бу не кўргилик? — деди аламдан лаблари титраб. — Ҳали висол гаштига тўймаган икки ёшни бирбиридан айриб, фалак не ҳикмат топдийкин?

Орадан бир неча кун ўтгач, Ўролбек Ўрдабаев Сидикмат акани яна хонасига чакиртириди.

— Ўрдаккўлга тўққизта йигит бирга боришган экан, — деди тергов давомида тўпланган ҳужжатларни унинг олдига ташлаб. — Улардан факат учтасида ов қилиш лицензияси ва рўйхатдан ўтган ов милитифи бўлган. Бошқасида эса йўқ. Шу жумладан, Нодирда ҳам.

— Хабарим бор.

— Улар сафида пахтаободлик гектарчи Матқовул индамаснинг ўели Сайфулла ҳам бўлган. Ана шу Сайфулла отасининг қўшотарини ўзбошимчалик билан овга олиб чиқсан. Милтиқнинг паспорти эскириб кетган, ўзи ҳам саккиз йилдан бери қайта хисобга олинмаган экан. Отаси ўғли милтиқни олганини билмайди ҳам. Чунки бир йилдан бери милтиқ бузук бўлган, ўнг томонидаги тепкиси яхши ишламаган.

— Ов вақтида ҳеч қандай нохуш ҳодиса бўлмаган. Йигитлар бир нечта ўрдак огишган. Овда Нодир ўз усталитини намоён этиб, ҳаммадан кўп, йигирмага яқин ўрдак отган. Шу қобилиятини билиб Аҳмад уни ҳар гал овга олиб кетаркан, бу гал ҳам Ойгул опани кўндирибди.

— Эҳ, Ойгул, Ойгул! — деб жаҳдда бошини столга урди Сидикмат ака.

Ўролбек бирнас жимиб. Сидикмат акага сув ичирди ва давом этди.

— Қайтишда Аҳмаднинг машинасида жой бўлмаганлиги учун Сайфулла ва Бўривойларга ҳамроҳ бўлибди. Бўривой йўл-йўлакай Нодирга ҳазил қилиб келган. Аммо у машинанинг орқа ўринидигида ухлаб қолгач, Бўривой энди Сайфуллага ҳазил қилишни бошлаган. Улар орасида тахминан қўйидағича суҳбат кечган:

— Милтиқнинг бузук эканми? Бирорта ўрдак ота олдингми ўзи?

— Тегмади. Устига-устак, битта кнопкаси ишламай, ўқ тикилиб қолди.

— Бер-чи, бир кўрай.

— Кўй, бирор машмашани бошлама.

— Бер, бир кўраман. Нима, ейилиб қоладими?

У зўрлик билан қўшотарни олиб, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрган, Сўнг тепкисини босган. Бўш стводдан «чик» этган овоз эшитилган. Ўнг тепкисини босса, у бўшаб қолганидан кучсиз қимирлаган, холос. Аслида, ўшанда милтиқ стволида патрон борлигини билгач, Бўривой милтиққа тегмаслиги керак эди. Аммо у гўё ўлим билан ўйнашгандек орзига қўшотар тикиб, яна тепкини босган.

— Нима қиляпсан, аҳмоқ?! Отилиб кетса-чи?! — деган Сайфулла унга ташланиб.

— Зашелка қотиб қолибди. Ҳеч нима бўлмайди.

Сўнг у милтиқ қўндоғини ерга тираб ичига қарайди.

— Биттасида чиндан ўқ бор, шекилли.

— Бор, дегандим-ку! Милтиқни бер!  
— Тұхта, Нодир, сен ҳам бир қара. Еки ёш күёвлар құрқадими?

Нодир унинг мазахига зытиroz билдиради:

— Мени тинч қўй. Яхшиси, жимгина кетларинг. Шовқин қилиб, уйкумни буздиларинг.

Бўривой яна қитмилик қиласди.

— Борасан, ўша тошкентлик соҳибжамолинг ёнига. Дўстларга ҳам бироз вақт ажратсанг, асаканг кетиб қоладими?

Нодир индамайди.

— Ҳазилингни қўй. Бўривой, қўшотарни бу ёққа чўз, — дейди Сайфулла хавотирланиб.

— Шу ўқи отилмагунча бермайман. Ҳозир қўндоғига бир ураман, кўрасан, отилади.

— Майнавозчилик қилма!

Сайфулла билан Бўривой милтиқни талаша бошлайди. Но-текис йўлдан кетаётган машинанинг илдираги шу пайт чукурга тушиб, сакраб кетади. Милтиқ, қўндоғи машинага қаттиқ урилиб отилиб кетади. Бўривой бу пайтда милтиқни Сайфулладан тортиб олиш учун Нодир томонга қийшайтирганча силкитаётган бўлади. Нодир эса айни шу дамда гапираман деб, энди оғиз жуфтлаган бўлади ва ўқ оғзидан кириб, ўнг қулоги остидан ўпирив чиқиб кетади.

Сўнг йигитлар пасткашлик қилишади. Сиз етиб боргунча ёnlаридағи нариги машинадаги дўстларига ёлғон гапиришади. Гўёки Нодир ўйин қилиб, қўшотарни ўз оғзига тўғрилаган эмиш.

— Қабиҳлик ёш танламас экан-да! — деди Сидикмат ака уф тортиб.

— Шуни айтинг. Агар ўғлингизнинг бармоқ излари қўшотардан топилганда эди, уларнинг гапи ҳисобга ўтарди. Аммо Нодир қўшотарга қўлини ҳам теккизмаган. Унинг бармоқ излари фақат Аҳмаднинг милтиғидан топилди. Келинингиз Нодир билан сухбатлашаёттанды ундан телефонни олиб қўйған ҳам шу Бўривой экан.

— Эсиз, болам!..

Сидикмат ака ўзини тутиб туролмай, йирлаб юборди.

— Майли, сиқилманг. Айборлар жазосини олади.

— Бундан энди нима наф?

— Ҳар ҳолда, шу каби воқеаларнинг олди олинади-ку.

— Тўғри айтасиз. Энди мен борай, — Сидикмат ака шундай деб секин ўрнидан турди.

— Үролбек, раҳмат, — деди сүнг хўрсаниб. — Бекорга энг яхши терговчи дейишмас экан.

— Терговчимас Саке, мени зўр исковчи номим бор.

— Фахрлансанг арзиди. Менга жавобми?

— Ташаккур. Бу — бизнинг бурчимиз. Ҳа, айтгандек, сизга ўғлинигизнинг сўнгти хатини қайтариб бераман. Келинингизга беринг. Зора шуни ўқиб таскин топса.

Сидикмат ака майор узатган хатни оларкан, худди варак орасидан ўғли термилиб турғандек титраб кетди.

— Судга келарсиз, хабар берамиш, — деди майор.

— Билмадим. Ўглимнинг ўлимига сабабчи бўлган ўша ийтгиларни кўргани кўзим йўқ. Ўрнимга вакил жўнатарман, балки.

— Матькул. Келинни асрарнг. Унга жуда қийин.

— Ҳа...

## ЧИҚҚАН ҚИЗ ЧИФИРИҚДАН ТАШҚАРИ

Лайло ўша воқеадан сўнг бир-икки вақт гарангсиб юриди, сўнг тоби қочиб, ётиб қодди. Унинг мазаси йўқлигини эшигтан Кудрат ака укаси Ҳикматни олиб йўлга тушди. Қудасиникига кириб келиши билан Лайло ҳўнграб унинг бўйнита осилди.

— Ада, яшагим келмаяпти! — деди уввос тортиб.

— Ундан дема, қизим, — Кудрат аканинг ҳам кўзига беихтиёр ёш қалқди. — Нодирнинг руҳини безовта қилма.

— Нодир энди руҳми, ада?! Ҳечам қайтиб келмайдими?!

— Лайло...

Кудрат ака қизини юпатиш учун нима демасин. Лайло баттар ийғлар, ғамдан адо бўлган юраги ҳеч нарсадан таскин топай демасди. Сидикмат ака дўхтири чақирди. У Лайлого бир-иккита тинчлантирувчи укол қилгач, сал ўзига келгандек бўлди.

— Қизимга жавоб бер, Сидикмат, — деди Кудрат ака, ниҳоят, икки қуда ёғиз қолишгач. — Қийналиб кетибди бечора. Бу ерда, барибир, овунмайди. Ҳамма нарса Нодирни эслата-веради унга.

— Ихтиёр ўзида, — деди Сидикмат ака оғир хўрсаниб. — Лекин Лайло келининг маёндиган ҳеч қачон энди уйингизга боринг, деб айттолмайман. Аммо кетаман, деса тўққинлик ҳам қилмайман.

— Шунисига ҳам раҳмат.

Ўша куни Сидикмат ака Кудрат аканинг гапини хотинига айтди.

— Лайло ҳеч қаерга кетмайди! — деди Ойгул опа қизишиб. — Энди у бизнинг қизимиз. Керак бўлса, вақти билан ўзимиз узатамиш. Аммо энди уни Тошкентта қайтариб юбормаймиз. Ахир энди биз ҳам унга ота-онасиликни.

Сидикмат ака хотинининг алам устида айттан гапларига эътироуз билдирамади. Шу билан бирга, унинг ҳам дилида Лайлонинг ота-онаси энди биз деган гап йўқ эмасди.

Эртаси куни эрини Сайрамга жўнатишга жўнатиб, уйда ўтиришга сабри чидамаган Хайрихон опа ҳам кудасиникига кириб келди.

— Уэр, аласи, — деди эрига. — Лайлонинг яна тоби қочганлигини эшлитиб, мен ҳам ортингиздан келавердим.

Кудрат ака қудаларнинг ёнида бир сўз деёлмай, бир-икки томоқ қириб қўйди.

— Келаверинг, қуда, келадиган жойингиз, — деди Ойгул опа у билан йигулаб кўришаркан.

Сўнг Лайлонинг хонасига киришди. У каравогда ухлаб ётар, шу сокин ҳолатида ҳам тунд юзидан ғам чекаётганлигини сезиш қийин эмасди.

— Ҳозир ухлади, — деди Ойгул опа шивирлаб.

— Майли, ухласин...

Кечки пайт дастурхон атрофида ўтиришганида, Хайрихон опа яна шу гапни қўзғади.

— Ойгул опа, қуда, кўргилик экан. Навқиронгина күёвимдан айрилиб қолдик. Кўриб турибсиз, қизим бу дардни кўтаратмаяпти. Лайло бу ерда қолса, Нодирнинг ҳиди келиб турган уйларда яшаса, ғам чекавериб, бирор кор-ҳолга йўлиқмасмикин?..

Ойгул опа шу пайтгача ким бу ҳақида сўз очса, қайриб ташлайман, деб юрган эди. Аммо кудасининг маънили сўзлари ва Лайлонинг ҳозирги забун ахволи ҳақида мулоҳаза юритиб, иложсиз куранди:

— Дадаси билади...

Сидикмат ака Ойгул опанинг таслим бўлганини сезиб, қаршилик қилиш бефойдалигини тушунди. Чунки энди гап Лайлонинг соғлиги ҳақида кетаётганди.

— Мен Қудратта гапимни айтганман, — деди Сидикмат ака кудасига қараб. — Яна бир марта айтаман. Лайло бизга келинмас, қиз бўлиб келган. Уни нафақат Ойгул иккаламиз, балки барча қариндош-уруг ва қўни-қўшиилар ҳам яхши кўришади. Унга жуда боғланиб қолганимиз. Энди уни биздан айирсангиз, нима қиласми?

Кудрат ака Сидикмат аканинг гапига нима деб жавоб беришни билмас, Хайрихон опа эса бирор нима десангиз-чи, дегандек, безовта типирчилаб ўтиради. Акасидан садо чиқа-вермагач, Ҳикмат тиля кирди:

— Лайлло бироз ҳаво алмаштириб келсин. Қаддини тиклаб, ғамларини унутсан. Нодирнинг худойиси ва ҳайитларида келиб туради. Биз ҳам унга ҳамроҳ, бўламиз.

Ойгул опа баралла йиглаб юборди:

— Жон қизим, Лайлло. Сенсиз бу уйлар ҳувиллаб қолади-ку! Ҳеч бўлмаса, сен бизни ташлаб кетма!

— Жон куда, йигламанг, — деди Хайрихон опа бироз қизишиб. — Мен ҳам тошиб турибман. Тишимни ковагида асраб катта қилган, гул баригига ўраб белаган, ёмон кўзлардан қиялаб, кечалари ёлғиз тентираётмай ўстирган қизим, ҳатто ўн кун ҳам келинаикнинг гаштини сурмай, эридан ажралиб қолса, куймайманми?!

— Нима қилай? Айб мендами?

— Ҳа, сизда. Чиллали күёвни ҳам бетайин ўртоқларига қўшиб юборадими одам?!

Унинг кескин бу гапидан ҳамма бир муддат жим бўлиб қолди. Ойгул опа уввос тортиб йиглаб юборди:

— Нима қилай, ғафлатда қолдим, нодонлик қилдим! Уйга аёлларни йишиб бориб, ўйин-кулги қилгунча ўслимни ўйламайманми?! Болам йигит бўлди деб мақтангунча этагидан маҳкам ушлаб, уйдан чиқармай ўтирумайманми?!

Сидикмат ака хотинлар маломатни ичда сақлагандан кўра, тилига чиқарса, вазият ойдинлашади деб ҳисобларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

Кудасига ачинди, шекилли, Хайрихон опа бироз юмшади:

— Ойгул опа, баҳт кўзни кўр, қулоқни кар қилар экан. Ҳаммаси Яратганинг иши. Тан бермай иложимиз йўқ. Нима қилайлик, бошимизда шу ташвиш ҳам бор экан. Майли, бу ёғини келишиб, маслаҳатлашайлик. Қизимизга рухсат берасизларми?

— Майли, Лайлло қизимнинг ихтиёри ўзида, — дейишиди кудалар иложсиз.

Кудрат ака, ўзинг нима дейсан, дегандек қизига қаради.

Лайлло ҳамма гапларни эшитиб, қайнатаси билан қайнаасига жимгина термилиб ўтиракан, Нодирнинг ўлимидан сўнг уларнинг қанчалар чўкиб қолганини, бир суюнч ва юпанчга муҳтожлигини юрак-юракдан ҳис қилди. Шу лаҳза ғам-

андухға тұлық күнлари күз үнгидан лип-лип үтә бошлади. Құзининг ёши тиимаган бұлса-да, қайнатаси: Лайло, қизим, бу еққа кел, бирға йиғлайлик, дея уни бағриға олғанида, үзида қаерданың күч пайдо бұлар, бир дам андухларини унугиб. Ойгул опани овутышта тушарди.

Айниқса, қайнатаси эшиқдан боши эгик, қадди дол бұлиб кириб келаркан, Лайло күз ёшларини артиб, унинг қарисида пайдо бұлар, күк чой дамнаб берайми, адажон? — дея атрофида парвона бұларды. Шунда қайнатаси ғамларини бироз унугиб, унинг борлигіта шукронда көлтиради.

Лайло шулар ҳақыда үйларкан, ғалати гап айтди:

— Мәхмөнлар, келганингиз учун раҳмат! Истасанғиз, яна бир-икки күн мәхмөн бұлиншлар! Йүқ десанғиз, адажон зерттеге сизларни күзатиб құяды.

— Вой, сен-чи?! — ҳайрон бұлды Хайрихон опа.

— Менинг уй-жойым энди шу ер.

Бу гапдан Сидиқмат ака ва Ойгул опанинг күзлари чарап-лаб кетди.

— Айланиб кетай, сүзлари доно келинимдән, — деди Ойгул опа уни қучоқлада.

Құдрат ака, Хайрихон опа ва Ҳикматлар ҳайратдан анқа-йиб қолишиди.

— Нималар деяпсан, Лайло?! — деди Хайрихон опа бироз жиғибийрон бўлиб.

— Чиққан қызы чиғириқдан ташқари, деб бекорга айтиш-мас экан-да, — деди Құдрат ака гапни қисқа қилиб. — Қароринг шундоқ экан, жонинг омон бўлсин, қизим.

Эртаси куни Ҳикматнинг эски машинасида Құдрат ака, Хайрихон опалар Тошкентте жұнаб кетишиди.

Ҳайҳотдек ҳовлида Лайло қайнана ва қайнатаси билан ёлғиз үзи қолди.

Олтинсоч эса, ҳатто укаси үлған бұлса ҳам, Сайрамга келишдан бебаҳра зди...

Бундан бир неча йыл олдин Олтинсоч турмуши бузилиб үйига қайтиб келгач, хархаша қилавериб, дадасига енгил машина олдирғанды. Бир куни олифталиқ қилиб, гавжум күчада ҳам тезликни пасайтирмай кетаёттанида, құшни маҳаллада яшайдиган Нурилла оқыннинг беш ёшли боласини уриб юборди. Болакай касалхонага етар-етмас жони узилгач, унинг ота-онаси Олтинсочни тилкалаб ташлашта ҳам тайёр эдилар.

Шунда Ойгул опа йиглаб уларнинг оёғи остига ўзини ташлади: қизимни энди бу ерларда кўрмайсиз, фақат қамалмасин! – дея тавалло қилди. Нурилла оқиннинг унга раҳми келдими, дэъвосини қайтариб олди. Аммо уларга:

– Агар қизинг кўзимга кўринса, сўйиб ташлайман! – дея шарт қўйди.

Шу воқеага ҳам бир йил тўлди. Шунча вақтдан буён Олтинсоч Тошкентда. Нодирнинг ўлимини унга айтишмаганди. Укамни сўнгти йўлга кузатишга бораман, деб туриб олса, нима қиламиз, деб ўйлашганди. Аммо Олтинсоч кейинчалик бу ҳақда эшитгач, негадир укасининг ўлимини оддий қабул қилди. Сидикмат ака қизининг тошмехрлигидан кўнгли зил кетиб, ундан жуда хафа бўлди...

Сидикмат ака Нодирнинг қирқини ҳам ўтказди.

Кудрат аканинг тоби қочганлиги учун Тошкентдан Ҳикмат бошчилитида Хайрихон опа, унинг овсинлари ва Тания опалар келишиди.

Маърака-маросимларни ўтказиб, эртаси куни меҳмонлар тоғ саҳардан йўлга отланишди.

Кудалар хайр-хўш билан овора бўлиб турган пайтда Тания опа Лайлони четта тортиб, бир гап айтди:

– Қайнана-қайнатанг яхши одамлар экан. Лекин уларни деб умрингни ўтказма. Турмушга чиқишинг керак. Бир марта Сайрамга эрга тегиб кўрдинг. Иккинчи бор шу ерликка келин бўлсанг, қадрсиз бўласан. Ундан кўра, Тошкентга қайт. Ўйлаб кўр, кейин отангнинг касали зўрайяпти. Кудрат ака Адабадан кўра сени ўзига яқинроқ кўради. Шуни унутма.

Ота-онаси айтмаган гапни Тания опа шундай содда ва тушунарли қилиб гапирдики, Лайлонинг шу заҳотиёқ улар билан кетгиси келиб қолди.

Аммо ҳозир бу ишни ортга сурмасдан бошқа илож йўқ, бир ёқда ҳамма маърака-маросимлар ўтказилмаганди.

Лайло уларнинг ортидан маҳзун термилиб қолди. Бўғизига нимадир тиқилиб, йиглагиси келди. У энди бу ерларда яшол-маслигини ич-ичидан ҳис қилаётганди...

## ҮЗГА ЁРНИНГ ҚУЧОФИ

## ЯНА НАЖОТ ҮЗИНГДАН, КЕЛИН

Вақт үтгани сари ғамлари ариш үрнігі Лайлонинг юраги сиқыладыган, узок-узок хәёлга чұмадыган бўлиб қолғанди. Қайната-қайнанаси бу ҳолдан үзларини айбдор сезишар, Лайлонинг күнглини күтариш учун қўлларидан келганча ҳаракат қилишарди.

Шунда Ойгул опа ҳам, Сидикмат ака ҳам узоқни ўйламай, ўз манфаатларини кўзлаб, уни олиб қолишганидан пушаймон чека бошлишади.

Битта келинни эплай олмай, касал қилиб қўйибди, деган маломатдан чўчиб, ҳатто ён қўшнилари бўлган дўхтирини чақирмай юрган Ойгул опа эрига Лайлони марказий касалхонага олиб борайлик, деди.

— Илгарироқ шундай қилиш керак эди, — деди Сидикмат ака машинаси томон юриб.

Улар касалхонага кириб боришиганда кечки саккизлар эди.

Лайлони аввал терапевт, сўнг гинеколог обдан текшириб кўрди.

Ойгул опа ҳовлиқиб касалхонадан чиқаркан, шундок рўпачасида турган эрини кўрмай, ён-атрофга аланг-жалаң қиласади.

— Ҳа, кимни қидиряпсан? — деди Сидикмат ака Лайлого бирор гап бўлдимикин, деган хавотирда.

— Сизни, сизни издајпман-да. Бу ёққа юринг, тезрок бўлинг! — деда ҳовлиқди Ойгул опа.

— Нима гап, тинчликми?

— Сиз ҳам эшитинг. Ўз қулорингиз билан эшитинг.

Хотинининг ҳовлиқишидан Сидикмат аканинг юраги орқасига тортиб кетди.

Эр-хотин бирин-кетин касалхонага кириб келишиганда, Лайлоп күшеткада жилмайиб ўтиради.

— Келинглар-чи, — деди гинеколог уларга қараб. — Шу-

нақаям бепарво бұласизларми? Кім айтади сизларни біттаю біттә келиннинг қайнана-қайнатаси деб?!

— Келинга күп иш буюрмаганмиз. Үзи ҳаракатчай, тинмайди, — деди Сидиқмат ака хижолат бұлиб.

— Шунинг учун ҳолсиз экан-да, қаранг озіб кетганини.

— Лайлло, қызим, дүхтирга біздан шикоят қылдингми, німа учун? — деб хижолатла жилмайди Сидиқмат ака.

— Йұғ-эй, бошқа сабаб, — деб илжайди Лайлло.

— Німа гап, дүхтир?! Ичимни қыздирмай тезроқ айтинг!

— Қисқаси, келинни парваришилаш лозим. Чунки сиз яқында бува бұласиз.

— Німа?!

Сидиқмат ака анқайганча хотинига қаради.

— Ростми шу, онаси?! — деди ишонғиси келмай.

Ойгул опа унинг елкасига бош қўйиб йиглади.

— Боламиздан зурриёт қолибди, адаси, суюнчи беринг. Мен ҳам эшитиб, гарантсираб қолдим.

— Мана суюнчи! — Сидиқмат ака чұнтагидан бир даста пул олиб, врачнинг олдига ташлади.

— Хушхабар учун раҳмат! Мени жуда хурсанд қылдингиз!

— Аяжон, адажон! — деди Лайлло ёшли күзлари билан жилмайдиб.

Сидиқмат ака билан Ойгул опа баб-баравар уни кучоклашыды.

— Бу чинми, келин, бизга невара ҳадя этасанми? — деди Сидиқмат ака ўзини аранг йиридан тийиб.

— Яна нажот ўзингдан, келин! — дея хўнграб юборди Ойгул опа.

Эртаси куни хушхабарни эшитиб, қўни-қўшнилар, қариндош-урувлар келишди. Ойгул опа ирим қылди.

— Келинимиз эсон-омон қутулиб олсин, кейин бафуржа келарсизлар, — деди кўнгилга тегмайдиган қилиб.

Аммо ён қўшнилари Раҳима гинекологнинг тез-тез чиқиб туришини ўтиңди. Чунки бу аёл Лайлого жуда керак эди.

— Раҳимахон, худонинг раҳмдиллитини қаранг, — деди Ойтул опа қўшнисига оғзидан бол томиб. — Бир кечада ҳам бола бўлар экан-да.

— Ҳа, шунақаси ҳам учрайди. Ўрлингизнинг келинга чекиз мұҳаббатининг нишонаси бу.

— Ўрлимдан ўргилай...

Ойтул опа Хайрихон опага хүшхабарни айтиш учун құнғироқ, қылғаңда у бир зум нима дейишини билмай, қотиб қолди. Негадир унчалик суюнмади.

— Одамлар қандай хаёлга боришаркин? — деди зрига ҳам бу хабарни етказгач.

— Одамлар билан нима ишиңг бор?! Қайтанга хурсанд бўлишиңг керак. Қизингни табрикли. Адигана ҳам айт, уйидагилари билсин. Хушхабарни ҳамма ёқтиради. Үғилми-қизми, туғилса ҳам, исми Ёдгор ёки Ёдгора бўлади. Мен Ҳикматта кўнғироқ қиласи.

Кудрат ака ўрнидан туриб, укаси билан телефонда гаплашди.

— Лайлло туғиб берса, жуда қадрли невара бўлади, ака. Қозогистон фуқароси бўладими? — деди Ҳикмат қизиқиб.

— Ким билади. Дарров шу томонларини ҳам ўйлайсан-а?

— Тошкентда ўқитадиган бўлсангиз, бу ерда туғилгани яхши, Астанада ўқиса, у ерда туғилгани соз.

— Аввал туғиасин.

— Бу нарса туғилишдан бурунрок, ўйланади.

— Қизни боласи қуда боласи. Бунга мей бир нима дея олмайман.

— Тўғри. Сидиқмат ака ўзлари ҳал қиласин. Ҳамма нарса-га ақли етади.

Сидиқмат ака эса, албатта, келини Сайрамда тувиши тарафдори эди.

Шундай ҳам бўлди.

Бола туғилгунча Лайлло Тошкентта қайтиб, қолиб кетган ўқишини давом эттириди. Биринчи курсни эсон-омон битириб олгач, яна Сайрамга — қадрдан бўлиб қолган қайнатасининг хонадонига қайтди.

Ёз бўйи ҳаммалари дачага чиқиб кетишиди. Августнинг бошлирида Кудрат ака, Хайрихон опа, қизи Адига ва куёвлари Файбулла билан келишиб, бир ҳафта туриб кетишиди.

Ҳамма сув бўйида пайтда, Лайлло Адига опасини олиб қириб, Нодир билан дачада кечган ягона ва сўнти кечани ипидан-игнасигача айтиб бериб йиғлаб олди.

— Вой менинг таъби нозик синглимдан ўргилай. Шамлар ёқдик дедингми, Нодир ҳам хаёлий шаҳзодалардек йигит эди, уни кўриб сенга ҳавасим келганди. Эсиз, умри қисқа экан..

— Лекин ҳамон Нодир акамни рухи шу дачада юрибди. У менинг күнглимини күтариади. Ҳаёлимга яхши ўйлар солади.

— Ишонаман, Лайло. Фақат энди сен бўлажак Ёдгорни ўила.

— Нега Ёдгор?! Ҳа-я, чиндан Нодир акамдан ёдгор бўлади бу бола...

## БУ УЙГА ҚУВОНЧ ҚАЙТДИ

Лайло иккинчи курсда фақат сентябрь-октябрь ойларида ўқиди, Ноябрнинг бошида эса Сидикмат ака келиб, келинини Сайрамга олиб кетди. Қудрат ака, Хайрихон опа кетишини унчалик исташмаса-да, уни кулиб кузатишиди. Орадан ўн кунлар ўтгач, Лайлонинг кўзи ёриди. Кўчқордек ўтили бўлди. Ҷақалоқнинг исмини Ёдгор қўйишди.

Сидикмат аканинг қувончи ичига сифасди. Набирали бўлганини айтиб, дунёга жар солишга ҳам тайёр эди. Набирасини барчага кўз-кўз қилиб, элга ош бермоқчи бўлди, лекин дабдабалардан юрагини олдириб қўйган Лайло бунга рози бўлмади.

— Дадажон, кераги йўқ, Фақат келиб, мошинангизда олиб кетсангиз бўлди. Уйтаям кўп одам йиғилмасин. Карнай-сурнайни Ёдгоржон катта бўлганида қиласиз, — деди.

Хайрихон опа ва қайнанаси унинг гапини матькуллашган бўлса-да, Сидикмат акага унчалик хуш ёқмади. Ахир ёғиз ўлидан қолган ёдгори, авлодининг давомчиси туғилди. Дунёга кўз-кўз қилса арзигулик воқеа. Ўғидан айрилганида қадди букик отанинг аҳволини кўриб, устидан кулган душманлари қанча эди? Сидикмат аканинг хаёлидан шу фикрлар ўтаётган эса-да, аёлларга қарши чиққиси келмади. Келинининг кўнгли оғришидан чўчиди. Аммо холи қолганларида хотинига дардини айтди:

— Кўни-кўшни, қариндош-уруг, қелганларга эшиқдан кирма, дёёлмасак. Улар ҳам хурсандчилигимизга шерик бўлишни исташади. «Одамлар шунча бойлигидан набирасига гардини ҳам сарфламабди-да», деб гап қилишмайдими? Сен уйга бориб, тайёргарлигинги кўр. Баригир, эшикли уйга меҳмон келади. Уларга ҳовлидан жой қиласиз. Ҷақалоқни ҳеч кимга кўрсатмаймиз. Куданг билан маслаҳатлашиб, келган-кеттганларни кутиб олаверасизлар. Мен бошқа ишлар билан шуғулланаман.

— Ўзи сизнинг қўлингизни боғлаб бўлмайди, — дея норозиланди Ойгул опа. — Бир-бир айтиб чиқмасангизам, наби-

рали бўлганингизни ҳамма билади. Айнан уйга чақириб, жар солишингиз шартми?

Келини ва набирасини тургруқхонадан олиб чиқсан куни Сидикмат аканинг ҳовлиси одамга тўлиб кетди. Гёё Нодиржон тирилиб қайтгандай эди. Ойгул опа сездирмасликка ҳаракат қиласа-да, кўз ёшларини тиёлмади. Бу севинч ёшларимн ёки аlam, узи ҳам билмайди. Бирор чин дилдан суюниб, бирор шунчаки тилида табриклади.

Сидикмат ака бу маслаҳатни Ҳикматта айтганди, ундан бошқа фикр чиқди.

— Эй, Саке, бу тўйчаси нимаси, — деди у маслаҳат йўсимида. — Сиз яхиси, келин чиқадиган кунга қўй сўйиб ақиқа қилинг. Бир кунга бир тўйхонани ижарага олиб эркакларга соат ўн бирга, аёлларга бирга ўтказамиш. Олам гулистон. Ҳовлига одам йифиб, узун-қисқа кириб келганидан осон кутиласиз. Хайрихон опа Лайло ва неварасининг тепасида ўтираса. Ойгул опа тўйхонада икки-уч соатда меҳмон кутиб олади. Бизда Тошкентда шундай қилишади. Яна ўзингиз биласиз.

— Тошкентни донини чўқиган чумчук Маккатуллодан келади, деб бекорга айтилмас экан, сен доно режа тузибсан, менга маъқул. Ҳар қанча одам келса ҳам тўйхонада кутиб, кутилиб оламан.

Ноябрнинг сўнгги кунлари эди. Шу кунгача ҳовлидаги тоифи узумни йифиб олишга вақт тополмаган Сидикмат ака ҳаво совий бошлагач, ҳафсала қилди. Унинг одати шу: доим ҳовлидаги узумларни узи йиғиштириб олади, хизматчилигига айтмайди. Улар ҳам юмушни кўнгилдагидек бажаришади-ю, бироқ қиши бўйи ўзлари егани учун бирорга айтиб уздиришни хоҳдамайди. Шошмасдан, ғужумларини сачратмай саватларга териб, ертўлага тушириб кўяди. Шираси бор узум яхламайди, то баҳоргача туради.

Роса пишганидан қизғиши тусга кира бошлаган узумларни хотини ва келини билан биргалашиб теришаётганида, эшик кўнғироги чалинди. Ҳар кунги меҳмонлардан биридир-да, деб ўйлаб, ҳеч ким ортиқча эътибор бергани йўқ. Сидикмат ака тепага қарайвериб боши айлангани учун нарвоннинг устига Лайло чиқсанди. Сидикмат ака ўғлиниң ўлимидан кейин шу касални ортириб олди. Кўпроқ тик турса бўлди, боши айланниб, қон босими кўтарилади. Кейин бир неча кун мазаси бўлмай, ётиб қолади. Шунинг учун келини уни нарвонга чи-

қишига қўймади. Эшикни ҳам Лайло очмоқчи бўлиб пастга тушаётганди, Сидиқмат ака уринмаслигини айтиб, ўзи эшик томон кетди.

Остонада Ўролбек, ёнида хотини, сал нарироқда ҳарбий форма кийган ёши ўттизларгә борган ўғли Бахтиёр туради.

— Ассалому алайкум, Сидиқмат ака, — деди Ўролбек. — Ёхшимисиз? Чарчамай юрибсизми? Сизни ўзимиз йўқлаб келмасак, бир эсламайсиз ҳам.

Сидиқмат ака унинг гапидан бироз хижолатланди:

— Энди иш дегандай, одам бош қашишгаям вақт тополмайди. Кейин йўқлаш кичикдан бўлади-да.

Иккиси ҳам берилиб кулишди.

— Майли, остонада турманглар, ичкарига марҳамат.

Ўролбек ҳали уйга кирмасиданоқ мақсадидан оғиз оча кетди.

— Энди ўзингиздан қолар гап йўқ, ака, — деди у нима-дандир ийманаёттандек. — Нима учун келганимни бу ерда айтдим нима-ю, ичкарига кирганимдан кейин айтдим нима? Сизга айтсан, эшигингизга қулчиликка келганман. Лайлоҳоннинг қўлини сўраб Тошкентта бориб юрмадик. Ахир у сизга ҳам келин, ҳам қизлигини жуда яхши биламиз. Шунинг учун биратўла ўзингизнинг олдингиздан ўтиб қўйи дедик. Фақат-пина сиз рози бўлсангиз, бас.

Ўролбек бекорга ҳовлиқмайтганди. Чунки Сидиқмат акани таниғанлар унинг жиддий, ақлли одам эканини билишарди. Шунинг учун иложи борича яхши кўринишга уриниб, орала-ри бузилмаслигига интилишарди. Ўролбек ҳам шуларни ўйлаб, бошида келишга юраги бетламади, аммо таваккал қилиб, ба-рибир келди.

Сидиқмат ака тўхтади. Ўролбекнинг бу гапи унга яхшиги-на зарба бўлганди. Шу пайттacha орқаворатдан Лайлонинг қўлини сўраётгандар кўп эди, бироқ уларнинг ҳеч бири ҳали безрайиб уйгача совчи бўлиб келишмаганди. Хотини билан ёллақачон маслаҳатлашиб, агар яхши йигит учраса, қизидай бўлиб қолган келинини турмушга узатишни кўнглига туккан, унинг ҳаётини бир умр туллиқда, бахтдан бебаҳра қилиб ўтказмоқчи эмасди. Аммо ният бошқа-ю, у рўёбга чиқса, ўзгача бўларкан. Сидиқмат ака аввалига келганларнинг оёғига уриб, ҳовлидан ҳайдаб солмоқчи ҳам бўлди. Лекин фикридан қайтди. Улар ҳам яхши ният билан келишгани ёдига тушиб, ўзини босди. Қолаверса, бу билан Лайло хижолат бўлиши мумкин эди.

Узум теришдан тұхтаб, дарвоза томонға ҳайрон тикилиб турған қайнана-келин мәхмөнларнинг сумбати күрингач, дарров танишди. Шундай Лайлор нарвондан тушмай ишини да-вом эттираверди. Мәхмөнларнинг истиқболига Ойгул опа-нинг ўзи чиқди.

— Келинглар, мәхмөнлар. Хуш күрдик.

— Хушвақт бўлинг, — деди Жаннатхон опа. — Ҳорманг энди. Узумларингиз қиши келганда пишдими дейман?

— Ҳа, бугун терамиз, эртага терамиз деб, шу қунларга қолиб кетди.

Жаннатхон опа атрофда бошқа ҳеч ким күрингмагач, уларга нарвонча устида туриб салом берган жувонга, Лайлор шу бўлса керак-да дея тусмоллаб, гўё ўзини эътибор бермаганга олиб, кўз қирини ташлади.

— Лайлор мана шу-да, — деди Ўролбек. — Булар қаёқда-ги қизларни келинликка қидиришади. Мен аввал Лайлорни күринглар, унинг онаси ўпмаган қиздан ҳеч қандай кам эмаслигига ўзингиз гувоҳ, бўласиз, деб олиб келавердим.

Ойгул опа нима дейишни билмай, ҳайрон бўлиб эрига қара-ди. Сидикмат ака бўлса:

— Ҳа, келинимиз ўзи ғайратли, биз қолганини эртага қиласиз, десак ҳам, иш бугундан қолишини истамай туриб олди. — деди Лайлорни мақтаб, кейин янада тепага қараб олиб.  
— Нарвондан туша қол, қизим, қолганини кейин узамиш.

Лайлор тепадан туриб, Баҳтиёрға қаради, бир вақтлардаги шўхлиги эсига тушшиб кетди. Келганларнинг мақсадини би-либ, уларни чўчитиб қўйгиси келди:

— Ҳай, сиз, куёвбода, қани, нарвонни ушлаб туринг-чи.

Йигит хижолатланиб онасига қаради. Жаннатхоннинг қош-лари чимирилиб, ичиди буни истамай турса-да, ўғлига имо қилди. Баҳтиёр нарвоннинг ёнига борди.

— Келинингиз анчагина шаддодга ўхшайди.

Жаннатхоннинг пичингига Ойгул опа кулиб қўйди.

— Келинимнинг гаплари ўткир, ўзи дадил. Қайнатаси ик-кимизни иш охирига етсин деб, кеткизмай ўтирибди. Ахир бекорга уни Тошкентдай жойдан олиб келмаганмиз-да, ўргилай.

Улар мәхмөнхонага ўтишди. Лайлор узун кўйлак, рўмода оддийгина аёл, бир қараганда кўзни оладиган даражада күрингади. Жаннатхоннинг унга ичи исимай ўтирарди.

Хизматчи аёл мәхмөнларга дастурхон ёзиб, овқат тортди ҳамки, Лайлодан дарак йўқ, эди.

У уйга ошхонадан ўтиб, ванинга кириб ювинди, сочларини тараб, ўз хонасига кирди, оҳори тўқилмаган тўқ яшил, тасмадек узунасига тўртта сариқ йўли бор бекасам халатини кийди, бошита мос рангдаги дурра ўради, қулоқларида жугут зирак, қўлларига қатор узуклар тақди, бўйнига йирик марваридли дур осди. Оёғига уни тепага қайрилган ҳаво ва мис ранг аралаш пойабзал кийди. У уй ичида пойафзал кийиб юришни маъқул кўрарди.

Лайло меҳмонлар олдига чиқди.

Жаннатхоннинг тили танглайига ёпишиб, оғзи очилиб қолди.

Энди унинг хузурида бояги шўх-шаддодмас, ўзига оройиш берган гўзал келин туарди.

— Ассалому алайкум, яхши ўтирибсизларми?

— Ваалайкум, кўп яшанг, қизим, — деди Жаннатхон тарангсиб.

Шундоғам ўзини тикон устида ўтиргандай ҳис қилаётган аёлни Ўролбек баттар ўнгайсизлантирди.

— Ана, айтмаганмидим сенга? Кўрсанг, анграйиб қоласан, демаганмидим? Энди ўғлинг, шуни оламан, деб туриб олади. Тўғрими, Бахтиёр? Нима дейсан?

Бахтиёрнинг кўзлари олайиб, бир онасига, бир Лайлога, бир отасига қаради-ю, ҳеч нарса деёлмади.

Келинини кузатиб турган Сидиқмат ака ва Ойгул она сездиришмаган бўлсаям, Лайлонинг бу даражада ўзига оро бериб чиққанидан оғринишиди. Чунки у ҳар доим: ҳаётимнинг мазмунни Ёдгоржоним, Нодир акам билан фақат яхши кунларни бошимииздан кечирганимиз, шунинг учун хотираларим билан яшайвераман, бошқа турмушга чиқмайман, дерди. Ўшанда қайнана-қайната, «ёш умрингни хазон қилма», деб қанча уқтиришса ҳам, келинининг бу қадар вафодорлигидан хурсанд бўлишган, қувонишган эди. Ёки Лайло ўша гапларни фақат тил учиди, яхши кўриниш учун айттанмикан? Аммо масаланинг бошқа томонини олиб қараганда, у ҳали ёш, ўйнаб-кулгиси, дунёдан беармон ўтгиси келади. Бундай ўйлашга ҳақиям бор. Чунки ҳар бир одам баҳтиёрни бўлишни истайди.

— Ҳа, келинингиз кўхликкина экан, — деда сукунатни бузди Жаннатхон. — Лекин тили-жаниям ўзига ўхшаган чақ-қонгинами дейман. Агар, аслида, боягидай шаддод бўлса, ўзим анча қийналиб қоладиган кўринади. Нима дедингиз?

Аёлнинг бу илмокли гаплари Лайлони у қадар хушламага-

нидан далолат эди. Сидикмат ака ва Ойгул опа ичларида шукр килишди.

— Ўрлбой, — деди салмоқлаб Сидикмат ака, — кўряпсиз, келинимизнинг ўзига яраша феъли бор. Биз уни ўз қизимиздай яхши кўрамиз. Шунинг учун барча инжикликларнга чидаймиз. Аммо биз ҳозирча қизимизни узатмоқчи эмасмиз. Ўқишини тамомласин, боласини катта қиласин. Кейин ҳаммасини ўзига қўйиб берамиз. Лайло нима деса, шу бўлади. Агар яна турмушга чиқишни маъқул кўрса, ўша хонадоннинг худди ўзимиз каби бўлишини истаймиз.

— Барibir, қачоңdir узатасиз-ку, ўшанда биздан олдин бошқаси илғорлик қилиб қўймасин дейман-да.

— Бунисидан хавотирланма, кимнинг пешонасига битган бўлса, шунга насиб қилади. Ҳаммасини вақт кўрсатади.

Қанча аврашмасин, розилик ололмаган совчилар ноилож кетишга тараффудланишди. Уларни қузатиб қўйгач, Лайло дарвоза ёнида турган қайната-қайнанасига тап қотди.

— Бугун мени ногўғри тушундингиз-а? Мен ҳалиям фикримдан қайтганим йўқ. Умримни болам, ўрлингизнинг хотираси билан овуниб ўтказаман. Бугун бунчалик ясаниб чиқнанинг сабаби, сизнинг келинингиз тул қолсаям, қайнана-қайнанасиникида худди келинлардай, унданам яқин қизларидай яшайттанини ҳамма билишини истадим.

Лайло галини тугатгач, ичкарига, чақалогининг ёнига кириб кетди. Сидикмат ака билан Ойгул опа эса келинининг гапларидан ҳангуманг бўлиб қолишиди. Тўсатдан Ойгул опа ийғлаб юборди.

### «БОЛА ЭМИЗАЁТГАН АЁЛ»

Олтинсочнинг квартирасига келишганда, соат кечки ўн бирдан ошганди. Эшик ёпиқ, Қўнгирикка ҳеч ким жавоб бермади. Сидикмат ака асабий хотинига қаради.

Лайло кўлида чақалоқ, йўлда чарчаган, зўрга оёқда турарди.

— Касофат қизинг, қаерларда санқиб юрибдийкан-а, — деди Сидикмат ака асабийлашиб. — Ҳамманинг боласи бола, бу кимга ўшади?

— Сикилманг дадаси, мен ҳозир қўшиналардан сўрайман. Ойгул опа ён эшикнинг қўнгиригини босди.

Бу уйдан ҳам товуш эшитилмади.

— Ҳимм. Бу уйда ҳам одам турмайди, шекилли? — дега-

нича Ойгул опа бошқа эшикни қўнғироғини босганди, эшик очилди.

Ойгул опа унга мурожаат қилиб:

— Фая, Олтисочни кўрмадингми? Олтисоч қай ерда? — деб сўради.

— Ойгул опа. Мен ҳозир.

У хат ва икки жуфт қалитлар бойламини Ойгул опага тутди.

— Эртага таплашамиз,

— Раҳмат.

Сидикмат ака эшикни аёлларга очиб берди ва ўзи настга тушиб кетди. Машинадан чақалоқнинг кийимлари, кўрга-тўшак ўралган катта тутунни олиб чиқди.

Унгача Лайло боласини олиб кириб диванга ётқизди. Уй ичи иссик, ораста ва тоза, худди бутун тозалангандек ҳавоси ентил эди.

Бир ёқда Олтисоч уйи яқинда таъмирланган, мебеллари янги, ярқирапди.

— Нобоп қизингиз Туркияга кетибди, — деди Ойгул опа йиглаб қўлидаги хатни зрига узатаркан.

Сидикмат ака асабий қўлни силкиди.

— У тўғрисида гапирсанг юрагим ўйнаб кетади. Бирорта ақлли иш қилганини билмайман. Лайлони қара. Фарқи ер билан осмон. Келинимга ҳамма ширадек ёпишади, қизингдан барча дайди итдан қочгандек нари юради. Баъзан ўзимга ўзим савол бериб, ё алҳазар, шу фаросати кам, сохтаси совуқ наҳот менинг қизим, деб ўйлаб қоламан.

— Адаси бўлди. Юрагим эзилиб кетди. Мен келинни ёнига чиқай. Ёдгоримни бир бағримга босай. Зора...

Шу пайт Лайло кирди:

— Аяжон, Ёдгорни ушлаб турсангиз, мен адажонга жой қилиб бераман.

Сидикмат ака Ойгул опага қаради ва кўзига ёш келди:

— Раҳмат, ҳушёр келиним.

Декабрь. Тошкент совуқ эди.

Юнусободнинг ўн биринчи кварталидаги бу уй иссик, Яқинда иссиқлик қувурлари таъмирдан чиққан.

Ичкари уйда Ойгул опа ва Сидикмат ака, кичик хонада Лайло Ёдгорни ёнига олганди.

Сидикмат аканинг қулогига неварасининг ғингшиб-ғингшиб ийғлаётгани эшитилиб, ўрнидан турди. Ойгул опа қотиб ухлар, йўл чақиб Лайло ҳам донг қотганди.

Ёдгордан хабар олиб кирса, хона иссиқ, чақалоқ пишиллаб ухляпти. Қизик, у ҳозиргина йиғлаётганди, деб ўйлади.

Лайло устида енгил узун халат кийган, бўйнигача тутмалар. Умуман Лайло ёзу қиш қайнанасининг олдида, уйда кўкси катта очиқ, енгиз кўйлакми, майками, кофтами киймайди. Шу шаддодлигига ўта ҳаёли, қайнатаси бекорга уни ҳур, пари-пайкар келиним, деб мақтамайди.

Фақат ҳозир Лайло чақалоқ эмизгану, кўйлак бўғзидағи уч қатор тутмачаларни ечганди, қайта тақишига мадори етмай ухлаб қолганди.

Унинг сутта тўлган кўкраклари эпкин очилиб, дўппайиб туар, торшер чироқларида баъзи қисмлари нурланиб акс этарди. Шунга қайнатасининг бехосдан кўзи тушди ҳам. Натижада, у келини кўкдаги ҳарире пардаларга ўранган, фақат кўз-қоши кўринадиган паримас, оддий инсоний шаклдаги аёллилига имон келтирди.

Таниқди рассомнинг «Бола эмизаётган аёл»даги кўкракларни расмда эмас, кундалик ҳаётда кўргани эриш туюлди.

У оёқ учидаги юриб чиқиб кетди.

Қайнатасининг шарпаси йўқолар-йўқолмас Лайло уйронганди. Кўкси очиқлигидан ҳайрон бўлди. Ҳеч қачон бу ҳолатга тушмаганди, тезда тутмачаларини тақаркан, кўксига туфлаб қўйди:

— Ҳеч кимнинг кўзи тушмадими кан?

Боласининг таги ҳўл бўлибди, алмаштириди.

Ташқарига чиқди.

Бирорта зор кўринмади.

Сидикмат ака қайта ўз ўрнига кириб ётиб олишга ултурган эди.

Январь келди.

Келини имтиҳонларини тошириб, сессиясини ёпиб, икки ҳафталик таътилга чиққанида Сидикмат ака Нодир йилини Сайрамда амру маъруф қилиб ўтказиб, яна бир бор ўғлини ёдлади.

Қабрига исми шарифи, туғилган ва ўлган йили битилган мармартош қўйдирди, четини панжара билан ўратди.

Мармартошнинг пастки қисмига Лайло:

«Хуру филмон дарс олди сендан,

Ёдгор ўғил ас қолди сендан», — деган байтни ва «Отангдан, онандан, севган ёрингдан», — деган ёзувларни қўштириди.

Аксига олиб, қишининг совуқ кунларидан энди чиқиб, кунлар исишни бошлаган ҳутнинг охирларида Қудрат ака жон таслим қилди.

Ва яна бу хонадонларда маърака устига маърака уланди.

Лайло бу айрилиқдан кўп азият чекди. Устма-уст келган ғам-андуҳ, унинг юрагини зада қилиб қўйған эди.

Сидикмат ака қудасининг маъракаларини ўзи киши билмас қилиб ўтказиб берди. Ҳикмат дасти қисқалигидан фақат маслаҳатта ярар, аммо Хайрихон опанинг ундовлари билан қудани кичик харжли эҳсонлар қилишга кўндиради, узори билан юз-юз эллик кишилик амру маъруф йигирмаси ва йилида ўтказилган эди.

Қудрат аканинг сўнти сўzlари ҳам маросимларга қаратилган эди:

— Агар гўрида тинч ётсин десанглар, қарз-курсга ботиб, менга катта дабдабали йифин қилманглар.

Сўнгра у Хайрихон опани алоҳида ёнига чақириб, сен Лайлого бор ҳақиқатни билдиргин, у ўзининг туғилиш тарихини билишга ҳақли, мен айтишта улгурга олмадим, деганди.

## ТАНИШ СОВЧИЛАР

Орадан ҳаш-паш дегунча яна бир йил ўтди.

Лайло учинчи курснинг ярмини якунлаб, февраль ойларида Себзордаги қизлик уйида дарсини қилиб ўтирганида меҳмон келиб қолди.

Нариги уйда Хайрихон опа ишини тикар. Ойгул опа Ёдгор ёнида у билан иш орасида чақчақлашиб, неварасини «аллада азиз, тўрвада майиз» қабилида эркалаб ўтирганда эшик қўниги-роғи жиринглади.

Хайрихон опа ўрнидан туриб, бориб эшикни очди. Эшикда Баҳтиёр онаси Жаннатхон билан каловланишиб туришарди.

— Мумкинми? Бу Лайлоларнинг уйими?

— Ҳа, Лайлоларни. Ассалому алайкум. Келинглар. Нима хизмат?

— Ваалайкум ассалом. Вой айланай, қулчилликка келдик. Хайрихон опа ичкарига бошлади.

Уларнинг овозини таниб Ойгул опа йўлакка чиқди.

— Шу ерда ҳам келинимни топдингизми?

Жаннатхон астайдыл Ойгул опа билан сұрашиб, уй-жойларға назар солди.

Кудрат акани йилига уй-жой янги таъмирдан чиққанды, шунға у орасты, ҳали бүек ҳидлари кетмаганды.

— Яхши таъмирдан чиқибди. Диң билан ранг танлашибди? Устаси ким?

— Катта күёвим.

— Сайрамга борармикин, буюртма берсак?

— Ҳм...

Ойгул опа мавзуни ўзгартириб, гап қўнди:

— Йўл бўлсин! Улуғ шаҳарга келиб қолибсиз?

— Дунё айланиб ўклимга қиз қидириб юрибмиз?

— Ҳо-ҳо-ҳо. Ҳам овчилик, ҳам совчилик денг.

Хайрихон опа меҳмонхонага келгандарни ўтказиб, чой дамлашга ошхонага ўтганди, ўзига оро бериб, тузук уй лиbosларини кийиб, ҳар галгидек бошига дуррача қўндириб, оёрига уни қайрилма пойафзал кийиб Лайло чиқди.

— Ҳа, қизим, нима ҳаракат? Ё йигитда кўнглинг борми?

— Йўқ. Бироқ, Сайрамга бориб, Ойгул опани келини бир ҳолатда ойисини уйда юрибди деган маломатни адажон эшитмасин дейман.

— Ҳа! Шундай дегин! Ақлингта балли.

Хайрихон опа шу муштдек қизидан чиқаёттан фикрга чаккасини ушлаб қолди. «Онангни отангта бепардоз кўрсатма», — деб бекорга айтилмас экан-да. Шу ёшга етиб бу ҳақиқатни у энди англаб турганди.

— Оий, сиз ҳам пўримроқ бўлиб чиқинг, унгача мен ўзим уларнинг кўнглини овлаб тураман.

Лайло қўлида чойнак остоңада пайдо бўлганда Жаннатхон ва Бахтиёр деганлар беихтиёр ўрниларидан туриб кетдилар ва ўзаро бир-бирларига мамнун қарадилар.

Жаннатхон Лайлони мақтаб кетди:

— Бу келин-қизингизни ҳеч мурти бузилмайди, эркаклар сўзи билан айтса, ҳамон мўрчамиён, чикка бел, қадди тик, кийим кийса кўз қувонади.

Ойгул опа унинг сўзларини эшитаркан, бир ёшдан ошган Ёдгор сакраб қолди, зўрга қўлида ушлаб қолди:

— Бирам шўх, бирам олов, худди келинимга ўхшайди қиликлари.

— Ўғлингиз-чи?

— У бўш-баёв, сода, лекин тўғри эди. Келинимни жуда яхши кўрарди.

Жаннатхон индамади, Ойгул опанинг ўлган ўғлини мақташидан зериқди.

Хайрихон оға ҳам бошқа либос кийиб чиқди, аммо унга қизидан фарқли ўлароқ нимадир етишмаслигидан, унинг оддийлиги, зарҳал либос ичида ҳам билиниб туради.

Лайло бир пиёладан чой қўйиб узатаркан, катталар «Кўп яшанг», деб қўйишиди. Бахтиёрга келганда, унинг кўзи қизга тушиб, боши эгилганлигини, лекин тезда кўзини кўтариб унга ошифта тикилишини сезмаганга олди. У Ёдгорни аяжон қўлидан олиб, нариги уйга чиқди.

Жаннатхон мақсадга ўтди:

— Эшигдим, уйнинг каттаси бўлиб ўзингиз қолибсиз, хўжанингиз бевақт қазо қилибдилар. Нима қиласиз? Бу ҳаёт. Бир бошга бир ўлим.

— Ҳа, худодан сабр сўрашдан бошқа илож йўқ экан.

— Биз, Сайрамда ҳам Ойгул опалар хонадонига бориб қизингизни кўргандик. Ўғлимизга, эр-хотин бизга ҳам жуда маъқул келган. Кейин боргунимизгача Тошкентга қочиб қолибди. Шунча узоқ йўл босиб қулчиликка келдик, айланай. Йўқ демангиз. Ўғлим яқинда майор бўлади.

— Уйланганми ўғлингиз?

— Уч ойда ажрашган. Тақдир бўлмаган. Сўнгра, беш йилдан бери бўйдоқ. Хотинидан фарзанди йўқ.

— Ёши нечада?

— Бу йил ўттизга киради?

— Билмасам. Бир бор Сайрамга узатдик. Энди мақсадим, қизим яқинроққа тушса.

— Вой, Сайрам Тошкентдан бир қадам, овсин. Одамлар Курияга, Америкага узатади. Ўшандан сақласин.

— Лайло умидвор қилганми?

— Вой овсин, қайси қиз эрга тегаман дейди. Уялади. Қизингиз шаддод бўлса ҳам, тортичоқ, ҳаёли, буни яхши биламиз. Бутун чор-атроф қишлоқ уни алқаб гапиради.

Ойгул оға кўзлари ўйнаб, Хайрихон опага Лайло ҳақида суюниб сўзлади:

— Шундай қиз ўстиргансиз қуда. Кўз тегмасин. Фақат яхши тап эшигтаман. Қайга таклиф этишса, келинингизни албатта бирга олиб боринг, деб тайинлашади. Фахрлапиб кетаман. Бир ўзим бориб қолсам: «Неварамга келиним қараб қолди», деб баҳона қилишимга кўйишмайди.

— Қыз бола эди. Сизнинг ҳовлингизга тушиб яшнади, келин бўлди. Тарбиянгизни оддими? Ўзи ҳам менинг кўзимга бошқача кўриняпти. Бир-икки йилда дидли, фаросатли, дилбар келинга айланиб, ҳар кимнинг дилини топадиган бўлганидан ўзим ҳам ҳайронман!

— Жон овсиналар, шу қизингизни ўелимга никоҳлайлик. «Ойи, бу қыз мени баҳтли қиласди. У билан ишим фақат олга босади. Ҳаётим завқу шавқа тўлади. Ҳали генерал бўлиб кетаман», — деб қўймаяпти. Туну кун ҳаёлида Лайлло. Қанча қизларни кўрсатдим, ўн саккиз ёшли кўхлик, чиройли, оқсариқми, оппоқ паҳтадекми? Қош-кўзлари зулукдек қорами? Ҳеч бирини тан олмаяпти. Ўттизда ўн олти ёш ўспириндек, қизингиз номини эшилса, хўрсиниб нафасидан ўт чиқади.

Бир вақт иши борлигидан узр сўраб Бахтиёр турди, у чиқиб кетаёттанида Хайрихон опа орқали Лайллони чақиртирганди, болам ғингшияпти, деб баҳона эшилди.

Бахтиёр боши эгик пастта тушиб кетаркан, Лайлло ҳеч бўлмаса бир оғиз унга ҳазил қилибми, мазахлабми, ҳатто пичингли сўз қилмаганига ўзида ноумидлик пайдо бўлди-да, юраги сикилди.

У Лайллони жавобсиз севги-ла севиб қолган, унинг ҳар бир сўзи, буйруғи, имо-ишорасини жон деб бажаришга тайёр эди.

Аввалига Лайллони менсимаган, уни такаббур деб билган Жаннатхон бошқа қанча жойга бориши масин, ўелининг кўнгли бирорта гўзалга илимаганлигидан, боши эгилиб, эл-юртда Ойгул опанинг тул қолган келинини қайта келин қилиш ўзимас, у уича-мунча жойга тегмаса керак деган гапларни ҳам эшитиб, ичи қизиб, ҳозир мана Тошкентта ҳам узоқ, йўл босиб келишганди.

Лайлло оддий хонадонни орзу-ҳавасли қизидан шоҳона хонадоннинг викорли, оқ билак келинига айланганди. Унинг қай ерда, қанақа овқатни зўр бериб тамадди қилганини ёки бирор шириналк, пишириқقا суқданганлигини, ё бирорта кийим, либос, тиллагами оч назар соганини ҳеч ким эслолмас, шунгами, уни гўзал ва кўркамлигидан ташқари, марҳаматли, кўзи тўқ келин, деган баҳоси ҳам бор эди.

Шуларни эслаб, Жаннатхон кўз ёш қилди.

— Кечагида, Сайрамдаги ҳовлингизга Ўролбек ака бош бўлиб боргаңдик. Сидиқмат акага ҳам роса зорландик. У киши жиддий гап айтдилар: келинимни ўқиши бор. Битсин. Кейин узатамиз. Лекин ўелим кутишга тоқати йўқ, унамаяпти.

— Сидиқмат ака бошқа тап құшмадими? — деб Ойгул опа сүради.

— Құшдилар. Ихтиёр Лайлопинг үзида. Онаси-ю, қайна-наси фикрлашиб, бир қарорга келишар, дедилар.

— Ана күрдингизми, ихтиёр келинимдә.

— Бұлмаса, чақирайлик.

— Яхши.

Хайрихон опа неварасини құлиға олиб, қизини бошлаб чиқди.

Улар Жаннатхонга рұпару ўтиришди.

— Лайлло, сенинг құлингни сұраб үзокдан келишибди. Фик-рингни айт, келиним? — деб Лайллони Ойгул опа сұхбатта тортды.

— Аяжон, қызим денг.

— Тұққанимдан азиз, жон қызим.

Лайлло ўрнидан туриб, аяжонига ёндошиб эркаланды. Ой-гул опа уни белидан тортиб күксига бosh қўйди.

— Илтимос, Жаннатхонни бошқа овора қилмайлик. Жа-воб бер. Ўғли Бахтиёр сенға ошиқ. Бошқа қизлар кўзига кўринмасмиш.

— Ёмон бўларкан, Лайлло, ҳали ўзингиз вақти келиб Ёдгорга қиз қидирсангиз биласиз?

Хайрихон опа ҳам қизини тезлади:

— Нима дейсан Лайлло?

— Менинг ўқишим бор. Биттазгунимча хаёлимни бузмоқ-чи эмасман.

— Бахтиёр ўғлим нима бўлади. «Куёв бола» деб масхара-лаб, ўзингиз ўйин қилювдингиз, у буни ростига тушуниб, сиз-га боелантган.

— Ҳазил қилганим рост. Лекин ҳаёт ҳазил эмас, у жиiddий түйғуларни ёқтиради. Мен эса турмуш қуришга ҳозир тайёр эмасман. Бошдаёқ йўқ қисам бўларкан.

Ёдгорга стол атрофида ўтириш ёқмай, хархаша қилаёт-ганди, шуни баҳона қилиб, Лайлло боласини олиб ўз уйига кириб кетди.

Мехмонлар кетиши.

Ойгул опа ва Хайрихон опа уларга ачиниб қолиши. Ав-валига Сайрамга қайта қызимни узатмайман деган Хайрихон опанинг қўнгли юмшаб, шу содда табиатли, баланд бўйли, формаси ўзига ярашган йигитта қизини беришга майли ту-тилганди.

Айникса, унинг секинги «Лайлони чақириб беринг», деганда, баҳона қилиб йигитнинг шаштини ўлдиргани учун қизидан хафа бўлганди ҳам.

Ойгул опа Жаннатхонни астойдил Лайлого ёпишиб олганидан бошида: «Ҳа, ҳақиқий совчилик қанақа бўларкан, йўқ деган уйнинг турмини бузиш, ялиниш, ёлвориш даражасида изза бўлиш осон эканми?» — деб кулган эди. Энди уларнинг чиқиб кетишида, сувга тушган мушукдек шумшук аҳволига ачинди.

Кўзларига ёш келди:

— Лайло, илтимос, шуларни қийнама. Йигит ҳам Нодирга ўхшарканми? Ўйлаб кўр қизим, — деди.

Хайрихон опа ҳам йиғлашга тушди:

— Вой қизим, қийналиб кагта қилдим. Ақли расо бўлдинг Аллоҳ назари тушди. Хушрўй келин бўлдинг. Эрсиз қолдинг аммо ҳамон қадрисан. Эшигимизни шундоқ оиласардан келиб, турмини қоқишаётти. Бахтиёр сенга мос. Кўнглим сезяпти. Майлингни айт. Одобли, кўзи қаттиқмас. Сени бошида кўтариб юради. Мана дейсан. Ўқишинг ўз йўлига. Йўқ дема!

Лайло ҳар иккала ойисининг бараваракайига унга ёпишганларидан шошиб жавоб берди:

— Эрта-индин адажон хабар олгани келадилар. Уларг маслаҳат солайлик. Бу умр савдоси. Мени шоширманлар.

У шундай деб ўз уйига кириб кетди.

## АДИБА БИЧИҚЧИ

Адаси қазосидан кейин Адиба ойисидан тез-тез хабар оладиган, унга қарашиб пул топишни одат қилди.

Ўзи бир ёқда оғироёқ. Иккинчи фарзанд кутиляшти. Уйда қайнанаси ҳам уни кўп ишлардан озод қилди.

Ўғли борчага чиқади. Эрталаб уни борчага қўйиб, тўўрі қизлик уйига келади. Ойиси билан биргалашиб иш тикади Пешинда тушлик қилгандан она-бала тўйиб гаплашиб олишга олишгани, йўқса шомгача яна бичиш-тикиш. Соат бешларга боласини олиб уйга қайтади. Қозон осади. Эри ва қайнанаси кутиб олади, мазали овқати билан сийлайди. Кунда шартнибига амал қилинади.

Бирор буюргма биттанида, қўлига пул тушса қайнанасига кўрсатади, у пулни қўлига оларкан дуо қилиб, яна келинни қайтаради:

— Бекитиб қўйинг, ҳам-қўстингизга ярайди. Нуқул Фай-булладан сўрамайсиз. Тилингиз узун бўлади.

Хайрихон опа ҳам Адиба қайтадаи ёнига кирганига хурсанд, чунки бир-икки йилдан бері унинг Сайрамга буюртма тикиб, қўли-қўлига тегмас, чарчаб қолаётган эди. Энди шогирд чи-қарсамми, деб хаёл қилганди.

Гап шундаки, Лайлло кийган уй кийимими, оҳорлисими, жувонлар, ёш келин-қизларга мъкул келиб, суриштираверишгач, Ойгул опа: «Максус Тошкентта буюртма бериб тикдирилган», деб қутилмоқчи эди, аксинча оғзидан илинганди.

Эътиборли, сўзини икки қилиб бўлмайдиган оиласлар бекалари: «Бизни хонадан келинларига ҳам шу либослардан буюртириб беринг», деб, ўлчамлари ёзилган қорозлар, ёнига етарлича пул қистириб Ойгул опа қўлига шахсан бериб кетишарди.

Ойгул опа дастлабки гал кулиб бу ҳолатни Сидиқмат ақага айтганда, у жиддий кошини кериб, «Қийин масалा, бу либослар уларнинг келинларини кўркини очиб, мъкулланса бир нави, йўқса маломат чиқади», деганди.

Гап қолипидан кўчган эди.

Ойгул опа ҳадикда Хайрихон опани гаранг қилганди:

— Лайлло либосига айна ўхшайдиган кийим тикиш қўлингиздан келадими?

Хайрихон опа кулиб, бемалол жавоб берди:

— Нега қўлимдан келмасин. Ўзим тиккан кўйлақдан нусҳа кўчириш иш эканми?

Ойгул опа ўшанда Лайлонинг бор кийимлари: кўйлақдан тортиб мурсак, пешматларигача, халатларми, тунги кўйлагу лозимларнинг барчаси Хайрихон опанинг қўлидан чиққанлигини тушуниди.

Буюртмалар қўлга бориб тегди, эътиборли оила келинларига тикилган либослар мос келиб, мақтоворлар ҳам олинди.

Шу-шу бирор йиғин, чақириқ, бўлса Ойгул опа бу хона-донларга таклиф этиладиганлар рўйхатига киритилди.

Лайлло бундай йиғинларга кирмасданоқ, унинг кийган кўйлақ фасони, туси, ранги назарга тушади, гап бўлади.

Яхши, кўп вақти Тошкентда юриб, Ойгул опа ва Лайлло бундай чақирувлардан озод, бўлмаса янги либос, дурра ва пойафзал муаммоси ҳар гал кўндаланг туради.

Ойгул опа шунчаки Тошкентта бориб келса ҳам навбатдаги буюртмани олиб келади.

— Ҳең бўлмаса Лайло ўзининг дидига мослаб тикириб юборсин, — деган илтимослар аримасди.

Лайло, ўз навбатида, бундай илтимосларни бажаришдан зерикмас, «ойи, улар ишончини оқлашим керак. Бу тал бошқа фасонда либос тикиб беринглар», деб ойиси ва Адабани шоширади.

Ўшангами, Хайрихон опа ва Адаба Сайрамда ўзлари билмаган ҳолда, энг яхши модельер номини олиб улгуришган эди, фақат уларнинг ишини Лайлонинг бичиқчиси ва тикувчиси тиккан деб қадрлайдиган бўлишиди.

Буларнинг ҳаммасини қузатиб, миясига жойлаб юрган Сидикмат ака бир кун хотини ва келинига маслаҳат солди: «Сизларга модалар ательеси очиб берсанмикин?!».

Ойгул опа хурсанд бўлиб кетди.

— Вой, қандоқ яхши! — деди у қувончини ичита сифди ролмай. — Қачондан бери Сайрам аёллари: «Келинингиз тикувчилик фирмаси очса-чи. Йқтидори бор, дидли, хурмати баланд. Доим магазини тирбанд бўлгай. Ўзимиз доимий мижозига айланамиз», дейишарди.

Лайло ўйга яўмганди.

Сидикмат ака келинини гапга солди:

— Ҳа, келин, бу фикр Сизга ёқмадими?

Лайло жилмайиб адажонига қаради:

— Ёқди, адажон. Фақат фирмани аяжон номига очинг. Мен бу ер учун чет зл фуқаросиман.

— Сизлар розилик бераверинг, юридик макоми ўйлаб қўйилган. Сайрамда очиладиган ателье-магазинга қайнанангиз, Тошкентда ташкил этиладиган тикув-битув фирмасига келиним Лайло раҳбар бўлади.

Сайрамда ательенинг довруғи тез тарашиб, бирпаста келинлар, ёш жувонлар билан, эрга қизини берадиган, тўйлари аниқ, қизига сарпо-сурук қидириб юрган оналар ёш келинлик либосларини буюрадиган бўлишиди.

Намуна сифатида Лайло ўзи кийган либосларми, мурсак, пешматларигача келтириб қўйди. Дурраларини ҳилпиратиб, чиройли енгил материаллар витринага терилди.

Онаси Хайрихон опа ва Адаба опаси билан янги фасонлар ўйлаб топиб, улардан нусхалар, чизмаларини ўзи билан олиб келганди.

Бу воқеалар ёз ойларига тўғри келиб, Лайло ўқишидан таътила чиққан эди. Олдинда яна бир курс заҳматлари бор эди.

Ательеңе Ойгул опа директор бўлса-да, ҳамма маслаҳатни Лайлодан сўрар, у мижозларнинг бўй-басти, ранг-рўйига қараб таклифлар берарди.

Ателье асосан ёш келинларни уй шароитида, овсин-ажин, қайнана-қайната, қайн-бўйни қошида сипо, бироқ кўркам, чиройли ҳам ҳаёли кийинишини тарғиб этадиган масканга айланганди.

Бўйи пастроқ қизларга узунасига йўл тушган материалли халатми-мурсакми кийишни, қорамагиз келинларга ёрқинроқ, тусли сариқми, тилларангми, оч яшилми либослар, оқ-сариқ қизларга тўқ қизил, кўм-кўк, сиёҳ ранг матодан кийим таклиф этиларди.

Келинларни юз тузилишига қараб рўмол ўраш, дуррача боғлаш усулларини ҳам Лайло ўйлаб қўйганди.

Ховли учун алоҳида пойафзал, Европача тарздаги қурилган бино ичидаги юришга бошқача пойафзаллар ассортименти келтирилган эди.

Сидикмат аканинг савдо, умумовқатланиш ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси Чимкентдан чиқиб, Сайрамга кираверишда катта йўлда жойлашган бўлиб, уч қаватли, катта майдонни згаллаганди. Биринчи қаватда супермаркет ва ярим қисмида кафетерий, компьютер ўйинлари ва интернет хоналари жойлашган. Иккинчи қаватда тўйхона-ресторан. Учинчи қаватда аёллар ва эркаклар салони, видео-кинозал ва қолган қисмида маъмурият ва хизмат кўрсатиш персоналлари хоналари мавжуд.

Биринчи қават жуда ательеңа мос келарди. Шу сабаб кафетерий супермаркет ичига ўтказилди, компьютер ўйинлари ва Интернет хоналари учинчи қаватга чиқди. Учинчи қаватда видеозал ярмига қисқартирилиб, юз кишилик ўрининга келтирилганди.

Биринчи қават ательеңа ажратилди, ёнига аёллар салони кўчди. Аёллар энди янги кийимлар галереяси жойлашган ателье-магазинни босиб ўтолмас, натижада доимо одам тирбанд бўларди.

## БАРМОҚҚА ҚАДАЛГАН ЗИРАПЧА

Сентябрь, ўқиш бошланишида Сидикмат ака ёнида аёливо келини ва невараси билан Тошкентга тушишганда, Оатинсоч квартирасининг темир эшиги очиқ эди. Ҳайрон бўлишди.

Күнгирокқа ичкаридан тепасини у ер-бу ерини номига бекиттән топик кийган, қорни очик, пастида калта шортик, сонларини дириллатиб қизи эшикни очганда, Сидиқмат ака уни башарасига бир туширди:

— Бефаросат, юришингни қара. Эшик тақиілләттәнга шунақа кийимдә қўринасанми?

Олтинсоч индамади. Тарсаки захридан жазилаётган юзини ушилади. Қизини тутиб ўтиб, ичкарига кирган Сидиқмат аканинг ичкарида бундан ҳам нохуш манзарага кўзи тушди. Уйда Олтинсочнинг ўзига ўхшаган дугонаси ва икки йигит бор эди. Улар еб қўйгудай қараб турган Сидиқмат ақадан кўрқиб, тезда чиқиб кетишиди. Ўз қизларидаи қўришгани билан, барибир, ҳозир оиласа ички сирлар муҳокама қилинишини билган Лайлло ўлардай чарчаган бўлса ҳам, дам олмади, қайнатасидан уйига олиб бориб қўйишини сўради. Сидиқмат ака қаршилик билдирамади, қайтага қизи учун хижолат бўлди. Келини ва набирасини қудасиникида қолдиргач, уйга қайтаркан, хулқи чатоқ Олтиннинг уйида яшаёттанига афеусланди.

Етиб келганидан кейин ҳам кўнгли бўлмай, факат мажбурлиқдан тепага чиқди. Олтинсоч квартирасига кўтарилар экан. Сидиқмат аканинг мияси қизиб бораради. У, эсиз, шу пайтгача Лайлого квартира олиб беришим керак экан, боласи билан сарсон бўлмасди, деб ўлади. Ҳозир қизининг уйига, нурсиз бир жойга, исловотхонага кираётгандек кирди.

Қизи этнинг энди енгли, бўғзи анча ёпиқ, бироқ ёпиштириб, расмли майка кийиб, қабариқ кўксини кўз-кўз қилиб ўтиради.

Худди дорига ўрганганиларни хумори тутса кўзига ҳеч нима кўринмай, атроф билан иши йўқдек эди, Олтинсоч. Унинг машшати бузилганди.

Сидиқмат ака аввал келганиларида ҳам қизининг суюқ-оёқдигини пастдаги кампир айтиб, бир кечаси баланд бўйли давангир чиқиб кетганини айтганда, ишонмаганди, мана оқибат.

Ойгул опа хона деразаларини очиб қўйган, ҳар хил ёқимсиз нарсаларнинг ҳиди бироз йўқолганди. Олтинсоч ҳам дадасидан кўрқиб, одамга ўхшаб қайта кийиниб чиқди. Сидиқмат ака қизининг енгилтабиатларнинг биларди, лекин шундайм индамасди. Унинг ақли кириб, этгини йиғиштириб олишини кутди. Аммо Олтинсоч бу кечиримларнинг ҳеч бирини оқдамади.

Сидиқмат ака уйилган қовоқларини очмай, ухлагани кириб кетди. Аммо, қани энди, кўзи илинса. Туни билан эрталаб

қызига нима дейишини үйлаб чиқди. Эрталаб нонуштадан олдин Олтисочни ёнiga чақирди.

— Сен бу юришингда бизни Тошкентгаям келолмайдиган қиласан. Мақсадинг нима үзи, нимани хоҳлайсан? Ёки бирор тилагингни бажармадимми, бирор нарсадан кам қилиб ўстиридимми? Кечай десам, боламсан, кечмай десам, үзинг мажбур қиляпсан...

Отасининг гапини эшитаркан, Олтисоч йиғлаб юборди:

— Да да, бу энди бошқа қайтарилмайди. Мениям тушунингда, ахир фарзанд күролмасам, кимгаям керагим бор? Үзимни нима биландыр овутишм керак-ку. Бу ёғи сизлар мендан узокдасизлар, уйга боролмасам, Нурилла оқын ўлдиради. Ёлизликка бир үзим күмилиб ўтирайми?

Ойгул опа гап қўшди:

— Айб үзингда. Мен сенга эрингдан ажрама, бола туғиб бер, аборт қилдирма дедим. Унамадинг, Ёшман, Ўйнаб қолай дединг.

— Барибир севмасдим, ундан бола кўргунча...

Сидикмат ака ҳали анча гапирмоқчи эди, бироқ қизининг кўз ёшларини кўриб индамади. Боласи-да, барибир, жони ачиди.

— Бўлди, йиғлама. Чамаси, бу ергаям сигмайсан, шекилли. Ё, хорижга жўнатайми? Узокда бўлсанг, қилган номаъкуличилкларингни кўрмайман ҳам, куймайман ҳам.

— Мени Россияга юборинг, — деб ялинди Олтисоч.

— Хо, у ерда ҳам билганингни қилиб юрасанми? — деб норози гап қўшди Ойгул опа.

— Ада, Красноярскда Миша ака бор, қўлингизда ишлаган.

— Ҳа, биламан, — деди Сидикмат ака ўйга чўмиб.

— Үзим мутахассислигим бўйича ишлаб, бироз ҳаво алмаштириб келсам-чи? Ўшаларга қўнгироқ қилинг, — деб Олтисоч ўрнидан туриб ойна тарафга қараб қолди.

Сидикмат ака баланд бўйли, беўхшов кийинган қызига қарагиси ҳам келмай гапирди: «Бошқа илож ҳам йўқ. Мен ҳозир».

У Мишага қўнгироқ қилиш учун нариги хонага чиқди.

Ойгул опа насиҳатта ўтди.

— Миша ака адангни ҳурмат қиласи. Яна ялтоқланиб, дуч келган йигит билан танишиб обрўйингни тушириб юрма.

— Ойи, Тошкентда ҳам, Туркияда ҳам қадримни билиб яшадим. Ё бирор кўшни мендан арз қилиб чиқдими? Булар дўстларим. Менга биттаси қўлини теккизиб кўрсин,

— Ҳай, ҳай. Ўзингни бос. Девинг кўзиб қолади. У ерларда Миша катта давраларга олиб чиқса, ор-ғурурингни сақла. Яхши кўрсанг, эътиборлилар билан дўстлаш, тушундингми? Аёллик қадр-қийматинг бир пул бўлса, ўлганинг. Гап-сўз ҳамма жойда ёмон, — деди Ойгул опа кўз ёш қилиб.

— Ойи, ҳали мен ҳақимда, худди келинингиз орқасидан эшитаётгандек мақбул гапларни эшитасиз, — деб, Олтинсоч диванга онасининг ёнига чўкиб, уни қучоқлади.

Она-бала бир-бирларини пинжига киришди.

— Наҳот, қизим, сен шу гапларни айтаётган бўлсанг? Лай-лога ҳасадинг келаяптими?

— Ҳасадим эмас, ҳавасим келади. У чиндан ҳурматта са-зовор келин. Фақат мен ундан бўлолмайман. Менга бувила-рим русча тарбия беришган. Ўзингиз биласиз.

— Ҳа, рост. Сенинг тарбиянгда бувини ва бувант бош қоти-ришганди.

Ойгул опа эрининг ҳолидан ҳабар олмоқчи бўлиб, ўрни-дан турди, лекин қиришга юрағи дов бермади. Иршайиб ўтирган қизига негадир ўқрайди-да, гапиргиси ҳам келмай, ош-хонага ўтиб кетди. Бу пайтда эса Сидикмат ака бутун ўтми-шини, босиб ўтилган умрини хотираётган эди.

## ОЛТИНСОЧНИНГ БУВАЛАРИ

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари бошида Чимкентга Жамбулдан малака оширишга келган технолог Мухтор лабо-рант қиз Қалдирғочни ёқтириб қолганди. Қизнинг қоплари чиндан ҳам қушники сингари қоп-қора, қайрилма. Чаросдек кўзлари чўғдек ёнарди. У ҳеч тан олмаса-да, йигитда кўнгли борлиги сезилиб туради. Мухтор севгисини изҳор қилгуни-ча жуда қийналди. Чунки Қалдирғочнинг ота-онаси қизини узоққа бермайди, деб кўрқарди. Қанчалик ўзини тишишга, муҳаббатидан воз кечишга уринмасин, юракка буйруқ бериб бўлармиди? Бора-бора ошиқ-маъшуқлик шу даражага бориб етди, Мухтор қозоқлар удумини қилиб, Қалдирғочни олиб қочиб кетди. Қизнинг ота-онаси ноилож кўл учиде сеп қилиб беришди. Аммо ёшлар жуда баҳтили эди. Улар дабдабасиз, зар-ларсиз ҳам яхши яшарди. Тўнрич фарзандлари туғилгач, Ой-гул деб исм қўйишиди. Иккинчиси ўрил бўлди-ю, лекин пешо-наларига сифмади. Овда дайди ўқ текканидан ўлди. Шунинг учун Нодир қазо қилганида, Ойгул опа, «Тоғасининг умрига,

қазосига ўхшаган болам-эй!» — деб йиғлаганди, ўзини күйиш-  
га жой тополмаганди.

Сидикмат акага бу тарихни хотини онасидан эшигтанлари  
бүйича айтиб берган.

Ойгул ўн саккизга кирганида унинг чироини, одобини  
тапирмаган одам қолмади. Отаси қандоқ жойларга иўк деди.  
Қизининг күнглига қаради. Ойгул ўқийман деди. Аммо Мух-  
тор ишлайдиган завод бошлигининг ўғлига тўй бўлай деганда  
бошлиқ қамалиб, тўй қайтарили.

Қизнинг фотиҳаси қайтди-ю, кейин бошқалар сўрамай  
кўиди. Ўша кезларда иш билан Сидикмат акани Жамбулга  
юборишганди. У бир сафар тунги навбатчиликда эканида қиз  
боланинг ёрдам сўраб бақираёттанини эшишиб қолди. Кимга-  
дир кўмак кераклитини сезиб, дарров овоз келган томонга  
югурди. Борса, бўкиб ичиб олганидан жойида туролмай чай-  
қалаётган икки маст бир қизга шилқимлик қиляпти. Йигит-  
нинг қони қайнаб кетди. Биттасига мушт тушириб, кулатди,  
иккинчиси эса кўрққанидан қочиб кетди. Қиз худди ёш бола  
каби кўрққанидан йиғлаганча бир чеккада туриб қалтиради.  
Безорилар кеттач, Сидикмат ака секин қизнинг ёнига борди.  
Ойгул мўлтираб, қутқаргани учун бу йигитга қандай миннат-  
дорчилик айтишни билмасди. У ўшанда илк марта қиз бола-  
нинг бунчалик гўзал ва матъсума бўлишини ҳис қилган, ҳатто  
исмини ҳам билмайдиган нотаниш дилдорга бир кўришда ошиқ  
бўлиб қолганди. Орадан қанча сувлар оқиб кетди. Лекин Си-  
дикмат ака ўша тунни эсласа, юраги ҳамон илгаригидай талати,  
безовта уради.

— Аҳволингиз яхшими?

Ойгул индамади, фақат бошини силкиб кўиди.

— Сиз уларни танийсизми?

— Йўқ, биринчи марта кўришим.

— Шу бемахалда кўчада нима қилиб юрибсиз?

— Ишдан — иккинчи сменадан қайтаётган эдим.

— Қаерда ишлайсиз?

— Заводда.

— Пиёда юрмасдан, бирор уловга чиқсангиз бўлмасмиди?

— Автобус бузилиб қолган экан.

— Исмингиз нима?

Қиз индамасдан, Сидикмат акага ҳайрон тикилди. Ичидан  
эса: «Безорилардан қутқариб, энди ўзи тегажоқлик қиляпти-  
ми?» — деган ўй ўтди.

— Испытывай бордир?

— Ойту...

— Чиройлы иш экан, юринг, уйнингизга ўзим олиб бориб қўяман.

Қиз ишониб-ишонқирамай Сидикмат аканинг машинаси га чиқди. Ойгулнинг ўшандо бошқа иложи ҳам йўқ эди. Шундай қилиб, у қизнинг уйини ҳам билиб олди.

Шундай қилиб Сидикмат ака ва Ойгул опа танишишганди. Мухтор ака узоқ вақт лейтенант Сидикмат Тошевга қизини бермоқчи эмасди. Милиция полковниги Сариқбой ака ўзи келиб ишни битирган.

— Кўряпсанми, ҳаракатчан бола. Муомалали. Муомалада эса гап кўп. У ҳали полковник бўлади.

— Сайрамлик экан. Қизимни олиб кетса-чи?

— Қиз бола катта бўлдими, сеникимас, эр қайси ерда, үл ҳам шу ерда.

— Биринчи неварамга ўзим иш қўяман.

— Бўлдими?

— Сиз келибсиз? На илож, улуф одамсиз.

— Ёшлар баҳти бўлсин. Кўз ёшингни арт. Мана сут пули.

Сидикмат ака хизмат билан Жамбулда ўн йил қолиб кетди, майор бўлди. Бу орада аввал Олтинсоч туғилди, унга бу исмни қайсар қайнатаси берди, сўнгра яна беш йил ўтиб Нодир туғилганди. Фарзандларини русча мактабга берди. Олтинсоч соғлом, бақувват қиз бўлиб ўсади. Унинг танаси қора-чарок, отасига ўхшайди, кўзлари қора, кундузимас, қоронгуда ялтираб боқади.

Унинг тарбияси буваси ва бувисининг кўлида бўлса ҳам, у рус ўртоқлари — қизлар, йигитлар орасида эркин, лекин худбин, ўзбошимча ўсади.

Ўн йиллар ўтиб, Сидикмат акага Сайрам тумани ички ишлар бўлими раҳбарига ўринибосар лавозимида ҳам, уйга қайтиб қелганда ҳам Олтинсочни буваси ўзимиз ўқитамиз, деб олиб қолишган эди.

Олтинсоч кейин Жамбул озиқ-овқат саноати институтига кирди. Технолог мутахассислигини олди. Институт проректоридан совчилар келиб, охирги курсда проректор ўғли Алимбейга эрга тегди. Алимбейнинг бўйи ундан бироз паст, озғин йигит эди. Табиати ҳам анчагина инжик. Шунинг учун Олтинсоч эрини учалик хушламасди, менсимасди. Куни қўча-

күйдә кимдир гал отса, эрга теккани ёдидан чиқиб. Олтисоч шириң жилмайыб, дуч келганга күзини сузіб кетаверарди. Бундан Алимбейнинг жаҳали чиқар, ҳар гал уришиб қолишганида, у хотинини енгилтаклика, ҳәесизликда айбларди. Бу ҳақоратларга бир-икки марта индамаган Олтисоч ҳам охирі ёрилди. У эрини күлидан ҳеч иш келмайдиган лапашанг, хотинининг күнглини топа олмайдигаян ношудлугини айтди, турали ёмон сүзлар билан ҳақорат қылди.

Чидолмаган Алимбей эса жаҳал устида «уч талоқ» сүзини айтты юборди.

Айнан шунни күтиб турған Олтисоч бўлса, нарсаларини йиғишириди-да, уйдан чиқиб кетди. Худди ҳеч нарса кўрмагандай бобосиникига қайтиб келди. Ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, эрита аччиқ қилиб, қорнидаги боласини олдириб ташлади. Бу воқеалардан кейин Сидиқмат ака қизини уйига олиб келишга мажбур бўлди. Ҳам ўзи харҳаша қилгани учун, ҳам овунади деб ўйлаб, машина олиб берди. Аммо Олтисоч бир болани уриб юборди-да, ота уйга ҳам сиғмай қолди. Тошкентта кетишга мажбур бўлди. Мана, бу ердаям ақли киргани йўқ.

Сидиқмат ака шуларни ўйларкан, чуқур уф тортди. Сўнгра «Олтисочдаям айб йўқ, унинг шундай бебош бўлиб кетишига ўзим ҳам айборман. Нотўри тарбиялаганга ўхшайман», дей пичирлаб қўйди.

## БАДАРҒА ҚИЛИНГАН ҚИЗ

Сидиқмат ака, ниҳоят, Мишани қидириб топди.

Вазиятни тушунтириб, икки кун ичида яккаю ягона қизини худди бадарға қилгандек, Красноярскка жўнатиб юборди. Олтисочнинг қилиқларидан безиган Ойгул она ҳам енгил нафас олгандек бўлди тўё. Аммо орадан ўн кунча вақт ўттач, Миша Сидиқмат акага қўнғироқ қылди.

— Сидиқмат ака, қизингиз жуда шўх экан, — деди у бироз хижолат чекиб. — Унинг шахсий ҳаётини назорат қила олмайман. Бу ерда ҳамма нарса очиқласига. Бир нима бўлса, мендан гумондор бўлмайсиз.

— Биламан, аммо қизим ўзига пишиқ. Шунинг учун узок демай, уни сенинг ёнининг жўнаттандим. Қизимнинг соғалиидан хабардор бўлиб тур, илтимос.

— Нималар деяпсиз?! Бу томонидан асло хавотир олманг.

Олтисочга яхши турар жой ва иш топиб бердим. Ўзимнинг кўл остимда ишляпти.

— Раҳмат, яхшиликларинг менда қолиб кетмайди...

Миша Олгинсочнинг бакувват, аммо келишган қадди-қомати ва бироз беҳаё нитоҳларига сук билан термиларкан, дилини бу жонсарак қушчани кўлимгә ўргатиб олсан-чи, деган шум хаёл тилиб ўтди. Аммо шу заҳоти Сидикмат аканинг гаплари эсига тушди-ю, бирдан шаштидан қайтди. Тийиқсиз истакларини деб неча йиллик қадрдони Сидикмат ака билан ҳафалашиб қолиш аҳмоқликдан ўзга нарса эмас эди. Яхшиси, Олтисочни бирор пулдорроқ ўртоғига таништириб қўйишни дилига туғиб қўйди. Шундай қиласа, икки томонлама муносабатни мустаҳкамлаган бўларди. Шундай қилди ҳам. Осиё гўзалларига ишқибоз бўлиб юрадиган Сергей Буров деган ўртоғи билан қизни таништириди. Буровнинг Красноярскийда бир неча тахта тилиш цехлари бор эди.

— Сергей, Олтисочни хафа қилма, яқин қадрдонимнинг арзанда қизи бу, — деди.

Сергей Олтисочга мулозамат қиларкан, уни осонгина қўлга киригман деб ўйлаганди. Аммо кўп ўтмай, ҳаёллари нақадар бемаъни эканлигини сезди. Олтисоч кутилмаганда ўзини жуда сипо тута бошлиганди. Йигитнинг назарида, у осон сотилмайдиган қизлар тоифасида эди. Олтисочнинг ўзини олиб қочишлари, один ноз-карашма қилиб, сўнг жиiddий қиёфага кириб олиши Сергейни тобора ўзига ром этаёттанди.

Олтисочнинг қадди-басти тик, оёқлари узун, баланд бўили, юрганда бошини сал қимиirlatiш одатини айтмаса, ундан камчилик топиб бўлмасди.

Рестораними, концерт, театрларга Сергей ёнида сипо кийинган, қош-кўзлари қора, қорамажиз, қарашлари ўткир қиз билан пайдо бўлиши танишларида қизиқиш ҳосил қилиб, усиз ёлиз борган вечеринкаларда, пантеранг қани, деб сўрайдиган бўлишиди.

Ҳозир у Сергейнинг ўнг қўлидан ушлаб, подружка қилиб бораркан, кеча биринчи бор унга бир неча бўса ҳадя қилганидан пушаймонлик сезмай, аксинча, бу ишни қойил қилгандек викор билан қадам ташларди.

Сергей, ўз навбатида, шарқ гўзалининг латофатини ҳис қилиб, муҳаббатига сазовор бўлдим деб ўйлаб, жиiddий фикрда бир қарорга келган, ҳозир ўшал изҳорини айтмоқ илинжизда тўхтаб Олтисочга қаради:

Сергей Олтинсочдан сал баланд, бироз елкадор эди.

— Қария, сенга нима керак? — деб ҳазиллашды Олтинсоч, Пушкиннин машхур эртагидәгі гапни қоғиялаб.

— Сиз етарлича билимден экансизми?

— Нима деб ўйлаган эдингиз!

— Майлими, бир ғап айтсам? — деди у кутилмаганда шартта юришдан тұхтаб.

— Айтинг, қулогим сизде, — ҳазил қылды Олтинсоч.

Олтинсоч Сергейнинг юзларыға әътибор билан қараса, у үнғайсизланды:

— Олтинсоч, мени ҳаяжонга солаяпсиз.

Олтинсоч унин құлларини силади.

— Нима, жиddий нарса билдирмоқчимисиз.

— Ҳа. Мен ҳозир.

Олтинсоч уни бу ҳолатдан чиқариш учун унин құллари, қошларини секин сийпалади.

Сергей әнгашыб үпмоқчы зди, бошини олиб қочиб үйин қылды.

Бу үйиндан завқланған Сергей ҳансирағ:

— Менга турмушта чиқынг, — деди.

Олтинсоч рус мактабини тутаттан. Руслардан күп дүстлары бор. Ҳозир бу оч жигарранғ ва сарық арапашын сочли, құзлары күм-күк үристега қараб жиddий сұрады.

— Сизге турмушта чиқынш, мени ҳеч бўлмаса севасизми?

— Албатта севаман.

— Бу ҳақда ҳали айтмадынгиз-ку?

— Ахир... — Сергей нимадир демоқчи бўлиб, бироз тараддуланиб қолди, — Мен сизни севаман ва бир умр шундай бўлиб қолади, — деди сўнг оҳиста. — Сиз-чи, сиз менга бефарқ эмасмисиз, ишқилиб?

— Мен сизни биринчи бор кўрганимдаёқ ёқтирганман, азизим. Фақат тўй деб шошмайлик, илтимос.

— Нега?

— Ўйдагилар розилиги-чи?

— Яхши, бугуноқ сизни ота-онам билан таништираман.

— Меникилардан розилик олмайсизми?

— Албатта оламиз. Эртагаёқ биз Чимкентта учишимиз мумкин.

— Азизим, сиз ота-онам билан учрашинг, улар нима деңишиша, шу бўлади.

Ошиқлар бир-бирларига термилиб, жим бўлиб қолишли.

Олтинсоч телефон орқали онасига турмушга чиқаётган-  
литини айттанида, Ойгул опа юрагини ушлаб, гүшакни Си-  
диқмат ақага тутқазди:

— Қизингиз эрга тегаётганиши... — деди ҳолсиз.

Сидиқмат ақа ҳовлиқиб, гүшакни қуловига босди.

— Бирпасда кимни топдин? — деди қизига даедаға билан.

— Сергей Буров деган бизнесмен бир йигитни. Миша ақа  
яхши танийди. Ада, илтимос, розилик беринглар.

— Ҳовлиқма, аввал Миша билан гаплашай...

Орадан бироз вақт ўтгач, Сидиқмат ақа ҳеч нарсадан бе-  
хабардек, Мишага қўнғироқ қилиб, қизининг ҳол-аҳволини  
сўради.

Миша ҳовлиқиб, унинг сўзини бўлди:

— Эшитмадингизми, Олтинсоч турмушга чиқяпти? Уни биз-  
несмен Буров билан таништиргацдим. Ёқтириб қолибди. Қизин-  
гиз энди Красноярскнинг энг бой хонимлари қаторига кира-  
ди. Табриклиман!

— Менга қара. Сен бизнинг урф-одатларимизни унугтиб  
кўйдингми, дейман?

— Нимани айтаяпсиз?

— Нимани айттардим? Қиз турмушга чиқищдан олдин ота-  
онасининг розилигини олишини-да.

— Кечирасиз, сал қолса, унугтай дебман.

— Бундан ташқари, Сергейнинг ким ўзи? Хотини, бола-  
чақаси борми?

— Эй, шарқ одами, шарқ одами. Уларнинг биринчи сўра-  
гани шу нарса-я! Ундан қўра, бойми, вилла ва самолётлари  
борми, деб сўранг.

— Гапни чалгитма! Саволимта жавоб бер!

— Йўқ, олдин сиз эшитинг. Унинг пули жуда кўп, дарёдек  
оқиб ётибди.

— Сепга бошқа савол бергандим.

— Ҳали уйланмаган, бола-чақаси ҳам йўқ. Бўлдими?

— Ҳимм, унда ўйлаб кўрса бўларкан...

— Шошманг, Сергей классик тарбия кўрган йигитлардан.  
Бирорни яхши кўриб қолса, бир умр унга боғланади. Бола-  
лар-ку жону дили. Хавотирланманг, неварабарларингиз кўп бўла-  
ди. Мана, кўрасиз. Оилани ҳурмат қиласди у. Йўқ деманг...

Шу дамнинг ўзидаёқ Миша ёқасини ушлаб туфлади. «Ях-  
шиям шайтоннинг сўзига кириб, Олтинсочнинг бошида дов-  
дираб юрганидан фойдаланмадим. Худонинг ўзи саклади-я».

## ПАҲМОҚ ҚИЗНИНГ БАХТИ

Сергейнинг онаси Мария Никитична мовий кўз, қирра бурун, юз бичими келишганmallасоч, юzlари хитча, чиройли аёл эди. Отаси Иван Александрович эса от юзли, бурни катта, доим кулиб турадиган инсон. Сергей уларга Олгинсочни таништириди. Қиз ўзини йўқотмай, мағрур турарди. Эгнига узун сиёҳранг ярим шерст кўйлак, устидан сюргюксифат камзул, соchlарини йигиб, уларни қалин қизил тасмача билан тепага тортиб боғлаган, шунда ҳам кесилган калта соchlар пешонасига қатор тушиб, юзини чиройли кўрсагарди. Белини қизил шарфдек материал билан сириб тортган. Уни томоша қилишаётганини сезиб турибди, гарчи у Сергейнинг ота-онасини ҳар иккисини бир кўришда ёқтирган, қўйиб берса, жон деб кучокларига кириб, елкаларига бош кўйишга тайёр эди.

Ҳол-аҳвол сўрашиди.

Олгинсочнинг бийрон-бийрон жавобидан улар ҳайрон бўлишиди.

— Сиз, қизим, русчада жуда яхши сўзлашар экансиз-а?  
— деди Мария Никитична.

— Мен мактабни русчада битирганман. Институтда ҳам русча йўналишда ўқитганман.

Мария Никитична унинг териси, соchlарини, қошларини ушлаб, сўради:

- Бўялганми?
- Йўқ,
- Табиийми?
- Ҳа, албатта.
- Сен шундай чирой билан ростдан ўлимга тегасанми?
- Ҳа, фақат ота-онамнинг дуоси билан.

Улар бир-бирларига маъноли қараб қўйишиди. Олгинсоч зерикиди. У беихтиёр хона бўйлаб кора бошлади.

Ойиси ўрглига қараб:

- Сергей, қани сенинг сюрпризинг, — деди.
- Бироз яна кутинглар.

Иван Александрович уларни камин қаршисига ўтиришга таклиф этди.

Мазмунан кимнидир кутиш бошланганди. Олгинсоч қанчалик сипо ўтиришга уринмасин, уларни сухбатга тортиси келларди. Креслода унга тикилиб ўтирган Иван Александровичга қараб гап бошлади:

- Иван Александрович, рухсат берсангиз, сиздан бир нараси сұрамоқчидім.
- Майли, рухсат, — деб у беғубор жилмайды.
- Мен тестден үтдімми?
- Яңи?
- Сизлар үғалингизни ёр танловини құллаб-куваттайсиз-ларми?

Иван Александрович хотинига қаради.

- Сен нега бундай хаёлга борасан, — деди Мария Никитична.
- Биз үелімиз шундай қайлық топғанидан хурсандмиз.

Олтисоч Сергейге қараңбыл күйіб:

- У қолда, мама, бизларға оқ фотиха беринглар, — деди.
- У Сергей билан құл ушлашиб, улар қаршишида чўкка тушишди ва уларға қаради.

Иван Александрович хотини билан улар қошига келди.

- Иван Александрович аввал үйлини, сүнг Олтисочни пешонасыдан үпди.

— Мен маъқуллайман. Бахтам бўлинглар, — деди.

- Худди шу ҳаракатни Мария Никитична қайтарди ва охирда Олтисочни қучоқдаб йиглади:

— Болаларингиз қайси динга киради, келин?

Олтисоч бу ҳақда ҳали фикр юритмаганди.

- Мама, тўғриси, бу ҳақда мен ҳали ўйлаб кўрмаган эканман, — деди.

- Майли, вақт келиб, ҳаммаси жойига тушади, — гап қўшиди Иван Александрович.

Ёшлил тиккалантанларида, Олтисочнинг оёқлари қизарганди, у киши билмас силаб қўймоқчи эди, Мария Никитична кўриб қолди.

- Сен шунча вақт чидағ үтиредингми? Юр, мен маз суриб кўяй.

Улар чиқиб кетишидди.

- Табриклайман ўрлим, хотин эмас, ноёб топилма.
- Биламан. Ҳали сенга шундоқ чиройли неваралар туғиб беради ота.

Шу пайт Миша меҳмонларни бошлаб кирди.

Сидикмат ака Ойгул опа билан келишганди.

- Миша уларни бир-бирларига таништириди ва ўзи чиқиб кетди.

- Үй эгалари меҳмонларни ичкарига таклиф этиб туришганди, Олтисоч ва Мария Никитична ичкаридан чиқишиди.

Олтисоч адасига осилиб йиелаб олди, адасининг елкасига бош қўйиб, унинг юзларидан ўпди. Мехмонлар уй бекаси билан ҳам сўрашишгач, ҳамма катта уйга — меҳмонхонага ўтди.

Мехмонхонада столлар ясатилган, қора, қизил икра, оқ, қизил балиқми, турли сурланган тўштлар, салатлар уларга маҳтал эди. Ичкиликлар ҳам бор эди.

Хизматкор аёл чой қўйиб кетди.

Олтисоч чойни қайтариб, аччиқ, қора чойдан адасига, ойисига узатди. Бўлғуси қайнатаси ва қайнанасига ҳам чой қўйди. Сергей ҳам қатордан қолмай чой хўплаб ўтиради.

Уй эгалари меҳмонлар йўлда чарчагани учун мавзуни очмай, кетма-кет ҳар турли масалликлардан тотиб кўришга ундардилар.

Олтисоч имо қилдими, Сергей Сидикмат аканинг тарелкасига балиқ таомидан қўйди, кўк салат солди. Ойгул опага Олтисоч ўзи қаради. Бошқалар ҳам тарелкаларига турли неъматлардан териб, ўртани ким олиб боради деб бир-бирла-рига қарадилар.

Ўртани Олтисоч олиб борадиган бўлди.

Иван Александрович шуни истади, йўқ, у бу ишни на ўзи, на хотини, на Сергей бажара олмаслигини яхши билади. Олтисоч эса, мазмунан сухбатни қўлга оладиган дадил табиатли экан.

Олтисоч адасига бу гап ёқмаганини сезса ҳам, илтимосни ерда қолдирмай гапирди:

— Ҳозир танишиш баҳона қисқа тост бўлади. Сергей, қадаҳларни тўлдиринг. Ада, сиз ҳам оласиз-а, танишиш учун.

— Майли, йўл чарчори ҳам ёзилади.

Қадаҳлар кўтарилиди.

Олтисоч кейинги сўзни Иван Александровичга берди.

— Иван Александрович, сўз сизга. Ўзингиз, иш-мутахас-сислигингиз, оила ва бошқалар ҳақида ҳам тапирсангиз. Бўлмаса, биз сизларни умуман билмаймиз, ҳисоб.

Иван Александрович Красноярскка келиб қолганига қирқ йиллар бўлганди. ГЭСда оддий механикдан бош директор биринчи ўринбосари даражасига етган. Ўтган асрнинг тўқсоничи йилларида бизнестга ҳам қўшилиб, ўғлига йўл очиб берганди. Биринчилардан бўлиб Ўрта Осиё давлатларига тўсин, таҳта, фанерлар етказганлардан бири. Сўнгра ўзларида таҳта тилиш комбинатларини ташкил қилди. Бойликлари етарлича

эди. У бу гапларни айтишни, мақтанишни ёқтирмас, ҳамон камтарона яшашни ихтиёр этарди.

Олтинсоч сүнгра Мария Никитичнани сүзлатди.

Мария Никитична мактабда математикадан ўқитувчилик қылғани, ҳозир пенсияга чиққаны, аксига бигте ўғыл туғтани учун зерикіб қолаётганини, тәзорөк Сергей уйланса, келини күплаб бола туғиб берса деб гапиради.

Ойгул опа Олтинсочга қараб, хұп майли, бу ўрислар ма-йин табиат одамлар экан. Истаклари ҳам оддий. Қызы қатор бола туғиб берса бұлғани. У ёшлиқ қилиб аборт қилдирған, әнді бола туға олармишин, майли сап-сариқ бўлса ҳам, деган ўйта чўмди.

У Сергей тусига ҳалигача ўрганолмаган эди.

Қайнатма шўрва келди.

Сидиқмат ака овқатни ким тайёрлади деб сўраганди, Иван Александрович, ўзбекистонлик ошпазларни бутун хизматта тақлиф этишганини билдириди.

Сўз навбати Сергея га келди.

Унинг овози бўғиқ, ҳар бир сўзини тутилиброк, ичдан чи-қариб гапиради. Ойгул опа силлиқ, тапирған эркаклардан кўра, шундай сўзлаганларни ёқтиради. Унда дарров Сер-гейга нисбатан илиқдик пайдо бўлди.

Сергей ўзининг бизнесига қисқа тўхтади, меҳмонларга уларга мўлжалланган сайёхлик режаси ҳақида сўзлади. Уларни эски танишлари Миша кузатиб боришини, иши кўплиги учун бутун кечқурун хизмат сафари билан Москвага уч кунга бо-риб келишини билдириди. Ҳамма унинг сўзига ичиш-ичмас-ликни ўйлаб туришганда, у қайта дабдурустдан:

— Мен Олтинсочни кўришим билан яхши кўриб қолган-ман. Уни менга хотинликка берасизларми? — деб қолди.

Сидиқмат ака бошини сиқиди-ю, индамади. Бу унинг ҳали шошмай тур, йигит, дегани эди.

Иван Александрович гап қўшиди.

— Келинглар, шу истаклар рўёбга чиқиши учун ичайлик.

У Сидиқмат акага уриштиришга қадаҳини чўзди, меҳмон иззатини билиб, қадаҳга қадаҳини теккизиб, қўшилишиб иди.

Мезбонларнинг кўзларида умид учқунлари пайдо бўлди.

Олтинсоч адасига қаради,

— Ада сиз ҳам бир гап айтасизми?

— Ҳа.

— Ҳозир адам гапиради.

Сидикмат ака кўп ичмаганди.

— Мен узоқдан келдим, — деди у. — Аммо кўнглам бир яхшиликни сезиб келди. Агар мендан сизлар ҳақингизда ҳозир бирор сўраса, ҳеч иккиланмай яхши одамлар дердим. Қизимнинг бори шу. Неча йиллик меҳнатимиз ва эътиборимиз меваси.

— У жуда ёқимли, — деди Мария Никитична.

— Сирли, орияти кучли, — деб гап кўшиди Сергей.

Йигитнинг отаси ҳам мақтади:

— Гўзал ва тарбияли экан.

— Уни келин қилмоқчисизларми? — деб сўрайди Сидикмат ака уларни мақтовлардан тўхтатиб.

— Ҳа — деди Мария Никитична.

— Ү мусулмон қизи, бошқа динга кира олмайди.

— Бу шарт эмас, — деб Иван Александрович жавоб қилди.

— У ҳолда никоҳ ўқитиш шартига қаршилик қилмассизлар, — деб Сидикмат ака асосий мақсадни англатди.

Мезбонлар бир-бирларига қараб қўйишишаркан, мазмунан бу ҳақда олдиндан келишиб қўйганлар шекилли, Мария Никитична барча номидан сўзлади:

— Бу ва бошқа ўзбек ҳамда сизларга яқин шарқ миллӣ урф-одатларингиз расамадиси билан амалга ошади. Бунга биз хайриҳоҳмиз.

Ойгул опа Олтинсоч қизига кўнгли тўлиб қарапкан, Сидикмат ака енгил хўрсиниб қўйди:

— Яхши, ундоқ бўлса, менинг бошқа галим йўқ.

Сидикмат ака қадаҳини кўтариб, мезбонлар билан уриштириб қўлини чўзди.

Олтинсоч ойисига қараганди, у мен кейин гапираман, деб пичирлади.

Олтинсоч адасига қараб олиб, даврадагилардан сўз сўради. Улар бараварига чукурлашиб, «Олтинсоч, гапир. Сўзингни эшитгайлик», дейишиди.

— Мен замонавий қизман. Лекин шарқликман. Менинг қалбим кимнидир узоқ кутди. Топди. Уни ёқтириб қолдим. Бироқ у менинг қалбимни ҳис қилиб, менчалик сева олармикан. Баданни очиб юриб, баҳт тошиб бўлмайди. Беҳаёлик, шармизлиқ билан ҳурматта сазоворлик қийин масала. Мұҳаббат менинг ичимда, сўзимда, латофатли қарашимда, уни қадрига ета олармикансиз, Сергей, — деб Олтинсоч русчада ёниб гапирди. Кўзларидан ўт чақнаб кетди.

Сидикмат ака, Ойгул опа ҳам унинг русча шунчалик би-жиллаб сўзлашидан ҳайрон, бир-бирларига қараши.

Мария Никитична ўрнидан туриб Олтинсочни бағрига босди.

— Шундай ақлли сўзладинг-ки, қизим, аёллигим учун фахрим ошди.

Иван Александрович Сергеяга юзланди.

— Сергей, балки Олтинсочнинг ота-оналаридан турмуш қуришга изн сўрарсизлар.

Сергей индамай ўрнидан туриб, Сидикмат ака олдида чўкка тушди ва Олгинсочга қаради. У аллақачон унинг ёнида чўкка тушиб олганди.

— Папа, бизларга оқ фотиҳа бериб, турмуш қуришимизга ижозат беринг.

Сидикмат ака ўрнидан турди, чўнтагидан перстенини олиб, күёвининг қўлига шошиб тақди.

— Мен розиман. Бахтили бўлинглар, — деди, сўнг овози титраб...

Ойгул опа ҳам келиб, уларни турганича қучоқлаб, йиғлаб олди.

— Илоё, қизим, бу гал бахтинг очиласин, — деди.

Бирпасда, қайтадан ёшларни йигитнинг ота-онаси яна бир бор табриклишди.

Мария Никитична шкафдан бир қути олди. Уни очиб Олгинсочга тақдим этди:

— Бу биздан совфа, — деди.

Қутидаги бўйинга осадиган жуда қиммат олмос кўзли тақинчоқ ялтираб турарди.

Ўзаро кудалар бир-бирларига мақтov ва хушомад сўzlari билан бу кечак поёнига етди.

Кечаси то тонгтacha Ойгул қизи билан бўлғуси тўй тафсилотларини гаплашиб чиқиши. Ойгул опа, аданг йўлга чиққанда, ўристга қизимни берсан, қандоқ бўларкин, деб роса ўйлаб келганди, нечук осон кўна қолди, ҳайронман, деди.

— Сиз-чи ойи, сиз чиндан розилик бердингизми? — сўради қизи.

— Билмасам. Покдомон одамлар экан. Кўп болалар туриб бергина. Бахтингни болаларинг кўтаради.

— Туғишининг гумон деганди, ўзимизда дўхтири.

— Кўяввер, соғлом бўлсанг, эринг ҳам Аполлондек экан, шундан энди туғмасант, кимдан турасан.

Олгинсоч устки кийимларини ечди. Ойгул опа унинг ярим яланғоч баданига кўзи тушиб сўради:

- Озиб, қоматинг созланибдими? Күриб таний олмаяпман.
- Ойи, ўзим устимда ишладим. Сув ҳавзаларига бориб, сузишга қатнашдим. Доим келинингиздек қорнимни тортиб, бойлаб, кўксимни эса кўтариб юрибман, — деб куади.
- Лайлого чиндан ҳавасинг келарканми?
- Ҳа, аммо у Сайрамда иззатда бўлса, мен рус забонлар ичидаги қадрли бўламан, мана кўрасиз.

Ойгул опа қизини бағрига босиб ўпди ва қўзларидан севинч ёшлиари чиқди ва худойим қизимга ақл бераяпти, деган ўйда уйқута кетди.

Бирпаста тонг ҳам отиб, Олтинсоч хонадан чиқиб, ошхонага кўз ташласа, Мария Никитична Сергеяга чой дамлабди. Тезда юз-қўлларини ювиб, у ўриндиқда ўтирган Сергеини елкасидан силади.

- Ҳеч бўлмаса шунга яраб турай, — деб куади.

Сергей уни секингина юзидан ўпиб, кўришгунча деб хизмат сафарига жўнади.

Уч кун Миша Сидикмат акаларни Красноярскни айлантириб юрди. Тустовуқ отишта олиб борди. Балиқ овига чиқиб, янги тутилган балиқдан балиқ шўрва (ухо) қайнатишиди.

Учинчи куни меҳмон ва мезбонлар бўлажак тўй кунини белгилаб, гаплашишаёттанди, Сергей хурсанд кириб келди. У биринчи бўлиб Олтинсочни кўтариб, айлантирди: мен катта контрактга қўл қўйдириб келдим, бу сизнинг шарофатингиз, деди. Сўнгра Сидикмат ака, Ойгул опа ота-оналари билан кўришиб чиқди.

Олтинсоч битта гап айтди:

— Сергей, иш ўз йўлига, оила ўз йўлига. Мабодо, ютуқларингиз қалитини менда қўра берсангиз, бир кун бирорта ишинингиз ўҳшамай қолса, унда ҳам мен сабаб бўлишимни истамайман. Мени тушундингизми?

- Ҳа.

Ишдаги ҳис-туйғуларингизни, илтимос, ишхонада қолдирсангиз. Эртага бу ҳолат болаларимиз руҳига ҳам ўтмайди.

Иван Александрович ҳайрон хотинига қаради.

Мария Никитична эса қўйидагича сўзлади:

— Келиним ҳақ. Фақат шундай ёш бўла туриб, бундай фалсафани қайдан биласан? Ақлим етмаяпти.

— Бу ўзбек тарбияси, — деди Иван Александрович, — Сергей, эътиrozни қабул қиласанми?

Сергей индамай бошини эгди ва тапни бурди:

— Нима ҳақда таплашаёттандынглар?

— Үттизинчи ноябрда түй. Шу муддат сенга маъқулми. ЗАГСдан ўта оласизларми?

— Үтамиз. Миша керак бўлса икки кунда үтказиб беради.

— Бугун меҳмонлар кетишар экан.

— Йигирма тўққизинчи ноябрда ўн киши келишади.

— Нега энди, кўпроқ, келишсинг, истасангиз самолёт юборамиз.

Иван Александровичга бу гап ёқмади.

— Самолёт юбориш қимматга тушади. Узоқ масофа, ЯК-лар уча олмайди.

— Ундан кўра ўттиз-қирқ кишига жой брон қилиш осон.

— Бунча одамга ҳожат йўқ. Бир йилдан кейин, худо хоҳласа, Сайрамда мен тўй қилиб бераман. Унгача невараларим ҳам бўлиб қолар, — деди Сидикмат ака тантанавор.

Сергей: «фарзанд, албатта бўлади», деди.

Олтинсоч қимтиниб, ерга қаради.

Сидикмат ака Сергеяга қараб имлади.

— Сенга бир гапим бор, юр, эркакларга тегишли.

Олгинсоч: «Ада, сизлар ўтираверинглар», деб аёлларни ошхонага бошлаб олиб чиқди.

Сергей ва Иван Александрович Сидикмат акага маъноли қарашди.

Сидикмат ака гапга тушди:

— Кўрдингми, мени хотиним ичмайди.

— Ҳа, кўрдим.

— Сен ҳам ҳеч қачон Олгинсочни ичишга ташвиқот қилма.

— Яхши.

— Ўзинг ҳам ичишни ташласанг керак.

— Бу энди қийин. Яна корпоратив вечеринкаларда дўстбиродар ортирилади, ичмаса бўлмайди.

— Нима, топганинг камми? Туғиладиган ўғил-қизингни ногирон бўлишини истайсанми?

— Йўғ-эй. Ким ҳам буни истайди.

— Бўлмаса бир гап. Тўйгача бутундан бошлаб ичма, тўйдан кейин қирқ кун. Бизда буни келин-куёвни чилласи дейилади.

— Маъқул.

— Яна шу кунларда, тунларга қолмай, саёқ юрма. Бемаза ўртоқларингдан кеч. Хуллас, ўзингни ҳар турли инс-жинслардан сакла.

Иван Александрович тушунтириди.

— Болант соғлом бўлсин деб, қайнатанг фойдангни гапи-  
ряпти.

— Тушундим. Мен қайтага хурсандман, шундай огохлан-  
тиришлар қилганингиздан.

Сўнг Сидикмат акага қараб сўради:

— Мен сизни папа деб чақирсан майлими.

— Мумкин ва зарур, — деб Сидикмат ака уни қучогига  
босди. — Қизимни эҳтиёт қил. У сени ёқтиради. Ва менинг  
маслаҳатларимни унутма.

— Кўнглингиз хотиржам бўлсин. Айтганингиздек бажара-  
ман.

Кечаси Ойгул опа қизига насиҳат қилди.

— Қизим, ишқни тўй кечасига қолдир. Бироз куёв бола  
қийналсин. Кутсин. Шуниси маъқул.

— Айтмасангиз ҳам, режам шу йўсунда ва ҳалигача қўлини  
ўзимга теккизтирмадим.

— Шундайми, — деб Ойгул опа қувониб, қошлигини  
керди.

Эртаси улар Чимкентта учиб кетишиди.

## БИРИНЧИ РАҶС ҲУҚУҚИ

Тўй юз кишилик дўстлар даврасида, Красноярскдаги «У  
Максима» ресторанида ўтди.

Максим Сергейнинг бир синфда ўқиган, бизнесмен дўсти  
эди. У ўзининг бир нечта ресторани билан бойваччалар қато-  
рида юради. «У Максима» унинг биринчи тўнгич ресторани.  
Красноярскликлар учун бу ресторон қадрли. Тинч, сокин ерда  
жойлашган, дараҳтзорлар шов-шуви, тоза ҳаво эсиб туради-  
ган гўшада қурилган бу масканга катта бизнесменлар, шаҳар  
элитаси, амалдорлар турли учрашувлар, байрамолди ўтириш-  
лар, банкетлар, туғилган кун ва, асосан, тўй-томушалар ўтка-  
зишида.

Сергейнинг омади бор эди, у ўттизинчи ноябрни банд  
қилиш учун қўнғироқ қилганда, аввал унга икки ойга ҳар  
кун бандлиги тўғрисида ҳабар беришиди. Сўнг ресторан бош-  
қарувчисига Сергей ўзини яхшироқ танишириб, Максимга  
саломини етказди.

Кўп ўтмай Максимни ўзи қўнғироқ қилиб, Сергейни шах-  
сан тўйи билан ўзи табриклаб, унга хизмат қилиш шараф

эканлигини эслатди ва энг асосийси, ҳозиргина бу куни ресторон бўшлиги маълум бўлди, деди.

Гап шундаки, бу кунни кавказликлар банд қилишганди, Максим уларга шаҳар ўртасидаги ресторонидан бошқа жой тақлиф қилганди, уларга маъқул бўлди.

Шу билан муаммо ҳал бўлганди.

Тўй куни Максим ўзи бош-қош бўлиб тураркан, келин томондан қелганларга алоҳида жой ажратиб, шарқона кутишни амалга киритди. Сайрамдан эса, ўнта эмас, йигирмадан ортиқ меҳмон қелганди.

Кўплари Сидиқмат аканинг бизнесмен ўртоқлари хотинлари билан ҳаво алмаштириб келамиз, деб қўшилишиб олишди. Тахта, фанер билан савдо қиласиганлар яқиндан Буровлар билан танишишни режалаб ҳам келганди.

Сидиқмат ака, Ойгул опа, Турдимат, унинг хотини Адолат, Лайло, Олтинсочнинг Жамбулда бирга ўстган ва мактабда ўқиган ўта замонавий Ойзода, Гулсум ва Земфира деган дугоналари ҳам келишганди.

Уларга Максим келин ўтирган ўнг тарафдаги иккита столни ажратди.

Келин-куёвга фақат ўзлари учун жой белгиланган эди.

Биринчи столда Ойгул опа ва унинг овсини ўртасига Лайло ўтириди. Ойгул опани ёнига Сидиқмат ака, унинг ёнига иккита бизнесмен ўртоғи ораларига хотинлари кириб, доирали столни у ҳалқасини Турдимат хотини ёнига чўкиб тўлдириди.

Лайло баҳтдан ял-ял ёниб ўтирган келин-куёвларга ҳавас билан термиларкан, қалбини бир армон кемираради. У ҳам бўлса, Нодир билан кечган келин-куёвлик дамлари оний лаҳзаларда ўтиб кетганлиги, Лайло бунинг туш ёки ўнг эканлигини англаб улгурмай, тул бўлиб қолганлиги эди.

Негадир столлар ўн бир кишилик экан. Аммо бемалол, стуллар бир-бирига қапиштириб қўйилмаганди. Яна бир столга бошқа меҳмонлар ва Олтинсочни дугоналари қўнишди.

Бир томонда Буровлар оиласининг яқинлари, қариндошлири: Мария Никитичнанинг ёлғиз укасининг оиласи: хотини ва қизи Маша, Иван Александровичнинг синглиси Лиция Александровнанинг эри Алексей ва қизи Даъялар бор. Бир вақтлар аввал Маша, сўнг Даъя узоқ вақт Сергейга ошиқ бўлишган. Ёзги таътилларда, Сергейлар уйларига бу оиласлар ойлаб келиб ётиб олишарди. Балиқ тутишга, овларга катталар боришича, ёшлар кун бўйи Антарада чўмилишдан бўшамасди.

Ўзаро илиқ муносабатлар, қариндошлик оқибатлари, бегараз илк муҳаббат ҳисларини пайдо қилар, ёшлар билиб-бilmай тоҳида қучоқлашиб, ўпишишларга ҳам боришарди...

Столнинг ўнг тарафида Буровларнинг бизнесмен ҳамроҳлари, дўстлари, шаҳарнинг обрўли, эътиборли одамлари оиласлари билан жуфт-жуфт бўлиб ўтиришарди.

Айниқса, шаҳар думасига депутат, таги бизнесмен Лунин, ички ишлардаги Чаенколар билан Иван Александрович болалигидан дўст. Кейинчалик оиласи йирилишлар ҳам уларсиз ўтмайдиган бўлганди. Бизнесда орттирган ошналари: энергетика соҳасидаги Ройтман, ўрмончиликдан бойиган кавказлик Аметовлар уларни бирор марта ҳам алдаб кетмаган, садоқатли ҳамроҳлари, танишлари ҳисобланади.

Хозир улар ҳам оиласлари билан келишган, Сергейнинг отонаси ёнидан, столдан жой олишган. Лунин хотини ва консерватория аспирантурасида ўқиёттан ўғли Азизни олиб келган, у меҳмонлар столига қараб-қараб кўяди. Чунки у Лайлого тўғрима-тўғри ўтириб қолган. Ёнидаги дўсти Виктор - Чаенколар ўғли, ундан икки ўш катта, полицияда катта лейтенант бўлиб ишлайди. У кўзини бошқа шарқ гўзали Ойзодага тиккан.

Ройтманлар оиласидан унинг хотини ва соchlари жингалак, кўзлари катта-катта, юзидан ақллилиги билиниб турган эгизак йигирма ўшли Ева ва Сара қизлари жой олган. Аметов хотини, ўғли ва келинини олиб келган.

Қолган меҳмонларга ҳам эр-хотин учун таклифномалар берилганди.

Столларнинг охирроғида Гога ўтирибди. У тўйларга хотинини олиб келмайди. Лекин ёрдамчиси – қўриқчиси доимо ёнида. Гога шаҳарнинг эркатои, бир неча сауна, ҳаммом ва сартарошхоналари бор. Хизмат кўрсатиш соҳаси бизнесида у етакчи. Сергейнинг курсдошлари, мактабдаги синфдошлари, бошқа таниш йигит ва қизлар ҳам иккита столни эгаллашган.

Буровлар пулни ортиқча сарфлашни ёмон кўришади, шунинг учун тўйга жами юз элликка яқин меҳмонга жой буюрилган.

Ансамблъ ўйнаб, Мендельсон мусиқалари остида келинкуёв ўз жойларига ўтиришгач, тўй расман очилган ҳисобланди. Унгача вақтли келган меҳмонлар столларга жойлашиб, бир-бирлари билан танишиш учун бир ёки икки рюмка ичишта ҳам улгуришган эди.

Тўйни олиб борувчи, Юлиан деган йигит, меҳмонларга нав-

батма-навбат сўз бераркан, сўз айтгувчи табрик ва энг яхши тилаклар билдириб, сўзини охирида «горъко», деб келин-куёвга қаради.

Олтисоч шу ҳолига кўпчилик олдида ўшишидан орланиб, фақат бошини эгиб, қўли кўксидан ташаккур билдиришга ўтиб олди.

Сергей ҳам беихтиёр унга эргашар, натижада, бу қизиқ манзара бир томондан, келин-куёвни сипо кўрсатиб, қадрини ошириди, батъзи меҳмонлар, эскидан бу таъзим Русъда ҳам бор эди, деб эслашди.

Сўз Лунинга берилгач, у ажойиб ўхшатиш қилдик, йиғилганлар тўйиб кулдилар.

— Азиз дўстлар, — деб сўз бошлади у. — Қаршимизда жуда чиройли ёшлар. Лекин сиз уларнинг бир сифатига яхшилаб аҳамият беринг: қора қоплон ваmallа айиқ жуфтлиги. Қоплон аёл ўз ақли, эркак айиқ сахийлиги билан таникли. Ақд ва сахийлик бирлиги эса доноликка олиб келади. Донолик узоқ ҳамжиҳат ҳаётнинг асосидир. Ўйлайманки, қоплон хоним — Олтисоч қизимиз ўз ўлжасини бировга бериб қўймайди, ўз навбатида айиқнинг — Сергейнинг кенг, аммо залворли кучоғига жон деб бошини қўяди. Баҳт ва саодат умрбоқий бўлсин, горъко, деди.

Ёшлар унга ҳам таъзим қилишди. Лунин уларнинг тепасига бориб, «Горъко. Пантера айиқни ўпмагунча жойимдан жилмайман», деб туриб олди.

Олтисоч ойисига қаради. Ойгул опа уялиб, бошини бурди.

Олтисоч юрак ютиб, Сергейни лабига лабини қўйганди, у узоқ ўшишга тушди, шунда у жаҳл билан унинг оёғини босиб олди.

Сергей бир оёқда сакраб, тисланди.

Кий-чув, кулгу бўлиб кетди.

Аметов кулиб, росмана пантера эканми, ҳали Сергейни додини беради, деди.

— Сизларга ўзи шундай қилиш керак, — деб хотини кулди. Ўртани олиб борувчи, навбатдаги ашулачини тақдим этди.

— Таникли, ёқимтой қадронимиз Оксана.

Оксана тўғри самолётдан тушиб тўйга кириб келганди.

У Сергейнинг ўсмирилкдаги севгилиси ҳисобланарди. Оксана бир пайтлар Сергейнинг дил изҳорларига қулоқ тутмай, ўзини шоу-бизнесга уриб, юлдуз бўлишни орзулаганди. Ҳозир

эса ўсмирликдаги сап-сарық, қылтириқ, болакайнинг алп йигит бўлиб етишганлиги, айниқса, унинг ишлари туркираб, бизнес оламида қатта довруғ қозонгандигидан ҳайратланиб ўтишаркан, ичини ҳасадгами, аламга ўхшаш бир нарса кемира, ошигини қандай бўлмасин яна ўзига қаратиш режаларини тушиб қўйганди. Даврани олиб бораётган Юлиан унга сўз берганда, Оксана учун куладай фурсат тутилгандек эди.

Иккита ашулани кетма-кет айтиб бўлгач, у гапиришга тушди:

— Қадрдоним Сергей, сени аввалгидек яхши кўраман. Ўйлаб қарасам ҳаётда сенга ўхшаган йигитлар энг ишончли бўларкан. Шоу-бизнесда эришган ютуқларимни эса, хў ўша болаликдаги энг соф туйгуларнинг оний дамларига жон-жон деб алмашган бўлардим. Сизларга баҳт-саодат тилайман.

У ҳаводан Сергеяга ўпич юбориб, кўшиқ, куйлашта тушди. Бундан Олтинсочнинг ғаши келди.

— Унга қараманг, — деди Сергейнинг билагидан маҳкам қисиб.

— Олтинсоч, болаликда қандайдир мубҳам туйгулар бўлганди, ҳозир улардан асар ҳам қолмаган. Раشك қилишни бас қилинг.

— Энди ҳар доим раشك қиласман.

— Бу қанақаси?

— Шунақаси. Бошланишини ҳали иккимиз ёлғиз қолганимизда биласиз, — деда ҳазиллашди Олтинсоч.

— У ҳолда юринг, қочиб қоламиз, — деди Сергей.

Олтинсоч бошини сарак-сарак қилди. У хурсанд эди. «Эримни ҳеч кимга бериб қўймайман», деди ичида.

Юлиан меҳмонларни рақсга тушишга таклиф этди. Кўпчилик ўринларидан туриб, ўйинга тушиб кетишиди. Сергей Олтинсочга қўлини узаттанди, у вальс бўлса тушамиз, деб рад этди. Шунда қаердандир пайдо бўлган Оксана Сергейнинг қўлидан ушлаб, даврага тортди. Аввалига Олтинсоч бу ҳолга ҳайрон қараб турди. Сўнг қизнинг сурбетлигидан жаҳли чиқиб, Сергейнинг ёнига борди-да, уни ўзига тортиб, рақсга туша бошлади. Пайт пойлаб эрини четга олиб, унга танбех, берди:

— Биринчи рақсни келин ва куёв бирга тушишини билмайсизми? Ё сизларда бу қоидага риоя қилинмайдими? Сўнг рақсга тушмоқ учун эрга хотиндан, хотинга эрдан рухсат тегса, тўғри бўлмайдими? Ё буни ҳам ўргатиб қўйими? Шоу-бизнес ашулачисига сизни раشك қилмаслигим мумкин эди, лекин у тартибни унуттани учун қанчалар бетайнлигини намойиш қилди.

- Оксана ҳақида бундай деманг.
- Нима, унинг қандай қилиб шоу-бизнесга кирганлиги-дан бехабармисиз? Пул тикканмисиз ёки?
- Йўқ, ҳеч ким унга пул бермаган.
- Демак, у ўзини сотиб, қўшиқчи бўлган. Чунки бошқача йўл йўқлигини ҳамма билади.
- Бунчалик жаҳлингиз чиқмасин.
- Сиз мени кўпчилиги эътиборли, сўзи ўтадиган одамлар орасида обрўйимни тўкишга ҳақингиз йўқ, бунга йўл қўймайман.

Олтинсочнинг кўзлари қаҳрли тус олган, ориятли ўзбек қизига айланганди.

Мария Никитична вазиятни фаҳмлаб, келинининг ёнини олди. «Нега енгилтак Оксанани таклиф этдиларинг?» — деб Сергей билан Максимни қойиди.

Олтинсоч ўрнидан туриб олган, кўзлари ёнар, оқ келинлик либоси қорамагиз қоматига чиппа ёпишиб, заднинг ярим учик чироқларида уйғунлашиб чиройли бир манзара касб этгандики, унга қараган киши мағрур ва гўзал ўзбек қизининг латофатини сезмай иложи йўқ эди.

Лунин Олтинсочнинг ёнига келиб, нима бўлганлигини сўраганди, қиз бошини унинг елкасига сал тегизиб, ҳасрат қилди:

- Күёв билан биринчи рақс меники, уни инглиз қироли-часи сўраса ҳам рухсат бермайман.

Лунин бошини силкиб, Юлиан олдига бориб бир нима деди.

Юлиан жуда чиройли ташбех билан келин-куёвни ўргатага таклиф этди:

- Келин-куёв истаги бу кеча қонун. Яна биринчи рақс замонлар оша келин-куёвга берилади. Бу этикетни унутиб қўйганларга эса, Ўрта осиёлик пантера хоним — Олтинсоч келин эслатиб қўймоқчи, Марҳамат, вальс!

Сергей қўрқа-писа Олтинсочга яқинлашиб бошини эгди. Олтинсоч жавобан қўлларини ёзиб, таъзим қилди. Атрофда қарсаклар бўлиб кетди.

Олтинсоч назокат билан чап қўлини Сергейнинг елкасига қўйди. Сергей эса ўнг қўли билан Олтинсочнинг белидан ушлаб, чап қўли билан қизнинг ўнг билагидан туттганча куйга ҳамоҳанг тарзда айлана бошлади. Олтинсоч ёшлигидан рақс тўғаракларига бориб юрганлиги учунми, оқкушдек давра узра эркин чарх уради. Қора костюмдаги күёв бағридаги оқ либосли қорамагиз келиннинг оҳанраболи қарашлари, бошини назокат билан бир у ёнга ташлашлари, ўнг қўлида

келинлик либосининг узун этакларини йиғиб, оҳиста сузишлари худди кема елкани мисол рестораннынг силлиқ поли узра ажиб ҳилпирарди. Мехмонлар уларни ўраб олганча қарсак чалишар, ҳавас билан томонга қилишарди.

Ниҳоят, мусиқа тинди. Олтинсоч Сергейнинг қўлидан ушлаб, тўрт томонга қараб биргалиқда таъзим қилишга мажбур этди.

Мехмонлар кетма-кет келиб уларни табриклишар, Олтинсочнинг нозик қўлларидан ўпишарди. Биринчилардан бўлиб Лунин билан хотини уларни қизин табриклишади.

— Қандай шараф. Сизлар бизлар вальс тупшишимиздан ҳам ўтказиб юбординглар.

Лунин ва унинг хотини даврада энг яхши вальсга тупшишлари шу вақттача эътироф этиларди.

Аметов ҳам ганириб кетди.

— Сиз қизим, рақсни ҳам қойил қиласканси. Отангизга раҳмат. Ҳа, улар билан таништириб қўйиш вақти келмадими?

— Мен ҳозир.

Олтинсоч Иван Александровичга, кейин Лунинга қаради. Биринчи бўлиб Лунин югуриб келди:

— Қизим, нимани хоҳдаяпсиз?

— Ота-онамни ўз қадрдонларингиз даврасига олиб кириб, яқиндан таништирангиз, дегандим, — деди Олтинсоч фурсатдан фойдаланиб.

— Ақллисан-да, келин. Ҳозир яқин танишув ташкил этамиз.

Шундан кейин Лунин Сидиқмат ака билан Турдиматни аёллари билан ўз столига олиб борди. Ёшларга «Боринглар, қизлар билан танишинглар, рақсга тушинглар», деди.

Биринчи столга Лунин бошлиқ эркаклар йиғилишиди. Иккинчи столда Мария Никитична бошчилигидаги аёллар ўтиришиди. Ёшлар эса алоҳида столга ўтиришиди. Улар орасида Луниннинг ўғли, бастакор Азиз ҳам бор эди. У боядан бери Лайлодан кўз узмас, нега бу қиз бунча хомуми, — дея ажабланиб кўярди.

Ўзаро сухбат, тостлар орасида яқинлик юзага келди ва юзма-юз боқиб дилдан ширин тилаклар билдирилди.

Ёшлар ҳам бир-бирини топиб олишиди.

Ўйин-кулгилар, шўх мусиқа Сайрамдан келган ёшлар тутул катталарни ҳам баробар ўйнатарди.

Навбатдаги рақс мусиқаси чалинганда Азиз тўғри бориб

Лайлони рақсга таклиф этди. Лайло бошини күтәрді-ю. Азизнинг шишадек тиниқ күзларини күриб, мовий дөңгиз қаъриға сингиб кеттәндек бўлди. Бироқ дарҳол ўзини қўлга олиб, умумий рақс бўлса, майли, аммо жуфтлик рақсга тушмайман. деди, Азиз эса нима қиларини билмай, унинг тепасида серрайтанча туриб қолди. Кичик Луниннинг тепасидан нари кетмаётганлигидан хижолат чеккан Лайло ноилож уни ўтиришга таклиф этди. Азиз жон-жон деб унинг ёнига чўкди.

- Келинга ким бўласиз? — деди сўнг уни гапта солиб.
- Уқасининг хотини.
- Эрингиз кўринмайдими?
- У келмади.
- Сиз келиндан ҳам кўркам экансиз. Йўқ, у ҳам чиройли, лекин сиз нозикроқсиз.
- Комплиментлар учун раҳмат, лекин...
- Нимадир сизни хавотирга соляптими? Кўзингиздан кўряпман.
- Фол очиш керакмас, — деди Лайло ундан нигоҳини олиб қочиб.
- Менинг исмим Азиз.
- Лайло.
- Чиройли исм экан. Лайло. Яхши жаранглайти.

Лайло жилмайиб қўйди.

У Нодирдан айрилгач, қачондир кимгадир боғланишини ич-ичидан сезар, ёлғизлик жонидан ўтганди. Мана ҳозир ҳам, Лайло ундан кутилмоқчи эди, аммо аксинча, боғланиб қолди.

Умумий рақслар бир нечтаси кетма-кет тушилди. Орасида Юлиан сокин мусиқани қўйдириб: «Хонимлар рақси. Хонимлар кавалерларни таклиф этади», — деди.

Аёллар ўз жуфтларини топиб, танцага туша бошлилди.

Кимдир Лайлонинг қулогига ана Нодир, деб Азизни кўрсатди. Азиз Нодир бўлиб аксланди. Қиз унинг қаршисига биринки қадам қўйди, бироқ ўзига келиб тўхтаб қолди: Бу Нодирмас-ку. Кўзлари бошқа тусда. Сеҳр-жодулимасми?

Бироқ энди кеч эди. Азизнинг қўллари унинг белига ўтиб, бир қўли чап қўлидан ушлаб, майнин куйлар жўрлигига танцага тортганди.

Улар сокин ва дилларни қитиқловчи куй остида рақсга туша бошлидилар. Азиз Лайлого жуда яқин турарди. У кўкси Азизнинг кенг бағрига ботаётганлигини ҳис қилас, тортинар, аммо унинг қучоғидан чиқиб кетишишга ўзида куч топа олмас-

ди. Бу ҳам етмагандек, йигит унга шундай ўти термиларди-ки. Лайло бу нигоҳ, қаршисида чорасиз эди. У Азизнинг ни-гоҳидан уялиб, бошини йигитнинг елкасига тираб, кўзларини яширди. Рақс жуда ҳам узоқ давом этгандек бўлди унинг наздида. Лайлонинг юзлари қизиб кетганди. Шу боис рақс тугаши билан юзини ювиш учун аёллар хонасига югуради. Эшикдан чиқаркан, кимдир ортидан кузатиб келаёттанилиги-ни хис қилди. Аммо ўгирилиб қарашга ботина олмас, оёқла-рини зўрга судраб босаётгандек эди.

— Юринг, либослар кўрамиз, — деган овоз эшитиљди шу пайт қулоги тагидан.

Бу, шубҳасиз, Азизнинг овози эди.

Артистлар кийим алмаштирадиган хонада ҳеч ким йўқ, стол чирори хира ёниб тураг, ўртада кенг, лекин паст диван кўйилганди...

Лайло ўзига келганди, дивандаги ўтирас, Нодир уни силаб-сийпаларди. Бир пайт у Лайлони бағрига босиб, юзига охис-та ааб босди.

— Нодир, бўлди, қўйвор... — деб Лайло типирчилади.

— Лайло, мен Азизман, — деди йигит уни кетма-кет ўпаркан.

«Нега у алдаяпти?» — дея ўйлади Лайло ҳайрон бўлиб. — Ахир бу Нодир-ку. Фақат бўйлари сал чўзилибди, кўзларининг ранги бошқа. Сочлари қизғини, каштанрангми-ей. Ўзга-рибдими? Сал дадилроқ ва салобатлироқ бўлиб қолибди.

Азиз уни қаттиқроқ, қучганди, жаҳди чиқди. Бу ерда ро-мантика етишмайди, ҳаво кам, туриш керак, деб ўйлади, шо-шиб. У даст ўрнидан турмоқчи бўлганди. Азиз янада маҳкам-роқ ёпишиди. Лайло унинг бикинидан қаттиқ, чимчилаб олди. Азиз, ах, деди-ю, ноилож қучогини очди.

Лайло жаҳд билан эшикни ёпиб, чиқиб кетди. Аёллар хонасига кириб, юз-қўлинни ювди. Лабидаги бўёқнинг кетиб қолганлиги дилини хира қилди.

Унинг энди ҳуши жойига келаётгандек эди. Боя уни эрка-лаб ўтган, бағрига босган, ундан ҳам чуқурроқ ҳисларга ҳамроҳ қилмоқчи бўлган телба Нодири эмас, балки Азиз эканлигини тушуниб, уятдан юзи лов-лов ёнди.

«Менга нима бўлди ўзи?» — деди у ўз-ўзига гапириб. — Муҳаббатга шунча интиқманми мен? Ё бошқа ўлкаларда ҳеч ким билмайди, ҳар нарса қилиш мумкин деб ўйладимми? Бу бир дақиқалик кўнгил бўшлигими ёки ишққа маҳталлик?!

Шу пайт эшик тақилади. Лайло кўрқа-писа эшикни қия очганди, Азизнинг кўм-кўк кўзларига нигоҳи тушди.

— Сизга яна нима керак? — деди хуноби ошиб.

— Сумқанғиз...

Йигитнинг меҳрибонлиги ва эътиборлиларидан Лайло бўшашибди. Чунки у, энг аввало, одамлардаги шу хислатларни ёқтиради.

— Раҳмат, — деди бироз жилмайиб.

— Арзимайди...

— Азиз, менинг бир лаҳзалиқ ожизларимни эсдан чиқаринг. Бошқа бундай бўлмайди.

— Менинг ўйлашимча эса, аксинча,

— Мен бу енгилтакликин кўтара олмайман.

— Бу енгилтакликас, севилганлик меҳри-ку?

— Керакмас, илтимос сиздан, кетинг.

— Яхши, кўришгунча.

Азиз кетди. Лайло пардоз-андозини қилиб, ташқарига чиқса, ҳамон ўйин-кулаги авжида экан. Ҳеч ким унинг йўқолиб қолганлитини сезмабди ҳам.

## ШЎХ ДУГОНАЛАР

Олтинсоч ёнита Гулсумни чақириб, уни сўроққа тутди.

— Мен сенга Мақбални олиб кел дегандим?

— Мақбал иложини қила олмади. Эридан рухсат тегмабди.

— У ҳолда, ўзинг келишинг керак эди.

— Мақбал билмай, Ойзода ва Земфира га айтиб қўйибди.

Улар ёпишиб олишибди. Йўқ деганим ҳам ўтмади.

— Улар енгилтакроқ, мени ўялтириб қўйишса-чи?

— Ўзим хабардор бўлиб тураман.

— Яхши. Бир нима бўлса истаган пайтингда қўнфироқ қил.

Бу ерда аёл киши сал иршайса дарров муҳаббат таклиф қилишади, муносабатлар жуда оддий.

— Ҳозир навбат ўзбек куй-қўшиқларига! — деди бир пайт Юлиан микрофондан ҳаммага эълон қилиб. — Марҳамат, рақсада гўзал ва бетакрор ҳусн эгаси Лайло хоним.

Чамаси, ундан буни Сайрамдан келганлар илтимос қилишганди.

Лайло яшил, мовий ва қизил ранг аралаш узун қўйлак устидан юпқа матодан тикилган нимча кийиб олганди. Унинг қадди-бастига бу кийим жуда ярашган, у даврага чиққанида ҳамма унга маҳдиё бўлганча тикилиб қолганди. Оёғидаги, пошнаси ўртача баландликдаги пойабзали «Лазги» рақсига тушишга жуда мос эди.

Давра узра шўх «Лазги» мусиқаси чалина бошлади, Лайлонинг нимагадир руҳи тетиклашиб, қалбига қандайдир нур кирганди. У бутун кечада давомида худди ҳеч ким назарига олмай, менсимай, таҳқирлашгандек забун ўтирганди.

Азиз оддига келганда салдили ёриши, танцага тушиб бироз кўнгли кўтарилди. Кейинги воқеалар эса ҳамон аёллигини, кимгадир ёқиши, ёқканда ҳам эҳтирос, чуқур муҳаббат билан севилиши мумкинлигини англатди.

Ҳозир эса шу қиссалардан ҳисса қилиб ўйин қилиб беради.  
Ўшанда ҳам уни бундан ортиқроқ танишмасин-чи!

Лайло лазгининг шўх мусиқасига давра айланниб, оёқларини бир-бирига уриб, қўлларини ёзиб, белини чиройли бир томонга эгиб, сўнг бу ҳаракатларни бошқа томонга мослаб бажарар, бугун меҳмонлар кўзи унга қадалганди. Ёшлар ўрниларидан туриб кетдилар, Азизнинг кўзларидан ўтми, оловми чақнаб, турган ерида михланиб қолгандек эди.

— Оғзингни юм, — деди онаси ҳазиллашиб, унинг елкасига кафтини кўяркан.

— Шарқ, бу — класс, юқори даражадаги санъат, оий... — деди Азиз ҳаяжонланиб.

Онаси кулиб, эрига қаради.

— Мата Харидек рақсга тушарканми? — деди Лунин Лайлодан кўз узмай.

— Ундан ҳам зўр, жозибали.

Лайло энди елкаларини қимиirlатиб, орасида қабариқ кўксини дириллатиб, давра бўйлаб айланга бошлаганда, Гого деганлари бақириб юборди:

— Бошқа карашма қилма, рақкоса, ҳозир мени ўлдирасан!

Лайло оёқларини полга уриб, қўлларини галма-галдан юқорига чўзганча рақсини тутатди. Давра бирдан гувиллаб кетди. Ҳамма қарсак чалар, ёшларнинг кўпи эса оёққа қалқиб, бис деб қичқиришарди.

— Кимингиз бўлади? — сўради Лунина хоним Ойгул опанинг қулоғига энгашиб.

— Келиним.

— Эри қани?

— Ўғлимдан бевақт ажralганмиз,

— Келинингиз туами ҳали?

— Шундок,

— Эсиз, шундай гўзал... Накд шарқ маликасининг ўзи...

- Ҳа.
- Неча йил бўлди ўғлиңгизнинг қазосига?
- Уч йилдан ошди.
- Турмушга узатиш вақти келибди.
- Ҳа, инятлар бор.

Бу орада бошқа ўзбекча қўпшиқлар янграб, Сайрамдан келган катта-кичик меҳмонлар ўйинга тушиб кетишиди.

Лайло бироз ҳансира б, стулга ўтириши билан Азиз ёнига келиб, унга шарбат қўйиб узатди.

- Мен сизни яхши кўриб қолдим, — деди у эҳтирос билан. — Менга турмушга чиқинг.
- Илтимос, мени эсдан чиқаринг.
- Нега? Эрингиз йўқ экан-ку?
- Аммо мен учун ҳамон бордек.
- Ахир...
- Кечирасиз.

Лайло даст ўрнидан туриб, Ойгул опанинг ёнига борди. Азиз эса жиғибийрон бўлганча Лунина хонимга нималардир дейишга тушди.

Бу орада, кўпчилик рақсга тушаётгандан фойдаланиб, Ойзода ва Земфира йўқ бўлиб қолишганди.

Виктор Ойзодага бир-икки комплимент қилганди, у рози бўла қолди.

- Хоҳласангиз кечқурунги Красноярскни кўрсатайми?
- Мен бир ўзим бора олмайман.
- Кимни олиш керак?
- Дугонамни.
- Марҳамат. Кўпчилик билан қувнокроқ бўлади.

Ойзода Земфирани бирпасда кўндириди-ю, улар киши билмас чиқиб кетишиди. Пастда Викторни «Жип»ига ўтиришиб, шаҳар томон учиб кетдилар. Шаҳарга кираверишда Виктор тўхтади ва ўзига тенгдош йигитни олди.

- Танишинглар, Арсен.

Қизлар бошини силкидилар:

- Ойзода.
- Земфира.
- Нақд шарқлиқ исмлар.
- Худди шундай.
- Улар Қозогистондан.
- Қаердан? Жамбулданми?
- Қандай топдингиз?

— Менинг амакиваччам ароқ-ликёр заводини бошқарганди, Арсланбек, балки биларсизлар.

Қызлар бир-бирларига қараңды.

— Арсен, сен мени танимадингми?

Арсен савол берган қызга тикилиб қоюди.

— Ойзода? Нима қилиб юрибсан?

— Мана түйга келгандик. Дугонамиз эрга тетди.

— Виктор, ким уйланди?

— Ким, ким? Сергей Буров. Бутун шаҳар билади.

— Мен ҳозир сафардан келдим. Бўлмаса бориб табриклиардим.

Улар ортиқча сухбатни қўзғамай, шаҳарни қўзга ташла-  
надиган жойларини томоша қилдириб, қызларни қайтиб рес-  
торангэ келтириб қўйишиди. Йигитлар ичкарига кирмай, Вик-  
тор машинага ўт берди.

— Виктор, сени худо асрәди, мени ҳам.

— Нима, Арсланбекка Ойзода ким? Ўйнашми?

— Иккинчи хотини эди.

— Нима?

— Арсланбекни отиб кетишганига бир йилча бўлди.

— У ҳолда нега қызларни қўйиб юбордик.

— Мен учун Арсланбек тирик, унинг хотини билан айш-  
ишрат қила олмайман.

— Яхши. Унда сен унинг дугонасини танлассанг бўларди.

— Йўқ, у ҳам барибир бир ишга боғланган.

## ОЛТИНСОЧНИНГ БАХТИ ОЧИЛДИ

Ниҳоят, алламаҳал бўлганда тўй тарқади.

Меҳмонларни Лунин ўзининг шахсий меҳмонхонасига  
жойлаштириди. Эллик кишига мўлжалланган беш қаватли меҳ-  
монхонанинг иккинчи ва бешинчи қаватлари бўш эди. Лифти  
бор. Ёшроқ меҳмонлар, Олтинсочнинг дугоналари ва Лайлоб  
бешинчи қаватта, ёши улуғлар, шу жумладан Сидиқмат ака  
иккинчи қаватта жойлашди. Ойгул она Мария Никитична,  
синглиси Лидия билан янгаликка қолишганди.

Гарчи бу одат бу ерларда бўлмаса ҳам, Ойгул она учини  
чиқариб, мен қизимга яқинроқда бўлсан, деганлиги боис шун-  
дай қилишганди.

Сергей Сидиқмат ака айттанидек ичмади, ўзи чекмас эди,  
сипо ўтиради, фақат шу Оксана билан чиққан ишканни демаса,  
намунали эрга айланганди. Ўшантами, Олтинсоч якка

қолишганда уни қайта тартибга чақириб ўтирмади ва лекин ялтоқланиб қарамади ҳам. У биринчи қадамни эридан кутарди. Ҳозир Сергей бояти воқеаларни эслаб, кечирим сўрамасин, илоё, деб ўйларди.

Сергей, ўз навбатида, Олтинсоч қадр-қийматни ўрнига кўяди, шундай йўл топишм керак-ки, у билан орим букилиб кулиги бўлмай. Эрлик, ёрлик қиликларим Олтинсочга ёқсин, кейинчалик ҳам шу амалим, сўзим дилини қитиқлаб бағримга кирсан, деб хаёл қилас ва буни вақтлироқ, боя соатлаб куёв креслосида ўтирганда пишириб кўйишим керак эди, дерди.

Олтинсоч келин кийимида жуда гўзал кўринса-да, аммо расмиятчилик мақоми уни Сергейдан ажратиб турғанлигини ҳис қилиб, секингина деди:

— Сергей, мен келинлик кўйлакларимни ечишга ойимни чақираман, истасангиз, мамоқканинг ёнига чиқиб туриңг, илтимос. Расмиятчилик тутади. Энди ҳаётни бошлаш керак, нима дайсиз?

Сергей анқайиб Олтинсочга қаради: «Қандай оддий, лекин пурмаъно сўзлар, — дея ўйлади ичиди. — Ҳаётни бошлаш керак!». У Олтинсочнинг қўлинин сиқиб, хонадан чиқиб кетди.

Ойгул опа унинг лиbosларини ечиб, бежирим кутига жойлаб кўйишига ёрдам берди. Олтинсоч тунги кийимларини кийишидан олдин ваннахонада узоқ қолиб кетди. Сўнг трюмо олдида бироз пардоз қилиб, кулоқлари орқасига хушбўй атир сепди...

Мария Никитична кириб, уни ҳидлаб-ҳидлаб хурсанд бўлиб, тапириди:

- Бугуноқ ўрил сўранглар.
- Қиз ҳам, — гап қўшиди Ойгул опа.
- Эгизакми? Жуда соз!

Улар баробар кулишиди.

Ойгул опа қизини пешонасидан ўтиб, боя ресторанда ҳаммани қўрқитиб юбординг. Эрингни хафа қиласа, кўнглини ол қизим, деди.

Олтинсоч қўзини қисиб ва қўлинин тешиккулча қилиб кўрсатди.

Бу унинг ҳаммаси жойида бўлади дегани.

Сергей кириб, кийимларини шкафга вешалкласидаги тўқ ҳаворанг ҳалатини кийиб, хонага чиқди. Мария Ники-

тична иккита чашка билан кичик чойшакда дамланган сут со-  
линган қаҳва күйиб, биринчи қаватта түшди.

Олтисоч чашкага озгина қаҳва күйиб, ўрнидан туриб узат-  
ди. Ўзи ҳам ичди. У рўпарасида ўтирган ёрига кўзи тушар ва  
бу холатдан ҳаяжонланиши кўзгаларди.

Кейинги сафар у қаҳва узатаётгандан, ўрнидан турди.  
ҳаяжони яна хуруж қилиб, чашка қўлларидан чайқалиб, пол-  
га, гиламга тушиб синди. Сергей эса уни ушлаб қолмаса,  
балки пастта ийқилиб ҳушидан кетармиди.

Сўнг эри уни кўтариб, тўшакка ётқизиб, ойимни чақира-  
ман деганди, керакмас деган ифодада қўлини чайқади. Бир-  
зум ўтмай Олтисоч кўзларини катта-катта очиб, булар ме-  
нинг ҳис-ҳаяжоним, сизга муҳаббатим ҳадиги, деб ёрининг  
бўйнига осилди.

Эрталаб, соат ёттидами-саккиздами Мария Никитична  
уларнинг кичик уйига кирганда, ётоқхонаси эшиги ёпиқли-  
гидан қайтиб чиқиб кетмоқчи бўлди. Аммо, оналик қизиқув-  
чалиги ва биринчи кечадан кейин келин-куёв тепасига бо-  
риб ҳол-аҳвол сўраш, сутли чой бериш одатта киради. У ҳозир  
синглиси Лидияни чой тайёрлашга буюриб, ўзи биринчи кир-  
ганди. Ётоқхонанинг эшигини очди ва жуда бир гўзал, худди  
киноларда кўрсатиладиган, илоҳийлаштирилган эпизодларга  
хос манзарага қараб, кўзлари ёшланиб кетди.

Ётоқхона иссиқлигидан, узун ва катта иккиталик каравот-  
нинг худди ўртасида келин-куёв кийимсиз ётишар, факат бел  
томонлари ёпилган. Олтисоч, ўғлиниг оппок, қордек бада-  
нига қора зулукдек тирмашиб, чап оёғини тўшакда узун чўзиб,  
ўнг оёғини йигитнинг оёқлари устига ташлаб, тиззасини сал  
букиб ётар, хипча бели, ярим очилиб қолган ўнг кўкраги ҳар  
нафас олганида зрининг елкаси узра дириллаб қимиirlарди.  
Сергей оғир юқ ташиган ҳаммолдек қотиб ухларкан, мазму-  
нан яхши туш кўрармиди, мийигида жилмаярди.

Кетма-кет кирган Лидия қотиб қолди.

— Мария. Мен ҳаётимда бундай романтик саҳнани кўрма-  
ганман. Буларни қара. Худди эртакка ўхшайди. Илоё баҳтли  
бўлишсин. Ёпишиб, қапишиб кетганини. Келининг ҳам ўғлинг-  
ни яхши кўраркан. Бўлмаса, пулга ҳам бу муҳаббатни сотиб  
ололмайсан. Кечаги характерини кўриб, Сергей тамом қилас-  
ди, деб ўйлагандим. Адашмабман.

— Нимани айтаяпсан.

- Ушани, — деди Лидия, уларнинг ҳолатига ишора қилиб.
- Тирмасиб олганини қара.
- Яхши-ку.
- Үгаингни бор қувватини сўриб, тамом қиласа-чи?
- Эй, ганинг курсин.
- Барибир қандай латиф, романтик манзара.

Шу пайт Олтинсоч ўнта ағдарилиб чалқанча ётди. Энди унинг юzlари, қошлари, лаблари учуб, қора соchlари каравот бўйлаб ёйилиб, нафас олгани билинмай, кўкси қимирамай қотганди. Аммо, унинг қора кўzlари ярим очиқ қабоқлари ичидан ўткир ёлқини билан атрофни кузатаётгандек тууларди.

Мария Никитична шошиб синглисини қўлидан тортиб олиб чиқиб кетди.

- Чой бермаймизми?
  - Чарчабди келин-куёв, ўzlари уйғонишар.
- Ойгул она уларнинг шивир-шивиригига ўз хонасида чиқиб, ювинишгэ кирди ва беш дақиқадан кейин уларга қўшилди. Мария унинг бўйнита осилди.
- Раҳмат шундай қиз ўстирганингиз учун.
  - Нима ҳодиса юз берди?
  - Улар худди йигирма йил кўришмагандек, бир-бирларига ёпишиб олишибди.
  - Вой, шарманда, — деди Ойгул она ёноғига бармоғини сириб.

— Нега энди? Бу ҳаёт. Ёшлар замони. Севишин. Бола кўришсин, — деди Лидия жилмайиб. — Уларнинг ҳолатини кўриб завқим ошиб кетди. Мухаббатта барибир ҳеч нима етмайди.

— Нонушта қиласизми? — деди Мария, сухбат мавзусини ўзгартириб.

— Уларсиз нонушта қилсанак, таом татирмикин? — деб Ойгул она иккинчи қаватда ётган ёшларни имлаб кўрсатди.

— Йўқ, кутиш керак, — деди Лидия. — Бир жамулжам бўлиб, нонушта қилайлик.

Сергей елкасида босиб ёттан қорамаиз жононининг нафасини яқиндан эшитмай қўйгандан кейин, беихтиёр кўзини очди. Шундоқ оёқларига тегиб ёттан иссиқни сезиб, чапта ўтирилди. Ўтирилди-ю, кўзларига ишонмай қотди.

Олтинсочнинг бор туси уни қайта маҳлиё қилганди. Ҳозир у бу гўзалликка тегиб бўлмайди, деб ўйлади. Сочлари қора, отнинг қалин ёлидек, қошлари камондек тортилган, бурни

тик кирра, лаблари ўртача қалинликда, даҳани ўткир, бўйни узун, қулогининг остида холи бор экан, кўкраклари яхшиям яссимас, қўлга тўлиб илинадиган даражада, териси соғлом. Оёқлари осиёликларнига, айниқса шарқий осиёликларнига ўхшаш калта эмас, чиройли, узун. Уларнинг бирортасига кўл теккизмоқ мумкинмикан? Бўлар ажойиб кўркамлик инъомлари, деди бир ички овоз. Бироқ шу ондаёт, бошқа ички овоз ҳо-ҳолаб кула бошлиди.

— Ёғон айтиб лақиллатиш ҳам эви билан-да. Қани айт, бу кеча бу гўзалликка фақат назар солиб чиқдингми?!

Иргламок даражасида, ҳаяжонга тушган маҳбубангни ундан-да ортиқроқ, ҳадик, ҳайрат ва интиқлиқда эркалаганларинг эсингдан чиқдими? Ё у сен бўлмай, бошқа одамнинг жисми эдими? Сен ташқаридан томоша қилиб турдингми? Соатлаб бўсага тўймаган сенимасми? Лаблари, ёноклари, бўйинлари, кўкраклари ҳўл бўлиб кетмадими ўпичдан?

Сўнгра, бошқа ажиб, осмонда учгандек енгилилк туйган ҳолатлар-чи, эсингдан чиқдими?

Уни илоҳийлаштирмақдан эмас, севмақдан маъни излагин, кунда кучорингдан қўймаслик баҳтидан худо сени бебаҳра қиласин. Ёрга кўз қарашларинг билан эмас, эпкин муҳаббатинг билан тўймокликни ўйла, бедор ошик.

Сергей беихтиёр қўлларини чўзганда, қўллари ҳавода колди. Олтинсоч кўзларини очиб қолди. У аҳволидан уялиб, соchlари билан кўкрагини тўсди.

Қимирлай деса, кучли қўллар уни ушлаб олганди.

- Устимни ёнмабсиз ҳам.
- Шундай гўзалликни бекитиш бемаънилик.

Олгинсоч соchlарини тортса кўкрагини ёпишга етмади, шунда қўллари билан уни тўсди. Чунки, эри қўймай энгашиб ўтмоқ бўлиб, жунбишга келганди. У қиқирлаб куларкан, тескари ўгирилиб өлди.

- Айғим, кечаси уйқу бермаганлари ҳисобмасми?
- Улар кам.
- Эртага қолсин.
- Қоплон хонимнинг терилари силлиқ экан, ялтираши кўзни олади....

Барibir Олгинсоч сўзини ўтказди.

- Келиннинг уйғониш вақти бўлди. — деб у сирғалиб туриб кетди.
- Бунақа бўлса, асал ойи деб иссикроқ жойларга кета-

миз, ўшанда ҳеч қандай мажбурият бўлмайди. — деди хафамо малла айик.

— Буни аввалроқ ўйланг лозим эди, — деб пантера хоним ўзини ойнага сўлди.

Уларнинг овозини эшитиб, аёллар зинадан кўтарилаётганни эшитилди.

Ётоқхона эшигини улар очиб кирганда, Олтинсоч эгнига узун халатини ташлаб, тумбада кулиб эшик томонга қараб ўтирас. Сергей енги калта кийиб, ҳамон чўзилганди.

— Бўлди, туринглар, овозларингиз келди.

— Ўзим қоида шунақа, бизларга янгилик айтасанми?

— Суюнчиси бўлса айтаман.

— Йўқ, аввал келин поишшодан сўраш лозим, — деди Лидия.

— Ҳа-я, келин поишша, бизга қараб, кўзингизни бир кўрсатинг.

Олтинсоч уялиб уларга қааркан, кўзларидағи севинч порлаб турарди.

Мария ва Лидия унинг кўзларига қараб, гап тўқишиди:

— Келин кўзи шод экан, демак қайғу ёт экан, ёри мақбул бўлибди, яхши чопар от экан.

Сергей, чопар от менми, — деб иршайди.

Олтинсоч уни бикининга ширингина туртиб кўйди.

Ҳамма кулди.

Энди куёвдан сўрашг навбат.

— Сергей, жиаддий кўзимизга қара-чи.

Сергей жилмайиб, масрур қаради:

— Осмонча экан аҳди, топгани қарор баҳти, бўйнига чирмashiбди, зулукдек ёри нақди.

Олтинсоч гап қўшди:

— Севаманки, тирмашдим.

Бу гапдан ҳиссиёти жўшиб, эри унга қўл чўзганди, Олтинсоч уни аста койиди:

— Ойимлар, сингиллари олдида, иккинчи унақа қилманг.

Уят. Ундан кўра сўз ўйининга қўшилинг,

— Ошхонага тезроқ, тушинглар, қолган баҳрибайтни сутли чой устида давом эттирамиз, — деб опа-сингил пастга чиқишиди.

Олтинсоч ювиниб, тараниб, эгнига аяси орқали Лайлого берган буюртма билан келган тиззадан пастга тушадиган ипак, бели бурма халат, унинг ичидан бўйинини бўғзигача тўсган оқ тулли кофта, узун лозим, бошига чиройли дуррача ўраб —

барчаси түк қизил ва оч яшил аралаш тусда, оёғига учи юқориға күтарилган пойафзал кийиб чиқди.

Мехмонанда йиғилганлар «ваҳ» деб юбориши.

Мария Никитична ва Лидия ўзларининг бир хил рангли ҳалатларини яқинда кийган бўлсалар-да, келиннинг бундай сирли товланиб кийиниб чиқиши уларга эриш туолди.

— Яқинда сен бизни аёлларга ҳос кийинишга ўргатасан, — деди.

Тартиб-қоида бўйича биринчи тўй бўлса, бир қанча танишларини ҳам эртаси эрталабга чақириш лозим бўларди.

Аммо тўй чиндан Сергей учун биринчи эди. Фақат Олтинсоч тўй кўргани учун бошқа удумларни қилишга ҳожат йўқ эди. Мария Никитична эски чиройли удум ва одатларни ҳурмат қиласа ва уларни бажариш тарафдори эди. Сергейни ардоқлаётган келиннинг бояги тонги саҳна кўз ўнгидан кетмас экан, келинига меҳри янада тобланиб, у ўслимни албатта бахти қиласди, деган умидда кўнгли тўлганди. Никоҳ кечаси мана бундай бўлибди-да, деб ўзига таскин берарди.

Ойгул опанинг маслаҳати билан соат ўн иккода келин салом қиласиз, деб ҳаммага эълон қилиб чиқди, телефонда баъзиларга етказди.

Бошқалар, Иван Александрович, Сидикмат ака, Лайло, Турдимат ака ва Адолатхон, Гулсумлар ҳам келиши. Сергей Олтинсоч мўлжаллаган кийимда бўлиб, енги узун, ёнда тутмали ёқасиз ҳинд кўйлаклари сифат тиззагача тушадиган кўйлак ва юмшоқ материалдан тепаси борланадиган боғичли шим кийиб олганди.

Оёғида юмшоқ пойафзал. Фақат бошига ҳеч нима киймай, фарқини очиб, сочини чиройли тараб, атири сепиб тушди.

Мария Никитична ўғанини ҳам келини диқ билан кийинтиргани учун хурсанд эрига қаради. Иван Александрович келиннинг либослари, гулгун чехрасидан лол ўтирганди. Ўслининг ҳам иўрим тушиши унга матькул келди.

Эртадан бошлаб у хотини билан шундок турали-туман кийи-ниб юришни йўлга қўяди. Ҳар ҳолда у шу ниятни дилига тутди.

## ЛАЙЛО АРОСАТДА

Азиз уни қандай кўндириди, қиз ўзи ҳайрон.

Ҳозир шаҳардаги қизиқарли жойларга Лайло Азиз билан саёҳатта чиқишганди.

Аввалига Лайлонинг ҳусни, гўзаллиги Азизни лол қилган бўлса, энди унинг қалбан маънавий бойлиги, шарқона табиати, санъат ва мусиқани дилидан ҳис қилиши қизиқтира бошлаганди. Айниқса, унинг нозик муқомлари, рақс санъатининг чўкур кирралари, усуllibарини маромига келтириб рақста тушиши ҳар қандай кишини лол қолдирарди.

Шаҳарда қадими турк маданиятига хос кўргазмалар бор экан. Бу ерга Азиз қелавериб, улар тўғрисидаги маълумотларни ёд қилиб юборган, у қадимиуда үхшаган асбобни кўрсатиб, бу қадими хоразмликлар чалган асбоб бўлиши керак, деди. Кейинчалик туркий халқларни ўзаро қўшилиб кетиши, турли янги ерларга кўчишида келиб қолган, деб изоҳ ҳам бериб ўтди.

— Чалиб берайми. Менга рухсат беришади.

Азизга чиндан рухсат бришди,

У жуда эҳтиёткорлик билан битта куйни охирига етказмай чалди. У шарқ таронасига ўхшаган оғир куй эди.

— Қайдадир эшиттанман, лекин у куй бошқача эди, — деди Лайло.

— Бу куй янги, уни сизга атаб ёздим.

— Қачон улгурдингиз? — деб ҳайрон бўлди Лайло.

— Бутун эрталаб.

— Шунчалик тезми?

— Бироқ уни ҳали ишланадиган жойлари бор.

— Тушунарли.

— Ушбу куйни «Шарқлик Лайло» деб атамоқчиман.

— Менинг номимни қўйиш шартмас. Яххиси «Шарқ аёлининг қалби» денг.

— Бу ҳам яхши фикр. Бошқа куйимни, эҳтимол, шундай атарман, аммо бу фақат Лайло учун...

Сўнг бошқа жойлар ҳам кўрилгач, Азиз уни ўзи ишлайдиган консерваторияга бошлаганди, Лайло рад этди.

— Мени ўзгаларга кўрсатишга олиб бормоқчи бўлсангиз, айтиб қўяй, мен ҳали ўзимни намойиш этишга тайёр эмасман, — деб ҳазиллашибди. — Яххиси, ҳайвонот боғига кирайлик.

Красноярск ҳайвонот боғида Сибирь ўрмонларидан келтирилган совуқ ўлкага хос ҳайвонлар кўп экан. Бир жуфт Уссурийск йўлбарслари, қобонлар, зубрлар жуда қизиқарли туюлди Лайлого. Мўйнали ҳайвонларни томоша қилишаётганди Лайло анча тўхтаб қолди.

— Мунча чиройли мўйнаси, — деди оқ тулкини кўрсатиб.

- Янги йилда сизга шу песең мүйнасидан шуба совға құлаймы? — деди Азиз астайдил.
- Бизда қиши бұлмайды, хисоб. Бунга ҳожат йўқ,
- У ҳолда...
- У ҳолни қўйиб туринг, чарчадим, балки, пўстин ўрнига бирор ресторан, кафегами таклиф этарсиз, — деб йигитнинг сўзини шартта кесди Лайлло.
- Албатта, қаерга боргингиз келяпти?

Лайлло жон деб «У Максима»га боришта тайёр эди. Чунки тўй куни хотиралари, Азиз билан танишув лаҳзалари кун сайин унинг хаёлларини забт этиб бораёттанди. Аммо буни айтишга истиҳола қиласди. — Сизнинг таклифингизни эшитайлик аввал, — деди шу боис, буни йигитнинг ихтиёрига қўйиб.

Азиз Лайллонинг кўзларига қаттиқ тикилди. Киз уялиб нигоҳини ерга қадади. «Нега унинг қарашларидан уммон қаърига чўқаёттандек ҳаяжонга тушаман?» — деб ўйлади Лайлло.

- «У Максима» сизга маъкулми? — сўради кутимаганда Азиз.

Лайлло титраб кетди: «Фикримни ўқиб олдими, нима бало?»

- деб ўйлади ичида.
  - Майли, — деди йигитта сир бой бергиси келмай. Ресторанда Максимнинг ўзи йўқ экан.

Лекин официанткалар уларни дарров таниб, иззат-икром билан кутиб олишди.

Азиз озгина вино ичишни таклиф қиласди, Лайлло бошини сарак-сарак қиласди. Аммо йигит имо қиласми, официант, барабири, буюртмалар ичида вино олиб келганди.

Официант винони қўлига олиб, унга таъриф бераркан, бу ичимлик Франциянинг жанубида ўттиз йил сақданганлитини, таркибида қанд миқдори кам бўлганлиги боис кишига хуш ёқишини гапира-гапира, Лайллонинг ҳам қадаҳига ичимликдан қўйди, «Бурбон» виноси чиндан Лайллога маъқул келди.

Тустовуқ, гўштидан пиширилган таом ҳам ниҳоятда хушхўр экан. Винодан сўнг улар маза қилиб овқатланишди. Бу орада Азиз икки марта қадаҳларни янгилашта улгурди. Лайллога ичимлик ўз таъсирини кўрсата бошлиди, шекилли, унинг боши гир-гир айланар, вужуди тобора қизиб кетаёттанди. Азиз унинг ҳолатини сезиб, официантни чақирди-да, хисоб-китоб қиласди.

Ташқарига чиқишигач, сирғаниб кетмасин дея. Азиз Лайллони билагидан тутиб олди. Аммо ҳаял ўтмай, ўзи қорда сирғаниб кетиб, ерга чалқанча ағдарилиди. Лайллонинг қўлидан

ушлаб олганлиги боис, у ҳам йигитнинг устига юзтубан қулади. Улар ресторандан чиқишида пальто тутмаларини қадашга улгуришмаганди. Азиз күксидә қыздан тараалаётган ҳароратни түйди. Бунча олов бўлмаса бу қиз, деб қўйди ичида. Лайло уялиб шоша-пиша ўрнидан турай деганди, аммо оёклари унга қулоқ, солмай, Азизнинг ёнига, қорга гул этиб қулади.

У қиқирлаб кулар: қизиб кетяпман. Бу ер муздек экан, бирам ёқяпти, деб қорга ағанарди.

Мехмонхонага келишса, Лайло билан бир хонада жойлашган Гулсум қаергадир чиққанми, хона ёлғиз эди.

— Бир ўзингизни қандай қолдираман? — деди Азиз. — Ахволингиз тузукми?

— Кетаверинг, мен яхшиман. — дей жилмайди Лайло. — Кўп юриб чарчабман, шекилли. Уйкум келяпти, Хайр.

— Кўришгунча, — деб Азиз ортига қарай-қарай зўра чиқиб кетди.

## ШАМАН КУЛБАСИДАГИ ВОҚЕА

Азиз Лайлони одамлар чана учайтган янги майдон қолиб, эски чана учиш жойига таклиф қилганди. Бу ер баҳорги селдан талофат қўрган, анча хавфли бўлиб қолганигидан бехабар эди у. Лекин бу томонда ҳам чана учайтганлар бор экан. Улар кўпроқ жуфт-жуфт бўлиб келган ёшлардан иборат, кексалар ва болалар кўринмасди.

Азиз узун чаналардан бирини таинлди. Иккаласи битта чанага ўтиришди. Лайло унинг белидан ушлаганча пастта шўниб кетаркан, кўркувдан юраги қаттиқ ҳаприқаётганди. Ёнидан шув-шув ўтаётган арчаларнинг хушбўй ҳиди димогига урилар, ўзини гўё кенгликларда оёғи ердан узилиб, учиб юргандек ҳис этарди у. Чана тепачалардаги қорни тўфондек тўзғитиб кетган пайтлари қор учқунлари Лайлонинг юзига шовуллаб урилар, бундан эти жунжикиб кетган қиз бошини беихтиёр Азизнинг елкасига кўйиб оларди. Бу Азиз учун ҳам жуда гаштили эди.

Пастта чана билан шувиллаб тушиш осон, аммо тепага чиқиши анча мушкул эди. Лайло қанчалик чиранмасин, барibir, чарчоқ сезиб, чуқур-чуқур нафас олганча дам-бадам тўхтаб дам оларди. Азиз эса шошилмай уни кутар, кўлидан ушлаб юқорига чиқишга ёрдамлашарди.

Улар бир неча марта тепаликка чиқиб-тушишганда кун огиб қолганди.

- Шу охиргиси, - деди Лайлло чанага ўтираркан.
- Жуда чарчадингиз-а?
- Ҳа.

Азиз яна чананинг тумшүрини пастга тұғрилади.

- Бу сафар чанани мен бошқарсам-чи? - деди шу пайт Лайлло кутилмаганда.

Азиз ҳам ўйлаб ўтирмай рози бұлды.

Лайлло олдинда ўтираркан, ўзини кема капитанидек ҳис қылди. Атрофида күпіриб ётган қорлар эса худи мавж уриб ёттан тұлқинлар каби. У күзимга түшяпты дея, қалпоқчаны ечиб қўйганди, сочи елкаси узра ёйилиб түщди. Азиз оёғи билан силтаб чанани юргизди. Ҳаял ўтмай шувиллаб пастга уча бошладилар. Лайлло чанани эпчиллик билан бошқариб бораркан, иложи борича олдинги излардан чиқмасликка ҳарарат қиласади. Салгина издан чиққудек бұлса, бир томонга қийшайиб чанани измига солар, у бир томонга оғанда. Азиз ҳам бирга ёнбошта қийшаярди. У Лайллони авайлаб күчоқлааб олганди.

Лайллонинг соchlари шамолда ҳилпираб, чана бошқаришига ҳалақит берарди. Тасмача билап борлаб олишим керак экан, деб қўйди ичиде ва ўнг томонга салгина эгилди. Энди шамол соchlарини бугунлай юзига ёшиб қўйди. Унинг кўзи ҳеч нарсанни кўрмай қолганди. Шу ҳолда бир неча метр учышди. Азиз йўлдан чиқиб кетганиларини сезиб қолганда, анча кеч бўлганди. Лайлодан хавотирланганидан унинг белидан маҳкам күчоқлааб олди. Чана пиддат билан жарлик томон қуларкан, улар ҳавода бир муддат қотиб қолгандек бўлишди гүё...

Азиз кўзини очганда қор уюмiga қоришиб ётар, ёнгинасида мук тушиб ётган қиз эса қимир этмасди. Йигит ҳовли-қиб уни чалқанча ётқизди. Юзини ва қўл-оёғини пайпаслаб кўрди. Назаридә, Лайллонинг вужудида ҳаёт асари йўқдек эди. Даҳшатли ўйдан бутун вужуди ларзага келди. Нажот истаб ён-атрофга аланглади ва икки юз метрлар нарида қўнқайиб турган кулбачага кўзи түшди. Ўйлаб ўтирмай, қизни даст кўтари-ди-ю, ўша кулба томон ошиқди. Аммо бир-икки қадам юриши билан сирпаниб кетиб, йиқилиб түшди. Яна юрди, яна йиқилди. Кулбагача қизни судраб бормаса, кўтариб боролмаслигини билиб, унинг қўятигидан қўлинини ўтказди-да, судрай бөшлади.

- Ким бор? Очинг! - деди кулба эшигини муштлаб.

Ёғоч эшик аянчли инграб, останада шаман тунгус аёли кўринди.

— Нима бўлди? — деди у тишиз оғзини хиёл очганча, Азизни ичкарига киришга ундаркан.

— Тепалиқдан қулаб тушдик.

— Тез олиб кир!

— Яхши кўрган қизингми? — деди аёл Азизга Лайлони ўринга ётқизишга ёрдамлашаркан.

— Ҳа.

— Кийимларини еч! Совуқдан қотиб қолибди-ку, бечора.

Азиз қанча уринмасин, Лайлонинг кийимларини еча олмас, совуқдан караҳт бўлиб қолган бармоқларида жон йўқдек эди гўё.

— Ўзинг ҳам тамом бўлибсан, — деди аёл кулба ўртасида липиллаб ёниб турган оловга ўтина ташларкан.

— Оловга яқин ўтири, ўзинг ҳам ҳўл кийимларингни еч, — деди у Азизга.

Унинг кулбаси узра айқаш-уйқаш тортилган ишларда ҳар кил доривор гиёхлар илиб ташланганди.

Тунгус аёли Лайлони ўзи ечинтириб, ёввойи ҳайвон терилари тўшалган энли каравотга ётқизди. Тагига оқ чойшаб солди. Ёстигида ҳам тоза жилд бор эди. Сўнг токчадан спирт олиб қизнинг баданига сурта бошлади. Термосдаги гиёҳ, дамламасидан қизга ичирмоқчи бўлди. Аммо Лайло ҳеч нарсани сезмас, тишлари бир-бирига ёпишиб қолгандек эди. Аёл ҳовлиқиб, унинг устига яна теридан бўлган кўрпа ташлади.

— Ишлар чатоқ, — деди сўнг бошини қашиб. — Қиздан совуқ ўтиб кетибди. Иситиш керак. Гулхан иссиги кам. Дўхтир чақириш керак. Одамларга хабар бериш лозим. Сен нимага индамайсан?..

Азизнинг ҳам совуқдан тишлари такиллай бошлаганди.

— Энди нима бўлади? — сўради аранг.

— Сен ҳам исимаяпсанми? Ма, ароқдан ичиб юбор, — аёл шундай деб унга ароқ тўла чашкани узатди.

Йигит ичиб юборди.

— Ростдан ҳам, яхши кўрган қизингми? — деди аёл Азизга синчков нигоҳларини тикиб.

— Ҳа, — Азиз беихтиёр нигоҳларини ерга қадади.

— Ундан бўлса, сен ҳам бутунлай ечин.

— Нега? — ҳайрон бўлди йигит.

— уни бағриннга оласан. Тана ҳарорати ҳар қандай совуқни кесишишга қодир. Қизни ҳароратинг билан иситмасанг, ундан айрилиб қолишинг мумкин.

- Ахир у... мен...
- Нима, сен?! — ҳайқирди аёл.
- Ү хоҳламаса-чи?
- Қизинг ҳозир шундай ҳолатдаки, ҳеч нарсаны сезмайди.
- Ҳимм...
- Бўла қол, вақт кетмасин.. Мен қизнинг кийимларини гулхан атрофига ёйиб қўяман...

Азиз гулхан атрофида анграйиб турганди, тунгус аёл бақириб юборди:

— Нима, қиз қўрмаганмисан?!... Ёнига ўт... Мен ҳозир ёрдам чақиришга кетаман...

Азиз беихтиёр Лайлло томон юрди.

— Бу қиз жуда сулув экан, — деди аёл ўзича тапириниб.  
— Аммо, сен унга мос эмассан... Эсиз... Аммо вазият шуни тақозо этади... Бошқа дармон йўқ... Ҳали бу кечани бир умр эслаб юрасан... У тушларингта кириб, бутун умр ҳаётингни таъкиб қиласди.. Лекин бошқа илож қани? У қучорингда терлайди. Қўйиб юборма. Тер баданларидан сув бўлиб оқади. Аллаҳлаб, туриб кетмоқчи бўлади, аммо, қўйиб юборма. Қўл занжирларини бўшатма. Бағрингта босиб ётавер. Ёнбошлаб олгин. Нафаси қайтиб кетмасин. Тер оқиши тўхташи билан ўрнингдан туриб, чойшаб билан баданларини арт. Устини янги чойшаб билан ўраб қўй. Сўнг кўрпани ёп. Ўзинг ҳам терларингни артиб ол. Чойшабларни кетма-кет қурит, қиз терлашдан тўхтагандан, уни кийинтириб қўйишни унутма. Термосдаги қайнатмадан ичир. Шифо бўлади. Мен бир-икки соатларда одамларни бошлиб келаман. Балки, вертолёт беришар.

— Бу отамнинг телефон номери, — деди Азиз аёлга қоғозча узатиб. — Фамилияси Лунин, эслаб қолинг.

— Яхши, — дей тунгус аёл шошилганча ташқарига чиқиб кетди.

Азиз тунгус аёл айтганидек, Лайлони оҳиста бағрига босди...

Азиз энди холи қолишганда, даво учунми, ё астойдил хоҳини, истагига майл берибми, қизни қаттиқ кучоқлаб олди. Ва бир зум ўтмай у қолиб ўзи қизиёттанини хис қилди. Кўзлари тундлашиб, қулогининг остида майингнина овозда аёл кишининг мени исит, мени ол, деган товушини эшийтандек бўлди. Аммо қиз хушсиздек, ҳатто инграмай ётарди, йигит тунгус аёл айтган зарур ишни ҳам бажариб, қизни ёнбошига олиб, кучогига тортди.

— Нахот одамлар етиб келолмаса, менинг нафим тегар-  
микан? Шундай қызни нобуд қылсам, бир умр маломатта қола-  
ман. Чана учишга олиб бориб, балога гирифтөр қылдым-а уни.  
Бұлмаса, айттанды-я, кийимларим юпун деб. Мен ахмок қулоқ  
солмадим, — деде ич-этини ерди у.

Күп үтмай қызы бир инграб қўйди. Азиз хурсанд бўлиб кетди.

У энди терлаб, исиди шекилли, ҳаракатта тупиб, оёқлари  
 билан тепиб, устини очиб ташламоқчи бўлди.

Азиз унинг нозик оёқларини оёқлари орасига олиб қисди.

Қиздан тер оқиши кучая борди. Йигит ҳамон уни кучоги-  
дан қўймай, ёнбошига олиб, қўлларидан бирини белидан, бош-  
қасини қўлтиқ остидан ўтказиб занжир қилиб олган, кўкрак-  
лари орасидан кетма-кет оқаёттган терни сезиб, қызнинг соч-  
ларини ҳидларди. Қызы алаҳсираб, қўлларини тўшакка тираб  
турмоқчи бўлди. Нодирними чақириб, мени қўйвор, ёмон бола,  
сиқилиб кетдим, ҳаво етмаяпти, деб ёлворди.

Азиз ҳали вактли деб, уни кучогидан қўймасди. Қызы кучा-  
на-кучана бошини ҳолсиз ёстиққа ташлади ва лаблари шун-  
доқ йигитнинг юзига тиралади.

Яна озгина муддат ўтди...

Тер оқиши қандай бошланган бўлса, шундай тўхтади.

Йигит туигус аёл айтган қейинги вазифани бажаришга  
ўтди. Ўрнидан тура солиб, қызни терлаган баданини чойшаб  
 билан артиб, қуритиб янги чойшабга ўради. Устига катта тери<sup>1</sup>  
кўрпани ёпди. Ўзи гулханга яқинлаб терларини қуритиб, ки-  
йимларини кийиб олди. Гулханга ўтиң ташлади. Дамламадан  
қуийб ичди.

Бироз ўтиб қызы яна терлади. Йигит унинг терларини ар-  
тиб, янги чойшабга ўраёттганда, у ўзига келди.

— Сув... — деди бу пайт Лайлло аранг инграб.

Азиз қызга ҳам дамлама ичирди.

— Мен қаердаман? — деди Лайлло ҳолсиз нигоҳларини  
унга тикиб.

Азиз энди оғиз жуфтлаганди, у яна уйқуга кетди.

Бироздан сўнг тўнгус аёл кириб келди.

Қызнинг бошини, оёқ-қўлларини ушлаб кўрди,

— Айттанимдек қылдингми? — сўради сўнг бунга ҳам қано-  
ат қилмай.

— Ҳа.

— Сен энди ташқарига чиқ. Қор кўп ёқсан. Машина кела-  
олмас экан. Гулхан ёқиб, сигнал берасан. Даданг вертолёт  
жўнатаркан.

— Яхши.

— Улар етиб келгач, қызға қиаган даво усулингни билиши шартмас. Оғзинің маңкам бўл, тушундингми? Чунки бу ерда бир аёлнинг тақдири ётибди.

— Айтмасангиз ҳам тушунаман. Агар у мени деса, жонимни ҳам беришга тайёрман, Лайлонинг қадр-қиммати баҳосиз. Тилло ҳам тенглаша олмас...

Азиз шундай деб, машъала кўтарганча ташқарига чиқиб кетди.

Тунгус аёл қизнинг баданларини яна бир бор спирт билан артиб, юз-кўлларини ювиб қўйди.

— Қандоқ ажойиб, кўз тушса, ҳатто хотинлар ҳам ҳавас қиласидан жувонлар бор-а, — деб қўйди ўзича.

Вертолётда тиббиёт ходимлари ҳам етиб келишганда Лайло тунгус аёлнинг чойига тоғ асали қўшиб ичиб ўтирганди.

Дўхтирлар Лайлони текшириб кўриб, унинг бироз шамоллаганини аниқлашди.

— Шаман аёл сизни яхши даволабди, касалингиз хавфсиз, — дейишиди улар Лайлони курсанд қилиб.

Ҳамма вертолётта чиқаётгандай Азиз шаман аёлга миннатдорчилик билдириб, унинг қўлини ўшиш учун энгашди.

— Оғзингта маңкам бўл, — деди аёл унга кўзларини мұғамбirona қисиб.

## АЗИЗ ҚЎЛИНИ СЎРАДИ

Касалхонада Азиз эрта тонгда уйғонди. Секин ўрнидан туриб, Лайло ёттан палатага кирди. Қиз ҳали уйғонмаган экан.

Йигит оҳиста хонадаги диванга ўтирди. Лайло оддий, бўз ҳалатда ҳам ниҳоятда кўркам кўринарди.

Шу пайт йигитнинг қулоғи остида тунгус аёлнинг сўзлари яна бир янграб кетгандек бўлди. «Бу шарқ аёли, дурдона. Сен унга мос эмассан. Лекин илож қанча? Уни қучорингта ол, кўксинг бир умр ёниб юради. Уни кейин унута олмайсан».

Лайло товуш чиқармай, ҳамон ухларди. Ҳатто пишилламасди ҳам. Азиз унинг нафас олишини эшитиш учун секин бориб, қизнинг каравоти ёнига чўқди. Сўнг бошини унинг ёстиғига қўйди. Қизнинг майин нафаси уни аллалагандек бўлдими, бир зум кўзлари илинибди.

Бир пайт Лайло кўзини очса, шундоқ бурнининг тагида

Азиз пишиллаб ухляпти. Олдинига чўчиб кетди. Сўнг йигитга синчикалаб разм сола бошлади.

Қизиқ, нимаси биландир у Нодирни эслатарди. Бирдан юраги сиқилиб, секин йўталди.

Азиз чўчиб кўзини очди.

- Кечирасиз, ухлаб қолибман. — деди сўнг хижолат бўлиб.
- Ҳечқиси йўқ.
- Тузукмисиз? Уколга келишдими?
- Соат тўртда укол олгандим.
- Мен ҳам. Ўшандан бери уйғоқман.
- Нимага?
- Уйқум келмади. Яна сизни пойлаб ўтирдим.
- Раҳмат, уйқучи пойловчи.

Азиз унинг илмоқли гапидан астойдил кулиб юборди.

Лайло соатига қаради: ети ярим. Жисмоний машқлар қилиш пайти бўлиди.

- Менга рухсат берасиз, машқ қилишим керак, — деди ўрнидан туриб.
- Сиз жисмоний машқ қиласизми?
- Ҳа.
- Кўрсам бўладими?
- Йўқ. Яххиси, хонангизга кетинг.
- Бирга нонушта қилишга рухсат берасизми?
- Майли, чунки бир ўзимни бегона жойда қолдирсангиз бўлмайди. Ошхона қаерда ўзи?
- Ўзим олиб бораман...

Шундан сўнг Азиз истар-истамас ўз хонасига йўл олди ва соат саккиз бўлиши билан яна Лайлонинг хонасида пайдо бўлди.

Лайло, эгнида сариқ кўк аралаш рангли халат, то болдиригача шу тусдаги лозим, бошига сариқ дуррача ўраб, Азиз билан ёнма-ён ошхонага киришганда, касаллар унга қараб ўтирилишиди. Улар кўзидағи завқ-шавқни кўриб масрурланган йигит Лайлони қўлидан ушлаб олди.

Нонуштага ёрмадан бўтқа, қайнатилган тухум, сариёв ва қора нон ейишди.

Улар ошхонадан чиқишилари билан, Сидикмат ака, Ойгул она, Лунин ва унинг рафиқаси кириб келишиди. Лайлодан ҳолаҳвөл сўрашди.

- Биз бугун Сайрамга кетамиз, — деди Сидикмат ака Лайлонинг аҳволи анча яхшилигидан севиниб. — Сизни эса уч кундан кейин дўстларимиз кузатиб юборишади.

- Албатта, биз Лайлони тузатиб, жонажон юртига жұна-  
тиб юборамиз, — деди Лунин кулиб.  
— У Ўзбекистондан.  
— Эй, шундайми? Үнда Самарқанд ёки Бухорога жүната-  
мизми?  
— Тошкентта, — деб Сидиқмат ака жилмайди.  
— Чиройли келинлар Тошкентда туғилишини билиб күйи-  
шимиз керак экан да, — деди Лунин ҳайратини яширмай.  
Лайло кечаги воқеаларни эсламас, эслагиси келмас, эсон-  
омон қолганига шукрлар айтты, албни үзидан қидирар, агар  
чананинг одига маҳмадоналик қылыш үтириб олмасам, бу таш-  
вишлар ийүк эди, деган үйда юради.  
Процедуралар бошланиб, ҳар ким үз хонасига кириб кет-  
ди. Лайло энди уқолларини олиб, доктор унинг ахволи тузук-  
лигини, яна иккى кунлик муолажа етарлигини айтты, олт-  
мишларга кирган Лобова деган бу врач аёл уни халатсиз эши-  
тиб күраркан, анкетасига қараб гапириди:  
— Сизнинг тананғиз үн саккиз ёшлиларни кидака. Аммо  
сизни жуда файриоддий, ажойиб ҳәёт кутаяпты.  
Доктор чиқиб кеттәч, Лайло ширин хаёлга чўмиб қолди.  
Сидиқмат акалар ўша куниёқ учиге кетишиди.  
Улар осонликча Лайлони Лунинлар оиласига, уларнинг  
ёлғиз фарзандлари Азизга, дийдорига тўйсин деб қолдирган-  
дек эдилар.  
Яна уч кун давомида Азиз Лайлого нонушта, тушлик, сайр  
қилишда, кечқурун бирорта кино кўришда ҳамроҳлик қилди.  
Лайлонинг хонасига Лунинлар телевизор ва видео келтириб  
беришганди.  
Турли дисклар ичида у Эдит Пиаф, Шанел хоним, Марга-  
рет Тэтчер ҳәёти, ҳинд фильмларини танлаган эди.  
Уруш, ўткир сюжетли олди-қочди кинолар ҳам, мистика,  
юлдузлар жанги фильмлари ҳам унга маъқул келмасди.  
Азиз унинг дидини тўғри баҳолади: шарқликлар сокин, фал-  
сафий ва романтик фильмлар ишқибози.  
Лайло унга бир гап айтди:  
— Ҳәётда ҳамма яхши яшашга интилиши керак. Шу билан  
бирга, одамлар турли вазиятларда үзини йўқотмасдан, викор,  
орини, қадрини туширмасдан, мағрур қолган инсонни ҳур-  
мат қилишади. Бошқалардан бўлак, оригинал, шу билан кўзни  
кувонтирадиган лиbosлар ҳам ҳавас уйротади. Оддийлик бу  
жўнлик эмас, мукаммаллик эса такаббурликтан фарқ қиласи.

Азиз унинг сўзларига тамоман қўшилган ҳолда, уни мақташ ёки қўллаб-кувватловчи сўз ўрнига, дилидаги бошқа гапини айтиб юборди:

— Лайло, сизни қаттиқ севиб қолдим, менга турмушга чиқинг.

Лайло жавоб бермай, оҳиста ўрнидан туриб, дераза ёнига борди. Қорға бурканиб ёттан дарахтларга боқиб, хаёлга чўмди. Уни нега тақдир Россиянинг совуқ ўлкаларига бошлаб келди, нега бу кўркам, кўзлари кўк, қараганда ўзига маҳлиё этадиган, чиройли йигит унга борганиб, қизнинг хаёlinи безовта қиласди.

У шу хаёллар оғушида қотиб тураркан, тик қоматига ярашган лиbosлари, оёқларини болдиригача ёпган қип-қизил лозими, оёғидан қўймайдиган учун қайрилма кўк пойафзали, устидан кўк-сарик халат ва бошига кўм-кўк шоқилдали яшил дуррачаси ўз ишини қилди.

Азиз Лайлонинг сарв қоматига суқ билан қарапкан, қалбida уйронган ҳаяжондан вужуди ларзага келаёттандек эди. У ахийри чидолмади. Секин ўрнидан туриб. Лайлого яқинлашди. Хаёл оғушидаги қизнинг белидан секин кучиб, бағрига босди, соchlарини ҳидлади.

Лайло ҳам беихтиёр унинг елкасига бош қўйди.

Шу пайт эшиқдан қичқирганча Лунина кириб келди:

— Мана мен, Лайло! — деди ўшодон қийқириб.

Лайло шошиб Азизнинг қучогидан чиқди. Лунина бироз нокулай аҳвозда қолди.

— Сизлар давом эттираверинглар, — деди сўнг эшикка йўналиб. — Пастда яна битта сумка бор. Ўшани олиб чиқамай.

У чиқиб кетгач, Азиз Лайлого яна яқинлашмоқчи бўлганди, қизнинг жаҳли чиқди:

— Мен бунга ортиқ чидай олмайман, — деди овозини баландалатиб. — Нега сиз доим мени таъқиб этасиз, андешалилигимдан фойдаланасиз?!

— Лайло, кечиринг, — деди Азиз астойдил. — Сизни севаман, шу ерда қолинг. Қўлларимда кўтариб юраман.

— Ҳеч қандай узр ўтмайди. Менинг сизга кўнгил қўйишим қийин кечяпти. Бунга ойим ҳечам розилик бермаса керак. Яна қариндош-урувлар нима дейди?!

Яна Лунина хоним кирди. У ҳамма гапларни эшитганди.

— Лайло, эртага соат нечада учасан? — деб мавзуни ўзгартиришга ҳаракат қилди.

— Кечки соат ўнда.

— Бутун жавоб беришадими?

— Ҳа, ҳозир доктор кириши керак.

Лобова кириб ҳамма билан сўрашди.

— Худо аёлни илоҳий қилиб яраттанига Лайлонинг қоматини кўриб иқрор бўламан, — деб у ҳеч нимадан бехабар сўз котди.

Лайло жуда секин овозда пичирлади:

— Раҳмат.

— Сизга нима бўлди? Овозингиз сўлгин.

— У ҳозиргина ўелим қўлини сўраб қилган таклифини рад этди, — деди Лунина афсусланаёттандек.

— У агар турмушга чиқса, ҳар қандай эркакни баҳтли қилади, — деди доктор. — Баъзи бирларга ўхшаб тез севиб қолмайди, шунинг учун дарҳол рози бўла қолмайди-да.

Лунина ўғлига қаради. У эса Лайло қошида сажда қилгандек, кўзлари тошиб, у томонга бўйинини чўзигб туради.

Эртаси куни Буровлар хонадонида Лайлони кузатиш маросими бўлди. Бу ерга Лунинлар ҳам келишди.

Олтинсоч Лайлони қучоқлаб хайрлашаркан: «Азизга тега қолинг, мендан Лунина хоним роса илтимос қилди, ўели ўйланаман деган сўзни сизни кўриб илк бор оғзига олибди, унда фарвоналиқ ўзбеклар қони бор», деди.

У астойдил айтдими ё йўқми, Лайло тушунмади. Лекин Олтинсочнинг севгидан баҳти очилиб, қадр-қимматли хонимга айлананаёттани аниқ эди.

Олтинсоч янги-янги либослар, кийимларда кўриниб, бу уйнинг кўркига кўрк қўшарди. Уни Мария Никитичнадан тортиб Иван Александровичгача, ошпаз, хизматкорларгача хурматини жойига қўйиб, сўзини икки қилишмасди. Сергей эса баҳтдан, севги фарогатидан ҳамон етгинчи осмонда учарди. Унга хотинининг сўзи қонун. Олтинсоч эса унга бўлган муҳаббатни сунистеъмол қилмай, босиқлик ва ақл билан иш юритарди.

Лайло Олтинсочнинг оиласида ўзини тутишига қойил қолиб, ҳатто Ойгул опага мақтагандан, у ҳам тошиб, қизимдаги доноликдан ўзим ҳам лол қолдим, бу унга қачон, кимдан ўтибди экан, деганди.

Лайло Олтинсочнинг Азиз тўғрисидаги сўзларига елка қисиб, мен онамнинг олдидан ўтишим керак, деди.

Эртаси куни Азиз «Тойота»да Лайлони аэропортта кузатиб кўяркан, хайрлашаётib ўпмоқчи бўлди.

— Керакмас, — деди Лайло юзини буриб. — Ўнич умид белгиси. Мен эса сизни умидвор қилмоқчи эмасман.

— Мен барибир сизни дейман ва кутаман...

Лайло орқасига қарамай индамай кетди.

## ХАЙРИХОН ОПА БОЙЛИККА УЧДИМИ, Ё?

Лайло уйига келиши билан ўқишига шўнғиб кетди. Азиз унга кунора телефон қилас, қиз негадир унга телефон қилманг деёлмас, агар шундай деса, совук ўлка хотиралари бирдан ўчиб кетадигандек, ичи бўшлиққа тўладигандек эди. Унинг хаёлида тўй кечаси, шовқин-сурон ичра мунгайиб ўтирганлари, ҳеч ким унга эътибор бермай сиқилганлари, сўнгра тепасида пайдо бўлган ажиб, феруза кўзли, баланд бўйли, нозик табиатли йигитнинг унга бўлган зътибори, бирга танца тушган ҳолату, артистлар хонасидағи ўпичлар тинимсиз чарх уради.

Қолдирган дарсларини етказиб олиш учун кунда уйда машқларни бажариб ўтиаркан, Азиз ҳар гал телефон қилганида, жуда сипо гаплашар, уйдагиларингиз билан гаплашмадингизми, деб қисталанг қилмас, об-ҳаво, ўзларининг уйларидағи воқеалар, Буровлардаги янгиликлар ёки Аметовнинг бир кечада Лайлони эслаб, умримда бундай рақсга тўзал ўйнаган жувонни кўрмагандим, дегани каби янгиликларни айтиб беради. Бошқа гал телефон қилганда февралда Францияга юборишлари мумкинлигини, Парижга бориш учун уйланган бўлиши шарт қилиб қўйилганини ҳам ростми-ёлғонми, қистириб ўтарди. Агар, Лайло унга турмуша чиқса, бирга боришини, йўқса қолишини айтиб, қизни қизиқтироқчи ҳам бўларди.

— Сиз яхшисиз. Ҳар қандай қиз жон-жон деб тегади, — деди унга жавобан Лайло.

— Буни сиз айтаясизми? Авваллари бунақа демасдингиз,

— деб ҳайрон бўларди Азиз.

— У олдин эди. Энди айтишим мумкин.

— Бу муҳаббатта ишорами?

— Йўқ, дўстликка.

Шунда Азиз нима деярини билмай жимиб қоларди.

Лайлонинг Азизга кескин жавоб айтишига онаси Хайрихон опанинг танбехлари сабаб бўлганди.

— Эсингни едингми? — деганди у Лайлодан Азиз ҳақида эшиттанида. — Бошинг алланиб қолдими? Олтинсочга ўхшаб совуқ, ўлкадан ошиқ орттиридингми?

— Ҳа, ойи.

— Вой, эсинг қурсин.

— Хўп десам, сиз розилик берсангиз, бир кунда учиб келади.

— Ким ўзи у, қизим?

— Мусиқачи, шарқ куйларининг ишқибози. Бастакор. Эътиборли оиласининг ёлгиз фарзанди.

— Вой, ниманг ёқиб қолибди унга?

— Ойи, муҳаббат чегара билмайди.

— Қаёқдаги гапларни айтасан. Ана домимиздаги Оппоқгул Туркияга бориб туркка тегтанди, олти ойда қайтиб келди. Боласи қорнида.

— Оппоқгул ўз қадрини билмайдиган қиз. Мана Олтинсочни ҳозир эри, қайната-қайнанаси бошита кўтаришяпти.

Лайло қайнэгачисининг у ерда хизматкорлари, боғонлари, ошпазлари борлигини айтганда, Хайрихон опа бирпасда юмшаб, лаққа тушиб, розилик бериб юборди:

— Агар сен ҳам ўшандай яшасанг, шунақа тўқис хонадон ва хизматкорларинг бўлса, сен ҳам анави Азизинг тега қол. Розиман.

— Ойи, эртага айниб қолмайсизми? Айтилган сўз — отилган ўқ.

— Айнимайман. Ўзимнинг умрим меҳнатда ўтди. Сени қадрласа, қулида кўтариб юрса, қийналмасанг дейман, қизим.

Лайло ичидаги онасининг соддадиллигидан кулиб қўйди.

Эртаси куни Хайрихон опа телефонда айтган шекилли, Адиба ҳовлиқиб келди.

— Азиз ким? — деди у ҳол-аҳвол сўрашар-сўрапмас.

— Сибирдаги танишим.

— Сенга мубталомишими?

— Ҳа,

— Унга тегасанми?

— Билмасам, мен турмуш кўрган аёлман. Бу ерда унчамунча оиласдан совчи келмаяпти. Нима қилай?

— Чиқиб қолар.

— Хотини юриб кетган, ўзи оппоқ эркакми?

— Нима, Азизинг йигитми? Уйланмаганми?

— Шунақа.

— Кимга ўхшайди?

— Кўзи кўк. Ҳа, мана расми.

У чана учишга чиқиштанида, Азизнинг телефонига туширган суратини кўрсатди. Жип машинаси олдида турган кўркам, нозик, балаанд бўйли йигитни кўриб, Адиба анқайиб қолди.

— Вой, Лайло, буни қай гўрдан топдинг? Кўзлари шиша-дек кўм-кўк-ку?!

— Ҳа, феруза осмондек кўк.

— Алдама, бирорта актёрнинг расмини кўрсатяпсан менга.

— Ҳеч қандай актёр эмас, Азиз деган ошиғим шу. Мусиқачи, композитор.

— Ростданми?

— Менга атаб иккита қўшиқ ёзибди, ҳозир ҳофизлар айтишаётганимиш.

— Қандай қўшиқ экан?

— «Лайло, восточная» ва «Классика чувств».

— Лайло сенми?

— Ҳа.

— Вой, сингилжон, роса омадисан-да.

— Туф-туф дeng, кўз тегиб қолмасин. Сиз розимисиз, иш-қилиб?

— Нимага?

— Менинг тўйимга-да?

— Ҳа, албатта, ойим рози бўлибдилар-ку.

— Шунака. Улардан кутмагандим. Пулга сотилдилар қўйдилар.

— Тўгри-да, камбағалнинг қўйнида ёттандан, бойнинг қўнжида ётган афзал.

Опа-сингил икковлари қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишиди.

Шу кундан бошлаб Лайлонинг қалбида ажиб ҳислар ғала-ён қилаёттанди. Азизни севиб қолаяпман шекилли, дея ўйларди ҳайрон бўлиб. Назарида, йигитта қалбини ланг очишга нимадир монелик қилиб тургандек эди. Диляда ғалати бир ғашлик ҳам бор эдики, бу ҳис уни Азиз билан йўллари айро эканлигини уқтирас, ҳаёти дарбадарликда ўтиши мумкинлигини ўйлаб, юраги сиқилар, негадир кейинги пайтда Юсуф тез-тез тушларига ҳам кираёттанди.

Эртаси куни Лайло Эски жува бозорига тушди.

Бозорга кираверишдаёқ, у ўша Юсуф кармонини қайтиб берган жойга келиши билан эски хотиралар унинг бошида ўрмалай бошлади. У беихтиёр қаймоқ бозори ичига йўл олди.

Бирпас қаймоқ сотувчилар рўпарасида тўхтади. Худди ёнига ҳозир Юсуф келади-ю, уни гапга солар ҳолатини кутди. Унинг кутилмаган қилиқлари, тантликларини эслади. Юсуф касалликдан фориқ бўлдими? Ёки отасига ўхшаш касалликни зонадаи орттириб яримта бўлиб қолдими? Уига, унинг ёш жонига ачинди. Балки соппа-сөғдир, турмадан чиқиб, Лайло эрга текканидан ғазабланиб, бошқа қизга уйланиб олгандир. Эсиз, борди-келди йўқ бўлиб кетди. У ниҳоятда чапдаст, ҳар нарса кўлидан келадиган йигит эди.

Лайло бу бозордан чиқканди, оёқлари уни кийим бозорига бошлади, кулоғига шивирлаб кимдир, у ўз дўконида, деб қизни шоширарди. Лайло шошиб бораркан, бир нимани ўйлаб тўхтаб қолди, қайси юз билан дўконига кираман? Нима деб сўрашаман?

У дўконга яқинлашиб қолганди, кимдир, кулранг костюм-шимда, дўкондан чиқиб, шу томонга қараб кела бошлади. Атрофда одамлар кўп, улар орасидан бир унинг боши, бир елкалари кўриниарди. У Юсуф эди. Кўлида калькулятор, у ҳисобкитоб қилган кўйи, бошини ҳам кўтармай Лайлонинг шундок ёнидан ўтиб кетди.

Лайло қараб қолдӣ.

У ўз кўзларига ишонмасди. Наҳотки, шу Юсуф бўлса?! Лайлонинг юраги гупиллаб ура бошлади.

Оладиган нарсаларини, бозорга нима учун келганини ҳам унуди.

Аслида Юсуф уни дўкондан шошиб чиққандай ёқ пайқаган, бунча чиройли келин ким экан, деб ўйлади-ю, дарров эслади. Қиз эса Юсуф ака мени кўрмадига чиқарганди.

Унинг эски яралари янгиланди. Лайло ҳақида сўраб-сүриштиришга бошлади.

## ЮСУФ ЯНА СОВЧИ ҚЎЙДИ

Салтанатхон Юсуфни шаштидан қайтармоқчи бўлди.

— Энди жувон оласанми? Бир ёқда уларнинг ҳеч нарсаси йўқ? Куруқ келадими?

— Ойи. Такаббурлик қилманг. Ўзингиз бундай кунларни кўрмаганмисиз?

Салтанатхон йиғлаб олди.

— Кўрганман.

Умар ака кирди.

- Яна нимага йиги. Ўғалинг келди. Бағримиз тұлды.
  - Ўғалингиз үша қыз уйига қайтадан совчиликка боринг деялти.
  - Бор. Лекин у турмуш қурған дегандинг-ку?
  - Бир ой ҳам турмаган, зри бехосдан үлган. Лайлө үшандан бери тул.
  - Қыз катта бўлиб, хунуқлашгандир, — деди жўрттага Умар ака.
  - Ҳечам, қайтага бирам лобар, кўхликкина жувон бўлган. Ана Юсуф ҳам кўрибди.
  - Бозорда тасодифан кўзим тушди.
  - Гапга солмадингми?
  - Шунча вақт ўтиб, маҳбус бўлган билан гаплашармикан, деган хаёлга бордим.
  - Тўғри қилибсан. Бирор ножӯя сўз қиласа, дилинг ўзи яримта, хуфтон бўларди.
  - Нима қилай ўғлим. Чиққанингдан бери уч-тўртта қыз кўрсатдик, йўқ дединг. Олим тоғангни дўхтирикни олтинчи курсидаги қизи ёққанди, шекилли.
  - Мен унга тенг эмасман.
  - Ҳо, нимага энди. Сен Юсуф шипачсан. Номингни эши-тиб, бермайдигани ҳам беради.
  - Эй, кўй, маҳмадоналийни. Бўладиган гапдан гапир. Ўғлим, балки ўзингни кўзлаганинг бордир? Дардингни айт.
- Жавоб ўрнига Юсуф ширали овозда куйлади:
- Яна сенга тушдию кўзим, яна дардим қўзради янги, бир вақт эдинг менинг юлдузим...
  - Ҳей, у қыз ҳали сенинг юлдузинг бўлмаганди, — деди Умар ака.
  - Бўлмаса бўлади, — деб Салтанатхон осилиб қолган кўйлагининг енгларини шимариб, хонтахтага тирсагини қўйди.
  - Эртагаёқ Лайлого совчиликка бораман.
  - Шошманг ойи. Қўнғироқ қилинг, эртагамас, чоршанба куни тайёргарлик кўриб, совға-повғани каттасидан олиб борсангиз.
  - Яхши, ҳозироқ телефон қилиб билай-чи, Улар нима деркин.
- Гўшакни Хайрихон опанинг ўзи олди ва Салтанатхонни таниб, иззатини жойига қўйиб узоқ сўрашди.
- Юсуф ўғалингиз келибди, эшитмабмиз, йўқлардик, — деди.
  - Ҳа, уч ойча бўлди. Мавриди келиб қолар. Шу баҳонада сизларникига яна совчиликка бормоқчимиз.

- Вой. Үглингиз касал бўлса?
  - Юсуф, ўшанда аlamdanmi, синашгами ёлғон сўзлаган экан. Ҳеч қанақа касали йўқ. Дўхтирдан қофози бор.
  - Шунақами айланай. Бизлар лаққа тушиб, қизимизни бошқа ерга узаттандик.
  - Эшидик, эсиз, бир ой ҳам турмуш кўрмабди. Ҳали қиздек экан-да Лайлло.
  - Узаттанимизга пушаймон эмасман. Шундоқ, бойвачча жойга тушдики, хизмат қилишдан чиқиб кеттан, айланай.
  - Хизматдан ким ўлиди. Бир томони акахонлари ёрдам беришди, Юсуфни дўкони яна иккитага ошган. Топиш-тутиши кўпайган. Керак бўлса, бизнинг уйда ҳам қўлини совуқ, сувга урмайди, хизматчи ёллармиз.
  - Билмасам, Лайлло нима деркин?
  - Кўз-кўзга тушса меҳр уйронади, айланай. Чоршанба куни тушда уйда бўласизларми? Бормоқчи эдик.
  - Майли келаверинглар.
  - Раҳмат. Кўришгунча, айланай.
- Салтанатхон қувониб гўшакни қўиди:
- Яхши гаплашишди. Энди натижасини чоршанба куни биламиз.
  - Онаси ўз йўлига, Лайлло нима деркин оий?
  - Билмасам, у бадавлат жойга тушган экан.
  - Ўшанга хонзодалардек виқорли тус унга қўнган экан-да. Кийиниши ҳам шунга мос.
  - Ҳа, болам.
  - Мен ҳам уни қўлимда кўтариб юраман.
  - У кўнмаса керак. Юрагим нотинч.
  - Эй, қанақа онасан, қўнгилни кўтариш ўрнига.
- Умар aka қўлини силкиб, жаҳл билан ўрнидан туриб кетди.

Юсуфнинг совчиларини – Салтанатхон ва овсини Марҳабони Хайрихон опа синглиси Сожида билан қадимгида очиқ чехра билан кутиб олишди.

Салтанатхон европа усулида яқинда таъмирдан чиқкан хоналарни, янги қимматбаҳо мебеллар, қандил ва сўнгти фасондаги дарпардаларни кўриб, худди бошқа уйга келиб қолган ҳолатига тушиб, тилини тишлаб қолди.

— Ўзгаришлар катта-ку, – деб овсини ҳам унга имлади. Улар ҳанг-манглигидан қалби? ғууруга тўлган Хайрихон опа киши билмас гап бошлади:

— Келинглар, эски қадрдонлар. Қариндош, уруглар яхши-  
ми? Юсуф тузукми? Ишларга тушиб кетдими?

— Ҳа, унинг ошиғи олчи. Ақахонларини соясида яна ўша  
мавқеларини тиклаб олган, давлати қўшилса-қўшилди, ка-  
маймади.

— Қизим ҳам пошпохон, эрка арзанда бўлган. Тушган жойи-  
дагилар унинг димогини кўтариб, ўзгартириб юбориши. Эски  
Лайло энди йўқ.

— Ундан деманг. Барibir таги бор-ку. Зотига тортади. Бу  
қизингиз, худо хоҳласа, борга ҳам, йўққа ҳам кўнадиган.

Хайрихон опа аслида бошқа нарса айтмоқчи эди, лекин  
такаббурлик қилиб, кибрдан сўзлаганини англаб, тилини тишлаб  
қолди.

Сожида сукутни бузиб, «Олинглар, сомсалардан, энди биз-  
ники бўлди», деди.

Совчилар ундан-бундан чўқиган бўлишиди.

Шу пайт эшик очилиб, Лайло ўқишидан қайтди.

У совчилар келишини биларди.

Кириб сўрашмай, қўлларини ювиб, ўз хонасига кириб кет-  
гани ҳаммага сезилди.

Мезбонлар хижолат, совчилар изза бўлишиди.

Хайрихон опа: Ана кўрдиларингми, дегандек Салтанатхон  
ва Марҳабога қараб, кўз уришириб олди.

Сожида чойни янгилай деб ўрнидан турди ва тезда ортига  
қайтиб ўтиради.

— Лайло олиб киаркан.

Меҳмонлар енгил хўрсиниб қўйишиди.

Орага бир неча дақиқа жимлик чўқди.

Ҳамма кейинги воқеалар ривожини кутарди.

Лайло қўлида чойнак билан кирди.

У ўз тахайюлига содик эди. Ўз хонасига кириб, оҳори  
тўкилмаган келинлик либосларини кийиб чиққанди.

Бошида дуррача, оёғига учи қайрилган пойафзалини ки-  
йишни ҳам унумаган, билинар-билинмас пардоз қилиб, ла-  
битга лаб бўёқ ҳам суришга улгурганди.

Овсини чап қўли билан Салтанатхон билакларидан қисиб,  
хайратини унга ошкор эттанди.

Лайло бош эгиб салом қилди.

Келганлар бараварига «кўп яшанг», дедилар.

Лайло ўтирамади. Икки оғиз улар билан сўрашиб,

— Уйдагилар яхшими. Ўғилларингиз келиб хурсанд бўлган-

дирсиз. Бошлари омон экан, Худога шукр. Менинг саломимни етказинг, — деди.

Виқор ва чиройини йўқотмай совчиларга удум бўйича бир пиёладан чой қуийб узатди ва нариги уйга чиқди.

Салтанатхон бу қадр-қийматини тушунган, келинлик сабогини мұқаммал ўргангандын қызы аввалги Лайлого сира ўхшамаслигига, ундан қанчалик юқорилаб кеттанига яна бир карра амин бўлди.

Хозир у яна, Юсуф менинг тентим эмас, унга тегмайман дейишга ҳақли мавқега эришибди, деб ўйлади.

Марҳабо эса ҳайрат ва иқтиносини тилига чиқариб сўзлади:

— Хайрихон опа, бу қизингиз бирам кўхлик келин бўлибди. Кийимлари, либосларини танлаганини қаранг, ўзига ярашибди, эски замонлардаги нозик дидди келинларга хос-а?

Сожида бу ёқдан гап қўшди:

— Чиндан ҳам шундай, Лайлони қайнатаси еру кўкка ишонмайди. Эрқалаб тагига «Ласетти»лар олиб берган. Сайрамда унга оғиз согланлар қанча. Уйланмаган йигитлардан яна. Ҳатто битта капитани Тошкентгача совчи бўлиб келди. Ўзининг институтидан ҳам оғиз согланлар бор. Энди ярим йиллик ўқиши битсин деб, совчи кутмаётгандик, опам нечук сизларга ижозат бердилар.

Марҳабо кулиб жавоб қилди:

— Энди бизлар бегонамасмиз. Эски совчилардан бўлсак, шунга Хайрихон опа бизга истисно қилдилар.

Хайрихон опа уларни эшитиб, бошқа гап айтди:

— Лайлони кўрдинглар. Бошида айттанимдек учча-мунча одам ёқмайди. Дуч келган жойда овқат чўқиламайди. Турли ҳашамлар, мол-дунёга ҳирс қўймай, ор-ғурурини деб яшаб келаяпти.

— Ниҳоятда дилбар бўлибди. Юсуф билан учрашувга чиқармикан?

— Билмасам.

— Илтимос. Кириб, кўндиринг. Чиқсан. Бекитмайман, учтўрт жойларга бордим. Ўғлимга қиз бола олиб бераман деб режа қилганман, лекин шу вақтгача унамай келаяпти. Сабаби, биринчи муҳаббати экан. Буни яқинда билдим. Юсуф тасодифан Лайлони кечагида дўкони олдида кўриб қолибди. Ўшандан бери эски дарди қўзиалиб, ороми йўқ. Эски муҳаббат янгисидан қадрли бўларканми? — деди Салтанатхон.

Овсини гап қўшди:

— Биринчиси, барибир биринчиси.

— Илтимос, кира қолинг.

Хайрихон опа совчиларнинг унга илтижода кўз тикиб туришидан ийиб, ўрнидан туриб Лайло олдига чиқди.

Улар орасида қўйидагича сухбат ўтди:

— Совчилар, Лайло Юсуф билан учрашувга чиқсин деб сўрашпти, нима дейсан? Ё йўқ деб жавоб берайми?

— Мусоғирчиликдан келибди, қийналган. Дилядаги бор умидини бирдан ўчирсак, оғир ботмасмикан. Майли, мен учрашувга чиқаман.

— Вой, қизим, ўт билан ўйнашма! Анаву Азизинг нима бўлади?

— Синов бўлади? Кимнинг муҳаббати кучли экан. Ёки менинг кўнглим қайси бирига кўпроқ мойиллиги аниқ бўлади.

— Одамни бирпасда гарант қиласан. Бундай ўйинларни мен ҳам, Адiba қизим ҳам билмабди.

— Ойи, бу ўйинмас. Ҳаёт, тақдирнинг чигалликлари.

— Яхши. Нима дейин уларга?

— Машинамни бугун таъмирлашта қолдирганман. Эртага соат бирга институт дарвозасига келиб турсинлар. Ўшанақаси уйимга ташлаб қўядилар.

Совчилар бу хабарни эшлитиб, суюнгандан хайларлашишни омонат қилиб жўнаб қолишиди.

Институт дарвозасига Лайло курсдошлари Ҳилола ва Қобиллар билан бирга чиқишиди.

— Машинангиз таъмирда экан, ташлаб қўяман, — деди Қобил.

— Менга машина ҳозир келади.

Қиз киши билмас аланглаб, кўчага назар солди. Шундок тўғрисида, ўн қадам нарида тўқ ҳаворанг «Каптива» олди эшигини очиб Юсуф туради.

— Ана келибди. Менга рухсат.

Ҳилола уни қучиб, кулогига шивирлади:

— Бойфрендми?

— Йўқ. Мақсадли.

Кулишиди.

Қобил жияни билан хомуш у томонга қарай-қарай кетди. У Лайло узатилгач, кетма-кет уйланди ва бир йилда ажратди. Хотини юрган йигити билан қайтиб топишиб олганди.

Шунинг учун у энди Лайлого умидвор. Лайлого оғиз солиб кўрганди, қиз кулди.

— Мен болали аёлни нима қиласиз? Сизга жон деб қизлар тегади.

Қобил озгина фурсат ўтиб яна бу гапни кўзғаганда, яхшиси беғараз дўст бўлиб қолайлик, буни ҳам истамасангиз, мен сиздан нарироқ юришга мажбур бўламан, деб қиз унинг шаштини ўлдирди кўйди.

Қобил дўстликка кўнди. Ҳеч қандай мажбуриятсиз, ҳис-туйғусиз, аҳамиятсиз нарсалар тўғрисида гапирадиган муно-сабатларга.

Лайло бошини кўтармай Юсуфга яқинлаб салом берди.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом, — деб Юсуф қотиб туради.

Сабаби, қиз кўзига янада малоҳатли кўринди. Одатда йи-гит ўзини йўқотмай, машинанинг орқа эшигини аввалроқ очиб туриши лозим эди. Юсуф эса ҳамон ўзига келолмай гаранг.

Лайло нокулай аҳволда эди. Нарироқда Қобил ва Ҳилола қараб турганини ҳис қиласди.

У шаритта орқа эшикни очиб ўтириб олди.

Шундагина Юсуф машинага чўқди ва ғудранди:

— Хаёл обқочди. Кечирасиз. Анча ўзгариб кетибсиз.

— Яхши томонгами ё...

— Яхши томонга, бирор уч-тўрт йил олдин айтса ишон-масдим.

— Мақтаб юбордингиз. Қани, мени қаёқда обормоқчисиз?

Вақтим кам. Бугун боғчада қисқартирилган кун, ўғлимни оли-шим керак.

— Ҳа, ўғлингиз. У каттами?

— Яқинда уч ёш бўлади. Исмини ҳам айтайми? Ёдгор. Эрим ўлганларида туғилган.

— Эрингиз...

Юсуф тамоман ўзини йўқотиб кўйган. Жуда жўн саволлар берадёттанига сабаб, Лайлони кимгадир бериб қўйгани, ундан бола тутгани ғашини келтираётганди.

Лайло эса бошиданоқ ҳужумга ўтиб, эрга тегтанига, ўғли борлигига, эрини гоҳи-гоҳида эслаб туришига Юсуфни муносабатини аниқлаштироқчи бўлар, миясида унинг ҳар бир сўзи, ҳолатини акс эттириб, таҳдилларди.

Юсуфга ҳозир бошқа гаплардан, келгуси ҳаётдан, истиқ-болдан гаплашиш лозимлигини ҳеч ким унга айтмаганди. У

зонада күрганлари: одамларнинг хатолари, зулмлари, босқинчилик, ўғрилик, мансаб сунистеъмоли, қасдан зарар етка-зишга ўхшаган воқеаларни эшита бериб, дийдаси қотиб кетган, ширин муҳаббат туйгуларини у ерда достон қиласиган кам, чунки умидсиз, мутелик ҳукмрон гўшада ишқ намолари сўнгандек эди.

Йигит таклиф этди.

— «Барлос»да тамадди қилиб олмаймизми, сиз ўқишидан чиқиб келаяпсиз.

Лайло унга илтифот кўрсатиб учрашганига ҳозир пушаймон бўла бошлаганди. Яхши тамадди қилиб бир-икки оғиз сухбат қиласману, қочаман. Юсуф ака руҳи бирар оғир бўлиб кетибди. Уларни роса эскича ўқитиш керак, деб ўйлади.

— Яхши. Мен рози.

Улар Навоий кўчасига қараган столга ўтириши.

Официант келди.

— Менга салат, битта қийма кабоб, икки кесим қора нон ва апельсин шарбати. Сиз нима буюрасиз? — деб Лайло Юсуфга секин назар ташлади.

— Менга ҳам шулар. Зонада ичак торайиб кетган.

Лайло яна Юсуфда камчилик топди.

Шунча йиллардан бери энди биринчи бор учрашувга чиқкан собиқ маъшуқасига нега чиройли гаплардан топиб гапириш ўрнига, қисматини эслатиб, юракни сиқиб, тушкунлик ҳолатини ҳамроҳига ўтказади.

Улар индамай тамадди қиласилар.

Юсуф тез ейишга ўрганиб қолган экан, овоз чиқариб ўзини буюртмаларини паққос тушириди.

Лайло унга ачиниб кетди-ю, аммо олдинги Юсуф ҳолатига уни қайтаришга кучи етмаслигига амин бўлди. Ё Юсуф ўзгарган, ё у ўсишда қотиб қолгану, Лайло ривожланишининг бошқа босқичига ўтган. Иккингчиси тўтири эди. Энди Лайлони кечаги кун хотираси эмас, эртанги кун истиқболи қизиқтиради.

Ҳозир у бир вақтлар Юсуф қамалганда, уни ўйлайвериб руҳий касал бўлиб қолганларини эслади. Бошига оғриқ кирди. Бир амаллаб кабобини яна бир бўлагини тишлади-да, вилка ва пичоқни тарелка устига ёнма-ён қўйди. Лайло шарбатдан хўпларкан, қаршисида бирор гап-сўз айтига олмай, ожиз, забун ўтирган Юсуфга қараб онасининг огохлантиришларига қулоқ солмаганига афсусланди: «ҳой қиз, ўт билан ўйнашма...».

— Лайло, ўшанда ёғон гапириб хато қиласиган эканман. Бир

домла айтганди: қисмат билан ҳазиллашма деб, афсус қулоқ тутмагандим.

- Ўттан ишга саловат.
- Лайло соатига қаради.
- Сизни овора қылдым. Зерикдингизми?
- Йўқ. Лекин уйга борадиган вақт бўлди.
- Мен ташлаб қўяман.
- Ўзим етиб оламан. Кўяверинг.

Лайло тезроқ Юсуфдан нари бўлишга шоппиларди.

Юсуф эса буни сезмади, аксинча, йўдига ноз қилаялти деб, қисталант қылди.

- Ўтиринг!
- Лайло мажбуран ўтирди ва тезда ойнани очиб қўйди.
- Нима, исиб кетдингизми?

Лайло, ич-ичидан сиқилганидан, бошқача жавоб берди:

- Илтимос, кеч қолямсан, тезроқ юринг?

Себзор катта кўчасида Лайло машинани тўхтатди.

Юсуф ҳайрон тормоз берди.

Лайло тезда хайрлашиб кўчанинг у томонига шошиб ўтиб кетди. Юсуф узоқдан машинани қайриб, кўчанинг у томонидан ўтаёттганда, оддидан йиғлаб келаётган дастлабки муҳаббатига сазовор қизга нигоҳи тушди-ю, унга етмасдан машинасини тўхтатди. У ўтирган жойида қизни кузатди ва унинг кўзларидағи ёшни артиб ўтаёттанини кўрди.

Юсуф гап нимадалигини тушунди.

Лайло учун у — Юсуф ўлган, ўшанга қиз аза тутиб кета-ялти, деб ўйлаб, бошини қимматбаҳо машинасининг бабина-сига қўйиб, хафақон уйга чўмди.

## ШАМАН АЁЛ БИЛГАН СИР

Отаси, тунгус аёл сени сўради деганида, Азиз шошганича:

- Қачон, қаёрда? — деб сўради.
- У ҳозир «Мерлион» марказида. Соат кеч саккизгача бораркансан, Аввал ошхонага чиқ. Бирга овқатланиб оламиз. Энди соат олти ярим бўлди.

Азиз иштаҳасиз озгина спагетти татиди. Апельсин шарбатидан ичиб хаёлга чўмди.

Шаман аёлнинг ўйқлаганини ўйлаб, хаёли Лайлого кетди, сув бўлиб оқаётган силлиқ бадан бағридан балиқдек талпи-ниб сирғалиб чиқиб кетишга ҳаракат қилас, Азиз кўлларини занжирбанд қилиб, уни ушлаб қолишга зўрга куч топар, қанот-

сиз балиқ эса талпиниб, талпиниб ҳорир ва ноилож тинчиб қоларди. Бироз вақт ўтиб, яна ўша ҳолат, кучанишлар авжига чиқар, пешоналаридан тер чиқиб кеттән халоскор эса, темир панжаларини бүштәмасди...

«Мерлион»да мижозлар тарқаб, шаман аёл бошқарувчига ҳисобот берип, одига қандайдир ёзувларни узатди ва Азиз қаршисига юрди.

— Бу ёққа кир.

Иш юритувчи ярқ этиб қаради, уларда мижозларга сиз деб мурожаат қилинарди.

Улар шаман қабулхонасидағы креслоларга рўпару ўтиришлари билан тунгус аёл сўради:

— Шарқ дурданаси тушларинги кирмаяптими?

— Тушларимга ҳам киради, хаёлимдан рухсори кетмайди.

— Бу — мен айттанимдек, бир умрли. Сабрли бўл.

— Шуни айттани чакирдингизми?

— Ҳа, хаёлпараст здинг. Шундай жонон тақдирингта тасодифан кирди. Энди тилинг чиқиб қолибди.

— Кечиринг. Мени нимага чақирганингизни билмоқчидим?

— Қизиқсинаяпсанми?

— Жуда ҳам.

— Сен энди тунгус шамани билан бир ишга боғлангансан, ўртада катта сир бор.

— Ҳимм...

— Аммо бу ҳаммаси эмас.

— Эшитаман.

— Сени йўлинг очиладиган кўринади.

— Наҳотки?

— Сен эртага, йўқ индингамикин, сезяпман, қизнинг юраги тошиб кетаяпти, яхшиси эртага кечки пайт улар вақти билан тўққиз-ўнларда кўнгироқ қил.

— Хўш.

— Январь бошида совчиликка борамиз: Мен, отам, онам деб хабар бер.

— Қанақасига. У розимас-ку?

— Рози бўлади, фақат у сенга эътиrozлар, шартлар кўйиши мумкин.

— Барчасига тайёрман.

— Ундай бўлса ҳозирлигингни кўр.

— Ҳозирлик? Нимага ахир?

- Яхши хабарларта, шодликка, бахтта.
- Наҳотки?
- Тўйларинг ўтса...
- Тўйимиз бўладими?
- Менимча, ха. Ўқиши бор, сен таътил вақтида отни қамнила. Тўй қисқа муддатда ўтиши керак. У айнаб қолиши мумкин.
- Бир кунда, йўқ, узори бир ҳафта. Муддати етарлими?
- Етарли. Бошингта шундай баҳт қўняпти, уни ардоқла.
- Тушунарли. Бўлдими?
- Йўқ, сен кейин у қалби гўзалини менинг олдимга олиб келасан.
- Қачон?
- Ўшанда ўзим маълум қиласман.
- Ҳозир айтинг.
- Сен кўзи очиқ бандалар, сирни кўтаришга ироданг етмайди. Яххиси сабр қил. Кейин ўзим тилсимни ошкор эта-ман.

### ҲОМИЛА КИМДАН?

Таня опа билан Лайлонинг сухбати оғир ўтди.

- Наҳотки бола кимданлигини билмасанг.
- Йўқ,
- Бирортаси ичириб қўйиб ёпишмадими?
- Ҳайронман.
- Эслаб кўр?
- Мехмонхонада, бир кечагина бир ўзим ухладим. Чарчагандим, қотиб ётдим. Бирор кириб тегиндими? Ундей десам, эшик қулфда эди.
- Эй, эшикни очиш иш эканми. Хизматчиларининг ҳаммасини тили бир. Қўшимча калитда очган қўйган, сенга бирордор ичиришган. Вассалом.
- Балки. Кечаси ўшанда бирор тимирскилагандай эди.
- Қачон?
- Азиз билан вино ичган куним.
- Бўлди, бола ундан.
- У бундай пасткашликка боришга қодирмас?
- Кел, ўзингни қийнама. Бўёғига нима қилмоқчисан?
- Бу ердагиларга турмушга чиқишига менга йўл ёпилиди.
- Эрга тегиши ўз йўлига. Нима деб бола турасан, ё олдириб ташлайсанми?

- Йўқ, уволи тутмасин.
- Исподини кўтариб юриш-чи, осонми?
- Чидайман.
- Бир умр-а? Шарқ халклари ичида-я? Энг қийшиги ҳам қалака қилиб, қўлини бигиз қилиб кулади.
- Сайрамга кетаман.
- Яхши келин, ардоғли келин кимдантир туғибди, деб уларни бадттар мазахлашади. Сидикмат акани, Ойгул опани бошини ҳам қиласан. Ўзбошимча қизи келтирмаган маоматни сендан улар қабул қила олишмайди.
- Бошим қотди.
- Сен у йигитта тегтин, Азизмиди? Севса сени жон деб қабул қиласди.
- Бу ҳолимда, уят. У рад этса керак.
- Сен айтгиб кўр. Бошқа иложинг йўқ,
- Айта олмайман.
- Келганда менга учраштири. Бир кўрай бу ошиғингни.
- Бир иш чиқмаса-чи?
- Олтисоч уйига бориб тұксан.
- Ҳа, бу ҳам бир йўл.
- Фақат унгача қорнингни дўппайтириб қандай юрасан?
- Билмасам. Академтаттил олиб, мазам йўқ деб, мартларда қочиб қоламан.
- Бўлади. Эҳ, жон қизим, бу ташвиш сенга қайдан ёпишиди?

Кеч соат тўққизда телефон жиринглади. Лайло, кўнгли бир нимани кутиб, ҳовлиқиб телефонни олди, чунки, Азиз кўпинч соат еттиларда қўнғироқ қиласди.

- Алло!
- Салом, Лайло.
- Салом.
- Яхшимисиз.
- Дуруст.
- Мен янги йилда, учинчи январда Тошкентда бўламан.
- Тошкентда, нечук?
- Ёнимда отам ва онам ҳамроҳлик қилишади.
- Яхши. Айлангани келяпсизларми? Ёки танишлар борми?
- Ҳа, бор.
- Авваллари Тошкентда яқинларим бор деб айтмагандингиз?
- Улар билан танишганимизга кўп бўлмади.

- Шунақами?
- Атиги бир ойча.
- Ростданми? Қизиқ?
- Улар ким деб сўрамайсизми?
- Лозим топсангиз ўзингиз айтарсиз?
- Айтаман. Улар сизнинг оиласиз.
- Нима? Сизлар бизнига келмоқчимисиз?
- Хўш. Хурсандмасмисиз меҳмонларга. Менга ўзбекларни меҳмондўст дейишарди.
- Бош устига. Фақат сўраш нокулай бўлаяпти...
- У ҳолда сўраманг. Бизни кутиб олиш шарт эмас. Манзилингиз?

Лайло унга манзилини айтди: Себзор мавзеи...

- Кўришгунча, яна янги йилда қўнғироқ, қиламан.
- Хайр.

«Ана энди Адиба опам унинг чиндан алламбало кўзларини кўрадилар», — деб ўйлади Лайло.

Унинг чехраси очилиб кетганидан Хайрихон опа дарров уни гапга тутди:

- Нима янги гаплар қизим?
- Янги гапмас, қизиқ гаплар.
- Хўш?
- Красноярскдан Азиз ота-онаси билан бизнига келишиштитти.
- Вой, нимага? Совчиликками?
- Билмасам. Бунисини айтмади.

Лайло шу нарсаға ақли етмаганига ҳайрон, деразага қараб юз ўтириб олди.

У бу хабардан юзи қизиб, ичи тошиб кетаёттанини ҳис қилди.

- Маслаҳат қилиш керак! Сидикмат ака адажонинг келармикин? — деб сўради Хайрихон опа.
- Кеча телефонда аяжон билан гаплашгандим. Ёдгорни соғиндик, янги йилга Тошкентта борамиз дедилар.

## ЛАЙЛО ВАЗИЯТ ҚУРБОНИ

Учинчи январда Сидикмат ака меҳмонларни кутиб олганда, юкларни олиш учун бироз ушланиб қолишиди. Учта катта гидиракли чемоданларни Жипига жойлаб йўлга тушишиди. Луннителар бари келишганди. Харитон Олегович Сидикмат ака-

ни ёнига ўтириб келаркан, Тошкентта қелмаганимга ўн йиллар бўлди, деб эслади.

Сидикмат ака гап қўшди:

— У ҳолда янги қурилишлар, йўлларни албатта кўрсатаман. Ўзгаришлар катта.

Лунина хоним Хайрихон опа билан қизиқди.

Сидикмат ака кулиб, қадр-қимматни биринчи ўринга кўядиган оддий, муомалали, меҳнаткаш ўзбек аёли деб, Лайлонинг кийимлари, либосларини кўпини онаси тикиб беришини айтганда улар, айниқса Лунина хоним қойил қолиб, бошини силкиди.

— Зўр талант. Ранглар танлаш, бежамаларини тикиш ва ўзбек келинининг қайтарилемас образига мос либос яратиш ўзимас.

— Олтисочга ҳам у либослар тикиб берган.

— Шундайми? Келин либослари фабрикасини очса бўларкан-да?

— Шундай фабрика бор, ишлаб турибди. Лайлого тегишли.

— У ҳолда Харитон Красноярскда ҳам «Салон Лайло» дўконини очса бўларкан.

— Яхши жаранглайти. Азиз, бунга қандай қарайсан?

— Аввало Лайло ва унинг ойисини розилигини олайлик, — деди Азиз норози оҳангда ойисига қараб.

— Қайнатаси Сидикмат аканикини ҳам, — деб гап қўшди Лунин.

Ҳамма кулишди.

Хайрихон опанинг мўъжазгина уч хонали уйида кўпчилик йиғилмаганди.

Аммо Адиба вақт топиб келди. У хизмат қилиб юрарди.

Лайло меҳмонлар билан қуюқ сўрашганди. У доимгидек ўз одатига мувофиқ орастга келинлик либосида, ҳамма ёғи ёпиқ, фақат бу гал бошига дуррача ўрнига четларига ҳошиялари тушиб турган тўртбурчак тўқ қизил баҳмал дўппи кийиб олган, оёғида пояфзали ҳам шу рангда эди.

Лунинлар бўлғуси келинлари либосларини таърифини бир-бирларига мақтovга солиб, хурсанд ўтиришарди. Лайло уларга чой куйиб узатди ва нариги уйга чиқиб кетди.

Лунина унинг чиқиб кетиш сабабини сўраганди, Ойгул опа үдум бўйича, тартиб шунаقا деди.

Хайрихон опага эр-хотин Лунинлар, айниқса Азиз маъкул келди.

Нодирдан ҳам беозор йитит-а. Күзлари ўйнамайды, босиқ, мақсады аник, ҳаётдан завқ олишни билади. Ойиси паст бўйли, бироз тўлароқ, сариқ сочли, яхши кийиниб, ўзига яхши қараб юришлигини англади. Яна бу аёлнинг жуда тийраклиги, ҳара-катчанлиги шундок юзидан кўриниб турарди. Отаси Лунин қотмадан келган, қомати тик, ўрта бўй, қўй кўз, қоши қалин, сочлари қўнгир ранглиги ҳамда истараси ниҳоятда иссиқлиги бўлгуси қуда аёл томонидан идрок этилди.

Адиба эса Азизнинг кўзларини бекитиқча кўрган, ҳозир таассуротини Лайло олдига кириб айтишга шошиларди.

— Чиндан қизиқ-а? Бу кўзлар дengiz мавжларини эслатади. Худди Пушкиннинг эртагидаги шаҳзода Йигиттага ўхшайди, мультфильмдан чиққанми, деб ўйлаб қоласан.

Эшик тақиллади.

— Адиба опа, боринг, бу Азиз, — деди Лайло.

Опаси чиқиб, Азиз кирди.

— Мумкинми?

— Келинг.

У хонага кўз ташлади. Ойна дарпардаларига шохи атлас парчалари тўғногичда қистирилган. Лайло ётадиган кровати томондаги деворга кўм-кўк баҳмал қоқилган. Унга ҳам сариқ шойи, адрес, парчалари кўрк учун илинган.

Бу томондаги деворга Хумсон ва тошқин оқаётган Утом манзараси туширилган расм.

Деворда яна эски усууда ишланган, фонар кўрининшидаги осма чироқ, Трюмо олдида қатор терилган Лайлонинг косметикаси.

Кираверища кресло.

Лайло уни шу ерга ўтиришга таклиф этди.

Азиз унга чўкиб Лайлого ортиқча савол бермай, бирор сўз айтмай тикиларди.

Қизнинг хаёли уч йиллар аввал худди шу ерда ўтирган Нодирга кетди. У жуда тортинчоқ, кўзлари ёниб соатлаб опачасига қараб тўймасди.

Азиз бошқачароқ, у кўзларида ўтларни чақнатмайди. Аммо нигохини узмай, Лайлонинг ҳар бир аъзосини расмга олади. Сочларининг, кўз-қошларининг қоралигидан ўйи тўзиб, кувонади. Юз, бурун бежиримлигига сўзсиз мадҳ ўқийди. Лабларининг юпқамас, ўзига ярапшган бироз қалинлиги кўз тушган одамнинг ҳирсини қитиқладиган даражада жозибали. Тик

қомати ва қабариқ күкрагидан камчилик тополмай, бокишдан чарчамайды. Хипча белини қандай сақларкан, деб ўйга тушади. Белидан пастига ортиқча күз ташлашга тортинади, гарчи Лайлодан лозимда бўлса ҳам.

Лайлодан беихтиёр юриб, ойнадан узокларга кўз тикмоқчи бўлганди, шундоқ йигирма метрлар наридаги домдаги ошхонанинг столида ювуқсиз идиш-товоқларга кўзи тушиб, кўнгли чўкди. Табиат қўйнидаги алоҳида уйлар қайдо-ю, катталак-дек дом қайдо!

Лайлодан ҳозир Азиз ўрнидан туриб, ҳув аввалдака, ўша қалхонадаги каби уни қучади деб ўйлаганди, йигит бу қарорга азм қила олмади.

Устига-устак, эшик тақиллади ва Таня опанинг боши кўринди.

Уларни холи қолдириб, Лайлодан ошхонага чиқди.

Таня опа бир-икки саволдаёқ, йигитни Лайлого чиндан ошик ва ҳақиқатдан севишини англаганди. У ўсмоқчилаб турли сўровлар уюштириди, аммо, Лайлони ҳомиладорлигини айта олмади. Бу ўй муҳити негадир унинг тилини қисиб турарди.

Бу Кудрат аканинг руҳи бўлса керак, ўлади Таня опа ва хонадан чиқиб Лайлого: — Мен сўрашни уddyалай олмадим, яххиси бошқа жойда, парк, хиёбондами, одамлар тарқоқ жойда эркин суҳбатта ўзинг тортарсан, — деди. — Лекин йигит жуда яхши ва сенга мос. У сени қўлида кўтариб юради. Мұҳаббати тилда эмас, дилида, бир чинор умричалик, яна худо билади.

Тушлик қилиб бўлишгач, шаҳар айланиб келишни Сидикмат ака таклиф этди.

Улар икки машинага бўлиннишди. Сидикмат ака Жишига Лунин ва Лунина хоним, Хайрихон опа ва Ойгул опа, Лайлодан ўз Ласеттисида Азиз билан йўлга чиқишиди.

Лайлодан машинасида Ўрдага яқинлашиб қолишган, Азиз бирорта сўз демай хаёлга берилиб келарди. Шунгами, унинг руҳини тунгус аёл қитиқлаб, акслантириди.

— Сенга ажратилган муддат оз. Дилингдагини тўкиб сол.

У қулоги остида шанғиллаган тунгус аёл бақириғидан ўзига келиб, сўз қотди:

— Бу ер жуда чиройли, тушмаймизми?

Лайлодан Анҳор кўпригидан ўтибоқ, машинасини ўнита олиб тўхтади. Улар аввал Истиқдол майдонига ўтиб келишиди, қай-

тишда Азиз Анхор ёқалаб арчазор томонга бошлаганди, Лайло яна Нодирини эслади. Қандай беғараз, суюкли дамлар эди.

Азиз тұхтаб қызнинг құлларидан ушлаб олди.

Қиз күзларини унинг юзига тика олмай, ичида үйлади: «У ҳозир құлымни сұрайди. Нима деб жавоб берсам экан?».

Азиз у үйлагандек иш туғиб, унга турмушға чиқишни сұради.

Қизиқ, анча тетиклашиб, овози одамға таъсир этадиган даражада юрақдан чиқди, деб үйлади қиз.

— Мен кейин айтаман. Яхшиси, юринг, бошқа жойға борамиз.

Қиз уни энди Навоий истироҳат бөғіға олиб борди. Худди Нодир билан бұлғандек, асосий сұхбат ўша ерда кечади, деган хаёл ичидан үтди.

Истироҳат бөгінни айланиб, ўша Нодирга розилик берган үриндиқни топди.

Азиз шу заҳотиәқ Лайлони сұхбатта тортды.

У чап құлларини скамейкага ташлаб қызға үтирилиб олғанди.

Унинг саволига қиз нохуш жавоб қылди.

— Мен Сизға йўқ десам керак.

— Лайло. Илтимос, мени қийнамаң!?

— Сабаби бор?

— Ҳар қандай сабаб, узрни қабул қылмайман. Аммо қанча шарт, талаблар бұлса бөш устига,

— Азиз, күзингизни очинг. Менинг ўғлим бор.

— Биламан. Унга яхши ота бўлишға сўз бераман.

— У ҳолда, бу ҳаммаси эмас, менинг яна фарзандим бўлса-чи?

— Яъни, Бошқа яна туққанмисиз? У қаерда?

— Энди туғилади.

Лайло үрнидан туриб, қорнига ишора қилиб, сүнг тескари үтирилиб гапириди:

— Сизлар томонға борғанда орттирибман.

— Лайло?

Қиз күзларыда ёш, давом этди:

— Ким, қачон менга тегинди, ақлым етмаяпти?

Азиз унинг аҳволидан эзилиб, виждони қийналиб кетди, мен эдим ўша, деб ҳақиқатни айтмоқчи эди, қулоги остида тунгус аёл ҳайқирғандек бўлди: «Жим. Ҳозир вақтимас. Барча ишни пачава қиласан. Яхшиси, ажыб қиз туғилишини маълум қил. Қайғуси күтарилади».

- Мен унга ҳам оталик қиласман, қайтурманг!
- Сиз бироннинг боласини...
- Лайло, у аввало сизнинг фарзандингиз.
- Ҳа, лекин.
- Рад этманг. Шундай қақидалоқ, кўзлари кўк қизалоқча жон деб оталик қиласман.
- Ростданми? Жону дилим қиз кўриш. Сиз қайдан биласиз қизалоқлигини?
- Тушимда аён бўлди.

Лайло вазиятта кўнди. У вазиятнинг қули эканлигини, бошқа йўл йўқ, ё шарманда бўлади, ё бир олийжаноб инсонга, уни қанчалик севиш ёки севмаслигини англаб етмаган ҳолда, турмушга чиқади. Аммо ўз розилигини, оддий, жўн сўзлар билан эмас, аксинча бошини викор кўтариб, бошқача баён қилишни маъқул кўрди:

- Азиз, сиз вальста туша оласизми?
- Ҳа, албатта.
- Бўлмаса, шу зумда менга ўргатинг, керак бўлиб қолар.

Азиз унинг нима демоқчи эканлигини англади. Хурсандчиликдан уни авайлаб қучоғига олиб, оғзида вальс ногаларини ўхшатиб рақсга тортиб кетди. Бир зумда яқин, узоқдан йиғилган ўзларига ўхшаш ошиклар, боғда дам олиб айланаб юрганлар уларни ўраб олишди ва ўз ҳайратларини бақириб изҳор қилдилар.

Катталар тўй маслаҳати билан гашга тушиб кетиши. Лайло ўз хонасида индамай Азиз пинжига кириб, хаёлга чўмганди.

Азизнинг йўл чарчоғи тарқамаганидан деворга суюниб мударади.

Лайло унинг иккита болага ҳам оталик қиласман, деган олийжаноблиги учун ҳозир яхши кўриб кетаёттанди. Ҳаётда ишончли тиргаги пайдо бўлганига, кўнглидаги ҳомиласи билан боғлиқ, беш-олти кунлик фўлғула тарқаганди.

Унинг хаёлинин яна жамалак тақсан қизалоқ зум-базум ўйирларди.

Кудалар тўйни бир ҳафта ичида ўтказишни қаттиқ сўрашди. Чунки, йўлда Азиз онасига бу муддатдан чиқсанглар айниб қоламан, деб шарт кўйганди. Шунга тўққизинч январни танлашди.

- Сидиқмат ака бошқа уйга чиқиб маслаҳат соганди, Лайло:
- Бўладиган ишни бўлгани яхши, — деб юборди.

— Худди, раҳматали отангта ўхшаб ганирдинг, — деди Хайрихон она.

Сидикмат ака ва Ойгул она эса келинидаги бу шошма-шошарликка ҳайрон бўлиб, тилларини тишлаб қолишиди.

Лунина хоним аввалрок, Красноярск аэропортидаёқ Максимга тўққизинч январда юз кишига жой банд қилишини айттанди.

— Яна тўйми?

— Ҳа.

— Шарқлик келин оляпсизларми?

— Қаердан биласан?

— Ўзингиз ўша гўзал Лайлони ресторанимда меҳмон қилганини официантлар айтишган.

— Билсант, тайёргарлигинги кўр, менюларни ўзим тузиб бераман.

— Сизни инжиқлигингиз маълум. Оксанани чақираими?

— Эй, Оксананг бошингдан қолсин.

Кулиштандилар...

Сўнг совғалар берилди. Лунина Хайрихон она одига икки бойлам, ҳар бири икки пачка кўк пул, доллар қўйди.

Бирига ўзбек тилида «сут пули», иккинчисига «сарполар харажатига» деб ёзилганди.

— Ўзбекчани топиб ёзисизлар, — деб Сидикмат ака кулди.

Кичкина уйда Азиз ухлаб қолган эди. У ён томонига боши кетиб қолиб, қизнинг тиззаларига бошини қўйганди. Ҳозир Лайло унинг каштанранг соchlарини ўйнаб, хурсанд эди, айниқса, бекитиб туғмайди, шунга ким нима деркин. «Азизга турмушга чиқсан, унга Нодирга берганча меҳр инъом этаманми? Ё суюмли маъшуқаликни эплай олмай орқага қайтаманми?», деган шубҳага бир дақиқа бордида, ғурури исён қилди. — Оёғингни ўпишга зор бўлган ёрни наҳот қўлга ололмасанг, измингга солиб йўргалатмасанг, ким айтади сени келинлар пошшахони деб. Ҳузурингга худди офтобга исинишга чиқсан жониворлардек шошмаса, келганда юрак тафтидан ҳузур қилиб ялтоқланниб, этакларингни ўпмаса, Лайло келинлар арзандаси номи ҳам сенга хайф.

Уларни ҳам ташқарига таклиф этишди.

Азиз бошини кўтариб деди:

— Лайло, мен бир гўдақдек қандай тинч ухладим, билмайсиз-да.

Лайло ўзига берилган совғани қоида бўйича меҳмонлар олдида очди. Унда оқ сувсардан қалта шуба бор эди.

У Азизга миннатдор қаради: «Ҳайвонот боғида бекорга айтмаган экан».

Ойгул опа илтимос қилди:

— Кийиб чиқ қизим, меҳмонлар кўришсин,

Лайло хурсанд нарги уйга кириб кетди.

У қора рангдаги шим ва кофта, оёғига янги этикча ва сочини тушириб юбориб, бошига чарм кепкача кийди, сўнг қалта оқ шубасини елкасига ташлаб олди. Этикча ва кепка бир хил оч жигаррангда эди.

Унинг модалар кўргазмаси ҳаммага маъқул бўлди.

Лунина хоним уни бағрига босиб сўради:

— Фасон билан кийиниши ким ўргатган сенга Лайло?

Лунин қулди:

— Буни ўргатиш қийин, агар табиатдан қон билан кирмаган бўлса.

Сидикмат ака тайёрлаб қўйган совғаси, янги перстен узукни Азизга тошириди.

Умумий хурсандчиллик, шод-хуррамлик остида, Сидикмат ака меҳмонларни Олтинсочнинг Юнусободдаги уйига ташлаб келди.

Эрталабки рейсда улар Иркутскка учишлари керак эди. У ердан кейин она шаҳарларига йўл олинарди.

Хайрихон опа, Ойгул опа ва бошқалар уйда хайрлашишиди.

Аэропортта меҳмонларни кузаттани Лайло ҳам чиқиши табиий эди.

Кексалар регистрацияни кутишса, ёшлар бир-бирларига яқин, пинжга кирар даражада эдилар. Азиз ҳозир орзулари амалга ошаётганидан еттинчи осмонда учарди.

Тунгус аёлнинг айтганлари тўғри чиқаяпти, у бекорга нечаче асрлардан бери уруғида давом этаётган шаманликни бўйнига олмаган экан.

Лайло яна тақдирнинг ўйинларидан лол ўйга чўмган эди. Энди қисмат уни қайси ўлкаларга ташлаяпти. Тили, одати, удумлари бизникидан фарқи гўшаларда умрим ўтишига тайёрманми? Ёки ҳомиладорлик мажбурияти билан бу йигитни таклифини қабул қилдимми деб, ногаҳон бошини кўтариб Азизнинг юзларига қараб қўйди. Ҳаётida тиргак бўладиган одамини ўта вазмин, босик феълидан кўнглида доим тинчлик, хотиржамлик бўлишига ақли етиб, қалбига фурур тўлди. Ис-

табми, ё миннатдорлик юзасиданми, унинг бошини пастта тортиб ёноғига ёноғини босди:

- Сизга кўнижапман.
- Севги-чи? Қачон?

Қиз унинг лабларига бармоқларини қўйди:

- Кейин.

## ТЕСТДА ҲАМ ХАТО БЎЛАРКАНМИ?

Лунина хоним Лайло ва онасиға бугунга пастдан жой кўрсатиб, тепадаги иккингчى қават бутунлай келин-куёвга берилганини маълум қилди. Уч этажли уйнинг учинчи этажи катта мансарда хонаси бўлиб, унга бильярд столи қўйилган, Харитон Олегович ўртоқлари келса ўша ерга бошларди.

Этаждан этажга кўтариладиган зиналар уйнинг ўнг тарафига жойлаштирилган бўлиб, биринчи этаждан иккитичига кўтарилса, коридорга кирилади. Коридорнинг ўнг бошидан бошлаб иккита олтига тўрт метрли, битта тўртга тўрт ўлчамли уйдан, ошхона, оч яшил ва кўк аралашли кафел қилинган ҳаммом ва туалеттacha бор. Буларнинг барини Лунина хоним кўрсатиб, унга ётоқхона учун кичик уйни танлашни маслаҳат берди.

Лайло Азизнинг битта ваъдаси билан пайдо бўлган кўтарикилиги сўниб, унга ҳамма нарса барибирдек ҳолатта кирганди. Чунки унинг елкасидан босиб турган юқ, сирини Луниналарга билдирамагани, ойисига айтмагани учун виждан азобида қийналаётган эди.

Ўшантами, кўзига турмушининг бу томонлари аҳамиятсизлик касб этиб индамади ва ойисининг хонасиға кириб кетди.

Бирпас ўтмай уни Лунина чақиритириб:

— Мен гаплашиб қўйганман, тиббий кўрикдан ўтиб келамиз, йўқса ЗАГСга қўйилмайди, — деганда жуда бўшашиб кетди.

— Энди нима бўлади? Алдоқни бекитиш қанчалик қийин.

У кийиниши баҳонасида қайтиб ўзига ажратилган хонага кириб, Тания опага вазиятни айтди.

У тарафдан Тания опанинг овози келди.

— Ҳомила ўғлингизники, — дегин. — Азиз сўзидан қайтмайди. Қайтса бебурдлиги маълум бўлади. Бунака эрнинг боридан йўғи. Ҳа, тиббий кўрикка қаерга борасизлар?

- Марқазий поликлиникага.
- Ўзингта пишиқ бўл. Бўшашма.

Тиббий күрикда на қыз, на йигитдан жиiddий касаллик, нүк-  
сон топилмади. Азизнинг бир вақтлар күричак бўлгани аниқ-  
ланди. Тиш дўхтири Друнева Лайлонинг битта ҳам жойидан  
сижимаган, ҳатто қораймаган тишларини кўриб, «Golgetni  
тўғридан-тўғри реклама қилсангиз ҳам ярашар экан», деди.

Охирида аёллар шифокори Харинага навбат келганда, Лай-  
ло ҳаяжонланганини кўриб, Азиз унинг қўлини киши билмас  
сиқди.

— Бир нима бўлса, мени айтинг.

Лайло унга миннатдор қараб, Лунина хоним билан ичка-  
рига кириб кетишиди. Йўқ, тез орада иккаласи қувноқ чиқиб  
келишиди. Айниқса, Лайлонинг чеҳраси очилиб кетганди. Ши-  
фокор уни текшириб кўриб, — келинингиз сошпа-соғ, фар-  
занд кўришга тайёр, — деди.

Лунина шошиб чиқиб қеттанидан фойдаланиб, Лайло сў-  
ради:

— Яхшилаб текширдингизми, менга ҳомиладорсан деб ай-  
тишганди ўзимизда?

— Тестда текширишганми?

— Ҳа.

— Тест ўтгиз фоизгача хато беради.

— Ростданми?

— Бора қолинг! Бошқалар кирсин.

Йигит қайтага бу хабарни эшлитиб чўкиб қолди.

— Ҳа, нима бўлди? Руҳинг пасайди, — деб сўради онаси.

У ўзини зўрга кўлга олиб, шунчаки, бошим оғриб қолди,  
деб чаккасини ушлади.

— У юрган йўлида ўйлади. Унга яхшилаб эътибор бера-  
сиз. Илтимос, келин, — деб Лунина олдинга ўтиб одди.

— Албатта, — деб, Лайло хурсанд, меҳрибончилик қилиб  
йигитни пешонасини уқалаган бўлиб, секин сўйлади:

— Шуниси яхши бўлди. Ўртамиздаги мажбурият йўқолди.

Луниналар уйига келишса, Таня опа Хайрихон опа билан  
чақчақлашиб ўтиришган экан.

Бир зум ўтмай Лайло Таня опани унга берилган уйларни  
кўриш баҳонасида юқорига таклиф этди:

— Юринг, менга ажратилган апартаментларни кўрасиз.  
Хоналарни айланишаркан, Лайло каминли уйдаги кресло-  
лардан бирига чўкиб янгилик айтди:

— Менда ҳомиладорлик белгилари топилмади.

Таня опа ёндаги креслога ўтира туриб ёлғондакам ажаб-  
ланди:

- Ростданми? Тестдан ўтгандинг-ку, Тошкентда.
- Тестда ҳам хато бўлиши мумкин экан.
- Ҳа-да. Бир-икки ойга бормаган муддатда аниқлаганда, адашиш мумкин. Жуда соз. Энди бирорвнинг бир умрлик таънасидан кутилибсан.
- У ҳам майли. Биринчи навбатда мажбурият туфайли бирорга хотин бўлишдан, дент.
- Энди Азиз бечорани тақдиди қандай кечади?
- Ҳайронман?
- Унинг тантлиигини ва мардлигини била туриб, ундан воз кечсанг, инсофданмас. Ўйлаб кўр.
- Уни тантлииги юзасидан сўймоқчи эдим, энди кўк кўзлари учун севайми?

— Ихтиёргинг. Балки кейинчалик бошқа хислатлари ҳам очилиб қолар. Ҳар ҳолда Тошкентта қайтаман, тўй тамом дёмагассан?

— Ҳо, шундоқ бойвачча хонадонга арзанда келинлигни бирорга бериб қўяйми? — деб Лайло шарақлаб қолди.

Аммо, ичиди Азизни севаман, у қанақадир бошқача, капката-ку, лекин ҳалигача ёш болага ўхшайди, содда, кувлик, шумликни билмайди. Яна, агар тақдир бўлмаса шунича жойга келмасдим, энди пешонамдан кўраман, тўйни тўхтатиб бўлмайди, деб ўйлаб қолди.

Унинг кулишини Лунина эшишиб, тепага Хайрихон опа билан кўтарилишди.

- Нимага куляпсизлар?
- Бу хоналарга шарқона рух, етишмаяпти, шунга фикрингизни сўрамоқчиман.

Лунина уни эътибор билан эшишиб, хоналарни қайта ясаттиришга унга изн берди.

Лайло каминли уй ётоқхона, ёндағи катта уй Азиз ижодхонаси ва кичик уйни дам олиш хонасига айлантириди. Лунина кўна қолди. Ҳамма уйда пардалар шарқ усулида, энг сўнгги фасонда ясатилди.

Азиз ижодхонасига китоб жавонлари, бир жуфт кресло, рояль қўйилди.

Кичик уйда диван, стол-стуллар, телевизор жойлашди.

Лайло кўпроқ, ётоқхонага эътибор берди.

Камин тўғрисига катта ойнали шкаф қўйилди. Ойна пардалари тўқ кўк рангда эди. Лайло камин устига иккита шамдан қўйидирди. Шамдонлар эски услубда ишланган, антиквар, Лунина жонидан сугургандек берди.

— Бу нимага керак. Электр чироғлари бор-ку?

Лайло қаминга ўт ёқтириб, пардаларни охиригача тушитириди, хонани қоронжу ҳолатга келтириб, шамга гүгүрт чақди.

Зимистон уйда шамнинг ўчай-ўчай деб ёниши, қаминдаги оловда чирсиллаётган овозлар, рўпарудаги шкаф ойнасидан аксини бериб, ажаб бир сирли кайфият барипшлар эди.

Азизнинг бу манзарадан кўзлари ёнди.

\* \* \*

У базмдан аввал, ўтган маросимларни ёдига келтириди. Шаҳар бўйлаб Линкольнда айлаништанини, аввал мачитта кириб татар домлага никоҳ ўқитишганини. Сидикмат қайнатаси бу куёвни ҳам яхши пишиттанини эслаб, мийигида кулиб қўйди: «Ҳеч ким энди менга никоҳ ўқитмай, Россияда зрга тегибди дея олмайди». Шаҳидлар, қаҳрамонлар хиёбонлари, «Мангу олов» монументларига гуллар кўйилди, расмларга тушилди ва бошқа таассуротлар хаёлига келиб, бир пиёла чой ичишга кетадиган вақт ўтдими-йўқми, бугунги кун роса кўтаринкилик руҳида, ҳис-ҳаяжонга тўла ўттанидан шод эди.

Вақт ўтиб борарди.

Бирор соат ўтдими, нариги уйдан мусиқа товушлари келди. Жуда ҳазин, лекин қулоққа ёқадиган куй. У оёғига шинпак, этнига шойи халат ташлаб эри ижодхонасига кирди.

Азиз ноталарни шошиб қофозга тушираркан, Лайло унга халақит қилмай, остонода бир зум қотди.

Азиз қўли билан унга ишора қилди.

Лайло бу телба бастакор ёри қошига бораркан, йигит энди қизни танигандек, узрнамо сўзлади:

— Уйқунгизни бузмадимми? Бу менда бўлиб туради. Агар илҳом хаёлимда айланни юрса, ёнимдагиларни ҳам сезмай қоламан. Чунки мен...?

— Ижодкорсиз? Хўш. Унда мени борлигимни унтиб нима ёздингиз?

— Чалиб берайми?

— Майли.

Азиз ёрига янги басталаган куйинни чалиб берди.

Лайло боя куйнинг охирини эшитган экан. Аслида бошлиниши қувноқ, шўх қизалоқни ўт-ўланлар ичида, худди улоқ-чадек юрганими, капалакларни кувлааб туттаними бор экан.

Лайло тап нима тўғрисида кетаёттанига дарров тушунди. Шунда ҳам фикрига тасдиқ олиш учун сўради:

— Кимга аталған бу ғамғын мусиқа?

— Түсілмәгән қизимға.

Лайло бу ҳақда сүз очилғани яхши бўлди деб, ўз фикрларини кескинроқ айтди.

— Нима? Нега биринчи кечадаёқ бунақа ҳазинлик? Азият ўйиншти. Ярашмайди эр кишига йиғлоқилик. Мана мени айтсангиз бўлади. Бу сирни кўтариб юриш осон бўлдими? Фақат Сизга ва бир одамга айттандим. Агарда, эшишибок, сиз йўқ дессангиз, мен ҳеч қачон бу ерларга қадримни букиб келмасдим. Энди бу ташвишлар ортда қолди десам, мотам ариясини битибсиз. Эҳ, сиз, агар ҳомилам борлигини онангиз билиб қолсалар, бир умр таъна-дашном ичидаги яшардим.

Бирдан Азиз кўзлари чақнаб, шахдам галирди:

— Онамга мен унга тегинганман, менинг болам деб айттардим.

Лайло сал юмшади.

— Агар мен сизни тез кунда севиб қолсан, ўзимизнинг фарзандимиз юзимизни ёруғ қиласди.

Фақат суйган ёки бироз майли бор аёлларгина, сизни бир кун севиб қолсан, деб айтади. Лайлони ёрига майли йўқ эмасди. Бироқ у чиройли бир спектакль, театр саҳнасида ўйналадиган романтик руҳда ҳис-туйгуларини намоён қилишни ҳоҳларди.

Азиз чўкка тушиб бошини унга тираб, белидан ўзига тортди:

— У ҳолда мени севишинигиз учун нима қиласай?

Орадан бирмунча сония ўтди.

Лайло унинг кўзларидағи чақноқни кўриб юмшади ва секин деди:

— Кўк бўрижон, шундай тураверамизми?

Бу гапдан йигитнинг ақли шошиб, қизни шартта кўтариб олди.

## КИМНИНГ УМРИНИ ЯШАЯПМАН

Қиз уйронгандада Азизининг сўл кўли кўкси узра тўшалганди. Яқинлик ибтидоси сифатида хуш ёқдан бу оғирликни сезмай бироз эркаланиб ётди. Соат олти. Келинга туриш вақти. Эриниб ўрнидан туриб, сочилиб ётган кийимларини йиғди. Пастига энсиз лозимчасини кийиб, кўкракларини соchlари билан тўсиб, ўзини энди ойнага солиб турганди, эшик қулфи шақиллаб Лунина хоним кириб қолди. У келини шкаф ойнаси

олдида, бор бўйи-басти билан ялангоч ҳисоб баданига кўзи тушиб, гапирди:

— Лайлло, қоматинг бунчага чиройли.

— Раҳмат. Лекин Светлана Петровна, бу ерда сиз нима қилиб юрибсиз?

— Калит билан очиб кирдим. Эски одатлар бўйича, биринчи кечага натижаси кўргига лозим.

— Мен биринчи бор зрга тегишим эмас.

— Бу аҳамиятсиз. Ана Олтинсочни ҳам тепасига Мария синглиси Лидия билан киришган. Удум шунича. Мен Ритани бошлаб чиқмадим.

У Лайллони яқинига келиб деди:

— Яхши баданингдан ўғлимни иси келяпти.

У сўнг ўғли томонга кўз ташлаб, қаноат топди.

— Натижа борга ўхшайди?

Азизнинг индамаёттани Лайллони иззат-нафсига тегди, у эгнига халатини кийиб, сўради:

— Мамочкика, бошқа бундай текширув ўтказмайсизми?

— Йўқ. Аммо, Сен тезроқ ҳомиладор бўлишинг тарафдориман.

— Мамочкика, мен бозорда ҳар ким қўлинни тегизиб, у ер-бу еримга уриб сотиладиган байтал эмасман. Бошқа бундай кутилмаган ташриф қилмассангиз, илтимос.

— Мен ахир онасиман.

Азиз кўзини очиб, бўлаётган гапларни эшитиб ётарди, хотинининг ёнига тушди.

— Ойи, сиз хусусий мулкчилик қоидасини бузманг. Бу хоналарни келин маҳрамига бердингизми?

— Ҳа.

— Энди унда кўникинг.

Лунина хафа бўлиб, калитни дўқ этиб камон устига кўйида, гапира-гапира чиқиб кетди.

— Сизлар бирнада келишиб олибсизларми? Хотиннинг зўри, эркакнинг шўри.

Азиз биринчи бор онасига қарши гап қистирди:

— Ойи, бу адамга ҳам тегишлими?

— Ҳа. Сенга биринчи навбатда. Бўлдими?

Тепадан тушиб келаётган Лунина важоҳатини кўриб қайнинглиси Рита сўради.

— Нима гап. Ит-мушук бўлишяптими?

— Нималар деяпсан. Қайтага иккаласи бир бўлиб, менга хужум қилишди.

— Йүр-эй?

— Биринчи кече натижасыдан огох бўлай деб, ўзим қалит билан очиб кирудим. Йўқса, ўзлари айтишмайди, ё алдашади.

— Хўш.

— Келин уйғоқ. Ўзини, ҳуснини, баданини ойнага солиб томоша қилаяпти. Жуда бекаму кўст қомат. Куёвнинг оғзи қулоғида. Мұҳаббатдан маст, кўзини очолмайди.

— Яхши-ку?

— Келин мен бозорда савдога қўйилган байтал эмасман, бошқа бемаҳалда ётоқхонамизга кирманг деди.

— Тўғри айтибди. Кирма. Ёшларни ўз ҳолига қўй. Яна у қанақа байтал? Нақд паризоддек виқорли, қадр-қийматини биладиган шарқ махлиқоси.

— Биламан. Мен ҳам уни яхши кўраман. Гаплари балки ҳақдир, унда ўғлим кўлдан чиқиб кетаркан-да?

— Нима деб ўйловдинг. Оналик меҳрини ёр оҳанрабоси бир зумда тобе этади. Менимча, бу келининг қонида хонзодалик бор.

— Чиндан. Унда қандайдир киборлик хислатлари бор. Ишқилиб ўғлимни ярим йўлда ташлаб кетмасин?

— Ниятингни яхши қил.

Димогида шўх қўшиқ — ялла куйлаб, чўмилиб, сўнг ванна ойнасига ўзини соглан Лайлонинг кўzlари бехосдан бўйини-даги қатор қаттиқ ўпич изларига тушиб, қўшиғи ҳам оғзида қолди. Жаҳли чиқди-ю, аммо ёрига таъна қилиб ўтиришини ўзига эп кўрмади.

Шкафни очиб бошқа келинлик либосларини танлай бошлади. Енгли, ёқасида бурмаси бор, тутмалари нақд бўғзигача бўйинини ёпадиган, узун енгил кўйлак кийди. У фасон бўйича тилла ва сариқ ранглардан тикилган. Сўнгра барлари эркин, бир-бирига тутмаланмайдиган, енгиз, қалинроқ материалдан мурсак ва лозимига навбат етди. Улар оч сиёхрангда эди. Оёғига уни бироз тўмтоқ, лекин пошнаси узунасига оёқ панжаларидан то товоғига томон баландлашиб кетадиган, япон аёллари киядиганга ўхшаш пойафзални маъқул кўрди.

Сочларини тортиб орқасига йигиб одди. Бошига сариқ шокиддалари тилло рангли дуррача ўради. Юзига упа, лабига кўзга ярқ этиб ташланмайдиган помада сурди, қош ва киприклари табиий гўзал ҳуснига эга, уларга тегиб ўтирумади.

Ҳар икки қўлининг бармоқларига узуклар тақди. Чал кўлда иккита ва ўнгида учта. Булар ичиди Азизи тақдим эттан бриллиант кўзли никоҳ узути ҳам бор эди. Қулоқларига жугут

зирак осди. Бу ерларда күпчиликка тансиқ, Бўйнидан бир вақтлар Лунина тақдим этган марварид шодаси жой олди.

Бу тақинчоқлар кўпайиб кетмадими, деган хаёлдан бошқа ўй уни қутқарди:

— Биринчи кунлар ўзимни безатишм қерак, яна атроф-дагилар келинни сепини кўришга ишиқибоз. Бошидан яхши таассурот қолдириш эса муҳим.

Бу вақтда Азиз ваннадан чиқиб, хонага кирди. Эгнида шойи халат, унга қўл чўзмоқчи эди. Лайло қатъиятли овозда ту-шунтириш берди.

— Ҳар нарсани ўз вақти бор, Кўк Бўрижон. Ҳозир менга келинлик хизматини қилиб, уйдагилар иззат-ҳурматини қозониши муҳимроқ.

Лайло шкафдан унга танлаб қўйган кийимларни узатиб давом этди.

— Шарқ кийимларини кийиш ҳақидағи ваъдангиз ваъдами?

— Ҳа.

— Бўлмаса ушбу либосларни кийиб олинг, мен қарамай турман.

Лайлонинг ҳазилини Азиз тушунмади. У тўғри ўстан. Шунгами, у бошқа гапни айтди.

— Жону дилим шарқ одатлари, удумлари, энди либослари.

Лайло шунда хаёлга чўмди.

— Нодирим бўш, сода ва лақмароқ эди. Азиз улуғворроқ, ўз сўзига эга, гарчи оддийлиги бор. Аммо иккала менга учраган эрлар қатъиятли, бир сўзли, айттанидан қайтмайди, — деб аллақандай, ўзи ҳам пайқамаган ғурурга берилиди.

Азиз кийиниб бўлганди.

— Бизни кутиб қолишгандир, юра қолинг, — деб Лайло Азизнинг билагидан қўлинى ўтказиб олди.

Хайрихон опа, Сожида, Лунина ва Рита ударни қарши олишаркан, Рита ўз эҳтиросларини жиловлай олмай ҳайқирди:

— Мана сенга Света узбечкага ўғлингни уйлантириш. Худди Бухоро хонига ўхшаб хотини ўғлингни кийинтириб қўйибди.

— Келиним-чи? Ундан ҳам кўркам.

— Вой, бу келинни оёғига кийиб олган пойафзални қара. Бирам ажиб, ярашибди.

— Булар эса учлик. Аҳамият бер Ригта. Кофта, кўйлак ва мурсак. Раиглар уйғунлити, ташланганини қара. Буларни Хайрихон опа тиккан.

— Ростданми? Бизларга ҳам тикиб берсангиз, товусдек

жилоланиб, ажабмас эрларимиз кўзларини қайтадан ёндириб юборардик.

Кулишди.

— Имкон туғиса, шу ердалигимда, балки тикиб берарман, — деб, Хайрихон опа ваъда қилди.

Рита келинни дуррачаларига қараб, сўради:

— Раққосалар ҳам шундай бошини боғлайдиларми?

— Ҳа.

— Кийиниш ҳам санъат. Жуда гўзал, муҳими, фасонни билиб танлабсиз. Фақат, менимча, оппоқ бўйнингизни бироз очадиган кофта кийган маъқулмиди?

Қайнанаси Ританинг гапини бўлди.

— Менингча ўзи яхши. Сен нима дейсан, дочка?

Қайнанаси Лайлого мурожаат қилувди, келини унинг бўйнинг осилиб пичирлади:

— Мамочка, қанақа ўрил ўстиргансиз? Ёввойи. Бўйнимда тиш излари.

Бу гап барибир барчага эшитилди, улар жувоннинг очиқлигидан жилмайиши

— Қани? Наҳотки?

Лайло кофта тутмачаларини ечди.

Ҳамма унинг бўйнидаги қаттиқ ўпич белгиларини кўриб, қотиб кулишди.

Азиз юзи шувут, бошини эгиб четта қаради.

Қайнанаси хурсанд ўелига қараб, унинг кўнглини кўтарадиган гап қилди.

— Мен ўзим уни уришиб қўяман, аммо йигит кишини меҳри бўсада бўлади, келин.

Рита бошқача изоҳ берди.

— Кўк бўрини ўзингиз танлагансиз, у урроқисини ҳеч кимга бермай қизғаниб яшайди. Муҳаббатини ҳам тишлаб-тишлаб изҳор этаркан.

Хайрихон опа чўчиб кетди:

— Йўғ-эй? Шунақами қизим?

Лайло унга киши билмас, ҳаммаси жойида, қабилида кўзини қисди.

Ҳамма чой ичиш учун столга жойлашди.

Куёв тўрда. Ўнг тарафда қуда томон, чап тарафда уй эгалари. Лайло куёвга рўпарў.

Чойни ўзбек чойнак-пиёлаларида ичамиз, деб Лунина хизматкор қиз Дуняшага сутли чой келтиришни буюрди.

Лайло чой қуйиб, ҳар ким түгрисига алохида бориб, пиёлани кўкси баландлигига келтириб, эгилиб чой узатарди. Келинликни бу ўзбек удумини у жойига қўярди. Четдан қарағанга мазкур чой ичиш жараёни, қизиқ бир таомил мақомини англатарди, худди Японияда чой ичиш маросимицек.

Лунина кулди.

— Бу эксклюзив, Рита, бошқа кўрмайсан.

Чой ичиш пайтида Сожида опасидан сўради.

— Бу қизингиз бошқача. Шуларни ҳам дарров мамочка деб ичига кириб кеттанини қаранг, йигит ҳам: ёт деса ётади, тур деса туради. Буларни Сиз ўргатганмисиз? Ишонгим келмайди.

— Бу нарса қўлимдан келса Адигага ўргатардим. Лайло барига ўзининг фаҳм-фаросати билан етиб боради. Таня опаси айтгандек, унинг қонида ҳаётда яшаш таланти бор.

У тарафда Рита Лунинани гапга тутарди:

— Бу завқ-шавқи билан ўғлинг тез фарзандга пойдевор кўяр.

— Ҳаммаси худодан. Ишқилиб, уларнинг баҳтига кўз тегмасин.

— Ҳа, чўчиганингча бор. Келининг киришимли, ҳар ким билан яшаб кета олади.

— Биламан. Шундан қўрқаман-да. Ўғлим фанатик, тох, у бор, тоҳида қуйларига берилса, йўқдек бўлиб қолади. Лайло эса бирор араб шайхигами ёки британиялик миллионерга тегса ҳам нони бутун.

— Худо шундай аёлларни ҳам яратарканми?

— Гарчи ёш бўлса ҳам мендан ҳам ўтар-а??

— Наҳотки буни тан олаётган бўлсанг, Лунина хоним, — деб Рита кесатди.

Пешинга яқин худди Олтинсоchlарда бўлгани каби салом ва совғалар улашиш маросимида Буровлар, Чаенко, Ройтман, Собирхўжабой оиласаридағи аёллар ҳам қатнашди ва ўз совғаларини беришди. Тошкентдан келган аёл меҳмонлар ҳам келин саломни кўришди.

Келин томонидан тайёрланган совғалар ҳам тарқатилди.

Эр-хотин Лунинлар Лайлого машина қалитини топширишар экан, Сидиқмат ака ва Ойгул опаларга қараб кулдилар:

— Қизингиз Қора қоплон — унга қора BMW, Лайло Оқ Буғу — унга опшоқ BMW мос келади.

Қийқириқ-чапаклар бўлиб кетди.

Олтинсоч келиб собиқ, келинини табриклаб, сизга шу ерда қолинг, шарқ, таомилини совуқ ўлкага киритамиз дегандим, сизга ёқмаганди, тақдир барибир ўз ишини қилди. Фалак чархпалаги Сизни ҳам шу ерларга отди. Энди қўлингизни берарсиз, деди.

Лайло чехраси очилиб қўлини узатди ва ўзидан ярим калла баландроқ Олтинсочнинг елкасига бош қўйди.

\* \* \*

Тунда ишқقا тўймаганлар бармоқларини бармоқларига занжирбанд боғлашиб, дераза ойнасидан кўкка боқиб ётарканлар, Лайло ўз-ўзига савол берарди:

— Мен ўз умримни яшаяпманми, ё бировними? Наҳот оддий оиланинг ҳаваси баланд фарзандидан тўқ, тўкис оила-ларнинг арзанда келинига айланадек бўлсанм. Аввал Нодирим, сўнгра хушсурат бу йигитта суюмли ёрман.

У шундай ўйдан сўнг ўринидан қўзғалиб, бошини кўтариб чап қўл тирсакларига суяниб, ёрига қараб қолди. Азизнинг соchlари жингалак, силлиқмас, агар унга бармоқларингни олиб борсанг, силасант, ўз-ўзидан унга ўралиб олгандек ёпишиб қолади.

Бундай соч эгалари ижодкор одамлар — шоирлар, рас-сомлар, мусиқачилар ҳисобланади, улар эҳтиросли қалб соҳиблари бўладилар.

Чиндан шундайми?

Яна, Лайло энди ёрининг юз тузилишига қаради. Қоши нисбатан қалин ва қора, аммо кўзи эса кўк, лекин сирли, гоҳида тўқ, гоҳида сал очаради, ҳатто тунда шам шуъласида улар доим ёнгандек чақнайди. Қирра бурун, юзи узунчок, Голливуд артистларига мос, деб ўйлади.

Лайлонинг соchlари елкалари узра ёйилиб баданини ярим ёрти ёпиб турар, нотекис ёнаётган шам шуъласида юзларининг, лабларининг бир четидами, оппоқ бўйнидами аксланганд нур пастлаб очик, кўкраклари узра жилоланиб ўйнар, на-тижада сийналарини бир ярқиратиб, бир қорайтириб кўрса-таркан, ёш жувоннинг таранг, силлиқ қорнидан ўрни билин-май кетган киндигигача илгаш мумкин.

Бирок, бу манзарадан узоқ вақт завқланиб тинч ётиш Азизга мушкул.

Синовдан ўтган.

Азиз, шунда қўзғалса, кўпинча кўли ҳавода қолади. Лайло негадир, хаёлий ошиқдикни яхши кўриб, изтироб чекиб, ви-

солга етишиш дамлари қанчалик чўзилса, шунча қадрли бўлади, деб ҳисоблайди. Эрининг маст бўлиб қарашига, оҳ тортиб, кўзларидан ўт чақнашига ишқибоз. Ўзининг ҳис-туйғуларини ошиғининг эҳтиросдан ёниб кул бўлгунча, орқага суриш тарафдори. Ўшанг, Азизга қийин, ёри изи бергунча, кўзлари оч бўрининг кўзиdek ёниб турланади. Хўрсиши атрофни тутиб, нафас олиши тезлашаркан, хотинини алқаб: — Лайло, моя любовь, моя радость неземной красоты, неповторимая, единственная, — дейди, аммо тамага ўтиб, ёнига чақирмас, єрининг раъйини чуқур ҳурмат қиласди. Бундай мақтovлардан кейин, фақат нозик оёқларни силаб-сийналашига рухсат тегади.

Лайло, узоқ ўлкага, аммо, ниҳоятда бағри кенг оиласа келин бўлиб тушганилигидан шод эди. Унинг, фақат гўзал хусни, таманиноли қад-қоматимас, зийраклиги ва ақли-фаросати учун қайнана-қайнатаси иззат қилишларидан, европа одоб тарбиясини ўзида сингдирган, шунинг учун жон-дилдан севган аёлининг ҳурматини жойига қўйишни биладиган эри Азиздан ҳам кўнгли тўқ.

Лайло бу уйда жуда қадрли ва эрка келинга айланди. Унинг ноз-ишваларига ҳамма ўрганиб қолган. Кийиниши, фасоҳати, ақлу одобини, қиликларини гапириб, олқишлиб танишлар, қариндошлар Светлана Петровнага билдиришганларида унинг боши кўкка етади. Бундай мақтovларни эшитган сари, келинга меҳри ошиб кетиб, эътиборини қозониш учун ҳар турли майда-чуйда совғалар беради.

Лайло, тўлиқ баҳтга сазовор, у бундай чексиз севинч нашидасини сурса-да, сўзини қайнанаси ва қайнатасига ўтказишини ўйламасди. Азиз бошидан қаттикроқ турганда, балки унга ҳам бўйсинувчан хотин бўлармиди, лекин тескариси юз берди. Унинг ҳар бир сўзига, имо-ишорасига Азизнинг биринчи кундан қулоқ бериши, уни оила етакчисига айлантириди. Шунгами, эрига илтимос қилиши учун бир қарashi ёки ярим оғиз сўзи етарли. Сўраган нарсаси эса бир зумда муҳайё бўлади. Эрининг уни бундай сийлашлари Лайлони эрка феълига мос келиб, у энди тантикдиги ва ўзбилармонлигини оширди. Ноз-карашмани қурол қилиб, ёлғиз қолишганидами ё кечалари у ўзининг хоҳиш-истагига қараб иш кўради.

У кайфияти кўтаринкилигига, тиз чўкиб ўтириб олар, рўпнорадаги трюмо ойнасига либоссиз қоматини солиб, оғзида қандайдир куйми, қўшиқними ўхшатиб, маст бўлгандек тебранар, қўл бармоқлари, билаклариними, юзининг ҳар бир чек-

касини ушлаб күрадими, қабогини кериб күзларини катта-ката очиб киприкларини қоқадими, лабларини чүччайтириб даҳанини чўзадими, кўкрак кериб таранглигини кўз-кўз қила-дими, орасида бошини силкиб қўяр, бундан соч толалари ел-каларини тўлдириб тўзади, тўлғонади. Азизни ухлаб ётибди деб ўйласа-да, аслида у уйғоқ бўлар, ўзини зўрға босиб ётганидан хабарсиз, ё сезса ҳам бу ҳолга безътибордек кўзлари ярим юмуқ, ён атрофга ахён-ахёнда аланглаб бу машқларини давом эттираверарди. Сўнгра, тиззаларига тирагиб бироз тиккаланади-да, кўлларини боши узра силкитиб, баданини ойбалиқ ҳаракатта мослаб, ёнбошларигача қимирлатаркан, кўкси чиройли силкиниб, оқибат хипча белидан танасининг тена қисми узилиб кетгудек бўлади.

Бу томошани Азиз кўзларини сириб кузатаркан, ўзини зўрға босиб, оғзининг таноби қочиб жилмайишга ҳаракат қиласар ва хотини қачон унга назар солишини кута-кута юраги лакқа чўққа айланарди.

Аслида, қиз ўгирилиб, ёри томонга бир боқса етарли, Азиз бор забти-ла тортиб хотинини бағрига босади. Шунда Лайлонинг вужуди бир қучоқ гулханга киргандек бўлади. Ўзи эса, чирмашиб олган эридан анча вақт қугила олмай, ҳолсизланади. Аммо, бу унга ёқади. Ҳар ҳолда, у табиатдан ўзига аталган севги фароватига, ниҳоят, етганидан хурсанд. Тул қолиб яшаган ийлларининг бахтга муштараклик қарзини худди Азиз қайтариши керагу, ҳозир бу омонатни ундан ундириш учун, ўзини анча эркин тутиб, муқомлар қилаёттани ўзига ҳам эриш туюлади. Лайло, асал ойининг ҳақиқий мазасини тотиб, кўп сирлардан боҳабарлиги ошиб борса-да, ҳамон уятчанлиги қолмаган, сал ҳиссиёти түғенланса юзи дув қизарарди...

Ишққа ёшлар тўймайдиган чоғлар, шунгами уларнинг эҳтиросли товушларга, каминдан ҳам мос равишда олов чарсиллаб, то тонгта довур хона ичида акс садо бериши тутамайдиган паллалар эди...

## АЗИЗНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ

Лунина хоним ҳамроҳлигига ошиаз ва Лайло «Зелёный рынок» бозорига боришиди. Шаҳарнинг жанубида жойлашган бу бозорга Ўрта Осиёдан асосан ҳўл мевалар, кўк, сабзавотлар етказиларди.

Сабзавот, ҳар хил қўқатлар олинди-ю, жандуқ топишнинг ўзи бўлмади. Йўқ, пластмаса бутилкада тузланган жандуқ бир одамда, у ҳам марғилонлик йигитда топилди. У ўзбекчиликка бориб, бу ниҳоятда кўхлик келинни гапга солмоқчи эди, савдо қилишни ошпазга юклаб, Лайло қайнанасининг баридан тутди.

Келиннинг дуч келган, иршайган эркак билан сўзлашиб кетмаслигини кўриб, қайнанаси келинни бағрига босиб юзидан ўшиб қўйди.

Лайло ошпаз аёл Лизага топшириқлар бергач, тепага кўтарилиб, ошхона учун оддийроқ либосларини кийиб чиқди.

Лайло ошпаз ўлчаб, элаб қўйтган унни чамалади, илиқ сувга туз солиб намокоб тайёрлади ва товорага ун солиб, оз-оздан ошпаз қўйиб турган намокобга хамир қорди. Сўнг устини ўраб тиндиришга қўйди.

Лизага гўштни пай жойларидан ажратиб, қўлда майдалатиб тўғратди, пиёз, сабзавот ва қўқатларни ҳам ошпаз Лайло кўрсатган ўлчамда кесди, Лайло эса сардакни қовуриб, това қопқоғини ёпиб димлашга қўйди.

Чўзма лағмон хамирини столга уриб-уриб, чўзишни бошлаганда, Лунинлар кетма-кет келиб томоша қилиб кетишинди.

Лағмон хамири чўзиш амали охирига етганда, меҳмонлар келишига яна ярим соат қолганди.

Лайло лағмонни ҳам бир чеккадан пишириб, бир чеккадан човлига солиб, совук сувда обдон совутиб, чўпдан тўқилган саватларга сола берди. Саватдан милт-милт чиқсан сув томчилар, стол устидаги клёнкада йифиларди. Лағмон пишириб олинган дамда барча меҳмонлар бирданига кириб келишиди.

Мезбонлар ва меҳмонлар қуюқ сўрашишгач, уларга томат шарбати таклиф этилди.

Сергей сўради:

- Бу иштаҳа очишгами? Шундоқ ҳам нолимайман.
- Бутун бизни ким меҳмон қилмоқчи, — деб гап қўшиди катта Буров.

У билан сухбатта Лунин кирди.

- Келиним Лайло, чўзма лағмон пишириб беради.
- Чинданми? Ҳақиқий уйғур лағмонми? Ёки, дўнган усулидагисими?

Улар Лайлодан қайси бириники соз деб саволга тутишиди.

— Бизда уйғур усулидагиси көнт тарқалған ва шуни биламан. Еб күриб баҳо берарсизлар.

— Лайло ошхона учун оддий кийиниб, қайтага яна одамни ўзига тортадын хислатлари намоён бўлибдими?

— Мен ҳам шуни айтаман, маликамас, Золушкага ўхшаб қолди келиним.

Бурова ва Лунина шу ҳақда гаплашиб ўтиришарди.

Хизматкор патнисда овқат ташиб турди. Лайло ўзи назоқат билан катта косадаги лағмонларни аввал меҳмонларга узатди. Кейинги патнисдаги косаларни эса мезбонларга — ўзларига тортди.

Лайло энди бошқа кийимларини кийиш учун иккинчи қават томонга юрганди, Лунина тўхтатди:

— Лайло, сен оддий кийимда бизга янада яқинроқ, қадр-дондек бўлдинг, келиним, — деди.

Бурова ҳам гап кўшди:

— Аёлни кийимидан ташқари меҳнати кўпроқ қадрли.

Лайло мақтовлардан хурсанд, марҳамат олинглар, торгинманглар, деб манзират қиласарди.

Овқатни иштаҳа билан ейиш бошланди. Айниқса, икки кекса дугона бир-бирларига ниманидир уқдириб овқатдан тотиб ўтиришарди.

Азиз, наҳотки, шу овқатни сиз пиширдингиз, деб хотини томон бор меҳри ийиб кўз ташлаб кўярди.

Столда спиртли ичимликлар очилиб, эркаклар юз граммдан олишга ўтишди.

Олтинсоч бўйида бўлгандан бери Сергейнинг чилласи ўтиб, у ҳам эски одатини эслаб турарди. Бироқ бугун Олтинсочнинг кайфияти йўқ. Эркаклар бир-икки мартадан олишганди, бас, бошқа ичмайсизлар, деб бутилкаларни четта олиб қўйди.

Бурова индамади, эркаклар ҳам. Мезбонлар эса энди нима бўларкин, деб сукутга чўкишиди.

Орага ноҳуш жимлик чўмди. Лағмон еб бўлинди ҳам мақтов айтилмади.

Сўнг меҳмонлар хайрлашиб турдилар. Уларни кузатиб қайтишаркан, Лунина келинини бағрига босди.

— Мамочка, мендан ёғ ҳиди келаяпти, ахир.

— Ҳечқиси йўқ, пазандалиқда ҳам биринчи келиним.

— Ҳимм...

— Мария айтаяпти, Олтинсоч лағмоннинг хамирини

бўшаштириб қўйган экан. Ўшанга қайнанаси сенинг овқатингни мақтаганини эшишиб қолиб, ҳозир ғаши келди.

— Ўзим бориб, ўргатиб келаман, кейинги сафар ҳамири диркиллайди.

Лунин кириб келди.

— Келин, Красноярсқда ҳам лағмонни яхши қиладиган жойлар бор. Сизники уларни кидаң асло қолишмайди. Ҳатто соз. Ҳар ҳолда уйники-да. Ҳозир Иван ҳам тасанно айтиб кетди.

— Нечук шарқ таомига нисбатан меҳрингиз жўшиб қолган?

— Бунинг тарихи узун. Ё айтиб берайми, эшитасизми?

— Яхшиси, бошқа нарса ҳақида сўйлаб берсангиз.

— Нима экан?

— Ваъда берасизми айтишга?

— Жиддий илтимосми?

— Мен учун жуда.

Лунин хотинига қаради.

— Лайло, майли сўрай қол, — деди Лунина.

— Бўлмаса вақт борида, Азиз кўйлар яратиш билан бандлигига, улар тўғрисидаги бор ҳақиқатни айтиб берсангиз.

— Ҳа, қизим, қийин савол бердинг.

— Нега уларнинг исми Азиз. Улар сизларга умуман ўхшамайди.

— Ташқи тузилишими?

— Фақат ташқи кўриниши эмас, феъллари ҳам ўзгача, кўнглим сезаяпти, бу ерда бошқа бир гап бор.

Лунин хотинига қаради:

— Лайло унинг қонуний хотини, билишга ҳақи бор. Кейин Азиз йигирма олтига қирди. У ҳам ҳақиқий ота-онасини ким бўлганини билиб қўйса ёмон бўлмас.

— Ҳали улар ҳам билмайдиларми? Бундай сирни қандай қилиб шунча йилдан бери кўтариб юрибсизлар?

— Яхши, ярим соатдан сўнг мансардада йириламиз. Эртаниндин Тошкентга кетишса, яна бу тутунни ечиш вақти чўзилади. Сиз Азизни чақиринг.

Мансардада иссиқ сув қувури ўтказилган, шунгами у ер ҳам иссиқ, эди. Лайлонинг биринчи чиқиши, чапга қараса, шундоқ ёввойи табиат кўринадиган тарафга ўтириб олди. Қаршисида қайнанаси, тўрда қайнатаси, унинг рўпарасида Азиз жойлашди.

Сұхбатни Лунина бошлади:

- Үелім, биз сени катта қылдик. Үстирдик, илм бердік. Мана бошингни иккита қылдик.
- Раҳмат. Мен сизларни олдингизда бир умр қарздорман. Лекин қанақа жиідій гапларингиз бор? Лайло айтса, ҳовли-қиқ чиқа бердім.

- Бизлар сенға етказадиган ҳақиқатни ошкор этиш мав-риди келди.

- Ҳақиқат? Мендан ҳеч бир нарсаны яшириб келмаган-сизлар.

— Битта пинхон тутилған сир қолған.

— Ота-онам түғрисидагими?

— Ҳа, сен қайдан биласан?

- Қачондан бери, болалигимдан, унда Шура тирик зди, маълум бўлганди.

— У ҳолда ота-онанг кимлигини ҳам айтишдими?

- Йўқ, шунчаки болалар қалака қилишиб, Буровлар сени асраб олган, олқиндисан, — деб Шуранинг ўртоқлари, ўзи ҳам кўшилишиб масхаралашарди.

— Наҳотки? Нега бизга буни айтмагансан?

- Ҳайронман. Нима, айтишим керакми? Уларнинг гапи ҳақ зди-ку.

- Демак, ҳақиқий ота-онанг исми шарифи, қайси юрт-лик, миллати ким билмайсан?

— Йўқ?

— Бўлмаса эшит, бүёнини отанг тушунтиради.

Лунин Лайлого қаради.

- Бу ҳаётда осонмас, турмуш машаққатлари одамни йўлдан адаштириб қўяр экан. Бундан йигирма саккиз йиллар бурун совет ҳукумати замони, мен катта бозорга қарадим. Энг каттаси бўлмасам-да, етарлича ваколатга эгаман. Бир куни олдимга истараси иссиқ баланд бўйли, қоматлари худди Азизни бугунини эслатадиган, қўй кўз, муомалали йигит кириб келди. Фарғонадан экан, аввали-лари Иркутскга мол олиб келаркан. У ер энди укасига ўтибди. Бу хонадоннинг отаси ўзларида қишлоқ кенгаши раиси. Рашид бу уйнинг түнгич ўғли, Тошкентда қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган, йигирма ёшидан Россиянинг ҳар ерига узум келтириб сотаркан. Отаси у ёқда вагонга юклаб жўнатиб юборади, бу ерда у қабул қилиб олардий.

Фарғонадан отаси ўзининг таниши бўлган колхоз раисининг қизига уйлантириб, унинг иккита фарзанди бор эди.

Буларни кейинчалик яқиндан таниш бўлиб кетганимда айтиб берган.

Ўшанда, бозорга бошқа ўлкалардан ҳам узум кириб туради, сотувчилар ҳам етарли. Бўлак рақобатчи бош оғриғи ҳисобланади. Ҳеч кимга ёқмайди. Гарчи ҳеч нарса ваъда қилмаган бўлсамда, унга ёрдам бергим келди.

— Узумга қоғоз, ҳужжат бўладими? — деб сўрадим.

— Бўлмасам-чи, қишлоқнинг ҳар бир қарич ерида узум экиласди. Матъумотнома, накладной, барча ҳужжатлари бор. Қоғозсиз ҳалигача Россияга мол олиб қелмаганман.

— Ўзинг сотасанми?

— Ҳа, ўзим, битта шеригим ҳам бор, ўзимидан келган. Бозордан омборхона ва бир кишилик жой етарли.

Эсимда йўқ, осонми-қийинми, лекин унга жой қилиб бердим. У ҳам пешма-пеш узумини пештахтага кўйиб сотади. Рашидни менинг одамим билиб, ҳеч ким гапирмайди, зуғум қилмайди, тегмайди. У инсофли, ориягли, яхши молларни қимматроқ, сифати тушган қисмини нархини пасайтиради. Натижада пештахтаси доимо тирбанд.

Ярим йиллар ўтибми, у менинг олдимга кирди. Қарасам, кайфияти яхшимас.

— Нима гап?

— Уйга борсам, қўйди-чиқди. Хотин кетиб қолибди. Адам, қайта уйлантириб қўяман деганди, қочиб келдим.

— Эркакларни сафарига у ерда ҳам сабр қилмайдиган бор экан-да?

— Аёллар ҳамма ерда бир хил. Яхшиси яхши, ёмони ёмон.

— Тўғри. Индинга якшанба, дам олсанг бўладими?

— Ҳа, нимага эди?

— Меҳмонга келасан, мана манзил.

— Сабаби борми?

— Хотинимнинг туғилган куни, — деб эски дала ҳовли манзилини бердим.

Уйга бориб, воқеани Светага айтдим:

— Света, ўша ишхонантдаги қизни дала ҳовлига таклиф эт, баҳонада Рашид билан таништириб қўярдик.

Светага бу фикр маъқул бўлди.

Дала ҳовлига шанба куни бориб олганмиз. Эртаси якшанба меҳмонлар соат ўн бирлардан кела бошлади.

Рашид бир қороз қутисида машхур «Хусайн» узумидан олиб келди. Офтобга солсанг, сап-сариқ ялтирайди.

Светанинг ишхонасидағи қызы – Мариана ўтириш охирида келди. Света уни Рашидга таништириб ёнма-ён ўтказди.

Бирнас туриб уларнинг беғараз сұхбатларига даҳлдорли-гимиздан хурсанд бўлдик, чунки Мариана бозорда Рашиддан бир гал узум олганда, у нархини тушириб бергану, қызы кейинчалик яна борсам бошқа нарса тама қиласи деб олдига яқинлаша олмай, бошқаларнинг унча ширина мағазаси узумидан олиб кетаркан.

Тез орада Рашид Марианага уйланмоқчилигини, ҳатто янги паспорт олганини кўрсатди. У хотини билан судга ҳат жўнатиб ажрашганди. Мулкка даъвоим йўқ дейилгач, бор мулк қўлига ўтишидан шод хотини ҳам тезда ажримга рози бўлган.

Тўй бўлди. Хурсандчиллик онлари билан бирга ташвиш, югурт югурт дамлари, бир эмас, иккиси кишини ўйлаш фурсати етганди. У кечани кеча, кундузни кундуз демай ишларди.

Турадиган муқим жойлари бўлмаганидан уларга бозор яқинидан бир хоналик уй ижарага топиб бердим.

Шаҳардаги ҳаётдан сиқилганда, шанба-якшанба кунлари эр-хотин бостириб дала ҳовлига келиб қолишарди. Рашид андижонча ош ясашга уста эди. Диляш инсон эди. Ҳар гал қандайдир гаплардан топиб келиб, латифа ёки ривоят қистириб ўртани гуллатиб юборарди. Русчада гоҳо тутилиб қолини эса сұхбатта янайам завқ бағишлиарди.

Мариана ленинградлик қызы. Негадир қариндош-уруғларидан гапиришни ёқтирас, индамасроқ эди. Лекин чаққон, озода, дид билан кийинарди.

Тез орада ҳомиладор бўлиб, октябрь ойида Азиз – сен туғилдинг. Сенинг қадаминг қутлуғ келди. Уни қариндошлари ҳам йўқлашди. Рашид ўн килоча ош дамлаб тарқатганда домдагилар кўплари бу ақиқа ошидан баҳраманд бўлдилар.

Вакт ўтиб Азиз иккиси ёшга етганда Рашид қарз-ҳавола қилиб, бозорга яқин жойдан Мариана номига уч хоналик уй олди. Ва улар бу уйга кўчиб киргандаридан ниҳоятда шод эдилар. Аммо Рашидни қарз берувчилар сиқувга олдими, унинг тинчлиги йўқолиб анча асабийлашадиган бўлиб қолди. У ёқда сал аввалроқ отаси қазо қилиб, Фарғонадан узум жўнатишларда узилишлар пайдо бўлганди.

У мажбуран бозордаги жойини сотиб, охирги қарзидан күтилди ва шу тариқа даромад келадиган нұктадан айрилди.

У энди кечалари вокзалларда мол қабул қилиб олиб, тарқатадиганлар қаторига ўтганди. Иш оғир, ҳаракат күп, тушум оз.

Қиши. Шанба куни эди. Бир маҳал түшінде Рашид ва Марияна эски «Жигули»да кириб келишди.

- Машина кимники?
- Құшним, балиқчи Ринатники.
- Балонлари ейилиб қетибди, қандай етиб келдиларинг?
- Ўзим билмайман

Хотинлар ичкарига кириб кетишли.

- Юр-чи, құшнида дурустроқ балонлар бўлса керак.

Иллар давомида дала ҳовлидан бир қадам нарига жилмайдиган Михаил амаки, аксига олиб, ўша куни шаҳарга эрталаб тушиб кеттан экан.

Яна уч соатлардан кейин улар шошиб кетишли.

Азизни бизларга қолдириб кетишиганды рихлатта томон йўл олишган экан. Қорли йўлда, бурилишни кейинроқ кўрган, Рашид шошганча тормозни қаттиқ босиб юборади-ю, машина сирғалиб жарликка қулаб кетади.

Азиз кўзларидан ёш чиқиб бошини столга қўйиб ҳўнграб юборди.

Лунина қўлини унинг елкасига қўйди:

- Йиғла ўғлим, отанг-онант заҳматкаш инсонлар эди.
- Лайло киши билмас ҳаммага чой узатди.

Лунин чойни хўплаб давом этди:

- Улар қўшни қишлоқда бир ватандошнинг уйида таъзия, шунга тез ўтиб келамиз деб кетишиган экан.

Уларнинг кимлигини бизлар суриштирмадик.

Ярим иллар ўтиб сени ўғил қилиб олишга ариза бердик ва яна шунча муддат ўтиб рухсат тегди.

Унда ўзимизнинг қизимиз Шура олти ёш экан. У чиндан Азизни туртиб-суртиб юради. Лекин бизнинг олдимизда бу ишларни қилмас экан. Шура худбин, маҳмадана қиз бўлиб ўсгани учун, сўзимизга унча қулоқ осмасди.

Бу ёғини ана қайнанантлиз айтиб берар.

- Шура ёлғиз қизимиз. Уни мен талтайтириб юбордим, — деб гап бошлади Лунина хоним. — Уни синфида энг олди кийинтирган, энг сара овқатларни оғзига тиққан мен бўламан. Мактабда ташкил этиладиган тадбирларнинг барчасига

у билан биргә борардим. Бора олмасам ўқитувчиси айттанидан зиёдроқ қўлига пул берардим. Уни ўқишида бириичи бўлишини истардим, қобилияти етишмасди. Ўқитувчиларга совғалар бериб бўлса ҳам, учини зўрга тўртга ўзгартирадим, бўш юрмасин деб тенинсга бергандик, қатнамай қўйди. Еттинчи синғни битирар-битирмас у дуркун, аммо қайсар, шўх қизга айланганди. Унга телефонар қиласиган ўсмирлар кўпайди. Подъездагилар қизимиз турли йигитлар билан ўшишиб турганини бир неча бор айтишиди.

Биз у тўгерисида яхши гап эшитмай қўйгандик. Ўша пайтда Азиз ўз ҳолига ўқишига бориб келар, ундан ҳам баробар хабар олардим. Азиз тўрт ва бешга ўқирди. У тарих, адабиёт ва айниқса, мусиқа дарсига қизиқарди.

Шурани шўхлиги бошига етди. Икки йигит, икки қиз дарёниг тез оқар жойида чўмилишга боришган. Гаров ўйнабми баландроқ жойдан бир йигит калла ташласа, Шура ҳам шундай қиласиган.

Шура тепадан сакраганда боши сув остидаги тошга урилган, шу заҳотиёқ тил тортмай ўлиди. Роса йиғлаганман, — деб Лунина кўзига ёш олди. Лайло ўрнидан туриб қайнана-сини юпатди.

— Мамочкика, йиғламанг. Хотирани ковлаш қийин, ўзи.  
Ҳамма жим қолди.

Лайло шу дамда Азиз нима деркин, деб унга қаради.

Азиз бу воқеаларга ўзининг муносабатини сўз билан айтиб ўтирумади. У ойисининг қўлларига бошини қўйди:

— Ойи, барибир сиз ҳақиқий онамсиз.  
— Ўғлим, истасанг, келин билан ота-онанг ётган қабрис-тонга олиб борайлик, — деди Лунина. — Баҳонада қабрлари-ни билиб келасан.

Азиз ўйга тушгунча, Лайло жавоб қиласи.

— Албатта борамиз. Азизнинг марҳум ота-оналарини қабрини зиёрат қилиш фарз. Бизга бир кўрсатиб қўйинг, жойла-рини обод ҳам қилиб қўямиз.

— Яхши, эртагаёқ борганимиз бўлсин.

Бу тун Лунинлар хонадонида рухлар қўзғалиб, кўплари но-аниқ тушларми, хотиралар таъсириданми, нотинч ухладилар.

Тонг отди.

Лайло бугун оддийроқ кийимларда, тақинчоқларсиз наст-га тушди.

Қайнанаси вақтли уйронган экан. Одига бориб эгилиб

салом қилди ва ёногидан ўпид қўйди. Қайнанаси ўз навбатида уни бағрига босиб, ёнига ўтказиб, бирпас қўйвормай ўтириди.

— Сени қўрсам ёшлигим эсимга тушади. Авваллари бундай бўлмасди. Сендаги завқ-шавқ, янгиликка интилиш, меҳр оқибат, ўзини қадрлаш ҳаётта қайта қизиқиш ўйғотди.

Эркаклар ҳам тушиб келишди. Ҳамма жам бўлди. Нонуштага бўтқа, сур гўшт, пишлок, қора нон, апелсин шарбати, чой қўйилганди.

Лайло чой қайтара туриб сўради:

— Нонуштадан сўнг тўғри қабристонга ўтиладими?

— Ҳа, вақтлироқ бориб келайлик, менга офисда иш чиқиб қолибди.

Улар Красноярскдаги мусулмонлар қабристонига киришиб, дўмпайган тепачалар оралаб боришаркан, тўкилиб, нураб ётган қабрлардан фарқли ўлароқ тепасига мармар тошга Азизнинг ота-онасининг расми туширилган қабрга яқинлашишди. Мармартошдаги ёзувларда Рашид Тўхтаевич Йўлдошев (1952—1985й), Мариана Сергеевна Йўлдошева(Шубина)(1964—1985й) кўрсатилган.

Лайло Азизнинг қўлидан судраб унинг ота-онасига салом берди.

— Ассалому алайкум отажон, онажон. Мен сизларга келинман. Арвоҳ хотира қилиб келдик. Ҳақимизга дуо қилинглар, Мана ўғлингиз Азиз ҳам шу ердалар.

Азиз салом берди ва Лайло айтиб турган сўзларни қайтарди:

— Ассалому алайкум отажон, онажон. Мен сизларни шунча пайт йўқлай олмадим. Мени кечиринглар. Энди жонингиз паноҳ, топган жойни билдим. Руҳингиз аршу аълода учиб юрсин. Жойларингиз жаннатда бўлсин.

Лунинлар энди келин нима қиласкин, деган ўйда эдилар.

Лайло куръондан тиловот қилишни бошлади.

Тиловат биттач, яна яхши ниятлар қилинди ва қабристондан жимгина чиқишиди.

Лайло қабристон дарвозаси олдидағи оқиб турган сувда юз-қўлларини ювиб, кийимларини қоқсан бўлди. Унга қараб бу машқларни бошқалар ҳам бажаришиди.

Лунина ташқарида сўради.

— Келин, шунча нарсани қайдан биласан?

Келини елкасини қисди.

— Ҳаётдан, — деб, унинг ўрнига Лунин жавоб қилди.

Эр-хотин бир-бирига қараб, келинининг билимдонлигини сўзсиз мәъқуллашаркан, Лайло қайнатасига мурожаат қилди:

— Папочка.

Лайло қайнатасига яқинлашиб келиб, бўйнига осилди, у ҳам келинини секингина бағрига босди. Келин унинг икки ёноғидан ўпаркан:

— Раҳмат сизга, икки мусоғирни ёттан жойини обод қилиб, тутанмас савобга қолибсиз, — деди.

— Ҳа, ҳушёр келиним. Илтифот кўрсатиш, вақтида миннатдорчилик қилишни ҳам қойиллатади, — деб қайнатаси келинининг соchlарини силади.

Азиҳ ниҳоят тил ютиб гапирди:

— Папа, мама, спасибо.

Улар икки тарафдан ўғилларини қучоқлаб оддилар,

Четдан бу манзара Лайлого эриш туюлди.

## ХИЁНАТНИ КЕЧИРИШ ҚИЙИН

## ЛАЙЛОГА СЮРПРИЗ

Орадан яна түрт ойлар ўтиб июнь ойида Лайло диплом ёқлаб, үқишини битириб олди. Энди у текстиль соҳасида модельер-дизайнер мутахассиси бўлганди.

Арзанда келинни табриклашга ҳар иккала қайнана, қайната узоқдан келишганди.

Катта сюрпризни Лунинлар қилишди. Улар Сидикмат ака, Ҳикматлар билан икки кун ахтариб, шаҳардан чиқишида, Қиброй томондан йигирма түрт сотикли икки қаватли, энди битказилган уйни Лайло номига сотиб олиб беришди. Лунинга бу уйнинг ёққани пастки қисмидан каттагина сув ўтарди.

— Ана балиқ тутса ҳам, чўмилса ҳам жой тайёр, — деб кулди у.

Сидикмат ака телефон қилиб Лайлони ва бошқа аёлларни чақиритирди.

Бир машина бўлиб улар йўлга тушишди ва ҳаял ўтмай уларни катта кўчада Сидикмат ака кутиб олиб, Қибрайнинг сув бўйи тарафига ҳайдаб олиб кетди.

Улар уйларни ҳанг-манг бўлганча томоша қилиб чиқишиаркан. Лайло кўнгли ниманидир сезиб, типирчилай бошлиди. Бу уйни қайнатаси сотиб олган. Лекин қайси бири.

Ниҳоят, Сидикмат ака Луниига галиринг деб имо қилганди, у хотинига қаради.

Гапга дадил Лунина:

— Биз Харитон билан маслаҳатлашиб, Лайло келин сенга шу уйни совға қиласиз, — деди. — Илтимос, қабул қилсанг.

Ҳамма хурсанд ҳолда Лайлони табриклай бошлишди.

У ҳамон лол бўлиб турганида, Харитон Олегович яқинлашиб унга уйга оид ҳужжатларни берди.

— Марҳамат, бу сенинг шахсий уйнинг бўлади. Унга ҳатто Азиз даҳлдор бўлмайди, чунки эгасидан совға тариқасида расмийлаштирилди.

Лайло хужжатларда Лайло Құдратовна Жаводова ёзу-  
вини күриб, қачон қайнатам улгурди, у қилган савобини  
биров билмай қолади, шунчалик ҳам сахий одам бұладими,  
деб үйлади. Ва ён-атрофадагиларни шоддиги үз йўлига, шу  
маъқул инсон қайнатасининг тантилиги ва серҳимматли-  
гига қачондан бери тан берип келарди, ҳозир эса у сўз  
тополмай қайнатасини қучоқлаб олиб, уни Азиздан бўлин-  
ган меҳри билан юзларига юзларини босди. Лабларидан  
чўзиб ўпди. Ва қилган ишидан уялиб ўзини қайнанасининг  
бағрига ташлади.

Лайло қайнанасига ташаккурини айттанди, у кулиб ту-  
риб:

— Фирманг, ателье даромадларига бироз қўшимча қилдик-  
да, — деди.

Лайлонинг уйдагилари бу совғани кутишмаганди, Хайри-  
хон опа кўзига ёш келди.

— Аданг бу кунларни кўрса, қанийди...

Сидиқмат ака Лунинларни шу куниёқ Чимёнга, тоқقا олиб  
чиқиб кетди. Лайло институтдан хужжатларини олиш учун  
қоғоз тўлдириш билан банд бўлди.

Лайло Ёдгорни Красноярскка олиб кетиши тўғри бўлмас-  
литини билар, аммо ҳалигача Ойгул опа «неварамни ўзим  
боқаман», деб гап кўтармаганди. Лайло бу гапни онасидан  
бош қайнанасига етказишни сўради.

Ойгул опа бу гапни учини эшитмаёқ, вой, неварам совук  
ўлкаларда нима қилади. Лайло рози бўлса, уни ўзимиз катта  
қилсак. Ахир, боламиздан ёдгор. Ўғил ўрнига ўғил бўлади,  
деб йиглаб олди.

Меҳмонлар ҳафтанинг охирида жўнаб кетдилар. Лайло  
уларга икки ҳафтадан сўнг етиб боришини айтди.

Маслаҳат билан Хайрихон опа, Лайло ва Ёдгор Сидиқмат  
ака, Ойгул опалар билан Сайрамга ҳаво алмаштиргани кетди.  
Ўн кунлар дам олган Лайло яна Сайрамда қадрли бўлди. Очиб  
қўйган ателье-салонига борди, фасон ва артикуллар бўйича  
фикрини билдириди, тикувчилик цехи, бичувчилар ишлари би-  
лан танишди.

Унинг мақсади Красноярсқдаги ателье-салондаги янги-  
ликлардан бу ердагиларни таништириш эди.

Үндан ташқари, кекса онахонларни йўқлаб, келинлар би-  
лан соатлаб ҳангомалашиб меҳмондорчиликдан бўшамади.  
Лайлони йўқлаб чакиришга маҳтал бўлганлардан Ойгул опа

боши күкка етарди, Хайрихон опага йигламокдан бери бўлиб, аммо армонини ёзди:

— Шу олти ой ичида қизим бир марта келиб кетди-ю, унча эътибор топмади. Бир-икки яқинлар мажбуриятдан чакиргандарни айтмаса, қизим келин бўлиб ҳам унча тилга тушмади.

— Фарзанд кўрсинг, қадри ошади, хафа бўлманг, — деди Хайрихон опа.

Лайло ўз ўриида, Тошкентта қайтиш олдидан, дала ҳовлида уч-тўрт кун қолиб, сувнинг тинч жойларида қўшни келинлар билан чўмилиб, яхши ҳордик олди.

Хайрихон опа ва Лайло Ёдгорни кудасининг уйида йиглаб-йиглаб қолдиришди.

Тошкентда Хайрихон опа Лайлонинг кийимларичи йигар экан, йиглаб юборди:

— Қизим, битта фарзандинг қозогистонлик, биттаси россиялик бўладими? Иккинчи фарзандингни Тошкентда туғсанг бўлмайдими?

— Ойи, биринчи октябргача уч ой бор, — деди Лайло, бу ёғи худога аён дегандек. — Яна қизим кимга ўхшаган туғиларкин?

— Фарқи нима? Ана қара, сенга қандай уй-жой совфа қилишибди. Бу уйда сену болаларинг турмаса, ким туради?

— Ҳозирча ўзингиз,

— Ақлингни еб қўйибсан,

— Мен Таня опани чақирай.

Лайло Таня опани маслаҳатингиз керак, деб йўқлади.

Шу пайт Адиба ҳам кириб келди.

— Ёдгорни боқиб-боқиб ташлаб келибсанми? — дей ўсмоқчилади у сўрашиб бўлгач.

— У Нодирнинг ўрнини босади, Сайрамда қолди.

Хайрихон опа чой қўйди. Ҳаммалари энди катта стол атрофида йигилишгандилар ҳамки, Таня опа кирди ва барчалари билан сўрашиб, Лайлого қаради

— Яна нима гап, қаерда туғсан деб ўйлайсанми?

— Ҳа, ойим Тошкентдаги доялар қабул қиласин, деяптилар.

— Тўғри-да, Лайлони ўз фарзанди ҳам бўладими ё у суррогат хотин ролини ўйнаб юрадими, — деди Адиба.

— Суррогатинг нимаси, қайси она боласидан кечади. Шароит билан иш кўриш керак, невараларим қаерда бўлмасин сор бўлса бас. Таня опа, сиз нима дейсиз!

Таня опа индамай оз сукут қилди.

— Ҳар кимни ҳаётда умри турли кечади, ким ўйлабди Юсуфнинг қамалиб, касалланиб. Лайло тақдирига Нодирни киришини, — деди кейин. — Ёндан кейинги воқеалар тайёр нақд баҳтидан айрилиб, Лайло ёшгина бева қолиши адолатданми? Бир ёқда фарзандга қарашиб, бир ёқда ўқиш унга осон бўлдими? Ҳаётига бир сабаб билан кириб келган Азизни ҳам худо раво кўргандир-да. Ундан қутилаётган фарзанддан эса, бир томони, қизимизнинг кўнгли хижил, ўша тарафларда турсин, куёв тарафдагиларга зурёдини кўрсатсан, у ёғи бир гап бўлар.

Бу сўз ҳаммага ёқиб тушди.

Лайло Тания опани қучоқлашиб:

— Тания опа, сиз бу йил Красноярскка бориб юрманг, дам олиш учун ойим, опам билан бир-икки ой Қибрайдаги уйга бориб туринглар, уй эгасиз қолмасин, — деди.

— Сенинг қасрингами? — деди Тания опа. — Албатта борамиз. Раҳмат қизим. Бир кун шундай қадрли бўлишингни сезардим. Бу лекин ҳаммаси эмас, шекиали. Бошқа мартабаларингни ҳам кўрайлик, худо хохласа.

Сунбуланинг охирида «Она-бола» марказида Лайлонинг кўзи ёриди.

Ўзи куттанидек қиз кўрди.

Бу воқеа тепасида она-бола Лунинлар бўлишди.

Хушхабарни эшлитиб, қайнатаси ҳам етиб келди. Уларни ойнанинг нарити томонида туришганини кўриб, Лайло тортиниб юзини рўмолча билан ёпиб олди, айниқса қайнатаси келгач, у тарафга умуман қараашдан бош тортди.

## ЎЗИНИ ЎЗИ ОВУТИБ ЮРАРДИ

Орадан икки йилча ўтди.

Бу вақт ичида Лайлонинг Сайрамдаги ателье салонидан кўра Красноярсқдагиси кўпроқ фойдага чиқди ва унга кўпроқ, даромад келтирарди.

Қайнатаси ҳамон Лайлого содик, унинг тушумини ҳисоб ракамига тушириб бораарди. Лайло йигилган шулларнинг ҳажмини эпшитиб, Тошкентдаги тикув фабрикасини қенгайтиришини мўлжаллаб қолди.

Шахсий ҳаётда эса, у ўзини эрига номигагина боғлангандек сезар, шунинг учун ён-атрофдагиларни сезмай ўз

ўйларига бурканган, ҳәллари ўзидан узоқ Азизнинг ҳолатига ачинибми, раҳми келибми, унга шавқатли бўларди, холос. Аммо барибир ўша тунгус аёл бошини айлантириб эрига боғлайдиган кечаларни айтмаса, муносабатлари сошиб бораради. Чунки у шаман кулбасида бўлган воқеадан хабар топганди. Ва уни қайта иситишга Лайло ўзида куч топа олмай аросатда қолганди. Уни қийнаган нарса қизи Айсуга тамғаланган «никоҳсиз тувишган», — деган маломат эди.

Икки йил давомида ёз ойлари Луинилар билан Қибрайдаги ўйларида ҳафталаб дам олишар, ўн кунлардан сўнг Луинилар қайтиб кетгандан Лайло қизини бағрига босиб, сувга солиб, чўмилтираради. Сўнг энагага бериб, ҳовлидаги бассейнда ўзи маза қилиб сузарди.

У сузишни Красноярскда ўрганди. Қўли бўшлигида сузиш ва инглиз тилини ўрганишга вақт ажратиб яхши қилди. Бассейнга қатнаш учун дугоналар ҳам топилди. Эрининг қариндошлари, тоҳо қайнанаси ҳам бораради. Натижада Лайло иккита туққан аёлга ўхшамас, белларини бойлаб тортиб юриш ва сузиш уни қизликдаги ҳолатига олиб келиб, кўзга яқин қилиб қўйганди. Ўшангами, қайнанаси уни фақат аёлларга ажратилган вақтда бассейнда сузишга рухсат берганди ёки маъмуриятдан шу вақтни талаб қилиб ундириб келарди.

Лайло Тошкентдаги қадрдонлари билан бирга то августнинг охиригача дам олишни канда қилмасликни одатта айлантирганди.

Бир ёнида Хайрихон опа, бир ёнида Таня опа биттамас, иккита онасига айланишганди.

Опаси болалари билан тез-тез келиб турарди. Файбула келганида аёллар ичкарига кириб кетишар, у шу фурсатда бир-икки соат чўмилиб, болаларини ташлаб яна ҳафта ўтибми болаларини олиб кетгани келганида, шу баҳона сувга тушшиб кетарди.

Зиёдан Лайло тортинмагани учун улар биргалашиб чўмилшар, у сузишда опачасидан қолишмасди. Бир томони, бу йил архитектура институтини битирган Зиёга жой топиб бериш ҳам Лайлонинг бўйнига тушганди.

Сидикмат аканинг қадрдонлари орқали уни институтга ишга жойлади. Бу йил магистратуррага кирса, кейинчалик ўқитувчилик қилиш отаси Ҳикматга ҳам маъқул келди.

Кечаги зигиртаккина қиз катта бўлиб ўғилларининг ишини ҳал қиласанини эшигиди, Лайлони дуо қилди.

— Доим ишларинг ривожини кўриб, сендан болаларимиз ўрнак олиб юрсинлар.

Икки ой ичида Айсуни тили бузилмасин деб, ҳатто қизининг энагаси ҳам Лайло билан бирга келарди.

Барча базм ва тадбирларга келинини доимо қайнанаси кузатиб борарди. Лунина Лайлонинг ғайратидан ҳадикда эди. У икки ой «Жаҳон ҳалқарининг рақслари» курсларига қатнади ва баъзи рақсларни шунчалик ўрганиб олдики, рақс ўргатувчи Гулсина Нигматулина унга «Шарқ рақслари» танловида албатта қатнашинг, арабчада голиб бўласиз, деб ёпичиб олди.

Бу танловга қатнашиш учун Лайлого уйдан рухсат тегмади. Унинг ўзи ҳам кулиб, эркаклар тугул ҳатто хотинлар олдида ярим яланюоч ўйнашга юзим чидамайди, деб бошини сарак-сарак қилди.

Аммо, у бу маҳоратини корпоратив вечеринкада намоён қилиб, кутилмаган гапни эшигиди.

Лунинларнинг яқин ҳамкор бўлган чақон ишбилармонлардан биря «Континент» ресторанида қизининг йигирма ёшига банкет берди.

Совфалар йигиди.

Столлар меҳмонларга тўлди.

Ўйин-кулги авжига чиқди.

Ёшлар ўзларича нарига ўтиб дискотека ташкил қилинди.

Бу саҳнада бошқа меҳмонлар олдида кавказ лезгинкаси янгради. Меҳмонга келган аёл ва эркаклар ўйин кўрсатишиди.

Қарсаклар бўлди.

Бир пайт Лунина Лайло олдига келиб пичирлади.

— Лайло «Лазги»га тушиб бер. Мезбои сўрайти. Харитон Олеговичнинг ҳамкори.

У қайнатасига қаради, у Буровлар билан банд эди.

— Мамочка, бу даврада бу рақснинг ўрни эмас.

— Бўлмаса, арабча тушасанми?

Лайло қараса, қайнатасининг сал кайфи бор, ундан кутилиши қийин.

Устига-устак, қайнатаси бориб қайнатасини бошлиб келди. Қайнатаси ҳам илтимос оҳангиди:

— Лайло, мен учун түшинг. — деди. — Керакли ҳамрохим. Хурсанд бўлади. Мен ва Светани сўзини қайтартманг.

— Яхши. Араб рақси бўлса, араб рақси.

У қайнанасининг шойи шарфини олиб, йўлак бўйлаб чиқди. Одига келган қайнатасига қаради. У муҳаббатдан забун бўлган кимсадек ночор турарди.

Лайло қайнанасининг пушти ранг шойи шарфини белига тортиб бойлади. У билгандек қоматини чиройли қилиб турувчи, араб рақсига мос бугунги кеча учун кийган узун кўйлагининг ёқасини бироз очиб, бошидаги дуррачасини ечиб сочини сочиб юборди.

Араб кўйи чалинди. Ҳамма ким рақсга чиқаркан деб, даврага кўз ташлади. Ниҳоят, Лунина келинини етаклаб ўртага олиб чиқди ва ўзи четлашди. Лайло рақсга берилаб ўйнади. У ёнбошларини ликиллатиб, эркаклар қолиб, қиз-жувонларнинг ҳам ҳавас, ҳирсини қитиқлаб, астойдил берилаб ижро этдики, юз-кўзлари, мимикаси, ишоралари, қўл ҳаракати, кўксининг зириллашлари умумий рақс муқомига қўшилиб уйғуллашиб кетди.

Гарчи Лайло ҳаммаёри ёпиқ кийимда бу рақсни ижро этган бўлса-да, мусиқа тугагач ўзини ялангоч ҳолатда сезиб, йўлак бўйлаб югуриб чиқар экан, орқасидан тўхтовсиз қарсаклар унга етиб олишга урингандек барадла янгради.

Унинг ортидан етиб келган Лунина:

— Зўр. Лайло, мен сендеқ ёш бўлгим келаяпти, қоматингдан уялма. Уни қанча кўз-кўз қилсанг, ўзингта шунча ярашајпти, — деб қайнанамас, худди дутонадек гапирди.

Лайло ўзини сипо кўринишга келтириб, даврага қайтай деса, унга кулиб қараб турган Никитинни кўриб қолди. Боя у кўпчилик орасида унга ўхшаган одам кўрдим деб ўйлаганди, адашмабди.

— Сиз энди эрингиз қолиб, ўзингизни маҳоратингиз билан Лунинлар уйига олқишиб олиб келишни бошлабсиз-да, — деди Никитин.

Лайло унинг гапидан, аёллик қадрингизни рақс тушиб оширяпсизми, мен сизни шу даражага туширмаган бўлардим, қани у лапашанг, деган маънони уқди.

— Азиз, кела олмади. У ишляяпти.

«Уни аллақачон кўп ичадиганлар рўйхатига ўтганини худди мен билмайдигандек гапиради», деб ўйлади Никитин ва гапни бурди:

— У ҳолда рухсат беринг, мен бу кече сизга қавалерлик қиласай,

— Рухсат.

Лайло ичидан: «Никитин. Даңгалчи. Яхши, дили очиқ одам», деган фикр үтди.

Даврада осойишта мусиқага рақсга тушиларди.

У қавалерининг таклиғини рад этиб, жойига олиб боришини сұрады.

— Йўқса юринг, тепага чиқамиз, сокинликда атрофни тоғомша қиласиз.

— Яхши.

Улар учинчи қаватдаги четроқда ёнма-ён иккита креслога ўтиришди. Узокларда чироқлар ёнар, пастида йўлда автомашиналар тир-тир үтар, шаҳар ҳали ухламаган. ҳаёт қайнар эди:

— Тўғрисини айтсан, мен сизларни ҳам кўрай деб келгандим.

— Ростданми? Азида ишингиз бормиди?

— Дўстликка қурдингми азим пойdevor, сұхбатинг асоси эрурдир дийдор.

— Туркий байтларга ўхшаш. Лекин фикрингизни тушундим.

— Лайло, ўзгармабсиз. Икки йил үтди. Нима янгиликлар?

— Бизларда қызалоқ туриади. Исми Айсу.

— Яна шарқона исмими?

— Бу ердагилар асли шарқдан тарқамаганми?

— Баъзилари шарқдан, баъзилари ғарбдан. Лекин бу исм таниши.

— Исмни бир шаман қўйди. Қизимиз исмида улуғ бир аёлнинг руҳи бормиш, уни ажабтовур тақдир кутаётганмин.

— Яна бир ойдан сўнг «Подольск оқшомлари» халқаро фестивали, сизларга таклифнома олиб келганман.

— Борамиз. Мен дунё айланишин яхши кўраман.

— Уйда ўтиришни-чи?

— Ҳечам ёқтирумайман. Йўқса, бунақа совуқ жойларга келиб қолмаган бўлардим.

— Ҳимм...

— Юринг даврага. Қайнанам қидириб қолмасин.

— Яхши. Лекин Подольскка қайнанангизни олиб борманг. Кулишдилаар.

## КЎКРАККА САНЧИЛГАН ХАНЖАР

Йионъ ойларида «Подольск оқшомлари» ҳалқаро фестивалида Азиз ва Лайло эски танишларни ҳам кўришди. Жуманазаров икки кун бўлди-ю, сўнг Москвага иш билан кетди. Уларнинг кафиллигини худди Никитин олгандек, Азиз ва Лайлони фестивалда оддинги қаторларга ўтказар, банкетда эса ёнидан жой кўрсатарди.

Фестиваль ёпилишига бир кун қолганда банкет бўлди. Унга Азизлар ҳам тақлиф этилганди. Банкет қизигандан қизиди.

Ўйин-кулгилар вақтида Азизнинг ёнида ёш қизларни айланиб юрганига эътибор бермаган Лайло бир вақт унинг анча пайт йўқ бўлиб қолганига ҳайрон қолди.

Бу орада Никитин қўймай уни танцатга тақлиф қилганди, сўзини қайтара олмади. Фестиваль этикетига кўра қатнашчиларнинг танцада бир-бирларига рад жавоби одобсизлик хисобланарди. Шунинг учун сап-сариқ сочли аёлларнинг қора танли иштирокчилар бағрига кириб рақста тушиши одатий ҳол эди.

У ҳозир шу сариқ сочли аёл ўрнига ўзини қўйиб кўрди-ю, фалати бўлиб кетиб ўтирилса, Никитиннинг елқасига қўлинни ташлаб рақста тушаётган экан, дарров ўзига қелди, аммо жюри раиси унинг белидан ўзига қаттиқ тортаётганини ҳис қилди. Лайло танбех, бергандек, унинг қўлига туртиб қўйди:

— Бу нимаси. Биз кураш тушаётганимиз йўқ.

— Ҳа-я, ўзбек позаниннинг танбехига қаранг. Ўхшатиш билан айтади.

Лайло унинг елкаларига қараб, ўйга толди:

«Бўйи баландмас, мендан сал тик, озгин бўлса, шунча куч ва ғайрат қаердан бу раисда».

Танца тутар-тутамас, унинг кўнглига ғулғула тушиб, Азизни қидириб кетди. Никитин бир хизматчига имо қилганди, у Лайлони ресторон йўлаги бўйлаб олиб борди. Аввал чапга қайилиб, яна чапга судраб, бир хона олдида тўхтади. Эшикни секин итариб очди ва ўзи дарҳол даф бўлди.

Ичкарида тамоман хушини йўқотган Азиз, бояги икки қиз билан майшатта берилганди. Кийимлар полдаги кавролан устида сочилиб ётарди.

Лайлонинг бўғзига аччиқ бир нарса тиқилди.

У қандай келган бўлса, шундай орқага тисарилиб гарангсиб юриб кетди. Йўлак бошида уни кутиб олган Никитин гапта солди:

- Сизга нима бўлди? Мазангиз қочдими?
- Ҳа.
- Очиқ ҳавога чиқамизми?
- Қаерга бўлса ҳам, тезроқ...

У йиғламоқдан бери бўлиб, Никитинга суюнди.

Никитин билан у ўзлари жойлашган «Родина» меҳмонхонасига кираётганда ўзини тутиб олган бўлса-да, юзидағи зоҳир ташвиш билиниб турарди. Тўртингчи қаватдаги Никитинга ажратилган хонанинг антрасолига чиқиб, у узоқларга кўзини тикиб турар, бояги кўрганларини унудишини ўйларди.

Афсуски, чиройли чашкаларда кофе ичиладиганда ҳам, Лайлонинг алами босилмай, машъум саҳна кўз ўнгидан кетмасди. Унинг бўш, ландовур эри, икки киприклари бурунларигача уланган қирғий калхатларга қучонини жон деб очиб турибди.

Никитин катта чироқларни ўчириб, стол чироғини ёқиб қўйди. Лайло хаёл домидан чиқа олмасди.

Евгений нима бўлганини билди, унга хизматчи хабар берганди. Ҳозир у Лайлони қандай қилиб овутиш, тасалли беришни билмасди.

Лайло диванда танҳо ўтиаркан, ҳозир ўзини таҳқирланган, жуда ёлғиз ҳис қилди-ю, кўзларидан ёш милтиллади. Буни Евгений кўрмади. Аммо сумкасидан дастрўмол чиқариб, кўз ёшларини артаётган Лайлонинг қошига чўкиб, унинг кўнглини кўттармоқчи бўлди:

— Қўйинг, садқаи кўз ёшларингиз, у сизнинг тенгингизмас. Парвозлари ҳам юқори бўлмайди. Сизга юксакликларнинг ҳокими — ҳақиқий бургут керак...

Жувон индамади.

— Лайло, менга тегсангиз, — дея гап бошлади Никитин.  
— Чет элларга олиб борардим. Бутун дунёни кўрсатаман. Менга оддий эмас, сизга ўхшаган орли, ғурурли, кибор хотин керак.

Лайло унга ўтирилиб:

- Хотинликка аёлнинг алами тошганда эмас, умидвор бўлганда қўли сўраб олинади, — деди.
- Сиз билан мен ўзимизга тўғримиз. Бахтни майдалашни билмаймиз. Менга бутуналигингиз керак, баъзиларга ўхшаб сизни арзимас тангаларга алмашмайман.

Лайлого бу гаплар таъсир қилдими, ё тўлиб турганмиди. Евгений узатган шарбатдан ҳўшлар экан, хўрлиги келиб кўз ёш тўка бошлади. У йиглагандага чуқур хўрсиниб пиқиллар, дарди окирга ўхшарди. Ҳозир овутиш учун Евгений унинг ёнига ўтирган эди, Лайло бошини унинг елкасига қўйиб, росмана йиглашга тушди. Евгений уни тинчлантириш учун сўз тополмай, қулоқлари остига шивирлай бошлади:

— Лайло, рози бўла қолинг, биринчи кўрган кунимданоқ, айниқса рақсингизга маҳлиё бўлганимдан буён ошиқман. Сизни тезроқ кўриш учун бу кунларни қанчалик интизорлик билан кутдим.

Лайло бадтар кўз ёш тўкар, корнигамас, қадрига йигларди. Лақма Азиз совун пулфагидек ёрилиб, унга заррача меҳри қолмаганини сезди. У билан яшаб, уни ижодкор деб, кўнглига қараб келганди, ўртача талантини юзага чиқиши учун шаритлар яратди, инжиқ феълига мос куйлар, қўшиқлар ёзганда кечалари шарбат, кофе ташиди, эшитиш учун уйқусидан кечиб баҳолар берди, рағбатлантириш учун ёмон асарларига ҳам олқишилар айтди. Натижаси кўринмади. Бу ёқда ичкиликка ружу қўйди, охирги вақтда ҳар кимдан қолган бузук аёллар ёнида пайдо бўлаяпти, деган сўзларга ишонмаганди.

Мана оқибат, гирт шармизлиқ. Шармандалик. Аёлни ҳурмат қилмай ошкора хиёнат. Кўзлари бу манзарани кўрмаса майли эди. Энди буни Лайло унута олмайди.

Балки Евгений ҳам, бошқа эркаклар ҳам бу ишни қилишар, аммо бу вазиятда уларнинг гуноҳлари Лайлого кўринмай, у фақат эрини қоралаб ўтиради.

Лайло, йигига тўйиб, ниҳоят қимиirlаб қўйди.

Евгений, хушёрлик билан, кўксини қиздирган жувонни ноилож бағридан бўшатди.

— Евгений, мени хонамга кузатиб қўйинг.

Хона эшигини очган Евгений бу ерда Азизнинг йўқлигини пайқади.

Лайло мағрур бошини кўтариб дераза олдига бориб, ташқарига қаради. Ва беихтиёр хаёл билан, кофта тутмаларини бир-иккитасини ечаркан, орқага ўгирилди.

Унинг оппоқ бўйни ва бир чети кўриниб турган кўксига Никитининг кўзи тушиб қотиб турарди.

— Сиз бу ердамисиз, — деди Лайло қўли билан кўксини паналаб. — Эрталаб кераксиз. Вактли жўнаб кетмоқчиман.

Никитин зўрға бош ирғади, у Лайлого ёпишишдан ўзини

базур тийиб тураради. Чунки унинг орзуси бир кечалик майшат эмас, балки ундан йирикроқ, Лайлого нисбатан катта мақсадлари бор эди.

Саҳарлаб Лайлодан қайнанасига телефон қилди ва бор во-қеалардан хабардор қилди.

Қайнанасидан қуидаги жавобни олди:

— Вой, ахмок, ҳамма ишни расво қилибди-ку, — леди қайнанаси куюнганча. — Сиз келин сиқилманг. Бунга адаси ҳали нима дөркин? Сиз уни алдаб, олиб келинг. Бир ўзини қолдирманг у бўшангни.

Никитин кириб, уни нонуштага зўрга кўндириб олиб тушаркан, Лайлодан қадр-қимматни биладиган хоним статусидан фойдаланиб, Никитиндан дарров эрини топиш ва кундузги рейсга, Красноярскка иккита билет қилиб беришпич сўради.

Никитин бошини силкиб, иш бошқарувчини ёнига чақириб топшириқ берганини Лайлодан сезмади ҳам.

Улар бирга нонушта қилиб бўлишгач, ҳар ким ўз хонасига йўл олди.

Бирпас ўтиб унинг хонасига кирган бошқарувчи иккита билет узатди,

— Никитинга миннатдорчилигингизни айтинг, уни кўли ҳар ерга етади.

Азиз кетар чоғида ҳам, ҳамкаслари билан қайдадир ичиб келди. Никитин уларни кузаттани кирганди, Азиз иршайиб кутиб олди:

— Евгений Максимович, «Подольск оқшомлари»га яна так-лиф этишни унугманг! Роса маза бўлди.

Никитин сир бой бермай Лайлого бир-иккита расмий гаплардан сўзлади:

— Хўп хайр. Ҳа, Лайлодан, нима камчиликлар бор?  
— Йўқ, ҳаммаси жойида. Бу билет шули, олиб қўйсангиз.  
— Кўяверинг.  
— Олинг, шукр-ки, пулимиз етарли, бойлиkkамас, қадрга муҳтожмиз.

Шу пайт иш бошқарувчи кирди.

— Уларни машинага ўтказиб юборсам етарлимис?  
— Йўқ, Москвадан самолёттга солиб келасизлар.  
— Бўлмаса вақт оз, Азиз, олдимга тушинг!

Ҳайдовчи юкларни кўтариб, иш бошқарувчи Азизни етак-лаб тушиб кетишиди.

Евгений Лайлого күлини чўзганди, ўнарироқ суралди:

- Евгений, бу нима қилиқ, аёл кўрмаганмисиз?
- Лайло, ўша гапим гап, Умримиз сайд-саёҳатда ўтади. Азиз билан ажрашаман деб сўз беринг?

- Етиб борайлик кўрамиз. Бошқа сабрим қолмади.
- Евгений ёнидан совра чиқарди. У жуда чиройли колье эди.
- Бу сизга, эсадлик учун.

Никитин кўлидаги кольени унга узатиб турад, Лайло олиш олмасликка иккиланиб, кўзлари бир зум ёнди-ю, кўлини узатган жойда, бошини дикиллатди

- Ололмайман. Уйдагиларга нима дейман?
- Подольскдан сотиб олдим, Никитин қарз берди денг.
- Лайло кўниб, кольени кўлига олди-да, беихтиёр ёноғини Евгенийга тутди. У эса аристократларга хос, енгилгина ўпди.

— Раҳмат. Йўқ, бўлиб кетманг. Кўнғироқ қилиб туринг, — деб Лайло шаҳдам қадамлар билан номердан чиқаркан, Евгений пастача кузатиб тушди.

Машинада Азиз ҳеч нарсадан хабари йўқ, уйкуга кетганди.

Лайло билан Азизни ажрими судда тинч ўтди. Суд бир ой ичидаёт қарор чиқариб берди.

Айсу отаси билан қолишига Лайло ортиқча қаршилик қилмади.

Оқибатда Лунинлар эр-хотин ёшларга тегишли мулкларни бутунлай унга ўтказишдан ташқари, унинг номига Красноярскдан уч хонали квартира олиб кўйишиди. У қизини кўргани ёки меҳмонга келганда, мабодо Азиз уйланса уни ва хотинини ноқулай аҳволга солмаслик назарда тутилган эди.

Олтинсоч Лайлони ажрашганини эшитиб, кўнғироқ қилди.

— Айсуни олиб келинг, болалар билан ўйнайди, ўзимиз бир фийбатлашиб оламиз.

Лайло шундек қилди.

- Эркак киши ўзи юронгич бўлади. Ҳар бир юргани билан ажрашаверса, эр чидайдими? — деди Олтинсоч.
- Нима қилай бўлмаса, кўриб туриб яшайверсан тўғри бўлармиди?
- Мени эрим юрса, мен ҳам шу билан қайтараман.
- Йўғ-эй?

- Киши билмас қиласын, токи аламларим чиқиб кеттүнчә.
- Мен ундағы қыла олмайман.
- Замондан орқада қолиб, эскича фикраб, үзингизни үзингиз қийнайсиз, сиқилиб касал орттирасиз.
- Сиқылганим рост.
- Аччиқни аччиқ кесади. Хиёнатта хиёнат билан жавоб беринг. Алами тезрок үтиб кетади.
- Болшингиздан үтгандек гапириасиз?
- Нима, Сергей юрмайдими? Шунчак пули билан-а? Ҳеч ким ишонмайды, үзим саунадан тутиб одим бир марта.
- Қандай қайтардингиз?
- Ҳабашлар клубига бориб, улар билан ярим яланюоч расм-га түшиб келдим.
- Вой.
- Агар яна бир марта аёллар билан ошкор юрсанғ, мен ҳам шу клубдагиларни қўйнига кириб, расмимни Интернетта чиқараман, тагида «Буровнинг хотинига кучи етмаяпти», деган хабар бўлади, дедим.
- Олтинсоч опа, қанчалик даҳшатли аёлсиз-а? Эрингиз қолиб мен қўрқиб кетдим.
- Турмуш учун кураш осонми, Болаларим: Мурад ва Юлдуз учунчи?
- Тасанно, сизга.
- Лайло, сизни ҳурмат қилиб, суйиб, кетингиздан алқаб юрган ошиқларнинг раъйини қайтарманг. Ўлар дунёда узоқларга таклиф қиласа, курортларгами, сайр-саёҳатами жўнаворинг. Ўйнаганингиз қолади. Мажбурият юзасидан турмушга чиқа кўрманг. Қайта никоҳга шошманг.
- Үзим ҳам шу қарорга келганман, айниқса манави бўшбаёв Азиздан кейин.
- У Сизга ҳечам мос эмасди, қутилганингиз рост бўлсин. Оёғидан ўт чақнайдиган йигитми, эркакми сизга зарур ё нотўрими?

Лайло Олтинсочга хайрихоҳ, қаради.

Лайло эртасига ёқ, үзига тегишли баъзи матаҳларини шашар марказидаги уч хоналик квартирасига кўчиртириди. Лайло хизматчилар кетиб ҳамма нарсаларини кетма-кет уч кун қайта жойлаб, энди кечки оқшом кофе дамлаб ичиб ўтирганда Лунин кириб кеди.

Лайло худди келинлик даврларини эслатиб, ўрнидан туриб

зилиб кофе қўйиб узатди. Ҳаритон Олеговичнинг кўнгли ёзи-либ, келинини кучоқлаб олди.

— Сендеқ аёлни билмаган ўғлимни кўр кўзи, ҳали-вери очилмайди. Сен бошқа бир боеларга ярашасан. Агар камида ийтгирма ёш қичик бўлганимда..., — деди Қайнатаси.

— Ҳаритон Олегович, яна ўша гапми?

Қайнатаси ерга қараб қолди.

Кейин бошини кўтариб:

— Уйлар маъқулми? — деб сўради.

Лайло курсанд бўлиб сакраб кетди. Мана нима учун қайнатасига ташаккур билдиради. Менда бир хайр кетса кетар, ўйлади у. Лунин эса меҳримга зор.

— Ҳаритон Олегович, сизга миннатдорчиллик изҳор қилмоқчиман. Майлимий?

У Лунин ёнига ўтириди ва икки кўли билан унинг юзларини ушлаб тўхтамай ўпа бошлиди. Ҳудди қизалоқ онасини ёки адасининг юзини дуч келган жойига лабини босгандек.

— Мен сизни Азиздан ўн баробар, юз баробар яхши кўраман. Нега Азиз сизга ўхшамаган? — деди, сўнг ҳансира қайнатасини елкасига бош қўйиб.

Лунин тамоман бу илтифотлардан шодланиб кўзларига ёш келиб, ҳис-ҳаяжонини зўрга босиб, чиқиб кетди.

Бўларкану қариянинг кўнглини олиш, Қора қоплон билиб гапиради. Мен бошқача яшамасам, кўп нарсадан бебаҳра қоламан, мени суйганларни ўзимдан бездирман, деган ўй Лайдонинг хаёлидан ўтди.

## НЕГА АЖРАШДИНГ, ҚИЗИМ?

Иккита қатта чемодан кийим-кечаклари, яна бир чемоданда яқинларига совғалар, Лайло эридан қутилиб Тошкентта август бошида кириб келганида, уни Зиё кутиб олди. Тўғри Қибрайдаги ҳовлига жўнашди.

Қибрайда Зиё машинани тўхтатиб, дўкондан битта катта кўй сонини машина багажига ташлаб кўйди.

Лайло ҳали сўз қотмаганди, энди Зиёни аниқ ҳаракатларидан завқланиб гап ташлади.

— Ҳа, ишларни билиб-билиб қиладиган бўлиб қолибсан,

— Сизнинг этагингиздан тутиб, опача, ўрганаяпмиз.

У жиянини ҳам бетидан ўтиб қўйди.

Умуман, Лайло ўзи билмаган ҳолда эркин бир ҳолатта кириб борар, шу пайтгача олиб борган ишлари, хулқида камчилик, хато бўлмаганидан, ўзига бироз эркинлик бергиси, қондасиз шўхликлар қилгиси келарди.

Уйга етиб келишиб қий-чув ичидаги сўрашлар ҳам нася қолиб, Лайло кийимини алмаштириб ўзини бассейнга отди.

Хайрихон опа қизини кечки пайт сўроққа тутди:

- Бекордан-бекорга шундай йигитдан нега ажрашдинг?
- Ойи, кўзим олдида хиёнат қилди.
- Шунгами? Урмаса, чертмаса? Еганинг оддингда, емаганинг кетингда. Энди нима бўлади?
- Нимани айтаяпсиз?
- Нимани бўларди? Бу уй-жойлар?
- Менга ўтди.
- У ерда-чи?
- Квартирам, машинам, ателье-салоним қолди.
- Бойвачча хоним бўлдингми?
- Шунақароқ. Ҳар ҳолда уйда хизматкор ёллашга қурбимиз етади.
- Бу ёқдаги турмушинг нима бўлади?
- Тикувчилик фабрикаси кенгайтирилаяпти-ку?
- Йўқ, турмуш...
- Ойижон, турмушдан гапирмай туринг, — деди Лайло, чиройли керишиб.

Хайрихон опа унинг оддинга чиқарган чиройли, қабариқ кўксига беихтиёр кўз ташлаб, секин сўради.

- Унда нима қиласан?
- Эркин яшамоқчиман.
- Но, никоҳсиз бир эркакни бу уйга олиб келадиган бўлсанг, ортиқ бир дақиқа ҳам бу ерда қолмайман.
- Ойи, ҳазиллашдим, — деб ҳоҳолаб кулди Лайло.
- Шундоқ бўлсин, арзанда қизим.
- Мен тепадаги иш хонамда бўламан.

Лайло мансардага чиқиб хаёлга толди. Пул бор, иш бор. Аммо эркин яшаш нима? Дўст сифатида эр киши билан саётатта борса бўлмайдими, орини, қадрини билган ҳолда. Шуни ҳам гап қилишадими ё? Бу ернинг баъзи тушунчалари эскирмадими? Нега у мумкинмас, бу мумкинмас. Ҳатто бегона эркак билан бирор соат гаплашиб туриш иғвога асос бўлади. Уф... Сиқилиб кетасан, тоғи шуларни ўйласанг. Умр эса шитоб билан ўтиб кетяпти. Уйда тошдек қотиб, ҳеч қаерга чиқ-

масанг, нима кұрасан. Евгений айттанидек, дүнё бўйлаб кез-тандырғанга, ённингдаги ошириңг елкасига бош қўйиб антиқа ёдгорликларни томоша қилганга не етсин. У қаерда қолди. Аж-рашганимни билади-ку. Эрта-индин келиб қолса, дам олиштами бир жұнаворайлик. Ойим дөгда қолади. Мен үзимга пишиқман. Хавотир олмасалар ҳам бўлади.

Эртаси у бутунлай кунини ишга барышлади. Фабрикасидан хабар олди. У ерда ҳам оз эмас, юздан ортиқ бичувчи, тикувчилар бор. Маоши, еб-ичиши, оиласлари бор. Байрам, ҳайитларда хайр-худойи қилиб, моддий ёрдам кўрсатишлар, қийналған хўжаликларнинг тўй-ҳашам ёки маъракаларининг бир четини кўтариб юборишни ҳам Лайлозиёга яхшилаб тайинлаган. Ишлаб чиқаришдаги муаммолар, ашёлар олишдаги узилишлар ёки арзимаган ҳолатлардаги сабаблардан ишлаб чиқариш тўхтаб қолмаслиги учун назорат ташкилотларининг талабларини ўз вақтида бажариш яхши йўлга қўйилган ва доимо бенуқсон бажариб келинарди. Ишхонада, кираверишдан, офис хоналари ўз йўлига, цехлар ҳам озода, сарножом-саришта тутиларди. Бақириқ-чақириқ ёки хизматчиларнинг бир-бирларига сабабсиз қаттиқ гапиришлари бу корхонада қатъяян ман этилган. Ўшангами, бутун жамоа бир жон, бир тан бўлиб ишлайди. Байрамларни хурсандчилик билан кутиб олади.

Лайлозиё, аввал эрталабдан цехларга кириб, бироз айланаркан, таниган тикувчи, бичувчилар билан елка олиб кўришди, янгилари билан бирма-бир кўл бериб танишди. Оддий, аммо бежирик кийимда ҳам сарвқомат эканлигига эътибор бериб, анча вақттacha у цехлардан чиқиб кеттунича ўз ишларини бажарган ҳолда, янги ишга кирган ёш жувон-қизлар ҳавас билан у томонга қараб-караб қўйишарди.

Кейин у офисга, ўз кабинетига чиққанида, шахсий илтимослар бўйича қабул қиларкан, ёнида уни кузатиб юрган Зиёга топшириқ ва маслаҳатлар берарди. Бугун унга катта топшириқ, яқиндаги маҳалладан кўчани асфалт қилиб беришиликни сўраб чиққанларни қуруқ қолдирмаслик бўлди. Юз метрча келадиган асосий кўчага асфалт ётқазиш учун фабрика фондидан пул маблағи ажратишни жиянига юклиди.

У одамлар билан учрашиб, уларнинг дардини эшитиб, бу ёқда фабрикани кенгайтиришга боғлиқ ишлардан қаноатланниб, уйга келиб бирпас чўзиларкан, чарчоқ ўрнига кўнглига

енгиллик тушганидан хурсанд бўлди. Одам тафтини одам олади деганлари шу бўлса керак, деб диванга кўча кийимида чўзилди. Лайлонинг хаёли оддий одамларнинг меҳнат шижаоти, гайрати ва қаноатлилигида эди.

## ШУ САРГУЗАШТ КЕРАКМИДИ

Никитин Тошкентта композиторлар уюшмасининг раиси Жуманазаров таклифи билан Назира Алиевага бағишиланган танловда фахрий жюри раиси бўлиб қатнашди. Шу кунларда у Лайлого кўнғироқ қилди. Лайло дўстларни кутиб олиш, меҳмон қилишни ўрнига қўярди.

Зиё бошлаб келганда, уни барра кабоб, танловларда нишон олган Ўзбекистон винолари билан сийлашди.

Шунда кайфияти кўтарилиган Никитин Лайлони яккама-якка сухбатга тортди.

— Лайло, мана бу вилла ҳужжатлари, қўл қўйсангиз бўлди, сизга ўтади.

— Яна эски гапми?

— Ҳа, менга турмушга чиқинг! Фарзанд туғилса...

— Яна турмуш қуришми? Қўйинг бу ҳақда ортиқча галирман!

— Истасангиз, Москвага, ойимнинг оддига борайлик. Улар фақат сизни қайлирим ўрнида кўраяптилар.

Евгений энди Лайлони кўндириш учун бошқа варианtlарни ҳам таклиф эта бошлади.

— Оддиндан бор мақсадимни очиқ айтганим учун узр. Агар, сиз мени ёқтириласангиз, мени хоҳламасангиз, никоҳ контракти тузайлик.

— Бу нимага керак?

— Мисол учун бола туғилгунча номига эр-хотин бўламиз, никоҳ муддатини бир, икки ё уч йилми белгилаш мумкин.

— Кейин-чи?

— Контрактдаги мулк сизга ўтади. Ажрашинингиз учун мендан розилик сўраб ўтирумайсиз. Хоҳласангиз синовдан яхши ўтсан, бир умр бирга тураверамиз. Мен сизни яхши кўраман, сизнинг номусли, вафодор ёр бўлишингизга шубҳам йўқ.

— Евгений, дўст бўлиб қолсак етарлимасми?

— Майли ўйлаб кўринг! Шошилтирумайман.

Хайрлашаётгандарида Хайрихон она ва Таня она ҳам ҳозир бўлишганди, Евгений кеттач, улар Лайлони ўртага олишди.

— Лайлло, бу яна ким?

— Эски ошигим.

— Нима хоҳлаяпти?

Лайлло нима дейишини билмай, улар томон энгашиб шивирлади.

Шунда ойиси: - Вой, бу нимаси, яна? - деб ўтириб қолди.

— Да, — деди Таня опа ҳам бошини қашиб ва никоҳ контрактини ўқиб чиқиб кулди.

— Лайлло вилла ростдакам, эр омонат бўларкан. Уни ёқтирасанми ўзи?

— У қизик, гайратли, жўшқин инсон. Бундай серҳаракат, уддабуронни шу вақтгача кўрмаганман.

— Ҳа, демак, у билан зерикмайсан ҳам. Менга қолса бир йил контрактини тузиб яшайвер. Ёшсан, сенда танлаш ҳуқуқи ҳали кўп бўлади, лекин бу имкониятни қўлдан чиқармаганинг ҳам дуруст.

Хайрихон опа сухбатга қўшилмай, нуқул бошини чайқарди.

— Тўғри, унга баланд парвозлар керак, Хайрихон опа. Ёнверимиздан битта темирқанот қуш чиқса чиқибди, — деди Таня опа. — Евгений ҳам чакки кандидатура эмас. Дунёни кўради. Париж, Нью-Йорк, Рим, Лондон фестивалларига қатишар экан. Демак, ном чиқарган. Ҳурмати бор.

— Бекач холанинг қизи Парижда юраркан-да?!

— Нима бўлибди?

Хайрихон опа Лайлого зуғум қилди:

— Болаларингни ўйласанг-чи ундан кўра?

— Ойижон, улар ишончли қўлларда. Мен каккудан кўра бува ва бувилар тарбияни яхшироқ беришади, — деди қизи кулиб.

— Хайрихон опа, оқ йўл берасанми қизингга?

— Билмасам? Ўйлаб кўриш керак. Бу ерда фирмани ким юргизади?

— Зиё билан гаплашиб қўйганман. Бор масъуллик унга ўтади. Фасонларига сиз Адиба опам билан қараб турарсизлар? — деди Лайлло бепарво.

— Ҳо, Адиба бекордан-бекорга қаарарканми?

— Маошлари талаб даражасида бўлади. Зиёда штат рўйхати бор. Бўлдими?

— Лайлло, Москвада шошиб қолма. Лекин, ўзингни хўрлатиб ҳам қўйма.

— Хүп, Таня опа. Ҳә, ойи Қибрайдаги уй қишдә ҳам одам-сиз қолмайдими?

— Ҳикмат амакинг Зиёни уйлантирса, домни бу ўғлига қолдириб, Қибрайдаги уйнинг пастки қисмидаги хоналарга эр-хотин күчіб боришишмоқчи.

— Яхши. Улар розими шунга?

— Жон деб туришади. Келишилган.

Хайрихон опа күз ёш қилиб, шошиб эрга тегишингта мен барып аста рози эмасман, деди.

Орадан уч ойдан ортиқ, шариат бўйича идда муддати ҳам ўтди.

Лайло эридан ажрашгач, Красноярскда туришга бети чи-дамасди. Тошкентда ҳам қариндош-уруглар, унинг ёш бева қолиш сабабини сўрайвериб, уни, Хайрихон опани безор қилишди. Лайло ўшанга Қибрайдаги ҳовлисида ёки фабрикасидан бошқа ёққа чиқмасди. Ўшангами, зерика бошлади. Аммо, Евгений унга кунда қўнғироқ қилиб қўймас, таклифини бетўхтов қайтарарди. Лайлого қолса, бу ноаниқ ҳолатидан кўра, унинг сўроғига кўнгандек эди. Аммо, жавобини катталар айтадилар деб, бор масъулиятни ойисига юклади.

Хайрихон опа маҳалланинг кайвони аёлларига бу тўғрисида маслаҳат солса, боши очиқ юргандан аёлни бир куни қолса ҳам эрга беринг деган гап бор, аммо никоҳ ўқитсин, деб ўз фикрини билдирганди, бироқ у қарорини айтишни пайсалга солди.

## ДАМ ОЛИШМИ, ДОН ОЛИШМИ?

Дам олишга Москва орқали бориладиган бўлди. Бири-биримизни яхшироқ билиб оламиз. Уйга ўтириб олиб, сиқилиб ўтириш сизга ярашмайди деявергандан сўнг, Лайло Москва-та келди. Ойимни кўрмай, бизнинг уйда уч-тўрт кун меҳмон бўлмай кетмайсиз деб, қўярда-қўймай Королевдан беш километр узоқликдаги «Сосновая»даги катта уч қаватли уйларига Никитин бошлади.

Никитиннинг онаси кўпни кўрган, ўзига бино қўйган аёл экан. Лайлони ялаб юлқаб гаплашдию, аммо жиддий сұхбатларга тортмади. Енгил-елни ғийбатлар, ўтмишидан сўзлаб ўтириди.

Бир икки кун ўтмай дам олиш путевкаси тайин бўлди. Никитин Лайлони таниш профессор аёлнинг хусусий клиника-сига судради. Турли шифокорлар қабулида бўлиб, ҳар томон-лама текширув, таҳлилдан ўтиб, керакли тиббий хулоса қоғоз-лар қўлига тегди. Терапевт, хирургдан тортиб аёллар дўхти-рининг ҳам кўригидан ўтди.

Пенанг оролларидағи дам олиш уйида улар ёнма-ён хона-га жойлашишди. Никитин бир неча бор уйланган бўлса ҳам, ҳеч бир хотини билан бир хонада ухламасди.

Дам олиш уйи беш юлдузли мас, уч юлдузлига тортарди. Алоҳида бассейни кичкина, шунинг учун ҳамма пляжга бо-риб чўмиларкан. Йўлдан чарчаб келишгани учун тушгача ух-лаб олишиди.

Тушда столдаги овқатлар сероблигидан шошиб қолишиди.

Салат, бананлар товоқларда тўлатиб ташланган, апельсин, олма, грейпфрут шарбати учта идишда. Биринчи овқатта товук шўрва ва иккинчисига катта сихда қўй гўштидан кабоб. Жай-дари ва буёдой нони.

Тамаддидан кейин бироз ухлаб олиш мазза.

Лайло икки соатми ухлаб исиб кетди, ваннага кириб сув-ни ёқиб, душ қабул қилаётганида, елкаларини кимдир му-лойим силай бошлади. Бу унга ёқиб: — Евгений сизми? — деб сўради.

Жавоб бўлмади, у кўзларидағи совуни ювиб туаркан, кўалар энди унинг қорни, кўкракларини, бўйини силаб ту-риб, кимнингдир лаблари оҳиста ўпишга ўтди. Азиздан бош-қа ҳеч ким менинг туйғуларимни тушунмайди, деб фикр-лайдиган Лайло тамоман маҳв этилди. Юртдан олис маскан, сокин гўша, дам олиш уйидаги енгил муҳит, нотаниш одам-ларнинг хайриҳоҳлиги дарров таъсир этдими ёки доимо меҳрга зор беванинг ишқий талаби жисмида хуруж қилди-ми, билмасди. Унинг ҳислари жунбушга келиб, «Евгений нима қиляпсиз?», дейишга мажоли етмасди. У кўзларини юмиб олган, очса бор фароғат вужудини тарк этадигандек кўкрак-ларини учини эзғилаётган бармоқдарни жон ҳолатда ушлаб, «ах», деб юборди. Фақат ундан қандайдир антиқа ҳидлар келаётганига ҳайрон эди. Қиз лабига шўртак лаб босилгач-гина кўзини очиб қаради ва бақириб юборди. Кучоқлаб тур-ган йигит қоп-қора ҳабаш эди.

Лайлонинг бақиришидан чўчибми, у йигит индамай шарт-та ортига қайтди.

Ўзига келиб, у чўмилишдан ҳафсаласи пир бўлиб, чўкка-лаб қолди. Баданини ювган билан кетмайдиган ҳид ўрнашиб қолгандек туюлди. Ҳар ёғини қайта совунлаб, сочларини шампунлади. Душнинг тагида узоқ туриб, кейин чиқди. Оқ ҳаммом халатини кийиб, креслода, ташқарига қараб ўти-раркан, қўлларида шарбатни ҳўплаб-ҳўплаб баданини ҳид-лаб қўяр, бояги вазиятни кўз олдига келтириб, ўйга тушди. Балконга қараб, бу ерда ойнага панжара қўйилмас экан, қизик деб қўйди.

Кечки овқаттагача пляжга борилар экан. Сув ранги шаффофф, ҳатто чўмилганларнинг кийимлари, баданлари яққол кўринади. Оёқ остидаги қум парчалари кўпроқ майда тош парчаларига ўхшаш. Унда юрган сари товонлар массаж олгандек мазза қиласди.

Пляжда экзотик жуфтликлар кўп. Мисол учун сариқ сочи, ё малларанг хоним ва ҳабаш эркак, оппоқ туксиз немис эркаги ва мулатка ҳамроҳи, ё европалик билан тайландликлар жуфтлиги.

Кечки овқат ҳам ўтди. Энди кимга дискотека, кимга кинозалда кино кўриш насиб этди. Улар дискотека атрофидаги скамейкада мусиқа эшигиб, елкага елка тираб ўтиришни афзал кўришди.

Бир пайт ўтмай улар қаршисида бир жуфт тўхтади.

Лайло бошини кўтарганди, ўша таниш ҳабаш, кўзларини уларга тикиб турарди. Ёнида ўзига ўхшаш рангдаги жозибали қиз бор эди.

У соф инглиз тилида Евгенийга нимадир деди.

Уларнинг суҳбати чўзилди.

Лайло инглиз тилини ўргандим деб ўйларди. Ҳозир суҳбат давомида ҳабашнинг бизда шундай одат бор, алмашайлик, истасангиз хизматингдамиз, керак бўлсак топарсиз, деган сўзларини амал-тақал илради.

Улар кетишли.

Лайло нима гап деб, Никитинга қаради.

— Бир одат бормиши.

— Қанақа?

— Қизик одат. Жуфтлик алмасиш. Ўшантага хизматларини пул эвазига таклиф этдилар.

Лайло ажабланиб, аср яша, аср давомида ўрганасан, маталига тан бериб кулди:

— Алмасиб юбормадингизми, ишқилиб?

— Нимага керак? Мана уларнинг карточкалари: Амин ва Зубайра.

— Мени ҳимоянгизга олганингиз учун ташаккур.  
Уч кун ўтди.

Лайло уни жуда авайлаб, ҳушёр, ҳар бир илтимосини ба-жараётган Евгенийдан хурсанд эди, чунки у ёлғиз қолганла-рида тихирлик қилиб гүфторликка тортмас, сўзида туради.

Улар яхши, қадрдан дўстдек бир-бирларининг хоналарига исталган вақтда кириб келишар, чойми, кофеми, шарбатми ичиб, ҳангомалашишарди. Ҳар ҳолда Лайло у билан зерикиш нималагини билмасди.

Тўртинги куни нонуштадан кейин соат тўққиз яримларда у Евгенийнинг хонасига яқинлашди. Эшик юзига ёпиқ экан, гийқилламай осон очилди. Хонада ҳеч ким йўқ эди, аммо ичкаридан ваннадан овозлар эшитилгандек бўлди. У чиқиб кетмоқчи эди, лекин қулоқ тутса, бу овозларнинг бири аёл-никига ўхшарди.

У кўз ташлаб, ванна эшигининг гулдан нақш солинган ой-насидан ҳабаш қиз ва Евгенийнинг ғалати ҳаракатларини элас-злас илгади.

Шунда у яна қисматини Азизда синағандек, синағ ўти-ришни истамай, ўз хонасига чиқиб кетди.

Лайло хонасига кирганда, бирпас хаёлга чўмиб, уйқуга кетди, негадир Азизга нисбатан қўзғалган ўшандаги каби бу тал унинг жаҳди чиқмади. Қайтанга бўшашиб кетди. Ва би-ринчи кеча Азизга кўрсатган ҳунарларини эслаб хўрсиниб кўйди...

Бир зум ўтмай эгнидаги шойи халатини ечганда, қиз-нинг кўзи беихтиёр эрининг келишган қоматига, кенг яғри-ни, тошиб чиқсан мушакларига, кўкрагидан қўйидаги, қорни устидаги ёлига биринчи бор тушдию, юраги орзи-киб кетди.

Зимистон уйда камин олови чирсиллаб ёнар, шамлар эса ўчай-ӯчай деб шуъла берарди.

Шундан сўнг ним қоронғу хонада, сирли вазиятлар юзага кела бошлади.

Йигит уни тунги кўйлагини тутмаларини тополмай хуноби ошиб, бошини қашиб, ён бошига чўккараб ўтиреди:

— Қизиқ, бу қандай ечилади?

— Бир ривоят бор, шу ҳолат тўғрисида, айтиб берайми?  
Балки эшийтгандирсиз?

— Қанака ривоят?

— Boehdod ҳалифасининг кўп хотинлари бўлган. Энг кенжасини қарз ҳисобига келтиришган экан. Отаси қизини аҳволига ачиниб унга мингта тутмачали тунги кўйлак совфа қилибди. Ҳалифа бу кўйлакни тутмаларини ечгунча, толиқиб ухлаб қоларкан. Натижада қиз ўз бокиралигини сақлаб қолган экан.

Азиз зътиroz билдириди.

— Лайло, менинг на бошқа хотиним, на улардан болаларим бор. Яна сизнинг бокиралигиниздан фарзанд туғилмайди.

Лайло завқланиб қулди:

— Билмасам. Оддий бир кўйлакни ечолмасангиз?

Лайло Нодирда қўллаган хийласини қайтариб, Азизни ноиложлигидан ҳузур қилиб висол дамларини чўзарди.

Бироз завқ олгач, қиз ўрнидан туриб, шкаф ойнаси олдига бораркан, ортига бир қараб кўйди. Бу нигоҳларнинг мазмунига этиб, Азиз дик этиб туриб унга эргашди.

Энди ойнадан уларга иккалаларини акси: Лайлонинг айёона қулган чехраси-ю, Азизнинг гирён ҳолати кўринарди. Бир зум у тимирскиланиб турдида, қизни шахт билан бағрига босди. Шунда Лайло енгилди. Йигитнинг қўлларини бўйнига олиб бориб тутун учини ушлатди. У эса шу тутунчани бир тортганди кўйлак бўғзи кенгайиб, полга сирғалиб тушди ва шу дамдаёқ қиз икки қўли билан кўзларини тўсиб, бошини унинг елкалари орасига яширди.

Каминда ўт чарсиллади, шам шуғласи хира кўланка берар, аммо шунинг ўзида хотинининг чиройли яланғоч силуэти ойнада акс этиб, елкаларини тўғсан қуюқ соchlari орасидан ойнага тикилиб турган чиройли қора кўзлари ишвада нур сочаркан, унга нигоҳи тушган Азиз жунбушга келди.

Қизни бели ва тиззлари остидан у даст кўтариб, хона бўйлаб айлантиришга тушди. Лайло эсдан оғар даражада шод, қўлларини икки ёнга, бошини орқага ташласа соchlari полга тегар-тегмас шаршарадек ёйилди. Ловиллаб ёнаётган камин ўтини, хона четидаги хира шам нурини, турли-туман мебеллар, каттакон люстра, дераза ойналарини, пардаларини кўзлари илар, илғар экан янада қувончи тошиб, бу қайноқ, кучоқдан узилишни истамай қиқирларди. Чунки, бу бағир худди аввалдан билган, синашта бўлган, танишдек туюлиб, сеска ниш сезмасди..

Евгений ҳар дамгидек вактида уни уйғотиб, пляжга олиб кетди.

Лайло қирғоқ периметри бүйича узок, сузди, ёнида Никитин ҳамроҳлик қылди. Лайло ҳориб ўзини лежакка ташлади. Сұнг елкаси қизиб, ўтирилиб, чалқанча ётаёттанида сұл ёнидаги лежакда унга тикилиб турған таниш башара күринди. Бу Амин, кечаги ҳабаш ийгит зди.

Лайло күзларини юмиб олди. Аммо күз ўнгидә ундан бадтар хәеллар миясими чулғаб, «бир куни бу қора мақсадига етади, қаршилик қилишга ҳолим қолмаяпты», деб ўйлади.

Унинг ёнидаги лежакда Евгений қотиб ухлаб қолибди. Унинг устига катта сочиқ ташлаб, нима қилишни билмай, қиз қайтиб лежакка чүкди. Амин унга шарбат узатди. Құлині қайтаришини беодоблик ҳисоблаб, шарбатта құл узаттанди, ийгит ушлаб олди ва шипшиди:

— Мен түшдан сұнг кираман,

Лайло шарбатни у томонға отиб юборди.

Никитин уйғонғач, унга бор воқеани етказди.

Мазмұнан Евгений уни топиб гаплашған шекилли, Амин күрінмай қолди.

Дам олишнинг ўнинчи күнлари, Евгений унинг хонасига түшдеги үйқу пайтида кириб, құлиға ҳужжатлар тутди:

— Майамидағи вилла сизге совға. Энди мени истакларимни рад этиб юрмассиз?

— Рад этсам-чи?

— Натижә матылум. Виллага ҳуқуқингиз ўз-ўзидан йүқолади.

— Жуда ўйлаб қилинған шартнома эканми?

— Узр, бошқа иложим йүқ. Аёлларнинг макри ва жиyllаридан чарчадим. Онам невара, ворис күтапты. Сиздан жуда чиройли фарзанд турилса керак? Мен вактаироқ пляжга кеткепман, қирғоққа сузмоқчимиз, шерик топылди. Кечки овқатда учрашамиз.

Менда эса бошқа зрга тегиш нияти йүқ. Вилласи бошидан қосын, деган ўйга түшди қиз.

Лайло никох, контрактини зътибор беріб ўқымаган, Таня опа таништанди. Майамидан совға қилинған вилла ҳақидағи ҳужжатлар эса энди у ерда нотариал тасдиқдан ўтиб нусхаси келганди. Асл нусхаси контракт муддати биттінде берілиши ёзилған. Буларни қиз ўқиб ётаркан, ўйлаб қолди: «қандайдыр сир борға үхшайди. Евгений мураккаб одам», деб уйқуга кетди.

Лайло ухлаб ёттанида тушида кимдир буни ичиб олинг, дегандек бўлди. У бошини кўтарди, оғзига дори солиб, сув ичиришганда, у ўнгида бу воқеа юз берганини илғаб кўзини очди.

Хона пардалари тортилиб, Амин оқ тишларини ярқиратиб тепасида илҳақ турарди.

Лайло овозини зўрга чиқариб инглиз тилида сўради:

- Яна сизми?
- Мен,
- Сизга нима керак ўзи?
- Айтами, ё шундоқ ҳам тушуниб оласизми?

У жувоннинг енги калта, ёқаси кенг майкасини сўрамаёқ ечиб ташлади. Кун иссиқ, шунга унинг остида бошқа кийим йўқ, эди..

— Евгений, — деб чакирди ёш аёл, икки қўли билан кўкракларини тўсиб.

- У йўқ, нариги қирғоққа сузяпти.
- Ёғон.

Амин жавоб бериш ўрнита иржайиб қизнинг бошқа кийимларига илтифотсиз ёпишди.

— Кетинг, йўқса, ҳозир бақираман, — деди Лайло овозини кўтариб.

— Ё ҳа, ё юзингни тилиб ташлайман. шундоқ ҳусндан ажralасан, — деб жавобан Амин Лайлонинг тепасида пичоқ ўйнатди, сўнг жувон ёстирининг остига тикди, бу ҳол йигитни ҳеч нима тўхтата олмаслигидан дарак берарди.

Лекин бусиз ҳам, қизда қаршилик қилишга ўз-ўзидан ҳоҳиши йўқолиб, қандайдир воқеалар тараддуудида ҳисхаяжон босди. У чор-атрофга, йигиттга хавотирли назар ташлар, Амин буни фаҳмлагандек, ўз кийимларини шошилмай, битта-битта ечиб, намоишкорона ҳар тарафга отарди. Бу реклама саҳнасига ўҳшаб кетадиган, хотиржамликка йўғрилган ҳаракатлар эди. Мой сургандек ялтираётган тана. Ҳар бир қисми таранг, мускуллари ўйнаган, қорни, кўкси туксиз, силлик. Йигитнинг ўзига тортар даражада ажабтовур, ҳабаш бўлса ҳам, қомати ниҳоятда мутаносиб, елкадор қоматига қиз беихтиёр бошидан то обёғигача разм солди. Қизиқувчалик гирдобида унга ташланган нигоҳ Амин у томонга тўлиқ ўгирилгандагина узилди. Миясига урди: менга нима бўлди. Сўнг бошини тезда четга бурди.

Кетишиларига яна икки күн қолғанди.

Чүмилишга борганды, Лайло ногаңон Аминни күрди. У қандайдыр сариқ сочли, ёши каттароқ аёл атрофида айланарди. Йигит қизни эски дүстини күргандек саломлашты. Лайло кибормызда аёлга хос, бошини силкип күйди. У энді воқеалар, ходисалардан кейинги пайдо бўладиган ҳисларни юзда зохир қилмасдан, яшириш лозимлигини ўзига сингдираётган эди. Ҳар холда кўпчилик орасида, омма орасида бу сиполик қўл келишини у ёш бўлишига қарамай уқиб олганди.

Худди ҳеч нарса бўлмагандек, одамлар бир-бирларига хайриҳоҳ, бегараздек сўрашиб кетишидан бошқа чораси йўқ эди.

Бугун кетамиз дейилганда, нонуштадан кейин Никитин маъмуриятта паспортларини олишга югурди. Шунда хонага Амин кириб кедди.

— Сизга бир зўравонлик қилдим.

Жувон тескари ўтирилди.

— Эслатма, ўтган ишга саловат.

— Лекин айбимни ювиб, яхшилик билан қайтармоқчиман.

— Нимани айтаяпсан?

— Буни бир куни билганингизда, сизни фақат жисмингиз эмас, қалбингизни ҳам севиб қолган бир қора ҳабашни эслаб кўйсангиз бас.

— Севги бошқа нарса. Бунақа баландпарвоз гапларни қўй.

— Сиз ҳақиқий аёлсиз. Бузилмаган, оҳори тўкилмаган, ҳислари бекорларга сарф бўлмаган. Мен бу ерда майдалашган аёлларни кўра бериб...

— Амин, сен ҳам яхшисан, аммо адашгансан, — деди Лайло нимагадир йигитни елкасидан силаб.

— Менми? Менга ўхшаганлар бойлик қули. Буюртмалар бўйича иш қиласиз. Ҳа, майли, айта қолай. Сизни куч билан олишга Евгений буюртма берган. Шароит ҳам яратиб қочиб қолди.

Лайло анграйиб қолди.

— Ростданми?

— Ҳақ сўзим.

— Вой, қўшмачи-ей. Унга бу нимага керак?

— Билмадим, сабабини ўзидан сўрарсиз. Бу флэшкада ўша кундаги воқеалар ёзилганди, уни кечка кечки овқатдан кейин кириб, ўчириб ташладим.

— Ҳали менга капромат ҳам бор эди дегин.

— Ҳа, қора танли билан ишқий саҳна.

— Оҳ, Евгений. Сиз оддий одам эмассиз, деб бекорга айтмаган эканман! Сен уни Евгений компьютеридан ўчириб ташладим дедингми?

— Ҳа.

Лайло суюниб, беихтиёр Аминни қучоқлади.

— Раҳмат, қоравойим.

— Сизни, Евгенийни Москвадан қидириб топаман.

— Қўйсанг-чи. Шу ердаги саргузаштлар шундоқ ҳам менга бир умрга етади.

Амин энгашиб, унинг кўл бармоқларидан ўпа бошлади.

Қиз беихтиёр қўлларини унинг сип-силлиқ бошига кўйди.

— Қалб бор экан сенда Амин. Фақат касбингни ўзгартириш.

— Аммо эҳтиёт бўлинг, унда ёзувнинг нусхаси бўлиши мумкин.

Лайло бу гапларни эшишиб, бўшашиб ўтириб қолди.

Йўлақдан оёқ товушлари эшигили.

Амин ўз хонасига балкондан ўтиб кетаркан, сўнгти бор нигоҳини жувонига қаратди. Қарашлари мулойим, сур эмас экан, деб ўйлади Лайло.

Евгений бу дам олиш уйига келаётганига уч йиллар бўлганди. Биринчи бор келганда унинг кўзига оловдек кўринган Зубайрани ҳалигача унуга олмайди. Зубайра ҳам бу сариқ сочли маллавойга тан беради. Улар ўртасида ишқий саҳнадаги ҳузурдан бошқа нарса йўқ. Аммо Евгений шу машнат учун, ҳар йили айнан шу дам олиш уйини мўлжаллаб келади. Бўйи-бўйига мос, моделларга қиёс оғзи, қорни ясси, калта кўйлак кийганда оёқлари ниҳоятда тўғри ва чиройли, кўкраклари сал бўртган, қора кўзлари доимо ялтиллаб турадиган пуллик секс хизмати кўрсатадиган бу фоҳиша дам олиш уйининг гули ҳисобланади. Унинг ўта ҳирслари ва жозибадорлигини ҳатто Лайло тан олишга мажбур бўлди. Евгений эса, ҳозир уни олиб келиб ҳато қилганига иқрор бўлиб, жозибали билан атиги у билан уч бора зўрга қўрқа-писа учрашди. Бир гал эрталаб, сўнгра эса Лайлодан чўчиб, тунлари қиз хонасига борганди.

Пенангдан Калалампургача маҳаллий самалётта чиқилди.

Никитин мен билан Москвага борасизми деб сўради.

— Йўқ. Уйга Тошкентта кетаман, — деди Лайло.

— Яхши. Ойимга нима дейин. Тўйни қачон ўтказамиз?

Лайло Никитинни кўзига қараб қолди. У барча сирдан огоҳ, Яна, кўлида видеоёзув бўлса керак!? Нима қилсан,

экан? деб ўйлади. Никитин ҳеч нима бўлмагандек, унга тикилиб қаараркан, қарорини тезроқ айтишга қизни шошилти-  
парди.

— Тўй тўғрисида умуман гапирман! Сиз энди мен учун йўқсиз.

— Нега? Буғдойингиз хом ўрдимми?

— Иккюзламачи, қўшмачига ким қўйинти гапни.

Евгений бу сўзлардан қитдек бўлса ҳам қизармади.

Лайло беихтиёр кўз ёши қилишга ўтди. У секин йиллар ва шу ҳолда ҳам жуда гўзал ва хусни эди. Никитин унга маҳлиё қараб, кўзларидан оқаётган кўз ёшларни кўрсаткич бармоғи билан сидираркан, бошқа қўли билан қизнинг билакларини тутиб ўшишга тушди:

— Чанг босган ўт-ўлан ёмвир ёққач ювилганидек, шу кўз ёшларингиз сизни мена поклаб берди. Мен ўтган кунлар билан эмас, тақдирдош замон билан нафас олишга ўрганганди. Мусибатни муҳаббат мағлуб этди, ғам тушса шодон кулаги енгади. Ҳаётда эркинроқ яшаш лозим. Тушундингизми, хоним! Шундай экан дудорингизни тутиб, менга меҳринингизни англатинг.

— Ҳеч қачон бундай бўлмайди. Сизга нисбатан заррача ҳиссиётим қолмаган, бори ҳам бошқа одамларга насиб этди.

Евгенийнинг ўнашидан кўнгли қолганди. Унда, машъум воқеаларни ўзи ташкил этиб, Лайлонинг руҳини синдира олмагач, унга бўлакча меҳр билан қараш пайдо бўлиб, дўстона муносабатлар сехрини сақлаган ҳолда, ҳақиқий муҳаббат қалбини поралаганини ҳозир Никитин англади.

## СИРЛИ БИТИМ

Лайло билан Евгенийнинг сирли битишувига фақат Тания опа ва Хайрихон опа келишганди. Улар бу тадбирни бошқаларга билдиришмади.

Базмга келганлар классик йўналишдаги мусиқачилар, артистлар, кўпчилиги келинда романтизм элементларини топиб, Евгений танловини матькуллашди. Сенга кўзи ўйноқимас, шаддодмас, тўполончи, шаллақимас, кибор аёл зарур эди, мақсадингта эришибсан, дедилар.

Никитинларнинг уч-тўрт авлоди мусиқачилар, бастакорлар, опера ҳофизларини етиштирганди.

Максим Карлович Никитиннинг огерада яхшигина баритон овози бор эди, Людмила Юрьевна огерада иккинчи ролларни ижро этганди.

Евгенийга бастакорлик бувисидан ўтган.

Евгений шу пайтгача икки марта уйланди. Биринчи бор у консерваторияда курсдош қиз Зинаидага уйланди. Бу чиройли қизда истеъдод ўртача, вокалга овози йўқ, шунгами кейинчалик у ўз шахрига қайтиб, мактабда ўқитувчилик қиларди. Улардан туғилган Нинанинг эса мутахассислар умуман мусиқага қобилияти йўқлигини айтишди. Унинг спортта иштиёқи баланд эди.

Евгений бу хотини билан ажрашганига ўн йил бўлди.

Унинг иккинчи хотини эса тескари, мусиқага умуман алоқасиз, чет эл иқтисодиётини ўрганган, на Никитиннинг куйларига, на унинг фарзанд кўриш истагига қизиқиш билдириганди.

Пенанг оролларига дам олишга борганда, биринчи дон олиштан эркак биланоқ Америкага қочиб кетди. Евгений уни бироз эркин, ўз ҳолига қўйиб, узок, қирғоқларга сузишга кетганида, ипини узган экан. Балки унинг ҳисларини мустахкамлигини синаш учун Евгений шароит яратиб бергандир. Чунки Никитин шу дадиллигига, гоҳида аёллар билан ҳоли қолганда ўзида ноҷорлик сезарди ва у қонида хуруж килалигиган касалликка ўтганди.

Людмила Юрьевна Лайло билан беш кунлар ўтиб таплашиб олганди.

- Лайло, менинг совғам сенга маъқул бўлдими?
- Ҳа, бу жуда қадимий механик соатлардан бўлса керак.
- Ўн тўққизинчи асрдан эсдалик.
- Наҳотки, сизга катта раҳмат.
- Үндай бўлса, юрагим тошиб кетаяпти. Сени нима учун ўғлимга танлаганимни айтаман.
- Эшитаман.
- Бу келинлик кийимларинг ўзингта ярашибди. Ҳинд киноларида маҳаллий кийимларни қўп кўрсатишади. Ҳа, Николай Рерих деган рассом бўлган. Унинг хотини ҳинд аёли. Ишончли ва вафодор. Евгенийнинг биринчи хотини шошқалоқ, талантсиз, қобилияти паст бўлса-да, ўғлимга ақл ўргатгани ўргаттган эди. Иккинчиси дам олишда бир ҳабаш билан Америкага қочишиди, сўнг ўшангага тегди. Евгенийнинг, унинг отасидан қолган пулларини совурди бу бебурд аёллар. Евг-

нийнинг биринчи хотинидан неварам бор. Афесуки, у мусиқачи бўлолмайди. Таланти йўқ. Бошқа битта-иккита неварарага муҳтожлик бор бу уйда.

— Ҳимм...

— Мен авваллари ғарб қонини ғарбга кўшиб келган эканман.

— Яъни?

— Сени расмингни, видеонингни биринчи кўргандада «Евгений, шу гўзал жувон сенга яхши фарзанд туғиб беради», деганман.

— Людмила Юрьевна!

— Мени ҳеч бўлмаса, мама, дегин.

— Яхши, мама.

— Бундан икки-уч йиллар аввал Тошкентдаги мусиқа фестивалидан Евгений видеотасма олиб келди. Ва бир гўзал ўзбек қизининг рақсига эътибор беришимни сўради. Шунда мен «Тановар»ни ва ундағи сенинг ижроинг, қоматингни, ўзингни тутишингни кўриб лол қолдим. Бир кўрдим, икки кўрдим...

— Мана видеоаппаратура тайёр, кассета ҳам бор, яна бир кўрайлик, — деганича Никитина видеони қўйди.

Лайло «Баҳор» ресторанидаги рақсини эслади, кўриб ўзи ҳам завқ олди.

— Мумтоз куй ва рақслар бетакрор. Классика. Зўр-ал! Мен бу рақсни кимга кўрсатмай, барча бирдек қойил қолади. Юзингдаги завқни кўриб, бу қиз санъатни севади, қалбидан ҳис қиласди, ҳаётта ташналиги бекиёс деб ўйлагандим, бошқалар ҳам бу фикрни тасдиқлашарди, мана сени кўриб туриб, бунга яна бир бор иқрор бўлдим. Кел, яқинимга, тирик одаммисан. Бир ўпай.

Лайло унинг олдига бориб, бош эгтанида, кампир унинг юзларидан, қулоқ, бурунлари, лабларини тимирскилаб, юмшоқ бўйнига қўлларини қўйиб, сўзида давом этди:

— Мен бир фикрга келганман. Энди ғарб ва шарқ қонини кўшиш тарафдориман. Ғарбнинг ғайрат, шижаоти, шарқнинг ақли, фаросати, донолиги асосида ноёб, истеъододли фарзандлар турилгай. Мен шундай набираларни тезроқ кўришни истайман. Яқинда бунга пойдевор қўйдинглар.

— Қандай қилиб?

— Соғлом аёл топиб қўйганмиз. Исли Варвара. Сизлар яна бир бор профессорга учраб келсаларинг бўлгани.

— Қайси профессор?

— Евгений айттар. Доимо нима биландир бандми ёки үзингизга оройиш берибми юрсанғыз хурсанд бұламан. Яна аәллар ҳақидағи китобларимға: киборлар, зодагон аәллар, гитералар, куртизанка, гейшалар, итальян әркін аәллари, замонавий аәллар ҳақида бир күз югуртириб чиқинг. Дунёқарашиңғыз үзгәради. Нафи тегади.

— Хүп.

Улар үртасидаги сухбат шу билан якун топди.

Евгений кечки пайт үйта қайттанида диванда бүшашиб үтирган Лайлони күриб, унға даңда берди:

— Энди бола күтариб юрмайсиз. Онамға туғишим мүмкінмас дебсиз-ку, нега сиқиляпсиз?

— Қанақа бола?

— Сиз билан менинг фарзандымиз.

— Евгений! Тушунтириб сүзланғ! Мени синашни йиғишиңтириң! Ҳаводан бола бўлмайди, шекилли.

— Тўғри!

— У ҳолда...

— Шошманг. Сиз билан клиникадан ўттанимиз ёдингиздами?

— Ҳа. Дам олишга кетишдан аввал. Нима үшанда?

— Тахлилга олинганларни киши билмас қоришни сўрагандим, холос. Бор гап шу! Натижаси ижобий дейишиди.

Лайло бошини ушлаб қолди:

— Бу не бедодлик, Евгений!

— Лайло үзингизни қийнаманг! Аллақачон бу тўр тўқилган. Унга тушишиниз маълум эди. Фақат кутиш ва ёлвориша кўп вақтим кетди.

— Она-бола тўқиган бўлсанғиз керак!

— Буёгини айтишга мени мажбур қилманг. Яхшиси мени севинг, мен эса сизга бутун дунёни кўрсатаман.

— Сайру-саёҳатга бориш жону дилим. Лекин хомтама бўлманг, шунча воқеалардан қейин, мендан муҳаббат кутиш, ноўрин.

— Гиналарни унутинг! Мен ҳозир сиз ҳомила кўтариб юришингизга қаршiman. Пулимиз бор, бегона аёлдан фойдаланайлик. Бизнинг уйда биринчи қаватда ойим ёнидаги хонада яшайди.

— Эҳ, Евгений, нуқул ишларни мураккаблаштириб юрасиз. Яна бу одамни, гапни чалғитишини қаранг!

- Бұлғаним шу. Үзімдән бошқа хеч кимта үшін майман. Яхшиси тайёр гармик күринг, әртага ёк асал бінга жүнаймиз.
- Қаерға?
- Үрта ер деңгизи бўйлаб, круъиз. Саёҳат.

## АМИН ҲИКОЯТИ

Никитин Америкага сафарга кеттінде Амин Малайзиядан учеб көдін.

Евгенийнің одамлари уни күтиб олиб, «Сосновая»та ташлаб кетишиди.

Амин Лайхога тиіл амалиётини кучайтирип үчүн ўқитувчи бўлди ва жон деб бу ишта қўл урди.

Тунги клубда стриптизерлик ҳам қила бошлиди.

Лайло янги устози билан улар бир кун ёлиз колишганда Амин үзи ҳақида узок ҳикоя қилди.

— Отамиз давлатнинг энг каттасига хизмат қиласади, аммо униң яқынларига тоза, яхши моллар, кийим-кечаклар етказиб турардилар, — деди Амин ниманидир эслагандек бўлиб. — Уйимиз ва унга тиркалган дўконимиз ҳукумат саройи кўчасидә эди. Дўкон молга лиқ тўла.

Урушдан кейин ҳам Бордод тинчимаган. Бир кунн бизнинг уйга бомба тушиб, уй ҳам, дўкон ҳам бирпаёда ёниб моллар, товарлар кўл бўлди.

Биз Америка ваколатхонасига қўшнилар билан шикоят қилиб бордик, бунга беш-олти йиллар бўлди. Ушанда ёшим энди ўн еттида эди. Оиламиизда мен ва синглим Зубайра омон қолдик, чунки шу пайдада икки квартал наридаги лицейда ўқишида эдик.

Бомба тагида адам, ойим ва акам, учта синглим — жами олти киши ҳалок бўлишиди, улар йигилишиб тушлик қилаётган пайти экан.

Бошқаларга эллик минг, бизларга юз минг доллар тул компенсация беришиди. Чунки биз ҳам уй-жойдан, ҳам ота-онадан ажрагандик.

Вақтинча бошпана деб, америкаликлар полигони четида бир неғітта палаткалар ажратилиди. Энг чеккаси бизларга берилди. Зубайра синглим ўн беш ёшга кириб, кўзга ташланган қиз эди.

Полигон офицерларидан бири уни ёқтириб қолиб, мактаб-

га машинасида олиб борадиган бўлди. Мен ҳам бунга хурсандман, ахир баҳонада мен ҳам ўқишига Житда борардим. Қайтишда, кўпинча болалар билан қолиб кеттанимда, у Зубайрапинг бир ўзини таширди.

Ўзларининг офицерлик паёкидан; тушенка, балиқ, консервалари, колбаса, пишлоқми, ичимликлар берарди. Бизларга бирор «ўт билан ўйнашмаларинг», дегунча у Зубайрапни ўзиники қилиб олибди.

Бир куни ўқищдан кеч қайтдим. Машғулотлар тутагач, футбол ўйнадик, шарбат ичдик,

Зубайра йиргайвериб кўзлари қизарган, катта жанжал устуга чиқиб қолдим. Офицер синглимни юмусига тегибди. Ўзи йўқ, қочиб бекинган.

Қўшни палаткалардагилар ҳам чиқиб олишган. Кўлларида тош, ғишт бўлаклари, полигон штабига отишади, орасида «Офицерни топиб беринглар, адабини берамиз», деб бақиришади.

Зубайра ўзи ҳам ўша оқ-сариқ тусли офицерга боғланиб қолганди. Юзини ундан бекитмай юрар, унинг олдида ёпишибтириб, тирттайтирган кийимлари орқали ўзини кўз-кўз қиласар, офицер палаткага кириб соатлаб унга термуларди. Чиройли, кўзлари кўм-кўк, соchlари оч кўнгир, жингалак, йилгирма бешга ё борган, ё бормагав офицер эди.

Бизга улар пул ваъда қилишди. Офицерни ватанига қайтариб юборишибди. Ундан киши билмас Зубайрага хат қолибди. Таржимон келиб ўқиб берди.

«Зубайра, сен катта бўл, ўн еттига чиққин, мен ўзим сенга уйланаман. Ҳали сени қидириб келаман», дебди. Зубайра узвос солиб йирлади.

— Тилини билмасам, қандай эрга тегаман. Аммо унга ўрганиб қолгандим. Кечир, ака кўнгли бўш синглингни, — дейди.

Тўрт кун ичида Зубайра ҳеч қаерга чиқмай, қўшниларга кўринмай, маҳмадана қақидалоқ қиздан эзилган, маҳкум этилган асирдек ҳолатта келди.

Бизга ваколатхонадан яна эллик минг доллар беришди.

Синглим, бошқа жойга кўчайлик, деди.

Шунда Малайзияга, дам олиш зоналарига яқин ердан виллача чиқиб қолди, етмиш мингта шуни сотиб олдим.

Инглиз тили асосий ҳисобланган туристик лицеяга ака-сингил кирдик. Бўш пайтларда гипермаркетда дастёрлик қилдик.

Одамлар бу ерда исломий. Зубайра таъқибга учрамади.

Бир йил ўтиб мен «Туризм ва хизмат кўрсатиш бизнеси» институтига кирдим. Йилига ўқиш пули етти минг. Кейинги йили Зубайра ҳам шу институтта жойлашди.

Еб-ичиши, кийиниш билан кундалик топиладиган пуллар етмай, банк ҳисобидаги маблағларни ҳам ишлата бошлайдик.

Мен иккинчи, у биринчи курсни битириб, ёзда ўша «Flamingo By The Beach Penang» дам олиш уйига иш сўраб келдик. Чунки ўртоқлар, курсдошлар, бошқа танишлар ҳам дам олиш уйларида бир сезон вақтида шаҳарда ишлагандан икки-уч баробар кўп пул топса бўлади, деб қизиқтирган эдилар.

У хона йиғиширувчи — горничная, мен подвалда кирюувчи бўлиб ишладим.

Даромад ёмон эмас, ҳафтасига саккиз юз долларгача пул тушарди. Булар ичиди Зубайрага яна чойчақа ҳам бериб кетишарди.

Бир куни у беш юз доллар алоҳида пул олиб келди.

Мен ундан пулни қаердан олганини сўрадим.

— Ўн иккинчи номердаги бойвачча тегишидӣ, — деди Зубайра очигини айтиб. — Шунинг ҳақи.

— Бундай қилсанг фоҳишага айданасан, — деб уни койидим. — Ёмон касал юқтирасан, бир умр ногирон бўлиб қоласан.

— Бизда, дам олиш уйига кираверишда тиббий кўриқдан ҳар бир мижоз ўтишини эсдан чиқарманг, — деди у.

Унинг сал эркинроқ юриши маълум бўлиб қолдими, мений ўққаб Мартин келганда ҳайрон бўлмадим.

У аниқ таклифларга кейинроқ ўтди-ю, аввал Зубайрани бойвачча миллионерга турмушга бериш имконияти ва йўли тўгрисида айлантириб гапирди.

Қисқароқ мақсадни сўраганимда, у фирма билан контракт тузишни маслаҳат қилди. Истасангиз факат Зубайра, йўқ ёнида йўлига ошиқ жуфтликни ташкил этамиз десангиз. Сиз ҳам шартномага кўл қўясиз. Сизларга мижоз топиб бериш, топишни йўллари, усувлари ва бошқа қонда, тузоқда тушуриш ҳийлалари маҳсус ўргатилади. Инглиз тилини билишингиз қўл келади.

Гап нима ҳақида кетаёттанига бошида яхши тушунмадим. У «ишқий ўйин» ҳақида гапираёттан экан.

Мартин гирт африкалик бўлгани учун унинг олдида бизларни оқ деса бўлади.

Мен бошқа иш юритувчи билан гаплашаман дедим.

Шунда эртасига Ганс деган немисга рўпару килишиди.

— Сени камида олти ой тренажер залига тикиш керак, синглингни ҳам, ўзингни ҳам яхши манераларга, чиройли ўзини тутиш ва ёқимли гапиришга ўргатиш зарур, — деди у.

— Сизларга бир учраган мижоз, яна келаси йили йўқлаб келиши лозим. Бу сизларга фирмадан талаб ва шарт. Ҳакингизни ё ойлик маош ҳисобидан уч-тўрт мингдан белгилаш мумкин, ё мижоздан йигилган тушумнинг эллик фоизи: фифти фифти. Булар яхши таклиф.

— Мен синглим билан маслаҳатлашиб кўрай.

— Маслаҳатлаш, Фирмамиз таниқли. Бизда ишлаганлар кўчада қолмайди. Ҳозиргача миллионер бойларга эрга чиқканлар сони ўнтадан ошди, оддий банкирлар, бизнесменлар, артистларга текканлардан ташқари, йигитларга ҳам талаб каммас. Тунги клублар, хонимлар ва хонимчалар ўзларига тансоқчи, ёрдамчи, бойфренд хизматларига катта пуллар эвазига олиб кетишидаи.

— Эртага жавоби бўлади.

Шунаقا гаплар, Рози бўлдик. Уч йилдан бери бу фирмада ишляпмиз. Сизлар кеттандан кейин, яқинда Зубайрага эрчиди, Бахти очилди. Бир шайх ошиқ, бўлиб, никоҳ, ўқитиб, Кувайтта олиб кетди. Берган сеп пулинни ўзи юз минг доллар.

— Наҳотки? Яхши-ку.

— У бошига тушган мусибатларни сўзлаб йигларкан, мажбуриятдан бу ишларни қилганини айтиби.

— Астойдил тавба қилсанг бундай гуноҳдарни худо кечади.

— дебди шайх. — Яхшиси ментга турмушга чиқ. Ўзим ҳақ йўлинни кўрсатаман.

Шайх ёш, келишган йигит экан. Зубайра ортиқча ўйламай розилик бериби.

— Учинчи хотиним бўласан, лекин ҳеч биридан камситмайман, — деб гап қистириби шайх.

Зубайра, акам бор, у ота ўрнида, фикрини билайлик, дебди. Бирпасда шайх одамлари мени топишиди.

— Шайхга илтифот кўрсатганингдан сўнг у таклиф қилдими? — деб Зубайрадан сўрадим.

— Илтифот тутул, оддий оёғини уқалаш хизматини ҳам қиласмагандим. Мени узоқдан кўриб, кўз остига олиб қўйтган

зкан, сұхбатта кирған замонок, озгина үтмай шу тақлифни кирилди.

Шайх сепига берилған қатта пулдан ташқари Дубай шаҳрида кичик вилла, автомашина маҳрға берадиган бўлди. Тилла тақинчоқлар, кийим-кечак ва бошқа совғалар ўз йўлига.

Дабдабали тўй бўлди. Дубайдаги аёллар «лу-лу-лаб» эрталабгача қорин ўйинидан бўшамай, эркаклар эса кўзи ёниб чилим чекиб ўтиридалар. Шунга ҳам мана йигирма кунлар ўтди.

Хозир Зубайра бу марҳаматлардан, бошига қўнган баҳтдан ўзини тамоман йўқотган. Хўжасининг оёқларини чўридек ўпармиш. У эса бир-икки жеркиб берибди. Эрининг кўнглини олишга йўл тополмай, шундоқ гўзал Зубайра ҳайрон.

— Шайх неча ёшда?

— Ўттиз иккода. Зубайрадан ўн ёш катта.

— Зубайрани қайси ҳолатда таниган, ёқтирган бўлса шу кўриниш ва тусида қолса бўлгани-ку?

— Яъни.

— Кийинища, дам олиш уйидаги каби эркинлик, бироз очиқлик ва эҳтиросни жўш урдирадиган фасонли либослардан фойдаланиш зарур.

— Сиз яхшиси Зубайра билан ўзингиз гаплашсангиз, улаб берайми?

— Ноқулаймасми? Майли, кўнғироқ қилинг-чи.

Амин Дубайга кўнғироқ қилди.

— Алло, Зубайра. Яхшимисан?

— Ўша, ўша, шайх мени йўқламай қуиди.

— Зубайра хафа бўлма. Эсингдами оромгоҳдаги Лайлло?

— Эсимда, сенинг ов нишонинг.

— Эй, бу гапни қўйиб тур. У билан бир гаплаш, Лайлло модельер-дизайнер. Россияда дўконлари бор, — дея Амин гўшакни Лайлого узатди.

— Сиз унинг қайси кўринища даги либослару ёхуд аёлни ўзини қандай тутишини ёқтиришини биласизми? — деб сўради Лайлло салом-алиқдан сўнг Зубайрадан шайх ҳақида.

— Ўйлаб кўрмаганман.

— У ҳолда, Сизни қайси шароитда шайх кўрган-у, ошиқ бўлиб қолганини эслаб кўринг ва худди шу ҳолатни у келишига тайёрланг. Спектакль ўйнанг. Ролга киринг.

— Мен сириб тикилган оқ кофта ва сариқ каприда здим.

— Яхши, шундан бошлап керак, фақат бошингизга қизил тасмача, обингизга қизил шиппак кийишни ҳам унутмашг. Тирноқлар тагини қизил, устини оқ ва сариқ нұқталар билан бүянг. Лабингизда киши билмас оловранг номада.

— Раҳмат Сизга. Тушунғандек бұлдым.

— Лекин бу ҳаммаси эмас,

— Яна нима?

— Шайхга викор билан бош этиб салом қиалинг. Юз мушакларини қимирлатмай, сөвдиңде құркқан қүйендек күзларингиз пирпирамасин, тошдек қотган, бир нұқтадан назарингизни қочирмай, үнга салобат, лекин меҳр билан қаранг.

— Булар ҳаммасини эслаб қолишим бириңчи галға етар. Ташаккур яна бир бор. Амин ўша ердами?

Лайло гүшәкни Аминга узатди.

— Бу бир йилча ҳажрида ёңганинг чиройли десам, доно маслаҳатчи, кибор аәл ҳам эканми? — деди Зубайра Аминга.

— Никитинг бунақа аәл ҳайф, иложи бұлса, ўзинге қаратыб ол.

Лайло тренажер залида ҳафтасига уч марта машқлар қилиб, ўзини анча енгил сеза бошлаганди.

Құл ости ва қориндаги ёғлари эридими, бадани анча тортилиб, күкраги таранғлашиб, дұштайиб қолди.

Орасида инглиз тилида Амин билан ҳар кунги сухбатлар ўз ишини қилиб, уч ойда сұзларни илғашдан ташқари, тутилмай гапирадиган бўлди.

Бу орада Никитин келиб, у ҳафтасига икки кун, гоҳида уч кун Аминни тунги клубда ишлеште мажбур этиб, Лайлонинг атрофида ўралашиб юришини камайтиришга тиришиди.

Амин клубда аәллар олдида қоматини күз-күз қилиб ўйин қилиб берарди. Агар мижоз аәл жуда катта пул тиксагина у ростманасига астойдил күзларини ёқиб мушакларини, баданидаги бошқа аъзоларга турли шаклар бериб аәл ҳирсини үйготадиган қилиқлар күрсатарди. Ёши катта, күнглига ўтирамайдиган аәллар катта пул тикса ҳам улар билан маълум амаллар қилишдан бош тортарди.

Унинг бу қайсараги аксарият аәлларда янада қизиқиши үйготиб, энді улар икки-уч баробар күп пул тикишарди. Шунда

ҳам жуда кам ҳолларда Амин кўнтар, чунки унинг бадани чироқлиниг сал ёруғида қора майдек ялтираб, сўник ҳисларни ҳам қитиклаб қўйишини ўзи ҳам биларди.

Шундай учрашувлардан кейин у куб бўйи Лайлого кўринмай юрар, душдан, бассейндан чиқмай покланарди.

Лайло Аминга яқин дўстдек, сирдош укасилик қаради. Энг қизиқ фикр-мулоҳазаларни у билан дарлашарди.

## ЭРКИН ФИКРЛИ КИБОРЛАР

Олти ойлар ичидаги Лайло Евгенийнинг ўнлаб дўстлари борлигига гувоҳ бўлди.

Улар ичига кириш учун Лайлонинг назокати, фасоҳати ёхуд хусни етарли бўлди. Яхшики Каролина биринчилар қаторида унга кўнглини очиб, бу киборлар гуруҳи сирларидан, баъзи кирдикорларидан огоҳ қилди.

Каролина Никитинларнинг эски таниши, опера солисти Шумскийнинг яккаю ягона қизи. Инглиз ваколатхонасининг ходими Шарлотта, русчани жуда яхши билган, кўзлари каттакатта, сариқ, мalla сочли аёл Шумскийнинг рафиқаси ва Каролинанинг онаси эди. Кейинчалик Шарлотта билан Шумский ажрашишди, Каролина Москвада отаси билан етти ёшдан бери турлади. Ўттиздан ошган. У Евгенийга дўст қатори, аёл сифатидаги унга ҳеч кўнгли бўлмаган. Лекин у Вениаминга ишқи борлигини яширмайди. Фақат Вениамин уйланган. У скрипкачи Лисицкая хонимнинг ўели. Лисицкая турмушга чиқмай, бу ўғилни опера театри бош режиссёридан туғиб олган дейишади.

Лекин қуруқ гап. Буни на Лисицкая, на бош режиссёр тасдиқлаган.

Гурухдаги энг тўполончи, учита чиққан йигит Сасо. Унинг отаси кавказлик. Иккинчи ролларда опера айтарди, онаси Эмилия эса ошпок, чиройли аёл, гримерчи бўлиб ишлаган.

Сасо панжаларигича тук босган, бурни катта, йўғон, ўрта бўйли, ўттиз беш ёшлардаги йигит.

Яна бошқа йигитлар ва қизлар ҳам бор, лекин Каролина Лайлого шу икки йигитдан нарироқ юришни маслаҳат қилди. Чунки биринчиси ўзига тегишилаи, иккинчисини ўта шарлатан, безори ва шантаж билан ҳар мақсадига етувчи муттаҳам деб таърифлади.

Кўпгина учрашувларда Лайло ўзини Каролинага яқин олиб,

бопқалар билан шунчаки вазият тақозоси юзасидан гаплашиб юрарди.

Вениамин түгилған куни шарафига ўтказиладиган зиёфатта унинг дачасига бориши. Ўттизтага яқин одам ийғилди. Кексаларга кўча деворга яқин жой, ёшларга дачага кириш верандасида жой ҳозирланганди.

Мехмонлар еб-ичишдан кейин ўйинга тушиб кетдилар. Лайло то у ёқ, -бу ёққа аланглагунча, кимdir уни судраб ўйинга торти. Яхши бу ўйин мусиқаси давра ўйинига хос экан, биринки рақсдан кейингина сокин мусиқа янгради. У ўз жойига келиб ўтирасдан уй эгаси Вениамин унинг қошида туради. У Каролинага қаради. Дугонаси майли тушавер, деб кўзини қисиб қўйди.

Рақста секин тушиб туришганда, Вениамин бир гап айтиб қолди.

— Евгенийни биринчи хотини мени яхши кўриб қолиб, уни ташлаб кеттган.

— Қизиқ, Буни нима учун менга айтъпсиз?

— Сиз ҳам ташлаб кетмасанги?

— Сиз туфайлими? Ҳеч қачон.

Евгений ўзи билан овора, кайфини қилиб, ҳеч ким эсига келмайдиган ҳолатта келган эди.

Каролина Лайлони кофе дамлаб чиқамиз деб ичкарига бошлади. Лекин у негадир, ошхонага эмас, йўлак бўйлаб зина томонга қайрилганди, у ерда турган Вениаминни кўрди. Каролина у билан қўл ушлашиб тепага чиқиб кетиши. Лайло энди орқага қайтаман деса, уни кимdir бoshига материал ташлаб, кўтариб йўлак бўйлаб чопиб қайсиридан хона кароватига итқитиб, қўлларини кароват темирига бойлади. Юзи ёпиқ, ким бу ишни қилаётганидан хабарсиз, кийимларини тортиб қорнига урилган жунли қўлдан у Сасони таниди. Бу абраҳ Сасодан бошқаси бунақа пасткашликка бормайди.

— Сасо, тегсанг юртдошларимга айтаман, нақд ичак-чавағингни ағдариб ташлашади.

— Лайло, нега сен шунақасан. Бу ерда шунақа традиция, қаршилик қилиш бефойда. Евгений менинг хотинимга теккан-ку? Нима қипти, энди аламимни сендан оламан.

— Менинг эса сўзим битта. Шаштингдан қайтмасанг ўласан.

— Яхшиликча кўна қол.

— Сенинг маймунга ўхшаш башарангни кўришга тоқатим қолмади, қўйиб юбор, фосик.

— Нима? Ким фосик? Ким маймун? Шахсиятимга тегдинг. Энди кўрадиганингни кўрасан?

У кўли ечила, энди ўрнидан тураман деган Лайлони қайта каравотта йиқитиб, лабларига лабини босганди, қиз унинг лунжидан тишлаб олди.

У бақириб, туриш ўрнига энди қизни босишга астойдил киришди. Қўлларини қайириб чойшаб билан боғлади ва оғизга сочиқ тиқди. Энди жувоннинг кийимларини ечишга тушаркан, ҳар бир кийимни отиб:

— Бу тишлаганинг учун, — деб қайта бир сўзни такорларди.

У энди тажавузга шайланганда, югуриб кирган Каролина униш бошига тенниш ракеткаси билан туширди.

— Аблаҳ, Вениамин билан гаров ўйнабди. Сени зўрласа, Таиландга иккита путевка оладиган бўпти. Яна сен гуруҳдаги ҳамма қатори бўларкансан.

— У нима деганинг?

— Бу гуруҳда ўйинни Евгений бошлиган. Булар иккаласи ҳам қатнашчи. Гуруҳга яқинлар кириши мажбурий. Аммо кирайттан аёл техник кўриқдан ўтади. Ёки бошқача номи иззатнафсини пасайтиришдан.

— Буни ҳамма биладими? Евгений ҳамми?

— Ҳа, албатта. Бу ундан чиққан фикр-ку?

— Вой, телба десам, девона ҳам шекилли. Бошқалар-чи?

— Бошқаларга бу ўйин. Ҳаттоқи бир-бирларига кулги ўрнида эслатиб туришади. Йигитлар осон аёлни олганини, хонимлар узоқ вақт қаршилик кўрсаттанини фаҳр билан гапиришади.

— У ҳолда мен анави абларининг лунжини тишлаганим билан тарихга киарканман-да.

— Албатта. Биринчи уриниш натижасиз деб Сасодан кулишади. Аммо кейинги сафарлари эҳтиёт бўл, менга хабдори ичириб, Евгений теккандек қилишса, бир умр кулгига қоласан.

— Ростданми? Йўқ, Каролина, бу муҳитни ўзgartириш кепрак. Бундай яшаб бўлмайди.

— Уй-жойининг яқинда эга бўласан, шунда билганингни қил, ҳозирча ўзингта ўзинг қоровул бўл.

— Хўп.

— Булар ишшонида факат сен қолдинг. Евгений сен тарафмас. Ўйин шунаقا. Бу ўйинда эр-хөтин деган тушунча йўқ. Улар гуруҳига овози насайган, боши эгилган, қисқаси, иззатнафси топталган аёллар керак.

— Эҳ, Евгений? Сени қандоқ номдор мусиқачи десам? Эсиз...Шармандалар... Шулар киборларми? Ўйлаб топган эрмакларини қара. Мен буни шундай қўймайман, қайнанамга айтмасам бўлмайди.

— Албатта қайнананг бундай ўйинларга қарши. Аммо Евгений унга кулоқ осмайди-да.

## СУРРОГАТ БОЛА

Варваранинг кўзи ёрийдиган палла келди.

Ўйда бу ҳодисага барча диққат-эътибор қаратилди.

Бола туғилгач маълум вақт эмизиш ва знагалик қилишни ҳам Варвара бажариши лозим деб келишилганди.

Унга ўз хонасидан бола учун ҳам жой қилиниб, ўйинчоқлар терилиди, шарлар осиб ташланди.

Варвара ўчили туғди. У нихоятда чиройли ва тийрак эди.

Ўйга чақалоқни олиб келишганда Людмила Юрьевна мақтанди:

— Мен сента нима дегандим. Нақд Иван Царевичдек кўркам бола туғилиби. Қош-кўзи, сочи қора бўлсаям, ранги оппоқ. Энди ақдини расоласак бўлгани.

Болага Людмила Юрьевна исм топди: — Амир.

Контрактдаги мол аллақачон Лайлого берилса-да, Людмила Юрьевна ўзининг Рублевқадаги эски дачасини ҳам Лайлого совға қилиб юборди: «Ёроғдан ишланган, бор шароит бор, ёқмаса бузиб бошқасини ўзинг қуриб оласан, электричкада шаҳаргача ўттиз минут йўл».

Людмила Юрьевна Лайлонинг кетиб қолишидан чўчириди.

У аввалига неварали бўлсан етарли деб ўйларди. Аммо энди Лайлонинг уй тутиши, меҳмон танишлари олдидаги обрў-эътиборини кўриб, унга боғланиб қолганини, бу уйни энди Людмила Юрьевнанинг эски мартабаси, ҳикоятлари эмас, ёш келиннинг шуури, виқори ва шарқ тарбияси ушлаб турганига иқрор бўлди.

Сирасини айтганда, Евгений ҳам вақт ўтган сайин, ўзининг босиқ ва гўзал хулқи билан уйда бор-йўқлиги дарров сезиладиган даражадаги ёлғондакам хотинига суюниб қолганди.

Ўзига иисбатан Евгенийнинг ўзгаришига қиз ҳайрон бўлиб қолди. Қайтага аввалги ҳолатида унга кўпроқ боғлангандек эди. Лайло, мубталолик туфайли ҳокисорликни тутган эрдан, модасига сўзини ўtkазадиган пишқирган нар шер ҳолати кўпроқ ҳурматига сазовор эканлигини англарди.

Евгений бир ўзи қолишдан зерикканида Лайлонинг хонасига киришга ишора, сирли сўзлар айтарди.

— Бугун алаҳсираб чиқдим? Илтимос, инс-жинслардан форир қилсангиз?

Бундай сирли сўзлашув бир куни Амин қулогига етиб борди. У Никитинга бардан конъяк қўйиб берар чорида, эҳтиётсизлик билан Евгений айтган сўзларни эшигтганди.

Бироз вакт ўтди.

Ҳабаш кириб янга конъяк қўйди ва шоколад очиб қўйди. Никитин негадир ичкиси келарди. Бутун чарчабди. Конъядан шимириб уйқуга кетди.

Амин уни етаклаб, мансардага чиқариб, диванга ўтказиб, кўлига рюмка тутди, шу ҳолига Евгений конъякни бутунлай сипкориб, диванга ағдарили.

Амин мақсадимга етдим деган хаёлда, пастта тушиб Лайло ётоқхонасининг эшигини тортди. У қулфланган эди. Тақиллатди. Эшик очилмади. Йигит қони қизиб, мияси битта йўналишда ишилаётгани учун эшик ура бошлиди.

Боя Лайло Амин Евгенийни судраб кетаёттанини кўрганидан, вазиятни тўғри баҳолаб, эшикнинг калитини бураб қўйганди. Лайло эшикни Амин тақиллатаётганини, у жўрттага Никитинни маст қилганини аллақачон фаҳмлаганди.

Никитиннинг иштибоҳи сўзлари Лайлого кор қилмас. У битим тузгандаги шартини бот-бот эрига эслатиб қўярди. Никитиннинг яқинларини кўзини шамгалат қилиш учун тузилган никоҳ қоғоздагина бўлиб, Лайлонинг изми биринчи навбатда ҳисобга олинган эди. У эса эрини фақат дўст ўрнида кўришни истарди, холос. Ҳар ҳолда келишув шундай бўлган эди. Буни фақат уч киши билиб, бошқаларинг хаёлига ҳам бу сир келмасди. Шунингдек Амин ҳам фаҳмлаганди. Йўлига хонасига кирган оқшомлари ҳам қизикроқ сухбатдан нарига ўтилмас, Евгений хотинини ҳурматини жойига қўйишга ҳара-

кат қилиб, ичидаги аңдухларини тарқатиб юборган, уйига, ҳәтига мазмун киритган аёлинни құлда құтариб юришта та-йёр әди.

Йұлакга чиққан Варвара Аминнинг жонига оро кирди.

— Нега тақиллатаяпсан?

Амин русчани билмагани учун:

— Евгений хонасими шу? — деб инглиз тилида талмов-сиради.

— Ахмок, бу ер Лайлонинг хонаси.

Амин кулиб елкасини ҳайрон бўлғандек қисди.

Бу ҳолати Варварага маъқул қелдими, унинг қўлидан уш-лаб хонасига тортди.

Амин унинг қўлидан чиқиб, подвалга йўл олди. Варвара бирпас турди-да, унинг кетидан подвалдаги хонасига кириб, йигитта ёпишиди.

Лайлонинг қуловига боланинг йиғлаган овози эшитилди. У ҳалатини кийиб, Варваранинг хонасига борса, Людмила Юрьевна Амирни құтариб турибди, Варвара йўқ.

— Варварани чақириш керак, — деди Людмила Юрьевна.

Лайло энди чиқмоқчи бўлғанда, тугмалари қадалмаган ха-латдан оппоқ думалоқ, эмчаклари лопиллаб турган Варвара кириб келди.

Людмила Юрьевна уни тергади:

— Қаерда юрибсан? Бола йиғлаляпти?

— Кўзи қора бўлади.

— Қўлга олиб, тезроқ эмиз!

— Эй, тўхтант! Мен ҳам аёлман! Бир яйрасам бўлмайди-ми? Чўмилиб чиқай.

У кийимларини құтариб душга, пастга тушиб кетди.

— У нега пастга тушади. Мана бу ерда бор-ку?

— Ҳайронман, — деди Лайло ва беихтиёр кўкрагини бола-сига тутди.

Амир унинг эмчакларини тортқилаб, тортқилаб эмаркан, сут келмаганидан бадтар аччиқланиб чинқириб йиғларди. Қайнанаси унга шишада сут тутди. Бола тинчib, шишани бо-шидаги резинкасидан сўришига бошлади. Лайло қўзларида ўш Қайнанасига қараганди, у келинининг елкасидан тутиб га-пирди:

— Сут келмасини билсанг ҳам, кўкрак тутдинг, боланита меҳринг кўп экан.

Амин ошпок мөмиқ Варнарага боғланиб қолди. Буни ҳамма бир зумда сезди. Натижада Евгений Аминни ундан ажратиб олиш учун ҳафтасига түрт мартадан түнги клубга ишилапта юбора бошлади. Пулдорроқ аёлларга ҳам күшиб қўядиган одат чиқарди.

Амин Лайлодан умидини узгандек, у ёшроқ аёллардан ҳазар қилмай ишилайдиган, ҳориб-чарчаб келадиган кулага айланганди, ҳисоб. Унинг кўнгли романтика, ҳис-туйғу, муҳаббатдан кўра ишраттўй аёлларга кўпроқ мойиллик сеза бошлади.

Аёллар яхши кўриб Аминни олиб кетишар ва лекин тил билмайдиган ошиқ тез жонга тегар экан, деб қайтариб ташлаб кетишар эди. Шунда, Никитин янги йўл топди, инглиз тили билган мижозлар учун деб, Аминга алоҳида кабина ажратди. Бу ҳол рекламага айланиб, тиллашадиган бу кабинани танлай бошлапди. Қайтага даромад ҳам кўпайди. Чунки унинг соат пули бошқаларга нисбатан оширилган эди.

Бу экзотик нусха, енгилтак аёлларга коллекциясини яна биттага кўпайтиришга яради.

Амин буни тушунар ва ҳар ҳолда бу хонада ҳеч ким қалб ҳис-туйғудан гапирмаслигидан эзиларди.

Никитин онасидан:

- Ўелимни ўсиши яхшими? — деб сўради.
- Жойида, — деди онаси.

Никитиннинг бу саволи бежиз эмасди.

Контракт муддати ўтиб, Лайлонинг синови битди.

Унга Майамидаги вилла ўтадиган бўлди.

Ёз ойлари эди. У хужжатларини олиб ваколатхонага боргандә Америкага бориб келишга виза беришди. Лайло Тошкентдан, Евгений Москвадан Майамига кетгма-кет икки кун оралиғида учеб бориб, сўнг биргалашиб виллани расмийлаштирадиган юридик фирмага йўл олишди. Улар кофе ичиб тургунча, уй хужжатларининг асл нусхасидан уч донаси столга келтириб қўйилди. Томонлар қўл қўйгач, фирма вакиллари Лайлони янги кўчмас мулк сотиб олгани билан табриклишшиб, ўзини эса виллага олиб бориб қўлларига калитларни тутишди.

Лайло фақат виллани кўрмоқчи эканлигини айтганда, улар у истаса ижарага мижоз топишларини ва ижара ҳақи тўрт

минг атрофида бўлишини, солик ва бошқа тўловлардан сўнг етмиш фоизга тушум қолишини айтишиди.

— Қўлга шунча шул тегса биз рози, — деди Евгений Лайдога қараб кўз қисиб қўяркан.

Маклерлар кетишиди.

Лайло Никитининг совғасидан боши кўка етган бўлса-да сир бой бермай сухбат мавзусини ўзгартириб сўради:

— Сочимни сариққа бўясам нима дейсиз?

— Ҳечам-да, сени брюнеткалигингни яхши кўраман. Ўртоқларим ҳам қошу кўзинг, соchlаринг қоралитини мақтасади.

У Евгенийга миннатдорчилик билдириш учун, қулиб туриб:

— Ишлар битди уйга қайтамизми? — деб сўради.

— Эртага, Бутун кечки пайт арабча рақста тушиб берарсиз. Токи кўзларим яйраб, хисларим бу ерларда ҳам тўзисин.

Кўлига теккан мулк шукронасига у Никитининг илтимосини бажариб, рақста тушаркан, бир-икки айланганини билади, Евгений унинг кийимларини битта-битта ечишни қатъий сўрар, сармаст эркакнинг бу талаби ёқмасада бажаришга мажбурдек ҳолатда эди Лайло. Илло, бу ерларгача у билан келган, сўзида туриб катта мулк совға қиласан, феъли ҳам юмшаб, шу пайтгача бирор зуғум ёки ишқий таъма қилмаган, эрининг кўнглидан нима ўтаётганини аллақачон фаҳмалаган бўлсада, Лайло унинг сўзларини ерда қолдиришни инсофданмас деб ҳисоблаб, томоша қўйиб берди.

Қиз аввал соchlарини ечиб юборди. Сўнг елкаларини учирив ўйнаркан, кофтасини тутмаларини бир-бир бўшатиб, ниҳоят уни ечиб айлантириб отди. Евгений кофтани ушлаб олиб ҳидлаб-ҳидлаб, кўзлари яшнарди. Лайло яна бир-икки айлангач, навбат енгиз кўйлагига қелиб, у Бразилияда ўтадиган карнавалда қатнашадиган раққослардек энгиз кийимларда қолди. Елкаларини бўйинга тортиб, билакларни ҳам тўлқинсимон қимиrlаттанида кузатувчи эркакнинг астойдил бақириб, худди бегона аёлни томоша қилаётгандек қичқиртани сари, Лайло бел ва ёнбошларига ургу бериб уларни титратишга тушди. Соchlарини силтаб орқасига ташларкан, кўзларини сузуб бир бор боққани замон Евгенийнинг оргиқ сабри қолмади. У ипини узган ҳайвондек ташланди. Лайло, ундан чекинаркан, шу ҳолни аввалидан сезгандек тайёрлаб қўйган

столдаги сувни унинг башарасига сепиб нариги хонага қочди. Қаршиликлар қылди, аммо бу чоралар фойдаесиз чиқди. Никитин тизгинесиз ҳисларини намойишкорона күрсатди. Сағарга довур ёшишиб уни тинчтімади.

## ШАЙХ ҲУЗУРИДА

Яна иккى ой ўтиб, куз келди. Москванинг совук ҳавоси Аминга ёқмай, у иссиқ үлкасига қайтишни. Лайлони қандай қилиб бўлса ҳам ўзи билан олиб кетиш ниятидан умид узматаанди. Унинг синглиси шайхнинг севимли хотинига айланаб, доимо Лайлони олиб келинг, меҳмон бўлиб кетинглар, — деди.

Ушанга у Никитинни ҳам сафарга қўшишни режалади, чунки у ҳам борса, Лайлого ҳам йўл очилади.

Шунинг учун у машқ вақтида Лайлого синглисини каттадан-катта раҳматини ва таклифини етказди.

— Қувайттами? Агар Евгений бирга борса, нега йўқ дерканман, бораман.

Никитин Зубайра таклифини эшитиб, дарров рози бўла колди.

Дубайдаги Зубайра виласига меҳмонларга жой ажратилиди. Шайхнинг ҳузурига етиб келганда гина Никитин Зубайра хоним бўлганига ва эрига яқинда фарзанд туғиб беришини эшитиб ҳафсаласи пир бўлди. У шайх билан соғ инглиз тилида сұхбат қуаркан, фақат эркаклар йифилган даврада ўтиришар, шайх унга бирорта дам олишни таклиф этармикав, деб Никитин унинг оғзини пойларди. Шайх раққосаларни чақиритирди. Уларнинг рақсига эътибор бермаётган Евгений, кейинги рақсда араб рақсига тушган қорача раққосалардан бири фирт Зубайрага ўхшашлитини аниқлаб, шайхга бошини силкиди.

Шайх еллигични оттанди, ўша раққоса ушлаб олди. Шайхнинг ишорасини англаб, у Евгенийга яқинлаб, уни қўлидан тортиб, етаклаб қайгадир судраб чиқиб кетди.

Шайх чилим чекиб ўтираверар, Амин ҳам миқ этмасди.

Анча вақтдан кейин Шайхни ўз хонасига Зубайра таклиф этиб, барча хизматкорлар ҳам хонасига тарқади.

Лайлого тепадаги, алоҳида салқин хона насиб қилган, дे-разалар очиқ, у эшик занжирини илиб, ёндаги душхонага кирди.

У душ қабул қилаёттанды, битта шарпа ёруғни түсіб үттандек бўлди. Шунда чиқиб қаради. Ҳеч ким йўқ, Артинди. Кун иссиғига фақат юпқа тунги кўйлакни кийиб чўзилди. Устига нарса ёпишга ҳам ҳожат йўқ эди.

Кўзи уйқуга энди кеттанды, сийналарига теккан қўлдан-сесканиб тушди. Шунда у оғзини кимдир қўли билан ёпганида кўзини очиб Аминни кўрди. Питиллаб қолди.

Амин ялиниб-ёлвориб ҳам жувонни кўндира олмасди.

Ҳабаш шунда ҳўнграб юборди.

У бир маротаба Лайлонинг висолига етишиш учун шу сафарни синглисидан сўраб олганини айтди.

— Бас қил, Амин. Ўща воқеада фафлатда эдим. Исподдан кўркқандим. Uriб, сўкиб, зўрлаб ҳам мени ололмайсан. Қаршилик қиласман. Бошқа аёлни сев.

— Евгений сизни менчалик севмайди.

— У менга ҳеч ким эмас, тентак.

- Нима? Етар мени мазахлаш.

Амин шунда жаҳл билан Лайлого ёпишиб, тўшакка қапиштириб кўйди. Жувон социдаги булавкаси ёнида йўқ, бу кучли тўнкага бас келолмаслигига кўзи етиб елкаларини беихтиёр силаркан, уни ҷалғитишни ўйларди. Йигит шашти баланд, қайтага буни бошқача тушунди ва сал тикланганини билади, Лайло қайдандир куч топиб, тиззаси билан унинг нозик жойига тепиб юборди. Амин энгашиб ўтириб қолди.

Шу дамда Лайлонинг кўзига Амин маҳлукдек кўринди. Бирпас унга қараб туриб, бир вақтлар бироз меҳрини унга бергани учун ўзидан хафа бўлиб кетди. Халатини кийиб, эшикни шараклатиб очди.

— Кет! Энди сендеқ менинг дўстим йўқ.

Амин кийимларини эгнига ташлаб ҳамон энкайганча чиқди.

Эртаси қизиқ воқеа бўлди.

Евгенийнинг розилиги билан шайх Лайлонинг бир ўзини қабул қилди. Никитиннинг ўзини, эрталабки нонуштадан кейин Аминга қўшиб, денгизга чўмилишга шайх одамлари олиб кетишиди.

Соат ўнарда шайх сұхбатига Лайло ўзининг миллий келинлик узун кўйлаклари ва лозимда, бошида дуррача, оёғида пояфзали билан пайдо бўлди.

Шайх унинг кийимларини томоша қилиб, гап қистирди:

- Самарқанд, Бухорода бўлганман, бундай кийимда юрган аёлларни кўрмадим ҳисоб.
- Бу келинлик либослари, маълум вақт кийилди.
- Ўзингизнинг шу моделлар асосида дўконларингиз бор эканми?
- Шундок, бир нечта жойда.
- Бу хоналарга видеокамералар қўйилган.
- Наҳотки?
- Кечаги тунни ким қандай ўтқазгани менга маълум.
- Бу кузатувдан сизга не манфаат.
- Сизни ҳақиқий афт-ангорингизни кўрмоқчи эдим.
- Нега мени?
- Кеча Аминни ҳайдаб соганингиз туфайли, сизга хурматим ошибб, шу сұхбатга чорладим. Йўқса, қучорига кириб, зино қылганингизда, индамасдим, лекин бир риёл пулчалик менинг олдимда қадрингиз бўлмасди.
- Тушунарли.
- Нега Никитиндеқ шармсиз одамга хотин бўлдингиз?
- Бу сўроқми?
- Ҳа, манфаатли савол-жавоб.
- Тунгундим. Унинг хис-туйғуларини ҳақиқий деб билгандим, ҳам бироз мол-дунёсига учиман.
- Тўғрисини айтдингиз. У вилла совға қилибди, Сиз эса шарқ қони қўшилган фарзанд ато этибсиз. Онаси хурсанд экан.
- Буларни қаердан биласиз? Менга Людмила Юрьевна жуда меҳрибон ҳам яқин маслаҳатчим.
- Фарблик ва шарқлик қонларни қўшиш фикрини қўллаб-кувватлайман. Шижаат ва донолик иттифоқи, ёрқин истиқбол.
- Ҳимм...
- Зубайрага анча нарса ўргатибсиз, у сиздан хурсанд Эркакка чўри эмас, у билан қадри тенг аёл ёқишини қайдан биласиз?
- Турмуш тажрибаси.
- Ҳа, уч бора турмуш кўрганингизга шама қиляпсизми?
- Буларни ҳам билсангиз, улардан ажрашганим сабабларини ҳам айтарсиз, шайхим?
- Биринчи эрингизни ўн кун ичида овда отишган, иккинчи эрингиз бўш-баёв, нега унга теккансиз, у ахир сизга тенг эмас шекилли.

- Менга у күпроқ қадрли.
- Биринчи бор Аминнинг сизга ҳужуми ҳақида нима дей-сиз?
- Буни ҳам биласизми?
- Ҳа, Пенанг оролидаги компьютерчиларни топдим.
- Бу эса энг оғир савол.

Лайло ўрнидан туриб кетди ва худди отаси олдида сўрок бўлаёттапдек дув қизарди.

Шайх унинг жавобини кутарди.

Лайло шайхга тик қаролмай, ташқарига қўз тикиб, дона-дона гапира бошлади.

— Мени Азиз хўрлади. Маст-аласт хиёнат қилди. Ажрашдим. Қайнана-қайнатам роса йиглашди, менинг ҳам у уйдан ҳеч кетгим йўқ, эди. Тошкентта қайтдим. Сал ўтмай уйимга менга икки йилдан бери ошиқ Евгений келиб ўтириб олди. Кўнглимни кўтарган бўлиб, нукул турмушга чиқишимни сўрарди, рад жавобини олгач. Йўқса, дўстлик юзасидан дам олиш уйига бирга борайлик деб қўймади. У ерда қўлимга осондан-осон вилла шартномасини тутиб уйлантириб қўйди. Ўзи мени ортиқча таъқиб этмади, аммо ҳимоя қилишни ҳам унуди. Амин билан воқеага унинг қўли борлигини кейин билдим. Чунки Аминни у ёллаган экан. Қаршилик қилиш, тўполон чиқаришни иснод билдим, важоҳати ва айниқса қўлидаги куролидан қўрқиб, ожизалигимга бордим ва ҳушимдан кетдим. У ёғи менга қоронғу.

— Ҳақ сўзларни сўйладингиз. Сизни бу ҳолатда айблашта асос йўқ, хонзода. Сизларда улуғ аёлларни шундай аташ-танми?

- Ҳа. Аммо менга нисбатан бу сўзлар муболага.
- Никитин шантаж қилиб кейинчалик виллани қайтариб олмоқчи бўлса, қайнанангиз ва бор қариндош-уруғлари сизни яхши кўриб қолишган эканми?

— Улар шарқни, либосларни, таомлар, рақсларимиздан ҳайратга тушишарди. Шунгами менга илиқ ва яхши муносабатда.

— Гарчи бегона аёл билан сухбатлашиш ноқулай эрса-да, Зубайрани чақирмадим. У эшиттан гапларини албатта бирорга, ҳеч бўлмаса акасига айтиши турган тап эди.

- Раҳмат шайхим.
- Ташаккур. Биз Зубайра билан сизнинг рақсингизни кўришга муюссар бўлдик. Манзур. Ўзбек рақси гўзал, лато-

фатли, одамни ҳирсга эмас, дам олиш ва ширин хаёл суреш-га чорлайди.

— Миллий рақсимизга билдириган фикрингиз билан мени хушнуд этдингиз.

— Ҳа, сизга тасанноки, Никитиннинг эркин ишқ тарафдорлари гурухидан эсон-омон чиқибсиз, у ерда ҳам сизга тажовуз бўлган экан.

— Шайх жаноблари, мен тўғримда шунча маълумот йиғишга бирор сабаб борми?

— Бор. Сизнинг мақтоворингиз олти-етти ойдан бери Амин орқали Зубайрага етиб келади. У эса акаси ва унинг сизга муҳаббатини айтиб келарди. Бироқ унинг акаси эски касбини ташламагани учун, уни сиз қандай қабул қилишингиз менга қизиқ эди. Шунга қараб баҳо бермоқчи эдим. Агар сиз унинг ҳажрига чиндан зор бўлсангиз...

— Мен унинг ишқига талаб сезмаганман ўзимда. Унга хизматкорга эмас, дўст қаторида муомала қилганимни, укамдек кўрганим рост. Уни бироннинг топшириги билан қилган қабиҳлигини унугландим. Ҳатто Евгенийни юзига қилган алаҳлигини айтольмадим. Фойдасиз, у шунақа, тентак одам.

— Мен сўзимни давом эттирай... Евгенийда менга қарши далил бор деб ўйлаб, ундан кетолмагансиз, бетайинлигига кўз юмиб яшагансиз.

— Ҳа, тўққиз ой унинг инжикликлари, фосиқликларини кўтариш осон бўлмади.

— Кейин нега кетмаяпсиз?

— Қайнанам, боламни энди ташлаб кетишга кўзим қиймаяпти.

— Ажаб, болангиз сунъий йўл билан бўлган бўлса. Унга нисбатан меҳрингиз борми?

— Нега бўлмасин? Уни Евгенийга ўхшашини истамасдим.

— Никитин юрган йўлида хиёнат қилишини биласизми?

— Ҳа, афсуски. У ҳеч кимни севмайди. Феъли шунақа. Йўлда сувми, шарбатми ичиб чанқофини қондиргандек, аёллар билан дон олишиб кетаверади ва ўша ондаёқ уларни ташлаб кетади.

— Сиз унга чет элларга мақтаниб бирга олиб боришга таниш-билишлари, қариндош-урувларига кўз-кўз қилишга кераксиз. Контракт муддати ўтди, улар сизга кетинг дейишмадими?

— Йўқ, қолишимни истаб қўшимча уй-жой совға қилишди.

- Энди Москва атрофиданми?
- Ҳа.
- Компьютерларида ёзув архиви бор экан, таги билан сотиб олдим. Уларни энди ҳеч ким кўра олмайди. Марҳамат. Лайло таъзимга бош эгиб ёзувни олди.
- Раҳмат шайхим.
- Ҳимм.
- Менга бошқа сўзингиз...
- Ҳа, сиз ўзингизни менга сингил билсангиз, Сизга бир маслаҳат бор.
- Марҳамат.
- Никитиндан кетинг.
- Менинг ихтиёримдами бу қарор?
- Ҳа. Сизни гўзал хулқли бир имонли одамга рўпару қилмоқчиман. Чунки Сизнинг бор ҳаётингиз ул кимсага маълум. Қачондан бери сизни бир кўришга маҳтал.
- Шайх жаноблари, мен энди турмуш қилсам, ўз юртим одамига чиқаман.
- Шундоқ, ул киши сизнинг юртингиздан, менинг бизнес ҳамроҳим.
- Билмасам, эрим бўла туриб, бошқа номаҳрамдан гапириш гуноҳ, биласиз?!
- Евгенийми? Шу ҳам эрми? Модасини қизғонмаган тўнғизнинг ўзи-ку?
- Вой, шўрим. Менинг қадр-қийматим шунчаликми?
- Лайло кўзларига қайноқ алам ёшлари келди.
- Ҳақиқатта тик қарашиб лозим. Ундан чиқинг. Кейин эса сизни узатиш фарз бўлади, хонзода.
- Маслаҳатларингиз учун ташаккур, шайхим.
- Ҳа. Манави флешка сизга. Евгенийнинг кечаги тундаги хиёнатлари акс эттирилган. Судда бундан фойдалансангиз, фарзанд ҳам сизга ўтади.
- У Россия граждани. Қайнанам роса уввос солиб йиғласа керак, кейин мен уларга нисбатан бу қабих ишни қила олмайман. Юзим чидамайди.
- Баракалло, хонзода, сиздан шу жавобни куттандим, — деб чапак уриб, унга жуда маънодор қараб қолди.
- Лайло бошини тушуриб, сукутта чўмди.

Эшик чертилди.

Хизматкор Зубайра кирмоқчи эканлигини билдириди.

Шайх соатига қараб, тушликни ярим соатдан кейинга сурилишини айтди.

Хизматкор чиқди.

— Ҳа. Сизга қизиқаётган ҳамюргингизни кўринг-чи?

Лайло бир нима дегунча, компьютер экранидан таниш чехра пайдо бўлди. Бу Юсуф эди. У анча ўзгарибди. Бироз семириб, анча салобатли кишига айланибди. Лайлонинг кўзида ёш билтиллади.

Пул деб, мол-дунё деб Евгенийнинг машмашаларига илингани алам қилди. Юсуфга нима дейди. Шайх унинг яқин таниши экан, воқеаларни айтиб берса-чи? Нима бўлса бўлар, айтса айттар, ўзимга тўғримав. Бирорвга ёқиш муқом, ишва қиласадим деб хаёлга чўмди.

— Дурустми? Хотини билан ажрашганига бир йил бўлди. Битта қизи бор.

— Шайх жаноблари. Улар мен тўғримда ҳамма нарсани биладиларми?

— Албатта. Чунки сизга роса қизиқди.

— Ҳаттоқи, маънум орол воқеалари.

— Йўқ, албатта. Бунақа нарсалар куёвга айтилмайди. Сир бўладиганлари яширилади. Тупша-тузук аёлни бадном қилиш яхшимас.

— Мен айтмоқчи эдимки, Юсуф акани танийман.

— У ҳам сизни биларкан.

— Бу ёрига худо пошшо. Евгенийдан ажрашишни ўзи бўлмас?

— Никоҳ контракти ёнингиздами?

— Ҳа. Йўлда керак бўлиб қолар деб олволгандим. Фақат бу гал уни бекорга чиқаришиди.

— Нима учун.

— Муддати ўтган деб.

— Яъни, сиз унда озод экансиз-да?

Лайло ўрнидан туриб кетди. Бирпас лол ва ҳайрон турди да, сўнг хонада эркин айланана бошлади.

— Ҳа-я. Муддати ўтган бўлса, наҳотки, яна эркин қушга айландим. Эртагаёқ Москвага бориб нарсаларимни олиб Тошкентта жўнашим мумкинмикин?

Шайх бир жойга қўнғироқ қиласди.

— Ҳозир хуқуқшуносим келади, россиялик. У сизга яна тушунтириш берар, унгача тушлик қиласиз, марҳамат қилиб юрсангиз.

Соат роса бир бұлғанди.

Шайх яна бир гап айтди.

— Юсуфни супермаркетига олиб бораман, Зубайра ҳам құшилишади, йүқ деманғ, қани танишингиз сизни күриб қайси ҳолатта тушаркин?

Лайло индамади. У саргузаштни ёқтиарди. Шунгами, Юсуфни күргиси келди.

## АМИН УМИДИНИ УЗМАГАНДИ

Зубайра зерининг Лайло билан үзоқ гаплаштанидан унчалик ҳайратланмади. Чунки бу жувоннинг чигал қисмати унга таниш, акаси күп тапириб берган. Аммо акаси ҳам охир үнга бутунлай ёт бўлди. Аминнинг ўйламай Москва-даги тунги клубда аёлларга хизмат кўрсатиши Лайлонинг ғашини келтиргани, кейинчалик, жавобсиз севгисига аччиқ қилиб, у Варвара билан топишганди. Бу ўлганни устига тегган бўлди.

Ундан ташқари, Амин бутунлай тунги клубда доимо маиншатга шўнғиб, чет эллик меҳмонлар ёхуд тил билган дилбарлар учун қўл билан ушлаб кўриладиган тирик экспонатта айлангач, йигитни «қуруқ дараҳтта қиёс ҳиссиз жонзот», деб билиб, унга зигирча ҳам меҳри қолмай, ҳатто дўст сифатида унга Лайло ачинмай қўйганди...

Амин астойдил кўз тикса йиқитадиганлардан, у мақсадига етиб ўрганганди.

Улар, Евгений билан дентизга боришигач, яхтада учинча жазм қилишди. Дентиз кенг, юзлаб катерлар сув юзида эгасини пойлаб турарди.

Евгений бир кишилик яхтадан иккитасини танларкан, Аминга мусобақа уюштиришни таклиф этди. Амин аввалига қўлинни силкиди, сўнг миясига бир фикр келиб қўлинни чўзди.

— Нимадан?

— Ютуқми?

— Ҳа.

— Сен шартингни айт.

— Йўқ, аввал сиздан бўлсин, таклиф киритган ўзингиз.

— Ўша тоғдаги қирроқقا бориб келамиз, ютқазсанг бир йил ишлаб берасан, пасть баҳода.

— Олти ой, қиши совуғи менга ёқмайди.

— Келишдик, олти ой. Менга нима талаб?

— Ютуққа Лайлони тикасиз.

— Нима?

— Эшиттанингиз?

Евгений ўйлаб қолиб, сүнг мийигида кулиб қўлини чўзди.

— Фақат бир ойга.

— Майли. Келишдик.

— Шартнома тузамизми?

— Ҳа. Қоғозга тушмаса ҳисобмас.

Шартлар инглиз тилида тузилган шартномага киритилиб, томонлар кўл қўйишиди.

Яхталарни ижарага берган мўйловли ҳиндига шартнома қолдирилди. Ким биринчи келса, унга бу шартнома ўтади ва ғолиб саналиб, ўз талабини юргазишга ҳақли бўлади.

Амин ғолиб келса, Лайлони зўрлик қилиб бўлса ҳам бир ой Дубайдаги олиб қолиш баҳтидан кўзлари ёнар, буни у қандай амалга ошириш мумкинлигини, бу маҳаллий қонун-қоидаларга қанчалик мос келишини ўйламас, карта ўйинига хотинини тикиб ундан айрилиб қолганларни кўз олдига келтириб, шу вазиятни тезроқ бўлишини истаб ичи қизирди.

Евгений қўлини силкиди, улар моторга газ беришиди. Оравилари етти-ўн метр кенглика нари-бери яхтани учирашиб кетишиди. Бориб келадиган масофа бир томонга ўттиз чақирим. Амин бу жойни яхши билар, йигирманчи чақиримда тор рифмларини сув остидан чиқсан тошлари борлигини билиб, ўнг тарафга Евгенийни қўйиб, ўзи сўл томонга ўтиб олганди.

Никитин шу девона феълига ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, қўрқмас. У ҳозир зўр яхтачилардек олдинга чиқиб олганди. Аминнинг мақсади тоғлар бошланадиган манзилда унга етиб олиш ва иложи бўлса Евгенийни ўнгга сиқиши.

Ниҳоят кўзланган манзил яқинлашганда Амин тезликни ошириди. Евгений ҳам анойи эмасди. У ҳали ижарачидан йўл маршрутини ва қийинчиликларини сўраганди. Тоғлар орасидан ўтишда атиги ўн метрлар кенглик хавфсизлигини, четроғи эса сув ости тошлари тепага чиқиб қолганини эшитганди.

У шу жойдан ё тез якка ўзи ўтиб кетиши ёки олдинга Аминни ўтказиб юборишни ўйлади. То у бир қарор қабул қилгунча, тошлар кўриниб қолди. Унинг негадир шашти па-

сайиб, Амин тарафга қаради. Аминнинг важоҳатига кўзи тушиб, ваҳм босдими, рақибини олдинга ўтказиш учун яхта тезлигини пасайтирди. Амин ундан ўтиб кетиш ўрнига, уни ўнгта сиқиб кела бошлади.

Евгений бу хавфни кутмаганди, шошиб сал ўнгта рулни бурганини билади, сув ости тошларига яхта урилиб ўзи учеб тушди.

Амин ундан қасдини олганди. У нафақат ютуқقا эга бўлиш, балки рақибини мажруҳ, ёки абгор қилиб, уни эшакдек Россияда ишлатганлари, учун аламини олди.

Евгенийнинг боши ва елкалари қирғоқдаги тошга тўлқинлар ичидан бориб урилгани учун, унчалик лат емаганди.

Шунгами у бироздан кейин ўзига келиб мусобақани давом эттиришни сўради, бироқ ўрнидан тургани заҳоти боши айланиб ҳушидан кетди.

Шифокорлар унинг мияси чайқалганини, уч-тўрт кун қимирламай ётишини тайинлашди.

Амин бўлган воқеалар тафсилотини шайхга айтганда, у индамади.

Икки одам ўртасидаги ўзаро келишувга улар то бажарилмагунча, бандасини қозилик қилишини у ёқтирасди. Лекин Аминнинг Евгенийни қояга сиқиб боришини ҳам қораламади. Мусобақа бу мусобақа, ҳар қандай жанг каби ўз услуби бўлади. Зоро, жангда ҳар доим куч эмас, макр-ҳийла ҳам қўл келади.

Шунинг учун бор гапни эшитган шайх Аминга на таъна, на мақтов билдириди.

Боксчилар термини билан айтганда, техник нокаут билан Амин ролиб чиққанди.

Фақат ютуқ масаласига шайх ойдинлик киритди.

— Ҳозир қавс ойининг йигирмаси, ўн кун аввал эса Евгений ва Лайлол ўртасидаги никоҳ контракти ўз кучини йўқотган экан. Буни россиялик ҳукуқшуносим ҳам тасдиқлади.

— Бу нима дегани?

— Яъни, энди улар қонуний эр-хотинмас. Шундоқ экан, шаръий никоҳ ҳам ўз кучини йўқотади. Натижада, эрининг на эскича, на янгича Лайлого ҳеч бир ҳақи қолмаган, балки шуну билиб Никитин сен билан мусобақалашгандир?

Амин қотиб қолди.

— Аммо мен мусобақани ҳалол ютдим.

— Ҳеч ким сенинг ғолибликкіншін шубқа қилмастибди. Бирок ютуқни Евгений башқа совға ёки пул билан қопласа керак. Мен Лайлони сұзини олдым. Зубайра гувох, у «мен ютуққа тикиладын машина змасман ва иккінчидан, Евгений эрлік хуқуқидан үн кун олдин маҳрум бўлган», деди.

— У ҳолда...

— Евгенийни тузалишини кут. Сенинг шаҳдинг арабийларга хос экан, голибларга олқишилар бўлсин.

Амин барибир тинчимади.

Шайх башқа хотинларидан хабар олгани кетганида, тунда у яна Лайло хонасида пайдо бўлганда, қўриқчилар уни тутиб олишди.

Дубайдаги ҳаво доимо иссиқ. Кундуз куни миллионлаб соуткичлар офислар, дўконлар, меҳмонхона, уй-хонадонларда ёқилади.

Зубайрага берилган вилланинг ўзида тўрт-бешта совуткич ишлаб совутишга кучи етмайди. Яхшиям тун бор. Салқин. Совуткичларни ўчириш мумкин бўлади.

Лайло ҳам шундай қиласади. Совуткичларни тунда ўчириб, деразаларни очиб қўяди.

Беихтиёр кўзларини очса яна тепасида мунгайиб ўтирган Аминни кўрди. Унга ачинди, ҳатто уни овутиш учун кўлинни чўзай деса, улар боғланган экан.

Ғазаби қўзиди.

Амин энди унга укамас. Кўзи қонга, ҳирсга тўлган маҳлук, орқа-олдини ўйламайдиган, мавқеи сусайган йигит тимсолида кўринди.

— Ҳа, сени ҳайдаганим камми? Яна нимага келдинг, суллоҳ,

— Сурлигим сабаби, сизга илиниб қолганимдан кўзимга дунё тор. Кечагида Евгенийни ўлдириб қўйишими оз қолди.

— Бирор бу ерга кирганингни билса, номим булғанади. Кет. Виждан қолмабди сенда. Ақдингни йиғ. Бор дейман. Ҳозир бақираман.

Амин шунда унинг оғзига оқ, материал тиқди.

— Бас қилинг. Ортиқ сабрим қолмади. Юрагим ёниб кетаяпти.

У Лайлонинг узун тунги куйлагининг этагига энди қўл узатганда, бошига тушган турсидек муштдан кулади.

## ЮСУФ ҲАМОН ЛАЙЛОНІ ДЕРМИКИН?

Эрталаб шайх келиб, ўз қарорини эълон қилди.

Ҳозирча Аминни подвалнинг энг чекка хонасига қамаб қўйишиди.

Гап шундаки, шайх кечқурун кетар олдида, хонзода хонимдан хабар олиб туринглар, бирор безовта қилмасин, деб кўриқчилар бошига тайин қилганди.

Амин арқондан Лайлонинг хонасига тушаётганини улар кўриб қолиб, тезда қўшимча қалит билан эшикни очиб, чаққон бир кўриқчи парда орқасига беркинган ва телефонини ёкиб, унинг хатти-ҳаракатларини, қандай гап-сўзлар бўлганини ёзиб, тажовуз бошланишини суратга олганди. Шайх бу далилларни Аминга намойиш қилганда, у фақат Лайлого ошиқлиги билан ўзини оқлади.

Ўша қуниёқ Евгенийни онасига топшириш учун Лайло уни суваб Москвага учди.

Евгений кўп ухлайдиган бўлиб қолганди, онаси у билан бўлган воқеадан хабардор. Яна шайхнинг россиялик ҳукукшуноси Никитин Лайлони ютуқча тикканини айтганда, у йиғлаб юборганди. Шу билан бирга унинг никоҳ битимининг муддати тутаганини ва у ҳар қандай мажбуриятдан озодлиги ҳам айтилди.

Людмила Юрьевна мамнунлик билан гапирди.

— Мен Лайлодан мингдан-минг розиман. Шундай телба ўрлимга фарзанд ато этди. Боласини олиб кетмасмикин?

— Унинг бундай нияти йўқ. Лекин фарзандим Евгенийга ўхшамаса бўлгани деб қайфуряпти.

— Мен ҳам Амирни имонли қилиб, бошқача ўстириш зарурлигига борган сари қарорим ошяпти.

— Яна бир бор собиқ келинингизнинг ихтиёрини чекла- маслигингизни сўрайман. У барча шартлардан озод.

— Биламан. Йўлини тўスマйман. Аммо истаган пайтида келсин, у қизимдан ҳам яқиним бўлиб қолган.

Бу пайтда Лайлло Юсуф билан бўлган учрашув онларини қайта кўз олдидан ўтказиб, Дубай-Москва йўналишида самолётда ўтиради...

Менежер аёлларни бошлаб кирди.

Саломлашишгач, ҳамма жим қолди.

Ноқулай сукунат. Бир сўз билан орага ё илиқлик, ёки бир сўз билан совуқлик туширадиган ҳолат.

Юсуф Лайлони шундок яқинида күраркан, үзіча қуйидағиларни аниқлади. Шайх айттандек, қомати жуда қолипта тушибди. Бу қолип моделлар үлчамиға мос, күзни үйнатаған даражада. Лайло эгнига сириб лиbosлар киймай, кенгрөк киимларини танлаганди. Бошидан дуррачасини қўймаган. Оёғида баланд пошна туфлида, полларни бироз тўқиллатиб юриши жуда ярашарди.

Қарашларидаги ўта викорлилик ўрнига, юмшоқроқ одамларга хайриҳоҳ назарлар пайдо бўлибди. Аммо ҳамон бошини тик ушлаб, бошини сал ўгириб бокишлари, лабларидаги нимтабассум сұхбатдошларни ўзига жалб қилмасдан қўймасди.

Шайх Юсуфнинг ҳолатини тушунди. Ўзи мубталолик ҳолатида бўлмаса ҳам, негадир яхши, ёқимли гап айтиш лозимлигини ўйлаб, хотини олдида истиҳола қилиб индамас, аммо у ҳам Лайлонинг ўзини тутишига беш кетиб ўтиради.

Лайло Юсуфга баҳо бераркан, кичик тутқунылик домидан қутилган күш-у, ҳали баландларга парвоз қилишга чўчиёттанини англади. Шунингдек, унинг ҳаёт жабҳаларида панд егани асабиyroқ, ишончсизроқ қилиб кўйганидан дарак бериб турарди.

Лайло бу вазиятдан чиқиши учун яхши баҳона топди.

— Юсуф ака, менинг яқин давлатларда янги фасонларга ва ёш келин-жувонларга мўлжалланган дўконларим ишлаб турибди. Шайх жаноблари, танишим бор, у сизга ижарага жой ажратиши мумкин, деганди, шунга фикрингизни айтсангиз? Менга ҳозирча бешга ўн қадамлик жой етади, балки унинг ярмидек.

Шайх енгил хўрсиниб, Зубайрага қараб пичирлади:

— Контакт бор.

Юсуф бу эркин мавзудан сұхбатта тортилганидан хурсанд сўзлаб кетди:

— Бу ерга келиб ишлаеттанимга уч йилча бўлди. Дўкон Акбарали бойга қарашли. Аммо бош иш юритувчи менман. Сизга, ватандошимга жон деб жой ажратишга тайёрман.

Зубайра гап қўшиди.

— Биринчи навбатда, сиздек чиройда тенгсиз аёлга дениг.

— Яна аввалдан билган қадрдонимга сўзини ҳам қўшиши унугтманг. — деб сўз қистирди шайх.

Юсуф ўзини йўқотиб, қизариниб ерга қаради.

Юсуф ака сўзамол эмас, бироқ имонли, инсофли, фақат

шу хислатлари учун қайта севиб қолишшым мумкинми, деб ўйлаб, уни хижолатдан қутқариш учун, Лайло:

— Балки жойни бир режалаб күрармиз, — деди.

Шайх Юсуфга қараб күзини қисди. Буни ҳамма күрди.

— Боринг Юсуф, хонзода сўзларини икки қилманг. Кулишди.

Улар чиқиб кетишиди. Зубайра шайх қўлини ушлаб сўзлади.

— Шайхим, бу ошиқларни қайта учраштириб, савоб иш қилдингиз, имонингиз бундан-да мустаҳкам бўлсин.

— Тўғри дуо қилдингиз, Зубайра хоним. Йўқса, кўпчилик пулингиз, молингиз кўпайсин дейди. Имон мустаҳкам бўлса, одам бой бўлади.

Юсуф ёнида кетаётган тик қомат, нигоҳлари олдинга — бир нуқтага қадалган, унга ўгирилганда бошини жуда чиройли буриб гаплашаётган хонзодага меҳри тобланиб бораркан, ўзида ҳам ғуур, салоҳият сезиб, умумий гаплар, ота-оналар, қариндош-уругларининг сиҳатларини мамнун сўзларди.

Лайло бундай сұхбатларда ҳам бошқача сўрашиш, одамга ёқадиган, кўнглини кўғарадиган сўзлардан фойдаланишини Юсуф ўзига кашф этди.

— Отангиз сиҳатлари дурустми, Юсуф ака?

— Яхшилар.

— Бахтингизга, отангиз-онагиз роҳатингизни кўрайтилар.

— Роҳатим бор, баҳтим тўлиқмас, хонзода хоним.

— Мени шундай атай қолинг, менга бу таърифингиз маъкул бўлди. Сизни ким деб чақирсан экан?

— Билмасам?

— Мен бироз ўйлай-чи. Ҳа, чиндан бизнинг фирмага жой ажратиб бера оласизми?

— Нега ажратмай, доим ёнимда бўларкансиз. Бундан кўзим қувониб, дилим яйрайди.

— Шу гапларни сўзлаёттан сизми, Юсуф ака?

— Мен.

— Аёл кишининг қулоғига ширин гап ёқишини биларкан-сизми?

— Сизни бу ерларда кўриб, ҳайратим ошди. Дунёга мен баробаримда чиқибсиз?! Мендан-да ошиббиз?! Майамида вилла сотиб олибсиз?!

Лайло сұхбатни ўзгартырди.

— Хотин кишини топгани омонат. Ўзингиздан гапириң. Ҳа, мен ўшанда сизни хафа қилған әдім.

— Ўшандами? Айб ўзимда экан. Сиқиқ жойга тушиб, дуне күзга сал тор күринган дамлар учун, узримни қабул қилинг. Яшаш қанчалик соз неъмат. Лайло, — деб пауза қилиб, сүнг Юсуф қўшиб қўйди. — Хоним.

— Бу гапингиз ҳақ. Яна бир ҳақиқат, одам қадри ҳар ерда ўзининг феъли билан баҳоланаар экан. Биз сиз билан, Юсуф ака, дўст бўлиб қоламиз-а?

— Йўқ.

— Нимага?

— Менга дўстлигинги ўз ўрнида, кўпроқ рафиқа ўрнида кераксиз.

Лайло нари кетди.

Унинг жавоби тайёр эди. Аммо бундай дамда худди ўйга чўмгандек, викор билан, лозим бўлса, бироз ноз-карашма билан гапириш, ўртадаги жиҳдий гапни ҳазил-хузул билан юмшатиб дилга етказгани хуш келади.

— Лекин Юсуф ака, сиз менга муҳаббат изҳор қиласмаган-сиз шу пайтгача, тўғрими?

— Ҳимм...

— Ҳозир ҳам айтмадингиз, ё мени вақти ўтиб, қариб қолганга санаётган бўлсангиз-чи?

— Лайло, сиз ниҳоятда катта мартабали, назокатли дилдор бўлибсиз. Ёшингизга худди ёш қўшилмай, илгаригидек моҳитбондигингиз кўзни олади. Сизнинг қошингизда мен ўзимни анча ортда қолган ҳисоблаётиман.

— Ҳечқиси йўқ, ёнимга тортиб олиб чиқишга лаёқатим етади. Фақат мени шу ҳолимда эски шаҳар аҳли қайси мақомда қабул қиласкин?

— Қайсисини истасангиз шуниси.

— Мен энди, қайнанасига хизмат қиласиган бекалиқдан чиқиб қолганман; шайх айтганиларидек, хонзода хоним мақомидаман.

— Эшитдим. Хурсандман сиз учун.

— Ҳа. Қаерда бўлсам, уйда хизматчиilar, овқатгача пиширган, супириб-сидирган, кир ювган. Ҳатто болаларимни қайнана-қайнатам боқишади. Ўшанга-да, эгилмай оқ, қайнадек тикман. Қоматимни йўқотмаганиман.

Лайло ҳоҳолаб кулди. Дўкондагилар у томонга қарашди.

Юсуф унинг сўзларини ҳазил билиб, яна хонимнинг ўрнига ўйғайсизланиб, бошқа гап айтди.

— Юринг, қадрдан шайхнинг оиласи бизни кутиб қолишгандир.

Кейин улар тўрговлон кофе, шарбат ичишди.

Шайх барибир Лайлонинг Юсуфдан мавқеи баландлигини сезиб, унинг дадил, чиройли сухбатларидан баҳраманд бўлиб, ўтиришларга жон киргазиб юборадиган аёлларни ҳам худо яратиб қўйибди-да, деб ўйлади. Улар худди япон аёлларининг кўрки — гейшалардек, эркакларни маънавий бойитиб, ҳузур бағишлайдики, кўнглингизни дийдор, сўз ўйини, фикр аъмолидан яйратади.

Хайрлашаётганда шайх Лайлого, сиз қолиб, ватандошингиз билан гаплашиб олинг, «сўнг Юсуфнинг ўзи элтиб қўяди», деди.

Улар яна танҳо қолишли. Лайло Юсуф акаси билан боғлиқ, ширин қизлик хотираларига берилиди.

Биринчи танишган кунлари, ўзини йўқотган қиз. Пулни топиб берган, ҳар нарсага қурби етадиган йигит. Кейинги хотиралар Райҳон концертига кутилмаганда билет. Отасини унинг совчиларини қайтаргани. Санаторийга путевка. Отаси шаштидан тушиб рози бўлгани. Сўнг ўзининг турмушлари, яхши-ёмон кунлари. Сайрамда баланд мартабали келин бўлгани. Красноярскдаги қайнатасининг меҳрибончиликлари ва унга чексиз муҳаббати. Азиз бир ёқимли, сўнг ўта девона образида пайдо бўлдими? Бечора Нодир унутилганди. У эрлари ичида энг ёши ва соддаси бўлиб кўринди. Энг оғир кечмиши, бу Евгенийнинг кирдикорлари билан боғлиқ. У ўша ҳолатларда қандоқ омон чиққанларини эслаб, икки чеккаси ни ушлаб, тўхтаб қолди.

Мана йўлида яна Юсуф ака пайдо бўлди. У анча улғайибди, фақат ҳаёти, турмуши қандоқ кечди экан.

— Юсуф ака, ўзингиз ҳақингизда сўзланг. Мен ҳакимда сизда маълумот кўп экан. Шайх айтдилар.

— Ҳа, сизнинг қадамларингизни ўлчаб юриб, ўзимнигини унудим, шекилли, ўшангами, хотинимга меҳрим бўлмади.

— Шунаقا десангиз кетиб қоламан. Яххиси, хотинингиз ким эди, маълумоти, танишми-билишми? Сизга нега мос келмади? Шуни айтиб беринг.

— Сиз турмушга чиқиб кеттганингизни эшитиб, ойимлар узок қариндошимизни олтинчи курсдаги қизини топдилар. Аввал йўқ дегандим. Сўнг яна учрашувга чиқдим. Сизга ўхшаш томонларини қиҳирдим. Ойим айтгандек: оппоқ, паҳтадек, қошик-кўзлари қора. Бўйлари сизнидан қиттак паст. Яна нима керак, деб ўйладим ва розилик бердим.

Гавҳар ўзига еткунча писмиқ эди. Гап олиш қийин.

Чеҳраси очилмай юради. Гоҳида ёлғиз қолсак, сухбатлар ҳа, йўқдан нарига ўтмасди. Аммо дарров туғиб берди. Бола ўн ойлик бўлганда у Англияда стажировкага мени ҳам ёзишибди, деб гап топиб келди. Қариндошта йўқ дейиш ҳам мушкул экан, бошқа қариндошлар аралашди, ноилож болани олиб қолдик, у малакасини оширишга кетди.

Икки ойдан кейин ажрашишга қоғоз келди, мен индамай қўл қўйиб бердим.

— Хотинингиз чет элда қолдими?

— Менимча, ҳа. Қизиқмадим. Лекин қариндошлар йифилганда у тўғрисида пичирлашиб ғашимга тегаверишгач, икки йилдан ошди, Дубайга қочиб келганман.

— Қисматдан қочиб кутилиш қийин. Пешонага ёзганидан ҳам.

— Аммо мен хафа эмасман. Мана Сизни кўрдим, кўнглим ёришди. Сизда бир ёқда одамга хотиржамлик ва салобат берадиган хислатлар пайдо бўлибди. Сиз олдинги Лайлого ўхшамайсиз, иккинчи гал кўргандаги ўзига сал бино қўйган виқорли, аммо такаббур келиндан ҳам фарқланасиз.

— Шунақами?

— Ҳа. Сиз энди ҳаёт кўрган, кўзи тўқлилка ва қаноатлиликка қадам босгандар мавқенини олибсиз.

— Юсуф ака, бошқа жойда бунақа бемалол гаплаша олмаган бўлардик, уйдагилар мендек бир неча бор эр кўрганни келин қиласмиканлар? Бутун эски шаҳарга гап бўлишдан кўрқмайсизми?

— Кўрқмайман.

— Сиз майли. Ойингизлар кўтара олармикинлар майда-чуйда гапларни. Бошқа юртдагига эрга теккан маломати ҳам бор.

— Бу томонларини уйдагиларга айтиш шартми?

— Шарт. Йўқса, кейин эшитишгач, бир умр менга таъна қилишунчა, аввал ота-онантизга бор ҳақиқатни билдиринг. Кейин лозим бўлса топарсиз. Мен ҳозирча Москвада бўлсан керак.

Юсуф ўйланиб қолди ва «сизнинг айттанингиз айттан, онани күндираман», деди.

Аммо, Лайло унинг сўзларида қувонч ва шодиёналикини сезмай, «Эх, Юсуф ака! Ҳамон бахтга бирор орқали эришмакка умидворсиз. Ўзингиз дил-дилдан истаб уйланишга тайёр эмассиз», деган ўига чўмди.

Москвада иш бошқарувчи ва Никитин Лайлони кутиб олиб, шошиб Жинда «Сосновая»га олиб келди. Аввал Евгенийни хизматчилар суюб ўзининг хонасига олиб чиқиб кетиши. Лайло кейин шошмай бинога кирганди, Людмила Юрьевна йиғлаб унга отилди.

— Лайло, доченька. Сени Евгений яна ҳийлага аралаштирибди. Сен бутунданоқ ундан озодсан. Унга қулоқ ҳам солма, оддингта ҳам киритма.

— Ташаккур мама. Ўзингиз, Амир сиҳати жойидами?

— Амир соғлом. Бирор ҳаракатчан. Кулишлари сеникига ўхшаган, иболи. Ҳақиқий аристократ бўлади.

— Бугунча дам олсан. Бассейнларни соғиндим. Сув солинганими?

— Сен келишингни билиб сувларни иситиб, сауналарни ёқтириб қўйганман. Бор, бир мазза қил.

— Ўзингиз-чи.

— Мен Евгенийга қараб, ўзимизга таниш шифокорларни чақирай-чи?

Лайло бир зум ўтмаёқ бассейнда эди. Этнига яшил рангдаги чўмилиш кийимини кийиб, халатини душда қолдириб, сувга тушди. Сув одамга ёқадиган температурада экан, сузишга бошлади. Бассейнга узунасига бир бора бориб келди, иккинчи марга чуқур жойига етганда, унга кимдир ёпиши. Ўгирилиб Аминни кўрди. У бир қўли билан сузуб, бир қўли билан қизнинг белидан қучмоқчи эди. Лайло унинг қулоқ остига бир уриб, суза кетди. Амин ўзига келгунча у бассейн темирини ушлаб, чиқишга улгурганди. Аммо темирдек кўллар унинг оёғидан ушлаб олди. Амин бир қўли билан уриниб бассейнга Лайлони тортар, жувон эса унинг қўлидан чиқишга уринарди.

Лайло бақирди:

— Мама! Ёрдам беринг!

Эшиклар ёпиқ, унинг чақиравига ҳеч ким келмади.

Амин бассейн четидаги нарвончадан тепага кўтарилиб, қизни қучоқлаб, кўтариб олди. У типирчиларди.

Йигит беш-үн қадам юриб, уни муздек кафелга ётқизди. Аммо-ўзининг ҳам тиззалири ва тирсаклари полға ботдими, қизни қайта судраб сувга отди. Бассейннинг бу жойи елканап келарди. Кўркиб кетган қиз ҳушини йўқотди. Амин унинг бу ҳолатини кўриб, суюб олди.

Людмила Юрьевна Лайлоб билан баробарга кўринмай қолгани Аминдан шубҳаланиб, бассейндаги видеоёзувларини кўраркан, чиройли қизларни томоша қилиш мақсадидан бу ерга видеони улуттан телба Евгенийга ҳозир тасандо айтди ва Варварани бассейнга югуртириди, ўзи ҳам кетма-кет боришганда, эшиклар ичкаридан ёпиқ эди.

Эшикни тақиллатишларга қарамай, Амин худди жиннидек, Лайлоб тепасида ўтирас, уларга қулоқ осмасди.

Энди Варвара шаллақилик қилиб бақиришга, полицияга бериб қаматиш билан ўдағайларди. Амин факат полиция сўзини эшикка, ўзига келдими, эшикни очди.

Лайлонинг елкасидан қонталаш бўлиб қолганди. У басейн четига бояги отишида урилиб, орқаси шилинганди.

Полиция Аминни олиб кетди.

Людмила Юрьевна келинимга тажовуз қилди деб, ҳатто видеоёзуvdan нусха кўчиритириб берганди. Лайлоб ўзига келганди, ёткожонада енгил кўйлақда ётарди. Елкаларига бинт бойланганди.

Шифокор унинг ҳолатини заарсиз топди-да, аммо биринки кун турли куч сарфланадиган ишлар, машқлардан озод қилинглар, деди.

Эртаси Амин ҳеч нима бўлмагандек, қайтиб келди. Евгений иш юритувчини юбориб, уни озод қилганди.

Людмила Юрьевнага бу қизик туюлгани учун, Евгений ётган жойида унга тушунтириш берди.

— Уни қўйиб юборишга, Россиядан эсон-омон чиқиб кетишига тўсқинлик қилмаслигимиз лозим.

— Нимага, сабаби борми? Келинимни зўрлаши мумкин эди? Лат ейишига сал қолди.

— У энди келинингиз эмас.

— Бирок, келин бўлмаса, қизимдек қадрли.

— Бир воқеага мен, Амин, Лайлоб аралашиб қолганимиз.

Шуни дастак қилиб, у ҳабаш шантаж қилаяпти.

— Нима экан?

— У Пенанг оролида Лайлони яхши кўриб қолган, шундан бери унинг ишқида девона.

— Ўшанга бу ерга келиб олиб, Лайлонинг ҳар қадамидан ох чекиб юрган экан да, у рангли.

— Шунақа.

— Бу иблицни зртагаёқ жүннатиш керак.

— Күнмаяпти. Катта пул сұрайпти, чунки мен яхтада ютказғанман.

— Эй, сен Лайлони ютуққа тикибсанми?

— Барибир контракт муддати чиққанды. Қызға тега олмасди. Кейин ғолиб бұларман дегандым, у хійла ишлатди.

— Қанча пул сұрайпти?

— Бир ойлик Лайлони ҳисобига, кунита уч минг доллардан, түқсон минг.

— Ўшанда құтиламизми?

— Билмасам, бу мажрухни ичидә яна қанақа дарді бор?

— Яхши, мен бир танишим. Иван Кузьмич биләп алқашай-чи. Сен дамингни ол. Биз ҳолда ўз ватанимиздамиз.

Ү күзини сирлі үелігә қісди.

— Тушунарлы, — деди Никитин, пәнста бошини креслөгә күйіб..

## НИКИТИНЛАР АМИНДАН ЪЧИНІ ОЛДИ

Варвара Аминнинг күнглини олиб туришига ҳеч ким қаршилик қылмай қўйган, шу атрофдаги, ижарага олинган, бир хонали уйда улар учрашиб туришарди.

Лайло боласини қайнанасига қолдириб, Тошкентта қайтди. Амин унинг учиб кетганини эшишиб, түполон чиқарди.

Евгений уни алдаб, сұхбатга тортди:

— Сенга машинамни берайми? Мәйлум ютуқ ҳисобига.

— Бұлади.

— Мана, истасанг, ҳайдаб күр.

— Мен ичғанман.

— Сен шаҳар томон эмас, поселка тарафға юриб машқилиб күр, ёқса пулини келишамиз.

— Тўғри, Варвара билан автобус ёки такси қиласвериб чарчадим. Яна машинада томошақовоқ кўргандек ҳамма менга қарайди.

— Мана қалит. Бор, ҳозироқ машқингни бошлашинг мумкин.

— Ҳа. Кетдим, кийим алмаштиришга ҳам ҳожат йўқ.

— Кел, машинангни ювиш учун юз трамм ичамиз.  
Амин индамай ичиб юборди.

Ү камидә заллик минглик машина ўзига тегиши мумкинлигига ишонмаганды. Яна бир қадаҳ күтарди-да, хурсанд ҳолда машинани олиб чиқиб кетди.

У бироз юргандан кейин ичимлик ўз қасрини кўрсатди.

Евгений Иван Кузьмичга Амин «Тойото» ҳайдаб чиқиб кетганини, у мастилигини ётказди.

— Шунинг ўзи етарли, хизматчиларим ёнидан сиқса, сирланчик йўлдан чиқиб кетиб дараҳтга урилади.

Шундай бўлди ҳам, ас ҳайдовчи лейтенант Симагин қайрилишга яқин уни обгон қилганда, Амин кайфда шошиб қолиб ўнгга одди ва шошгандан тормоз ўрнига газни босди.

Машина ўрмон четидаги катта сосна дараҳтига урилганида, бамфери йирилиб, Амин боши рулга урилиб, оғзи-бурни қон бўлганди. Шифокорлар унинг мияси қаттиқ чайқалиб, эси ҳам кирди-чиқди бўлиб қолганини таъкидладилар.

Евгений ўзича мамнун бўлди.

— Нима эксанг шуни ўрасан.

Амин ўн кунлардан кейин, шайхнинг маслаҳати билан, ўз юртига жўнатилди.

Зубайра акаси билан бўлган воқеаларни кейинроқ билди. Билди-ю, шайх билан гап талашди.

Ўшанда чирокни ўчириб қўйиб, Лайлло хонасига акасини тушириш воқеасида Зубайранинг ҳам иштирокини хизматчилардан шайх эшигитганди.

У ғазабланиб Аминни подвалга қамаб қўйса, синглиси уни Москвага қочирганидан ҳам хабари бор эди. У бу ака-сингилга марҳамат юзасидан кўп яхшиликлар қилиб, муслим одамлар сафига қўшиб, савоб қилиш мақсадида бўлса-да, афсуски, Амин бу йўлга кирмади, Зубайра ҳам тохи-тохида айнаб турди.

— Нима учун менинг акам Дубайдага даволанмайди, бу ерда менинг кўз ўнгимда эмас? — деди Зубайра.

— Тузалса келади. Яна сенинг ой-кунинг яқин, сен ташвишли ўйлардан нари бўлиб турганинг маъқул, деб билдим.

— Ҳаммасини ўзингиз ҳал қиласиз, менинг овозимни эшигадиган борми? Акамни олиб келинг!

— Яхши, лекин у ичволиб машина ҳайдаб, дараҳтта урганидан мияси чалғиган, У ҳеч кимни танимаялти.

— Жинними?

- Ҳа, шунга яқинроқ?
- Вой, дод. Энди нима бўлади. У менинг отам ўрнига ота.
- Зубайра, бақиришдан нима фойда? Сабр қилиш лозим. Ўзига келиб қолар.
- Келмаса-чи, эртага акам ҳузурига учаман.
- Болани туриб, чилласи чиққач, бориб келишингта рух-сат бўлади. Келгунингча энагасини эмар.

Шунда Зубайра жаҳдан тушмай, шайхга ўшириди:

- Эртагаёқ кетаман. Барибир у сизнинг болангиз эмас.
- Нима дединг?
- Аминни ўртоги уч ўғилли, ўшани ишга солганимиз.
- Валдирара, таги паст.
- Ҳа, таги пастмиз, у менинг ўйнашим, ишқий ўйинларга ўргаттан ўша.

— Вой, шармандалар. Ичимда илон сақлаб юрган эканман. Иш юритувчи, уни подвалга, акасини қамаган жойга киргазинглар.

Судда ҳам, гувоҳлар олдида ҳам Зубайра ўз сўзида туриб олди. У тезроқ акасининг олдига қутилиб кетмоқчи эди.

Хиёнат қилгани, болани ўйнашидан орттиргани сабаби, ўғил туғиб шайхни ўзига оғдириб олмоқчилигини айтди.

Шифокорлар компьютер орқали хотин ўғил тувишини тас-диклаганларига, мана бир неча ой бўлди, шунгами шайх мам-нун юрар, чунки ворис ўғил туғиларди. Шайхда эса ҳозир иккита хотиндан тўртта қизи бор эди. Суд Зубайрага берилган бор мулкни мусодара қилди, фақат тақинчоқлар, кийим-кечаги ва ҳисобига юз минг пул қолдирилди.

Уни ўша куниёқ иш юритувчи самолётта ўтказиб акасининг ёнига учириб юборди.

Шайх ёлғиз қолди.

У бироз хотинининг хиёнати учун боши ҳам юрди. Кейин таги, зоти тайинсиз бу ака-сингилдан қутилганига шодланди. Уйларидаги Зубайрага тегишли нарсаларни етим-есирларга бериб, хоналарни қайта таъмирлатди. Бу уй энди янги bekaga муҳтоҷ эди.

Бир куни у Юсуф билан тижорат ишлари бўйича сухбати якунланганда, шайх унга шахсий савол берди:

- Лайло билан тўйингиз қачон?
- Уйдагиларга, ойимга унинг бошқа юртдаги саргузаштлари маъқул келмаяпти.

- Сизга-чи?
- Ҳайронман.
- Юсуф, мен сизнинг ишқингиз астойдил деб билгандим. Сизга ўзи ким керак?
- Қайси маънода?
- Уйга икки оғиз ганини эплаб гапира олмайдиган хизматкор, чўрими ё опла обруси, шаънини кўз-кўз қиласидиган хотинми?
- Пулим етарли, хотин албатта.
- Лайло кўрган, кечирганлари учун фикри етилиб, ақли ошгандир. У ҳозир дунёнинг исталган ерида ўзига куёв топади. Ва уни жон деб қабул қилишади.
- Билмасам, мен яна уйдагилар билан бир гаплашиб оларман.

- Сизга дўстлагимиз хурмати муддат беш кун.
- Нега шошилинч?
- Ҳонзодага менинг дўстларимда ҳам қизиқиш ўстган.
- Йўр-эй?
- Ҳа, агар у бир неча эр кўрган бўлса, бу тақдир, қисматига ёзилган ёзук. Аммо у ҳамон кўхлик, ёш. Ҳарҳолда ўйлаб кўринг Юсуф, олтин ерда ётмайди.

Орадан бир ҳафта ўтди.

Шайх Тошкентта учадиган самолёт беш кундан кейинлигини билиб, ўзи, иш юритувчи ва тансоқчиси билан ўз самолётида Тошкентта қўниш учун керакли ҳужжатларни тайёрлашни ваколатхонадан илтимос қилиб интнернетдан хат жўнатганди. Шайхни ваколатхонада яхши билишади, унга айтилган муддатда ўз самолётида келишига розилик олинганди.

У Лайлого қўнфироқ қилиб, меҳмонга бораёттанини, агар улуғвор одамлари бўлса, бизнес бўйича, ҳаёт ва бош мавзуларда гаплашиб келишини айтди.

Лайло сир бой бермай кулди.

- Биз ҳам сизнинг топширигингизни бажариб, авлиё-анбиёлар қабрларини зиёрат қилишни бошладик.
- Ниҳоятда савобли иш. Бир нурингизга юз нур қўшилиб, ҳонзодалик хуснингиз янада чараклагандир.

- Ташаккур шайх жаноблари, лузум сўзлаб кўнглимни нурафшон этдингиз. Ўзингизни тинчингиз, хузурингиз жойидами? Фарзанд кутишдан толиқмадингизми?
- Зубайрага жавоб бердик, у акаси қошига кетди. Борганди сўзлашурмиз. Мен Самарқандни ҳам зиёрат қилмоқ-

чиман. Сиз тил биласиз, менга ҳамроҳ бўлсангиз, деган илти-  
мосим бор. Майлимни?

- Баанини савоб ишдан қандай қилиб бош тортмоқ мум-  
кин. Мен розиман.
- Ундоқ бўлса кўришгунча.
- Хайр.

## ПОКЛАНИШ САРИ

Лайло Тошкентта келганига мана бир ойлар бўлди.

У аввалига Юсуфнинг уйидан совчи келиб қолса, деб би-  
роз тараффудда юрди. Сўнг кутишдан зерикиб азиз жойларга  
зиёрат қилишга ойисига маслаҳат солди. Айни кунларда иш-  
ламаёттган Ҳикмат амакига ҳам бу фикр маъқул келди. Туркис-  
тондаги Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилишдан са-  
фар бошланди.

Чегарарадан Чимкенттacha хусусий таксидан фойдаланилди.  
Чимкентда эса Сидикмат ака, Ойгул опа ва Ёдгор уларни  
кутиб олишиди.

— Ойижон, — деб Ёдгор Лайлого ёпишганда, унинг кўзла-  
ридан маржондек-маржондек ёшлар оқди.

У чўккалаб ерга тиззасини қўйиб, ўғлини бағрига босар-  
кан, узоқ-узоқ уч ерга бўлинган меҳрининг бир парчаси қучо-  
ғига қайтганини ҳис қилди. Она барибир она.

Бошқалар ҳам бир-бирлари билан қуюқ сўрашар эканлар,  
Ойгул опа Лайлони бағрида узоқ олиб ҳидларди.

— Бирам ёқимли, доим навбаҳорнинг иси келади, қизим, —  
деди.

Сидикмат ака ундан хафалигини билдирамаслик учун, ке-  
линининг елкасига қўлини қўйиб, гап қўшди.

— Доим хушрўй юришингни ва баҳтиингни кўрай, ке-  
лин.

Лайло қайнатасининг унга гиналарини билар, айниқса  
иккинчи никоҳига у ич-ичидан қарши бўлганди, бироқ маж-  
бурият юзасидан бу тўйлар бўлаёттанини у юзини сириб қай-  
натасига айта олмасди.

Лайло орқа кабинада Ёдгорни аввал қўлига ўтказиб узоқ  
жим кетди. Сўнг ёнига ўтказиб олиб, Туркистонга боргунча  
бир юзига узоқ тикилиб, бир қучиб, бир ўлиб, бир соchlарини  
ўйнаб, бир юзларини ўзига ўтириб, ундан ўзига ўхшаш бел-  
гиларни қидириб, қош, кўз, бурнида топди.

Қайтишда Сайрамга бир-икки күн тушиб, мәхмандорчиликка юрилди.

Лайло ҳамон ёш-яланглар ичида қадри. Унинг зиёрат жойларига онасини олиб борганини эшитиб, кексалар дуо қилишди, елкасидан уриб, юзларидан ўпишди.

Ателье-салондаги ишлардан Ойгул опа қувониб гапирапкан, Хайрихон опадан янги келинлик лиbosлари бичиғидан юборишини сўради.

Хайрихон опа қўли ишдан чиқиб қолган, ҳозир бичикларни Адиба боплаётганди. У қизининг номидан қуюқ ваъда берди.

Лайло Сайрамга ҳар келгандаги одати, дала ҳовалига бориб келишни канда қилмади. Даражтлар барглари тўкилган, шир яланғоч. Пастда ҳужрада қоровулдан бошқа жонзор йўқ.

Икки қаватли дачанинг хоналари ҳаммаси совук. Чунки на камин, на иссиқ сув тизими ёқилган.

Шундок бўлса ҳам у катта уйнинг маҳобатини яна бир бор ҳис қилиб, асал ойининг гултожи бўлган бу ердати кечани, Оллоҳ фарзанд ато эттан оқшомининг таассуротларини эслаб, лабларида кули, ёноғида қизариш пайдо бўлди.

Улар кетар кунида катта бойларнинг бириникига мәхмонга чақиришди.

Сидикмат ака бу чақирув сабабига тушунмай, аёлларни юборди.

Зиёфат авжига чиққанда, Лайлого бир неча саволлар берилганидан у ўзини йўқотар даражага келди.

— Сиз хорижда икки марта эрга тегибсизми?

— Ҳа.

— Ўзимизда эркаклар қуриб қолибдими?

Лайло қараса майда гап айланадиган, ўзини тутиб олиб ҳужумга ўтди:

— Тақдир тақозоси. Баҳонада ярим дунёни кўрдим.

— Болаларингиз уч жойда? Ажабо?

— Аммо улар ишончли қўлларда.

— Хор-зор бўлиб юришгандир.

— Сизларга маълумот етказганлар, ҳар икки болам: қизим Айсу ва ўлим Амир, бойлиги сизларницидан бир неча бора кўп оиласарда тарбия топаётганини айтишмадими? Мен ўзим ҳам кибор аёлдек иззатда, қўлимни совук сувга бир бора ҳам урмаганимни, сайр-саёҳат, дам олиш, кўнгил ёзиш ўз ўрнига, у ерларда каттагина тижоратим борлиги учун, дунё кўриш

билин умрим ўтаёттанини айтсам ҳавасингизни қўзғамаймами?

Бой хотинни тишини қичитган ғаламис аёл кулиб деди.

— Улардан нима, ўзингизга еган-ичгандан, юргандан ташқари бир нима тегдими?

— Тегди. Сизга бунинг нимаси қизик?

— Бирор бир хоналик уими, эски машинами беришгандир?

Лайло унинг гапидан ғаши келиб, хайр-хўши омонат қилиб, ўрнидан турди.

Ойгул опа сухбатга қўшилди:

— Келинимни хафа қилдингиз.

— Ҳа, юзи шувут бўлганидан, икки қўли бўш келганидан уялиб чиқиб кетди, — деб иржайди ғаламис аёл.

Ойгул опа Хайрихон опага қараганди, у бошини силкиб имо берди.

— Ўзингиз сўраганингиз учун, мақтаниш бўлса-да айтай: Америкада вилла, Москва атрофидан дала ҳовлиси бор.

— Америкада вилла? — бой хотинининг оғзи очилиб, ён-атрофдаги қиз, келинлари, кариндошларига қаради.

— Ҳа, Майамида.

— Иккинчисидан-чи? — сўради бой хотининг кичик, эрка қизи.

— Бошқасидан Қибрайдаги икки қаватлик, бассейн, саунали, йигирма сотихдан катта уй. Сизнинг бу уйингиз уни олдида теремок.

— Вой, ойи, мени ҳам ўша ерларга узатинг.

— Эсинг қурсин, жим. Бу тапларингни аданг эшитса, терингта сомон тиқади.

— Бўлдими? Яна айтами?

— Ҳали давоми борми? — қизиқди эрка қиз.

— Бор. Яна унинг Красноярскда квартираси, ателье-салони бор. Чимкентдагисини биласизлар. Яқинда Дубайдаги салон очиш ниятида.

— Сизлар-чи? Сидикматбой ака ҳам марҳамат кўрсатдиларми?

— У Ёдгорнинг онаси. Керак бўлса, уйнинг ярмиси уни. Тошкентда банқ уйи олиб берганимиз. Бигтамас ҳар ерда қимматбаҳо машиналарини айтишга ҳожат йўқдир.

— Вой, ойи, бу Лайло бунчалик баҳтли.

— Ҳа, нима ҳам дердим. Оллоҳ ёқтирган экан.

— Шу юртларга бориб, қадрли бўлиш ўзими, бекорга шун-

ча мол-мulkни бирор берарканми, у суюмли хотин, доно ке-  
лин бўлди. Сизлар эрингиз топтанини ёб, уни яйбат қили-  
шингиз яхшими? Хайф сизларга, мен келинимдан фахрла-  
наман.

— Майли. Майли. Ойгулхон сал шаштингиздан тушинг.  
Бизнинг номимиздан узр сўраб қўйинг. Судбатимиз сал тер-  
говга ўхшаб қолди.

— Ҳа, энди терговчининг қизи бўлганингиз сир эмас.

Ҳамма хоҳолаб кулишиб, сұхбатлари юмшади.

Кечки пайт Лайлого теккан мол-мulkни хотини Файрат-  
бойга санаб бергаңда, у ўйланиб, Сидикмат аканинг қизи-  
нинг тўйига Красноярскка боргандик, ростдам ҳам у ерда-  
гилар ҳашамдор, серҳиммат одамлар, деди. Лекин анаву  
ғаламис аёлни иккинчи ўзиннга яқинлаштирма. Эртагаёқ  
қилган ишингдан кечирим сўра. Яхши иш бўлмабди, мен  
Сидикмат аканинг қудаси билан бизнес қиласман. Товук  
миясан-да, ҳеч кимни ақлига келмаган нарсага қизиқиб-  
сан.

— Нуқул Ойгул опани келини гердайиб, доим виқор би-  
лан юради, бир шохини синдирай, дегандим.

— Ўзингни майиб қилибди-ку, энди нима қиласан?

— Вой, адаси, эртагаёқ ярашиб оламан, сиқилманг.

Эртаси бой хотин яна бир бор Ойгул опага узрини кели-  
нига етказиши сўради. Лайло буни эшитиб кулиб қўйди: менга  
яна битта хайриҳоҳ, кўпайибди.

Ёдгор йўлда қийналиб қолмасин деб, уни Сидикмат ака-  
лар олиб қолишиди. Чунки, энди жонажон юртимизнинг зиё-  
ратгоҳларига бориш режада эди.

Авалиё-анбиёлар ўтган жойларни босиб ўтмай, кетма-кет  
кириб кетилди. Зангиготадан бошлаб Мотурудий қабрига бор-  
гунча, Бухорий, Нақшбандий, Термизий ва бошқа азизларни  
мақбаралари зиёрат қилинди.

Қайтища руҳлари енгили, кўзлари шодланиб, ўзларида худди  
куш қанот чиқарган янглиғ ҳолатга тушдилар.

Хайрихон опа уйга келиб, қизини қучиб ийғлади:

— Вой болам, бу давлатларни Оллоҳ сенга насиб этаркан,  
аданг кўрмадилар-да.

— Шу гапингизга, ойи, адамнинг қабрларини эртага зиё-  
рат қиласайлик.

— Ҳа, аданг раҳматли Чиратойда ётибдилар. Қора мар-  
мардан сен ишлаттан тошларни ҳар замон бориб артганимда,

уларни Россияга бориб пул топаман деб касал орттирганларини ўйлайман.

- Ойн, ўтган кун билан эмас, бугунги кундан ҳузур олиб яшаш керак.
- Сенга ўйин-кулги бўлса.
- Нега унақа дейсиз? Отам ёди диалимда, уларнинг рухлари доим менга мададкор.
- Адиба бир умр меҳнатда.
- Уларнинг баҳтлари шу ишда, одамларга ёқадиган кийимлар тикиб, уларнинг мақтовини эшитишда. Истасангиз Адиба опамга магазин очиб бераман.
- Магазинингни бошига урадими? Адиба бичиқчи деб ном олганига у хурсанд.
- Ойижоним, мен сизга нима дедим. Менинг ҳаёт тарзим ўзимга қизиқ, уларга ўзлариники ёқади.
- Барibir мен сени шунақа тез юксалиб кетганинга ҳайроиман.
- Ойи ўзиммас, эрларим мени кўтариб осмону фалакка чиқарип қўйиши, — деб у шарақлаб кулди. — Бири биридан ҳимматли. Никитиннинг ойиси, Азизни отаси яхши инсонлар. Светлана Петровна ҳам иззатимни жойига қўяди. Сиз, ойи, чирой, кўрк ва яхши тарбияни иззатлайдиган қандоқ ҳашамдор одамлар борлигини билмайсиз-да!

## ШАЙХНИНГ СИРЛИ ТАШРИФИ

Аэропортда шайхни Лайлова Зиё кутиб олишди. Фақат уни кузатиш ва меҳмонхонага жойлашни элчихона вакиллари ва бу вазифага ваколати бор маҳаллий хизматчилар бажаришиди.

Лайло қиши бўлгани учун эгнига калта сиёҳранг пальто, оч жигарранг свитер, кўк рангда шарф ва жинси шимда, оёғига баланд пошнали жигарранг этикча кийиб олганди.

Лайлонинг икки ярим газча бўйи чўзилиб, янада тикланиб шайхдан тўрт энлик паст турганини аниқлаб, шунингдек, унинг замонавий кийимлари ҳам ўзига ярашибди деб, шайх унга узоқ қараб қолди.

Шайхни «Ўзбекистон» меҳмонхонасига жойлашди.

Эрталаб Самарқандга йўлга чиқишиб, хайрлашдилар, чунки Лайло уни меҳмонга таклиф этсанди, элчихона вакиллари шайх йўлдан чарчаган деб кўнишмади.

Шайх иккита машина буюртириди. Бирига Лайло билан ўзи,

иккинчисида ёрдамчилари ва гид аёл жойлашы. Шайхнинг унга жиддий тапи борлигини, шунинг учун алоҳида кетишаттанидан, Лайлодарров сезгандек бўлди.

Тошкентнинг баъзи жойларини Лайлодарров тушунтириб бораркан, шайх уни тинглаш билан бирга, унга тикилиб қоттанидан, у кийиннишимида айб борми ёки юзимга бир нима текканими, деб ойнасини олиб қараб қўйди.

Улар Янгийўл йўлига чиқишиди, ҳамон шайх бирор сўз демай Лайлодан назарини узмасди. Унга қараган сари қўнгли яйраб борар, бир соатлар ўтибми, Чиноздан чиқиб, бий дала йўлига етганда, Лайлонинг қўлини ушлаб қўлига оди.

— Сиз билан хотиржамлик кирди руҳимга.

— Муболага қилмаяпсизми шайхим.

Лайлодарров шайх унинг бор ҳаётини билгани учун, ундан ўзини олиб қочмай тапиришга ўрганганди.

— Мени Ҳусайн деб чақиринг.

— Маъқул, Ҳусайн.

— Лайлодарров, сиздан бир нима сўрасам майлимни?

— Рухсат, шайхим.

— Лайлодарров, Ҳусайнман.

— Яхши, Ҳусайн. Сўзланг, галингиз ичингизда қолиб кетмасин, — кулади Лайлодарров ва қўлини тортиб сурилиб ўтириди. У ич-ичдан бир нима сезиб, жиддий гап бўлишини англаган эди.

«Кулгилари ҳам беғараз. Ўзига ярашади. Ҳозир оғиз солсаммикин?» — ўйлади шайх.

— Сиз энди турмуш қурсам фақат ўз юртимдагиларга тегман дегандингиз, тўғрими?

— Ҳа, шундок, ё Юсуф ака омонат гап айтиб юбордими?

— Жаноб Юсуфми? Уни кўрдим. Сизга салом йўллади.

— Саломат бўлсинлар. Ундан кўра совчиларини тезласалар айни муддаога ўтарди, — деб ҳазил қилди Лайлодарров.

— Дубайдан бошқа одам совчи юборса-чи?

Лайлодарров Юсуф ака совчи юбормаёттанига аччиғи келдими, унинг гапини кесди.

— Ҳусайн, қўйинг бу гапларни. Яхшиси атрофни томоша килинг; қандок чиройли қиши. Нуқул иссиқдан зериккан одамга тансиқ манзара.

Шайх унинг сўзини инобатта олиб, бирмунча вақт атрофга қараб кетди, Лайлодарров ойнага бошини қўйиб, хаёлга чўмди: Зубайра кеттан бўлса, шайх ўрнига хотин олмоқчими? У кимни мўлжаллаяти. Балки уними? Нима, энди Қувайтга бола туриб бераманми? Ўзимники қачон бўлади. Аммо у Юсуфдан

кўра, мард ва бир сўзли, ҳамиятли инсон. Бекорга мени Самарқандга олиб кетмаяпти? Розилигимни олмоқчи бўлса керак. Энди Сидикмат ака қайнатамга, онамга, қариндошларга қарор қабул қилишни ташлайман, улар ҳал қилишин.

Шайх яна гапга тушди.

- Лайлло, Сизни жуда яхши биламан,
- Шайх жаноблари, қанақасига ахир, бир-икки марта кўрдингиз, холос.

— Бутун ҳаётингиз тўгрисида йиққан ахборот-чи? Ёдингиздан чиқдими? Уларни ўрганганиман. Ўрганимай ҳам четдан қараган одам англаши мумкин, сизда ноёб, туғма талант бор, уни бир кўрган одам фаҳмлайди.

- Қанақа талант экан, Ҳусайн, ўзим билмас эканман.
- Ҳақиқий аёл образига кириш қобилияти.
- Адашмадингизми шу сўзингиз билан, шайхим.
- Яна шайхим деяпсиз, демак, таърифим ёқмади?
- Ўрнита тушмади.
- Тушундим, образмас, яшаш тарзингиз дейишшим лозим эди.
- Энди ҳақиқатга яқин сўзладингиз, Ҳусайн.

Баробар қулишди.

Лайлло кулидан энди тўхтаганди, унга тикилиб турган шайх таклиф этди:

- Мента турмушга чиқинг Лайлло? Сиз бухорийлар авлодини бизнинг аёлларимиз яхши қабул қилишади. Кейин ўзбеклар ҳам кўп биз томонларда.
- Эр кўрмаган қизлар сероб, мени қўйинг, Ҳусайн?
- Зар қадрини заргар билади, унинг қадри ҳеч тушганини биласизми? Сиз хулқингиз, ҳаётта чанқоқлигингиз билан яқин кишингизга баҳт келтирадиган аёлсиз, иўқ деманг?
- Ташаккур шайхим, дилга манзур таърифларингиз учун. Илоё шундоқ бўлишлик доимо насиб этсун!

Лайлло омин деб пичирлаб, қўлини юзига тортди.

— Розилик берасизми?

Шайхнинг кўзлари маънодор куларди.

Лайлло нозланди.

- Ҳусайн, иатимос, бунақа қараманг? Одамни хижолат қиласиз.

Шайхга бу қарашма ёқиб, ёнидан катта ёқут кўзли узукни чиқариб, Лайлонинг қўлига тақди.

- Бўлди, розилигингиз кўзингиздан аён. Оллоҳ, баҳтимизни берсин!

Лайло бу ҳодисадан ҳант-манг хаёлга чўмди. Узук олди-ю, шайхга эрга тегди ҳисобдек, яна ойнага тақалиб ўтириб олиб, энди шайхни кузатиши у бошлади. Ёш бўлса-да, бошининг ўртасида кўп арабларга хос соч йўқ, ўткир бурун, қош-кўзи кора, лаблари қалинлиги унинг асабийматслигидан далолат. Ранги қорароқ, лекин кўзга бу нарса яққол ташланмайди.

— Бошимга тушган турли ишлардан хабардорсиз, зўравонлик ҳолатидан ҳам, — деди Лайло Қандайдир совуққонлик билан. — Бир куни буни юзимга солмайсизми?

— Оллоҳ, ёқтириб, аёлнинг аввалги қисматини билib туриб, кейинчалик ўз ҳоҳиши билан уни хотин қилган эркақ, бу жихатларни эслаб хотинини камситиш ёки мазахлашга бора, тили кесиласин.

— Шайхим, сиз Юсуф акага ўхшаган ўз йўлини, ёрини топа олмай гумонсираган ғариблардан кўра жўмардсиз, бу хислатингизни ўзи олқишлирга сазовор.

— Хонзодам, ташаккур.

— Менинг шательнимни ҳимоя қилганингиз баробарида, Дубайдаги кўрсатган тантлилик ва меҳрингиз ҳамон ёдимда.

— Айтишга арзигулил эмас,

— Бошқаларга йўқ дердим. Мен ўзимнинг юртимдан талабгор кутяпман. Ҳусайн, балки шаҳдингиздан қайтарсиз.

— Қайтиш йўқ, эртагаёт қариндошларингизни йиғсангиз. Тўй ҳақида гаплашиб оламиз.

— Шайхим, бунча шошиланч.

Жавоб ўрнига Ҳусайн унинг кўлини яна қўлига олди.

\* \* \*

Эртаси Қибрайдаги уйга Ҳусайн иш юритувчиси ва тансоқчиси билан келганда, Сидиқмат ака, Ҳикмат амакиси, Холмат шайх билан сухбат қурдилар, ўша атрофдан араб тилини мукаммал биладиган Шарқшунослик институтида ўқитувчик қиладиган қўшиниларини таклиф этишди.

Аёллар нима гап бўларкан, деб кичик уйда ўтиришарди, Лайло бошқа уйда ўғли Ёдгорни ўйнатиб уни гапга солиб, унинг инглиз тилида бемалол гаплашеттанидан хурсанд кувнарди.

Ҳусайн иш юритувчиси гапни қисқароқ қилиб, илтимосни етказди.

— Шайх Ҳусайн кўнгиллари Сизларнинг боғда ўстган Лайло исмли нозанинга тушганини билдириб, уни шаърий хотинликка беришингизни сўрайтилар.

Сұхбатни бу томондан Сидикмат ака олиб борди.

— Шайх жанобларининг икки хотинлари борлигидан хабардормиз, кундошликтин бизнинг аёлларимиз күтариши қийин.

— Уларга алоҳида шаронт, уй-жой, хизматкорлар тайин қилинади. Хонзодадек япайдилар.

— Қизимиз хонзода мақомига етиб бўлган, ҳамма нарсаси бисёр. Тижоратдан ҳам пул келиб турибди. Ижарага кўйилган виллалари бор.

— Булардан воқифмиз. Гап мол-дунёлилтида эмас, уларнинг дунёқарашида ва феълларидаги олни мақомлигида.

Даврадагилар бу сўздан сўнг бироз сукутта чўмиб, шайх томонга бор эътиборини берди.

Хикмат сўради,

— Фарзандлар туғилса, уларнинг бари сизнинг юртингиз фуқароси бўладими?

Шайх ўйланиб қолди.

— Мен, хонзодани жуда доно деб биламай. Уларнинг фикрларини ҳурмат қиласман. Фарзандларнинг бири у юрт, бири бу буҳорий юрти фарзанди бўлишига қаршилик қиласдим.

Бу ердагилар бир-бирига маъноли қараб кўйдилар.

Холмат гап қўшди:

— Сизларда бошқа юртликни мақоми паст ҳисобланар экан. Яна қизимизга бу тазийклар бўлиб қолса, ҳимоя қилишни бўйингизга оласизми?

— Бошида, маҳаллийлар ичида исканжага тушсалар, бу томонлардан борган оиласлар етарли, ўшалар билан бордикелди қилиш чегараланмайди. Аммо шайх фикрларича, хонзода хоним улар билан тез чиқишиб, қўшилишиб кетадилар. Бунга хонимда етарлича киришимлилик бор. Фақат араб тилини ўрганишлари мақсадга мувофиқ деган фикрни таъкидлагтилар, — деб сұхбатни нұқталади Ҳусайннинг иш юритувчиси.

Ичкаридан хабар олай деб, Сидикмат ака ўрнидан турди.

У аёлларга сұхбат мазмунини етказгандан, келини бир чеккада индамай қулоқ бериб ўтиради. Ёдгорни Зиё айлантиргани ҳовлига олиб чиқди.

Шайх бейхиtiёр бу кўркам, чиройли болани кўриб, иш юритувчига личирлади. Иш юритувчи сўради;

— Хонзоданинг фарзандларими?

— Ҳа, — деб Ҳикмат жавоб берди.

Шайх жавобни эшитиб, бошини силкиб кўйди.

Сидикмат ақа мәхмөнлар олдига қайтди.

Аёллар қызғын гаплашардылар.

Үй-жой қилиб бериши, фарзандыннинг бирига бу ерда туғилишига рухсат этиши, ўтирганларни хурсанд қылса-да, ҳеч кимдан ҳал этувчи қарор чиқмасди. Шунда, Сожида бир гап айтди.

— Қизимиз, баҳонада арабчани ўрганиб, қуръонни ёдан ўқийдиган бўлса ажабмас, қариганида балки хушрӯйгина отин бўлар.

Бу ҳазил гап эмас эди.

Айтилган гап отилган ўқ.

Таня опа бошқа сўз қистирди,

— Яхши ният яхши, аммо Лайло қизимиз, бошқача у вазијатта қараб иш кўради. Бир одамга астойдил кўнтил қўйса яхши, бўлмаса уни бирор нарсага кўнигириш қийин. Шунинг учун аввал унинг кўнглини сўраш лозим.

Лайло ичида: «Таня опа ҳамма нарсани, шундоқ спектаклни шошиб бузди», деб ўйга чўмди.

Хайрихон опа унга тикилиб деди:

— Ҳа, қилар ишни қилиб қўйиб, бир чеккада миқ этмай ўтирибсан? Ўша ерда ҳам тинч юрмай, бир нима бошлагандирсанки, кетингдан шундоқ бойвачча шайх келиб ўтириби?

— Мен унинг хотинини танирдим. Рост, бир марта уларнинг уйида меҳмон бўлганман, яна бир марта Юсуф акани Дубайдаги дўконида кўришганмиз, холос.

— Кеча Самарқандга борганда, шайх билан алоҳида машинада кетибсан-ку?

— Мендан йўлларни тушунтириб қетишими илтимос қилди. Анча вақт менга мубтало бўлиб, қараб кетди ва охири қўлимни сўради, — деб Лайло ёйилиб кулди.

Таня опа уни бағрига босиб жилмайди:

— Омадли қизим, бирпастда шайхларни ҳам ўзига қаратибди. Хайрихон опа туққан қизини кўринг, ҳавас қиласи одам.

— Ҳа. Лекин, учинчи хотин бўлиш осонми?

— Кенжаси, энг суюмлиги бўлади.

— Сен шайхга тегаман дедингми?

— Ойи, қиз бола тегаман, дейдими, мен уни сал қизиқтиридим.

Ойгул опа кулди.

— Қозонига ўт ёқсан. Бу келиним қўлидан келади. Ҳов анави капитан ҳам қанча вақт ҳажрида девона бўлиб юрганди.

- Шунақа қылдингми?
  - Ойи, турмушнинг қизиги ҳам аёл киши учун ноз-карашимада, эркакларни девона қилишида.
- Ҳамма қотиб-қотиб кулди.
- Бу қизим нукул шунақа дейди, Адабага иш бўлса бўлгани. Нега улар икки хил?

Хайрихон оша ҳозир шундай деди-ю, тилини тишлаб қолди. Бунга арзирли сабаб бор эди. Сўнг атрофдагилар ҳолатимни сезмадими деб ўғринча даврага кўз ташлаб қўйди.

Соттихон «шошмаслик керак, бироз муддат ўтиб ўйлаб кўрамиз», дейишини таклиф этди.

Жавоб муддати уч ойча белгиланди. Аслида Лайлодан кечаги романтик кайфият таъсиридан розилигини билдиришга тайёрдек эди, лекин ҳисларини яшириб аёллар мажлиси қарорига кўнди. Сидикмат ака жавоб етказишни кейинроққа қолдиришини айтганда, шайх ўзини йўқотмади, лекин юзига ранж тушгани билинди.

У шундок бўлса ҳам, иш юритувчи ва тансоқчига имлади. Улар кўп ўтмай, битта дипломат ва катта чемодан олиб киришди.

Иш юритувчи дипломатни Сидикмат ақага узатиб, «бу бўлғуси қелинга қоида бўйича», деди.

Сидикмат ака дипломатни очганди, тахланган доллар пачкаларини кўриб, у ҳайрон шайхга, иш юритувчига ва Ҳикматга қаради.

Ҳикмат сўради:

- Сут пулими?
- Йўқ, шундок. Совфа.
- Чемодандагилар ҳам совғами?
- Ҳа. Аёлларга, онаси ва бошқаларга.

Сидикмат ака дипломатни олиб чиқди-ю, тезда қайтди. Чунки, кўлига боласини етаклаб, кетма-кет эшикда Лайлодан кўринди.

Хонзода соғ инглиз тилида шайхга мурожаат қилди:

— Ҳусайн, бу иштингиздан қайтинг, йўқса қайлиқни сошиб олиш мумкин, деган ўй билан Дубайга учасиз. Ва энг ёмони, менинг сизга нисбатан куртак отаётган ҳисларимни бешикдаёқ бўғиб қўясиз?

Шайх, хатосини тушуниб, гапни бошқа мавзуга бурди.

— Бу хушбичим ўғил фарзандингиз экан, Худди икки томчидек ўхшашлигини қаранг.

- Хушомадга ўтдиларми шайхим, демак, айбингизни тан одингиз? Шунга ҳам шукр.
- Ҳимм...
- Шайх болага мурожаат қилди.
- Испинг нима?
- Едгор, сэр.
- Ў, сен инглизча сўзлаша оларкансанми?
- Ҳа.
- Унда бирор нарса айтиб кўр?
- Сиз ойимга совчи бўлиб келдингизми?

Жавоб берини баробарида инглиз тилини тушунганлар кулиб юборишиди.

Улар мезбонлар шартларига кўниб, қуюқ, хайрлашиб кетдилар. Иш юритувчи қўлида қайтаришган дипломат билан эди. Багажга эса мезбонлар сийлови: коробкаларда турли пишириқлардан ташқари, Адиба тиккан бир неча келинлик либослари комплектлари кўйилди.

Иккинчи машинага Сидиқмат ака, Зиё ва бояти араб ўқитувчиси уларнинг самолётлари учишларигача кузатишиди.

Араб тили ўқитувчиси йўлда Сидиқмат акага фикр билдириди:

— Кувайтда кўп бўлганман. Икки ой таътил вақтида таржимонлик қилиб келардим. Бой давлат. Одамлари ҳам тўкис. Лекин бу шайх зоти сайдларга, юқори даражадагиларига тегишили. Сўзларида ҳам заррача ёлғон йўқ, ниятлари холис экан.

Улар меҳмонларни кузатиб, қайта Қибрайдаги уйга келдилар.

Катта уйга киришса, стол атрофида аёллар ўтиришарди. Очиқ чемодандан бир неча тўп-тўп чиройли, қимматбаҳо материаллар сочилиб ётарди.

Ойгул опа сўради,

— Нима қилмоқчисан, қизим?

Лайло елкасини қисиб кулди.

Хайрихон опа юраги тошиб кетадиган одати билан уни қистади:

- Гапир қизим, шунча одам сенинг сўзингта маҳтал?
- Билмасам, қайнатам, амаким, холам борлар. Мен нима дердим улардан ўтиб, — деди Лайло, даврага ийманибгина кўз қирини ташлаб.

Сидиқмат ака келинини ўйин қилаёттанини аллақачон ту-

шунганды, йўқса, инглиз тилида ҳеч ким тушунмасин деб шайх билан гаплашмасди. Ўзбекча сўзлашмади-ку? Таржимон бор эди.

У индамасликка қарор қилди ва Ҳикматта қаради.

Амакисини билиб-бilmай ҳар нарсага ўз фикрини биринчилардан айтадиган одати бор, унга ҳамма қараёттанидан қувониб сўзга тушди:

— Шайх ҳимматли бойвачча экан. Боя сут пулига деб миллион доллар қолдиromoқчи эди. Тақдир бўлса, жиянни дунё кўргани қолади. Энди баҳонада иссиқ жойларга бориб, арабларни тўйини кўриб келамиз.

Холмат ака уни тузатди:

— Дунё кўрмайди, бу ўша ерда яшайди деган гап. Осонми ватандан йироқда яшаш. Бойлик нима, ўзимиздан ҳам яхши куёвлар чиқиб қолар. Бунча шошмасангиз?

Сожида ҳам эрини қувватлаб гапирди:

— Лайлло, дунёни кўраман деса, истаган пайти ана Америка борсин, ёки Европа давлатларини зиёрат қилсин, кўли етади, маблағи етарли. Шайх менимча унинг тенги эмас, энди Лайлого одамийликни тушунадиган, маънавий камол тоиган инсон ўзимиздан топилса маъқул.

— Пулни топишнинг ўзими? Лайлло ўзига пухта, агар ўттагчўққа урса ҳам бутун чиқади. Менингча, Ҳикмат ака ҳақ гапни айтдилар, — деб, унинг хотини гап қўнди.

Орага сукунат чўқди.

Хайрихон опа бундан фойдаланиб, овқатта таклиф этди.

Сидикмат ака ҳамма тарқашини сезиб, хотинига киши билмас имлади.

Ойгул опа яна Лайлого мурожаат қилди:

— Қизим, ўзинг гапирмасант, шундок тарқаб кетилади, маслаҳат пишмайди. Фикрингни айт.

Унинг ўрнига Таня опа гапирди:

— Мабодо у эрга тегадиган бўлса, қолиб кетадиган ташрифлар бор.

— Қанақа ташрифлар?

— Аввало Лайлло фарзандларини кўриб келиши лозим.

— Ҳа.

— Мен Лайлого ҳамроҳ бўлиб Россияга бориб унинг жужугини, ўзимни болаларимни ҳам кўриб келаман.

— Эрлари ёпишиб олса бирор зиёнми, заҳматми, зўрликми ишлатса-чи? — деб ваҳима қилди Хайрихон опанинг овсини.

Унинг гапига ҳеч ким эътибор бермади.

Ойгул опа: «Красноярскда қизимникига тушсангизлар, хурсанд бўлишади», деди.

— Менинг ўғлам уйи-чи? — деди Таня опа бўшашиб.

Унинг фарзандининг иши юришмай, ночоргина кичик уйда турагди. Аммо Лайлонинг ёрдамида яқинда Лунидан қолган электр асбоблари комбинатига мўмай маошли вазифага ишга олиниб, сал-пал ўзини тутиб олганди.

— Қайнатам меҳмонхонасида ёки дала ҳовлисида қоламан, — деди Лайлло ўз қарорини билдириб.

— Ўзингни квартиранг-чи, қизим?

Лайлло онасига қараб жилмайиб қўйди:

— У ер банд.

— Вой қизим, нимага?

— Сабабини кейин айтарман. Москвада эса, қайнанам уйида, балки беш-үн кунга ўз дачамда туармиз. Эскироқ бўлса ҳам, барча шароитлари бор.

— Қанча муддатга кетасан, қизим, — сўради амакиси.

— Борайлик, шароитта қараб маълум қиласиз.

Таня опа гап қўшди,

— Ҳозир Москвада ҳаво илиқ, балки биринчи ўша ерга борармиз.

— Яххиси Красноярскка, Москвадан келганимга кўп бўлмади. Айсу қизимни соғинидим, — деб Лайлло қўзига ёш олди.

Сўнг аёллар тамадди қилиш учун кичик хонага чиқиб кетишиди. Ойисини йиғлаганини кўрган Ёдгор уни сўроққа тутди:

— Ойижон, сизни ким йиғлатди, йиғламанг. Илтимос.

Лайлло кўз ёшларини дарров артиб, ўғлини бағрига олиб босди ва аёллар ортидан юрди, унинг ўпкаси тўлиб туарар, бир ёқда ёнидаги зурёди дийдори унга қанчалик далда ва қувонч берса, ҳали совуқ ӯлқада кутаётган боласи қанчалик дийдасини синаркин, билмасди.

## ХАЁТ СИНОВЛАРИ

### КАККУ ПОЛОПОНЛАРИНИ СОФИНДИ

Бу сафар Красноярск аэропортида Лайлони фақат қайнатаси кутиб олди. Таня опани ўғли дарров топиб олиб, чугурлашиб кетишиди. Неваралари ҳам бор экан.

Лайло Харитон Олегович билан бир чеккага ўтиб ёлғиз қолишганда, у:

— Кел, келин, энди яхшилаб күришиб олайлик, — деб уни кучоклаб олди.

Лайло бирпас бошини унинг елкасига қўйиб турди ва қайнатаси қанчалик ўзига қадрли эканлигини англаб, унинг қуриган лабларига лабларини секин босди. Қайнатаси шуни кутиб тургандек, уни бағридан чиқаргиси келмасди. Лайло уни итармади, бағридан чиқишга ҳам шошмай, гап билан чалғитишга ўтди:

- Бошқалар қани? Яхшими ўzlари?
- Тузук юришибди. Света ва Айсу уйда сени кўришга интизор. Ҳозир ўша ёқقا борамиз, багажингни овлолайлик.
- Айсу қизим учун ёмон она бўлдим-а? Сиз нима деб ўйлайсиз, Харитон Олегович?

— Қизинг жуда чиройли, юз тузишилари қўйиб қўйган-дек сеники, қўғирчоққа ўхшайди. Бироқ кўзлари кўк, соchlари қора. Бижилдоқ бўлганки, бир гапга тушса, қулоғингни қоқиб қўлингта беради.

Ҳамон багаж берилмади.

Кун совуқ. Лайло қайнатасининг линжидан чиқмай, изғириндан ўзини паналаб турарди. Қайната келинининг кўзла-рига тик қаролмас, лекин ўғринча унинг тароватига назар ташлашдан ҳузур қиласади.

Лайло Лунинни пальтоси ёқасидан тортиб ўзига қаратди. Бечора қайнатаси қошида швейцардек ўзини йўқотиб, кўзи-ни ердан узмасди:

- Нима дейсан келин? Менга таппинг борми?
- Йүк, ўзим. Мени соғиндингизларми ё йўқми, билмоқчи эдим.
- Ҳимм...
- Айтмасангиз ҳам кўзларингиздан маълум. Ҳолингиз ҳатроб шекилли.
- Соғиндик. Лекин бундай демасликни Света тайинлаган. Уйлар сенсиз ҳароратсиз, хувиллаган.

Ниҳоят бағаж чиқарилди.

Улар уйга етиб боришларига узоқдан дарвозалар очилиб, ҳовлида Светлана Петровна, Буровлар ва Чаенколар оиласа-рининг кекса вакиллари қатор туришарди.

Одамга жуда қаттиқ таъсир қиладиган инсон қадр-қиймати ва иззати англатиладиган саҳна ҳосил қилишганди.

Лайло бундай кутишларни хаёлига келтирмаган эди, уялиб Харитон Олеговичнинг елкасига бошини қўйиб, унинг ҳамроҳлигида битта-битта қадам ташларди.

Аввало Мария Никитична уни қучиб, ўшишиб сўрашди.

- Ҳамон нозик ва жозибали, рангини қаранг.
- У ҳолда Оқ буғуни мен ҳам бир шарафлай, — дея унинг эри Буров жувонни бағрига босиб лабларидан ўпиб олди.
- Нафаслари ҳам иссиқ, бир вақтлар аждодлари оташпаст бўлганлигидан дарак. Фақат ҳуркак ва ёввойилиги қолмабди. Узоқ ўшишишга ҳам бермайди.

Чаенко хоним кулди.

- Ҳо. Ҳар нарсанинг ози соз. Қани Лайло, бир сени кўрай. Уни ёнларидан айланиб томоша қилди.
- Юртинг офтобида ёғларинг эриб кетади шекилли, ҳечам сени ортиқча эт босмайди. Қоматинг ўзгармабди. Сени рақсларингни соғиндик, балки бугун ўйнаб берарсан?
- Йўлдан чарчагандир. Қани Лайло, сигарет чекқанлар билан ҳам яқиндан кўришасанми? Ёноғингдан бўса олсам рухсатми?

Чаенко Лайлони ўзига тортиб, ёноқ қолиб лабига лабини босганди, жувон тезда ундан силтаниб чиқиб, лабини чуччайтирди.

— Намунча аччиқ сигарет чекмасангиз?

Ҳамма кулиб юборди.

Харитон дакки берди.

— Шу сен ўпмасант бўлмайдими?

— Нега энди. Шарқ аёлларини оҳанрабоси бошқача бўла-

ди. Ҳозир, кўришиш баҳона шу ишни қилмасам, менга қайда бундай кўхлик оғатижонни ўпиш.

Чаенко хотини гап қўшди:

— Менга раҳмат дент, неча йилдан бери индамай кела-ман?

— Ўзинг шуни хоҳлайсанки, индамайсан, ўзинг ҳам ярим наркоман бўлиб қолгансан, — гап билан урди Света.

— Рост, ётоқхонадан ҳам шу ҳид келмаса, ухлаёлмайман. Кулишди.

Ниҳоят, қайнанаси ҳузурига келиб Лайлодунинг бағрига ўзини отди.

— Мамочки, сизни сояниб кетдим. Дийдорингиз, сұхбатларингиз, йўриқларингизни эслаб күнглим эзилиб кетади. Нега айрилиқ чиқарилган?

— Дийдорга етиш ва қадрлаш учун, — деб Бурова гап қўшди.

Светлана Петровна гапириш ўрнига келинини қучоғидан қўймай йиғларди.

Лунин бошқаларга, қани, столга ўтинглар, деб тақлиф этди. Ҳамма ўз жойини эгаллади.

Лайлодунини судраб, пастта ўтказди. Ўзи ёнига чўқди.

Лунин хушчақчақ сўз айтди:

— Қани Иван, қадаҳларга қуй. Келинш эсон-омон келгани шарафига эллик граммдан олайлик.

— Келинни енгил кўнгани билан, — деб қадаҳ кўтаришди.

Аёллар ҳам қатордан қолмай вино ичишди. Лайлодунини бироз ҳўплаб фужерни жойига қўйди.

Лайлонинг тўй кечасини эслашди. Вақтнинг ўтиши, ҳозирги кундаги Красноярск янгиликлари, Лайлонинг кейинги ҳаёти сұхбат мавзуи бўлди.

Чаенко қизиқ ҳазил қилди, уни хотини қўллаб турди:

— Сен Лайлоду, қўшиқчилар билан мусобақага киришиб юрма, улар шов-шувуда ном чиқариш учун эрга тегишади.

— Ҳашам учун ҳам. Мана Распутина.

— Ҳа. Албатта.

— Маслаҳатим. Кимга эрга тегсанг тег, лекин араблардан нари юр.

— Сабаб?

— Улар сени чўрига айлантиради. У ҳолда бизга сен билан бундай ўтиришлар қайда?

Чаенко хоним ўйлаб туриб, Лунина билан кўз уриштириб олиб, бир гап айтди:

— Эрига вафодорлик аёлни сабр баҳоси, аммо битта янгишиб қиласан хатоси учун эрдан кетиш яхшимас.

Лайло Чаенколар ичиб олишса насиҳатга тушишларини яхши билади, у гап қўшди:

— Мамочка, Айсу қани?

— Ухлаяпти. Ўйротайми?

— Соғиниб кетдим, олдига кириб чиқай.

У билан бирга Лунина ўрнидан туриб, ўз уйига бошлиди. Айсу қотиб ухлар, сочлари ёнларига ёйилиб ётарди. Юзлари ниҳоятда бежирим эди.

Улар чиқишаркан, Лунина Лайлони қўлидан тутиб тұхтатди:

— Азиз ақдини еб кўйган. Ҳеч кимга қулоқ солмайди. Кунлар давомида уйдан чиқмай тинғиллатиб ўтиради. Сени ўзи эсламайди. Аммо менми, Харитонми номингни гапга қўпса, қулоқлари динг бўлади. Никитинга тегтанингни биринчи бор эшиштганда, у мендан ҳам ўтадиган, номард деб, столга уриб ўз хонасига чиқиб кетганди. Азиз айтганча бўлдими? Сени у алдадими?

— Мамочка, мен доимий зрга тегмагандим. Бир йилга никоҳ контракти тузгандик, холос.

— Шунақами? Мақсад. Улар оиласига фарзанд зарур эканми?

— Ҳа.

— Ҳатто фарзандни, бошқа аёл туғиби.

— Қаердан биласиз?

— Газетага чиқсанларинг эсингдамасми?

— Мен кўрмабман.

— Сенга айтишмадими? Шарқлик гўзал аёл машҳур композитор Никитин билан турмуш курди. Никитиннинг пребиркада ясалган боласи туғииди. Никитин Дубайдага яхта мусобақасида ютуққа хотинини тикибди ва бошқалар.

— Интернетта кам кираман. Ўқимаганиман.

— Ҳатто расмларинг чиқсан. Юр, Харитон хонасида кўрасан. У бу материалларни йигиб юрибди.

Шу пайт Иван Александрович чақириб қолди.

— Лайло, қайдасан?

— Ҳа, айтгандек, Иванни сенда иши бор, юр, пастта туша қолайлик; Олтинсочни қадам босиши бежо деб, у ташвишга тушган.

Иккинчи этаждаги меҳмонхонада Иван Александрович ва Лайлло алоҳида сұхбат қуришди.

— Олтисоч Сергейни бизнесига қўшилганига тўқиз ой бўлди.

— Олтисоч тижоратчими ҳозир?

— Ҳа, Сергей унга шарқдаги эски қадрдан давлатлар билан ишлашини тоширганди, у турк тилини тушунаман деб турклар, араблар билан ишлашта қизиқди.

— Шунақами?

— Турклар билан тижорати текис йўлга тушди. Фойдаси ўз вақтида келиб турибди.

— Хўш.

— «Фатҳий интернейшл» деган Дубайдаги ҳамроҳи вақтида пул ўтказмаяпти, яна Олтисочнинг директорига кўнгли тушиб қолганмиш, дам олишларга бирга боришармишми? Хуллас, ҳаммага ҳам айтилмайдиган миш-мishлар.

— Наҳотки? Олтисоч бундай қабоҳатларга юрмайди. Уни яхши биламан.

— Мен ҳам ҳайронман. Илтимос, шу масалага сен ойдинлик киритмасанг бўлмайди. Олтисочни сұхбатга тортиб дардини сўра. У ҳеч кимга, хатто Сергейга ташвишини айтмай, қорайиб кетган, бир ойдан бери аҳвол шу.

— Яхши. Олтисоч ҳозир қаерда?

— У ўша директор билан қайсиadir ресторонда ўтирибди экан.

— Директорнинг исми, фамилияси борми?

— Самир ал-Фатҳ,

— Иван Александрович, мен Олтисоч билан албатта гаплашиб кўраман, эрталаб етиб бораман.

— Раҳмат, Лайлло.

Иван Александрович пастта тушиб кетди.

Нима қилиш керак? Олтисочга нима бўлди? Самир ал-Фатҳчи, ким у? Ҳусайндан сўраб кўрсингиз? У балки билар?

Лайлло Ҳусайн билан гаплашишга жазм қилди.

— Алло, ассалому алайкум, Ҳусайн сизми?

— Ваалайкум ассалом, хонзодам. Қандай нафис нафасингиз бор. Мени эслаб кўнфироқ қилганингиздан бошим кўкка етди.

— Мен ҳам сиз билан гаплашишга орзумандлитимни айтмоқдан шодман. Сиҳатларингиз тузукми?

— Бағоят соз, Ўзингиздан сўзланг.

- Шукр, Оллохнинг соясида дурустман. Яқинлар ҳам бар-часи соғ, сизга яхши тилаклар билдиришди.
- Менинг ҳам уларга саломимни етказсангиз.
- Ҳусайн, ҳозир Красноярскда эдим, Сидикмат аканинг қизлари, менинг қайнәгачим Олтинсочни бир дубайлик бизнесмен билан одди-сотдиси бор экан. Шунга тушунмовчилик пайдо бўлибди.
- Қайси бизнесмен? Исли ким?
- Самир ал-Фатҳ.
- «Фатҳий интернейшл»ми?
- Ҳа.
- Улар ўзи гирром усуllibардан фойдаланади. Чўчиманглар, сабабини билиб беринг, улардан қутилиш йўлини кўрсатамиш.

— Вақтингизни оддим. Хайр, Раҳмат,

— Ҳонзодам, яна телефонлашамиз.

Лайло собиқ келин бўлса-да, Лунинларникида унинг обўйини жойига қўйиб кутиб олишди. Стол тўзаб, узоқ меҳмондорчилик қилишди.

Соат кечки саккиз бўлганди.

Лайло пастта тушса, меҳмонлар энди туришмоқчи эканлар, хайрлашиб, ўз ётоқхонасига кириб кийимларини алмаштириди. Хизматкор у учун алоҳида янги кўрпа ва жилдларни келтирди.

Ниҳоят пастдан қизининг овози кела бошлади.

— Ойим билан ётаман, қанилар улар.

Лайло халатини кийиб, зинадан катта уйга тушаркан, қайнанаси қўлидаги қизалоқда кўзи тушган сари, жони ҳаприқиб, шошарди. У зина суюнчиқларига суюниб тушаркан, ичи қизиб қизалоги томон шошар, у мени қандай қабул қиларкин, танирмикан, деган шубҳаларда нигоҳини ердан узмасди.

Бувиси уни кўрсатиб гапирди шекилли, қизалоқ унга ўтирилиб, ойим шумилар деб сўради.

— Ҳа, чиройлими?

— Дунёда энг яхши,

— Бор бўлмаса!!

Қизалоқ югуриб унга отилди, Лайло энгашиб, кучоғини очиб, уни бағрига босди. Юзларидан, кўзларидан, бетлари, соchlари ҳамма-ҳамма еридан ўпиб, йиғларди. У кўзларига қаердан ёш келаёттанига ҳайрон, қувончдан тошиб-тошиб пиқилларди.

Эрта саҳарлаб Лайло уйғонса, ёнида қизи уни ачомлаб ётибди. Бирпас унга қараб ётди. Сўнг кўлларини секин узиб, ўрни-

дан турди. Ҳовлига чиқиб, совук ҳаводан симириб-симириб нафас олди. Бир-икки машқлар қилди. Машқини тутатай деса, елкасига теккан қордан ўтирилди. Қайнатаси унга қор оттанидан, текизганидан мамнун кулиб турарди. Лайлонинг шўхлиги тутди, у қайнатасини қувиб кетди. У ёшлигидаги отаси билан ҳам шундай қор отишлар қиласади, қувлаб бўйнидан қор тиқарди.

Ҳовли кичкина, унда ўзаро бироз қувлашгач, Лунин ташқарига, кўчанинг нариги тарафидағи ўрмонга қочди, келини қувлаб кетди. Дараҳтлар орасида қувламачоқ ўйнашнинг ҳам гашти, тутиш қийинлигидаги экан. Лайлола қувлаб чарчади. Қайнатасини тутиш маҳол бўлди. Бир ўнгта, сўлга дараҳтни ушлаб қайрилиб, у нуқул кўлга тушмасдан қочиб қолишга улгурарди.

Ниҳоят у юрагини ушлаб ўтириб қолди, Лайлола кўрқиб кетди. Унинг елкасидан сал туртганди, йиқилиб тушди, ва чалқанча ётиб олди. Лайлола, янада ҳадикда, зингашиб юрагига қулоқ тутди. Юрак тез уриб, ҳарсилларди.

У нима қилишни билмай, ёнига ўтириди.

Бироз вақт ўтгач, унинг қўлини қайнатаси ушлаб ўзига қаратди:

- Хавотир олма. Ўзимга келдим.
- Мени кечиринг. Сизни қийин ўйинга тортганим учун.
- Ҳечқиси йўқ. Ўпкадаги ҳаво йўлим қайтага очилди. Эртага энди кўпроқ ҳам югура оламан.
- Юринг. Совук ўттандир.

Улар ҳангомалашиб, ёнма-ён уйга қайтаётгандарида иккинчи қават ойнаси олдида Лунина турар, унинг қўлида вақтли уйғонган Айсу бор эди.

Лайлола бир чашка кофе билан бир бўлак пишлоп, едими, йўқми, Буровлар уйига қайнатаси уни ташлаб ишига кетди.

### ОЛТИНСОЧГА ҚЎЙИЛГАН ТУЗОҚ

Олтинсоч Лайлола билан узоқ вақт қучоқлашиб кўришиб, бағридан қўймай, «юргим ҳидларини ислаётибман, қадрдан ҳовлим ва ота-онамни бўйини олгандек бўлдим», деди.

Ичкарига кириб, алоҳида, сұхбатлашиб олишлари учун, учинчи этаждаги мансардага кўтарилилар.

Шунда ҳам, Лайлола: дардингиздан хабарим бор. Дубайдада Самир ал-Фатҳ ҳақида яхши фикрда эмас эканлар? — дегандан кейин Олтинсоч унга юрагини очди.

— Самир ал-Фатх соғ инглиз тилида гаплашади. Менинг олдимга аввалига таржимон билан келди. Қызил дараҳт етка-зиб бериш учун, шартнома тузишни сүради. Бу йилга квотамиз қолмаган дедим. Йилнинг боши, биз қуруқ қолмайлик, қўшимча лимит ундирангиз, деб илтимос қилди.

Суҳбатни таржимон олиб борарди ҳисоб. У эса қоп-қора, кўмирдек кўзларини ёндириб мени йўлдан уришни ўйлаб ўти-риди.

Шу ўйларини сезиб турибман ва улардан ҳазар қилиш ўрнига, улар борган сари менга ёкиб бораёттанди. Худо ҳаки, билмадим мени нима жин урди. Унинг ўйинига қўшилиб ке-тяпман, сезяпман бу ёмон, бу хиёнатта олиб бориши мумкин. Бироқ ўзимни бошқара олмаяпман. Авваллари бирор бир эр-как менга тик қараса, мен унга баробар назар ташласам, у пусайиб қоларди.

Бу эса, ҳеч уятни билмайди.

Шармиз қўзларини тикиб, мени ечинтиради. Кўзлари қотиб турари ва мени гипноз қилишни давом эттириб сўз қотди:

— Шартнома битмаса, кейинги сафар битар, балки бизлар билан дам олишга борарсиз?

Мен ҳамон гипноз таъсиридаман.

Саунага Самир ал-Фатх билан кирибман. Чўмилибман. Бассейнга тушибман. Яхши, бошқа ишлар бўлмапти...

— Самир қўрққан.

— Балки.

— Бошқа яна бирор нарса дедими?

— Яланғоч расмларинг бор, менга кетгунимча итоат этсангиз, ошкор қилмайман, — деб Самир ҳар турли учрашувларга чақириб туриби.

— Мақсад нима?

— Қызил дараҳт учун, бошқалар шартномасини бекор қилиш иманни билан тузиш иманни берди.

— Бирга кўринишларингиз, унинг обрўсини кўтариш ва унинг олдида сизнинг тилингиз қисиқлигини кўрсатишга бўлса керак.

— Ҳудди шундай?

— Бор гап шуми? Саунадаги ёзувларни сизга бердими?

— Ҳа, нусхасини берди.

— Мен ҳозир. Шундай деб Лайло Ҳусайнга қўнгироқ қилди. Сўрашишгач, у Олтинсоҷ билан бўлган воқеларни айтиб берди.

Шайх ўша флешкадаги ёзувни, Интернетдан жұнатышни сүрәди.

— Бу Самирга қарши ишлайдиган ашёвий далил, — деді. Лайло Олтінсочта мурожаат қылды.

— Күлок солинг, Олтінсоч. Бизга Дубайдан бир салохияти бор одам ёрдам бермоқчи, унға саунадаги ёзувдан нұсха жұнатсак бўладими?

— Бўлади. Фойдаси тегса, нега йўқ дейин, майли.

Лайло флешикадан қўлидаги телефони орқали маълумот жўнатди.

У тарафдан шайх овози келди.

— Хонзода, ёзувларни олдим. Бугун-эрта чора кўрилса керак. Қайнэгачингизга гапим бор.

Шу дам, Лайло телефонни Олтінсоч кулогига тутиб турди.

— Қайнэгачингизга айтинг, у билан учрашмасин. Касалманд деб баҳона қиладими, ё болаларимни қариндошларни кига меҳмонга олиб бораман дейдими, ҳатто телефонларига ортиқча жавоб бермасин, тушунарлыми?

Лайло жавоб беришга ўтди.

— Тушунарли. Раҳмат Ҳусайн. Эвазига не тортиқ бўлсин.

— Бизга ёр бўлганингизда айттурман.

— Унгача ҳақингизга қуюқ дуо қилсанлизчи?

— Ташаккур, хонзода. Хайр.

— Хайр.

Олтінсоч ўша куни болалари билан уйда қолди.

Лайло ателье-магазинга йўл олди.

Бир-икки кун савдо-сотик, келди-кетдиларни кузатиб ўтириди.

Иккинчи кун охирларида Шайх Лайлого қўнгироқ қилиб, «Фатхий Интернейшил» Россияда тахта билан ишлашдан уч йилга маҳрум қилингани, Самирга ҳам шу муддатта бу давлатта кириш тақиқланганини, бугун у Красноярскни тарқ этганини айтди. Флешкадагидан бошқа ёзувлар бўлмагани, у ёзув эса ўчириб ташланганини айтди. Бу юрт тижоратчилари уюшмасининг қарори эканлигини маълум қилиб, унга бу қарордан нұсха юборганини маълум қилди.

Эртасига ёк, Буровлар Лунинларни меҳмонга чақиришиди.

Еб-ичтандан кейин ҳамма чакка-чаккада ўзаро сухбат куриб ўтиришаркан, Буров Лунинга айтди:

— Сенинг келининг ўсиби.

— Биламан.

— У уч йил аввалги Лайлө эмас, дунё күрибди, шайхлардан таниши бор экан.

— Таниш эмас, мана күрасан ошиғи. Күнглим сезаяпти? Энди нима бұлади?

— Шайхга тегади унда. Энди арабча сүзлаб, қорин рақсиги намойиши қилиб юраркан-да?

Буров хурсанд, ичиб олган зди.

У бақырди:

— Лайлө?

Ҳамма унга қаради.

Яна бақырди:

— Лайлө?

— Ҳа, Эшитаман, Иван Александрович!

— Битта арабча тушиб бер. Баҳри-дәлимиз очилсин. Ба-рибир сен энди шайхга турмушга чиқар экансан? У ерда бу рақс билан қадрли бўласан.

— Вой. Ким айтди?

— Биз қариялар ҳамма нарсани биламиз? Ўша жойдан туриб сенинг ишининг битирдими? Демак, бекоргамас?

Лунин жиддий сўради:

— Шу гап ростми?

— Мен жавобини уч ойда айтишим керак? Учинчи хотини бўлиш менга ёқмаяпти.

Мария Никитична уни елкасидан силаб гапириди:

— Биринчи бўласан, Унинг хотинарига сенга етиши қайда?

Қайнатаси ўрнидан туриб кетди. Қўлидаги қадаҳини сипкориб ича бошлади.

— У ўйдан ҳам чиқармаса керак. Унда гўзал келинини худо бизларга кўп кўраркан-да?

Бу орада Буров бақырди:

— Қорин рақсиги, бўладими-йўқми?

Олтинсоч қайнатасини ҳамон овозини кўтараётгани учун унинг олдига жаҳд билан кетаётганди, Лайлө секин қўлидан тутди:

— Опа қўйинг. Қариялар ҳам сиқилган кўринади. Бир яйрасин. Яхшиси сиз ҳам кийиниб чиқинг,

— Эй, келин, кўрмаяпсизми, охирги йил семирдим. Эримга шу ёқади. Озай десам керакмас деб, кулади. Менга энди қорин рақсига йўл бўлсин. Сиз ўйнанг, қоматингиз бунга йўл беради.

Чиндан Олтисоч бироз түлишиб, бели йүғонлашганди.  
Аммо, ҳамма ёғи бир хил ўлчовда чиройли семирганди.

Лайло қайнонаси ёнига бориб ўтириди.

Улар Олтисочни дарди ариганидан гапириб, Самирни қылган аблаждигини қоралаб ўтиришганди. Мария Никитична Лайлонинг сўзи ўткир шайхи борлигини олқишилаб тургани сари, Светлана Петровнани пешонаси тиришиб борар, у ҳали бўлса ҳам ўғлига қайта Лайлони боғлаб қўйишни фикрлаб, ҳеч бўлмаса, яна бир ширин фарзанд туғиб берса, деган ўйда эди.

Мария Никитична Лайлони тағга содди:

— Дубайдага ҳам сўзи ўтадиган танишларинг бор экан, табриклиман.

— Раҳмат.

— Сен унга ростдан эрга тегмоқчимисан?

— Билмасам.

Лунина гап қўшди:

— Лайло, битта гапим. Унга тёгма. Азизга қайт. Яна битта фарзанд тутгин, улар иккита бўлади, ана Марияда ҳам бир жуфт набира, қандоқ яхши!

— Мамочка, бу мавзуда бошқа гаплашмаймиз деб келишгандик-ку?

— Ҳеч бўлмаса, пробиркада бола қилинглар, Москвадаги фарзандингга қиёс.

— Мамочка, ҳозир эркаклар олдига ўтаман, сизлардан яхши гап чиқмаяпти.

Эртаси бўлди.

Улар ўша машҳур ресторанда учрашишди.

— Лайло, нима овқат буюрай?

— Истаганингиз.

Олтисоч официантта қараб:

— Ҳар доимгидек, — деди.

Бирпасда буюртмага сабзавот салати, қора нон, апельсин шарбати ва товук келтирилган эди.

— Вино ичамизми? Тозаси?

— Билмасам, ичгим йўқ.

— Ичмаса гаплашиш қийин мавзу бор.

— Шундайми?

Улар тамадди қилиб, энди винони тишлари орасидан ўтказар эканлар, Олтисоч мақсадга ўтди:

- Лайло, узокдасиз, қайнатанғыз мол-мұлки кимга ўтади?
- Түшунмадым?
- У меҳрга мұхтож, Ҳозир ким бошини силаса, бор бой-лигини унга ўтказишта тайёр.
- Йүғ-эй?
- У сизни яхши күради?
- Ҳимм...
- Е нотүгрими?
- Сезиб юрардым. Биламан.
- Сизға тикилғанда, күzlари қинидан чиқай деб, ёниб тұради.
  - Менға уят-кү, бу гапларни әшитиши?
  - Сизнинг эрингиз энди йўқ, Нега уят бўлсин.
  - Кўпроқ, ичиб юбормадикми?
  - Боя бекорга айтмадим: бу мавзуда ичмай таплашиб қийин, — деб, Олтинсоч ҳоҳолади. — Қайнанам неча гал айтган. Лайло келин бўлиб тушди-ю, Харитон хотини билан ётмай қўйди, ҳисоб, деб. «Кимнидир ёқтириб қолганми», деб сўрасам, келинини яхши күради. Жонини беришта тайёр.
  - Олтинсоч опа, нималар деяпсиз? Одамни эсанкиратиб. Яхши кўрса бўйнига осилишим керакми?
  - Ҳа, шундоқ қилинг, катта Лунинг маҳбуба бўлинг?
  - Опа, кўп ичиб, алжираф қолмадикми?
  - Бўлса бордир, лекин гапнинг пўсткаласи, гап-сўзничувалатмай, йилига бир-икки марта курортта, нарироққа қўл ушлашиб бориб келинг, тамом вассалом.
  - Вой. Қизиқ-ку?
  - Нега? Ундан жирканасизми?
  - Қайнатамданми?
  - У Азизга отамас, қони бошқа эркак биринчидан. Иккичидан, балки, эллик миллион долларлик мол-дунё керакмасдир, сизга.
  - Бу пулнинг тўртдан биригина менга тегса-да, бойлик-дан кечадиган тентакмасман.
  - У ҳолда, марҳаматингиз, заррача зътибор ва илатифотингизни ажратсангиз, бу пуллар сизни бўлишига ақлин-гиз етар деб ўйлайман, — деб Олтинсоч фужердаги винони сипкорди.

Официант улар ўзбек тилида нима тўғрисида сўзлашаёт-ганларини англамаса-да, лекин вино ичмай сұхбат олиб боришлири мушкуллигини уққандек, дарров яна фужерларни тўллатарди.

Лайло ҳам фужердаги винони құлиға оларкан, секингина пичирлади:

— Ажыб манзара. Үғлидан чиқиб, отасига ...  
— Буни ҳамма сезади, чунки у тамоман сизге мубтало. Ке-  
чаги рақсингизни күриб, у юрагини ушлаб үтирди. Қалбидаги  
хаяжони тошиб үлиб қолса нима бұлади. Раҳм қилинг кексага.  
Фараз қилинг, у касал. Сиз эса уннинг шифокори. Севгида Гип-  
пократ қасамеди қылғанмисиз?

— Йүк,  
— У ҳолда ҳали ҳам кеч әмас. Қасамед қилинчи?  
— Қандай қилиб?  
— Ҳозир фужердаги винони ичиб олайлик, кейин ёдлай-  
сиз. Мен айтиб турған сұzlарни қайтарынг. Ишқ қалбига ки-  
риб келса-ю, менинг дардымда бирор үлар ҳолатта келса, уни  
тұзатишига ва ҳаётта қайтаришига сүз бераман. Ва вәйдамни  
хеч қачон бузмайман.

Лайло буниң үйин билибми, ө Олтінсочшың ҳазиліға қүши-  
либми, бу сұzlарни кетма-кет қайтариб жилмаярды:

— Беморнинг ёши, яқинлігінің ҳисобға олмай, уни даво-  
лашға ва мәхр сувига қондирішига сүз бераман, токи у мәм-  
нұнлик түйсін.

Олтінсоч Лайлого яна тақрорлатди. Икковлари обдон ку-  
лишдилар. Олтінсоч: ошиқ-маъшуктар учун қасамед матни-  
ни битдік, уни күпайтириб тарқатини керак, деди винодан  
хүплас.

Озгина вақт үтди.

Олтінсоч хайрлашишда яна әслатди:

— Хүш, Лайло келишдікми? Шунча пул ҳавога совурилиб  
кетмасин?

— Бу ҳақда бошқалар эшитишини үйласам, гап-сүзға қоли-  
шимни билсам, қандоқ бетим чидайди, Олтінсоч опа?

— Харитон Олегович бир йилға ҳам бормайды, олти ой,  
балки ундан ҳам кам.

— Нима?  
— У саратонга йўлиққан.  
— Ростми?  
— Ҳа, балки шуни инобатта оларсиз?  
— Ё, фалак. Шундай одамдан айнирасанми? Наҳот у касал  
бўлса?  
— Хўш, энди, нима дейсиз?  
— Билмасам. Балки...

Лайло қизиқ, ахволга түшди-ю, аммо қайнопам бу гапни эшитса, роса Олтинсочин сочини юлади деган ўйда, ательесида хаёлга чўмиб анча вақт ўтириди. Сўнг, бошқа ҳаёлларга фикри кетди. Бу салонини юргазишни тахминлади: «Раҳбарликка кимни кўйсам экан? Зиёни юборсаммикан? Ҳаётни ўрганаади».

Лайло Луниннинг шифокорини топиб ўзи гапланади. Аввалига оёғини тираб олган шифокор, охири Лайлонинг нозишвали сўроқлари одидада дош беролмай қолди ва барча сирларни айтиб берди.

Лунин хотирани йўқотиш касалига йўлиқяпти. Мияда ўшанга хос ўзгаришлар. Улар кундан-кунга ошиб, яқинда ўзини бошқара олмай қолишини, бор мол-мулкни ишончли қўлларга ўтказиш ва уни масъулиятли ишлардан, жавобгарлик масъулликлардан озод қилиш лозимлигини уқдириди.

## КЎНГИЛ ҚАРИМАЙДИ

Лайло эрталаб кеч уйғонди. Ювениб, пастта тушса, ноңушта тайёр эди.

Ҳайрон бўлиб, ўзбек мусиқаларидан кўйиб, ионуштага ўтириди. Тепадан мансардада бирор борга ўхшади, шекилли, эшик очилиб, қайнатаси кўринди.

Лайло бошқа чашкага кўк чой куйиб, ўрнидан туриб қайнатасига узатди.

Қайнотаси чойни ола туриб, унинг кўзига тик қараб, унинг кўлини ушлаб одди.

«Қайнотам, анча дадил бўлиб қолибди», деб ўйлади Лайло.

— Светлана Петровна қаерга кетдилар?

— Аидиянинг уйида вечеринка, соат еттиларга бизлар ҳам таклиф этилганмиз.

— Мен ҳам чой ичсан дегандим.

— Ҳимм...

Лунин қўлларини бўшатди.

Лайло чой ичиб бўлгач йиғиштириб, нарсаларни ичкарига ташиди. Қайнотаси жим уни кузатиб ўтиракан, секин гапирди:

— Лайло, менга бу уй ҳавоси ёқмаяпти?

— Менга ҳам.

— Ростданми?

— Чин сўзим.

— Чана утгани борамизми?

Лайло бирдан сергакланды. Ҳеч вақт келинің бундағы так-  
лиф қылмаган Лунин бугун дадил сүзлады. Лайло қайнатаси-  
нинг күнгінің чүктірмаслик учун ва бу ёғы нима бұлса-бұлар  
қабилида иш күриб, розилик аломатини билдири.

— Яхшиси, бассейнга ўтайлик. Аңча бұлды бормаганимга,  
күриқчисиз бориш қийин. Мамочка ҳеч кимға ишонмайды.  
Бир үзимни юбормасди.

— Маъкул.

Чүмилиш кийимлари, сочиқларни каттагина сумкага со-  
либ, шошмай йўлга чиқишиди.

Бассейнда ёнма-ён бироз бирга сузишиди. Сўнг Лайло сув-  
дан чиқиб, душта кирди. Чиқишида йўлини иккита қелиштан  
йигитлар тўсишиди.

— Илтимос, шлагбаум ролини ўйнаманглар, мен машина  
эмасман.

— Машина эмас, оғатижон экансиз, ҳар доим шу бассейнга  
келасизми?

— Йўқ, гоҳида. Мен кофе ичтим келаяпти.

Йигитлар бири югуриб кетди.

Лайло ёғоч креслога бориб ўтири. Эгнида ҳаворанг узун  
халат.

Йигит кофе тутди:

- Исмим Галактион.
- Меники Максимилиан.
- Лайло.
- Жарандор исм экан.

Шу пайт уларни сухбатини күриб, Лунин нима қилишини  
билмай қотиб туради. Лайло: «бу ёққа келинг», деб имо қиди.

— Лунин ким бұлади?

- Қайнатам.
- У ҳолда кечирасиз.
- Кофе учун раҳмат.

Лунин яқынлашды.

— Сизни фамилияңгизни эшишибоқ кетиб қолишиди.  
— Ишхонамдан бұлса керак, электр асбобларини таъмир-  
лаш корхонамда нечта одам ишләшини ҳам билмайман.

— Келмай турганингизда, бирортасини бошини айлантир-  
моқчидим, — деб Лайло ҳазиллашди.

Лунин нима дейишни билмай, ғудраниб, ўзининг норози-  
лигини билдирибми нари кеттеганини Лайло сезмай қолди.

Галактион келиб, телефон номерини сұради, Лайло нозлан-

ди. Йигит ялинди. Бунга жавобан Лайло унинг қайси соҳада ишлашини сўради.

— Солиқ органида, катта лейтенантман, фамилиям Мазурка, — деб у визит қарточкасини берди.

Лайло ҳамон иккиланар эди, ниҳоят қайнатаси келиб қолмасин деб шошди ва телефон номерини айтди.

Йигит хурсанд бўлганидан сувга шўнгида ва Лайлони бассейнга тушишга унади. Негадир қайнатасидан дарак йўқ, у сувга чиройли сакради, бир-икки қулоч отганди, ёнига Галактион келиб бир қаторда суза бошлади. Дам олишга тўхташганди:

— Чалқанча сузишни ўргатайми? — деди.

— Бу аёлларга керакмас усул-ку? Яна кўкраклари юзада, роса томоша бўларкан-да.

Галактион шунда сув остига шўнғиб кетди, бир дақиқа, икки ва ниҳоят, беш дақиқадан кейин юзада унинг сап-сариқ сочли боши кўринди.

— Шунча вақт нафас олмай туриш мумкин эканми?

— Ўргатайми?

— Майли.

— Аввал сув юзасида машқ, қилиб кўрилади.

— Яхши.

— Чуқур нафас олинг. Елкангиз тўёри турсин. Кўкраклар олдинга. Қўлни эркин қўйинг. Мен санашга бошладим. Бир дақиқа, икки.

Лайло шошиб нафасини чиқариб юборди.

— Биринчи галга яхши.

Ниҳоят Лунин кўринди, Лайло у тарафга ошиқди.

— Нима бўлди, узоқ, қолиб кетдингиз?

— Бошимга дам бердим.

— Чарчаган кўринасиз, кетайлик.

— Яхши.

\* \* \*

Лайло тепадаги овозлардан уйғониб, згнига халатини ташлаб юқорига чиқса, қайнатаси алаҳсираёттан экан. Исигмаси борми деб бошига қўлини қўйди, йўқ жойида. Ҳайрон бўлиб пульсларига қўлини босди. Шу пайт қайнатаси кўзини очди.

— Алаҳсирадимми?

— Қаттиқ-қаттиқ гапирдингиз.

— Авваллари бу одатим йўқ эди.

Лайло унинг каравоти ёнига чўқди.

У Лайлонинг қўлини ушлаб лабига олиб бориб, бармокла-  
рини ютиб юборгудек ўна бошлади.

— Қўлимни ўшишса, менга ёқмайди. Илатимос, қўйинг...

У қўлларини ўзига тортганди, Лунин хафа бўлиб четта бо-  
шини бурди. Лайло вазиятни юмшатиш учун унинг юзини  
силади. Қайнатаси қимирамай, сўз айтди:

— Керакмас, сизга рухсат.

Лайло ток ургандек, қотиб қолди, сўнг, бўғзига йиги келиб,  
хонасига югуриб тушди. Жаҳданми, аламданми, уялгани-  
данми, кетма-кет икки фужер тўлатиб вино сипкорди. Би-  
ринчиси шундоқ кетди, иккинчисини кўз ёшларини артиб,  
хаёл қилиб ўтирганча ичди. Ҳали ҳеч ким уни бунчалик таҳ-  
қирламаган эди-да.

Бирпас ўтиб эшик тақиллади.

Лайло гапиришга мажоли йўқ, бошини кўтариб эшик та-  
қиллашига қулоқ соларкан, ўрнидан туриб ўтирмади.

Лунин эшикни очиб кирди.

Лайло унга ёвқарашиб қилиб тескари ўтирилди.

Лунин қаровот четига ўтириб деди:

— Лайло, сен келин бўлиб келган пайтингдан мубтало қил-  
гансан. Қилиқларинта, овозингта, юришларинта, ноз-караш-  
маларинта ошиқ бўлиб қолганман, сен келиб қалбимга ни-  
мадир, кимдир етишмаёттанини ҳис қилдим. Пулинг, мол-  
давлатинг бўлса-ю, қалбинг очиласа, кўзинг қувнамаса қийин  
экан. Мени энди ҳеч ким севмаса керак. Ҳашам учун бўлса  
ҳам дилидан суйган ёрни бошимга кўтараман, нима истаса,  
истагини муҳайё қиласан. Дунёнинг хоҳлаган жойига олиб  
бораман, деб хаёл қиласадим, аммо юрагим мубталоликни узок  
кўтара олмас экан. Сен бу ерларни ташлаб, Москвада, бош-  
қага ёр бўлганингни эшитиш менга оғирлик қилди. Бу дард-  
дан белим букилиб, қадим эгилди. Менга осонмас. Факат  
ишқим ва ҳисларим дарбадарликка маҳкум, шекилли.

Хонамда Света сийрати ҳукмрон, бу уйда Азиз руҳи, менга  
бошқа муҳит зарур...

Лайло Луниннинг қалби шунчалик нозиктаълигига ан-  
қайиб, бирпас ўйга чўмди-ю, юринг, ўрмонни айланамиз, деб  
таклиф этди.

Оёқларида қалин этик, иссиқ кийимда, улар ўрмонда сух-  
батлашиб кетдилар. Бироз совуқ ўтса-да, рухлари тетик, ўзлари  
хурсанд эдилар.

— Сени йиглатдимми, Лайло?  
Лайло кулиб шеър ўқиди.

— Ўтди кетди мусибат,  
Кўзим қора бўлгани қолди.  
Қалбим қилгани юрат,  
У ҳислар қай ўйқолди.  
Севмоқликдан оқибат,  
Жунунлик ақлим олди.  
Гўзалдан кўрмай иззат,  
Не куйга қаддим солди.  
Ҳеч битмади мусибат,  
Ишқ бир армон бўлгани қолди.

Бироз жимлиқдан сўнг Лунин сўз қотди:

— Бу менинг ҳолимга ишорами, келин?

Улар ўрмон четига келиб қолишганда, кия кесилган жарликка қарайман деб Лайлонинг оёғидаги этиги сирғаниб, ҳамроҳини куйига тортиб кетди. У қайнатасига осилганди, у ҳам баробар ағдарилди, бу томон қиялик экан, пастта томон чархпалақ отиб айланиб кетиш юзага келди. Улар кийимига қорлар қўшилиб, пастта думалаб, жар четига келганда отилиб, юмшоққина ўт-ўлан гарами устига тушдилар.

Лунин ҳозир хаёли қочиб, ўт гарами ичида унинг рухи тинчланган, жисмида завқ-шавқ пайдо бўлганди. Хаёлида ўзининг ёшлигига қайтганди. Илк муҳаббати, кўз-қоши зулукдек қора лўли қиз Зенурани пайпаслаётгандек туолди. Лайло, мени жондан ортиқ сүядиган қадрдоним яна аразламасин деб индамас, Олтинсочнинг унга ўргаттан қасамёди кулоги остида жарангларди: «Ошиқнинг ёши, яқинлигини ҳисобга олмай...»

Лунин, ўз навбатида, бундай кутилмаган баҳтдан ҳоврикарди.

Бир вақт совук ўтди, пастта сирғалиб тушишди. Айланиб ўтиб, ўрмон четидаги ўзларининг уч қаватли уйларига шопшилдилар.

Лайло кийимларини кичик меҳмонхонага палапартиши ечаркан, югуриб ванинанинг иссиқ сувини ёқиб қўйди. Иккинчи қаватдаги ярим доирали вания катта бўлса-да, сув оқими ҳажми юқори бўлгани учун бирпасда тўлди. У гел, шампундан солиб ванинага кириб, кўзларини юмиб ётаркан, бу иш барибири қўлимдан келмайди, деган ўйда эди.

## БАЛИҚ ОВИ – БАХОНА

Лунин бор-будини Лайлого топшириб, жон таслим қилишини ҳеч ким кутмаганди.

Азанинг бешинчи куни Галактион ва Максимилианни таъзияга келганлар ичида кўриб, Лайлонинг негадир кўзи қувонди. Худди минг йиллик қадрдонларини учраттандек суюнди. Улар ҳам ўзларини йўқотмай, бегонасирамай. Лайлого таъзия билдирирканлар, унинг ёноғи қолиб лабига лаб босгандари қизик, бўлди.

Максимилиан уни саволларга тутди.

- Красноярскда яна кўп бўласизми?
- Қайнатам йигирмасини ўтказиб, кетсан керак.

— Тошкентгами?

— Ҳа,

— Иссик жойларга бизларни, айниқса Галактионни ҳам олиб кетсангиз бўларди.

— Совуққа йўқмисиз?

— Ҳимм...

Шу пайт қайнанаси ичкарига чақириб, уни танишириди. Янги қелганлар ўз иддаоларини айтишар, марҳум тарафдагилар бу таскинларни бош эгиб, таъзия қоидаларини қайнанасидан кўриб, бажаркан, улар туришди. Лунин комбинати маъмурлари қайнанаси ва унинг қўлини ўшиб хайрлашдилар.

Ташқаригача комбинатдагиларни кузатиб чиқишганда. Светлана Петровнани кўзи Галактионга тушди.

— Ким у, Лайло, танийсизми?

Лайло ўтирилиб қараса, Максимилиан кетиб, Галактион ёлғиз қолибди.

— У солиқ тизимидан, ҳозир хайр-хўшлаб келаман.

— Шошилманг, унда уйга олиб кириш, чой бериш лозим.

Шундай деб, қайнанаси Галактионни уйга бошлаб кирди.

Ясатиглиғ столга ўтиришди.

Лайло, ўрнидан туриб, Галактионга кўксига қўлини қўйиб, сипо ҳолатда кўк чой узатди.

Галактион чойни қўлидан тушириб юборар даражада ҳаяжонланиб оларкан «раҳмат, бундай манзиратни умримда ҳали кўрмагандим», деди.

Светлана Петровна бир-икки савол бериб кўргач, Галактионни солиқ тизимида оддий ҳодимлигини англаб, менсимай нариги уйга чиқиб кетди.

Галактион вактдан фойдаланиб:

- Сизни дала ҳовлиға балиқ тутишта таклиф этаман, — деб қолди.
- Қаерда дала ҳовлингиз?
- Шаҳарнинг жанубида, Кан дарёсининг бўйида.
- Жуда совуқмасми?
- Бу ердан иссик. Бутунлай ёғочдан ишланган. Теремокка ўхшаёт, иккинчи қаватида мансардалари бор.
- Эрталаб бориб...
- Икки кунга чиқилади.
- Ётиб қолиш биланми?
- Егор амакининг хотинлари Зоя Аловна бўлади. Хавотир олманг, майлимни?
- Йўғ-эй? Танимаган одам билан.
- Мен шилқим эмасман.
- Ҳамма эркаклар шундай дейишади.
- Илтимос, йўқ деманг.
- Ўйлаб қўраман.
- Жума куни. Эртага. Кечки пайт йўлга чиқилади.
- Ҳимм.

Лайло танимаган, яқиндан билмаган одамлардан шунга ўхшаёт таклифлар кўп эшиттанида дарров уларга рад жавобини бериб ўрганган. Ҳозир негадир тили танглайига ёпишиб, овози чиқмасди. У нима қилишини билмай ҳайрон бу йигиттага қааркан, унга нисбатан қизиқиши борлигини яшира олмади.

Уни ўйлаб қолганидан фойдаланиб Галактион отига қамчи уриб, таклифини ўтказишга ҳаракат қилди:

- Етти-саккизда, ишдан бўшаб, мен дачага қараб, ўт ёқиб келаман.
- Тушунарли. Телефон қиласиз. Аммо, шанба саҳарлаб борган менга маъқулроқ. Фақат бир кунга, кечки пайт қайтиш шарти билан.
- Майли. Сиз айттандек бўлади. Яқин кунларда...
- Ҳозир эмас, кейинроқ.
- Унда кейинги ҳафтага режалаштиурса бўладими?
- Яхши.

Барча таъзия маросимлари битиб, Лайло ёлғизлик ва хафақонликдан сиқилган бир куни унга Галактион кўнғироқ қилиб, балиқ овига чиқиш таклифини яна эслатди. Бу гал боришта Лайло кўнди.

Лайлони кўнгли нимадир тусаётган эди.

Ёшлигида ўйнаб-кулмаса, бир-икки кўзига тушганларни

ноз-карашма билан шайдою девона қилиб илинтирмаса, кейин армонда қолса-чи? У шу үйлар домида Галактион билан утрашишга розилек берганди.

Бассейнда бу йигитни кузаттанида, сочларидан ташқари қошлари, мўйловигача сариклигидан ҳайратта тушиб ажабланганди. Қоматлари келишган, мушаклари туртиб, чиққанидан, спорт машқлари билан доимо шуғулланса керак деган ўйга асир, уни қўришни истаганди. Галактион ўз оёғи билан уни йўклаб келди..

Эрталаб дала ҳовлига ётиб келишганди Галактион ёроғдан ясалган дарвозани очиб машинани ҳовлигага киритди. Ўзининг ва Лайлонинг сумкасини кўтариб, ичкарига бошлади.

Хоналари кичкина, бироқ шинам ва озода эди. Кираверишда устки кийимларини Лайлодан олиб, Галактион вешалкаларга осиб қўйди. Ўзи ҳам оғир кийимларидан холос бўлди.

Ошхона ва ёнма-ён хоналар ҳам унчалик совуқ, эмасди. Энг қулайи, ётоқхона каминли экан.

Лайло шу хонани танлади.

Галактион каминга ўт ёқиб, сўради:

- Кофеми ёки шарбатми?
- Қайноқроқ кофе маъқул.

Галактион кофе олиб келди ва жувоннинг кўзларига мамнун тикилди.

Жувон сир бой бермай кофени ҳўплаб, ўйга толди. Атрофни кузатди. Ёниб турган каминга қараб, хаёлга чўмди.

Галактион ҳам вазиятдан хulosса чиқариб ўтирибди, шошмаялти. Кимнинг асаби дош бера олишини кутарди.

У Лайло ҳақида яхши фикрда эмас, унча зорлантирмай таклифига рози бўла қолди. Яна йўлига бўлса ҳам у бошқалар ким деб сўрамади. Демак, мұҳаббат йўқ экан, фақат ишқий алоқалар бор, ҳис-туйғуга берилишлар, ҳажрида куйишлар қайси замонларда қолиб йўқолибди.

Лайло эса, унинг кўнглида нималар кечаеттанидан хабардордек, ўзини викорли ҳолатига зеб бериб, мағрур ўтиради, бу ҳолатдан андишаси ичига ғулув солиб турарди.

У бир-икки марта киши билмас, чиройли эснади-да, сўради:

- Ўй эгаларини шу ерда кутамизми?
- Ҳа, улар ҳозир келишади. Сўнг балиқ тутишга борилади. Истасангиз, сиз ҳам юринг.
- Яхши. Ўйлаб кўраман.

Ташқаридан машина овози, сўнг бирнас туриб ичкарига Егор амаки ва Зоя Аловна кириб келишди.

Салом-алиқдан сўнг аёллар чой тайёрлашди.

Кесилган колбаса, пишлок, қора нон, сабзавот, ҳар турли кўкат ва дамланган кофе, чой тайёр эди. Чой орасида Егор амаки хотинига Лайлони имлаб, «жуда зўр-ку, Галактион ни-мага унга керак?» — дегандек имо қилиб қўйди.

Улар чой ичишгач, эркаклар балиқ тутишга кетишли.

Аёллар у ёқ-бу ёқни йифиштиришли.

Саунага ўт қалаши.

Сўнгра Зоя Аловна Лайлого қараб деди:

— Бекор Галактион билан учрашяпсиз?

— Нимага?

— Унинг сизга қўли етмайди.

— Ҳимм..

— Сизга бошқалар камми?

— Кўнгил сўраб ўтиарарканми?

— Шу бола менга ёқиб қолди десангиз ишонмайман,

— Ихтиёр ўзингизда. Қанақадир сап-сарик, қуёшга ўхшайди. Узоқдан иссиғи кам, яқинда ёндириб кул қилади.

— Худди шарқдикка қиёс гапиряпсиз,

— Мен Тошкентданман.

— Ростданми?

— Ҳа.

Зоя Аловна унга энди ўта жиiddий қараб, ўгирилди ва рус-часига эгилиб, хурмат билан салом қилди.

— Ассалому алайкум, марҳаматли хоним.

— Ваалайкум ассалом. Аммо саломлашгандик-ку?

— Ойим шундай ўргаттган. Она ерим Тошкентдан бирор кимсани кўрсанг, мен учун ҳам салом бергин деб.

— Одамни сарафroz қилгувчи калом экан.

Орага бироз жимлик тушди.

— Улар қачон келаркин. Балки мен борсаммикин?

— Бўлади. Юринг кўрсатаман йўлни. Фақат, мана бу қалин кийимларни кийиб оласиз. Ташқари совук.

Зоя Аловна унга балиқ тутаёттганлар тарафини кўрсатди. Узоқ яланглиқда, бир-икки чақиримча нарида балиқчилар кўринди.

Лайлобошида қалпоқ, эгнида қалин пўстинли узун тулуп, оёғига пийма этик ва калиш, қўлида қўлқоп, бўйнида шарф, иссиқ кийиниб олгани учун улар олдига боргунча, қаро терга

тушди. Галактион түрт-бешта кичик баликча туттган экан, та-  
гида йиғма стулча, бор дикқат-эътибори овда бўлгани учун  
одига ким яқинлашганини пайқамади ҳам.

Лайло ҳам гапирмай, ушинг ёнига чўккараб, суюниб ўти-  
риб олди.

Шундагина у хонимни чақнаб турган кўзларига қараб қулди.

— Худо ҳақи танимадим. Қайси рўдано экан, деб ўйлаб-  
ман.

Лайло эса жилмайиб унинг сўзларига эътибор бермай бир-  
пас жим ўтиаркан, йигит ови билан овора, менга қиё ҳам  
боқмади деб гинаси исён қила бошлади.

Ўгирилиб, йигитни ўзига қаратай деб шаҳд билан тортган-  
ди. Галактион нокулав ўтирган эканми, ийқилди қолди. У йи-  
қилаёзиб, балиқли челакни тениб юборганди, майда балиқлар  
муз узра ёйилди. Шу баҳона йигит қизни тортиб ийқитди.

— Катта балиқлар тутилмади. Лек овим бароридан келди.  
Сув париси қармоғимга илинган. Уни сизга кўрсатайми?

— Кўрсатинг! Билай, ўшал сув париси ким экан?

У ёнига сўзлашиш ўрнига, кўз уриштириш машғулоти бўлди.

Лайлонинг оёғига ов лескаси ўраги қолган экан, у пастга  
тортилиб оёғини сиқишидан, ёнга ўгирилди.

— Нима гап?

— Оёғимда леска тортиляптими?

— Ростданми?

Галактион ўрнидан тура солиб тешилган муз доирасидаги  
лескага ёпишди ва уни тортиб чиқарди.

Муз устига олти килодан ортиқ оқ амур балиғи келиб тушди.

Ётган жойида Лайло бақирди.

— Қойил, катта балиқ тутилди.

— Шундай салмоқли балиқни биринча бор тутишим. Сиз-  
нинг шарофатингиз билан, хоним, — деб хурсанд бўлган йи-  
гит Лайлони кўтариб олди.

Шу дамларда Лайло, оддий бир дам олишдан, ҳашамсиз,  
ҳеч ким назари тушмаган жойларда қувончдан яйради.

Егор амаки ҳам келиб, уларнинг овидан шодланиб деди:

— Омадингиз бор экан бека, ҳали ҳеч ким бу йил шундай  
катта балиқ туттанини эслолмайман.

— Балиқни Галактион тутиди. Бор олқишлиарни унга айтинг.  
Кулишдилар,

Уйга келишганда, ҳаммадан совуқ ўтиб кетганди. Аввал  
саунага эркаклар кириб кетишиди. Зоя Аловна бирпасда ки-

чик балиқларни тозалаб, қозонга солиб, балиқ шўрва ичамиз деди.

Озгина вақтда Егор амаки чиқди. У катта балиқни тозалашга ўтди.

— Балиқни қанақа қилиб қовурасиз, — деди Лайлло.

Эр-хотин бир-бирига қаради.

— Истасантисиз сизнинг усулингизда пиширамиз.

— У ҳолда ярмисини кичик бўлакчаларга бўлсангиз, шарқ кулинарияси қоидаларига биноан мен пишириб берганим бўлсин.

— Сиз, хоним, овора бўласизми? Яхшиси саунага киринг.

— Йўғ-эй. Галактион бор.

— У аллақачон ташқарида. Ҳовузчани парда билан ўрайпти, — деди Егор амаки. — Саунадан кейин, қизиб кетсангиз, сувга шўнигишингиз учун.

Зоя Аловна Лайлого кийимларини тутиб, зўрлаб киргазиб юборди.

Лайлло совук ўтган баданини узоқ қиздириб терга ботиб, қалин соchlари туфайли, биринчи навбатда боши исиб, тўхтамай пешонаси чаккалари ва бўйни терга тўлди. Шунда у саунадан ҳовлига отилди. Аҳамият берса, целофан парда ўралиб, кўз тушадиган бирорта тирқиш ҳам қолмабди. Бемалол, бехавотир ҳовузчага, темирдан тик ясалган зиналарга оёқ қўйди. То бўйнига довур сувга еткунча тушаркан, пуф этган оловдек баданининг қайноғи тарқаб, совушга улгурди. Сесканиб сувдан чиқиб, ўзига келгунча туриб қолди-да, беихтиёр ўгирилиб қаради. Унга нариги баланд қурилган дачанинг мансардасидан худди бирор тикилиб тургандек туюлди. У саунага қайтиб киаркан, бошини чиқариб ўша тарафга яна қараб олди. Мансардада ҳеч ким кўринмади. Худога шукр, begonani кўзи тушмабди деб ўйлади. Ичкарида кенг сочиқда ўралиб соchlарини артишга бошлади, чунки уларнинг қуриши қийинроқ.

## ЁШЛИГИНГДА ЎЙНАБ ҚОЛ...

Бир пайт эшик очилиб Галактион кирди-да, веник билан уриб қўяйми, деб сўради.

Аввалига чўчиб тушган жувон, кўксига бир туфлаб, сўнг жаҳди чиққанини намойиш этиб, қошларини чимириб олдида, уни койишга тайёр, бошини буриб унга қаради. Аммо йи-

гитнинг ҳокисор құлдек бош эгиб турған ҳолати күнглини зритиб, нима дейишини билмай тилини тишлаб қолди.

Қаерда яшасанг, ўша ернинг қонун-қойдаларига бўйсинг май илож қанча.

Лайлобассейнларда ярим яланғоч сўзувчиларга кўзи кўп тушган, аммо у бошқа, кўпчилик ичидаги биллигиди, бехавотир. Бу ерда, ёлиз қолишиганда, одамни уят ва андиша босаркан. Аёл ўзининг адаб-тарбиясидан келиб чиқиб, йўқ, чиқинг, иккинчи бесўроқ бундай иш қилманг, деди. Галактион бошини кўтариб, унга хумор нигоҳини қадаганча, қотиб турар, чиқиб кетишини ўйламас, жувоннинг яланғоч елкаларини тўлдирган қуюқ қора соchlарига қўлинни чўзиб, бир тутамини ушлаб олганди...

Егор амаки Лайлойтган усулда балиқни нақд ярмини майдалаб чиқди, устига чеснок, кашнич уруғи ва озгинатуз сепиб қўйди ва фужерга вино куйиб, — Зоя, Галактион кириб кетди, уни чақираими, — деди.

— Хоним индамаса, нима ишининг бор, ўзи балки шуни хоҳлар, — деб эрини койиди.

Шу пайт Галактион отилиб чиқди. Унинг уст-боши хўл эди.

— Нима бўлди? — деб сўради Егор амаки.

— Юзим кувишига бир баҳя қолди. Жаҳдда иссиқ сув сочди.

— Хонимнинг аччиғи тез эканми?

— Билмасам. Худо ҳақи, ҳеч нима қилганим йўқ, бир бор елкасидан ўтганга шунчами?

Зоя Аловна кулганча, боплабти деб, кўзини қисиб Егор амакига қаради...

Галактион қизни веник билан ҳар ерига уравериб қизартириб юборди. Сўнг, қаршилигига қарамай, елкаларини, қўллари, оёқларини тагигача эринмай мочалкани совунлаб ишқалаб қўйди.

Лайлодушдан чиққанда, унинг терисини ҳар бир тешигигача тозаланиб, қуёш нурида ялтирайдиган ҳолатта келганда, йигит ўзини ушлолмай ёпишди... Қиз, тош устида қизиб турган челақдаги сувдан черпакка олиб, у томонга сепди... Бор воқеа шу...

Исталмаган вақтдаги ишқдан қутилганига хурсанд ЛайлоКийинаркан, йўқ, ташаббусни ўз қўлимга олмасам, мени у

ким деб билаяпти, ё енгилтак аёлга үхшайманми, ё ёқдириб қолганим учун шу тамғаны менга осонликча ёпиштирмоқчи-  
ми? — деб чуқур үйга чұмди.

Ухо билан бирга помидор, бодринг ва күк аралашған салат  
ейилиб, шарбат ҳам ичилди.

Кексалар икки соат отбой деб, энг чеккадаги хонага кириб  
кетдилар.

Лайло үзининг қарорини бошқа йўсинда билдириш учун  
Галактион тепасига келди.

- Мени кузатманг. Бирпас ҳоли дам олай,
- Лайло, нима бўлди?
- Ҳеч гап йўқ,
- Айта қолинг!

Лайло индамай унинг юзига эшикни ёпди.

Галактон чой хўплаб ўтириб, үйга тушиб ўтирганди, бир-  
мунча вақт ўтмай, Егор амаки чиқиб уни гапга солди.

- Ҳайдадими?
- Ҳа.
- Айбинг нима?
- Қаттиқ яхши кўрганим.
- Ундоқмас. Нафсониятига тегадиган иш қиласандирсан?
- Балким.
- У жуда гўзал ва кўнгли нозиктатьб аёл.
- Биламан. Мен эса бироз тўпориман.
- Аммо ёқсанандирсанки, у сен билан келди.
- Рост.
- Унда балиқ пиширамиз. Вино ичамиш.
- Вино борми?
- Бор. Оқ вино.
- Қишида қизили маъқул. Лекин борига барака.

Улар бир-иккита балиқ бўлагини қовуришганди, куйиб  
кетди.

- Лайлони уйғонишини кутамизми?
- Яхши. Бир кўл карта ташлайлик, чийла.

Оқ винони очиб, ўзлари пиширган балиқдан чўқилаб анча  
вақт ўтдими, Лайло уйғониб ювиниш тарафга ўтиб, шойи ха-  
латларини кийиб чиққанди, Зоя Аловна сўради.

- Бу халатни марказдаги ателье магазиндан олганмисиз?
- Нега, ойим тикиб берган.
- У ерда ҳам шунга үхшаган халат кўрганиман, факат жуда  
қиммат.

- Материалига қараб сотилади.
  - Қаердан биласиз?
  - Чунки... Ҳа, келинг, балиқ қовуриб эркаклар күнглини күтәрайлик.
  - Ең ҳиди ўтиради, бошқа халат берайми?
  - Кераги йүк, барибир, охори түкилган
- Зоя Аловна ҳозир хотинлар балиқ қовуришини эълон қилиб, сизлар... дейиншини билди, Лайло сўз қўшиди.
- Эркаклар балиқ тутиб келишди, бу ёғига дам олишсин, Қолган ҳамма иш бизнинг бўйнимизда.

Егор амаки кулди:

- Бормисиз хоним. Эркакларни ҳам ўйладиган аёллар бор экан-ку?

У қайнаган сувга томат пастаси, кашнич ва майда қизил гармдори солиб, соус қилишга ҳам улгурди. Бир ёқда балиқ пишираркан, орасида ётоқхонага кириб, тўртта қизил вино олиб чиқиб стол устига қўйди.

Галактион Лайло сумкасини кўтарғанди, у оғирлиги ва шиқиллашидан бутилкалар борлигини билганди, лекин тантризидан буни эслатмай ўтирганди.

Балиқларни унга булғаб, пешма-пеш пишираркан, эркаклар ошхонанинг ўзида вино ютиб балиқлардан тамадди қилиб, унинг ошпазлигини мақтаб қўйишарди.

Қолган балиқлар пишгунча танаффус эълон қилиниб, эркаклар яна карта ўйнашга тушдилар.

Ниҳоят иккита катта тоғора пиширилган балиқ билан тўлди. Мехмонхонада стол ясатилди.

Егулик овқат кўплигидан Егор қўшниларни чақирайлик деди.

— Қўшниларингиз ким, — деб сўради Лайло.

— Сиз томондан, Собирхўжабойнинг катта ўғли шу ерда доим яшайди. Бу ердаги дала ҳовлиларга қараб туради.

— Балки, бирор идишга солиб чиқарсақ, қўшни ҳақи. Баъзи бир сабаблар бор, мёни улар бу ерда кўрмаганлари маъқул.

— Тушунарли. Бор Егор, ўзинг ташлаб чиқа қол.

Егор амаки кичикроқ тоғорачада қўшнига балиқ олиб чиқсан эди, қўшни ўсмоқчилаб:

— Балиқни ким пишириди? — деб сўради.

— Ўзим...

Кўшни унга ишонқирамай қаради.

Ҳозир шуни Егор амаки айтиб бериб кулдирди.

Улар бамайлихотир тоза қызил вино ичиб, балиқ еб ўтиришар, орасида соус құтлаб қүярканлар, Лайлого тасаннолар айтишиб улгuriшмасди.

Русларда ошпазни мақтаб таом ейиш мажбурий таомилга кирган.

— Шарқли ошпаз шунақа бұларкан-да: ҳам гүзәл соchlари белига тушади, ҳам балиқчи, ҳам дилкаш сұхбатдош.

Зоя Аловна эрининг галиниң құллаб гапириди.

— Бир ўзингта шунча хислатни қаердан олғансан, Лайлоденде ярми ҳам йўқ.

Галактион ҳам чиройли гапириди:

— Аёлларнинг гүзәлліги уларнинг фақат ҳуснида эмас, чор атрофдагиларга оқибатли, меҳрли қарашида, яқинини қадрига етишдә, муҳаббатни ўйин билмасдан чуқур ҳис қилишида.

— Сен бирнасда файласуф бўлиб кетибсан, бу ҳам сизнинг таъсириңгиз бўлса керак, хоним.

Лайлоду кулди.

— Мақтов ҳаммага ёқади. Энди сизлар тўғриңгизда гаплашамиз, Таниш бўлдик. Нима иш қиласизлар?

Орага жимлик чўқди.

Егор гап бошлиди:

— Лайлод, бизлар ишсизмиз ҳисоб, ўзингизнинг топиш тутишиңгиз нимани орқасидан?

— Фирмам бор. Сизларга ҳам иш топиб берса бўлади. Қайси касбни биласизлар?

— Мен тикувчилик фабрикасида бичиқчи эдим. Кейин марказдаги ательєда ишладим. Энди эса ишдан бўшатишиди.

— Ким бўшатди?

— Нина Екимовна.

— Бош технологми?

— Ҳа. Уларни биласизми?

— Танишлигим бор.

— Шунақами?

— Мен сизни ишга жойлаб қўяман. Эртага, йўқ, душанба куни ательєга боринг.

— Раҳмат.

— Сиз, Егор амаки, касбингизни айтинг.

— Электрикман.

— Нима, ширкатларда жой йўқ эканми?

— Бор... Олишмаянти...

- Нимага?
- Тиллари узун, урушқоқлар.
- Эй, беш йиллик гап. Ҳозир ўзгардим.
- Менингча, ҳал қылса бўлар. Галактион сизга сўзимни етказади.

У фужерини Галактионга кўрсаттанди, йигит югуриб келиб вино кўйди.

Егор амаки кулди.

- Галактион, хонимлар сўраганда эмас, қиё боққанини ўзида нима хоҳлаётганларини ўрганишинг керак?
- Егор амаки, ўзи айбим кўпайиб кетди, мени бирлас тинч кўйинг.

У жаҳл қилиб нари кетди ва иккита фужер винони кетма-кет ичиб, диванга чўзиади.

Зоя Аловна устига қалин адёл ташлаб қўйди.

- Чарчаган, шекилли. Яна уйқуси чала. Ӯшанга асабий.
- Нима бўлди, балки чивин чаққандир. — деди ЛайлоЖилмайиб.
- Ростми, Зоя? Чивин пайдо бўлибдими?
- Қишида қанақа чивин, хоним асқия қиляптилар, — деди Зоя Аловна кучаниб сўзлади.
- Чивин бўлса майли, мени бутун умр илон чақиб келади.
- деди Егор амаки хотининга ишора қилиби.

Хоҳолаб кулишди.

Сўнг учовлари карта ўйинига тушиб кетишиди. Соат тўқиздан сал ошганда кексалар ўз хоналарига кириб кетдилар.

ЛайлоКамили уйига кириб, телевизорни қўйса, «Зита ва Гита» бўлаётган экан. Қизиқиб кўра бошлади.

Бу фильмни у ҳар йили камидан бир марта кўрар ва зерик масди. Кинога киритилган драматизм кучли саҳналарда, диалогларда берилган. Роллар ҳам роса қиёмига етказиб ўйналанди, биринчи серияси тамом бўлганда, у ўрнидан туриб каминга охирги ўлаларни ташлаб қўйди.

Галактион қайда қолди. Телбароқ эканми? Ёки ўта фурурлик-ми? Сиркаси сув кўтармайди. Бир оғиз Егор амаки гапига ичиб олгани-чи?

Мен ўзи нимага келдим. Шу йигитни бир оғиз гапига учуб, Қадримни пастладимми? Эҳ, эсиз, туша-тузук бошланётган эди. Энди тамом. Кўнглим чўқди. Бояги саунадаги ҳаракатидан, ундан осон қутулмасам керак деб ўйлагандим, бу мурувватлар билан хўрозда ялаттан экан-да.

Зоя Аловна диван-кароватни очиб, жой түшаб қўйган эди, ҳозир кўрпанинг ичига кириб, яхши порошокда ювилган жилдларни ҳидлаб маза қилиб чўзилди. Аммо анча вақтгача уйқуси келмади. Ойнага қараса, ташқарида тунд булулгар сузиб юрибди. Атроф ошпок. Ҳаттотки баланд-баланд йигирма метрга етадиган дараҳтлар учлари оқ рангда, оғир залворли тұнларга үралган. Ҳов наридаги, битта үтказиб кейинги дачадан шұх мусиқа тұхтамай келиб турибди.

Унинг бошини хаёллар чулғади. Мана улар: у, Зоя Аловна ва Егор амаки анча вақт карта ўйнашди, ўшанча вақт Галактион кўринмади. Шунда Лайло, ичида энди иззатим битибди, деб ўйлаб, кетишим керак деб хонадон соҳибларига фикрини айтса, улар бу ҳавода, совуқда етиб олиш қийин бўлади, йўллар яхмалак, машина топилмайди, патимос, қолинг, деб кўндиришганди. Шу билан бирга ўзида ҳам кетишга астойдил ҳоҳиш йўқ, эди. Чунки, ҳали ишқ саргузашлари поёнига етмаганини ҳис қилиб турарди...

Дала ҳовли атрофидағи тинчлик ва сокинликдан кўнгли тўлиб, тезда ухлашга кўзи юмилди...

Камин олови ўчиб қөлганидан, у совуқдан дийдираф уйғонди. Аксига олиб кўрпа ҳам бир қават экан. Иссиқ, кийими кираверишда қолган. Каминда ёқишига ўгин йўқ. Фўла ташқарида. Нима қилишини билмай, дик этиб ўриидан турганини билади, бадтар муздек ҳаво баданига ёнишиб, тишлари тақиллаб қолди. Тун ойдин, шунгами хона ёруғ. Бир-икки қадам ташлаб, у гандираклаб стулга туртилиб кетди. Фийқ эттан овоз қоронгулиқдаги сукунатни бузиб нариги хоналарга ҳам етиб борди. Музлаган эт бирор қаттиқроқ нарсага урилса, зўр оғриқ беради, ҳозир шунинг учун Лайло вой, деб стулга ўтириб оғинни силашга тушди.

Унинг шовқинига кўзларини ишқалаб Галактион кирди.

— Нима бўлди?

Лайло индамай каминга ишора қилди.

— Ия, хона совиб кетибдику? Мен ҳозир.

У юргулаб ташқаридан бир қучоқ ўгин олиб кирди.

Озгинадан кейин, Лайло кўрпага ўраниб қаминда чарсиллаб ёнган оловга, унга ўт қалаб, узун учи қайрилган қалин симда чўғни кавлаб ўтирган Галактионга кўзи тушиб хотиржам бўлди. Аммо, ҳамон баданига иссиқ ўтмай, эти увишарди. Уни ташлаб қўйиб, совуқдан тарашадек ҳолаттә туширган бу йигитта ҳозир заҳрини сочса тамоман ҳақ бўларди. Бироқ

бировга таъна, дашном бериш одати йўқ. Лайло тарбиясига зид иш қилмади...

Бир вақт уй исиб кеттанидан кўрпани сурини қўлини, елкаларини очди.

Атрофга кўзини ишқалаб бокди. Камин ёнидаги креслога тик қадалиб, Галактион унга томон қараб кулиб ўтиради.

Бу ёш болани нима қилиш керак? Бир кўрсанг қовогидан көр ёғади, бир кўрсанг чехрасидан нур ёғилиб, меҳрибон бўлиб қолади.

— Хоним, уйқунгиз бузилдими? Боя роса совқотгандиниз?

— Ҳимм...

— Ҳа, айбимни топдим.

— Ҳимм...

— Хонимга енгилтак аёлга каби муносабатда бўлибман.

— Каминга эрталабгача ўт қалаш шарти билан кечирилдингиз.

— Ростданми? Бўлди, мен вахтада тураман. Энди камин учмайди.

У бирор вақт ёнимга кириб олса нима қиласман, деб хавотирланди. Аммо йигит жойидан жилмай ўтиаркан, кўнгли тўқ ухлаб қодди.

Эрталабга яқин Лайло қаттиқ қизиб уйғонди. Не кўз билан кўрсинки, ёнида йигит қотиб ухларди.

Лайлонинг чиндан юзлари лов-лов ёниб, кўзини кўтара олмай, бошини яшиаркан, нари сурилди-да, йигидан бўшамай қодди.

У умри бўйи тайинли бир муҳаббатини кутиб, кўп вақтини bemuruvvat ўтказиб юборганига ачина бошлаганди. Аччиқ, қисмат туфайли тул қолишими, тақдир изми билан вазият қурбонига айланиб, совуқ ўлкаларга келиб қолганими, севимли келин санадни. Азизнинг чексиз ҳурмату иззатга сазоворлигими, дунё кезиб жаҳонгашталикни орзу этиб, Евгенийнинг ҳийалари туфайли никоҳни бекор қилишга, манфаатли турмушини бузишга мажбур бўлгани-чи? Мол-давлатдан куруқ қолдими? Йўқ, улар бисёр, бору, фақат баҳти тўлиқмас. Галактионни ўзиники қила олмайди, у Лайлого эр ўрнида ўзи мосми? Ким билади. Ўйнаш тутса, кетидан сарсон юришлари кўз олдига келар, уни на ватангэ олиб бориб бўлади, фақат курортларда йиғлаб-сиқтаб, соғиниб дардини ёзиши мумкин. Фақат жазманталаблилик унга керакми? Обрўсига

соя тушмайдими? Номи қораланмайдими? Ойисига берган вайдаши нима бұлади?

У шу бир кечада севги сирига қайта тушуниб, осонликча висолға етишиш хаёл эканлигини, турмушда, реал ҳаётда қанчалар күп мушкулоттар борлыгини аңлагандек бұлды...

Сүнг, озгина вақт үтмай йигитни нариги уйға ҳайдагандек чиқарып юборди ва астойдил овозсиз, силтаниб-силтаниб, ёстиққа оғзини босиб, үзининг шармандали ҳолатига куйиб ийглашини күчайтириди.

Маълум вақтдан кейин у қотиб ухлаб қолды.

Соат ўнларда Зоя Аловнанинг эшикнинг нариги томонидан овози келди.

— Лайлло, турасизми?

— Ҳозир, Зоя Аловна, қаердасиз?

— Нима гап?

— Эркаклар четроқ үтиб туришсин.

Зоя Аловна эркакларни кийинтириб ҳовлига чиқарып юборди.

Лайлло ювиниш хонасига кирди.

Ярим соатдан кейин, стол атрофига йиғилишганды, Лайлло үзининг келинлик либосларини, бошига дуррача, оғига қызил пойафзал, узун күйлак ва лозимда пайдо бўлганда, Егор амаки тишлиб турган ионини ютолмай, уни Галактионга кўрсатди. У ҳам ҳанг-манг бўлиб ўрнидан туриб кетди ва Лайлло хузурига ошиқди. Кўлидан ушлаб ёнита үтказди.

— Истасанглар, чойни мен қуйиб тураман.

— Йўқ, мезбонлардан бу вазифа, лекин мени ҳайрон қолдирдингиз. Зоя, сен ҳам бир нима дегин?

— Ўша ателье Сизники экан-да?

— Ҳа, меники.

— Кўнглим сезганди-ю, бу аёл оддиймас деб. Галактион, кеча туттанинг оқ амурмас?

— Оқ буғу.

— Нега Оқ буғу?

— Акам болалигида буғулар тўғрисида мультфильмлар кўришга ишқибоз экан. Номим ҳам шундан олинган Айхоо, ўрнига паспортиимда Лайхоо. Яна Красноярскада Лунинларга келин тушганимда, тўй базмидан менга шундай ном беришган.

— Қизиқ экан. Галактион, сенга ёқяптими, Оқ буғу?

— Ҳа. Лекин менга кўпроқ сув париси маъқул.

— Сув париси, Оқ буғу, Лайлло, хоним, шарқлик бека, яна қанча ном берса кам, — деб Егор амаки унга кулиб тикилди.

Зоя Аловна ҳам жилмайиб деди:

— Кечаги гапларингиздан бу аёл сеҳргарми, осонгина сўз беради, ёлғон сўзласа ҳам қилт этмайди, деб ўйлагандим.

Орага жимлик чўкди.

Галактион гапириш ўрнига, Лайло қошида чўккалааб, қалбини ошкор этишга жазм қилди:

— Мен бир неча кун олдин ҳеч нимани ўйламайдиган, бу ерида — юрагида дарди йўқ, кесак эдим. Бу жойга бир чақиришимга келганингизда сизни енгилтак аёллар қаторида санагандим. Янглишибман. Яхшиям адашибман. Сиз тоғдаги эдельвейс гулидек қўл етмас хоним экансиз. Нечук менга бу баҳт насиб қилди деб, ўзим ўзиммасман. Фақат энди мен сизга бир умрга боғланганимни сезялман. Энди сизни ҳеч кимга бериб қўймайман, мана кўрасиз: қўлингиз, нафасингиз, туришингиз, тусингиз, қош-кўзларингизни, сочингиз қоралгини, тик қоматингизни, нозик оёқларингизни, нафис сўзларингиз, виқорли юришларингиз; мағрур қарашингиз, ошхонада оддийлигингизни, сұхбатларда самимилигингизни севаман. Йўқ деманг, менга турмушга чиқинг.

Лайло бошини сарак-сарак қилди.

— Мени шоширманг!

Зоя Аловна гап қўшди:

— Галактион ўзини бир нима қилиб қўяди, энди уни ўзингиздан четлаштирманг.

Егор амаки ҳам гапирди:

— Бизнинг севгимиз шарқдикларнидан каммас. Бир севсак, ҳамма нарсани унугиб, ўйга, ақла суянибмас, қалб амрига қулоқ тутиб севамиз.

Лайло жойига келиб ўтириб, бошқалар қатори бўтқа еб, пишлоқ тишларкан, хаёли ҳамон ўзида эмас эди.

— Биз ўйга қайтмоқчимиз, — гап қўшди Зоя Аловна.

— Мен ҳам кетаман.

— Лайло, сиз қолинг.

— Йўқ, Ишларим бор. Қизимни соғиндим.

— Қизингиз?

— Ҳа. Иккита ўғлим ва қизим бор.

— Ростданми? Ўхшамайди.

— Истасантиз, яна турмушим, эрларим ҳақида ҳам айтишим мумкин.

Лайло шундай деб, кўзларига ёш келди, сурилиб ойнанинг олдига бориб турди.

Үртага жимлик чўқди.

Суҳбатни олиб бораётган Зоя Аловна гап қўши:

- У ҳолда, Лайло, нечага кирдингиз?
- Йигирма еттига.
- Галактиондан икки ёшгина катта эканси.
- Бир ёшу етти ойлик, - деб ўрталаридағи фарққа тузатиш кирилди йигит. — Ҳозироқ, Тошкент билан мени уланг, ойингиз билан гаплашаман.
- Бу ҳазил бўлса, ўрнига тушибади. Чин бўлса, менга маъқулмас, Егор амаки, юринг, яхшиси, менга ўрмонларни кўрсатмайсизми?
- Жоним билан.

Егор амакини кўзлари ўйнаб, эгниларига қалин кийимларини ташлаб чиқиб кетиши.

Лайло Егор амаки қўлларига суюниб сўради.

— Менга Галактион ҳаётидан сўзлаб беринг. У тўғрисида ҳеч нима билмайман.

Улар ўрмон чети бўйлаб қорлари босилган йўлак узра боришар, атрофда баланд-баланд ўттиз метрга етадиган еллар қуюқ ўрмонзорни қоплаб, яқинига борсанг дараҳтдан дараҳтга сакраган олмахонлар ҳам кўриниб қоларди.

— Галактионлар уйи юз эллик чақирим ичкарида, кичкина поселкада, отаси егер бўлган. Онаси мактабда математика, физика, химия, географиядан ўқитувчилик қиласди. Галактион болалик пайтида отаси ўрмонда бўрилар ҳужумига учраган. Бўрилар бир оёғини ғажиб ташлашган. У ногиронликка чиқиб, аламданми, ичадиган одат чиқарған. Натижада икки йилга бормай, совуқда қотиб ўлган.

— Хотини-чи?

— Мазлума хотини ногирон эрни йўлга сололмай ўзига ташлаб қўйган. У эса дуч келган жойда, вақт-соатига қарамай ичаркан, шу фалокат уни олиб кетган. Ўшанга Галактион онасини айбдор сезади. Уни кўришга ҳам боргиси келмайди. Ийлаб хабар олмайди.

— Фожеали воқеа экан.

— Аммо Галактион ўзи ёмон йигитмас. Ичмайди ҳисоб. Енгилтак аёлларни ёмон кўради. Чунки, ўшанда, отаси ногирон бўлиб қолиши билан, ойиси юриб кетган экан.

— Ҳа, ўқиш, ишлари-чи?

— Мактабда аъло ўқиган. Онаси ҳам ўқитувчи, ҳам репетиторлик қилган. Бу тушунарлидир.

Институтта киргунча мактаб директорига – онасининг хушторига ҳам қаттиқ, гапирмаган. Ҳамма баҳолари беш, билими бор, солиқ академиясига ўз кучи билан кирган. Ўғлым билан бирга ўқишини тутатган, ўша пайтдан дўст бўлишиди. Уйимизга кўп келиб туради. Ҳар шанба, якшанба шу дала ҳовлига бирга келиб дам олади.

– Ўғлингиз ким? Максимилианми?

– Ҳа. Яқинда уйланади. Аҳдлашган қизи бор. Галактион тортиймасин, сиқилмасин деб келишмади.

– Тушунарли. Галактион эса уйланмоқчи эмас.

– Нега энди, сизга оғиз солмоқчӣ

– Ҳа-я. Унинг ҳислари озод. Ўзи эркин. Минутларда қарор қилиш унга осон. Тўғрими?

– Тўғри.

– Мен эса эркин қуш эмасман. Шароитимни боя сизга тушунтиридим. Галактион ўғлингиз қатори, сизга қулоқ тутишига аминман.

– Ҳа, нимадир демоқчимисиз, хоним?

– Майли, мени қанақа аёл деб билсангиз, ўзингизга ҳавола, у билан жиiddий муносабатларга тайёр эмасман.

– Тушунарли. Фақат, у холда, бу ерга келиб, бекорга унинг таклифига рози бўлибсиз?

– Яхши ўйлаб кўрмай, юрак амрига қулоқ туттандим.

У Егор амакига виқор билан қадрини букмай қаради ва ундан жўяли маслаҳат чиқмаслигига кўзи етди.

– Дала ҳовлига юра қолинг, уйга боришим керак.

Галактион уни меҳмонхонага ташлаб ўтди.

У душ қабул қилиб, бошқа кийимларини кийиб, телефонини ёқди. Ва бир нечта қўнғироқлар бўлганидан, қайси биридан бошлашни билмади.

У аввалига қайнанасига қўнғироқ қилди.

– Мамочка. Салом. Айсу яхшимисиз?

– Қачон келасан Лайлө? Қизинг ичикиб кетди.

– Кечки овқатта ўтарман.

– Яхши. Ҳа. Сенга Москвадан Никитин телефон қилди.

– Нима деди.

– Ойиси сени сўраётганмиш.

– Ҳимм.

У яна бошқа номерга қўнғироқ қилди:

– Олтинсоч опа, яхшимисиз! Нима янги гаплар бор?

– Салом. Лайлө. Мен маслаҳатлашиб кўрдим, сиз яхшиси, меҳмонхонага бошқа одам топмасангиз бўлмас экан.

- Маъкул... Битта маслаҳат бор. Яхши бичиқчига жой топиладими?
  - Зарур бўлса? У янги фасонлар бўйичами?
  - Эртага эрталаб сухбатга келади. Ўшанда гаплашамиз. Соат олти бўлибди. У Собирхўжабойга қўнғироқ қилди.
  - Ассалому алайкум. Мен Лайлoman.
  - Ваалайкум ассалом қизим. Яхшимисан. Соғлиқларинг дурустми?
  - Яхши. Ўзингиздан сўрасак.
  - Дуруст. Хўш, нима яхши гаплар айтасан?
  - Менга маслаҳатингиз керак.
  - Қанақа маслаҳат?
  - Меҳмонхона менга ўтган, шуни юргиза оладиган менежер топиб берсангиз.
  - Хабарим бор. Табриклиман. Сенга бу ерни фуқароси ёки рўйхатдан ўттан кадр керак бўлади. Мен ўйлаб кўрай. Муддат.
  - Тез кунда, ўн кун ичида, мен Тошкентта қайтишим мумкин.
  - Унгача ҳал қилиб бераман.
  - Раҳмат.
  - Арзимайди.
- У Москвага телефон қилди.
- Қайнанаси унинг овозини эшитиб йиғлаб одди.
- Ўзинг бир ёшу етти ойлик бўлди, гапта тушиб кетди, сузаяпти. Худди ўзинг, кўзигача қора. Келгин, керак бўлса Евгенийни домга қувиб, сени олиб қоламан. Хоҳласанг подполковниқдан куёв ҳам топиб қўйдим, деди.
- Қайнанаси бирпасда шунча гапларни гапириб ташлади. Лайлонинг кўнгли юмшаб жавоб қилди:
- Мама, ўн кунлардан кейин бориб қоларман, бироқ эрга тегишни ўйлаётганим йўқ.
  - Бўлмаса зўр ошиқ, бор. Сени рақсингни кўрган. Сен тортинчоқсан. Ёшсан, ўйнаб-кулиб қолсанг-чи. Роса пули кўп.
  - Мама, гапириб чарчамадингизми?
  - Шундек хусн билан ўйнаб-кулмасант, сиқилиб уйда ўтиранг, юзингни ажин босиб, тез қарийсан.
- Қайнанам ҳамма нарсани билади, деб ўйлади Лайло.
- Кўришгунча.
  - Ҳозир, шошмай тур.
  - Ҳимм...
  - Ҳа. Анави қоранг бор эди-ку. Ҳушторинг.

- Ким? Аминми?
- Ҳа. Ўша ўлиди.
- Йўғ-эй?
- Евгений айтди. Хайр.
- Кўришгунча, мама.

У негадир Аминга ачиниб, қайғуга чўкиб ўтириб қолди ва атрофини Аминнинг қорароқ баданидан келаётган ҳид босгандек бўлди. Дардида энг кўп қийналган ошиғи эди. Аввалига осонгина мақсадига эришгани бошига бало бўлди. Натижада жинни бўлар даражада севиб қолиб, кейин уни роса кетидан пойлаганларини ўйлади. Балконлардан арқонда оси-либ тушганларими, бассейнга важоҳати қўзграб, кўзига қон тўлиб, қиаган ҳаракатларими? Булар унинг жавобсиз севги-сига етишини учун қилинган уринишлар оқибати эди.

## ОЛТИНСОЧ ҲУШЁРЛИК ҚИЛДИ

- Орадан икки кун ўтди.  
Олтинсоҷ ҳушёр, Лайлони гапга солди,
- Ким бу йигит?
  - Танишим.
  - Фақатми?
  - Ҳимм...
  - Ёлғон гапирманг, у сизга бутунлай мубталоку?
  - Рост. Нима қилсан экан?
  - У қаерда ишлайди?
  - Давлат идорасида, солиқчи.
  - Мен гаплашиб қўяман.
  - Хафа бўлмасмикан?
  - Нима, кетингиздан юрсинми? Газетага чиққингиз келаятими? Лунин келинининг бойфренди? Ёки солиқ тизимини согиб олиш учун ўйнаш орттирибди. Қалай, дурустми?  
Лайло бошини сарак-сарак қилди.

Галактион, эртасигаёқ қўнғироқ қилиб, кечирим сўради. Майли, кимингиз бўлсан ҳам розиман, мени ўзингиздан четлаштириманг деб ялинди. Шундан сўнг бир неча бор Лайлони учрашувга таклиф этса-да, жувон рад этаркан, йигитнинг ҳистийгуларини қанчалик самимийлигини синаш учун эмас, унга нисбатан ўзидағи қизиқиш нима эканлигини билолмай таранг эди. Шунинг учун, Галактион телефон қилишига қарши-

лик құлмай қүйдікі, масофавий алоқа орқалы йигит үшін тапиришга ўтиб, шириң, лузум гаплар топиб, дилини қытік-лайдиган сұзлар айтиб, меҳр-мухаббатта сазовор бўлишга ҳарекат қиласади. Энг асосийси, Лайлонинг измига қарши бормас, ишхонасига излаб келмас, йўлларини пойламас, қошида ногаҳон пайдо бўлиб тинчини бузмас, гап-сўзлар бўлмаслик чораларига амал қиласади. Унинг муносабатлари тобора Лайлого ёқиб, унинг қўнғироқ қилишига ўрганиб, ҳар куни беихтиёр кутадиган бўлди. Жавоблари қисқа: ҳа, йўқдан нарига ўтмаса-да, Галактион ҳамон ундан умидвор, жон дилини бериб ҳар куни камида бир марта Лайлодо хонимининг телефон рақамларини терарди.

Момо Ҳавони қизиқувчанлик хароб қилди дейилади. Бу қанчалик ҳазил ёки чин, лекин ҳозир ёлғизлик Лайлого ҳам қизиқувчанликни ичига солиб, ўзига бўлган йигитнинг муҳаббатини дийдорда синаш учунми, ё Галактион билан муносабатларига ойдинлик киритишини истабми, ресторонга боришига розилик берди.

Лайлодо бир чеккадан айтиб беришни лозим топди.  
Харина эшитиб хулосасини баён қилди.

— У аёлларга ишонмайди, чунки кўзининг олдида онаси хиёнатта қўл урган, тушунарлами? Иккинчи сабаби, сиз унинг ҳаракатларини, севгиси доирасини чеклагансиз, у эса ўртоклари, таниш-билишларига сизни ҳусни-жамолингиз, гўзаллигиниз, нафосатингизни кўрсатиб, мақтамоқчи, ҳузур олмоқчи бўлган. Сизнинг мақомингиз, нуфузингиз ундан анча баланд, у ўзини таҳқирланган, хўрланган санаб, тилида қулика тайёрман дейди-ю, ўзаро муносабатларга келганда, босиладиган оддий товуқсан-да, деган ўйда зуғум ўтказган, шу билан ўзининг эркаклик мартабаси баландлигини эслатмоқчи бўлган, бу учинчи сизга бўлган ҳасади.

— Мантиқ бор гапларингизда. Энди нима бўлади. Мен у билан алоқаларни узаман.  
— У сизни йўқотишни истамайди. Яхши гапнинг унга ташсир қилишига кўзим етмайди.

Туш пайтида тушликда Мазуркани уч тарафидан аёллар ўраб олиб ҳужумга ўтишганди.

Харина унинг олдига қофозлар ёзиб, гапиради:

— Сен қилган ишинг ва етказган жабрингни биласанми?

Аёл кишига нисбатан зўрлик ишлатиш мақсадида таъқиб этиш, камида икки йил сенга тайин.

Мазурка мулзам, нима дейишини билмай қолди.

Шунда Олтинсоч жуда ишончли ва қатъият билан гапирди.

— Аммо сен уч кун ичида шаҳардан қорангни ўчириб, бирор туманга бориб, даф бўлсанг, бу воқеаларни достон қилиб юрмасанг, қамалишдан қутиласан. Бунга мен кафилман.

— Лекин, хонимни унугтиб, ортиқча безовта қилмасамчи?

— Лайлони унугтишинг, эсдан чиқаришинг, у тўғрисида ҳеч қаерда гап кўтармаслигинг ўз йўлига, сенинг қоранг уч кунда шаҳардан учши шарт.

— Йўқ, десамчи?

— Қамаласан.

— У тўғрисида гап чиқиб кетса-чи?

— Сен бундай пасткашликка борадиган йигит кўринмайсан, — деди Лилия Дмитриевна.

— Ҳаётда аlamдан ҳар нима бўлиши мумкин?

Олтинсоч уни сиқувга одди:

— У ҳодда орияти бор дўстлари сени қамалишга олиб бормай бир нима қилиб кетса, мисол учун, уриб майиб қилмасликка кафолат йўқ. Буни ҳам назарда тут.

Йигит бир зум ўйлаб гапирди.

— Тушунарли. Мен розиман.

— Яхши, ёз.

— Нимани ёзай?

— Лилия Дмитриевна, айтиб туринг.

Харина сўзларини Галактион бошини ушлаб ёзишга киришди.

У берган тилхатда, ўзи, иш жойи, бўлган воқеа куни, жойидан ташқари, зўрлик, қонун олдида, шаҳарни ташлаб чиқаман, ўз ихтиёрим билан ва бошқа сўзлар бор эди. Галактион сана ва қўл қўйгач, бу қоғозни Олтинсоч сумкасига солди.

Шу пайт майор формасида полициячи пайдо бўлиб Мазуркани олиб чиқиб кетаркан, кўз қисиб уларга қараб қўйди.

Олтинсоч, киши билмас бошини силкиб, уйга боришим керак, бугун эрим хизмат сафаридан келади, деб рухсат сўради.

Харина ҳамманинг номидан: борақолинг Олтинсоч, сизга катта раҳмат деди.

Қайнэгачи кетиб, Лайло шифокори билан икковлари қолишиди.

Харина стаканларга шарбаг қуиди. Шарбатни хұплаб ичар-канлар, у ёқ-бу ёқдан сұхбатлашиб, бироз диллари ёришгач, шифокори сенлаб гапирди:

— Лайло, сен шундек назокатли аёлсан, ҳамма нарсанғ үзинг билан. Сенга нима етишмайды?

— Билмасам?

— Ҳамма нарса. Ҳусн, чирой, кийимлар эгнингда яраша-ди. Ҳашамли давраларда, катта-кагта мансабдор одамлардан таниш орттirmaйсанми? Мана нима ҳаётингни кемтик қилиб турибди. Олтисочни қара, үзини ҳеч йүқотмайды.

— Ҳа, Олтисоч опам бошқача.

— Сен ундан кам әмассан. Фақат, сен принципларингдан кечиб, очиқ юришни үрганишинг, ундан уялмасликни дүнди-ришиң керак. Депутаттар, амалдорлар, миллионерлар бор. Улар сени мансабдорлар базмалирига таклиф этишади. Қома-тиңгни күрсатиб, сал елқанғи күз-күз қылсанғ, бетүхтов та-бассум билан доим чақириладиганлар рўйхатига кириб қола-сан.

— Мен үзимни бозорга солишим керакми, бу менга маъ-кулмас.

— У ҳолда иш юзасидан, улар билан гаплашиб юрсанғ ҳам бўлади.

— Ҳимм...

— Менинг бир мижозимни эри бу ишларни ҳадисини ол-ган. Таништириб қўяман. Олтмиш бешга кирган бу кекса-каласи компьютер, юзталаб одамнинг исми шарифидан ташқари телефон номеригача ёдан билади.

— Мен айтган шартта мувофиқкина бу даврага боришим мумкин.

Харина энди сизлашга ўтди.

— Майли, сиз истаганча бўлсин.

Шифокор аёл телефон қилиб, Анастасия билан бироз гап-лашиб, унга фикрини айтганди, у телефонни эри Павелга тутди. Улар ўзаро сўзлашарканлар, сұхбатда, тижоратчи ни-хоятда тўзал аёл, ёш, Лайло, узбечка тушунчалари қайтарилиди.

Шифокор аёл унга жилмайди:

— Лайло, тайёргарлик кўр, сен мартабаликлар базмига пай-шанба кунига таклиф этилдинг. Ёнингда мен ҳам бўламан.

— Ташаккур.

Унинг овози хўрсаниб чиқди.

Харина буни сезиб, музлаткични очиб, оқ мусаллас олди.

- Энди вино ичамиз. Күпмас, бир бутылка.
- Ҳимм...
- Бигта ғап бор,
- Эшитаман.
- Мұҳаббат ҳақида.
- Қизиқ? Нима экан?
- Танлаган йигиттінг чиройли, келишган, алп қомат, лекин яхши тарбия күрмаган. Хонимлар билан гаплашишни, уларга мұлозамат, хушомадни ўрганмаган.
- Ҳимм...
- Сен күчдән йигит тошиб, севдим, күйдимни унуг. Хушторлар мансабдорлар, бойваччалар, мартабаликлар ичидан ўзи ҳали базмларга борсанғ кетингдан ёғлади. Эринг йүк – йүлнинг очиқ, Ёмонми, бироз учрашув ва васфинг учун катта совғалар, мол-мулк беришади. Ҳар ҳолда түпори ошиқ билан учрашиб қадр топмай, таҳқирланғандан күра, бу вариант маъкулмасми? Лайло, үйлаб күрарсан, жавоб беришга шошилма.

## ГҮЗАЛЛИК ШАҲАРЛАРНИ ОЛАДИ

Луниннинг йигирмасида таниш-билишлар, қадрдонлар келиб, у түррисидаги воқеаларни, турли кечинмаларни ва бошқаларни ичмилклар ичиб эслашди.

Хайрлашганда меҳмонларга юзини, дудогини тута бериб, Лайлонинг лаблари ҳеч нима ҳис қылмайдиган этта айланғанди.

Эртаси кечки пайт у қайнанасига шифокори таклифи билан бир жойга боришини айтди.

– Мени огоҳлантиrmай истаган жойингизга бораверинг, Буни олдинроқ ҳам таъкиддаганман, энди сиз менга келинмас, қиз ўрнидасиз.

Базмда турли доирага тегишли одамлар бўлишини ҳисобга олиб, шифокори маслаҳати билан кийинди. Ранги яшил кўк ва сариқ аралаш кўйлак танлади. Туфлини ёпар даражада тушиб турадиган бу енгиз кўйлак устидан олди сал очиқ, тутмаланадиган тўқ қизил кофта, кўкрак қисмида яшил бўёғдаги катта барг расми уйғуналашиб, бу кийимга ҳам бошқача тус бериб турарди. Соchlари юқорига турмакланиб, сариқ тасмачадан бантик тақилди.

Оёғига қизил капалакнусха нишони бор қора туфли. Колье, узук ва зираклар ҳам дид билан танланғанди.

Үстига кулранг манто ва бўйнида оқ ранг мўйна бор эди. Уларни Павел Павлович роппа-роса еттида ресторон эшигидаги кутиб туради. У сўрашган заҳоти тасанносини яшириб ўтирмади:

— Лайло, Сизни жон деб қабул қилишларига кўзим етятти. Хуш келибсиз!

Бу корпоратив вечеринкада ҳамма учун ўтирадиган жой белгиланмаган, аммо бъязи ардоқлиларга залнинг ўнг ва сўл тарафда тўрт-бешта стол қўйилганди.

Ўнг тарафга мартабалилар: шаҳар маъмурияти вакилларими, расмий одамлар, депутатлар, чап тарафи эса катта бизнесменлар, кўчага сўзи ўтадиганлар жоий ҳисобланарди.

Зал ўртасининг ҳар қаерида столларда икрадан, балиқдан, сур гўштдан бутербродми терилган, туричи имчилик, шарбатларни хизматчилар қуиб беришга шай туришарди.

Бу атрофда хонимлар, жаноблар жуда яхши кийинган ҳолатда, ёнларида бъязи бирлари балоғатта етган ўғил-қизлари билан, зал ичида айланиб, таниш-билишларига ўз ҳурматини ва саломини етказиб, бъязилари билан узокроқ, бошқаларига икки оғиз сўз ташлаб, шошмай, салобат ва виқор билан юриш одатий тартиб ҳисобланади.

Ҳозир Лайло Павел Павловичнинг тирсаги остидан қўлини ўтказиб, унга суюниб бораркан, ортиларида Анастасия ва Лилия икки эски дутона ниманидир эслаб, завқланиб келишарди.

Лайло ўзининг чиройли юришини, бошини тўғри тутишини ва зодагон аёлдек ён-атрофга виқор билан кўз ташлашини намоён қилиб, келганлар ёнидан ўтарди.

Аммо, залда бир-биридан чиройли, келишган аёллар шунчалик кўп эдикни, кишининг ақли шопиб қоларди. Улар кийиган кийимлари қайтарилиб, фарқли, оригинал фасонларда жилваланарди. Гўзалларнинг ичида сарик, малларанг сочли, кўк кўз гўзаллари кўп эди. Шунинг учунми, қош-кўзи қора гўзал Лайло дарров кўзга тушди.

Павел Павловични билганлар билан сўрашганда, Лайлони таништиришни сўраб, аввал ўзларининг номларини айтишарди.

Павел Павлович уни оддий таништирасди:

— Лайло, тижоратчи аёл.

— Ҳам соҳибжамол, латофатли денг, — деб қўшиб қўярди танишганлар.

Ўртада мусиқа ўйнаб, кўпчилик четта чиқишиди. Истаганлар рақсга туша бошлишади. Иогани Штрауснинг вальси янграради.

Павел Павлович Анастасияга имлаганди, у: аэробикага бортгандим, ўзи ўша ерда чарчаганман, рақсга тушигим йўқ, деди.

Павел Павлович шунда йўлини топди, атрофга кўз ташлаб, эски таниши олдига югуриди. Лайло аёллар билан қолди.

Боя танишганлар ичидан кирк ёшлардаги ўрта бўй, сочлари сарик, Галактига ўхшаш тик қомат кавалер Лайлони рақсга таклиф этди.

Улар вальс оҳанглари остида зал бўйлаб айланади кетдилар. Аслида ҳар бир базмда рақсни Павел Павлович бошлаб берар ва ундан ташқари уч-тўрт жуфтлик вальсга тушарди. Аксари бу жуфтликлар ёши ўтганлар бўларди. Ва улар орасида албатта Павел Павловичга етадигани топилмасди ва голиблиқ ёки олқишилар асосан унга тегарди. Бу гал бу ёшлар традицияни бузиб, ҳаммани ўзларига қаратгандилар.

Хозир Лайло мўйнали мантосини ечиб, елкаси бироз очиқ кофтада ва оригинал кўйлагидан, ҳар бир аъзоси белгилари ажралиб, қабариқ кўкрагини бўрттириб турарди. Ёнишиб кетган кўйлагидан қорни текислиги кўриниб, қоматининг бенуқсонлиги, айниқса рақс ҳаракатларида яққол билиниб, қарамагани қаратарди.

Атрофдагилар доира ҳосил қилиб вальс тамом бўлгунча томоша қилдилар-да, куй тугаши билан ёшларга чапак чалиб кузатдилар.

Кавалер Лайлонинг қўлидан қўйвормай аёллар қошигача кузатиб келди, кетгиси келмай рақсадаги ҳамроҳини сўзга тутди.

— Сиз туфайли шунча олқишиларга мушарраф бўлдик. Исмингиз ҳам чиройли. Нимани англатади?

— Чапак олишимизда сизнинг хизматларингиз ҳам кам эмас.

— Камтаринлик. Бу ёқда қоматингиз гўзал, рақсингизни кўриб кўз қувонади, яқиндан танишишга рухсат берсангиз.

Павел Павлович пайдо бўлиб гап қўшиди:

— Рухсат йўқ. Шундоқ моҳир раққосани бурнимни остидан олиб кетдинг.

— Ўзингиз узоққамас, ёнингизга қараб юришни қачон ўрганасиз.

Павел Павлович иршайиб, уни таништириди.

— Марқ Вайсман, нефть бизнеси боссларидан, шаҳардаги ўттиз фоиз ёқилғи қувиш шахобчалари унга тегишли. Ёни ўттиз саккизда, уйлапмаган...

- Бу ёғи қизиқмасдир.
- Аёлларга ҳар нарса қизик. Мен кичик тижоратчиман, холос.
- Асосийси гүзал, зодагон аёл күринасиз, шунинг үзи тенгиз қимматта эга.
- Ташаккур.
- Юринглар, Павел Павлович, менинг столим бўш. Ўша ерда ўтириб сұхбатлашайлик.
- Марҳамат, барча аёлларни сенга топширдим.

Улар чап тарафдаги энг охирги столга бориб ўтиришди. Стол ясатиғалиғ экан, ким шарбат, ким қизил вино йчишга ўтди.

Лайло жим ўтиришдан ўнгайсизланиб савол берди:

- Марк, рақсда профессионал уқувингиз бор экан.
- Ҳа, Ёшлигимда балет мактабига қатнаганман. Бўш пайтларда футболга ҳам борардим. Жиддийроқ футбол ўйинида оёқдан жароҳат олиб, профессионал балет ва футболдан ажраганман. Сўнгра ўқишига зўр бериб, нефть-химия институтита кирдим, бўш вақт рақс тўтаракларига боришни ҳам унтурмадим.
- Кишининг хоббиси бўлса яхши. Менинг хоббиим тил ўрганиш, шекилли.
- Ростданми? Рақс-чи? Сиз ҳам яхши тушар экансиз?
- Билмасам. Бегона шаҳарда битта ўзим тўтаракка боришта чўчирдим.
- Ҳа, Тўғри-да. Сиздек оғатижонни ўқирлаб кетсалар, миллион долларга ҳам қайтаришмайди.
- Лайлоними? Унинг баҳоси ундан бир неча марта баланд. Сиз қанча тиккан бўлардингиз?

Сұхбатта бемаврид Лиля Дмитриевна аралашиб, шу саволни йигитта берди.

Марк ҳам ўзини йўқотмай жавоб қилди:

- Мен билан турсалар, боримни берардим.
- Ўшанда хотиним бўлади-ку, бир гап бўлса ярми баримиди ўзимга қайтади, деб умид қилаяпсизми?

Кулишди.

- Ярми ҳам кичик пулмас.

Шу пайт Маркни чақириб қолишиди.

Фужердаги винодан аёллар хўплашаркан, бирпаста Марк асабий, қизариб қайтди.

Шифокор аёл сўради:

— Нима гап, Марк?

— Шунчаки.

— Айт. Бу ер жанжаллашадиган жоймас. Бирор тазийқ қиадими?

— Заурбек, Лайло менинг синглим, унинг сочидан бир тола түшсә... дәялти.

— Вой, абрах-эй! Хаддидан ошишини қаранг! Лайлони бугунгина мен олиб келган бұлсам.

— Ҳа-я. Бүш келиш йүк.

Лайло гапта құшилди.

— Заурбек ким?

— Криминалчилар каттаси.

— Шу ердами?

— Үртадаги парад столда.

Лайло мүйнали мантосини тақиб, унинг ҳузурига йўл одди.

У айтилган столга боргунча, уни танибми, иззат қилибми йўл бўшатиб туришар, кегидан икки қадамда Лиля Дмитриевна келарди.

У Заурбек столига яқин қолганда салом берди:

— Ассалому алайкум, Заурбек оға!

— Ваалайкум ассалом.

Алик ола туриб, у ёндагиларга имлади. Улар туриб нарироққа боришиди.

— Марҳамат, ўтиринглар.

— Ташаккур. Лиля Дмитриевна, сиз ҳам ўтиринг, Менинг оғам Заурбек шу киши бўладилар.

Заурбек индамай, бошини силкӣб, бу ёғи нима бўлади деб, унга ўткир нигоҳини тикди.

— Исмим Лайло. Сизга сингил бўлиш шараф. Аммо бაъзи шартларим бор.

— Сўйланг.

— Фақат менга нисбатан зўрлик, ноҳақлик ёки таъқиб бўлсагина сиз оға, ака бўлсангиз жон деб қабул қиласман.

Заурбек ўйлаб қолди, мана гап қаерда экан.

— Менинг бизнесмен ўртоқларим хоҳ, аёл, хоҳ, эркак ва улар қайси миллатдан бўлмасин, уларни танлаш ҳукуқи ўзимда қолади.

— Кейин-чи?

— Шунингдек, мен турмуш кўриб чиқсанман, айтмасам барибир суриштириб биласиз, шунинг учун ёр танлаш, у билан хандон отишми, рақста тушинши, бу ҳаёт лаззатидан шу

ерда ўрнатылған тартиб ва қоидалари негизида яшаш, бағтимни излаш изнини ўзимга берасизми?

— Яхши.

— У ҳолда мен сизнинг акалигингизни — мени ҳақиқатдан сингил ўрнида күраман деган күнингиздан қабул қыламан.

Заурбек индамай атрофдагиларга қараб үйлаб қолди:

— Гапларингиз дона-дона ва ишојатда мантиқди. Ўзингизга ярашди. Сизга ҳеч ким йўл тўсмайди.

Лайло унга бир зум бош этиб: кўп яшанг, оға, деб, шифокори ҳамроҳлигидә залға қайтдилар.

Энди икки оғиз улар бир-бирига мамнун тап қылгунича, Заурбекдан бир одам келиб Лайлого таклифнома берди;

— Заурбек туғилган кунига, «У Максима» ресторонига, якшанба куни таклиф этялти.

Шундай таклифномани у ҳамон Лайло ёнида ўралашиб турган Маркга ҳам бериб кетди.

Лайло йўл очилаётганига хурсанд, хаёлига бир фикр келди.

Заурбекка сюрприз қилишни ўлади.

— Марк, сизнинг тўғарақда кавказ рақсини ўргатадиган борми?

— Бор, бу мен.

— Аёллар рақсини-чи?

— Ўргатувчи топилади.

— Бўлмаса, эртагаёқ тўққизда борганим бўлсин.

— Нимага керак. Мен ҳам борайми?

— Кейин айтаман. Сизни иштирокингиз ҳам зарур.

Эртасиданоқ улар тўғарақда машқ қилишни бошладилар. Марк оёқ учиди, бармоқда ҳалигача юришни қойиллатаркан, унга қайтариш қийин бўлмади. Лайло ҳам бор вақтини сарфлаб икки-уч кун тўлиқ машқ қилиб, «Лезгинка»ни ҳаваскорлардан ортиқ ўрганди. Оқ, куйлак, бошга фатага ўхшаши аёллар бошига ташлайдиган рўмол ҳам топилди. Кийиб кўрса, ўзига мос келди. Узунлиги сал туширилди. Асосийси, катта ойнага бу кийимда ўзини солиб турса, ўқитувчиси мақтади.

— Бу ўйинни гулдек нозик кизлар ўйнайди, у ёқ-бу ёғи тутиб чиққанлар, бели йўғонларга ярашмайди. Сенинг қоматинг эса рақс талабларига мос келди. Яна елкангни, бошингни виқор билан тутишни билишинг рақста ўйгунлашиб, унга кавказ колоритини беряпти. Ҳали роса олқишлиар тагида қолсан.

## АВТОРИТЕТНИ ТАБРИКЛАБ

Заурбек «У Максима»даги юбилейига беш юз ўринга жой буюрганди, аммо мингдан ортиқ меҳмонлар келишди.

Натижада янги жойлар бирпасда ясатилиб, тўққиз юз меҳмон аранг сидирилди. Қолганлари тикка туриб ёки бир айланниб келиб, жой бўшаса ўтиришарди.

Шаҳар бошқарув вакили, бошқа органлардан танишлар учун тўрнинг ўнг томонидан жойлар қилинганди. Уларнинг кўпчилиги эр-хотин келишганди.

Ўртада юбиляр учун ўтирадиган жой саҳнага ўрнатилган эди. Меҳмонлар учун столларда йўқ нарсанинг ўзи йўқ эди. Балиқ, гўшт, товуқ маҳсулотлари, хўл мевалар, банан, ананаслар, ичимликлар дарёдек тошган. Совуқ кунда ичмайман деган кимса ҳам тошилмасди.

Мерия вакили сўзга чиқиб жиiddий табрик айтди, олқинлар бўлди. Заурбекка қутида тилла совға қилиб, у билан кучоқлашиб ўпишди.

Бошқа табриклашдан сўнг турли тузилмаларидан танишлари номидан чиқсан вакил совға топшираркан, Заурбекни кучоқлаб ўпишни унугмади.

У табригида қуйидаги сўзларни ишлатиб, меҳмонларни кулига ва таҳсиинига сазовор бўлди.

— Дўстимиз Заурбек Кавказ тогининг бургути, у фақат чўқимай, кент қанотлари остида дўстлари, қадрдонларини ялаб-юлқашни ҳам қойиллатади, деб ўйлайман.

Павел Павлович, Анастасия, Марк ва Лайлолар бир столга жойлашди. Улар Заурбекка яқин столда, бироқ кийим алмаштириш хонасига чиқишга қулай тарафда эдилар.

Табриклар, истаклар кўп танишларидан эшитилди. Заурбек уларни бир хил нигоҳ билан қабул қилиб, ўз ўйлари билан ўтиргандек эди.

Павел Павлович сўз сўраб, навбатта ёзилиб кеди. Юлиан унга ўн-ўн беш минутлардан кейин табрикка чақиришини айтди.

У рақс тушувчиларга имлади, улар кийим алмаштириш хонасига ўтиб кетдилар.

Павел Павловичга сўз берилганда, у Заурбекни қайсиadir хизматлари ва одамларга кўмакларини эслаб узоқ гаширди. Унинг ёрдамчилари охири бориб қисқарок сўзлант, одам кўп, деб танбех, берди.

У нихоят ёшларни кўргач: «Заурбек, сенга битта сюрприз тайёрлаганмиз, шунга бир баҳо берсанг», деди.

Заурбек энг юқоридаги столда бир ўзи ўтиради. Ёндаги ўнг тарафдаги столда ўй ва саккиз яшар қизи, ўғли, қариндош-уруг амакиваччалар, холаваччаларми, бор эди.

Лезгинка чалинди.

Заурбек нигоҳи ўртага қадади.

Залга раққоса ва раққос чиқиб, росмана қавказ рақсини бор қоидаларини жойига кўйиб ўйнай бошладилар.

Заурбек йигитнинг бармоқларда сакрашларигача, раққосанинг оқ қушми, ё товусдакми қўлларини тепага, бир ёнга солиб бошини чиройли этиб сувда сузгандек айланишиними таъсиридан ҳайрат ва ҳаяжонга тушиб ёрдамчисини чақириди.

Унга рақс тушаёттганларнинг номларини келтиришганда, у ўрнидан туриб, ўртага чиқиб кетди ва Лайло қаршисида ўтириб олиб қўлини чўзди, раққоса унинг қўлини ушлаб товуслардек унинг атрофида айланиб, қўлидан чиқарди-ю, даврани каттароқ олиб ўйнаб келиб яна унинг ёнида пайдо бўлиб, унинг атрофида оқ капалакдек чиройли ва майин учгандек юзарди. Кимdir келиб Заурбекнинг тиззаси қаттиқ ботмадими деб юмшоқ ёстиқча ташлаб кетди. Лекин унинг фикризикри рақсада, кўркам, гир-гир айланётган оққа ўранган чиройли раққосада эди. Атрофдаги чапаклар, олқишлиар остида рақс поёнига етди.

Лайлонинг қўлини кўйиб юбормай, Заурбек бошини сил-киб-силкиб ўрнидан турди.

У Маркни қучоқлаб бағрига босди:

- Раҳмат сенга, бир умр эсдан чиқмайдиган иш бўлди.
- Мен эмас. Бу Лайлодан чиқсан фикр.

У ён-атрофига қараб ўтирмай, энди раққосани оҳиста кучиб:

— Лайло менинг синглимдек бўлди. Қабул қилинглар ва хурмат жойида бўлсин, — деб у чор атрофга ва қариндошларига қаради.

Лайло, боя имлаганда олдига келган Анастасиядан қутича олиб, туғилган кунингиз муборак бўлсин Заурбек оға, деб қўлига перстень тақди ва криминаллар отасининг бўйнига беихтиёр осилиб, қизиган ёноқларини юзига босди.

Ва чапаклар ҳамроҳлигида ўз гримхонасига югурди.

У жойига келиб ўтирганда Павел Павлович уни қўлидан сиқиб қўйди:

— Лайло, одамлар йиллар давомида бу одамни зътиборига тушишни ўйлады, ҳимоясида бўлсам дейди. Сен эса бунга бирпасда сазоворсан. Табриклайман.

Марк ҳам келиб ўтириб, бош бармоини юқорига кўтарди.

Вино қўйиб қўлларига олишганда, уларга биринчи бўлиб кавказ сихларида қайноқ қабоб тортишди.

Заурбек ёрдамчиси Лайлонинг қулогига шивирлаб, уни тўрга хўжайини ёнига таклиф этганини айтди. Лайло бошини кўтариб, унга тикилиб турган Заурбекка қараб, ўрнидан турди.

Сўз таниқли кинорежиссерлардан бирига берилганда у ҳазил билан гапини якунлади. Америкада «Махлук ва соҳибжамол» деган мультфильм бор, менимча, ҳозир шу фильм қаҳрамонларига ўхшаш персонажларни ҳақиқийсини шу залда кўриб турибсизлар, деди. Кўпчилик бакрайиб, баъзи зўрлардан ўдағайлаганлари ҳам бўлди: «Эй, нима деяпсан?», «Қаерда ўтирганингни эсдан чиқардингми?». Шунда кинорежиссер шовқинларга зътиборсиз давом этди.

— Мен соҳибжамол ролига актриса топиб қўйдим, агар жаюб Заурбек рухсат берсалар гўзал Лайло бу ролга муносаб.

— Лайло кинематографияда ўз кучини синааб кўраман деса, қаршилигим йўқ,

— Жон деб кинога тушишга тайёрман, — деди Лайло.

Кинорежиссер давом этди:

— Махлук ролига ҳам кандидатура аниқладим.

— Ким? Ким?

У ҳаммага кулиб қараб гапирди.

— Мен... Мендеқ бадбашара ва қиёфаси бузилган бошқа одамни бу залдан топа олмайсиз.

Чиндан, кинорежиссер паст бўйли, бурни катта, кўзлари чақчайган ва овқат ейишни яхши кўрганидан думалоқ ва чўчқадек семиз, бўйни бошига қўшилиб кетганди.

Чапак ва кулги бўлиб кетди.

Ўзини кулгига қўйган одам кўпчиликнинг наzdida аҳмоқ-дек кўринса-да, бундай кишилар аслида алоҳида ҳурматга сазовордирлар.

У Заурбекнинг қўлинини сиқиб яна саволини қайтарди:

— Синглингиз Лайлого йўл берарсиз, профили ва силуэти чиройли экан, кинога яхши тушади.

— Гапим гап. Бу қарор Лайлонинг ўз ихтиёрида қолади.

Кинорежиссер Лайлонинг қўлидан ушлаб:

— Эшитдингиз-а. Сизга роль тайин, — деди. — Қачон менга учрайсиз?

— Билмасам.

— Тез орада, — деб унинг ўрнига жавоб берди қўшни столдан Марк.

Кулишдилар.

Кинорежиссер пайтдан фойдаланиб Лайлони ўзига тортиб ўлмоқчи эди, у қўлини узатиб кулди:

— Кўлимни ўпа қолинг, у ҳам ўзимники.

Яна куалги ҳосил бўлди.

Сўнгра братвалар вакиллари совваларини рақс тушадиган залга киритиб қўярканлар, юришта жой қолмади. Булар аслида совваларининг ўндан бир қийматига ҳам тўғри келмасди.

Братвалар номидан Саян турархи вакили қалмиқ Никотин лақабли Николайга сўз берилиди. У кўп сигарет чекканидан юзи, бурунларида қорага яқин доғлар пайдо бўлган ва лақаби ҳам шунга мосланганди.

— Заурбек, отам, братвалар доим сенинг ҳар қандай қарорингни маъқуллаб келишяпти. Бутун хурсандчилик кунида сенга омонлиқ, соғлиқ тилайман. Бу ёқда тутинган сингил ҳам муборак бўлсин. Худди жапон аёлидек чиройли экан. Икки ойлик ўлпонни олдиндан майли берай, фақат синглингни бир ўпай.

Бундай гаплар учун бошқа вақт ё калтак, ё бир умр таъқиб остида қолиш мумкин, кўчада ҳар бир сўз, харакатга жавоб бериш шарт, аммо тўйларда хурсандчилик чоғларида тост, табриқда айтилган сўзлар, истаклар кўпингча ҳазилга йўйилади. Шунгами бутун зал ҳоҳолаб кулди. Айниқса, братвалар вакиллари тиззалирига, бир-бирларининг елкаларига уриб, полни тешшарди.

Никотин Заурбекка тик қараб жавоб кутарди.

Заурбек сингилга нажот истаб нигоҳ ташлади.

— Лайло, мени бу вазиятдан халос этинг.

Лайло официантга имлади, у икки фужерга оз-оздан вино кўиди. Сингил ўрнидан туриб, Никотин олдига викор билав ўтди. Қўлидаги винони унга тутиб, бронденшафтга мослаб, қўлларини тирсаги остидан киритиб, винони бир маромда секип Никотинга кўз қирини ташлаб ича бошлади.

Залда ўтирганлар уларга тикилиб қолишиди, атроф жимжит. Орқадаги столдагилар ўрниларидан туриб олишган.

Лайло одамларнинг қизиқишини ошириб, винони жуда секин ичиб бўлди-да, унга интиқ қараб турган Никотиннинг лабига лабини босиб тезда олди.

Қийқириқ ва чапаклар бўлиб кетди. Никотин лабини ушлаб-ушлаб жойига бориб ўтиаркан, баъзи братва ўрнидан туриб, унинг қўлини сиқиб қўйишарди.

Ўртани олиб бораётган Юлиан эълон қилди:

— Навбат бадиий қисмга.

Вальс чалинди.

Заурбек мусиқага беэътибор ёндаги ёрдамчиси билан гаплашиб ўтирас, унинг кайфияти яхши эди. Кўп ўтмай Марк пайдо бўлди. У Заурбекка мурожаат қилиб, синглисини вальста таклиф этишга изн сўраб, Лайлого испора қилди. Заурбек барчанинг нигоҳи улардалигини англаб, йўқ дейиш мумкинмаслигини англаб, марҳамат, деди.

Марк қўлини чўзганда, Лайло хурсанд, оёғимни чигилини ёзаман, ўзимни бир кўрсатаман қабилида ўрнидан турди, шунда Анастасия унга Заурбекка имо қилди.

Лайло тушунди. У Маркга қўлини бермай, Заурбек томон кўз қирини ташлаб олди-да, чор-атрофга нигоҳини тикиди.

Даврадан кимдир қичқирди.

— Заурбек ўйнасан.

Атрофдагилар бу ҳайқириқни қўллаб чапак чалдилар.

Заурбек ҳайрон атрофга, Маркка ва охирида унга кулиб турган Лайлого кўз қирини ташлади.

Лайло унга пичирлади:

— Биринчи рақсни, одатда, юбияр бошлайди.

Заурбек хижолатли, лекин шодон дамларга ошна бўлиш арафасида эди. Уларнинг чеккасига қадам қўйишлари билан вальс тушиши қоидасига кўра Заурбек ўнг қўли панжаларини ёйиб Лайлонинг белидан юқорироқ ўнгта қўйди, шу онда ўзига яқин бу кишисининг ҳароратини туйиб, зал бўйлаб у билан айланишга тушди.

Лайлонинг чап қўли унинг елкасидан бўйнигами, кўксига довур иссиқдикми, нурми, қувватми бериб, дилини равшанлаштириб ёритиб борарди. Табиатан камган, чехраси кам очиладиган бош авторитет ҳозир оддий одамлардек рақсга тушиши, ҳусни беқиёс сарвиқомат билан ҳосил қилган жуфтликни кўз-кўз қилиб айланишидан чап тарафдаги братвалар қизиқишлирини яшира олмай, эътибор ва қувончда бу саҳнани кузатардилар.

Заурбек қоматини тұғри ушлаб, мағур, ортиқча тишининг оқини күрсатмай рақс тушарди. Бу унинг профессионал касбидан келиб чиққан хусусияти зди.

Рақс охирига етди.

Чапак, қарсақлар бўлиб, ҳайқириқлар эшлилди.

Ҳамма ўрнидан туриб кетганди.

Этикет юзасидан Заурбек Лайлонинг қўлини ўпди.

Лайло эса икки қўли билан авторитетнинг юз-қўзларини силаб, сўнг кўзига босди. Бунга яна қарсақ кучайди.

Мартабалилар столида ўтирган маъмурият вакили ва қанақадир қўшин генерали хотинлари ўзаро гаплашиб қолдилар:

— Бу жувон ҳамма нарсани тұғри қиляпти.

— Доимо омма кўзидалигини хис қилиш, малика Дианадек ўзини тутишини қаранг.

— Тўрт хавотирли ҳолда ҳам одамнинг ҳавасини келтириб ҳаракат қилди.

— Биринчиси?

— Кириб келишларида ўзбекча, русча ва кавказча салом қилди.

— Тўғри. Иккинчиси, иргамчи кинорежиссерга дудоғини тутмади. У чўчқадек ичиб олган, оғзи ҳам сасиганди.

— Учинчиси. Заурбекни братвалари олдида хижолатини чиройли бекитди. Оддий бўса ўрнига бронденшафтта ичгани уларга биз сиз билан биргамиз, оғимиз ердан узилмаган, яқин биродармиз дегани зди. Братвалар бекорга хурсанд бўлиб қичқиришмади.

— Тўргинчиси ва асосийси. Биринчи рақсини юбияр рухсат берса ҳам, у билан тушиш лозимлигини эслатиб, донолик қилди.

— Рақс охирода, юзларини силаб, кўзига суриши бу шарқона одатми?

— Ҳа, сиз менга азизсиз деганини англатади.

— Нима дейсиз, шу сабаблар етарлими, Лайлони ўз таркибимизга қўшсак?

— Етарли. уни жон деб қўшган бўлардим. У барча миллатлар дунёқараши, турмуш тарзини бир-бирига яқинлаштириш тарафдори. Турли ҳалқлар одатларини жойида қўллаб, ардоқлаб, ўзига мақтov йигади.

Биринчи аёл Алевтина Марковна ва иккинчиси Маргарита Назаровна зди.

Гурухда Маргарита Назаровнанинг гапи гап ҳисобланади. У ҳозир Лайлони қўшишга қарор қилдими, бўлди. Алевтина Марковна сўради:

- Алёнани нима қиласиз?
- Алёна бетайин. Сўзларимизга ҳам юрмасди. У гурухга келмайди, айтаман. Бирам ўзига қарамай, беўхшов, фаросатсиз, на кийим-бош ярашади, на мулозиматни қойиллатади. Лайлони қаранг, кўриб кўзинг қувонади. Ундаги ҳуснни кўриб, шунаقا бекиёс чирой ҳам бўларканми, деб ҳалигача ҳайратимни яшира олмаяпман.

## ЗАУРБЕК СЎЗИДАН ҚАЙТДИ

Орадан икки кун ўтгач, Лайлони Заурбекнинг одамлари излаб келишди.

Заурбек оғиси «Зеленый» бозорининг ичидә эди. Лайло замонга қараб, ёлиштириб шим ва кофта кийиб олган, устидан қора қалта пальто ва бошида оқ шапка, оёқда оқ этикча бор эди. Бу кийимлари билан Заурбек хонасига кирганда, Заурбек, ҳатто унинг ҳинд меҳмони ўринидан туриб кетишиди. У пальтосини ва шапкасини ечиб, соchlарини елкасига ташлаб силкитди. Ҳинд унинг ҳуснига ва кўксига тўғри келган қора кофтасидан ўттан тасмадек оқ йўлларга тикилиб, у билан қуюқ саломлашди.

- Ҳэлло.
- Ҳэлло.

Меҳмон америкалик ҳинд Акшай. Чопра бўлиб, унинг сўзларини ёш чечен студент таржима қиласарди.

Лайло Заурбекнинг ўнг томонига ўтирди. Заурбек уни меҳмонга таништиришдан қизранди ва зимдан унга қаради.

Меҳмон ўн партия моллар келтириш учун олдиндан эллик фоиз пул ўtkазишни сўради, таржимон студент эса, қисқароқ қилиб Заурбекка етказди:

- Пул сўрайти.
- Қанақа пул?
- Эллик минг бўлса керак.
- Яхшилаб сўра.

Таржимон ҳинд билан қайта гаплашиб, энди «ҳа, эллик фоиз экан», — деди.

Инدامай турган Лайло тўғри таржимани келтирганди, Заурбек ажабланди.

- Инглиз тилини биласизми?

- Бироз араб тилини ҳам.
  - Араб тили нимага керак?
  - Дубайлик шайхдан совчи келган.
  - Нима?
  - Ўйлаб кўришим керак. Маслаҳат берсангиз?
- Заурбекни астойдил жаҳди чиқди.
- Маслаҳат кейин. Яхшиси ўзингиз гаплашиб кўринг, пулни кейин тўлаймиз, молни юборишсий, кафолатига Майамида виллаларим бор.

Лайло меҳмон билан гапга тушиб кетди. Меҳмон инглиз тилида сўзлашаётган таржимоннинг ниҳоятда дилбарлигидан у билан тўхтамай чақчақлашиб сўзлашди. Агар сизга бўлса, молни шундоқ етказардик, бир ўзингиз кўп миллионлик мол кафолатига ўтасиз, деб гап қистириди. Лайло унинг сұхбатига ташаккур билдириб, Заурбекка қаради. Бор гапни айтиб берди ва ҳатто, Лайло ўзи буюртмачи бўлса, шундоқ кафолатсиз беришлари мумкинлигини кулиб айтди.

Заурбекнинг разаби қўзиб, ҳиндга катта менежер билан телефонда видео ҳолатини улаттириб, ўзаро юзма-юз кўришган ҳолда сұхбатлашишини ташкил қилишни буюрди.

Ҳинд барибир ҳеч нима ўзгармайди деб, бепарво номерларни терди. Бош менежер ўрта ёшли, жуда оройишта йигит экан, Лайло у билан сұхбатга кирди.

- Менинг ёнимда жаноб Заурбек ўтирибдилар, улар ва мен сизга салом йўллаймиз жаноб Сомерсет Порше.
  - Саломат бўлинглар.
  - Бизга охириги партия моллар ҳали етиб келмади. Шуни тезроқ жўнатсанглар, деб илтимос қилаштилар.
  - Унинг пули-чи?
  - Майамидаги қатор виллалар гаровга қўйилган, хабарнингиз бор экан. Шуларни инобатта олсангиз, жаноб Порше.
  - Сиз янги таржимонмисиз?
  - Ҳа, шундоқ деса ҳам бўлади. Вақтинча.
  - Овозингиздаги самимият менга ёқди. Чиройли аёлларга йўқ, деб ўрганмаганман. Розилигимни Заурбек Кошиевга етказинг. Ҳа, балки Майамига келарсиз, меҳмоним бўлардингиз.
  - Таклифингиз учун раҳмат. Жаноб Порше, аввал шартномани охирига етказиб олсақ, нима дейсиз?
  - Яхши. Акшай Чопрани чақирсангиз.
- Лайло, улар рози, деб телефонни Акшайга берди.

У ҳам бир зум ўтмай, Поршенинг эътирози йўқ деди.

Заурбек хурсанд тушликка таклиф этди.

Ва «Марказий»га уларни бошлади.

Тушлик пайтида бу истараси иссик, лаблари қалин Акшай нукул. Лайлони сұхбатта тортганидан Заурбекни күнгли ғаш бўлиб, бояги таржимон Маҳмудни чақириди.

Гарчи Лайло ора-чора Акшай нимани сўраётганини Заурбекка билдириб турса-да, меҳмон уни алоҳида бир ўзини чет эл опера юлдузлари концертига таклиф эттанини айтами, ийўқми деб ўйга чўмганди, Заурбек сўради.

— Концерт ҳам дедими?

Лайло алдаб бўлмаслигини тушуниб, қўлини унинг қўлига босиб сўзлади:

— У мени концертга таклиф қилди.

— Концертга Маҳмуд билан борсин, айтинг, Сизнинг измингиз менинг қўлимда.

— Заурбек, бошқа нарсага келишган эдик-ку?

— Лайло, наҳотки мен ғоғил, кўзи кўрга ўхшасам.

— Йўғ-эй?

— Шундай экан, сизни ҳеч кимга бериб қўймайман.

— Нега айнадингиз, оға?

— Ҳиндга айтинг, тошини терсин ва қайтиб сизга осилмасин.

Лайло Акшайга, фирмá тартибига кўра, таржимонларнинг алоҳида чет элликлар билан норасмий жойта бориши ман қилинган, деди.

Маҳмуд келиб билганича сўзлашиб, меҳмонни олиб кетди.

— Оёинингиз енгил экан, ишим битди.

— Энди сўрашга рухсат этсангиз. Нега чақиргандингиз, оға?

— Оға демант. Сизга яқинроқ, Заурбек бўлай.

— Менинг ишларим нима бўлади? Йиғилишим бор, бекачларни чақиририб қўйгандим.

— Ёрдамчингиз ўтказсин. Бугун дам оласиз.

Шу пайт Лайлого қўнғироқ бўлди.

— Қаердасиз Лайло?

— Мени кутманглар. Олтинсоҳ опа, ўзингиз ўтказа беринг. Зоя Аловна фикрини айтмай туринг.

— Албатта. Хайр.

— Яхши.

Заурбек уни сув ҳавзасига бошлаган эди.

- Марҳамат кириңг.
- Бассейими? Суви иссиқ экан.
- Бу ёғи сауна. Ана тайёр кийимлар.
- Оға, мен олдингизда қандок сувга тушаман?
- Башқалар билан чүмилмаганмисиз?
- Улар бефарқ одамлар эди. Сизнинг күзингиңда эса ғала-ен күраяпман.
- Ғала-ен эмас. Ошиқлик ўти. Майли, ёлғыз чүмила қолинг. Мен кетдим. Сизнинг хонангиз ўнгда.

Заурбек чиқиб кетди, аммо юқорида ўтириб бемалол сув ҳавзасини томоша қилағанда сауна тепасидағи кичик хонага кирди ва жувонни чүмилишини күзатиб ўтирди. Лайлонинг сувда бемалол ҳаракатларини күриб у хаёлга чўмди: ё ажаб, баъзи аёллар оддий вазифаларни эпломайди, бир ишта ярамайди. Бу оҳанраболи эса тил билса, рақсда қойиллатиб хиромон этса, ўзига қараб, кўп болаликка ўхшамай юрса, сузишни ҳам эпларкан, деб шундок пастдаги креслога келаётганинг қоматидан кўзини узмай, миясига келган фикрдан ҳовлиқиб ўрнидан турди.

У бир зумдан кейин бассейнга кирди-ю ўзини сувга ташлади. Лайло ундан четланиб, эгнига узун халат кийиб олди.

У ёнита келиб ўтирган Заурбекка, нега бесўроқ кирдингиз демади. Чунки у ҳеч ким билан ҳеч қачон ҳисоблашмайдиган феълли одам эканлигини билади. Қайтага таъна-дашномдан жаҳли чиқиб кетса, қаттиқроқ сўзлаб, силтаб юборса, обру тўкилади.

Тўғрисида унга тикилиб ўтирган Заурбекнинг хаёlinи бўлиш учун жилмайиб гап ташлади.

- Оға, илтимос, бундай қараманг.
- Хаёл кетибди. Америкага қўшимча шартнома тузгани мен билан бориб келмайсизми?
- Жон деб борардим. Сомерсет Порше ҳам таклиф этганди. Меҳмон қилмоқчи.
- Қачон улгурди.
- Бояги сұхбатда. Эшитмадингизми?
- Йўқ. Ўзларидаги эркинликни тарғиб этадиган аёллардан зерикиб, энди осиёлик аёлларга ёпишиш уларда мода.
- Ҳимм.
- Хўш, борасизми?!
- Москвага боришим зарур. У ерда ўғлим бор. Какку күшдек уч боламни уч жойда қолдириб юрибман.

— Биламан, ҳаёт тарзингиз ҳақида етказиши. Ажрашган бўлсангиз ҳам, обрўйингизни сақлаб келаёттанингиз учун қанотим остига олишни ўйладим.

Лайло энгасиб унинг қўллариға бошини кўйди.

— Лайло, ҳамманинг олдида синглимдек дедим-у, лекин бу ерда сизни ҳеч кимга бериб қўя олмас эканман. Рашиким қўзғаянти.

— Оға, сингилни рашик қилишмас, суюш лозим, холос: Мен ўз ҳаётимни ўзим ҳал қилишни хоҳлардим.

— Лекин сизга тент келадиганлар бу ерларда йўқ ҳисоб. Мавқеи, мартабаси паст ва феъли бузук одамларни ўйла-манг. Ёш, навқирон йигит бўла туриб, умрини ароқ ичишга бахшида қиласидиганаарни кўрсам, ҳайрон қоламан. Оби кав-сар сувини имони бор одамлар колиб, пиёнисталар ичса тўғри-ми, шунингдек сиздек ҳурилиқо, жозибали диабарни калта-бин, фаҳм-фаросатсиз одам бағрига олса йиртиб ташлайман.

— Ҳай, ҳай, оға. Шайтонга ҳай беринг.

Заурбекни чақириб қолиши. у қайтиб киаркан, ҳамма-сини кейинроққа қолдирларинг, дегани эшитидаи.

Қарама-қарши креслога ўтиаркан, Заурбек жиiddий сўзлади:

— Сиз аёлмас, иблиста, жодугарга ўхшайсиз?

— Шунақа даҳшатлимани? — деб жилмайди Лайло.

— Бир-икки кўришда ҳаловатимни йўқотдим. Бир ёқда эшиттаним, эрингиз Азиз сиздан ажralиб, девона сифат бўлибди экан?

— Билмасам. Алдоқ ва хиёнатта унча-мунча аёл чидолма-са керак. Мен, мисол учун, кўтара олмадим. Энди ақлим тўлган сари кечиримли бўлиш лозим экан, деган фикрдаман.

Заурбек унинг бу сўзини эшитмаганга олиб, бошқача гапиради:

— Ҳозир ходимани юбораман. Саунамизга кириб чиқинг, яқинда қуриб биттазганимиз. Бир ёғи исиниб ҳам оласиз...

Ташқаридаги хонади тамадди ҳозирланган экан. Асалли чой ича туриб, Заурбек жиiddий гашга тушди.

— Мен меҳрга муҳтожман. Лайло сингилмас, яқиним, сир-дошим, ўнг қўлим, маслаҳатчим, хотиним бўлинг. Никоҳ ўқитайлик.

— Йўқ, никоҳ керакмас. Қўрқаман. Мен хотинлик қила олмайман. Менга ўйланиб, сизнинг омадингиз кетса-чи? Эрни баҳтли қилолмайман, қисматимга шу ёзилган, шекилли...

У ўрнидан туриб дераза олдига бориб кўз ёш қилишга тушди. Заурбек тинчлантирай деб юзига қўлини олиб борса, унга иссиқ бир неча кўз ёшлари тұхтамай томди.

— Менда ҳам қалб бор, турмуш ўртоқларим бошқалардан ўқори мартабаларга эришишини хоҳлардим. Шароитлар яратыб, айтган измидан чиқмаганман. Ичиб, маст-аласт ёпиштанды ҳам ўзимдан итармадим. Бекорга таъна тошини отиб, кўнглини оғритмагандирман-ки, ҳалигача мени севишади. Фақат битта айбим, ортимда қолган кунимга қайтиб яшолмайман.

— Ҳимм...

— Ё фалак, мен энди эрга тегишим бекор. Бирони баҳтли қилишга ишончим қолмаган, Заурбек. Агар сиз учун суюмли бўлсан, жисмимни сизга назр этайми? Гуноҳи менга. Токи тошқин тўлқинларни фақат тоғлар қайтаради.

Заурбек индамади.

Яна овқат келди.

Лайлло келиб жойига ўтирди.

Улар соусга ботириб қовурилган жўжа ея бошлишди. Лайлло кўзларини онда-сонда Заурбекка қадаб, унинг кўзларида ҳеч қандай маъно тополмай, ўзига-ўзи савол берди: нималар деб қўйдим, енгилтак бўлиб қолибман, ҳайф сента аёллик. Энди номим ким? Мени ким деб атайди? Эртагаёқ Москвага кетмасам, ўшанда билишади Лайлонинг қадрини.

У Заурбекнинг нурсиз қараашларидан истихола қила-қила, ғурури поймол бўлаётгани, қадри букилаётгандек туюлди ва шартта ўрнидан туриб кетиш учун эшикни очай деса, у кулф-лоқдик экан, аччикланиб, лекин разабини ичига ютиб, алам-зада Заурбекка қаради. У эса иблисона кулиб туради:

— Хоним, сизни роса қийнадимми?

— Қайси бирини айтасиз?

— Ҳозиргиси? Ё бошқа ҳам азоб бердимми?

— Сизни билибманки, кўз ўйини, бундай хурсандчиликни бурундан булоқ қилишни тушунмадим.

Заурбек унга яқинлаб, шивирлади.

— Катта тўй қиласилик. Қолган умримиз ўзимизга фойдага қолади. Сиз менга кераксиз.

— Севгисиз, ҳис-туйгусиз бўларканми?

— Хоним, суйишим, ёқтиришим кўзимдан кўринмаётидими?

— Лекин бояги ҳолатдаги тикилишларга унча-мунча одам чидамайди. Қаердан ўргантансыз бундай қараашларни?

- Тұрмада. Күнлар, ойлаб бир нұқтага тиқилиб ўтираса, ҳамма нарсага одам құнишиб қоларкан.
- Аммо, мен әркін яшамоқчиман. Ваъда берған әзингиз?
- Ваъда бергандым, энди қайтариб оламан. Сизни Мұмтоз-ни ардоклаган Шоҳ Жаҳондек севаман, бошимга құтараман.
- Заурбек сүзида туради, деган әдилар.
- Ишқа, мұхаббатда хис ақл-идроқдан устун туради. Ваъданы бузған шулар.
- Ҳой, Заурбек, менга үйланманғ. Мен ёмонман. Бир неча әр күрдім. Яна ишқ деб тазийқларға учраганман.
- Гапирманғ буёгини. Яхшиси розилик беринг.
- Айтдим-ку, мен дүнә кезмоқчиман. Қарорларни үзи қабул қыладиган аёлдек яшаши орзуим, қайта зерға чиқиб оғим-га кишин үраймы?
- Үзим дүнени айлантирсаң бўлмайдими? Йўқса, анави Маркга үхшаган хотинбозлар қўлига тушиб қоласиз. Сўнгар-мон қиласиз.. У ҳам майли, битта-яримта зўравон ҳамла қилас-чи... Ҳусни-камолингизга бирпасда мубтало бўлаёттандар озми? Ёки бирор рақсингиздаги хиромонни кўриб ўтираб кетишса-чи? Уйида бекитиб чўридек сизга муомала қиласа, бир йилга ҳам бормай тароватингиз кетиб, охорингиз тўкилади...
- Заурбек, энди бу аёлга маъқул келдим деб чўчитиб, тамоман ўзингизга оғдириб олмоқчимисиз?
- Ростми гапингиз? Мени ҳам севса бўладими?
- Лайло жавоб ўрнига, гапни бурди.
- Заурбек, овқатингиз учун раҳмат. Мени залтиб қўйсан-гиз. Какку қизини одига бориши керак.

## ЯНА ИЛАКИШГАН КИМ?

Эртаси Заурбек тушликка бирга боришини илтимос қил-ғанди, Лайло рад қилолмай, индамай рози бўлди.

Улар номи чиққан ўша «Марказий»да тамадди қилин-шаркан, Заурбекни битта одати, алоҳида кабинет буюрти-риб ўтирасди, шунгами уни таниғанлар сўрашиб кетишар ва қиши билмас у топган маҳдиқога ҳам кўз қирини таш-лашни унугтишмасди.

Таомларни тановул қилиб бўлишгач, Заурбек яна қўлини сўраб таклифини қайтарди. У бугун кўзлари ялтираб Лайлого қиё боқарди.

Лайло унга катта мастьулият ва бурч юкланишини ўйлади. Ич-ичдан бунга тайёр эмасди. Фақат кимга маслаҳат солсин? У ўйлаб қолди, қизининг бир гал Галакти устида айттани түғри чиқди. Қизини кўрсатиш баҳонасида Заурбекни уйига таклиф этди.

Улар кириб келишганда, Светлана Петровна ухлаёттан экан, Заурбекни меҳмонхонада қолдириб, Айсуни етаклаб чиқди.

Айсуни кўриб Заурбек шошиб қолди. Қўлидан битта узук чиқариб унга тутди.

Қизалоқ узукни қўлига олиб, узукдан қон ҳиди келяпти, эгаси танишингиз экан, деб бижиллади.

— Ҳа, Лекин сен қаердан биласан.

— Ойижен, булар яхши одамлар. Мен кетдим.

У шундай деб, узукни столга ташлаб, ўз хонасига югуриб кириб кетди.

Лайло унинг ортидан бориб, уни гапга солди:

— Қизим, нега унақа дединг?

— Улар сизни адамдек яхши кўради. Айтганингизни бажарадилар. Кўллари узун. Яна тунгус аёлдан сўранг. У ёғини улар айтсан.

— Нега мақтадинг. Энди мен унга бир нима дейишим керак.

— Тунгус аёл сизни сўрайлти, ҳозироқ боринг. Менинг кулогимга билдиришди.

Заурбек Лайлонинг қизи чиройли, шунчалик байрон ва донолигидан ҳайрон, у башоратчими? — деб сўради. Лайло шивирлади: ҳа, лекин илтимос, ҳеч ким билмасин. Кўз тегади.

«Мерлион» марказида тунгус аёл уларни дарров қабул қилди.

— Келишингни билардим. Қизалогинг айттанилари хатомасми? Жабр кўришингни огоҳлантирса ҳам у сариқ соч билан учрашибсан?

— Илтимос, бу ҳақда кейинги сафар гаплашайлик, ҳозир эса...

— Чақир сенга илашганни.

Заурбек кирди.

Тунгус аёл унга бир-икки кўз қирини ташлаб, саволга тутди:

— Бехосдан одам чаваклаб қўйганмисан?

— Ўзимни ҳимоя қилганман.

— Үзингнинг юртингдан экан-ку, катта пулга сотилиб, сирни ошкор қилган эканми? Хотининг ҳам у билан ҳамтовок, бўлган.

- Бу ёрини нега айтаяпсиз?
- Уйланмоқчимисан? Лайло ҳам биласин-да?
- Душманларинг кўп, Эҳтиёт бўл. Сенга рухсат,
- Биламан. Хайр.

Заурбек чиқиб кетди.

Тунгус аёл: «Сенга яхши суюнчик эр бўлади», деди.

— Лекин мей эрга текким йўқ. Нега менинг қўнимим йўқ, ошиқлардан баҳтим чопмаган? Унча-мунчаси кўнглимга утирамайди. Дилга тушгани ҳам тезда ёқмай қолади.

— Сен бу сабабларни онантдан сўра. Мазмунан бувила-ринг ёки ажодингда шунаقا ҳаётни жуда севган одамлар руҳи сенга ўтгандир?

— Сизнингча уларнинг қони мендә хуруж қиляптими?

— Ҳа. Ҳаёт сенга энди бошлияни. Мұҳаббат ҳам. Сен доимо эркаклар орзуси бўлиб юрасан, улар сени талашиб, тортишиб, рашик қилиб, устингдан жанжаллар чиқсан ва келгусида ҳам юз беради. Кўп тасодифлар кутяпти. Ҳисларимни яшираман, чеклайман деб овора бўлма, уларни қўйиб юбор. Токи, сен дараҳтдан узилган ҳазондек шамолларда тўзиб юрасан, ўз масканинги топтунингча, учиб юриш сенинг тақдирингда бор.

— Үнда хўшторлардан бўшамас эканман-да? — деди Лайлосилтаб.

— Нолима. Ардоқли, суюмли бўлишдек баҳт борми аёл кишига.

— Заурбекка турмушга чиқмасликнинг иложи йўқми?

— Москвага кетиб қолиб, бекинсанг сенинг баҳтинг. Аммо у ерда ҳам сени топса, ҳа демаганга қўймайди.

— Баҳтчи, мұҳаббат-чи?

— Унинг сенга ишқи баланд. Сени ҳечам хафа қилмайди. Яхши, ёруғ кунлар сизларни кутаяпти. Сен ўзинг ыккапсанг ҳам, унга қизиқишинг бор экан-ку? Ё нотўғрими?

— Хижолат қилманг, ҳаммасини айтдингизми?

— Асосийларини сенга етказдим. Хайр. Қизининг яхши қара.

— Хайр.

У ташқарига чиқса, Заурбек машинасини қиздириб турган экан, дарров иўлга чиқишиди.

- Мени оғисда қолдирсанғиз.
- Заурбек уни оғисгача күзатиб деди:
- Эртага пешинга совчилар боради.
- А-а-а?

Заурбек құлудаги қутини очиб, унга узук тұтди. Лайло бир нима дегунча машинаға қайтды ва ҳайдовчи газ беріб жұнаб қолишиді.

Лайло кабинетига жира солиб, Олтінсочни йүқләтиб, иккита кофе буюрди.

Олтінсоч тезда кирди.

- Нима гап Лайло. Ҳам хұрсанд, ҳам ҳаяжондасиз?
- Ҳа. Опача, мени әрға чиқаришыпты.
- Яхшику?
- Опача? Мен әнді әрлар сонини ошириб, шоу вакилла-ри билан мусобақа үйнайманми?
- Буни тақдир дерлар. Нима бўлибди? Ким сўраб қелган?
- Заурбек.
- Заурбек? Криминалданми?
- Шұнақа, шекилли.
- Кутмагандим. Вой, келин пошша, кимлар билан, нима-лар қилиб юрибсиз! Ҳатто, бир сўз дейишга ҳам ҳайронман.
- Кофедан ичинг, совиб қолади.

Кофе ҳўплаб, Олтінсоч миясида ҳар турли комбинацияларни кўриб чиқди. Агар унга келини тегса ютуқ томонлари обрў ошади, баъзи товарларни биринчи қўл шартида сотишта имкон туғилади, майда конкурентларни синдириш осон, ортиқча бюрократик тўсиқлар силлиқланиб, ўз-ўзидан ҳал бўла-ди. Энг асосийси, жамиятда нуғузли аёл мақомини олади.

Әрга тегмаса, шу ҳолат, шу ҳолат. Балки келинини таъқиб қилиш, номини булаш ёки бадном қилишга уринишлар юз берар. Бизнесига таъсир, мижозларни айнатиш. Йўр-эй, Заурбек унақа пасткашликка қўл урмайди. Лекин, унга эътиroz билдириш, Лайло мартабасини ҳам кўтармайди. Зодагонлар уни тушунишмайди, улар Заурбек тараф бўлиб олишса, унда қадри кетади. «Биринчи мартабамас, нега ноз қилди?», деган гаплар чиқади. Олтінсоч иккинчи вариант ютқазиқ эканлигига кўзи етди.

У масаланинг моҳиятига етиш учун Лайлони гапга солди.

— У сизни қайдан танийди, келин.

Лайло шифокор аёли орқали зодагонлар корпоратив вечеринкаларига борганидан тортиб, контактни боғлаш ва яқин-

дан танишиш учун кавказ рақсини ўргангани, Заурбек юбилейида намойиш қылғанларигача айтиб берди.

— У сизга эпди бөвланиб қолдими? Яшаш тарзи, ҳәтидан хабаршыз борми?

— Қаёқда? Кимдан сұрардим?

— Бу ерга ўн етти ёшида аласи билан иш қидириб келиб қолған. Химия-технология институтига кириб ўқиб юрганида, уч курс паст курсдаги Алёнага ошиқ бўлган. Тўрт йил бирга юришиб, йигирма беш ёшида уйланган. Иккита фарзанди — қиз ва ўғил кетмә-кет тувилиган.

Алёнанинг отаси амалдор, унга ердам берган, икки мингингичи йилларда, уйланган вақтидан бозорда кўк ва сабзавот сотишдан катта бизнесга кирган. Қимматли қорозлар, уйжой бизнеси билан шуғулланғандан марказий бозорниң кўп акциялари унинг қўлида йигилган. Демакки, бозор назоратини Заурбек амалга оширади. Авваллари регионга товук, оёқларини Америкадан олиб келган, биринчи қўй ҳукуқи ҳам унга тегишли эди. Пичоқвозликда қатнашиб уч йил қамалиб чиққанига уч йил бўлди. Уни криминаллар ўзларига ота қилишди. Қамалгanda хотини ажрашиб ярим мулкини тортиб олган. Ҳозир у билан олди-бердиси йўқ. Лекин болаларини ташлаб қўймаган. Чет тилида ўқитиладиган гимназияга боришиди.

— Бошқа уйланмаганми?

— Никоҳида бир кавказлик қиз бўлган. Нақд тоғдаги қишлоқлардан, содда келин бўлган экан. Тиалин яхши билмайди. Туемаган экан, шунгами узоқ турмаган. Аёл ўз қишлоғига қайтибди, олти ойлар бўлди шекилли. Заурбек унга анча пул бериб жўнатибди. Бүёғига у бўйдоқ.

— Хотини ўткирмиди? Пулларни нима қилган?

— Алёнами? Семиз, камҳаракат. Кўп гапириб, ўзини ақлли кўрсатадиган, назокатсиз аёл. Қўлидан ҳеч бир иш келмайди. Ҳатто Заурбекдан теккан магазинни банкротта олиб бориб бой берди. Иш юритувчилари билан ишлаш ўрнига, ишқий алоқалар қилган, деган гап бор, яна билмадим. Натижажа маълум.

— Ҳимм...

— Кейин Заурбек у магазинни зўрлик қилиб бўлса ҳам ўзига қайтарди.

— Арзийдиган дўкон экан-да?

— Шундоқ «Марказий»ни ёнидаги «Тонг юлдузи» супермаркети.

- Ростданми?
- Ҳа. Янги әгаларини рози қилгунча Заурбекнинг анча дули кеитан. Эгалари сотишга мажбур бўлишди.
- Рейдерлик денг?
- Бу Россияда, ҳамма жойда бор.
- У эртага пешинга қариндошлари билан қайнанам уйига совчиликка келади. Сиз нима дейсиз.
- Эртагача муҳлат бор, ўйлаб кўриш керак. Ҳа, қайнанамиз ҳақи қолибдими?
- Ҳар ҳолда ҳурмати, яна катта уйи бор экан десин, дондан кўра. Сиз ҳам борсангиз. Собирхўжа ака, Нишон акани эркаклардан айтсақми?
- Яхши, уларга ўзим тайинлайман.
- Жонимга оро кирдингиз, йўқса мен кўнироқ қилишга истиҳода қилаётгандим.
- Ҳа, мабодо, Заурбекка расмий тегмоқчимисиз?
- Буни ўйлаганим йўқ эди.
- Криминалларнинг расмий хотинидан никоҳдагиси тинчрок. Ҳар турли ғалвадан нари бўласиз.
- Бир башоратчи унга эрга теккин деб маслаҳат берди. Ўзим эса на расмий, на никоҳ ўқитиб турмушга чиқишига борзумандамасман. Энди нима бўлади, опача?
- Унинг кўзига тушиб қолибсиз, яна ўзингиз шуни холабсиз?
- Астойдил хоҳламовдим, ўйин қилиб ўзимга бир қаратмоқчи, кетимдан оҳ-воҳ, қиладиган шайдога айлантироқчи эдим, холос.
- Ўйиндан ўт чиқади дегани шу. Мана сизга шайдо қилиш скібати, энди хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам ўзингизни келинлик тӯшагида кўрасиз.
- Вой, қанақа бўларки? Қўрқиб кетяпман.
- Улар баробар ҳоҳлашиб кулишди.

## ҚОЧҚОҚ, КЕЛИН

Эркаклар меҳмонхонада, беш киши бўлиб, тўйни маслаҳатини қилиб ўтирганларида, бошқа уйда Светлана Петровна йиғлаб қолди:

— Лайлло, эвди бу уйга камдан-кам келаркансан-да, Сениз бу уйим совуқ, ҳувиллаб жонимдан ўтиб кетса-чи?

— Нега унақа дейсиз, битта Айсуниң үзи ўнта Лайлота дарс беради, — гап қўщди Олтинсоҳ.

— Айсуни кўпчиликка кўрсатишига кўрқаман. Кўз тегмасин илоё. Майли, қизим баҳти бўл. Аммо у Заурбекинг жуда баджашл кўринади, қандай турасан. Сени чўрига айлантирса-чи? Уларда шунақа, шекилли?

— Эй, бўлмаган эски гаплар. Заурбек замонанинг одди. Дунёқарали янгича. Аввалги хотини Алёна рус бўлган. Шунгами, у илғор фикрлайди.

Олтинсоҳ Лайлонинг Заурбекка тегишлита тарафдор, шунгами йигитни мақтади. Яна кечач үйдаги кенгашидан эркаклар ҳам шу фикрни тасдиқлаган эдилар. Лайлого эркинлик, кенг давраларни гули бўлиб юриши ёқади, уни доимо назоратига олишни зса унча-мунча эркак эплолмайди ва зарурият туғисла ҳимоя қилишни ўхшатолмаслиги ҳам мумкин.

Совчилар илтимослари билан тўй ўн кун ичида ўтказилиши белгиланди.

Лайло бир-икки кун ўзида бўлмай юрди. Унинг тўй муносабати билан қайтага кўнгли ёришмай Москвага бориб келишини ўйлаб юрганди. Людмила Юрьевна қўнғироқ қилиб қолдию, тезда етиб келишини, ундан Лондонга бориб келишини сўради.

Лайло ҳайрон ҳолда сўради:

— Нимага?  
— Сабаби жуда жиддий. Илтимос, тез етиб кел, кейин тушунираман.

Лайло Людмила Юрьевнанинг жиддий ва ҳовлиқсанча айтган сўзларидан вазият унинг бориши зарурлигини англаштарди. Демак, менга боғлиқ бирор воқеа рўй берган деб ўйлади у, биринчидан. Иккинчидан, нима бўлса ҳам, баҳона пайдо бўлганидан мамнун эди. Чунки энди Красноярскни тарк этиш мумкин эди.

Бу орада Заурбек кунда унга қўнғироқ қиласар, совсалар, тилла тақинчоқлар, тўйга олинидиган кийимлар тўғрисидами, келин томонидан келадиган меҳмонлар таркиби тўғрисидами сўрарди. Лайло, ҳамма нарсам бор. Мени бир-икки кун бозовта қиласанг, деб, илтимос қилди.

Ўзи бир кун ўтказиб, эртасига ўч ким билан хайрлашмай, кичик сумкасини олиб, самолётга ўтириди.

Лайло тўй қолдирилганини манзилга етгач телефонда айтишини режалаштирган эди.

Лайло қайга борса, кийимлари топилади. У шаҳардан бу шаҳарга кийим юклаб, катта чемоданлар кўтариб юриш ода-ти йўқ.

Самолётга таниш орқали досадка, қўшимча бўш қолган жойга чиқарилди. Стюардесса уни тижорат класси салонига олиб кириб:

- Бу ерда асосан чет эзликлар, артистлар, — деди.
- Жуда соз, улар билан зериқмасам керак.

Унга охирги қаторда иккита ёки биринчи қатордан бир бўш ўрин тавсия қилди. У биринчи қаторда Николони кўриб ҳовлиди. Унинг ёни бўш эди.

- Николо. Яхши юрибсизми?
- Николомасман. Сизнинг ўзингиз ким бўласиз?
- Кечирасиз, Николога ўхшаш экансиз?

Лайло охирги қаторга бориб ўтирди.

Чиндан ҳам Николога ўхшаш экан. У ўйга чўмди...

Ўшапда, бундан уч ойлар олдин Флоренцияга фестивалга Никитин Лайлони ўзи билан олиб борди. Флоренцияда қадимги опера санъати асарларини профессионал труппа артистлари билан бирга ёшлар ариялар билан қатнашдилар. Никитин жюри аъзоси сифатида, ҳар куни фестиваль ишчи гурухида вақтини ўтказди.

Лайло шаҳарни кўрсинг деб, Никитин инглиз тилини биладиган таниши Николони унга ҳамроҳ бўлишини сўради. Николо қош-кўзлари қора, жингалак сочли, ўрта ёш, Никитиндан ярим қарич баланд, келишган йигит. Аммо ўйчан, оғир табиат экан.

У Лайлого Флоренция, унинг қадими тарихи, уни машҳур қилган шўх аёллари даври ҳақидә гапириб уч-тўрт кун шаҳарнинг қадими ёдгорликларини кўрсатиб, биноларига, черковларигача олиб кирди.

Театрларга томоша вақтида ёпиқ бўлса ҳам меҳмон ҳурмати очдириб, уларнинг эски биноларини намойиш этди. Саҳна, амфитеатр, портер, балконларидан иборатлигини кўрсатаркан, қизнинг қўллариданми, елкаси, беллариданми билиб, билмай ушлаб қўйишни бир неча марта амалга оширди. Қиз унинг қўлларини кулиб суриб қўярди. Театрнинг қоронғу йўлагидан ўтища у яна хуруж қилиб қучоқлади.

Лайло тисарилиб сўради:

- Жаноб Трапотони, агар хотинингизни бирор шундок кўчада бағрига тортса яхшими?

— Аллақачон бу ишни Евгений үддалаган, шундан кейин хотиним мендан кетиб, ажрапди. У Никитинни яхши күради.

— Ростданми?

— Ҳа.

— Бас қилинг. Қанақа бүштоб одамсиз.

— Евгенийни қачондан бери биламан. Дүстмиз. Келганды уйга олиб кетардым. Хотиним, қызим бор эди. Энди улар алохыда яшайды. Айб ўзингда, қозиқни яхши қоқмагансан, хотинингни илип ечилиб, кетиб қолган, деб, Евгений мени мазах қиласы.

— Юра қолинг, Концертта қайтайлик.

Николо бошини эгиб унинг орқасидан келарди, Лайлоди ичиде ўлади:

«Евгений фирм хотинбоз. Лекин қанақадир қизик, у билан одам зерикмайды. Қилиқларидан яна ўртоқлари хафа бўлмайди. Николо каби одамларга ачинасан, лекин ўз уйга олиб борган, хотинидан огоҳ бўлиб турмайдими?»

Бирпас туриб, унинг хаёлини бўлиб, ёнига боши кал артист келди.

— Николо Трапотони, музикантни айтаяпсизми?

— Ҳа.

— Мен унинг укаси Жаванни Трапотониман.

— Наҳотки?

У умуман Николога ўхшамасди, аммо Лайлоди сир бермади.

— Мен опера артистиман. Красноярскда йигирма кун бир нечта опералар қўйдик, яна Москвада шунча вақт бўламиз, — деди Жаванни.

Лайлоди Чопра таклиф этган опера артистлари концерти шулар ижросида эканлигини билгач, ўзининг таассуфини ачиниб сўзлади.

— Афсус, билмай қолибман. Италия операси жону дилим.

— Бирорта ария айтиб берайми?

— Самолётда мумкинмикан?

— Сиз учун ҳамма нарса мумкин.

Жаванни аввал паст овозда Вердининг «Трубадур»идан ариялар айтди. Сўнг «Кармен»га ўтди.

Стюардесса унинг тепасига келди ва Лайлоди ҳавас билан қаради, чунки бу ҳаракатлар у учунлигини сезганди.

— Командир фақат паст овозда айтишни илтимос қилди, йўқса, овоз қаттиқ резонанс бериб, самолётни силкинишига олиб келаркан, — деди.

Спөардессалар бу құшиқ айтишлар Лайлого ишқибозлик, екиш, унинг эттіборини қозониш мақсадыда эканлигига шубда қилишмас, айниңса инди тұлалдан көлған ўрта ёшли, баритон овоздаги артист ҳам Жаваниңга жүр бўлышга жон-жон деб қўшылғанидан фикрлари тўғрилиги тасдиғини топтанды.

Лайло чапак чалиб, уларни олқишилаб қўйди. Жавани эса унинг қўлларини олиб ўпмоқчи эди, у ҳар доимгилик тўғрисини айтди.

— Мен кўлимни ўшишларини ёқтирмайман. Узр.

— У ҳолда.

— Сизларга катта раҳмат.

— Шу холосми?

— Тамагирлик яхшимас. Оллоҳ макруҳ қилган нарса, — деб сўз ўйинини бошлади Лайло.

— Аёл кишини хушомад, мақтовлар билан ийдирмассангиз, у ҳеч қачон дилидан ўзи илтифот қилиши қийин.

— Дилядан сухбат курмоққа изн бергани, аёл кишининг илтифоти.

— Лекин жуда кичик-да бу илтифот.

— Каттаси яқинларга, кичиги оқиналарга.

Кофия сўзлари келиб қолганидан Лайло шарақлаб кулди. Унинг овози шунчалик бекараз зидики, салондаги артистлар унга ўтирилиб қарашибди.

— Жаванини, табриклаймиз, топган жононинг бунча хушчакчак,

— Ўзим ҳам хурсанд, ёнида дунёниг четига учишга тайёрман.

— Ўйингизда хотинингиз борлиги эсингиздан чиқдими?

Жавани иккинчи ролларни ижро этадиган семиз Ривера хонимга қараб, ижирғаниб, жавоб қилди.

— Биршас ўзимни бўйдоқ ҳис қилишимга ҳам қўймайсиз. Нега ҳам сизни хотиним билан таништирган эканман.

Улар итальян тилида бир-бирларини чўқиладилар.

Сўнг салонга осудалик чўқди.

Лайло ҳар доим қарзини қайтаришга ўрганган. Ҳозир уларни кўнглини олганлари учун ўзи ҳам «Сунбула»ни бошлайми ё йўқми, деган хәёлга борар, лекин профессионал овози йўқлигини, аммо қариндош-уруглар эшиттанида нуқул мақташгандарини инобатта олибми, Жавани қўлига секин туртди.

Жавани унга қайрилди.

Лайло халқ суйган қўшиқлардан бирини айта бошлади.

*Сунбула-ю, сунбула,  
Үраб олай гул билан.  
Менинг кўнглим сен билан,  
Сен борасан ким билан  
Қадамингда гуллар очилсин!*

Энди факат Жаванимас, салондагилар секин-аста орқага ўгирилиб, унга тикилиб эшита бошладилар.

Лайло қўшиқни юракдан чиқариб айтарди.

Биринчи қатордаги мусиқачи ҳатто скрипкасини чиқариб, қўшиқни куйга солиб турди. Жаванини баояти баритон кўзларини бир-бирларига уриштириб, қошларини кўтариб ҳайратларини ифодалардилар.

Лайло қўшиқни охирги куплети сўзларини айтди.

*— Бу дунёда бор бўлса,  
Юрак бағри бутуни.  
Коғоздан ўчоқ ясаб,  
Гулдан қиласай ўтнини.  
Қадамингда гуллар очилсин!*

У қўшигини тугатар-тугатмай, ҳайқириқ ва олқишилар ичida қолди. Бу ёқда унга кулиб қараётган чехралар чапакларини узоқ тўхтатмадилар. Жаванини ўзини йўқотиб кўйиб уни қучишини ҳам, қандай ҳайратини ифодалашга ҳайрон бақрайиб қолганди. У факат:

— Брависсимо! О yes! — деб қўярди.

Лайло кўпчиликни ҳурмати ўрнидан туриб, қўли кўксизда, чиройли калом қилди. Ўгирилиб қараётган йўловчиларни ўртасини ёриб, унинг қошига баояти биринчи қатордаги мусиқачи келди ва сўради.

— Қўшигингиз куйини тўғри акслантиридимми? Эшитиб кўрсангиз, Карло, сен тур-чи?

— Ҳа. Узр. Бироз шаккоклик қилдим. Мен Карло Паскулиман. Жаванини Трапотони аслида скрипка чалувчи, акаси Николо саксафончи ҳисобланади.

Карло кетди.

Лайло асл Жаванинга қайтага хурсанд бўлди. У ниҳоятда тарбияли ва андишли кўринди. Куйни чалиб тамомлади ва секин нитоҳларини қизга тиқди. Лайлого Жаванини ижроси, ўзини тутиши маъқул келганди. У куйни охиригача эшитаркан, беихтиёр йигитта қараб, унинг қўллари ҳаракати, юзи-

даги сәмимий ифода, жингалак сочларига ва қора күмирдек күзларига нигоҳини бир-бир ташлаб қўйди.

Стюардесса самолёт қўнишини, ременларни тақиб олишни эълон қилди.

Боя турганида ременлар учи ерга тушган шекилли, уларни Жаванни қидириб топиб, уни бирлаштиришта ёрдам берар экан, нафаси шундоқ яқинидан келди.

Лайло лузум билан раҳматини айтди.

Жаванни жавобан бош силкиб қўйди.

— Николага ким бўласиз?

— Ҳеч кими.

— У ҳолда қаердан танийсиз?

— Никитин орқали.

— Шунақами? Тушунарли. У Николо оиласини бузган.

— Хабарим бор.

— Менинг оиласам йўқ, Бўйдоқман.

— Омадингиз бор экан, — деб Лайло кулади.

— Никитинг шама қиляпсизми? Менинг оиласини буза олмасди. Кўрсатиб қўярдим. Николо ўзи ўта интеллигент.

— Ҳа, у сиздан кўра бўшроқ шекилли.

— Менга исмингизни айтиб, телефонингизни берсангиз?

— Шуни ўзими?

— Ҳозирча шу,

— Айтмасам-чи?

— Сўнг армон қилиб юрмандиган.

— Армонга арзийдими?

— Шундоқ эркин музикантни қўлимдан чиқардим, мени энди ким Италиянинг жануби бўйлаб саёҳатта таклиф этади, деб куйиб қоласиз.

— Сабаблари жиддий экан. Мен саёҳатни жуда ёқтираман.

— Балки энди яқиндан танишармиз.

Лайло унга визит карточкасини берди. Ўз навбатида Жаванни ҳам уни қандай топиш мумкинлиги тўғрисидаги бор маълумотларни ёзив берди.

— Москвада ўн кун бўламиз. Балки бизнинг операга келарсиз?

— Билмасам. Мени Москвада қандайдир сирли иш кутаёттандек, бўш бўлсан кўнгироқ қиласман, Жаванни. У қўлини узатди. Жаванни унинг қўлини сиқиб қўйиш ўрнига энгашиб юзига босди.

## ОХИРИ БАХАЙР БҮЛСИН ЭКАН

### ЕВГЕНИЙ ЁРДАМГА МУХТОЖ

Людмила Юрьевнанинг ўзи Лайлони аэропортда кутиб олди.  
Улар Жаванни билан гаплашиб чиқиб келишганди.

- Бу ким, Николоми?
- Йўқ, укаси Жаванни экан.
- Ҳа, акасидан кўра сал жонлирок, шекилли. Бизниги борадими?
- Нега энди?
- Кўпинча, Евгений Николони уйга олиб кетарди.
- Йўқ, улар труппасининг Москвада концерти бор экан, бирга бўлишади.
- Сенга ёпишиб олибди. Ўшанга сўрадим.
- Мен ўзим ташаббус кўрсатдим.
- Янгилик-ку? Фақат сен эртагаёқ, Лондонга учишинг керак.
- Нима гап ўзи? Нега у ёқса бориш шошилинч.
- Евгенийни гаровдан кутқариб келасан.
- Қўлимдан келмас. Ким тутқун қилган? Уларни танимасам.
- Танисан, Амин.
- Амин? У тирикми?
- Тирик. Жони бирам қаттиқ экан.
- Нимани хоҳдаяпти?
- Сени кўришни.
- Ўрнига ўрин, Евгений озод, мен гаровга тушаманми?
- У сени яхши кўради. Бошқа аёллар қуриб қолгандек, бир фосиқни ишқи фақат сени дермиш. Сенсиз ҳаёт кўзига қоронғумиш. Бўлмаса, Евгенийни Лондонга боришини қаердан билади. Никитин деб қидириб, яқинда Лондондаги мусиқа фестивалига боришини ой-куни, етиб келгани, қайси меҳмонхонага жойлашганини Интернетдан аниқ-

лаб, ресторандан маст чиқаётганини пойлаб, олиб кетибди.

- Ҳа, Евгений ичса, гоҳида ўзиңи билмай қолади. Бу рост.
- Илтимос, ёрдам бер.
- Полицияга хабар берилса-чи?
- Амин у ҳолда ўзимни ҳам, Евгенийни ҳам ўлдираман, деб огохлангирган.
- У телбадан ҳар нарса кутса бўлади. Дубайдаги ҳам менинг тинч кўймай нукул хонамга соқчиларни кўзини шамралат килиб, тунда бостириб кираради. Худо бир саклаганди.
- Лайлло, сендан умид. Бир марта кўзингни чирт юм.
- Мама, у қора менинг гуруримни поймол қилиши мумкин.
- Йўғ-эй! Сен уни алдаб, аврайсан. Дорилар топиб кўйдим, ичирсанг бўлди, хушидан кетади.
- Бу ёғини ҳам ўйлаб кўйибсиз. Шунга ҳам раҳмат.
- Тушун, Евгенийни ўлдириб қўйса, мен ҳам чўкаман. Амирни ким оёққа турғазади.
- Йўлда чарчадим. Уйга етиб келдик. Мен сал ўзимга келиб олай. Кейин маслаҳат қиласиз.
- Ҳа. Албатта. Ана бассейн, сауна тайёр.

Москвада март ойларининг ўртасида совуқ камаяди. Лайлло Лондондаги об-ҳавони ҳам билди. У ерда эса туман ва доимий бўлиб турадиган ёмғирни айтмаса, умуман ҳаво бир хил илиқ.

Амир ҳаракатлари мўл, тиниб-тинчимайдиган бола бўлибди. У онасига зўрга келди. Лекин бувисининг бағридан чиқишини ўйламайди. Лайлло кўзларидан ёш томчилади. У охирги пайт ҳис-туйгуларини ийғи билан ифодалашга ўтиб олганди. Бу унда беихтиёр юз берарди.

Людмила Юрьевна унинг кўнглини кўтарди.

— Доченька, ўксима. Ҳали каттароқ бўлсин, сени дейди. Мен бир чеккада қолиб кетаман.

Москвадан Лондонга учган самолётда, ёнига ёш оила ўтирган экан, улар кўтарилишмасдан сумкасидан егуликлар чиқариб ейишга бошлишди. Унга ҳам таклиф этишди. Эр хотин юзлари қип-қизил, жуда бақувват ва бироз тўла эдилар.

Лайлло бошини чайқаб, уларнинг таклифини рад қилди. Унинг хаёли, бирор бир бўш, бемалол жойга кўчиб ўтишда эди.

Стюардессага соғ инглиз тилидаги мурожаатидан кейин, уни бирор мансабдор идорадан деб билишдими, ўрта са-

лондаги бүш уч жойнинг бирига күчиб ўшигга ёрдам беришди.

«Энди бемалол ўйга чўмиб кетиш мумкин», — деб ўйлади Лайло. Боя у самолётга чиқишдан олдин, Светлана Петровна га телефон қилиб, Заурбек билан тўйи қолдирилганини ётказини сўради.

— Тўпса-тўёри, сенга у бош оғриги нимага керак. У фирт ишкан-ку! Оёғингта болта уриб ўйдан чиқармаса пима қиласан? Ёки ҳар бир қадамингни ўлчаб қўймайди.

Сўнгра Ойгула опага кўнғироқ қилди. Узок ҳол-аҳвол сўрашиб гаплашишди. Орасида Ёдгорни сўзларини эшилди.

— Ойи, қачон келасиз?

Лайлонинг кўзларидан ёшлар силқиб жавоб берди.

— Тез орада.

— Йиеламанг, ойи.

Телефонни Ойгул опа олганда у тамомая хўнграб йиғларди.

— Вой, қоқиндиқ, келинжон. Нима бўлди?

— Чарчадим шекилли. Бунча дарбадар экан қисматим.

— Нолиманг қизим, Сабр қилинг. Ана Олтинсоч индамай ўтирибди-ку!

— Ҳа-я. Шундай йиғлайдиган бўлиб қолдим. Дийдам бүш бўлиб қолган, шекилли. Лондонга кетяшман. Хайр.

— Шунақами. Яхши бориб келинг, келин.

Сўнг у Тошкентта телефон қилганда кулиб, ҳазиллашиб гаплашди ва ўзининг хафақон руҳини онасига ўтказмади.

Уни қайнанаси кузатаркан, «Билет умумий салондан бўлибди, жой ёқмаса стюардессаларга айтсангиз, фақат русча сўраманг, инглиз тилида илтимос қилинг, натижасини кўрасиз», — деганди, мана яхши ўринга жойлашди. Қайнанам балони билади, фақат Аминдан Ёвгенийни кутқаришга ақди етмай, ўзини баҳшида қилмай, ҳал қилиш йўлларини у ўйлаб борарди. Сумкасида ҳар эҳтимолга қарши уйқу дори таблеткалари бор. Божхона текширувчиси « Эҳтиёткор аёл ўзи билан олиб юраркан-да», деб, индамай ўтказиб юборди.

Хўш, балки Заурбек одамларини ишга солса-чи, зяди бўлмайди. У билан боғланиш, ўзини бўйини сиртмоқча тикиш билан баробар. Аёл боши билан бу авантюрага балки бекорга кўшилгандир.

Орадан икки соатча ўтди.

Лайло ўйлардан чарчаб кўзларини юмиб ухлашга ҳаракат қилар, аммо бунинг улдасидан чиқмасди.

Шунда у бўлгуси Амин билан бўладиган учрашув тўғриси-да ўйларкан, негадир ҳеч қандай хавф-хатар сезмасди. Чунки Амин уни қанчалик яхши кўришини, унга охирги пайт ҳатто кўзига тик, бақрайиб қарамаганини эслади. Тортинчоқ, ҳатто уятчан ҳолати кўз ўнгидаги намоён бўларкан, ҳов ўша биринчи кўргандаги дағал йигитни, муҳаббат қанчалик ипакдек мудойим қилиб кўйганидан, буига ўзи сабаб бўлганидан, ҳатто фурурланиб ҳам кўйди. Сўнг хаёли Людмила Юрьевна гетди. Бу кўпни кўрган аёлни баъзи қилиқлари, ҳатти ҳаракатларига ижобий баҳо бериб ўтираркан, баъзи гапсўzlари, хаётта эркинроқ муносабатларини, шу юзасидан унга берган панд-насиҳатларини ҳозир эслаб мийнида кулиб кўйди...

Людмила Юрьевна ўтган умри, ўтказган турмуши ва ҳаётга муносабати, эри, таниш-билишларини таърифлаб, қуида-гиларни айттанди:

— Сен борган сари ёқяпсан. Кийинишингда камчилик иўқ, мен ҳам ёшлигимда роса кийинардим. Либосларимни энг яхши магазинлардан жазманларим олиб берарди. У вақт Максим Карлович асосий вақти гастролларда бўлса ҳам кўп пул топмасди. Мени эса хушторларим зериктирмасди. Буни Максим билар, барибир мени яхши кўрарди. Бойлини кўпини менинг ҳусним топган, ошиқларим совғалари-дан тўрт хоналиқ уйнинг икки хонаси банд бўларди. Дунёда яшаб қолиш керак, Лайло. Сен ҳам бу тентак Евгенийга сажда қилма, агар чиройли юришни биладиган бойвачча хуштор, жазманларни орттира олсанг, у ҳеч нима демайди. У ҳам отасига ўхшаш қўрқоқ эркаклардан. Фақат ошкора юриб, унинг номини булғамассанг бўлгани. Унинг айтишга арзигулик мусиқа дунёсида ўз обрўси бор.

Ўшанда Лайло қайнанасидан тикка сўради:

— Мама. Буни жиддий айтаяпсизми?

— Муҳаббатда ҳазил кетмайди, — деб ганини давом эттирганди Людмила Юрьевна. — Фақат ҳис биланмас, бойлиги ва мартабаси учун севишни ўрганинг, камбаҳал, қашшоқ, омадсизларга тобим йўқ. Сизга ҳам маслаҳат бермайман. Ҳеч қачон уларни ёнингизга келтирманг, улар баҳтсизлик келтиради.

Людмила Юрьевнанинг одати, жон бериб қулоқ соглан одамни сизлаб ҳам қўярди.

— Мама. Бундай енгилтак хоним бўлишим шартми? — ҳайрон сўраганди Лайло.

Бу саволга жавобан эса қўйидагича сухбат ўттанди.

— Мен енгилтак эканманми? Бутун ҳаёт тарзим шундай ўтди. Бу йўл билан жамиятнинг юқори табақалари орасидаги эркаклар билан танишиб, бу уйнинг дўстларини кўнайтирасиз. Дўстларнинг эса бир кун албатта фойдаси тегади.

— Билмасам. Менинг тарбиям бунга йўл қўя олмайди.

— Роҳибалик сиз учун эмас. Чунки сиз жозибали, оҳанраболисиз. Яна барча хушторлар билан ётиш шартмас. Биринки ўпич бериш, ноз-карашма билан узоқ вақт умидовр қилиб юриш ҳам мумкин. Менинг шундай бир умрлик дўстларим бор. Улар ётоқхонам эшиги қаердалигини ҳам билишмайди. Бас, чарчадим. Аммо менинг раъйим, Сизга доим йўл очиқ.

Лайло ичида ўйлаганди: «Мама, алжираиверади, Евгений эшитса, ўзи капромат йигиб юрибди, бир кундаёқ ҳайдайди». Ундоқ деса, ёдига Пенанг оролларидағи воқеа келди-ю, эрининг телбалигидан кулганди.

Хозир шулар кўз ўнгидан ўтди.

## САМОЛЕТДА ТОПИЛГАН ҲАМРОҲ

Оддинги қатордаги бир йўловчи қариянинг кўнгли айнадими, стюардесса улар ёнидаги баланд бўйли қора кўз йўловчини Лайло ўтирган қаторга ўтказди.

У Лайло ёнидан жой олди.

Йигит инглиз тилида, «Тенкю», деди.

Лайло ширин хаёлларини бузган йўловчидан сал хафа бўлгансимон унга назар ташладио, унинг ҳамюрти эканлигини юз тусидан англади. Чунки, ўзбекларга хос жилмайиб қарашибунча-мунча миллатда учрамайди.

Лайло жавобан ўзбекча сўзлади.

— Марҳамат.

— Сиз ўзбекмисиз?

— Шундай. Ўзингиз-чи?

— Мен ҳам, Учрашган жойимизни қаранг.

— Менимча, ажабланарли жойи йўқ. Хозир минглаб одамларимиз чет элларда сафарларда бўлади.

— Ҳар ҳолда, ўз юртдошингни кўриш доим одамни руҳлантириб юборади.

- Менинг исмим Лайлө.
- Жарангдор исм экан. Менини өддий ўзбек исми — Толиб.
- Жуда хурсандман.
- Мен ҳам.

Улар бир-бiriңа қараб қолищди. Толиб гап бошлади.

- Чиройли экансиз. Японками деб ўйлагандим. Рангингиз тоза оқ, ва қош-кўзларингиз қорасини эса мен қуёш чиқар мамлакати аёлларида кўп учратганман.

— У ерда кўп бўлганмисиз?

- Япониядами, атиги икки марта. Лекин ҳар боргандা бир ойдан ортиқ инспекция қилиб келишга тўри келади.

— Фирмада ишлайсизми?

— Фирмадан катттароқ компания. Сиз нима иш қиласиз?

- Аввал сиз. Ўзингиз, ишингиз, лозим топсантиз ҳаётингиз ҳақида сўзлаб беринг. Ўзбекча сұхбатларни соғинганман. Илтимос, ганиринг. Мен фақат эшитаман. Ҳали Лондонга етиб боришимизга икки соатча бор шекилли.

— Икки соатча, тўри.

- Аммо Толиб қизга қараб бироз индамай қолиб, унга ўхтин-ўхтин қараб қўйишта ўтиб олди.

Жувон илтимосини қайтаришни истамадими, у ҳам индамай қолди.

Ўртага бироз сукунат тушди.

Лайлө бошини ўриндиққа ташлаб кўзини юмди.

- Ўшандан фойдаланган йигит дипломатидан ноутбукини олиб, Интернетта кирди-да, бир нима қидира кетди. У бир неча муддат ишлади, сўнг ноутбукини ёпиб, шодон жувонга кўзини тикиб кулиб қарай бошлади.

Лайлө бу ҳолатни зимдан кузатаркан, бу вазият унга эриш туюлдию, ҳамроҳига гап қотди.

— Ишлаб бўлдингизми?

— Ҳа.

- Бўлмаса, вақт ўтказиш учун бирор нарса айтиб берарсиз.

— Ўзим ҳақимда айтиб берсамчи.

- Яхши бўларди, — деди Лайлө, ҳамон ўриндиққа ёнбошлаганчча, кўзини очмай.

— Болалигимда бор ҳаётим Уста Ширин кўчасидан юқорироқдаги маҳаллада ўтгай. Отам автобус ҳайдайди. Онамиз уй бекаси. Ўзимни ишга ва ўқишга киришм қизик

бұлған. Агрегат заводы түркисінде Шарқшунослық лицейінің бітириб, институтта уша иили кира олмадым. Балл етмәді. Лекин институт қошидаги ёрдамчи курслардаги болаларға араб тилинің үкитиш учун мениң ишгә олишди. Аслыда кіттә үкитувчилар дарс олиб борышарды. Мен кичік гуруларға дүйнешінде аманай жиһатдан ғапириш, сұхбат қуишидан машқұлар үтказардым. Ярым йиллар үтиб, қайсицир газетада түрк фирмасынға мұтахассислар қабул қызметінің зыян қылыштан әкан. Талабларида инглиз ва араб тилинің біліш мажбурний күрсатылғанды. Танловда қатнашиб, мениң қабул қызметтаныңда аввалиға ишоммадым, аммо бу ҳақынан чиқды. Ресең үйдегилар хурсаңд бўлишди. Дарс бериш ҳам қолиб кетди. Ойлик яхши. Уч йил ишладым. Дубайга күп борардик. Тилемочлик ҳам қилардым. Сунгра мениң біш компанияяға, у Британияда рўйхатдан ўтганди, иштегендеги. Иккі йилда ишларда қатнашиб, дүвдеги компанияның шұбба фирмаларини мөлиядий ахволи, бошқарууда иш юритишини текшириб келишгә боряпмай. Ҳозир туар жойим Лондонга айланып қолған. Шунаңа ғаплар...

Ингіт жім қолди. Лайлодан үнгіңде бир яшириң шигоң ташлады. Чет зә фирмаударда ишлайдын баданида ёғи йўқ, тик қомат, бироз озғин, аммо келишган, башанг, кийимларни билиб-билиб кийган түсдеги бу хорижий компания ходими үнде қизиқш пайдо қылғанды.

Аммо у үйланған ё үйланмаганиң түргисінде айтмай, сукут килиб, бироз айёrona үнгіңде қарашидан, учалик соддамаслығынан турарди.

— Бұлдымы? Бошқа айтадынған ғаппингиз қолмадими?

Лайлодан үнгіңде оиласын шаройтына қизықаёттанини Толиб түшүнди.

Лайлодан, одига стюардесса күйіб кеттеган нок шарбатидан хұплаб құяркан:

— Дуруст, ўз күчингиз, ақл-идроқиңгиз билан бу мартабаларға эришибсиз. Табриклайман, — деді самимній.

— Раҳмат, Лайлодан Кудратовна!

— Ия, мениң шарифимнің қайдан билдингиз. — деб ажабланди Лайлодан.

- Интернетдан.
- Ҳа-я. Бундан ҳайратта тушмаса ҳам бўлади, — деб жувон унга маъноли тикиларкан, сўради. — Яна мен ҳақимда, нималарни тоғдингиз?
- Бошқа ҳеч нарса.
- Лайло ишонқирамай қаради, сўнг:
- Жеймс Бондга ўхшаб сир тутмай, бўлмаса ўзингиз ҳақингизда охиригача айтинг.
- Нимани?
- Нимани бўлса ҳам даромадингиз, мулкингиз ёки оилангиз ҳақида.

— Даромад ҳақида айтиш фирма сири ҳисобланади. Мулким йўқ ҳисоб, уйимизни отамиз қурганлар. Оилавий аҳволимга келсак. Бўйдоқман, аслида уйланиб ажрашганмиз, учйил бўлди. Фирмамизнинг Англиядаги ходими Шейлага уйлангандим, у ярим араб, ярим шотландиялик, олти ойга ҳам турмушимиз бормади.

Лайло ўриндигини бироз тиккалаб:

- Исми меникига ўхшаш эканми? — деб ҳайратланиб, савол берди. — Шундай чиройли исмли жувон билан нега ажрашгансиз?
- У салга менга фуқаролик олиш учун уйлангансан, деб жанжал қила берди.

— Ҳм...

- Қизимиз Зейнаб онаси билан қолди. Бўлдими, бошқа саволлар йўқми? — деб Толиб асабийлашиб унга қаттиқ тикилиб қаради.

Лайло аёллардан кўра эркаклар ажрашиш тўғрисида гапиришини ёқтираслигини яна бир бора тасдигини кўраркан, юзини киши билмас иллюминатор томонга бурди.

Толиб олдида турган пивони нўшиб, бошини ўриндиқча ташлаб, кўзини юмиб олди.

Бирмунча муддат ўтди.

Лайло хаёли яна хотираларга уланди...

- Қомати келишган, тарант экан, — деганди Аминни кўриб Людмила Юрьевна. — Унга қизиқсангиз, фақат хонасига тушинг.

— Мама. Нима деяпсиз?

- Ёшсиз. Кимdir эркалашига зорсиз. Телба ўёлим қайларда юради. Фақат бу қора хонангизга зинҳор ва зинҳор кирмасин.

- Ҳаёлмігә бунақа нарса келмаган.
- Ённіңизда юра берса, келади. Энди у сизға тил ўргатади. Евгений хатида ёзибди-ку?

Чиндан Амин унга тилини амалнётини күчайтириш учун ўқитувчи бұлғанида, доимо Лайлонинг ёнида юрганида, жувонни шайтон күп марта йўлдан урмоқчи бұлғани эсига тушди. Ёғизликни, эрсизликни аёл киши ҳам күтара олмайды. Ҳузурида ялтоқланиб, айш-фароғат тұла ҳирслі нигохини тикиб, келишган қомагидан күч ва ёшлиқ құввати билиниб турғап йигит юрса, чидашнинг ўзи бўладими? Бу синовда, ундоқ-мундоғининг ҳам сабр косаси тұлади, бир куни манаман деб қучогини очади. Ошуфта бўлган оширига ўзини баҳшида қиласади. Ошири ҳам башар фарзанди-ку, севиш, эркалашни эплайдиган. Тентак Евгений уни нега Москвага чақиради. Яна Лайлого рўпару қиласади.

Аммо ҳазил-хузул қилиб, Аминдан бүёғига ўзини саклаш учун, қандай макр ва ҳийлаларни ишлатмади. Уни укам деди, дўстим деди, авради, алдади. Сувга олиб бориб, сугормай келди. Ўшангами унинг ҳозир кўзига қон тұлған, Лайлодан бошқаси кўзига кўринмасмиш. Лондонда нима қиласади, у ҳозир билмасди, ҳеч бўлмаса маъшуқа ролини ўйнайдими? У қоравойни тагига яна тушадими? Мама ҳам қизиқ. Нима Лайлонинг Пенант воқеалари ёдидан чиқибдими, ҳечамда. Амин қирғий-ку! Чанталига тушдингми соғ қўймайди. Қандай эсламасин, қиз хушидан ўшанда тамоман кетмаганди...

Аввалига, куттимаганда, Амин унинг оёқлари пойига чўкка тушгани унга эриш туюлди. Нима қилаётганини англамади, фақат сал кейинроқ, унинг оёқ бармоқларини галма-гал узок, сўраётганидан, вужудида енгил хотиржамлик пайдо бўлди. У унга ташланған махлук эмаслигини идрок этиб, бироз тинчланғанди.

Озгина фурсат ўтиб, Амин унинг оёқларини бир кўл билан сийпалаб, кетма-кет ўшиб, иккинчи қули қорнини силалёттанды эса, баданида нимадир жимиirlади. Кейин, йигит бөшини киндиқдан сал пастроқ, жойга қўйганда, ожиза тамоман ўзини йўқотиб, кўлларини ёнга ташлаган куйи, кўзларини чирг юмиб одди, чунки ҳуши учар даражада юраги дукиллаб уришга бошлаганди...

Бу безовталиги бежиз эмасди.

Чунки, бадани узра бетона кўллар ток зангиларидек чирмашиб банди этган. Лайлоб эса, бир-икки тўзғониб, зорманда

жипсидан қутила олмай, бас суалох, забтнинг курсин дер, иллю бу ножине зўрланиларини канда қиласми, унинг инграпилари иш кучайтирарди...

Хотирасидан ўчишиң кийини бу воқеанин ҳозир у эслаб, хаёллар тагига ета олмай ўй сураркан, помаъкул вазиятни кўз олдинга келтириди-ю, чирт этиб пакетта туфлади.

У ҳайрон, хаёллар тагига ета олмай ўй сурарди...

— Ёшим ўтгиз иккода, — деб Толиб унга қараганда, Лайло ҳам беихтиёр ўтирилиб, ўйларига чек қўйди.

— Яхши,

— Сиздан беш ёш каттаман.

«Мана гап қаерда экан. Толиб мазмунан мени ҳайратта солмоқчи, бунисини эанди қаердан биласиз?» — деди у бепарво.

— Уша-ўша, Интернетдан.

— Балки у ҳолда мен ҳакимда ўзингиш ҳикоя қилиб берарсиз.

— Турмушдан ажраганингизни, Тошкентда туғилганингизни биламан, холос, — деб Толиб кўзларини яшириди.

— У ҳолда шу ҳам сизга етарли.

Йигитнинг бекорга яна гап бошлаганинни билса ҳам, унинг сухбат олиб бориш манераси унга ёкиб қолганди, шунга ўйин қилибми, кўзини ўйнатиб ҳис-туйзуларини синаш учунни ўзини суюнчиқка ташлаб, уни чап тарафдаги кнопкасини босиб, узала тўшиаркан, унинг қабарик кўкраклари, ёпиштириб кийган кийимларида бўргиб, чиройли манзара касб қилди. Бу етмагандек, у хумор кўзларини ўйнатиб, йигитта ишва билан қарашни машқ қилди.

Толиб унинг бу ҳолатига кўзи тушдию, бошини тескари ўтириди.

«Андишли экан, фақат, жуда ичимдагини топга ўхшайди», — деб ўйлади Лайло ўз ҳолатини ўзгәртирмай. У зерика бошлаганди: «Бошқа одам бўлганида, ҳозир комплиментларга кўмиб ташларди. Ҳеч бўлмаса, чиройим, тузи ёки қоматимни мақтарди».

Улар бирпас жим қолдилар.

— Лондонда тураржой муаммоси мавжуд, — деди сукутни бузиб, унга жиёдий қараганча Толиб. — Сизнинг борар манзилингиз тайинми?

— Мени кутиб олишса керак? — деб ёлонлади Лайло.

Йигит унинг кўзидағи алдовини анжалаб, таклиф кирилди:

- Яхшиси, бизнинг компания мөхмөнхонасига жойлаш күййини?
- Узокъмасми? — деб Лайло бирдан тиккаланиб суради.
- Марказда. Бир подъездли, беш этажли бино. Йигитма түртта хонаси бор. Доимо бүш ўрин булади. Бегоналар қўниш майди, аммо мен айтсан, сизни қабул қилишади.
- Ментга таклифингиз ёқди, — деди Лайло бу ҳамюртанинг фикридан шодданиб.

У Людмила Юрьевна билан бу масалада гаплашиб, хусусий бир мөхмөнхонадан ҳаттоки жой брон қилишган бўлғашса-да, у шаҳарнинг четроғида бўлғани Лайлони кўнглини хижил қилаётган эди.

Шу зўмдаёқ йигит жувоннинг Лондонга ташрифи сабабини аниқлаш учун, ҳийлага қўл уриб савол берди.

— Мөхмөнхонада қайд қилиш дафтарида нима мақсаддаб Лондонга келгани кўрсатилиши керак.

— Мен хусусий таклиф билан келаяшман, — деб Лайло яна ёлрон сўзлаганди. Толиб саволга тутди:

— Фирма, таклиф эттан кимсаннинг исм-фамилияси?

Лайло борини айтмаса бўлмаслигига ақли етиб сал юмшади.

— Толиб, сиз интеллигент эканисиз. Фирмангизда репутациянгиз етарлича. Тўғрисини айтсан, мени ёнингизга йўллаб, гап-сўзга қолишингиз мумкин.

— Нима, қора ният билан келганимисиз? — деб, Толиб ҳовлиқди. — Террористмисиз?

— Бунақа хаёлга борманг, — деди Лайло, — Аммо сизга буни айта олмайман. Қалтис иш.

— Пул, фирмага тааллуқлами? — деди Толиб бироз ҳовурини тушириб.

— Йўқ. Шахсий муносабатларга тегишли, — деди Лайло ерга қараб. — Бошқа ҳеч нарса мальум қилмайман.

— Бўлмаса ўзим фикрлаб кўрайчи, — деб Толиб санаб кетди. — Ишқ-муҳаббат...

— Керакмас, гапирманг, — деб Лайло Толибининг қўлини ушлади.

— Нега ахир, — деди Толиб, унинг қўлларини беихтиёр қисиб. — Лондонни яхши билмайсиз, нега сир тутяпсиз, дардингизни айтинг! Балки ҳамроҳга чиндан мухтождирсиз.

— Тўполон чиқибми, сизнинг номингиз, обрўингизга зарар тегиши мумкин. Буни ҳозирданоқ сеъяшман. — деди Лайло:

— Шунақа хатарли ишми?

- Ҳа, — деб Лайлолиңи тортиб олиб, четта ўтирилди.  
Толиб ҳазил қылдими, жилемайиб гапирди:
- Бир бошта бир ўлим.
- Қўйинг. Сизни бу мавқега етишингизни ўзи бўлмаган.
- Уришса ун оши, сўкишса сўк оши.
- Ишдан ҳайдашса-чи?
- Тошкентта кетаман, дунё кезиб чарчадим, — деди Толиб.  
Шу дамда стюардесса Лайлолага инглиз тилида мурожаат қилиди:

- Аёллар хонаси йигирма дақиқадан кейин ёпилади. Эслатиб қўймокчи эдим.
- Ташаккур. Вактида ёдимга туширдингиз.

Лайлолиңа ажабланиб қараётган Толибга кўз қирини ташлаб ўрнидан турди.

Толиб қизининг инглиз тилида сўзланиганига ҳайрон: «Инглиз тилини билса, дунё кезишга жуда қулай. Қани энди шундай ёринг бўлса», — деб ўйлади.

У бир ўтириш ёки сухбат қуриб ёр танлашда қалб адашмайдиган ёшда эди.

Толиб ишлайдиган компанияга тегишли меҳмонхонанинг биринчи этажида кичик буфет, ошхона ва сауна жойлашган экан. Иккинчи этажда хизматчилар, шу жумладан Толибга ҳам икки хоналик номер ажратилганди. Қолган уч этажда йигирма тўртта хона. Ҳар бир хона бир кишилик, алоҳидан душ, ванналар, санузеллари бор. Телевизор, музлаткич, сувтакиҷ, диван-креслолар жам.

Лайлолага учинчи этаждан жой тегди. Чуни шуни Толиб ҳам истаганди. Ҳар ҳолда иккинчи ва учинчи этаж бир-бирiga анча яқин.

Ювенил, кийимларини алмаштириди. Бироз чўзилди. У Аминга қўнгироқ қилишни истамас, гарчи келганини билдириши лозим бўлса-да, вақтни чўзарди.

Эшикни тақилатиб Толиб кириб келди. Уининг юзи хотиржам эди. Лайлолиң уни диванга таклиф этиб, қаршисидаги креслолага чўқди.

- Қўнгироқ қилдингизми?
- Йўқ. Юрагим дов бермаяпти.
- Москвага-чи?
- Ҳозир.

Лайлолиңи Людмила Юрьевнага телефон қилиб, этиб келганини билдириди.

— Лайло, сен уларнimas, у сени қидирсинг. Ҳозир Аминга телефон номерингни бераман.

— Яхши.

Икки ёки уч сония ўтмай Лайлого қўнғироқ бўлди. Амин экан.

— Етиб келганингиздан хурсандман, гўзалим.

— Раҳмат.

— Бир бетайин Евгенийга шунчалик фидойилик. Хўш, уни кўргингиз келса, шаҳарнинг жанубий шарқига, эски «Тоттенхем» стадиони яқинига етиб келиб қўнғироқ қиласиз.

— Мен у ерга бормайман. Керак бўлса..

— Сизга зарур, бўлмаса Москвадан келишга ҳожат нима? Кун бўйи шу ердамиш.

— Тўхтанг, Евгений билан гаплашишим керак.

— Марҳамат.

— Алло Лайло? Мен Евгенийман. Афсуски, абрах, Амин тутқунликка оди.

— Людмила Юрьевнадан салом.

— Икки кундан бери ҳар саккиз соатда ойим билан гаплашаман. Сен ўзингдан гапир. Мен учун бу разил инсонга ҳамтўшак бўлиш сенга керакми?

Телефонни Амин олиб сухбатни давом эттириди.

— Эшитдингизми Евгенийнинг овозини?

— Ҳа.

— Хайр. Манзилии айтдим. Кутамиш.

Амин телефонни узди.

Лайло Толибга шивирлаб гапирди.

— Сухбатимизни эшитдингизми?

— Яхши илғай олмадим.

— «Тоттенхем» клубининг эски стадионига борсак, ўша ерда Амин кутиб олади. Унинг қўлидан Евгенийни қутқариш лозим. Мен эса гаровда бўламан.

— Сизга зарар етса-чи?

— Ҳамма гап шунда-да. Ўша малъун қоравой Амин менга ошиқ бўлиб қолган. Қаерда бўлсан ҳам таъқиб этади.

— У ҳолда Евгенийнинг нима алоқаси бор?

— Евгений билан бир йиллик никоҳ, контракти тузган эдик.

У контракт пайтида яхтада мусобақалашиб, мени ютуқ, ўрнига қўйиб ютқизган. Аслида шартнома муддати ўтганди. Амин уни лақилаттани учун ўчини олиш пайда.

— Шундокми?

Толиб ўринидан туриб, у ёк-бу ёкка торди.

— Полицияга хабар берсак-чи.

— Улар Евгенийни ўлдириб қўйишлари турган гап. Яна бошқа давлатда бизлар ҳақ-хукуқларимизни тўки тушуниб ҳимоя қилишларига ишончингиз комилми?

— Англия либерал давлат. Аммо қонуни устуворлиги доим амалдад.

— Кўнглим шу томонига чопмаятти. Бошқа йўлини излаб кўриш керакмикан?

— Бир таниш тансоқчи бор, ўшани қўшиб олиб кетайлик бўлмаса?

— Яхши.

Толиб қаергайдир кўнеироқ қилди. У томондан мижоз хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида деган жавоб келди.

— Афсуски, дам олишга чиқиб кетсан кўринади. Бугун шенба.

— Мавхумлук ва кутишдан ёмони йўқ. Сиз мен билан боришта қарор қилдингизми?

— Албатта.

— Қуролсиз Аминга бас келиш қийин. У жуда бақувват.

— Оддийроқ спортивкага ўхшаган кийимларни кийиб оламиз-да йўлга чиқамиз. Негадир кўнглим тинч, бир гап бўлар.

## БУ ЁФИ ТАВАККАЛ

Улар эски стадионнинг айтилгандек орқа томонига бориб кўнеироқ қилишганда, Аминнинг овози келди.

— Сизларни кўриб турибман, етиб келибсиз-да, Лайлло. Ҳозир тупаман.

У ўша-ўша ҳайбатли, бироқ юзларида чандик, бошида ёрилиш излари, анча руҳи шаст аҳволда эди. Кўпроқ у савдоига ўхшаб қолганди.

Амин Толибга шубҳали қараб туриб, бирга келибсан юравер деб, уларни трибунанинг орқа томонига бошлиди. Нарироқда пастда каттагина сув оқарди.

«Яхши жойни мўлжаллашибди, йўқ қилиб сувга ташлаб юбориш ҳеч гапмас», ўйлади ичиди Толиб.

Ташландик бинога кираверишда Зубайра уларни кутиб турарди.

— Эски танишлар йигидик мана. Факат яна битта оқ бадан кўшилибди. Ҳозир тепада Евгенийни кўрасизлар, лекин кескин

ҳаракат құлманшлар. Үзи аччирим бурним учыда. Бу сен ва Евгений туфайли. Чунки акам девона ҳолатига келиб қолди, қара.

Амин Лайлони құлидан торғиб, оғзи қулоғида уч этаж ба-ландалигидеги зина бўйлаб судраб кетди. Кетма-кет Толиб, ортида эса Зубайра минғирлаб борарди.

— Үзингта Евгенийдан дуруст эр тошибсанми? Юзлари зодагонларникига қиёс. Қомати ҳам текис, силлик экан. Балки бир кечага ташлаб кетарсан.

Зубайра Лайлони жаҳлини чиқарип учун турли усувларни кўллаш ниятида эди.

Лайлло Амин ким билан экан, деб ўйлаб- ўйлаб ўйига етманди, бор ишнинг бошида синглиси Зубайра тургави чатоқ бўлди. Агар у шайх оғиз согланини эшитса, Лайлони тирик қўймайди.

Залдек катта ҳонага кирдилар. Ҳона четига парда тортилган экан. Зубайра уни очди.

Оёқ-кўли боғланган, оғзига латига тиқилган Никитин бўйнидан шипга осилган. Оёқ остидаги ёғоч яшик лиқиллаб турибди. Бир тепса...

Кутқарувчиларнинг оғзилари ланг очилиб қолганди. Амин тўсатдан Толибининг биқинига бир урганди, у буқчайиб қолди. Пайтдан фойдаланиб Амин унинг қўлинин орқага қайириб устунга жисплаб боғлаётганда, Зубайра Лайлога қучоклаб ёшилди ва уни йигит тарафга йўлатмасликка интилди.

Лайлло сочидан булавка чиқариб Зубайранинг бўйнига санчди. Зубайра қичқириб юборди. Унинг қичқириғига Амин Лайлло томон югурди. Қиз ундан қочаман деб қоқилди ва Евгенийга урилиб кетди. Оёқ остидаги яшиқдан сиљиган Евгений танаси муаллақ осилиб қолди.

Евгений бўйнидаги арқон шил бетонида очилиб қолган симга боғланган эди, у симни бир тарафининг кавшари кўчиб кетдими ёки олдинроқ узилган эканми, Евгенийнинг танаси соат маятникидақа ҳаракатта келганды, пастта қайрилди ва арқон сирғалиб чиқиб кетди. Тана гуп этиб ерга узала тушди.

Амин тўхтаб, ҳайрон шипга қараб қолди.

Лайлло пайтдан фойдаланиб Евгений оғзидаги латтани олиб ташлади ва қўлларини ечишга бошлади. Амин ҳамон индамай турарди.

Зубайра бақирди.

— Лайлони ол. Бағринита бос, у сенинг армонинг. Кейин Евгений озод қилинади.

Амин Лайлонинг қўлидан ушлаб олди ва ўзига қаратди.  
У қанақадир бошқача телба бўлибди, деб ўйлади Лайло.  
Кўллари ҳам совуқ. Кўзларида ўт йўқ.

— Амин, Илтимос, менга тегма? Ўзинг яхшисан-ку!

Амин Лайлонинг лузум гапи ва жилмайишидан иржайди.

— Йўқ, қўйиб юборма. Олсанг-чи уни! Ана эски диван.  
Тезроқ торт! Сени шу аҳволга солиб савдоий қилганини ала-  
мини ол.

Лайло яна ялинди.

— Истасанг Москвадаги шифокорларга кўрсатамиз. Сени  
даволаймиз.

Инدامай ялтоқланиб турган Аминга Москва сўзи ёмон хо-  
тиralарни, айниқса авария билан борлик ҳодисани эслатди-  
ми, у қайтага ўзгариб қолди ва Лайлони даст кўтариб, икки-  
уч қадам юрдими-йўқми, диван устига ташлади.

Шунда Зубайра унга ёрдамга келди ва Лайлонинг кийим-  
ларини тимирскилаб ечишга интилди. Тарапт, ёпишиб турган  
жинси шимини туширишга кучи етмади.

— Кел ўзинг ҳам қарашиб. Вақтни ўтказма?

— Абраҳам нима қилаяпсизлар?

Амин овоз чиққан томонга караб Толибни бир тепди. Йи-  
гит инграб ўнг бикини тарафга бошини эгди.

У ёқдан Евгений гапирди.

— Зубайра, Лайлони тинч қўйларинг, уни гаровга олинг-  
лар яхшиси, мен танинлардан ёки банкдан катта пул келти-  
риб бераман.

— Пул билан Аминни даволаб бўлмайди. У ютугини олиши  
зарур. Токи ўшанда ичидаги заҳарлари тарқаб ўз ҳолига келса.  
Акам ўлса сенинг бойлигингдан менга не фойда? Ҳаётда ундан  
бошқа суннчиғим йўқ.

Амин жинсини тортиб ечди-ю, кофтасини ечишга сабри  
чиadamай пичоқ билан кесаман деганда ё Лайлони ушлаб тур-  
ган Зубайра туртдими, ё Лайло ўзи чўчиб кескин ҳаракат  
қилдими, пичоқ кофта аралаш ўнг сийнасининг ости тарафи-  
ни илиб кетди ва қон силқиб оқа бошлади.

Лайло қондан чўчиб хушидан кетди.

Амин пичоқни улоқтириб, Лайлонинг оёқларини қучоқ-  
лаб, йиглаб ўпа бошлади.

— Жонгинам сенга озор бердимми? Қонингни оқиздим-  
ми? Буни кўргунча кўзларим ситилсан.

— Вахима қиласа ака, ҳозир пахта босамиз.

Аммо қон тұхтамасди, силкиб чиқарди.

Зубайра Лайлони узаласига диванга ётқизди.

— Құлларимни ечларинг, варварлар.

Йиғлаб турған Амин аламини Евгенийдан олиб, уни ёттан жойида бир-икки тепди.

— Бу аёлни сен хор қылмоқчи бұлғандынг. У сендан күра устунрок, олийжаноброқ ва покиза. Лайлони бор жиссім билан яхши күриб қолғанман. Мана иккі йилдирки, хаёлімдан чиқмайды, жоним азобда. Телбаларча севаман. Зубайра, мен девона, тентакка қаңон ақл киради? Нима қилиб қўйдим?

Зубайра уни қучоклади.

— Ака тинчлан, ҳозир қон тұхтайди, тұхтамаса шифокорга олиб борамиз. Буларни нима қылсақ экан? Сувга чўқтирамизми? Ортиқча гувоҳлар керакмас.

— Яхши. Аммо Лайлод?

— Ака Лайлод сенга мендан тортиқ. Уни қанча тез олсанг, шунча тез биз бу ердан қорамизни ўчирамиз. Жасадларни сувга ташлайсан.

Толиб уларнинг арабча сўзлашувини эшитиб, этлари жунжикиб кетди. Бошини эгик ҳолда сақлаб, құллари киши билмас тимирскилаб боғланған арқон тугунини топиб еча бошлади. Яхшиям боя шошилинчда Амин тугунни бармоқларга яқин жойда түккан экан, деб ич-ичидан мамнун эди. Ниҳоят, битта торғса арқон ечилиб, оёғига тушади. Бироқ ҳозир ақасингил сергак, Лайлога кўз тикиб туришибди. Аммо Зубайра зериқдими, ўрнидан туриб Евгенийнинг одига борди.

— Ака, нариги хонага чиқиб тур.

— Нима учун?

— Манави кўк кўзда бир ишим бор.

— Зубайра?

— Ака. Сенга Лайлод қанчалик суюмли бўлса, бу ўрис менга шунчалик ёққанди, гарчи ҳайвонтабиат бўлса ҳам.

— Ҳаммамиз аслида ҳайвонсифатмиз. Майли, мен пастта тушиб чиқаман. Лайлод үзига келса тезда чақир.

Зубайра Евгенийнинг тенасига келди, унинг қўлида пичоқ.

— Акам қондан қўрқади. Ўша сен, обдан ичириб ўрмонда машина авариясини ташкил қылганингда кўп қон йўқотган. Дўхтирлар айтди, озгина умри қолган. Энди нима бўлади, худо билади. Акамнинг аҳволига йиғлайдиган пайт мен сен билан айш қиласармидим. Унинг касалига аслида сен алоқадорсан ва анаву парини алдаб чакириргандим, осонгина тузоримга илин-

ді. Акамни илтимоснин бажариш менің ҳам карз, ҳам фарз. Манағы гүрсұхтаны ҳам ажал ҳайдаб келған, шекилли?

Шундай деб туриб, Зубайра орқасига ўғирилғанды, Толиб уннинг бўйинига бир уриб айдарди ва тезда Евгенийнинг оёқ-қўлини ечди. Сўнг улар ўзаро маслаҳатлашиб Зубайрани биринки кийимини ечиб, қўлини бойлаб, оғзига латта тиқиб Евгенийни устига тикка ўтказиб қўйдилар. Евгений уни йиқилиб кетмаслиги учун пастда қўлини чўзиб ушлаб турарди.

Амин кирди.

— Зубайра анча вакт бўлди.

Шу вакт ингрэб Лайлод үзига келганди. Амин уннинг қошига югуриб, яна оёқларини кучоклаб ўпа бошлади.

— Лайлод, жонгинам, мени севгии. Сен билан ҳечам совуқ бўлмайдиган ўлкаларга, оролларга, хоҳласанг яна ўша Пенангта борардик.

У энди Лайдонинг қон чиққан жойига бошини қўймокчи эди, Лайлод вактни ютиш учунми, уни эркалашта қўлини чўзди.

— Менинг дардимда роса азоб чекдинг-а, Амин? Бошингни бу кўкрагимга қўяқол.

Амин бошини қиз кўкрагига қўйишини Зубайрага намоњиш қиласмоқчи бўлдими, у тарафга қараб бақириб юборди.

Чунки шу дамда Евгений Зубайрани бехосдан қўлдан чиқарди-ю, қиз ўнг тарафга шалоп этиб ағанеди.

Аминга икки тарафдан ёлишса ҳам у Евгений ва Толибга бемалол бас келар, кулиб уларнинг ҳужумларини қайтараркан, бу орада Евгений кўксидан, Толиб тумшуғидан яхшигина мушт еди.

Муштлашини узок давом этди. Икки томон ҳансираф, бирпас дам олишини қўзлаганды, кучлари етмаслигига ақли еттан Толиб айёрлик ишлатишга қарор қилди ва ерда ётган арқондан сиртмоқ ясади.

Амин қулди.

— Бўйнимдан осмоқчимисан? Бир кўрай-чи, хунаришни?

Толиб ёшлигига Бурчмулладаги амакисининг йилкисини ҳар ёзда ҳайдашта чиқарди. Шунда ўргангани эгарга ўргатиладиган отга сиртмоқ ташлаш машқини ҳадисини олганди.

Аминни мазаҳи уни қитигини қайтага қўзигди-ю, сиртмоқни мўлжаллаб куч билан ташласа, рақибининг бўйини илинди қўйди. Амин нима бўлганини идрок этгунча, арқонни бир учини устундан айлантириб ўзига торта бошлади. Евгений ҳам қўшилиб арқонини устун тарафга тортиша бошла-

танды, Амин иккала құлға билан тобора томоғини сиқаёттан сиртмоқни чиқарып да арқондан бутуналай ҳалос бўлишига қылғай ҳаракатлари зое кетиб, устунга бориб урилди.

Аминнинг қўл-оёқларини қўшиб устунга боклашди.

Зубайрани ҳам ҷаңдіб ташлашта арқон етди.

Амин турган жойида бақиради.

— Зубайра мени нега бу ерларга олиб келдинг? Тинчгини оролда балиқ тутиб юргандим. Лайлони эслатиб яна дилимни вайрон қилдинг?

— Ака, мени кечир. Ахир, қасдингни нарити дунёга қолдирма деган гап бор-ку?

Толиб қўнғирогита шифокорлар ва полиция етиб келди. Лайлони шифоҳонага, қолғенларни полиция маҳкамасига олиб кетишиди.

## ТОЛИБГА ОЛҚИШЛАР ЁҒИЛДИ

Лайлонинг ўнг кўкраги пастига иккита шов тушди. Лекин ишини олиб ташласа, билинмай кетади деди шифокорлар.

Аминни эси пастиги тасдиқланиб, ўз юртига экстрадиция қилинди. Зубайрага қотиллик мақсадида уч кишини жонига тазийик ўтказиш жиноятгини ташкил этганлиги учун икки йил озодликдан маҳрум этилди.

Компания раҳбарияти Толиб Асиловга ташаккур эълон қилиб, мукофот тарзида қимматли совға инъом қилишиди. Чунки сарик матбуотда Толибнинг қаҳрамонликлари, айниқса, «Асов отни тушовлаш усулини безориларга қўллаган ўзбек жўмардиз», деган мақолада унинг болаликда йилки боқданларигача ва отларни ушлашда сиртмоқ этишин билгани, жиноятчидан ҳалос бўлишда қўл келгани ёзилганди.

Евгений Лайлуга миннатдорчиллик билдириб, ойим билан кеча гаплашдим, раҳмат ва ташаккур етказишимни сўрадиляр деди.

— Менга ҳам қўнғироқ қилдилар.

— Ундоқ бўлса қайтадан никоҳимга ўтинг, хоҳласантиз контракт асосида.

— Пенанг оролларига обёриб, яна бирортасига мени тошириш учунми?

— Йўғ-эй. Бу гал ҳаммаси ҳалол бўлади. Хўш, нима дейсиниз?

— Кўр ҳассасини бир марта йўқотади.

— Бұлмаса, мен билан Москвага барып көзінде түрі келади.

— Нима учун?

— Ойым илтимоси. Йиғлаб, қадрдоним Лайлони бағримга бир босай деяғтилар.

— Майли, барып Москвадан Тошкентта учиш қулай. Сүңг менга ҳам құнғироқ қылдилар.

Улар Лайлонинг хонасида ўтиришарди.

Евгений дарров Интернетдан Москвага иккита билет үндириди.

Бир соаттардан кейин меҳмонхона ходими иккита билет ташлаб, чойчақани чұнтакка солиб, хурсанд чиқди.

Шу дәмларда компания президенттинг ёрдамчиси Толибга жасурлуги учун мүкофот тошириб, қолған гапларни сариқ матбуотдан үқиб оласизлар, деб Ығилишни ёшганды.

Толибни қоюда бүйіча бор ходимлар табриклаб, елқасига уриб, құлинни сиқиб кетишарди, баъзи аёллар бетидан чүлп-чүлп ўшишарди. У нихоят холи қолиши билан Лайлого құнғироқ қылди. Ишхона табриклаганини айтди. Лайлого, хурсандман, мен ҳам шұнчалик күркмаслигингизга ҳайрон қолдим, аёллар ёпишиб, бүёғини роса чаңлаб ташлашғандар, деді.

— Ҳа. Энди бу ерда тартиб шұнақа.

— У ҳолда үтештіңде, мен ҳам рухсат берарсиз?

— Бирға кечки овқаттің тановул қилишта таклиф этсам, сизге имконият яраттан бұламанми?

— Майли десантгиз Никитин ҳам боради.

— Ҳа, албатта. Айирсак хафа бұлар?

Кечки овқат үстида Никитин мейерден ортиқроқ ичаёттанини күриб, Лайлого эслатди.

— Евгений, сизни самолётта қўйишмаса, бир ўзим учиб кетаман.

— Нима? Самолёт? Қаёққа учасизлар, Лайлого? — сүради Толиб.

— Один Москвага, сүңг мен Тошкентта.

— Менің айтмаган әдінгиз.

— Үзр, ўзи яқында маълум бўлди. Сизга құнғироқ қылсан, телефонни олмадингиз.

Толиб телефонни очиб кўрди.

— Чиндан ҳам құнғироқ қилибсиз, лекин мен тайёр эмасман.

- Илтимос, русча ёки инглизча гаплашинглар, йўқса мен бошқа столдагилар олдига кетиб қоламан.
  - Евгений, марҳамат қилиб, бирпас аралашмай туриңт. Лайло яна ўзбекча сўзлашга утди.
  - Азизим Толиб, нимага тайёрмассиз? Мен ҳаётда бу сўздан кўп жабр кўрганман. Кутиш ва ноаниқлик инсонни чарчатади.
  - Мен эса бостириб келаётган жўшқин ҳисларга дош бера оламанми, деган ўйда хавотирдаман.
  - Йўлимда худойим сизни учраштириб мушкулимни осон қилди. Сиздан бир умр миннатдорман. Яна ўзингиз биласиз?
- Шу пайт Евгенийга қўнгироқ бўлди.
- Зубайра, ҳа, қайси юз билан қўнгироқ қилаяпсан?
  - Бир нарсани сен ва Лайло билиб қўйсаларинг ёмон бўлмасди. Мабодо бу йигит келмагандан, жасаддларинг Тимза-да кўмиларди. Амин бу йигитни кўриб, «чиғтаккина экан, гум-дон қилиш ҳеч гапмас, ўзига ўлим сўраб келибди», — деганди. Ўзи шошилинчда унинг кўлинини бунақа бўштоброқ бойла-мабди-да, йўқса учаланг асфаласофилинга жўнардинглар. У йигит арабчани ҳам тушунаркан, терговчи айтди, ҳамма гап-ларни эшитибди, ўшанга ғаирати ошиб, астойдил курашган экан. Сиртмоқ отиб акамни маҳв қилибди. Аблаҳ, Барибир, қасдимдан кечмайман. Ҳали кўришамиз.
- Евгений телефонни ёпди.
- Нима гап Евгений?
  - Ҳа, Лайло, бир дақиқа. Мен ойим билан сұхбатлашиб олай.
- Евгений нарироққа бориб, ойисига унинг ва Лайлонинг жонини Толиб қутқариб қолганини айтиб берганди, Людмила Юрьевна у йигитни бир кўрай, жонингни сақлаб қолибди, деди.
- Евгений столга қайтди.
  - Толиб, сиз қачон Тошкентга борасиз?
  - Билмасам.
  - Балки Москвага ўтарсиз, сизга совға олиб қўйгандим.
  - Йўғ-эй, керакмас.
  - Олмасангиз онам хафа бўладилар, кейин мен билан у холоскор йигитни таништир, деб кўймаяптилар.
  - Билмасам...
- Ресторандан чиқишиб, меҳмонхонага келишди. Соат ўи бир бўлганди. Чемодан, сумкалар тахт. Йўл олди-

дан ўтириб, дуо қилиб түришаркан, Евгений яна бир бор Төлибга ташаккурини айтиб, нарсаларни күтариб пастта тушиб көтди.

Лайло Толибининг ёрилган лабига кўлини кўниб сўради.

— Оғриғи безовта қиласпидими?

— Безовта қилаётган бошқа ерим.

Йигит ҳазилләшибми ё чинми чап кўксини кўрсатди.

Лайло, юрак ютиб, унинг икки ёноғидан чўзиб упди.

— Яхши қолинг, менинг ҳалоскорим.

## ПУЛ ПУЛНИ ЧАҚИРАДИ

Москвада Евгенийни соғ-омон кўрган Людмила Юрьевна Лайлони бағрита босиб деди:

— Авваллари хинч фильмни қаҳрамонларидағи каби романтик эдинг, энди эса американинг жангари киносидағи қаҳрамон аёллардек ҳаёт сени чархляяпти. Боланд ухлаб қолди, эрталаб кўрарсан.

— Йўқ, ухлаётган бўлса ҳам бир кўз ташламасам, кўнглим жойига тушмайди.

Эрталаб Людмила Юрьевна чой ича туриб, Лайлога бир янгиликни айтди.

— Лайло, биз сени мукофотламоқчимиз!

— Кўйинг, мама, ҳар нарсанни шулга чақсак, одамгарчилик қайда қолади.

— Барибир, Евгений ўз ишидан бери келмайди. Менежерлари эса уни лакилатиб, алдаб фойдасини пасайтиргани пасайтирган. Сенинг атроғингда қаттиққўл одам борми?

— Ҳа. Изласа топилар.

— Евгений акцияларни ярмини сенинг номинига ўтказади, ўзинг яхши бошқарувчи топарсан. Танишларини ишга сол.

— Мама, мени хижолат қиласпиз.

— Ҳечам. Шу ишни қиласам, эртага шуни Евгений картага тикиб юбориши мумкин.

— Йўғ-эй?

— Ҳа. Энди у муҳаббат ўйинларидан чарчаб, картага, қиморга бўш вақтини ажратадиган бўлди.

Евгений гап қўшди.

— Лайло, мен тентакка ўрил туриб бердинг, мен ҳаммадан шунга хурсандман.

Людмила Юрьевна уни астойдил күчиб ўпди: «Лайло, сен ўғлимнингина эмас, менинг ҳам умрим мазмунини асраб қолдинг».

Тунги клуб тегиншили акцияларнинг эллик фойзини Лайло номига расмийлаштириди, боши қотиб, у Заурбек билан масла-ҳатлашишини кўнглига олган эди, эртаси эрталаб оғаси ўзи унга қўнғироқ қилиб қолди.

— Лайло, салом. Лондонда қанақа жанжаллартга аралашиб юрибсиз? Энди сиз ҳам криминал номини олмоқчимисиз?

— Ассалому алайкум оға. Тузукмисиз. Бир қочоқ, қайлиқ-дан хафамасмисиз?

— Нечук бунақа тез рози бўлди деб ҳайрон бўлгандим. Бунақа одатларингиз бор экан-да. Хафалигим ўтди-кетди. Аммо умидимни узганимча йўқ.

— Яхши телефон қилдингиз. Бир маслаҳат лозим.

— Эшитаман.

— Менга «Ночное небо» тунги клуб бошқаруви топширилди.

— Тузук. Энди скрипка чалса бўлади. Нима муаммо?

— Москвада бу ишни олиб боришда, ҳисоб-китобни тўғри йўлга қўйишида, ташимчи, нобакор, ҳалолмас менежерларни тартибга чақиришида ишонган одамга муҳтожман.

— Тушунарли. Бирор соатда сиз билан ўзлари менинг номидан боғланишади.

— Ташаккур оға. Сизга илло хурматим йўқолмагай.

— Маъқул. Ҳозирча.

— Хайр.

Лайло уйда уч соат давомида боласи билан уйда ўйнаб ўтириди. У ойисининг қучорига югуриб келиб бир-икки отилганда, ўнг кўкрагида сал оғриқ сездию, пичоқ теккан жойига қараб қўйди. Шундагина аҳамият берган Людмила Юрьевна худо бир асрабди келин, балки ис-пис чиқариш керакдир, деди.

— Рост, мама, қойил, сиз эскичани ҳам, янгичани ҳам биласиз, менинг ақдимга ҳали келмаганди.

— Сен ишингин қиласавер, нарироқда гастербайтерлар ишлайти, мен ўшалар билан гаплашиб келай. Кўйни ҳам ўзлари топишади, дуосини ҳам билишар.

Шундай деб Людмила Юрьевна чиқиб кетди.

Лайлого уч соатдан кейин Заурбек номидан Мирослав деган бошқарувчи қўнғироқ қилди. Улар учрашишга келишиб олишди.

Улар сұхбати «Ўзбекистон» ресторанида үтди. Енгил ичим-лик ича туриб, Лайло түші клубдан келаёттан фойда миқдорини айтганда, Мирослав кулиб:

— Бу күнші-күндіз кунидаги ўғрилікка киради, — деді. — Фойданинг ярмидан күши күрсатылмаёттаниңа ишончим комил.

Бир куннинг ўзида бош менежер ўзгартирилиб, унинг үмарган пуллари бүйніга қўйилиб, жиғдий одамлар үттиз фоиз бай ҳисобига уч ийлilik даромад икки миллион долларга яқин пулни аввалги менежер ва унинг ёрдамчиларидан ундириб тез кунда қайтариши.

Орадан етти кунлар ўтибми Лайло бу ишлардан, қаттиқ гаплар, расмий учрашувлар, битим, шартномалар, ходимлар танлаш масалаларидан зериқди. Гарчи унинг ҳисоб рақамига озмас-кўпмас бир миллион доллар пул тушганди. Евгений унинг ишбилармонлигидан хурсанд, йўқотилган пуллар қайтганидан хурсанд, унга ўз ҳисобидаги яна шунча пулни берди.

Лайло пул пулни чақиради деб ҳисоблар ва ҳеч қачон пулдан қайтмасди.

Кўнгли дам олишни тусаб, бирор бир оролга борсам қанийди деб ўйлади. Нега эркаклар анқовроқ, бу Толиб ҳам ёпиша қолмайди. Самолётда ҳазиллашиб уйта олиб қочаман дегани куруқ гапми? Ё энди ўзимга тегишли бу енгилтабиатлилар клубига бориб вақт ўтказиб келайми?

Йўқ, у ким билан ресторанга боришни топди. Ишонган дугонаси Каролина бор.

«Ўзбекистон» ресторанида Каролина билан анча чақчақлашиб, ўтган кунларни эслашиб, олий зодагон клубига «кўз текканини» Каролина айтиб берди.

Унинг айтишича, Никитин гуруҳга ёш мусиқачи скрипкачи жувонни қўшади. Сасо уни ичириб, хоҳишига қарши олади. Жувон жаҳдда эрига кўнфироқ қиласди. Дам олишган дала ҳовалидан чиқишида Сасони машинасини скрипкачи жувон эри ва унинг яқинлари тўхтатиб, уни ўрмонга олиб киришади, яхшилаб тепкилаб, бир эсадалик, ақлинг киради деб пичоқ тиқиб кетишади. Сасо анча қон йўқотган эди. Пичоқни чуқур уришган экан. Тирик қолди-ю, узоқ вақт даволанди. Ҳаттоқи овози чиқмай қолган. Гапирса ямоқ еган ери тортишар эмиш.

Бу воқеаларни кўриб Вениамин четга ишлагани жўнаб қолди. Энди мен жазмансиз қолдим, деб гапини якунлади Каролина кулиб.

Лайло бейхтиёр, хаёли бошқа жойда, чатоқ бўлибди деди.

— Чатоқмас, яхши. Энди кап-катта одамлар ақдини йифиб олишади.

— У жабрланган аёл-чи?

— Даврадан сенга ўхшаб чиқиб кетди.

Улар битта вино шишаини эрмак қилиб ўтиришаркан, кўнғироқ бўлди.

Лайло, ким экан деб номерига қараса нотаниш. Ҳайрон бўлиб, барибир, телефонни очди.

— Алло.

— Мен Толибман, Яхшимисиз.

— Халоскорим сизми? Ассалому алайкум. Овозингизни эшлитиб хурсанд бўлдим.

— Ваалайкум ассалом. Ишим кўпайиб кетди. Шунга энди кўнғироқ қиласяпман.

Лайло умрида шу баҳонани ёмон кўради. Чунки бундай гапириш, сендан кўра иш азиз. Ундан бўшасам, балки сенга эътибор бераман дегани билан баробар юради.

— Хўш, энди камайдими ўша ишингиз?

— Лайло, асқия қилмай туринг. Сизга жиддий гапим бор.

— Бизнес бўйичами?

— Йўқ, Ҳаёт, муҳаббат ҳақида.

— Нима экан?

— Менга турмушга чиқинг.

Лайло индамай қолди ва Каролинага гапирди.

— Мени қўлимни сўрашяпти.

— Яхши-ку.

Телефондан овоз келди.

— Лайло? Жавоб беринг... Лайло?

— Йўқ, Сизга турмушга чиқмайман.

— Нега энди? Сизга ёқмайманми?

— Балки ёқарсиз. Аммо менга бир соатда қарор қабул қиладиган, ярим кунда қошимда пайдо бўлиб, пойимга чўкка тушиб, сўнг қўлимни сўрайдиган ёр керак.

— Бир тўхтамга тез келишим қийинроқ, феълим шунақа, тушунинг.

— Таниш бўлганимизга ўн кунча бўлади-ю, бу кишини ўйлашларини. Шундай юраверсангиз келинлик фатасини бошқа гўзаллар бошига тақасиз.

Лайло жаҳдда телефонни ўчирди. Дугонасини бу ҳолга тушганини биринчи бор кўраётган Каролина сўради.

- Нима бўлди, Лайл? Ким у?
- Бўлгуси эрим.
- Лекин сен уни уришиб ташладинг. шекилли.
- Яхши кўриб қолганман. Лекин у парвойи палак. Етти кун деганда қўнғироқ қилди.
- Аммо.
- Ундан кўнглим хотиржам. Кунда қўнғироқ қилмаса-да, мен ҳақимда ўйлагани-ўйлаган. Қарор қабул қилиш ҳам осон кечмагандур. Бир-икки эр кўрган аёл билан шундай йигит бир ёстиқда боли қўймайди. Айниқса бизда.
- У ким ўзи, япон шаҳзодасими? Ё бирорта шайхми?
- Йўқ, ўзимиздан, бир қобил оиланинг арзандаси.
- Янги ўзбекларданми?
- Каролина, у дунё кўрган. Уч-тўрт тилда гаплашади. Яна менга нима керак. Мен билан ўт билан чўяга кириб чиқсан шу.
- Лондондаги воқеани айтаяпсанми? Эшигдим.
- Қаттикроқ сўзлаб қўйдим. Энди нима бўлади?
- Кел кўй, танлаганинг эси бўлса, ҳаракатга тушади, шунда ҳам сусткашлик қиласа баҳридан ўтганинг яхши.

## ТАНИШ-БИЛИШЛАР ЭСДАН ЧИҚМАДИ

- Заурбек таклифнома олга, Лайлого қўнғироқ қилганига етти кунлар бўлди.
- Никоҳ, тўйи билан табриклайман. Мен кутаётган баҳт бошқага насиб этадими? Баъдага вафо қани?
  - Аёллик бекаролигидан кутилдингиз. Яна, Заурбек, мен доимо совук ўлкада яшай олмас эканман.
  - Сабаби фақат шуми?
  - Йўқ. Толиб менинг жонимни саклаб қолди. Мен бир умр ундан қарздорман, яна уларни севиб қолдим.
  - Мени-чи? Сўймасдан эрга тегмоқчи эдингизми?
  - Сизга тегиб тоққа суюнишни хаёл қилгандим, бунисини эса ўзим кулоғидан тортиб, керак бўлса суюшга тўйри келади.
  - Тўгрисини айтганингиз учун ташаккур. Сизга баҳт ва саодат тилайман.
  - Тўйга келарсиз деган ниятдаман.
  - Менинг бир жойга боришим қанчалик мушкуллигини билсангиз керак. Оддиндан узримни қабул қилинг. Лекин кимдир номимдан бўлади. Кўришгунча.

— Хайр.

Яхши Заурбек ортиқча индамади.

Лайлонинг шайх билан гаплашуви эса араз ва гиналар билан ўтди.

— Мен сизни Аминдан сақлаб ўзимга ҳозирлаган эдим. Хузурини бошқа одам күраркан-да?

— Кўнгилга бир нима дейиш қийин экан.

— Ширин издиҳом билан мени авраманг, нечук менга берган сўзингиздан кечурсиз?

— Сўз ўйлаб кўришга айтилганди, бажаришга эмас. Аммо, хаёлимда сизга ўзимни нисор эттан дамларим ҳам бўлганди. Ўшал ўйлар учун андишаланмайман. Сиздек доно муслимни ёр ўрнида кўрмоқ, қарорим ҳам етилиб бораётган эди. Аммо Толибининг оз дамдаги садоқати ва оғир дамлардаги жонбозлиги туфайли жоним омон қолгани баробарида, унга нисбатан меҳр-муҳаббат аланталаниб, бутун қалбимни ишвол эттан. Бунинг учун шайхим мени айбга буюрмассиз. Зеро, ишқ-муҳаббат этгандан, тақдирнинг иноятидир.

Шайхга охирги гаплар оғирлик қилди.

— Ҳаҳ, Аллоҳ, баҳтли қилсун. Хайр.

У жавобни ҳам кутмай, трубкани қўйди.

Лайлого Ҳусайннинг охирги амали ёмон ботса-да, шайхга бу дамда чиндан алам ўтганини фикр қилди.

Лайло таклиф этган меҳмонлар рўйхатини Толибга кўрсантишганда, «Осиё»ни танлаб тўғри иш қилганига икрор бўлди-ю, шунга мос у столларни тўқис ясатишни Зиёга топширгани ҳеч кимга қизиқ туулмади.

Кибрайдаги уйга факат Светлана Петровна Айсуни етаклаб кирганда, қариндошлиар, айниқса Ҳайрихон опа ва Адibalар кўзлари ёшга тўлди.

— Лайло, шундоқ қизингни қандоқ, кўзинг қийди бошқаларга ташлаб келибсан, — деб пичирлади Адiba.

— Кўнглимни хира қиладиган гапларни қўйинг, бу қизим доим қалбимда, гарчи узоқда бўлса ҳам.

У онаси билан қучоклашиб ўтириди ва русчалаб гапирди.

— Мамочка, я очень люблю тебя.

— Мен ҳам қизгинам. Сен менинг жигаримсан ахир.

— Папа тебе привет передал.

Лайло, мулзам ҳолда, ҳайрон Светлана Петровнага, ойнисига ва охири индамай ерга қараб, ичиди ўлади: «Красно-

ярсқады қизалогим ва Москвадаги ўғлимни оталари тирик бўла туриб, яна турмуш кураяпман, эртага булар катта бўлишса, роса маломатга қолсам керак».

Никоҳ тўйининг дастурхонлари, тўйхонанинг ўзи ҳам жуда чиройли ясатилганини меҳмонлар, ҳар сўзга чиққанларида қайд қилиб гапирадилар.

Людмила Юрьевна гапга чечанлигини сўзга чиққанда тасдиқлаб, Лайло сендей хулқли аёлни умримда учратмаганман. Ўзим керак бўлса, балки сендан ҳам чиройли эдим, лекин феълим ёмон, тажангман. Сен эса худди жаннат беҳиштдан тушиб қолгандексан. Эрингни баҳти бор экан. Лекин Толиб ҳам чакки йигит кўринмайди. Камгап, аммо асосийси унга суюнса бўлади. Ҳақиқий эр бўлади. Баҳти бўлинглар!

Қарсаклар бўлди.

Тўй қаттиқ рёжа ва тартибга солинмаган бўлса-да, аммо қизиқ ўтарди.

Бир пайт мусиқачилар томонидан лезгинка чалиниб, даврага чўпдек ингичка икки жуфт қиз ва келишган қоматли йигитлар ўйинга тушиб кетдилар. Ўйинни шундек маромига келтириб, завқу шавқ билан ижро этдиларки роса олқишу қарсаклар чалинди.

Тўравой акага Шовкат Толибининг танишларими дегўнча, ўртага, микрофонга икки салобатли кавказликлар чиқишиди.

Улардан йўғонроғи Заурбек номидан келин ва куёвни узоқ табриклаб гапириб совфасини чиқарди. Ёғочдан ишланган кичик қутичани очиб иккита қалин билакузукни чор-атроф ёруғига тутди. Қизилроқ рангдаги тилладан ишланган билакузукларда қатор майда яшил кўзлар терилган эди.

Лайло ва Толиб ҳурмат учун ўрниларидан турарканлар, совғани салобатли кишидан Зиё олиб, бу ҳурматли меҳмонларни жойига кузатди. Ва уларни Дубай ваколатхонаси вакиллари билан таржимон орқали таништириди.

Вакил уларга ҳам сўз беришларини Зиёдан илтимос қилди. Бир-икки кўшиқлардан кейин, вакилга табрик айтиб ва совғани киритишларини сўради. Ўртага катта жун эрон шоҳона гилами ёзилди.

«Гиламни эронлик усталар қўлда тўқиган, унинг устида эса арабча рақсни кўрамиз», деди шайх Ҳусайндан вакил.

Югуриб чиққан икки рақкосаси, араб куйлари остида бир майин, бир шўх ҳаракатларга, қорин ва елка ҳаракатларини

бажарып, түйгө эхтирос ва ҳавас ўтини олиб киргач, яна қар-  
саклар узоқ вакт тинмади.

— Гүзәл Лайло хонадонига шайх Ҳусайндан совра. Бах-  
тингиз давомли ва шу араб рақсидек құвноқ бұлсын, — деб  
вакил жойига қайтди.

Бир оздан кейин Красноярскдан келган мәхмоналар табрик-  
ка сүз сұрашыпти деб бошловчи микрофонни Олтисочта узат-  
ди. У озиб анча ўзига келиб қолған, жуда чиройлы узун ва сипо  
күйлақда янада баланд, моделларга хос күринарди. Нарироқ-  
дан оталари Сидиқмат ақа ва Ойгул опа қызларининг гулгун  
ёнаёттан чехрасидан маст даврага күз ташлаб құярдилар.

— Лайлони құпчилик билмайди. У шунчалик киришимли-  
ки, агар истаса, бемалол халқаро бирор ташкилотта ҳам йўл  
топади. У ҳолда уни ё Женевада, ё Нью-Йоркда кўрасиз. Яна  
у жуда тарбияли: на мансаб, на ҳусн ва на ҳашам уни буза  
олмаган. Шундай синглим, дугонам борлигидан фахрланаман.  
Келин-куёв учун, уларнинг бахти камоли учун қадаҳ, кўтари-  
шингизни сўрайман.

Сергей қисқароқ рус тилида гапириб айтди, Лайло қачон  
ким билан қанақа сўзлашиши билади. У юксак дипломатик  
қобилиятига эга. Аввал шарқда шундай аёллар бўлади деса,  
шубҳаланардим, энди ишончим комилки шарқ, ўзбек аёли,  
энг доно ва ақлли, оиласпарвар аёл экан, буни мен хотиним  
Олтисоч мисолида биламан, сўзларимга ишонинг. Лайло қато-  
рида барча ўзбек аёллар бахтли бўлишсин, деб каттагина кон-  
вертни Зиёга тошириди.

Бу вактда Ҳикмат ўғлиниң Лайлонинг ўнг қўли бўлганли-  
гидан фахрланиб, Сидиқмат аканинг ёнида ғурур нашъасини  
сурив ўтиради.

Марк Вайсман сўз сўраб алоҳида табриклади.

— Мен умримда Лайлодек ҳаётта ташна, бахтни бирорга  
яхшилик, хурсандчилик ва шодгунлик улашиш билан бажа-  
радиган, құвноқлик ва шўхликлари ўзига ярашган оптимист,  
ҳуснли, қалби пок жувонни кўрмаганман. Шу лобарни тук-  
қан оналарини ўртага таклиф этаман.

Хайрихон опани Зиё ўртага бошлаб чиққанида унинг уст-  
тига Марк юмшоқ чармдан жигарранг плащ ташлади.

Светлана Петровна ўртага чиққанида, ёнидаги Айсу югу-  
риб онасининг одига чопди. Лайло кийимларини сал йигиб  
қизини кучоқлаб ёнига ўтказди.

— Айсуни мен бувисиман. Онаси ким эканлигига ақдингиз

еттандыр. Шундай чиройли, ақдли қызни туққан аёл қандай бўлишини эса, таърифлашга ҳожат бўлмаса керак. Мен қис-қароқ гапираман. Бахти бўл Лайло. Сенинг қадринітә етиб, зинг қўлида олиб юрсин. Илло, сендеқ аёл қам туғилади, — деб ўз совғасини топшириди.

Давомли қарсаклар бўлди.

Мосқвадан келганлар гапиришмади. Улар совғаларини шундок беришганди.

Тўравой ака келининг айтилаёттан мадхлар, олқишлиарни эшишиб, совғалар конвертларда берилаётганини кўриб, эси оғиб қолди, чунки барча четдан келган меҳмонлар бари конвертлар тутган эди.

— Шовқат бу Толибни ишхонасидан бир бор табриклишди ва катта ҳажмдаги юпқа телевизор беришди, холос. Келинга бўлаётган иззатни қара, ёпирай, умримда кўрмаганман.

— Кўяверинг. Почча. Келин ҳам қиз ўрнида, меҳрини уйга келгандан биласиз.

## КЕЛИНЧАКЛИК ЗАВҚИ ЁДГА ТУШДИ

Базм тугаб ҳамма тарқагач, келин-куёв ичкарига киритиб юборилди.

Улар ёлғиз қолишганда, Толибнинг тўй ҳаракати билан чарчагани шундок кўзларидан билиниб турарди. У бир зумдан сўнг ётоқхонага кириб, кенг каравотнинг бир четидә донг қотиб уйқута кетди.

Лайло унинг ёнида: «Эркакларни бунча мўрт яраттган, бир бора бўлса ҳам қучиб, эркалашга ярамади», деб жилмайиб, ўйчан чўзилди.

Эрталаб келин салом қилиш Мукаррам опадан чиқди. Аввалги келинида, табиийки, бу удум амал кўрмаганди.

«Бой келин келибти», деб кўшнилар эшиқдан томошага туришар, бир хиллари бир парча латта кўтарибми навбатини кутарди.

— Салом, салом, келин салом, қайнанасига салом.

Аввал қайнана, кейин бошқа яқинларга салом қила туриб орасида яллачи бир-икки кўшиқ айтди. Қайнана келининг қадимий бухорий зирақ ва узук тақди. Яқинлар ҳам ким палос, ким ошхона сервиси беришди. Уларга мос равишда келиндан катта-кичик совғалар бўлди.

Яллачи эшиқда пайдо бўлган Тўравой акага салом қилдирди.

— Салом, салом келин салом. Ўғлига қаттиқ турган, адаб йўлни тутган, олийгоҳда ўқитган, ҳаёт илмин уқитган, ширбадавлатдир зоги, қайнатасига салом.

Қайнатасининг ишораси билан, катта учга тўрт метрли Хива гиламини, икки дастёр бир чеккасини очиб, айвонга кўйишиди.

Ҳамма тузук, тузук деб турган эди, очик, эшик тўғрисида ҳаворанг Ласетти машинаси тўхтаб, ичидан Дилдора тушиб шошиб ичкарига кирди.

Қайнатанинг совраси «ҳозир чиқар бир кўрайлик», деб ийғилланлар илҳақ кутишарди.

Ичкаридан қизил духоба ёстиқ чиқди. У қайнатага узатилганда, бирор ҳайрон бўлди, бошқаси «энди қариганда юмшоқ ёстиққа бош тегаркан, аввалгиси қаттиқ эканми?» деб кулишиди.

Мукаррам опа яқин турганидан ёстиққа тўғноғичланган калитни кўриб, гапиролмас, фақат кўрсаткич бармоини никтарди. Барнохон буни энди фахмлаб ёстиқни бир ёғидан тутиб, шангиллади:

— Тўравой почча, сизга сюрпризнинг каттаси, топинг-чи?  
Ҳамма ёстиқчага қаради.

Бироқ ҳамон эрининг қимирламаганидан, Мукаррам опа тўғноғични ечиб, калитни эрига узатди.

— Сизга машина.

Кимдир бақириб юборди.

— Яшаворинг, келин.

Атроф гурилларди. Сотихон сўзлади.

— Куда бува, ташқаридағи машина сизга, келинингиздан совға. Илтимос, қабул қилинг.

— Йўқ, ололмайман. Менга ўғилларим олиб беради.

— Вой, адаси, келинингизни изза қилманг.

Лайло унга бош эгиб, бошида узун оқ рўмол остидан қайнатасининг ҳолатини кузатиб жилмайиб турарди.

Кутилмаган баҳт ёки катта совға ўзи одамларни шошириб кўяди.

Тўравой ака индамай чиқиб кетаётган эди, синглиси тўхтатиб, «ака, ҳеч бўлмаса, дуо қилинг, калитни кенномийм оларлар», деди.

Тўравой ака кўзлари намланиб, дуо қилди;

— Болаларимиз баҳтли, саодатли бўлишсин! Уларнинг роҳатини кўриб юрайлик. Кейинги йил ой кунларида яхши набиралар бериб, ақиқалар қилиш насиб этсин! Илоҳи омин!

У келини томонга қарамай күзларига дастрұмол босиб-босиб күчага йўл олди.

Сўнг қийқириқ ўйин-кулгилар бўлди...

Талабгорининг ўпичлари тўхтамай, силаб-сийпалашлари жонига оро кириб, натижада, Лайло баҳорда бутун далани қоплайдиган қоқи ўтдек бағрини ёзиб, маҳбубининг муҳаббатига сазовор бўлиб, эҳтиросданми, севинчданми кўзларидан муздек ёш қалқди...

Саҳарлаб, ҳовлидан қайнанасининг ва Сожиданинг овози келиши билан Лайло уйғониб дарров келинлик либосларида ҳовлида пайдо бўлди.

Чаққонлар ҳовлига сув сепиб супиришибди. Унга кўча қолганди. У пақирлаб ташқарига сув сепа бошлаганди, қўшни эшигидағи келин қўлидан чеълакни олиб ёрдамга келди.

— Кийимингиз жуда оҳорли экан.

— Таги сероб.

— Қаердан?

— Бизнинг фирма тикади.

Лайло қолиб ўрнига ёшроқ, одмироқ кийинган келин ишга тушди.

Бошқа икки келинлар ишини қўйиб, бир қўлида ҳокандоз, бошқаси қўлида супурги унга қизиқиб гапга тутишди.

— Ательентиз ҳам бор эками?

— Ҳа.

— Шунча нарсага қандоқ улгурасиз? Сири нимада?

— Билмасам, нима иш қилишимни Оллоҳ ўзи дилимга со-либ қўяди.

— Толиб ака билан самолётда танишган экансизми?

— Европа осмонида танишгандик, ўйлайманки энди Тошкент бағрида яшаймиз.

Ҳоҳолаб кулишди.

— Қувноқ экансиз?

— Шодон кулиб, ҳавас билан ҳаётда яшаганга нима етсин.

Нариги қўшни қайнанаси чиқиб шанғиллади.

— Гуландом, қайда қолдингиз, ярмини ким супиради?

Сўнг Лайлого кўзи тушди.

— Вой, бой келин сизми?

— Ассалому алайкум. Келинингизни мен чақиргандим. Айбга буюрмайсиз.

— Ваалайкум ассалом. Майли, майли. Кейин супирса ҳам бўлади.

У қайнана уйига тезда шўнғиди.

- Лайло опа, сиздан ҳайиқдилар.
- Ҳозирча ҳаммангизга хайр, ҳали бирор соатдан кейин маслаҳатлашиб чиқинглар, меҳмоним бўласизлар.

Кулишди. Лайло уйга кириб, юз-қўлларини ювиб у ёқ-бу ёғини қоққан бўлди-да, холасини бақрига бошини қўйди.

- Ҳаммаси жойидами?
- Ҳа, нимани айтаяпсиз? — айёrona сўради Лайло.
- Нимани, нимани? Ўшани?
- Хола?
- Мушукдан қўрқкан сичқондек овозларинг чиқмади. Бу ёшлар, шўх бўлмайдими.
- Одам уяларкан, эшикда жосуслар бўлса, — деб ҳоҳолади Лайло. — Жавобимдан қониқдингизми?
- Мен ойингта ҳисоб бераман. Ҳозир холангмас, янгангман. Ростини айт, ё куёв яна уйқута кетдими?
- Бироз ухлагани рост, кейин күёвлигини эслатиб... ўз ҳолимга қўймади, — деб Лайло кулди. Сизнингча бир неча турмуш кўрган жувонни эплаш осон эканми, ҳайиқаяптилар ёш эргинам, — деб яна яйраб кулди.

Бир зум ўтмай кулгуга этакдаги уйдан чиқкан қайнанаси билан қучоқлаб кўришди.

- Яхши ухлаб турдингизми, ойижон. Чой қўяйми?
- Толиб уйғонсин, у ухляптими? Ўзи тўйда роса толиқкан.
- Йўқ, яхшилар. Туни билан ўз ҳолимга қўймадилар, ойижон.

У холасига кўзини қисиб гапирди.

- Вой, болам-эй, кўя беринг эрлар ўзи шунаقا.
- Қайнанаси бошқача жавоб қилганига, Лайло ҳазилни тушунмас эканлар, деб фикр чиқарди ва сухбат мавзусини бурди.
- Адажон турганимилар?
- Ҳа, улар туриб, қўшни келинлар билан машғулот ўтказёттанингизни кўрибдилар, — деб жилмайди қайнанаси.
- Ўзлари ёрдам беришди. Ё нотўри қилдимми?
- Баҳосини адажонингиздан эшитарсиз. Толибни ҳам уйғотишни унугтманг.
- Хўп, ойижон.

Лайло чаққонгина чой қўйди. Чойнак-пиёлаларни дастурхонга терди.

Шу пайт тогора кўтариб Сотихон кирди.

- Ҳа, Лайло, табриклайман.
- Нима билан.
- Ўзини билмаганга солади, эрлик бўлибсан.

— Аввалчи, ким эди?

— Қайлиқ.

Лайло Толибни уйғотаркан, ёноғига лабини босди.

— Күёв тўра, туринг энди.

— Лайло, нима шовқин?

— Қовурдоқ буорган экансизми? Ҳақини сўрашяпти.

— Боя тўлаганим камми?

— Ёдимда йўқ.

— Шунақами?

У хотинининг қўлидан ушлаб ёнига тортди.

— Бўлди, қайтиб одим сўзимни. Эсимга тушди.

Уларнинг ҳар иккаласининг қўзида кундалик турмушнинг юксак қадр-қиймати, муҳаббат ардоғи ишва қилиб, ўз она тилларидағи қочиримлар билан ўйин қилишлар ёқарди.

Лайло бежирим келинлик либосида, бошида шоҳона дуррача, оёғида учи қайрилган пойафзалда айвондаги ясатуғлик стол-стул атрофида қайнатасига чой узатди.

— Кўп яша. Лекин боя келинларни йиғиб йўлга солдингми? Бир ёши сув ҳам ташидими?

— Ҳа, адажон, уларга Дубай, Италия, Англия ва Россия давлатларидағи саёҳатларимдан сўзлаб бердим.

Қайнатаси қалқиб кетди.

— Шу давлатларда бўлғанмисан келин?

— Шундоқ адажон.

— Яна адажон дейди. Ҳа, мен Тошкентдан умримда чиқмабман, Самарқанд, Бухоро ва Хивага бир мартағина борибман.

— Ўзингиз адаси, Англияга бормадингиз-ку?

— Эй, ўша тўйгами? Сенга ҳам бормагин дегандим. Балки, ўшанда, ўғлинг у имонсизга уйланмасди.

— Адажон, келинг чой қуйиб берай. Яххиси, бу йил ҳажсафарига тайёргарлик кўрсангиз.

— Келин, сен мени шоширма. Менга хўжайинлик қилма, ана эрингни ўйла.

— Ойижон билан бирга борасизлар?

— Яна гапиради-я?

— Умрингиздан барака топинг, яхши фарзандлар берсин келин, — деди қайнанаси.

Лайло хурсанд, зрига қаради.

— Толиб ака, чой берайми?

У ҳам сир бой бермай илжайди: «Қалай отам, бўш келмайдиларми?».

- Пиёлангизни узатинг.
- Эй, Толиб, мунча хаёлинг қочди. Узат пиёлангни, шу хотин энди сеники, — деб кесди адаси.
- Ҳой, адаси, сал нафас олгани қўймайсиз-а? Ундан кўра, машинада бориб бир айланиб келсангиз бўлармиди?

Тўравой ака энди сал тиржайди.

- Келин, кеча чойхонада гап бўлибди, борсам ҳаммаси ўрнидан туриб сўрашди. Келинг. Тўравой бой дейишди.

Лайло пиёлагага чой қўйиб қайнатасига узатди.

- Қулмуқ бўлсин, янги номингиз?

— Раҳмат келин.

У ўслига қараб гапирди.

- Сенлар вақтлироқ машина олиб берсаларинг, қачонлар бой ота номини олардим. Энди келин олдида қарздорман.

- Қўяверинг адажон. Қарзини ўғлингиздан ундириб оламан.

— Тўғри ада, мен тўлаб тураман.

- Тўравой ака қараса, ёшлар ўзаро ширин асқия қилишти, ўзини жўрттага жаҳди чиққанга солиб, ўрнидан турди.

— Сенларга гап бўлса.

Бари ҳоҳолаб кулишди.

Толиб келинни пастлатиш учун гапирди.

- Ҳой, келин, бундек куёвга чой қўйиб турмайдими, томофим куриди.

У жўрттага ойиси нима деркин деб гапни айлангирган эди.

- Томогинг қуримайди, аданг инжиқдиклари камми? Энди сен бошладингми?

Лайло Толибга қаради. Унинг қарашида, ана менинг ҳимоячим ойижон бор, деган маъно ётарди..

- Ўғлим сенга ҳам жавоб. Қовурдоққа ҳозир қўшнилар, яқинлар келишади. Фақат, аввал бозорга бориб келасан.

- Ойижон, Толиб акам ишга боришлари зарур. Бозорга борадиганлар топилиб қолар.

— Тўғри ойи, офисда қўринмасам, гап тегади.

Ўн дақиқада Толибни жуда кўркам ясантириб, галстук ва чиройли енгил ёзги костюмда, янги жигтарранг туфли кийгизиб, сифатли одеколонлар пуркаб, улар ховлига чиқишганда, Мукаррам ола кўзлари ёшлианди.

- Кўз тегмасин, бирам пўрим бўлиб кетибсан, ўғлим. Келинимга раҳмат дедингми?

— Эй, оий, Лондондаек бор раҳматларини айтиб қўйганман. Энди келинингиз бир умрга мендан қарздор. Ишонмасангиз ана ўзидан сўранг.

— Бор-эй, ҳаддингдан ошма? Оғзим бор экан деб ҳар нарсани ҳазил қила берма?

— Шуни айтинг оий, эрталабдан бери ўғлингиз мазаҳга ўтиб олдилар.

Лайло, эрини машинаси жўнагунча кузатиб турганда, бир-икки қўшнилар чиқиб туришган экан, уларга салом бериб ичкарига таклиф этди.

— Раҳмат Лайлохон, йигилишиб чиқармиз.

Бирпас туриб ойиси бир тоғора норин кўтариб келди. Ёнида Таня опа ва шифокор Лилия Дмитриевна бор эди. Мехмонларни Лайло ўнг қўлдаги меҳмонхонага бошлади. Айвонда яқин икки қўшни чиқиб улгуришганди. Хайрихон улар қато-рига чўқди, даҳлиздан Сотихон ва Сожида ҳам уларга қўшилишди.

Таня опа кулди.

— Мана Лилия хайрлашгани кирди. Кетар олди маслаҳатларини олиб қол. Мен айвонда ойинг билан бўламан.

У айвонга чиқди.

— Эринг дурустми?

— Лилия Дмитриевна, одамни хижолат қилманг.

— Демак, дуруст. У ҳолда мен хотиржамман. Жуда интеллигентта ўхшаган эрқаклар сал ишончсизроқ ҳисобланади.

— Ҳимм.

— Керак бўлса ташаббусни қўлга олиш лозим. Сен ёш қизмассан.

— Доктор Харина — мени қайси йўлга бошляйпсиз. Бу ер шарқ.

— Аҳамиятсиз. Кесакдек совуқ ётиш, минг чиройинг бўлса ҳам, охири жонга тегади.

— Тушундим. Ликбез тамомми?

— Кўз қарашларинг, ишваларинг, тоҳо беихтиёр тегиб кетишингми, сўз ўйини биланми, ёлғиз қолганларингда силабийпалаб уни севишингни билдириб туриш лозим.

— Буни дастлабки марта эрга тегишимдан фаҳмлаганман.

— Бу нечанчиси?

— Айтмайман, баракаси кетади, — Лайло қувнаб кулди.

Айвонда чой ичиб ўтирган қўшнилардан бири гапирди.

— Келинингиз мунча қувноқ. Кўз тегмасин. Уйдаги ана-

конда келинимнинг юзидан заҳар томади. Ўрлим йигирма дә-  
қиқадан ортиққа чидай олмай, күчага югуради.

Сўнг бирин-кетин бошқа қўни-қўшилар ҳам чиқиб, Лай-  
ло қўлидан бир пиёла чой ичиб кетишарди. Гарчи қатта ов-  
син ҳам қарашган бўлса-да, Лайло қўлидан чой ичиш, ке-  
лин саломини кўришни истаганлар кўп эди. Кечгача у чар-  
чади. Тушга яқин Харина ва Тания опа кетиши билан, Ол-  
тинсоч, Ойгул опа, Светлана Петровна Айсунни етаклаб ки-  
риб келишди. Ҳазил-хузул, чиройли гаплар бўлди. Айсу жид-  
дий қизлардек ўтирад, ойиси билан ҳам узоқ қучоқлашиб  
кўришмади.

— Ойи, сиз меҳмонларни кутиб олишингиз керак экан.  
Бувим айтди. Бизлар сизга халақит бермаймиз-а?

Шу гапларни эшита туриб, Лайлонинг кўзларидан ёш чи-  
қиб, Айсуни ўпиб, бағрига босди.

Қўшилар бунча чиройли қизингиз, фақат кўзлари нега  
кўк деб сўрашди.

- Адаси, Азизнинг кўзига мос.
- Нега ажрашгансиз?
- Тақдир.

Олтинсоч «бугун ҳамма красноярсклик меҳмонлар кечки  
еттида учамиз», деб эслатди.

- Кузатгани чиқаман, хабарим бор.

Одамгарчиликнинг энг юқори нуқтаси кутиб олиш ва ку-  
затиш билан белгиланади. Лайло буни яхши уққанди.

Аэропортга соат бешда Толиб билан келгандарида регистрация  
бошланишига бир неча дақиқа қолган эди.

Барча танишлари билан Лайло хайр-хўшлишаркан, кўзла-  
рига беихтиёр ёш келар ва унга азиз, қимматли бўлиб қол-  
ган қадрдонларининг бағридан зўрга чиқиб, бошқасининг  
қучогига ўзини отиб тин олган бўлардию, яна у билан ҳам  
хайрлашиб бошқасини кучарди. Ниҳоят ҳаммалари билан у  
хайрлашгач, улар ортидан аэропортнинг бўшаб қолган йўлов-  
чилар йўлагига қараб, анча вақттacha бир жойда қотиб тур-  
ди. Толиб уни суюб олган, Лайло эски хотиралари, хотирала-  
ригина эмас, умри билан боғлиқ танишларини ҳозиргина  
кузаттанидан ниманидир йўқотгандек, нимадандир узилиб  
қолгандек эди. Унинг ёнида ҳаттоки, уч боласидан бири ҳам  
қолмаганидан, ёнида Толиб бўлса-да, ёлғизликни ҳис қилиб  
юраги сиқилиб, хўнграб йиғлаб юборди-да, эрининг бўйни-  
га осиди.

## ДИЙДОРГА ТҮЙМАЙДИ, КИШИ

Бир ой ичида севишганлар бир-бирләрини шунчалик түшүниб етдиларки, четдан қараган одам, иккита робот ҳар куни бир хил юмушни бажаряпти, деб ўйларди.

Бу муддатта Мукаррам опа Лайлони келин саломларга навбатма-навбат барча қариндошлариникига олиб борди. Келин томондан ҳам Сожида, Соттихон ва бошқа узок қариндошлири ҳам чақиришиб күймасди.

Лайло келин саломга борган жойлари йигирматага яқинлашганды, қайнана келин чарчаб, бошқаларига кейинчалик түйхашмаларда чалларсизлар деб жавоб берип күя қолишиди.

Тонгда Лайло, туриб ҳовли ташқарисига сув сепади, супурди. Кейин сули, гречка ё крупадан бүткә ёки ширгуруч пиширади. Сокларми, чой-нөн ўз йўлига. Сур гўштми, қазими, пишлоқми кесилади. Қаймоқ ёки кўпинча сметана кўйилади.

Ҳамма келишиб олгандек бир парракдан ортиқ гўшт ва пишлоқ емайди. Мақсад қоматини сақдашмас, бу уйда кам томоқлиликка ўрганилган эди. Бу эса Лайлонинг ҳам шиори.

Чой ичилгач, эрининг ўзига қараши, кийиниши ва чиқиб кетишигача Лайло унинг ёнидан бир қадам жилмайди. Костюмiga мос куйлак, галстук, ҳатто пайтоқ танлашиб юборади.

Кечки овқат вақтида ҳамма етиб келади.

Яна тўртловон ҳангомалашиб, айниқса Тўравой аканинг ҳайдовчилик пайтидаги қизиқ воқеаларини эшишиб ўтиришади.

Кексалар сўнг этакдаги уйга тушиб кетишиди. Ёшлар тоҳига тоҳида шаҳар бўйлаб, рулда Толиб бўлади, аммо тоҳо Лайло илтимос қилса, эри унинг ҳайдашига кўнади. Баъзан япон боғида пиёда айланишиди, чунки уйлари яқин. Ё бўлмаса тоҳ-тоҳида, ташқарида, қўшни келинлар билан соатлаб ҳангомалашиб туриш Лайлого ёқади. Шунда ҳам у ишқий саргузаштлар тўғрисида улар билан гаплашишига андиша қиласди. Кўнгли тусаб қолса дилни қитиқлайдиган ҳинд ёки саргузаштили, романтикми, классикми фильмни айлантириб, ёки мусиқа, куй, қўшиклар клиплариними, Лайло эрининг пинжига кириб олиб томоша қиласди. Аммо Толиб зерикаётганини сезса, дарров учирини, унинг дилидан ўтаётган фикрларни илғаб олишни қойиллатади.

Энг яхши виссолдаги ҳузур севишганлар қулоқлари биланмас. Қалблари билан тинглашдалигини улар англаб етиш-

тандек жим ўтириб, ора-чора бир-бирларига күз ташлааб қўйиб ором олишарди.

Астойдил хоҳласа талабгорининг завти белни синдирап даражада эканлитини жувон ўзида синаб, бу қўллар сикуби ёқишини билдириш учун, ёрини эркараб, халоскорим деб, майин товушлар берар, қизарган, ўтда ёнгандек оловли юзини танлаганини кўксига босарди. Бу қилиқлари йигитта ҳам күш келарди.

Шундан сўнг у кўтаринкилик ва кўзларидағи қувончни, бошини ҳар тарафга буриб, яширган бўлар, ўтли қарашларини онда-сонда ташлашини ўзида, баҳт ва саодат онларига етказган манманлик, такаббурлик ёки катталикни билмайдиган меҳнатда чиниккан, талабчан ёрига миннатдорчилик ва ташаккур бўларди. Лайло, ўз юртида эрга чиқиб қанчалар баҳтиёр эканлигига тавсиф ва таъриф тополмай, кўзларидан гоҳо муздек севинч ёшли кўзларидан ўпиб, кўнглини кўтарган, ҳис-ҳаяжонда чукур-чукур нафас олишларига қулоқ тутиб, унга зидан боқаркан, сизнинг дардларингиз ва севинчларингизга бир умрга шерикман, дегандек ўзининг ҳозирлигини намоён этарди.

Уни бальзилар, фақат қаду камолини хоҳдашганини, қалбини туб-тубигача тушуна олишни исташмагани, энди билиниб қолди. Эрининг меҳр ва муҳаббати Лайлони худди янгитдан туғилгандек, руҳида бошқа жонон, ўйинқароқлик ва шўхликлари қизлигини эслатадиган моҳичеҳра пайдо қилдики, у энди ҳар тонг кўзини очганда, ёнида тоғдек суюнчиғи ва халоскори борлигидан дили яйради. Лабларида ним табассум ўйнаб, ўзини ташвишсиз дамларга қайтгандек сезиб, бу қучоқда эркаланишдан хориш, толиқиши сезмай ағанаб-аганаб қувнарди.

Тўравой ака, шу вақтгача ўзига қарамаган бефарқ одамдан, ораста юриб дуч келган жойга тупирадиган чолларга дақки берадиган одат чиқарди. Кийимлари ювиб, дазмолланган, пўрим кексалар қаторига ўтган, дуч келган жойда ўтириб кетмайди. Мехмонгами, тўй-маъракага борсами, жой танлаб иззатталаблик қиласидиган бўлди. Натижада маҳаллада Тўравой сатанг номини ҳам олди.

Қайнана-қайната ҳам Лайло келиб, уйларига файз-бара-ка, сарипталик ва озодалик кирганидан хурсанд эдилар. Чунки кўпинча Лайло кучи етмаса, жияилари ҳар шанба ё дам олиш-

ми чакиртириб, уйларни йиғиштириб тозалатиб, йигилган кирларни ювдириб оларди.

Ионнинг бошида ҳисобот билан Толиб хизмат сафари билан Англияга икки ҳафтага бориб келди. Лайло шундагина қанчалик унга боғланганини англади, бу ёқда ёш эрининг завқу шавқига ҳали тўйинмагани сезилди.

Ҳақиқий муҳаббат унинг қалбига ташриф буюрганини, унда иззат-хурмат, меҳр, қадр-қиймат, оқибат, соғиниш ва ҳижронга ўрин бўлишини тушуниб етди. Шунча пайт унинг фироқида ошиқлари кам чекса, энди у ўзи шу ҳисларга рўпару бўлиб, кунда Толибга қўнғироқ қилишдан чарчамади.

Лайло бизнесдан катта пул келишини билса-да, аввало менежерларига телефон қилиш ўрнига, ўзи айтгандек, қадр-дон эрига қўнғироқ қилишга ошиқарди. Бизнеси эса яхши йўлга қўйилган, ҳафталик ҳисоботларни компьютерда йиғиш ва тайёрлашни жияни Дилдора бажаради.

Ҳар ҳолда Лайло яқинларига иш топиб беришини унугмасди...

Толиб Лондондан Тошкент аэропортига келиб тушганда, бир соатлар у чиқишини кутиб, Лайлонинг юраги ҳаприқар, ҳудди унинг бағрига отилиб бош қўйса тинчи, ҳаловати қайтадигандек орзиқарди.

Вақт эса роса секин ўтарди. Ниҳоят, Толиб чиқиб келди, у барно ва жуда келишган, ўйлади унинг қархисига бораркан Лайло ҳамда яқин келганда унинг елкасига бош қўйди-ю, қўлларига осилиб қолди. Толиб қўлидаги сумкаларини ерга ташлаб, уни ушлашга улгурди...

## ГАП-СЎЗЛИ МАҲАЛЛА

Кунлар осуда, масъуд ўтар эди.

Аммо бироннинг бахти бирорда ҳавас уйғотса, бирорда ҳасад қўзғатади. Лайлонинг қувончига шунинг учун ҳам қўз тегди.

Лайло энди бахти ҳеч узилмаидигандек, хурсандлигидан иши, ҳаёти тўғрисида бўрттириброқ ўзи айтиб қўйдими ёки унинг фирмаси тўғрисида Интернетдан хабар топишганми, қўшни аёллар ичида шов-шуввлар бирпаста тарқаб, унинг молдунё, ҳашам ортиргани фирмалари орқали келаётганини инобатта олинмай, аёлликнинг ёмон қилиқларию, юришлари

билан боғланганди. Бу гап Тұравой ака уйига ҳам киши бил-  
мас тезда етиб келди. Аввалига бу гаптарға зәтибор бермай,  
Толибнинг ойиси бор гапни бости-бости қылғандек зди, аммо  
бошқа куни түй ошидан пешинде чиқища, маҳаллада дарак-  
чи номини олган Сотвоздидан Тұравой ака күпчилик орасыда  
қизиқ гап эшигиди.

Эмишки, келини Лайлор бир неча бор турмуш күрган, бо-  
лалари ҳар қаерда яшаркан. Никохга манфаатлы контракт  
тузиш асосыда тегиб, ҳашам, бойлик орттирганмиш ва бошқа  
ҳасад гаплар. Бу сүзларға жавоб Тұравой акада йўқ, зди. У  
баланд келиб, сенинг нима ишининг бор деганини билди, нима  
энди шу йўл билан орттирилган қелинни машинасига ўтириб  
олдим деб, кеккайсанми деб, «даракчи» хужумга ўтди. Шун-  
дан кейин, Тұравой ақани росмана аччиғи чиққанди, бош-  
қалар ҳей, майда гап бўлмандар деганича уларни ажратиб  
қўйишидию, лекин кўпчилик «даракчи»га ён босганини кўриб,  
Тұравой ақани юзи шувут бўлди.

Тұравой ака шу вақтгача маҳаллада бунчалик изза бўлма-  
ганди, уйга кира солиб, хотинига бақирмади-чақирмади, ўз  
хонасига кириб, ётиб олди. Кечқурунги овқатта ҳам чиқма-  
ди. Юраги сиқилиб, муштини тишлаб ётди. Олдига кирган  
хотинига бир сўз демади. Толиб ўғли келини билан ҳол-  
аҳвол сўраб киришганда уларга ҳам бир сўз айтмай хўмрайиб  
қўйди, холос. Толиб бир гап бўлганини сезиб, хотинига ҳай-  
рон қаради. Лайлор кўтарилиган гап-сўзлар энди эркакларга  
бориб етганини англаб, сир бой бермаса-да, ичидан қаттиқ  
сиқилди.

Бу уйда эрталабгача ҳеч кимда уйқу бўлмади. Шундагина  
Мукаррам она янглишганини сезди. Гап-сўзлар маҳаллада  
бир умрлик, ўлиб кетмагунча қайта-қайта эшила берасан.  
Толибни ҳамма никтаб кўрсатишни кўз олдига келтириб  
ютинди. Аламдан бошини каравот четига урди. Ақдим қур-  
син, кимни олиб бердим. Эр кўрган, эл кўрганлиги майли,  
ҳашам учун ҳар кимга теккани маломати бор. Уни Толиб кўтара  
олармишан. Улардан туғилажак болалар-чи? Уларга ҳам она-  
си қоралаб айтилади. Уф... Нима бўлади энди.

Эрталаб вақтли турган Тұравой ака келини олиб берган  
машинага ҳам қарамай, Кўкчага қараб йўл олди. У ерда бир-  
га битта автобусга ҳайдовчилик қилған барча билған улфати,  
маҳалласи Хабибулло бош деб атайдиган дўстининг олдига  
борди. Кўлида патир, қаймоқ.

Ичкарига киришгач, салом-алиқдан сүнт. Тұравой бошини көтирган масалани ўртага ташлади. Келин тұғрисида эшит-тап бор кирдикорларни очы. Маслаҳат сұради. Бу гаплар қарыганимда менге оғирилік қыларкан, кеткизиб юбораймы деб тикка сұради.

Хабибулло бош, боши катталиги учун шундай ном олган бұлса-да, жуда ҳәётпі яхши билади. Энг тузук маслаҳатлар бешкәлардан чиқмаса-да, ундан чиқади.

Шунгами, у ҳозир индамай чойини хұйрлатиб, қай-моққа нон ботириб ея бошлади. Орасыда Тұравой акани чойга таклиф этиб, бошини силкиб ундаң құярды. Тұравой ақа шошмади. У ҳам чой ичишінә киришди. Билади, дүсти үйтә чүмди...

Эрталаб, уйдаги ахволни, сукутни сабабини сезиб, Лайлө уйга бориб келәй, ойи деб изн сұради. Мукаррам опа бош силкиб жавоб берді.

Бу вақтда Толиб саҳарлаб отасининг изидан күчага чи-киб кеттанди. У вақтли бориб оғисида үйга чүмганди. Ниямага энди күпчилік иявони яхши күраркин, бошқа ишлари йүқми? Бу гап-сүзлардан, қачон қутыларкин авом деб үйла-дию, авом түгүл күп ақли тошғанлар ҳам, бундай ҳаракат-ларни құлдамаслығига фаросати етиб, үйланышта шошиб қолмадимми, деб биринчи марта үзи ҳам дилидан шубха-гумонға үрин берди.

Лайлө индамай уйига бориб олди-да, биринчи бор аламля үкириб, ойиси Хайрихоннинг бағрига үзини ташлади.

— Ойи, ҳаммаси тамом. Мени у ердагилар ғийбатимни қилиб, орсиз, шармандаға чиқаришибди. Энди нима бұлади? Мен ҳам одамларға үхшаб яшасам дегаидим. Ойи... Айбим нима?

Хайрихон опа қызини бағрига босаркан, кибор ҳоним-лардаим, артистларданни келадиган атир аралаш ҳыд ке-либ димогига урилді. У қызининг нешонасидан үпганди, күчо-ғидаги жувон учта қызини эслатмай, бегонадек совуқ, бирок үнхоятда латофатлы ҳонимдек куришди.

У шунгами юрак ютиб, унинг ахволига ачинтаниданми, еки қысматиппинң дарбадарлыгини ҳисобға өлибми, қызим, сенға бир гап айтаймы, деб сұради.

- Нима гап?
- Сен ҳақында.
- Мен ҳақымда.

- Отанг жони үзиллар чөйнің мендән иштимос қылған таң, мазмұнан шуны айтыш вақты етди.

Лайлө ойисидан айрилмай, бошини онасининг тиззасига кўйиб олди-да секин сўзлари:

- Балки кейинроқ айтартсыз. Шу ҳозир зарурмі?
  - Зарур, - деди Хайрихон спа қатынның болан. Лайло құлларнің ёнінг очиб, үзининг норозилігін шаш қыла-қыла күнді.
  - Майлы ойи, фақат қисқароқ сұзланғ.
  - Буниси энди сенға бөгелік.
  - Яна топишімокмі? Бондай қолынг ахшиси.

Хайрихон опа индемай Лайлонинг ҳақиқий ота-оналарни түркисида эшитгапларни сұзлай кетді.

## ТУБ ИЛДИЗ

## ХАЙРИХОН ОПАНИНГ ЮЗИ ЁРУР

Аслида воқеа мана бундай бўлган эди.

Чирчиқдаги ҳарбий танқ билим юртида Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, қаҳрамони Эшвой Ҳобиловнинг невараси Озод Ҳобиловни ўқитувчиликка олиб қолишганига уч йил бўлади. У иттифак тўрт ёшга киради.

Ҳарбийларга қоида бўйича шанба куни тушдан кейин ва якшанба куни дам олиш кўзда тутилган.

Дўсти Нурик Кавказда туғилган.. Уларни ҳар иккисини билим юртида аъло баҳолар ва намунали хулқи учун олиб қолишган. Йўқса Сибирми, Узоқ Шарқми, Украина гами ҳарбий хизматта жўнатишарди. Ҳарбий хизматчини юки енгил ва кам бўлади. Ажабмас, уларни хам бирор йилдан сўнг, амалиёт учун полк алмаштиришларига тўғри келар.

Шанба, якшанба кунлари Чирчиқ марказидаги паркда танца бўлади. Ораста кийинган формадаги офицерлар қизларнинг жони-дили.

Бир шанбада Нурик Озодни ҳам ҳамроҳ, этиб олиб боради. Озод нимагадир бундай саргузаштларни ишқибози эмас. Танца, дискотекаларга кам боради. У Фарғонада русча мактабда ўқимаган бўлса-да, аммо истиқомат қилишган микрорайонда рус забонлilar кўп эдими, болалиқдан русчани яхши билади. Натижада, билим юртига қийналмай имтиҳон төпширади, ўқиди ва унга ҳеч ким дақки беришга асос йўқ, эди. Ичмайдиган, чекмайдиган, дуч келган қизга гап отмайдиган ўта тарбияли курсант, кейинчалик билим юрти ўқитувчилари қаторида ҳам лозим эди.

Нурик бирпасда сариқ сочли Клава билан жуда чиройли, оёқ-қўллари келишган, ундан ёшрок, қош-кўзи тугул, сочи ҳам қора Манзурани Озодга таништириди.

Севги камон отса йигит-қиз бир хил ўйладиган, бир вақтда мубтало бўлишади.

Озод ичида: «Бундай чиройни энди күришим», — деса, қиз ҳам ўз павбатида: «Қандайдыр тарбияли оиланиң фарзанди. Бұлмаса бунчалик викорли боқмасди», — деб йигитта баҳо берганди.

Табиийки, улар ўзаро танцага тушадилар. Нурик кавказ-ликларга хос сарық сочай қызыдан қолмади. Клава аслида мурмансклик. Дам олғани холасиникига Чирчиққа келганди.

— Бизларда сентябрдан совуқ тұшади, сизларда эса худди ёздек иссиқ, экан, деб Нурикни гапга солмоқчи бұлади, у ҳам, мен Кавказдан келганиман, деб кулади.

Нурик қошлари ўсик, бурни қашшари ҳам ўзи ҳам бироз әгилиб юрадиган, Озоддан ярим қаричча бүйи пастроқ йигит зди,

Манзура бүй жиҳатдан Озоддан иккى энлик паст, ҳозир үқорига күзларини күтариб, унинг юзларига қараб-қараб қүяр ва фақат ижобий баҳо бериб, қүнгли ёришиб кетарди. Қош-күзлари худди меникига үхшаган, шунака келишган йигитни энди күришим, деб үйларди.

Аслида у уйнинг ёлғыз фарзанди. Отаси Чори Сафаров Капролактам заводида бош инженер, онаси Маргарита мактабда тарихдан дарс беради. 1980-йилларда Олмалиқдан отасини хизмат қызыдан Чирчиққа юборишишкан. Келганига мана уч үйлар бўлаяпти...

Тез кунда ёшлар бир-бирларига қаттиқ, боғланиб қолишиди.

Улар бекитигча ЗАГСдан ҳам ўтиб олишгач, ошкора майларига зерк бериб юришганини қызининг онасига етказишганда, у ҳарбий билим юртига келиб тұшолон чиқарғанди.

Натижаси, Озодни билим юртида ушлаб қолишини полковник Исаев номақбул топди. Буни устига, уни қызрин нұқталарга юбориш ҳисобига карточкасини тоза қолдириш, йўқса, «аморал» юрганликда айблаб, банд билан жазолаш кўзда тутилганди. Манзурунинг онаси ўн етти ёшли қызини алдаганга чиқариб, йигитни қызғын нұқталарга юборишни талааб қылди ва унинг хоҳиши негадир амалга ошиди.

Үруш зоналарига у вақтда ёрдамга чегараланған ҳарбий қисмлар ичида Озод Ҳобилов ҳам түшди. У уйдагиларга саббини айтиб ўтирмади. Ҳарбийман, боришим зарур экан, деб қўя қолди. Уни, Термизда уч ойлик ҳарбий тайёргарлик курсарини ўтагач, хорижта сафарга жүнатишиди.

Беш ойлар жанговар ҳолатда, жонбозлик билан хизмат қилди-ю, майор Куракин томонидан охиригача үйланмаган

операцияда катта талофот билан чекинаёттандарыда, күпчилик қатори у ҳам снайпер ўқыдан ҳалок бўлди.

Бу пайтда Чирчикдаги туркухонада Манзура ҳомиладор ётар, унга охирги беш кундан бери эридан хабар келмаганидан тўлроғи қочиб кеттанди. Унга уйдагилар илтимоси билан алоҳида хона ажратилган. Жигибийрон, ёттани-ётган, кўзи ёриши қийинлашиб, у нуқул ноҳақ жазо олиб урушга жўнатилган эри Озодни эслаб кўз ёш қилас, охирги уч кун туркухонада ўтказаркан, ойиси келса, «Сиз менга онамассиз», деб ҳайдарди.

Ойиси бош шифокор ҳузурига кириб, қоракат келганига беш кун бўлганини қизига қандай айтниши сўради,

— Йўқса, ёрининг ҳажрида хаёли, бу ёқдан сув кетибми, туғолмай, вақт ўтказиб юборса-чи? Айб менда. Жаҳолатим туфайли шундай йигит ўлди.

У бош шифокорга бор воқеани сўзлаб берди.

— Кизингиз бу ҳолатда сизни кечирмас.

— Дўхтири, у эсон-омон кўз ёришига ёрдам беринглар. Йўқса, икки гуноҳсизни қотилига айланаман. Аламданми, ёш қизимни йўлдан урди деб, ўзим урушга юбортиргандим, кейин тавба қилиб қайтаришларини сўрадим, кеч бўлган экан. У ердан тавбалар билан ҳарбийлар қайтарилемас экан, ё хизмат муддати битеа, ёки темир тобутда келаркан.

— Ихтиёргиз, истасангиз хабарни қизингизга етказинг. Балки, эри учун қайгурмай, бу ёнига боласини ўйлаб, тезроқ тувиш учун биз айтган процедураларни бажарар.

Онаси юраги дов бермай қолдирган хатни ҳамшира олиб кирганды, Манзура қайтага даҳшатта тушиб қичқира бошлади.

Шифокорлар, ҳамширалар тезда уни операция столига кўйишганды, бақириқлар ичидаги тўлғори келиб, у қиз туғди ва қизалоққа қарамаёқ ҳушидан кетди.

Нариги операция столида шу вақтда Хайрихон опага ҳам қиз туғди. Уни Манзуранинг ёнидаги палатага жойлантиришган эди.

Эрталабга яқин ҳамшира келиб Хайрихон опага чақалоқни узаттанды, у эмизди. Боласи кам эмди.

У энди эмчагини сиқиб сутини ситиб чиқарай деса, ҳамшира: — Шошманг, бошқа чақалоқни ҳам эмизиб беринг, онаси бехуш, — деди.

Хайрихон опага келтиришган чақалоқ қизига роса ўхшайдиган, қош-кўзлари қора, лекин тийрак, соғлом, каттароқ ва чиройлироқ эди. У шунчалик ютоқиб эмдикни, Хайрихон опага

да бу қызға меҳр түшіди, жон деб бу чақалоқни ҳам бола қилиб олишта тайёр эди.

- Сизни қызчанғыз нимжөн, касалмандроқ шекилли.
- Биламан. Каттаси, үелім ҳам шунака туғылған.
- Мана бу соғлом қызға алмаштириб бераймы?
- Вой. Үзинині онаси-чи?
- Рад қылышты.
- Бұлмаса шундок, беринглар, ҳар иккисини бोқай.
- Манзуруннің онаси йүқ дейиши мүмкін. Шундай соғлом қызни беріб күймайди. Касалмандығын билса, улар воз кечади. Үндән кейин үзингизнің болаңғызын ҳам боқвол-санғыз бұлади.
- Мен отасидан сүрашим лозим.
- Эсингизни йиғинг. Эртага кеч бўлади. Бу биринчи куни ҳали ҳеч ким қызалоқтарни ажратада олмаганида қилинади.
- Рози бўлсам...
- Рози қиласиз.
- Тушунарли.

Ҳамшира уларни анкетадаги вазниларига түргилаб қўйди. Бўйнидаги номерлар, йўргакларни алмаштиради.

Аслида бу ишларни қилишига сабаб, Хайрихон опа билан гаплашишдан сал аввалдоқ, унинг қызчасини ҳамшира қўли-дан полға тушириб юборганди. Чақалоқ боши билан ерга урилди. Бу дарров билиниади. Эртага бу машмаша чиқса ишдан ҳайдалади. Манзура хаёли жойидамас, қўлига берсам, итар-ганди, каравотнинг раҳига тегиди кетди, дейиш қулайроқ ва ишончли чиқади, чунки у депрессия ҳолатида.

Бу чақалоқтар алмашинувини чуби чиқмай, Хайрихон опа шошилиб бир кун аввал жавоб сўради. Үелиннің касаллигини пеш қнади.

Унга рухсат тегди ва қўлидаги соғлом қызалоқ, икки баҳтли ёшнинг муҳаббатиннің ширин мевасини у уйига олиб кетди.

Йиғлаб ҳар куни мотам тутаётган Манзурага боласини ол-масликни онаси тайинлади. Чунки унга Хайрихон опаниннің касалманаң боласини кўрсатишган эди, у бошидан лат егани боисми, у тинимсиз ғингширди. Манзура онасиннің қистови билан қызалоқдан воз кечиш қоғозларига қўл қўйиб берди.

Шу билан унинг Озодга бўлған муҳаббат саҳифаси ёнилди, деб ойиси хурсанд бўлди.

Бир неча кун ўтиб ўз қызалогини тақдирини билишта борган Хайрихон опага ўша семиз ҳамшира бола уч кунга ҳам

бормай жони узилганини айтганда, умиди бадном бўлибми, Лайлого бор меҳрини қаратди.

Лайло шунгами на Хайрихон опа, на Қудрат ака, на Адабага ўхшайди. Оёқлари узун, бели юқорида, у европаликларнинг коматига ўхшаш қадга эга, бўйи ҳам ойиси ва Адабадан ярим каллача баланд, адасидан бир энликкина паст. У ҳақиқий онасига тортган ажаб қоматли эди.

Хайрихон опа Лайлонинг ҳаётга ташналигини онаси тарафга суюги сурди, бу қизим жаҳонгашта бўлади, шекилли деб ўйларди.

Аммо, шарқ одоб-ҳаёси, шармни жойига қўйиши, қонига ота-онасидан ўттан ва иккинчи томони, бизнинг тарбиямиз маҳсулни дерди. Классик, халқ мусиқаси, куйлари, қўшиқларини ўрганиб, хиргойи қилиб юришлари, рақслар ҳаракати қонига шунчалик синганидан ҳайрон қоларди. Маликалардек викор ва фурурни қайдан олди деб қизиқсинар, чунки унинг ҳам, Қудрат акасининг ҳам оиласи оддий одамлар эди.

Ҳозир у қизига бор ҳақиқатни айтишни лозим топаркан, эри Қудрат акага берган ваъдасини бажарди.

Ҳали бу сирни Лайло қандай қабул қиласди?

Ҳақиқий ота-онамни топаман деб хаёлларга берилса, уларнинг аччиқ қисмати кўнглини чўктириб қўйса-чи? Билгани ёш онасининг телба ҳолати, боласини эмизишдан бош тортганими, ё сути қочиб кетганими, эсида йўқ. Ахир бу воқеалар бўлиб ўтганига йигирма йилдан ошди.

Унинг отаси ҳарбий дейишганми. У қаерда ҳозир? Ҳа, отаси ўлганди, бечора. Ўшанга онаси телба бўлиб қолганди-ку.

Эвоҳ, сирни айтдим. Ёпиқлик қозон очилди, ёпиқлигича қолмади, энди Лайло нима деркин?

Шу сўзларни билганича шошиб, тутила-тутила сўзлаб, Хайрихон опа Лайлого қаради.

— Ойи, у алмаштирилган қиз ким? — деб Лайло беъти-бор сўради.

Хайрихон опа унга ҳайрон ўтирилиб, ичида орқага қайтиш йўқ деб ўйлаб, пичирлади.

— У сен эдинг, қизим.

Лайло ётган жойидан шартта туриб, чўккалаб ўтиаркан, ойисига қаради. — Мен.

— Ҳа, у сенсан,

— Наҳотки шу гап рост бўлса,

— Чин ҳақиқат, болам мени кечир.

Хайрихон опа қизини шартта қучоклаб олди, йўқса ҳозир ўрнидан туради-ку, қочиб кетадигандек эди.

Лайлло анграйганча, яна саволга тутди.

— Мени тукқан онам бошқами?

Энди унинг овози паст чиқди.

— Сени ҳақиқий онанг бошқа аёл. Мен боқиб олдим.

Лайлло ўтириб қолди.

Инсон кутмаган ҳолатда, бутун умри давомида бошқа бир ниқоб остида яшагану, энди эса ҳақиқий башарасини, афтангорини очиб берадиган дақиқалар уни тамоман гаранг аҳволга кеалиришини у ўзида ҳис қила туриб, диванга узала ағдарилиб йикилди...

Лайлонинг кейинги кунлари чуқур ўй суриш билан ўтари. У қайнанасини кига бормаганига уч кун бўлди. Хайрихон опа телефонда Мукаррам опага қизининг мазаси қочганини, уч-тўрт кун ўзига келиб олиши учун, рухсат сўраганида, у томоннинг тезда рози бўлишидан ҳайрон бўлмади. Мазмунан Лайлло бутунлай бормаса ҳам, улар хафалик сезмайдиган дарражада, шекилли, деб ўлади.

Бу орада Зиё Россиядаги хусусий изқуварларга чиқиб, Лайлонинг онаси тарафдагиларни аниқлади. Озод Ҳобиловнинг авлод-аждоллари эса Фарғонадан дарров топилди.

Маслаҳат билан аввал Москвага бориладиган бўлди.

Лайлога Хайрихон опа ва Тания опа ҳамроҳ эди, чунки бу сирни ҳозирча шуларгини биларди.

Толибининг олдидан ўтиш имкони бўлмади. У ҳеч кимга айтмай Индонезияга хизмат сафарига жўнаб кетгани кейин билинди. Хайрихон опа буни Мукаррам опа билан сухбатда эшитди ва, у ҳолда Лайлога рухсат беринг болаларини кўриб келмоқчи, деб сўради.

Бунга жавобан Мукаррам опа:

— Нимагадир адасининг феъллари айнигани. Берган машинасини ҳам керакмас деяштилар. Майли, ҳозирча қизингиз ўз уйида тура қолсин. Болалари олдига бориши ҳам ўз ихтиёрида, — деди.

Хайрихон опа индамай ўйга чўмди. Унинг қулогини остида «адасининг феъллари айнигани» деган қудасининг сўзи янгради.

У бу сўзларни қизига бехосдан айтганини билади, Лайлонинг мазаси қочди. У ҳаётнинг бундай зарбаларига тайёрмасди, чунки ҳеч ким уни рад қилишларини ҳали кўрмаган, шохи синиб ётиб қолди.

## МАНЗУРА

Владимирда заводлар күп эмас, лекин трактор заводи билан у машхур. Чори Сафаров ўшанды, қизи Манзурани түрүкхонадан олиб, Ўзбекистондан вактинча кетсам, қизим дарларини тезроқ унугади, деб бу шаҳарға келиб қолиштан эди. Уни таниш-билишлар трактор заводига цехда смена бошлиғи вазифасига одиши. Кейинчалик, у яна ўзини кўрсатиб ишлаб, юқори вазифаларга етиб борди, муовин бўлиб йитирма иши ишлади. Хотини Маргаритага мактабда иш топилиб, у ўқитувчиликини давом эттирди. Сафаровга шаҳарнинг қок марказидаги заводга тегишли квартира ёки шаҳар четидан коттедж таклиф этилди. Чори ака ҳовлини матькул кўради, у маҳаллий аҳоли билан ҳам чиқишиб кетадиган одати бор эди. Тезда тил топиши, шунгами унга коттедж беришларига ҳеч ким қаршилик қилмади. Уч-тўрт йиллик сафардаги ҳаётдан кейин ҳамма нарса ўз изига тушиб кетгандек эди...

Бирок, Манзура ҳамон ўзига келолмас, Озоддан ажralиши, унинг бевақт ўлими кўнглини чўктириб, боши хафақонликдан чиқмас, унинг охирги марта кулганини ҳеч ким эслолмасди.

Ўшангами на отаси, на онасининг ҳаловати йўқ, эди. Улар ҳам виждан азобида қийналардилар. Айниқса, қизимни баҳтини ўйлаб қилдим деган онаси Маргаританинг кўнгли вайрон. Қизи уни ёқигирмай қўйганди, сал нарсага жанжал кўтарар, онасидан аламини олиш учун бор ғазабини унга сочарди.

Бу ерга кўчиб келишларига қарамай, анча вақтгача Манзурада ўзгариш бўлмади. Қўлида мактабни тўлиқ битирганлиги тўғрисидаги аттестати бор қиз на ўқишга, на ишга киришини истамас, ёғизлик ва танҳоликда ўй суриб ўтириш, ҳовлини айланиш унинг машрулотига айланди. Аммо, шу ҳолига уй ишлари, овқат пишириш, кир ювишларни ташлаб қўймади. Ҳатто сал ўтмай ҳовлидаги полизга меҳр бериб, гуллар экиб, уларни кесиб тўриб, парваришлаб юрди. Полизга бодринг, чеснок, кўкатлар экиб, тагига сув куйиб вақтини ўтказиб, ўзини овутарди. Ёз тутамай ҳосил оларкан, юзларида жилмайиш пайдо бўларди.

Шу ишлар билан бўлиб, тахминан икки йилча ўтди. Шунда у ўзига анча келиб қолганди. Шунгами отаси унинг ўсимликларга қизиқишини эслатиб, қишлоқ хўжалик академиясига ўқишга киришга унлади. Манзура мактабда ўқиганларини қайтариб кўрса билими камаймаганини ҳис қилди ва уч ойча шугула-

ниб, ўша йылн отаси айттан академияга ўкишга кирди, унинг Олмаликда рус мактабида ўқигани күл келди. Москвадан академия унга ўз ётоқхонасидан жой берди. У энди талаба бўлди. Ота-оналарининг кувончи чексиз эди. Ўзи эса бироз жилмайиб турдиган бўлдино, юзларига зоҳирлан кўнган ҳазинлик ўз ишини қилиб, кўзлари ҳамон ён-атрофга маънос боқарди.

Талабалик даври қизик. У доира бўйлаб югургаётган олма-хондек ҳаловат билмайди. Энг асосийси, агар астойдил талаба ўқийман деса, ўқишнинг ўзи қанча вақтни олиб қўяди. Манзура, шундай ниятда ўкишга кирганидан, иккиламчи деб атамиш қизғин ҳаёт, кину, танцалар, учрашувларга хуши йўқ эди. Йигитлар билан масофа сақдаб гаплашарди.

Академияда йигитлар қизлардан кўпроқ қабул қилинган, чунки бу соҳада ишлашни эркакларга чиқарган. Яна қайси қиз бола қишлоққа бориб зоотехникик ёки агрономлик қилишни хоҳларди. Ўшангами уни на ўкишда, на ётоқхонада йигитлар тинч қўйишмасди. Яхши ётоқдоши Дуняша ҳам жиддийроқ қиз экан. Бир томони тўлароқ, пастаклиги уни кўримсиз кўрсатарди. Юзларида сепкили бор, соchlari тўқ сарик, кўк кўз қиз эди. Балки шунгадир уларнинг хоналарини ҳар ким ҳам истаган лайтида такиллатиб келмасди. Бўлмаса баъзи қизларининг хоналаридан йигитлар аримай, эшиги ёшилмайдиганлари ҳам бор эди.

Аммо, ҳеч бўлмаса ўзи турдиган қаватдагилар билан турилган қуňмрни оммавий ўтказиши таомилга кирганди, ўшанда Манзуради табриклагани барча йигитлар кетма-кет келиб, ўпид табриклишга ишқибоз эдилар. Байрамларда ётоқхонадаги бор талаба ва аспирантлар биринчи қават фойесида ўтказиладиган танпаларга тушиб алламаҳалгача сакрашарди.

Манзура ҳам дутонаси қистовида қўшилиб ўйнарди, Жуфт бўлиб йигитлар билан танцага тушарди. Бу чорда қалб кўридаги исгакларини лузум сўзлаб, қиз бадавини ўзига қаттиқроқ тортигац йигитлар севги-муҳаббатларини изҳор этишарди. Қиз ўзини эшитмаганга оларди. Баъзи йигитлар бу гаплардан ҳам ўтказиб тутридан-тўғри муҳаббат ўйинларини таклиф қилишганларида эса уларнинг тўпори, қўполликларидан ёмон хафа бўларди.

Бундай ҳолларда у йигитнинг башараеси шашалоқ тортиб юборишидан ҳам тоймасди. Бу ҳолат кўпчилик орасида бир неча бор бўлганидан, унга кейинчалик бошқа кув йигитлар ўйлаб яқинлашарди.

Москвадан Владимир узоқ эмас. Автобусда уч-түрт соатда етиб олади. Янги йил байрамида ҳар доим уйига боради. Ота-онаси, буваси бир бўлиб янги йилни кутиб олишади. У отасини, отасидан ҳам урушда меҳнат фронтида хизмат қилган бувасини яхши кўради. Чунки соатлаб унинг ҳикоялари ни эшлиб зерикмайди. Урушда ўн тўрт ёшида заводда ишлагани борми, бир умр юқори даражадаги чилангур қасбида ишлаганини сўзлаб толмайди. Ҳукуматдан олган нишон ва медалларини айниқса ғалаба куни тақиб олиб, невараси билан шаҳар айланиши-чи, Манзурага жуда ёқарди.

Умри меҳнатда ўтган инсоннинг тошгани ардоқ ва фахр туйғусидир. Зоро, жамоадаги обрў, эътибор унинг меҳнатига берилган адолатли баҳо қадр-қийматидир.

Манзурага Владимирда, туар жоиларида ҳам хушторлари кўп эрса-да, уни учрашувга чорлаганларнинг таклифлари бекор қолиб кетарди, у турмуш ўртоғи ўз ҳамюрти бўлишини истарди.

Ўқиши пайтида ҳар йили агро фирмаларга амалиёт учун ёки картошка йигишга бориларди. Ўшанды талабаларнинг иличилиб кетарди. Кунда меҳнатдан кейин ўйин-кулгулар, курсандчиликка ичиладиган ичимликлар ўз ишини қилиб, ҳамма бирга юрганда ҳам, Манзура бунака майда ҳисларга ён бермасди. Озоддан айрилганига беш-олти йил ўтса-да, ҳамон севгилисига содик, бировга кўнгли чопмасди.

Шунда йигитлар гаров ўйнаганми, курсдошлари олтойлик Семёни унга қайрадилар. Ҳарбийдан кейин имтиёзли академияга кирган бу талаба баланд бўйли, дуркун йигит эди. У ўз-ўзидан Манзура ёнита келиб туриб олди-да, унинг картошкаларини қоплашга ёрдам бера бошлади. Қопларни бир ерга учта-тўртта қилиб йигради, қопни очиб туради, Манзура пакирда йигганини унга ағдаради.

Натижада иккаласи йигитани киши бошига олгани бошқаларнидан ҳар куни кўп чиқиб, колхоз оқсоқолидан кунора ташаккур эшлиб юришди.

Манзура ўшандагина сал чеҳраси очилиб, ён-атрофга қарайдиган бўлди. Ёлғиз юргандан ёнида бу йигит борлиги унга маъқул келгандек эди. Фақат, бу ҳамроҳликни суистеммол қилиб, Сёмен кундузи қолиб кечалари ҳам улар хонасига тақилятмай киришни машқ қилгач, унинг ҳафсаласи пир бўлди. Буям майли, бир куни у қишлоқ клубидә, оқсоқолдан навбатдаги ташаккурни эшлиб, танцага қолмай ётоқҳо-

нага қайтиб қизиқ манзаранинг устидан чиққач, бу ёрдамчи йигитни баҳридан ўтди.

Улар, ҳашарчилар, мактабнинг иккинчи қаватига жойлаштирилган эдилар. Манзура зиналардан сакраб-сакраб ўз хонасига югуриб кирдио қотди. Чунки, дугонаси Дуняша билан Семён құчоқлашиб, бир жароватда эдилар..

Шунгами Манзура бүёига йигитларнинг дўстлигига ҳам ишонмай, ҳәелини ўқишига берди. Токи диплом олмагунча ишқ ҳақида ўйламасликка аҳд қилди. Беш йил бирнасда ўтди ҳам. Манзура дипломини бешга ёқлаб, ишга йўлланмани қайси колхозга олсан экан, деган ўйларда машғул эдиким, уни профессор Никольская чақирганини курсдошлари етказиши. Никольская унга ўз илмий раҳбарлигини таклиф этиб, аспирантурага киришига унади.

Шу маслаҳат сабаб бўлдими, Манзура аспирантурага ҳужжат топширди. Уни ўқишига лаёқатини яхши билган қабул ҳайъати аъзолари ҳеч бир қаршилик кўрсатмади. У энди аспирант бўлди. Оила аъзолари унинг бу ҳаракатини ҳам маъқуллаб суюндила. Негадир улар Олмалиққа қайтишни ўйламай, қизларига яқинроқ Владимирда яшашни хоҳлашар, унинг фан арбоби бўлиши учун қўллаб-куватлашим зарур, деб ҳисоблашарди.

Аммо, ёзги таътил вақтида ҳаммалари бир бўлиб она юртларига, Олмалиқ шаҳрига йўл олишарди. Қариндош-уруглари, таниш-билишлари билан ҳантомалашиб дам олишиб келишарди. Ҳар боришганида Манзурага янгидан-янги совчилар чиқса-да, у уларни ҳеч қайсисини Озодга ўхшатмасди.

Манзуранинг аспирантурада ўқиши чоғида, кўп вақти Ленин номли Москвадаги Россиянинг энг катта кутубхонасида ва қишлоқ ҳўжалик фанлари академиясининг кутубхонасида ўтарди. Бу жойда йиғилган билим манбаи унча-мунча жойларда йўқ. Ҳар ҳолда Россиянинг кагта кутубхонаси йиглан билим манбаи дунёда иккинчи ўринда туриши билан ажраблиб туради. Манзура қилган ишлари бўйича ҳафтада биринки марта Никольская уйига бориб ҳисобот беради. Қилган ишларига ё тасдиқ олади, ёки камчилиги бўлса дакки эшитади. Домласи унинг ишини тузатиб беради, янги адабиётларни ўрганишни маслаҳат беради.

Назирни ўша ерда, домласи уйида кўрди. Домласи турмуш Курмаган, бола-чақаси йўқ, бутун умрини илмга бағишлаган Эркин аёл, отасидан қолган уч хоналик ўйда танҳо яшарди. У

бир куни бошқа шогирди Назир билди уни ташитириди. Назир яқинде техникадан номзодликни ёқлаган, уйланмаган бүйдөк, камга, ўйчан, илмга ўч, Наманганинг тоғы қишлоғыда туғилғанды.

Никольская мақсади, улар турмуш қуришларини истаганди. Чунки, буюк химиклар Гьер ва Мария Кюрега үхшаб, Назир ва Манзура ҳам илм йўлини таплаган, бошини китобдан олмайдиган, ҳаётнинг бор завқини билим олишда деб билган ёшлар эди.

Манзурага ҳам бу режа маъқул келгандек бўлди. У ҳозир ҳечам аввали шўх, ўйинқароқ, муҳаббат деса ўзини томдан ташлайдиган ўн етти яшар чорини эслатмасди. Агар ўша пайтда ишқ-севги ҳаётининг асосий мазмуни бўлса, ҳозир эса илм-маърифат йўлида унга ҳамроҳ, тушунадиган инсон керак эди.

Бир йил ўтмай тўйлари бўлди ва аввалига улар Никольская хонимнинг уйига кўчиб ўтишиди. Ёши олтмишдан ошган домласи қариганда ёлғизлиқдан кўра шогирдларининг оиласи билан туришни маъқул кўрди. Бундай қадам кўйишга уларга ачинганими, ёки чиндан бошқа истаги бормиди, билиб бўлмасди. Аммо у бу билан ёшларни Москвадан изярага уй қидириш ташвишидан кутгарди.

Учовлон бирга қизиқарли, тортишиб яшашларининг иккичи йили Манзура номзодлигини ёқлади. Унинг хурсандлиги яқинлари – ойиси, адаси, бувасиники олдида ҳеч нарса эмасди. Яна жигарлар ундан кўра кўпроқ қувонишиди.

Бу оиласда ҳамма иш рёжа билди амалга ошириларди. Улар энди фарзанд кўришни истаб ҳаракат қилишганди, бир йил ўтмай қизлари дунёга келди. Унга Сабрина деб исм беришди. У соғлом ўсида ва озгинча вақт ўтмай, онасигамас отасига ўхшаш сочлари жингалак, жигарранг сочли, кўзлари мунчоқдек қора қиз бўлди. Унга онасининг соҳибжамоллиги ўтмаган, ўртача тусли эди.

Бу орада қайта қуриш оқибатлари илм одамларига жиддий билинди. Шу йилларда гарчи уларга теккани икки хонали коммунал квартира бўлса-да, на Манзура, на эри бизнес олиб боришига қурби етмайдиганлар сафида эканлиги тасдиқланди. Шунда иккалалари ҳам Москвадаги олий билим даргоҳида педагоглик қилишга ўтиб олишди ва аввалига ойлиқдан ойликкача маош кутиб яшашга қаноатланардилар. Аммо қарашса, бир умр коммунал квартирада қолиб кетишади, бу ёқда қизлари катта бўлиб қолаяпти, ўшангами бўши вақтида

Назир математика ва физиқадан репетиторлик қила бошлади. Яқин атрофдаги янги русларнинг уйларига бориб болалари ни ўқитиб келарди, оила бюджетига қўшиладиган тушум кўпайди. Пул йиғишга шароит туғилди. Аммо туғилган кун, байрамларда уйларига ҳеч кимни чақира олмай сиқилишларини айтмаса, уларни юқори калорияли маҳсулотлар ейишга курбилири бемалол етадиган бўлди.

Аввалидек янги йилни Владимирда кутишади. Факат ёнла-рида энди албатта Никольская бўлади. У ҳам бу кичик оила-нинг аъзосига айланган. Унга Манзуранинг буваси ухажер-лик қиласди. Олдидағи тарелкаларга салатми, овқатми солиб туради, бокалларига қизил винодан куяди. Умумий гаплар тутаб ҳар ким ўзаро сұхбатга тушганда, буваси Никольскаяяга қизиқ-қизиқ ҳаётий, бошидан ўтган воқеалардан сўзлаб бера-ди. Ҳар гал кўкрак саратони билан йигирма йиллар аввал оламдан ўтган аёлини қанчалик яхши кўргани, шундан бери ёлғизлигини қистириб ўтади. Ўзидан ўн ёшлар катта чолнинг ҳасратларини Никольская кулиб эшитаркан, ёшлигимда тан олмаган эрни қариганда бошимга ураманми, деб ичида уйлади. Аммо, Сафар ота бўш келмайди, уни ўз ҳолига қўймайди. Чолдаги чўрткесарлик ва ёпишқоқлиги Никольскаяяга ёқади, у билан ҳазил-ҳузуллар қилишга ўтиб олган.

Сўнг, чирокни ўчириб, хонанинг бурчагида ясатилган ар-чага қараб, унда ўчиб-ёнаётган гирляндага ҳузур билан ти-килиб, ҳар ким янги йилда ўзига яхши ният қиласди, тилагини сўрайди. Бу тилаклар қарсаклар билан қаршиланади. Ёки қўшиниларнинг майдага болаларини таклиф этишиб, уларга янги йил, арча, қорбобо, қорқиз ҳақида шеър, эртак, топишмоқ, айттиришади, саволлар бериб гапга солишади.

Кейин яна стол атрофида йиғилиб, қўшиқ айтишади, му-сиқа қўйиб рақста тушишади. Ўзбекча рақсларга ҳамма ба-равар тушишади. Назир ўйинга йўқ. Шу дамларда Чори Са-фаров қизини мақтаб кетади: қизим жуда кўркам, чиройли-а, дея куёвига имлайди. Назир худди қисматда шундай бўлиши керакдек, пешонасига ҳаракат қилса, қилмаса шу ёр ёзили-ши тайиндек хотинини ортиқча мақтамас, бундай ҳолатларда шарҳ, беришни ёқтирумас, индамай қўйишни маъкул кўради. Ҳар гал бир сўз айтмай ўз қадарини ичиб юборади.

Ўз навбатида, Маргарита опа ўз қизини олқишишни, бағ-рига босишини хоҳлади. Аммо Манзура бунга йўл бермайди. Энди мақтов бошласа, оғзини очиртирмайди. Бағрига-ку ис-

тар-истамай киради. Совуққина сўрашишни одат қилиб олган. Аммо, ниҳоятда тарбияли томонга ўзгарди. Энди онасига зарда қилиб ёки эски воқеаларни эслатиб гина қилмайди. Аламларини аллақачон унуган шекилли. Ўтган кун, ўтган кун, бугунги турмуш билан яшашни ўзига мақсад қилиб кўйган.

Эртаси чўзилиб ётмай, рус ҳаммомига ўт ёкиб, аёллар бошқа, зркаклар бошқа ҳаммомга киришади. Иссик ҳавода тер-лаб, орасида ҳовлидаги ҳовузга шўнғиб олинади.

Атроф сал наридан бошлаб ўрмонга тақалади. Кўшнилари Виткани отлари бор. Уларни катта чанага боғлаб от чоптиришади. Совуқ ҳавода чанада маза, роса училади.

Бу дам олишлардан Манзуруни барибир қовоги унчалик очилмайди. Мабодо бирор сабаб билан Владимирга бирорта байрамда келолмаса ҳам, ўз навбатида, ортиқча хафа бўлмайди.

Аммо, барибир ота-онаси, буваси даврасида яираш қанчалик тотли эканини бир неча йилдан кейин бувасидан айрилганда билди. Яқин кишидан айрилиш ўзимас. Машойихлар: яқининг ўлса кулфат, бир умрга мусибат деб бекорга айтишмайди. Ўтган одамни эслайвериб одам ич-ичидан азоб тортади-да.

Буваси неварасини яхши кўраркан. Навоийдаги бутун бошли ҳовлининг ўзига тегишли қисмини Манзурага васият қилибди. Ўшани эшитиб, Манзурунинг кўзларига шашқатор ёш келди. Анчадан бери бунақа кўз ёш тўкмаганди. Дийдам қотиб кетган деб ўйлаб юрарди.

Шундан сўнг орадан неча йиллар ўтиб, Сабрина ўн еттига кирди. Бу вақт Лайл онасининг олдига боришига шайланган пайтта тўғри келди.

### ОНАМНИ ҲИДИДАН БИЛАМАН

Манзура олийгоҳдаги навбатдаги машгулотни тугатиб, ўкув корпусининг йўлагига чиққанида, уни кутиб турган кўзойнакли одам гапга солди.

- Сафарова Манзура Чориевна сиз бўласизми?
- Ҳа. Сиз ўзингиз кимсиз?
- Ҳусусий изқувар Цхабовман.
- Эши таман. Нима хизмат?
- Сизни излаб Тошкентдан келишибди.
- Тошкентдан. Қизиқ. Нима гаплари бор экан. Улар ким? — деди ю, Манзурунинг юраги дукиллаб ура бошлади. — Шунча йил ўтиб ё Озоддан янгиликми, ундаи деса у ўлган. Ўлганлар

эса тирилмайды. Балки қариндошлари сафарда бўлишса кўргилари келгандир. — деб ўйга тушди.

— Кўришгандай биларсиз. Улар кимлигини айтишмади. Мен билан юрсангиз.

— Йўқ боролмайман. Ҳозир репититорлик соатларим бор. Ҳали-бери бўшамайман.

— Мен сизни қанча бўлса ҳам кутиб тураман. Бу жуда зарур дейишди. Ишонинг.

— Уйимга айтишим керак, у ҳолда.

— Уйга қўнгироқ қилиб, ушланиб қолишингизни огохлантириб кўйинг.

Манзура кўна қолди. Йиллар давомида у мулоим ва юмшоқ аёлга айланган, бир тарафи, бир вакт яшаган жойлардан келганд одамларни қайта кўриш имкониятидан баҳраманд бўлиш уни қизиқтирган эди.

Уч-тўрт соатлар ўтиб, хусусий изқувар офисига кирганда, Цхабов Манзура олдидаги журнал столига бир нечта расмларни ташлади.

Манзура суратдаги кўхлик жувонни томоша қила туриб, кўнгли безовта бўлдию, кўзларидан ёш қалади, беҳолгина сўради.

— Бу чиройли дилдор ким?

— Топинг-чи.

— Биринчи эрим, Озоднинг қизими?

— Ҳа.

Манзура гаранг бўлиб қайта суратни кўлига оларкан, йиғлаб галирди.

— Унинг бошқа хотини йўқ эди-ку. Ё алдаган эканми? Үндай гумонга бориб иймоним қўймасин. Айтта қолинг, бу қиз тузи жуда таниш, ким ўзи? Мен биламанми?

— Биласиз. Бу сизнинг тутруқхонада қолдирган қизингиз.

— Вой. Юрагим сезганди-я, ростданми?

У қайта суратни яқинига олиб келиб, лабларига боса туриб, бошини бирдан орқага ташлаб юборганди, ичкаридан ойижон, деб Лайлого югуриб чиқди.

Манзуранинг кўзлари юмилишга бориб келаркан, суратдаги латофатли жувон унинг қошига келаётганини англаган ҳолда ҳушсизланди.

Сепилган сувдан сесканиб кўзини очганда, диванда уни суюб ўтирган Лайлого кўзини тикиб михланиб қолди.

— Ростдан ҳам менинг шундоқ лобар қизим борми? — деб, у қизидан кўзини узолмасди.

Унинг нақадар ўзига ўхшашлигини, чиройда эса унданда кўркамлигини сезиб, шодланиб бағрига босиб узоқ ҳидини искаб ўтириди.

Хусусий изқувар ишни охирига етказиш учун хонага Хайрихон опа ва Таня опани бошлаб кирди. Уларни танишириди. Бўлган воқеаларни аввал ўзи, сўнгра Хайрихон опани гапга солиб Манзурага етказди.

Бор сир очилган эди.

Манзура ҳамон қизини бағридан чиқармай, бир унга, бир Хайрихон опага қараб, унинг ҳикоясини астойдил тинглади. Хайрихон опа, ҳиссиёти тошиб тушунтиrolмай қолганда Таня опа дона-дона қилиб ўша дамдаги тутруқхонадаги мураккаб вазиятни етказди. Ва сиз фарзандингиздан воз кечганингизда Хайрихон опа бокиб олганди, деб кўя қолди.

Шу гапдан кейин Манзура йиелаб юборди. У ҳиқиллаб ийнлар, Лайлоб овутишга ҳаракат қилиб, унинг юзидан оқиб тушаётган ёшларидан ўпид кучоқлаб олганди. Хайрихон опа четдан бу манзарани кўриб юраги эзилиб, унинг кўзларидан ҳам ёш қалқди.

Анча вақт ўтди.

Энди Манзура Лайдонинг елкаси аралаш бўйнига бошини кўйиб тин олиб ётар, юраги дук-дук ураётгани эса қизига эшитилиб турар, у ойисининг юzlари, кўзларидан кетма-кет ўпид қўярди. Унга ойисининг ниҳоятда орастга, озодалигими, ёки ўзига яқин исими, маъқул келганди.

Манзура ўзини оқдаб бир нима демас, атрофда сукунат ҳокимлиги давом этаркан, изқувар соатига қараб кўйди-да, гап қўшди.

— Сиз она-бала бир ҳафта бир уйдан чиқмасанглар ҳам дийдорингизга тўймайсиз. Ўшанга нима қиласми? Бир-бiri-мизга миннатдорчиллик билдириб хайрлашишак бўлар,— деди...

Улар хусусий изқувар офисидан чиқишганда вақт тўққизга яқинлашганди.

Лайлоб тукқан ойисини ҳам ўзи билан кетишга даъват қилди. Манзура чиройли жилмайиб рад қиларкан, яхшиси уни ўзи юришга ундарди. Бошқаларга қараб эса тўғрисини айтди. Мен эса сизларни уйимга ҳозир таклиф этолмайман, хоналаримиз тор, аммо ҳозир дугонамикидан жой сўраб бераман, деди.

Лайлоб оғиз жуфтлаганди. Таня опа ундан илдамроқ, Манзурага жавоб қилди:

— Рублёвкада қариндошларимни дала ҳовалиси бор, биз ўша ерга тушганимиз. Овора бўлманг. Яхшиси эртага шу дала

ховлига қадам ранжида қилсангиз. Ҳозир эса Лайлло ҳақида уйдагиларга етказинг. Эртага барча оиласа аъзоларингизни кутамиз. Яқиндан танишиб, тўкилиб гаплашамиз.

— Яхши.

Лайлло ойисига осилиб, ўпди:

— Ойижон, эртага пешинга албатта боринглар, кутамиз. Мана манзил ва менинг телефон номерим.

Улар кучоқлашиб хайрлашишди.

Үйига кирапкан, Манзура ўзини босиб олишга ҳаракат қиласа ҳам бўлмади, шунинг учун у билан сўрашгани чиқсан қизини ўпаркан, қизининг, ойи сендан жуда қиммат атирини ҳиди келяпти, ким билан қучоқлашдингиз, деган саволига қисқагина қилиб: бошқа қизим билан деб юборди.

Ҳанг-манг бўлган қизи одига эри ҳам яқинлаб, унинг ечиниши, ёз-қўлини ювиб чиқишини кутиб, сунг кетидан ошхонага киришди. Сабрина чой қўйиб, бир ликопчага карам салати солди ва бошқа ликопчага эса озгина димлама сузди. Икки бўлак қора нон кесди.

Чой қайнаб, дамланиб то уни Манзура ичиб, овқатланиб олмагунча Назир унга безовта қараб ўтиаркан, ўзининг қизи-қишини зўрға босди. Ниҳоят у гапни бошлади:

— Қанақа қизинг? Ахир у ...

— Йўқ, тирик экан.

— Ойи, яна қизингиз бормиди? У қаерда экан?

— Тошкентда.

— Отаси ким.

— Озод Ҳобилов, фаргоналик.

— Энди бир ками қаердадир ўсган, қандай тарбия олгани номаълум болангизни қабул қилишми? Дугоналаримга нима деб айтаман. Онамнинг гастербайтердан орттирган қизи, деб танишираманми?

Сабрина Москвада русзабон бўлиб кетган, унинг қизи-қиши Европа санъати билан суворилган, миллий қўшиқ-қўйларни кам эшитар ёки уларни ота-онаси ва буваси қошида тингларди, холос.

— Манзурунинг кайфияти жуда кўтарилганигидан, бу кесатишларга эътибор бермасди. Унинг ўрнига Назир жавоб қилди.

— Сабрина, у вақтда ўртада чегаралар бўлмаган. Ҳамма битта империяга хизмат қилган. Озод Ҳобилов катта лейтенант, хорижда ҳарбий ёрдам бериш сафарида ҳалок бўлган.

— Ада, сиз биларкансиз-да. Барибир, қизиқ. У билан қандоқ гаплашаман, мен ўзбекчани яхши билмасам.

— Сен билмасан! Лайлар уч тилда бемалол гаплашади. Шу жумладан, рус тилида:

Сабрина энди шаштидан тушиб, ён бериб гапирди:

— Шунчалик кучайганми? Ўзи қанақа Лайлар қизингиз. Чиройли исм экан. Ойи, уни күрдингизми?

Манзурани яна хаёл олиб қочганди, ундан иккинчи марта қизини күринишини Сабрина сұраганда, хаёлинни бузмай, пичирлади:

— Сүмкемдә расмлари бор.

Сабрина югуриб расмларни олиб келаркан, қувноқ, овози әшитиілди:

— Ойи, бунча фигурали қизингиз. Ана қомату, ана кийиши, юзи ҳам испанкаларникітә үхшаш қирра бурунли, чиройли брюнетка экан, тұғрими дада? Дугоналаримни бир ҳайрон қиласай, — деб ойисини бүйнідан қучоқладаб олди.

Расмларга ғалма-ғал күз ташлаб, Назир ҳам «жим» деб қўйди. Бу унинг дол ёки қойил қолганды ишлатадиган ибораси эди.

Тунда эса ҳеч кимни кўзи юмилади.

Манзура шувдоқ қизи борлигидан еттинчи осмонда сузив юраркан, бу қизини заҳматкаш умрининг безаги ўрнида кўрди ва туни билан эҳтирослар уммонида қолди. Севимли Озоддан хотира, ёдгори қизи бунчалик кўзга яқин бўлганидан ҳислари жунбуш уриб, эси оғанди. Наҳотки шу қиз менинг фарзандим, менинг зуволам, деб ўйга ботиб ётди.

Лайлого ҳам онаси жуда бошқача кўринди. Диң, фаросатли, ҳар бир гапини билиб гапирадиган, зиёлилиги юзидан кўриниб турган аёл шаклида намоён бўлди. Фақат уни нимадир қийнаб келганидан, юзларида мусибат, кўзларида ғамташвиш изларини топди.

Хайрихон она танишув бежанжал ўттанидан, аёл ниҳоятда тарбиялилигидан қойил қолди. Улар Таня она билан минг бир хаёлда боришган эдилар.

Эртаси шанба, яхши дам олиш куни. Коммунал квартирада эр-хотин икковлон чой ичиб ўтириб, Манзура келтирған янгилик тўғрисида гап кетди. Эри аввалига ҳайрон бўлганини, ажабланганини яна бир бор такрорлаб, сўнг қизи топилгани билан хотинини табриклади. Фақат дала ҳовлига боролмаслигини, ўртоқларига балиқ овига боришини ваъдалаштанини, яхчиси Сабринани ҳамроҳ қилиши мумкинлигини билдириди. У Манзурани қизининг феъли ҳали қанақа экан.

аввал ўзлари синашта бўлиб олишсин, деган ўйда баҳона қилганди.

Ўз даврида катта қилиб қурилган, икки қаватли, тепаси теремокка ўхшаш дала ҳовли, яқиндагина енгилгина таъмирланиб, бўёклар ҳиди анқиб турарди.

Ёз. Кунлар иссиқ бўлганидан, ташқаридаги усти ёниқ айвон остига жой қилинганди. Ҳовли саришта йигиштирилган, олма ва совуққа чидамли нокларни таги чопилган. Куча дарвозадан ҳовли бўйлаб йўлак четида қизил, сариқ гуллар очилган, қаралган дала ҳовли ҳар кимни ҳам эътиборини тортиши турган гап эди.

Лайло дала ҳовлинини таъмирлатгани, қараб туришга одам топишни ҳам тунги клубини бошқарувчисидан сўраганди, Мирослав кулиб, сизнинг дидингизни ўз юртдошингиз яхши билса керак деб, қорасаройлик Жамшидни унга рўпарў қилди.

Келишидан бир-икки кун аввал Лайло унга телефон қиласини, Жамшид уларни кутиб олиб, дала ҳовлинини унга кўрсатиб, таъмир ишларига яхши баҳо олди. Лайлого унинг диди ёқсандан, бу менежер йигитни мақтаб қўиди. Жамшид кетаркан, эшикда доимо бигта қўриқчи бор, етадими, — деб сўради.

Лайло ҳайрон елка сиққанди, Жамшид яна ўзи гапирди.

— Улар ҳар суткада алмашади. Ичмайдиган йигитлардан танланган. Иккитаси ўзимиздан келган. Бошқа иккитасининг бири авар, бири чечен, улар ҳам тарбияли. Уларга алоҳида дарвоза олдида жой курдирдим деб, у ҳужрасифат хоналарни кўрсатди.

Ўшанда Жамшиднинг бу ишларини ҳам Лайло бошини силкиб, маъқуллаганди.

Манзура ва Сабрина бу каттагина дала ҳовли олдига тасида келиб тушишгани заҳоти, эшик очилди. Чунки ташқарига қўйилган видеокамерадан Лайло кўриб улгурган ва улар қаршисига юргурганди.

Ҳаммалари кучоқлашиб кўришарканлар, Сабрина бир чеккада ўзини тополмай турарди. Ниҳоят унга Лайло астойдил эътибор бериб, қараб қолди.

Ойиси катта қизини қўлидан етаклади:

— Доченька, эта твоя младшая сестра, Сабрина. Познакомтесь, — деди.

Сабрина қўлинини узатди. Жавобан Лайло ҳам қўлинини хонимларга ўхшаб, виқор билан чўэди-да, нозланиб сўзлади:

— Я Лайло, твоя старшая сестра. Примешь меня.

— Обязательно, — деб Сабрина жилмайганди, Лайлло уни самимий бағрига босди.

Стол атрофида ажыб зиёфат устида, Таня опа Лайлло түррисида баъзи маълумотларни бериб, меҳмонларни гапга солса, Лайлло кўзини улардан узолмай, ўзидағи аломатларни онасидан қидириб ўтиради.

Дастурхон тури хўл мевалар билан тўлдирилган ҳолда, столга биринчи овқат ўрнида қайнатма шўрва тортилди. Хизматни украиналик официантка бажарса-да, ошхонада таомни шарқ یигити пиширади.

Таня опа кўлига бокални олиб, она-болани топишгани билан табрикларкан, Озод Ҳобиловни эслашни таклиф этди. Бокалларни уриштирмай ўрниларидан туриб ичишди. Ичишидую, Манзуранинг кўзларидан ёш чиқиб, йиғлашга тушди. Лайлло шунда сўради:

— Ойижон, отам ҳақида айтиб беринг.

Хайрихон опа ҳайрон Таня опага қараганди, у кўзини қисди.

Манзура йиғидан тўхтаб қизига қарапкан, Сабринани бағрига босиб, сўз бошлади.

— Мен севиб қолганимда Сабринадек энди ўн еттига кирган эдим.

Сабрина ойисини гапини тўғрилади.

— Ойи, мен индинга ўн еттига тўламан. Адашманг.

— Ҳа, тўғри айтасан қизим. Ўшанда мен ўн еттига тўлиқ киргандим. Танца майдонида лейтенант Озод Ҳобилов билан танишдим. У ниҳоятда гап-сўзларни топиб гапирадиган, деликант, чиройли, пўрим кийинадиган, тик қомат, қора қошу қора кўзли йигит эди. Уни бир кўрганимдаёқ севиб қолганди. У билан танцага тушганимда, худди самода учгандек бўлганман. Ҳали-ҳалигача бу ҳисдан қутула олмайман.

У кичик қизига қараб сўради:

— Менинг бу гапларим сенга оғир ботмаяптими?

— Йўқ, ойи, бор дардингизни тўкиб солаверинг, зора енгил тортсангиз.

Манзура қизини бошини силаб давом этди:

— Озод севгидан завқ олишни биларди ва бошқаларга ҳам бу шаштини кўрсатиб, шодлантиради. Мени хаёлан доимо кўлида кўтариб юрганини сезардим. Ёки бошқа вақт, ҳатто айрилиқ дамларида ҳамон унинг кенг бағрида ётгандек бўлардим. Лабларимдан олган бўсалар тоти кун бўйи менга ҳамроҳ, дудофум қизирди. Усиз кўзимга ҳеч нарса кўринмас-

ди. Авваллари китоблардами, спектакллардами эшишиб қолгандарим сенсиз менга дунё қоронигу деса тушумасдим. Ким ишкни, ҳақиқий севгини бошидан кечирса бу сўзларга имон келтириши аниқ. Мен бу сўзларнинг маънисига етганман, ич-йчдан ҳис қилганман.

Ҳеч ким гап қўшмай Манзура каби сукутта чўмарканлар, Лайлонинг кўзлари ёшланиб кела бошлади. У онаси каби севгини ҳис қила олиши мумкинлигини билган ҳолда, сал эркинроқ яшамадимми, деб ҳозир ўзини койиб бошлаганди.

— Озод шунчалик қаттиқ севган эдик, мендан воз кечмади. Бунга кўп тўғоноклар бўлди. Мендан воз кечса, севгимни рад этса бўлгани эди, онам Маргарита уни тинч қўярдилар, урушга ҳам кетмасди. У ерда ёш умри жувонмарг бўлиб, қазо этмасди. Қаттиққўллик, жаҳолат муҳаббатимизни барбод этди, кўзимга дунёни тор қилди. Мен ўшаңда эсимдан оғиб қолгандим. Кўзимга ҳатто қизим кўринмабди. Мени кечир, Лайло.

— Ойи, эски яраларингизни тирнаб қўйдимми?

— Нега энди, сен ҳақиқатни билишинг керак. Ҳақиқат эса тохида аччиқ бўлади.

Официантка бокалларга вино қўйиб кетди.

Таня опа Лайлого имлади:

— Лайло, сен ҳам бир нима дейсанми?

Лайло бокални кўлига олди:

— Албатта айтаман. Ота-онамни муҳаббат тарихини эшишиб, кўзим ёшга тўлди. Бу нимадан, бу севинганимдан, қувонганимдан, эртаклардагидек илоҳий ва ҳақиқий севги ҳақида эшиптанимдан. Ойи, отам ҳақида шундоқ гапирдингизки, унинг пок туйфулари ва сизга садоқати кўнглимни кўтариб, ифтихорга тўлдирди. Раҳмат ойи, сиз ва шундай отам бор бўлганидан фахрландим.

Официантка бузоқ гўштидан пиширилган қабобларни келтирди.

Сабрина шундагина столга қараб бирорта чўчқа гўштили маҳсулот, ҳатто колбасани топмай ойисига пичирлади. У ҳам кўз қирини дастурхонга бирров ташлаб, бошини ликиллатиб қўиди.

Бирпасдан кейин ҳамма дастурхондан туриб, дала ҳовлини айланышга қарор қилишди. Оддинда Сабрина бораркан, Манзура Таня опани гапга солди:

— Бу қариндошингиз дала ҳовлиси ҳашаматли экан, нега ўзлари кўринмайди.

Таня опа бу саволга жавоб беришта мулзам орқага ўтирилиб

Лайлого бир қараб оларкан, унинг кўз қисганини илраб, рости-ни айтиб кўя қолди.

— Бу жой Лайло қизингизга тегишли.

Манзура жойида тўхтадию, орқасига ўгирилмай йўталиб кўйди-да, шукронга айтди.

— Қизим учун хурсандман. Бундан каттасини ҳам берсин.

Сабрина ойисини кўлидан олиб, зўр-ку қизингиз, деб пи-чирлади. Ойиси унга қараб илжайиб кўйди.

Тепадаги қаватда уч уй, пастда иккита уй, ошхона, веранда, ёнида санузел жойлашган. Дала ҳовли чиндан ҳам режали ва пастдаги хоналари катта қурилган эди.

Айланиб бўлишгач Тания опа, Хайрихон опа ва Манзура ҳовли четидаги ўриндиқча бориб ўтириб, у ёқ-бу ёқдан сухбатта тушдилар.

Лайло Сабринани эргаштириб мансарадаги энсиз, лекин узун хонага олиб чиқди ва ён-атрофни томоша қилишга чорлади. Факат чор-атроф қолиб у опасига қараб-қараб кўяркан, нимадир сўрамоқчи бўларди. Аммо унинг тарбияси биринчи кўрган кишисидан, гарчи яқини бўлса ҳам, бу ҳакда сўзлашга йўл бермасди.

Пастга тушишганда, Лайло бирнас кўринмай қолди. У ичкарига кириб, нималардир кўтариб чиқди ва Тания опага қаради.

Тания опа кўз қирини меҳмонларга ташлаб сўзлади:

— Сизларга кичик совға бермоқчимиз, марҳамат қилсангизлар.

Шундай деб, Манзура ва Сабрина қўлига икки турдаги ҳошияси заррин Адиба тиккан уй халатларини ҳар иккисига тутди.

Улар ўз миннатдорчилитини билдирап эканлар, қизим, мен шошиб қолиб бутун қуруқ келдим, сенга нима совға қилсан маъқул, деб ойиси Лайлого мурожаат қилди.

— Менга совға ўрнида бувим ва бувам билан таништирсангиз етарли бўлади.

— Яхши, индинга улар Сабринанинг туғилган кунига келишади, ўшанга сизларни ҳам таклиф этамиш.

— Раҳмат.

Сабрина гапга қўшилди.

— Менинг дугоналарим, синфдошларим ҳам бўлади, ўшанга каттароқ жой керак, шу сабаб ҳали ресторон ёки кафе таинланмаган. Ўзимиз эртага манзилини айтамиш.

Ойиси яна сўз олди:

— Назир ака гаплашиб қўйганлар, лекин у ернинг бошқа залидә сходка ўтаркан. Ўшанга ўйлаб турибмиз, сходкаси нимаси.

Лайло ойисининг соддалигидан, тўрилигидан жилмайиб кўйди.

## БУВА ВА БУВИНИНГ ҚУВОНЧЛАРИ

«Рассвет» ресторанига тўғри етиб келишган бува ва буви обдан Лайлого тикилиб қолиши, сўнг Маргарита бувиси қучорини очди.

— Здравствуй, внучка.

— Здравствуйте, бабушка.

Бувиси Лайлони бирпас бағрига босиб, йиглаб одди:

— Прости меня, глупую. Папу твоё загубила.

Маргарита бувиси, ўзбек бўлса-да, тилни бузиб сўзлашарди, шунинг учун русча гапиришга кўпроқ мойиллик билдиради.

Бувиси нарироққа ўтиб, диванга ўтиради-да, астойдил кўз ёши тўкишга бошлиди, чунки күёвини ҳалок бўлишига, қизини гумроҳ даражасида телба ҳолатига келишида ва устигаустак, шундок неварасидан қизини воз кечишга мажбур қилганигини эсдан чиқариш қийин.

Буваси, қизим энг чиройли деб юради, муқояса қиласа Лайло ундан қолишмайдиган, кўзни ёндирадиган даражада хушрўй, қараб одам тўймайдиган экан, деб қиёслади. Қизи Манзура телефон қилиб, ада, суюнчи беринг, қизим топилди, мени излаб келди деганидан бошлаб, эр-хотин кўксига ўт тушиб, ҳаловатини йўқотишган, қачон неварамизни кўрарканмиз, у бизларни қандок қабул қиларкин, юзимизга маломат қилмасмикан, деган ўйга боришганди. Тарбияси бошқа невараларидан фарқланмайдиган, тузи-таровати ундан-да юксак бу бош невараларини кўрганларида кўзларига анча вақт ишонмадилар. Манзурадан бирор артистни рўпарў қилиб, ҳазил қилмаяпсанми, деб бир неча бор сўрадилар, сўнгра Лайло ўзи бориб улар қучогига отилгач, ҳузур билан бағриларига босиб, тўйиб-тўйиб ўпарканлар, шашқатор кўз ёш қилиб олдилар ҳам. Бир жувон умри ўтди деганда, учрашган невараларни нега ялаб-юлқашмасин. Фақат у биздан хафамасмикан, ундан бир вақтлар воз кечгандик-ку, деган минг хаёл ҳамон бошларида ғужғон уради.

Кейин невараларини боқиб олган Хайрихон оға билан сұрашиб, анча сұхбатлашиб. Лайлө ҳәеті ҳақида билганса-ри очиқ қолди. Чунки, невараларини асраб олғанлар рус мактабида ўқитиб, ҳар иккі тилни билсін деб олийжаноблик қылтандары эмасми? Ҳозир Чори ақа шулар ҳақида ўйга тушаркан, кейинги столларда йирилган Сабринаниң дугоналари ўз-ўzlәri билан банд шоду хүррамлық билан ўйин-кулгу қилишарди.

Людмила Юрьевнаниң мазаси йүқ экан, кече Лайлө уни, үғлини бориб күрди. Үзок үтириб, анча вақт үша ерда қолиб кетди. Үғлини гапга солиб, ўйинларга тортди. Аммо, ҳамон у знагаси ва бувисига ёпишгани-ёпишгаш, онасига келмади ҳисоб. Үшанда, у Людмила Юрьевнани бироз күнглини күтариб эски гапларни эслашышди. Қайнанаңсига, онаси топилганини бор тарихи билан етказди. Бу хабарни эшитиб мама ҳайрон бўлиб, онант Россияда яшаркан, ўшанга нуқул тақдиринг бу ерлар билан боғланган экан-да. Ўзи билмаган ҳолда қошига сени тортган. Сўнг кулиб, ҳали онант сенинг тароватли ўйинларингни кўрса, ўз юргига кетиб қолишни хоҳлаб қолади, мана кўрасан, деди.

Ҳозир шуларни ўйлаб үтиаркан, Таня опа уни қўзғатди: тур Лайлө, сен бир ўйинга тушиб беришингни сұрашыпти. Лайлө атрофга қараса, онаси, бува-бувилари унга қараган, мазмунан диск-жокейга ҳам шу ҳақда айтилғанми, лазги куйи янграй бошлади.

Лайлө ёзга мослаб кийиниб олганди. Кўйлаги тиззадан қалта, бундай кўйлакда лазига тушиш ўринлимас. Шунгами, у ҳозир сумкасини кўтариб, йўлакка кириб кетди-да, бирнас ўтмай рақсга мос либосда ўртада пайдо бўлди.

Тепа қисмини: кўкси ва белини ситиб турган кўйлагининг тепа қисми оч яшил бўлиб, бу жойини бўрттириб турарди. Қорин тарафи тўқ кўк рангда, уни озғирноқ кўрсатаркан, қўйи қисми кентайиб нақ ерга тегадиган даражада узун эди. Яқинда сочини кесиб қалта укладка қилгани учун, бошига узун попукли рўмол ўраб, осилган тарафини орқага ташлаб олганидан, рақкосалар кийинишига мос тус ҳосил бўлганди. Лайлө, тўғри либос танлашнинг ўзида рақснинг ярим муваффақият қалити ётишини яхши биларди.

Куй қайтариб бошидан қўйилди. Лайлө мусиқа ритмига мослаб секин ҳаракатлардан ўйинни бошлади. Унинг ўйини-

ни кўриб, қариндошлари, айниқса янги топилган онаси, бува, бувиси ҳайратланиб, кўзлари қинидан чиқар даражада унга тикилишиб қолишиди. Лайлло лазгининг бор элементларини ўрнига қўйиб рақсга берилганди. Ёшлар қарсак чалиб кузатишаркан, баъзи йигитлар қўшилишиб ўйнамоқчи бўлишга ҳаракат қилишардию, бирпастда бу муқомларни ўрганиш ўзи эмаслигига ақдлари етиб, бошини силкиб четга чиқардилар. Баъзи қизлар ҳам ўрниларидан туриб олишган, чунки Сабрина опасининг изидан бир чеккада, қўлларини кўтариб ўзича ўйнарди.

Лайлло доира бўйлаб айланишга келганда, кўксси силкиниб, бироз тўлқинланиб бораркан, қарсаклардан ташқари, ёшлар қийқириб, бақириб-чақириб юборишли.

Мусиқа тиниб Лайлло кўксига қўлини қўйганини билади, унга қизлар ёпирилиб ёпишиб олишди. Улар баравар қичқиришарди: Сабрина айт опасига, бизга ҳам бу рақсини ўргатсин. Сабрина эса, ҳозирмас дедиую, ўзидан сал тикроқ опасининг ёноғидан ўпиб: Спасибо, сестра, деб маҳкам кучоқлаб елкасига бошини кўйди. Бу унинг тенгдошларига кўриб кўйинглар, мени шундок опам бор, дегани эди.

Лайлого биринчи бор бу гапни эшитишни ғалати бўлиб, синглисини бағрига тортиб, кўзлари намланди.

Таня опага имлаганди, у кути келтириб Лайлого узатди. Лайлло ундан қалингина тилла занжир чиқариб, синглисининг бўйнига осди. Яна қийқириқ бўлди. Сабрина энди қаттикроқ, опасига ёпишли-да, сўнг унинг бағридан чиқиб ойисининг оддига югуриб совасини кўрсатди, кейин бувисига намойишни давом эттириди...

Лайлонинг бу қариндошлари унинг ҳимматидан ҳайрон, бир-бирларига қараб кўзларидан ёш думаларди. Сагир, ташлаб кетилган, воз кечилган қизнинг оқибатлилигидан бошлари эгилса-да, қўнгиллари шод бўлди.

Шу пайт официант Лайлого йўлакни кўрсатиб, сизни сўраш япти деб қолди.

Ўтирганлар унинг санъатидан лол, бир-бирларига бир нима дегунча, Лайлло йўлакка чиқди. уни икки тарафидан олиб, ичкарига — бошқа залга бошлаб кирдилар. У ҳатто овоз чиқаришга улгурмади.

— Нималар бўляпти?

Юқори столда ўтирган кўримсиз киши, уни «Кривой» лақаби бор эди, гап қотди.

— Бизга ҳам бир рақсга түшиб бер. Танаффус қилиб ол-масак, ишимиш оғир. Сходка одамни чарчатади.

Атрофдагилар кулиб қўйишиди.

Лайло сходка нималигини яхши билади ва уларнинг гапи гап. У негадир ўйга чўмиб қолди.

Сукут бироз чўзилди.

Ўтирганлар кўзлари ўйнаб уни кузатишарди.

— Хўш ўйнамайсанми, ё бирор ерингни тилиб қўйисак, сакраб рақсга түшиб кетасанми? — тезлатди Кривой.

Бу гапга сходка аъзолари жилмайиб, ўзларига бино қўйиб хингиллаб қўйдилар.

Ташқарида Лайлодан хавотир ола бошладилар, ўрнидан турган бувасига ичкарида битта рақс түшиб беради, ўзи рози дейилди жиддий оҳангда. Буваси жойига қайтиб бошқаларга бу гапни етказди. Хайрихон опа ўрнидан турмоқчи эди, Тания опа қўлидан тортиб: Лайло ўзи ҳал қиласди, безовталанманг, деди.

Ичкарида араб рақси чалиниди.

Лазгида қўкрак дириллайди, арабчада бел ва ёнбошга зўр берилади, ҳинц рақси эса кетта боғлик. Лўли рақсга тушса бор вужуди жимиirlаб қалқииди.

Лайло нимагадир қўркувни сезмай қўлинни очиб, жаҳлданми, фазабданми, киприклари пирпираб бирпас турди-да, сўнг юқори стоддагилар тарафга қараб рақс элементларига мослаб югурлади-ю, уларга яқинлаб қўлинни силкитганди, Кривой чўчигандан юзини қўллари билан панараб олди. Ўтирганлар пиқиллаб кулиб юборди.

Лайло аламидан чиқди. Энди майли, ҳузур қилиб бир ўйнай, деб рақсга қўлларини қайта ёзганди, бояги қўримсиз имо қидими мусиқа овози тинди.

— Сени маймунларга бостирайми? Қаерда эканлигинги унугиб қўйдинг, — деб даҳшатли вишиллади Кривой.

Лайло ҳам қуюшқондан чиқиб кетганини сезди, лекин энди орқага йўл йўқ. Кечирим сўраса ҳам, бирорта зугум қилмагунча уни тинч қўймайди бу авторитет. У индамай мағрур туради.

— Сен кимсан, қаердан келиб қолдинг, ўзи.

— Ҳимм.

— Гапир, йўқса, ана бомбилага ўлжага бераман.

Бомбила дегани турди. Унинг сочи кам, бўйи узун, энига кенг, камида ўн пуд келадиган амбал эди,

— Йўқ демасдим, — деб илжайди.

Шундагина Лайлого фикрати, Заурбекни сўзи буларга ўтармикан, деган хаёлни берди. Мирослав Москвада Заурбекнинг Мехмет деган яқини бор деганди. Буларнинг ичида кўринмайди, шекилли.

У ўқтам сўзлашга тушди:

— Мен кўчадаги фоҳиша ёки пули тўланган раққоса, артист ҳам эмасман. Сен ҳам бутуи дунёни яратган эгамассанким мэнга буйруқ берсанг. Аламни аёл кишидан олиш ҳам тарбияли одамга хосмас.

— Биз тарбиясизлармиз.

Сходка яна хохолади.

— У ҳолда кимгadir қулоқ соларсан, мен телефон қилиб олишим зарур.

Бояги бомбила телефонини узатди:

— Мана охирги марта телефон қилиб ол, кейин сен менини бўласан.

Лайло эндиғина тушунди. Булар дори уриб олган. Оддий гап таъсир қилиши қийин.

Бир-икки қўнгироқ қилиб кўрди-да, сўнг:

— Заурбекка туша олмаяпман, бўлмаса сенга саломини етказарди, — деди.

— Қаердан уни танийсиз? — деб кавказликка унча ўхшамаган хушсурат киши ўрнидан туриб кетди. — Мен Мехметман. Эшигтанмисиз.

— Мирослав айтганди.

— Эй, бўлди, қаерда кўргандим дегандим-а. «Ночное небо» клубида учрашгандик.

— Ҳа.

— Сиз бораверинг. Босс рухсат бер, кетсин. Бу аёл Заурга тегишли.

Кўримсиз киши ноилож қўл силкиди.

Лайло чиқди.

Ичкаридагилар ўзаро нималарни дир сўзлаша бошладилар. Бу гаплар орасида босслари Кривой кетиб, ўрнига Мехмет ўтиrsa керак, деган гаплар ҳам йўқ эмасди.

Лайло йўлақдан чиқиб, негадир янги ойиси томонга юрди ва уни қўриб Манзура ҳам анграйиб ўрнидан турди. Улар беихтиёр бир-бирларининг кучогига кириб, анча туриб қолишиди. Шунда онаси пичирлади.

— Лайло, улар сендан нима хоҳлашди? Қўрқиб кетдим. Қўлнимдан ҳеч бир иш келмаслиги учун уялдим.

Лайло, бошини унинг елкасидан кўтартмай бошқа гап айтди:

— Ойи, қаранг, бўйимиз ҳам бир хил экан. Қоматингиз ҳам тик, менга нусхасини берган экансиз. Ҳидингиз ҳам худди ўзимникидака. Яна, ойи, сиз масъума ва фариштадексиз. Бекорга адам сизни севмаган эканлар.

— У безорилар сени бошқа чақиришмайдими? Ёшлигимда менга ҳам қув йигитлар жўп хирайлик қилишарди.

— Ойи. Чиройли бўлиш ярим баҳт. Қўяверинг, бундай яшаш қизиқ-ку. У безориларга келсак, менинг одамим бор уларни оғзини ёшиб қўядиган. — деб Лайло ойисидан ёноғига ёноғини босди.

Шунда Хайрихон опа қизини қизғонди. Уни бағрига олиб эркалаган дамларини қўмсаб, ҳозир эса лабини тишлаб қолди. Шунда қизиқ воқеа бўлди. Маргарита буви Хайрихон опани қўлидан етаклаб, уларнинг олдига олиб борди-да, барчасини кучоқлатиб қўйди.

Шундагина, қизи уни бир ёнидан қучоқлаганида, бир ёнидан Манзура қўлинни чўзганида, ҳамон қизига кераклигини ҳис қилди.

Эртасигаёт улар Таня опа билан Тошкентта қайтишга қарор қилишди.

Уларни қузаттани барча чиқишиди.

Маргарита буви Хайрихон опани кузата туриб, чатнаб гапирди.

— Сизлар: сиз ва эрингиз одай одамлар қизимизни ўқитиб, ақлли-хушли қилиб тарбиялабсизлар, қонига буюк ҳалқимизни адаб ва хулқини сингдирибсизлар, аёллик назокати ва оҳанрабосидан баҳраманд этибсизлар. Бу ҳайрат қилишга асос бўлмайдими? Институтда ўқитиб, мусиқа, адабиёт, санъатдан баҳраманд қилиш-чи. Бошқа ҳалқлар одатларини ўргатиши. Ё, қодир ҳудо, бу камтарин инсонларни ўзинг ёрлақа. Уларни мёҳр-оқибатли қил экан. Бу вазифаларни эса Хайрихон опа оиласи жон-дили билан бажарган. Унга минг бир раҳмат ёғилсин, илоё. Бунга бор умрингизни сарфлаган бўлсангиз керак. Неварамнинг сиздек онаси боридан хурсандман.

Манзура ҳам Хайрихон опани ўпиб хайрлашаркан: Лайло хақида кўп нарса билib олдим, у мендан фарқли роса ўтолов экан, кичик қизимни унга ҳаваси келиб, ўз опасидек яхши кўриб қолганини айтди. Лайло авгусларга бизни Топкентта таклиф этди. Ўшанда кўришиб қолармиз, деди.

Таня опа ва Хайрихон опа самолётта чиқишиганды ҳам, худди бирор гапириб турғандек, орқаларига ўғирила-ўғирила самолёт күкка парвоз қылғанидагина тинчиб, бир-бирларига Лайлони туққан онаси билан таништирув сафари хуш ўттанини таъкидлай-таъкидлай уйқута кетдилар.

Лайло эртасига буваси ва бувиси билан уларнинг Владимирдаги уйига жўнаркан, эски дўстларига қўнғироқ, қилишни кейинга қолдирди.

Владимирда Лайло тезда зерикди. Буви, бувасига турмуши, ҳаёти ҳакида бутунлай гапиришга шошмасди. Қайтанга уларни сўзлатарди. Аммо, бир хил турмуш, бир хил меҳнат, ишига, уйига бир жойга бир умр бориб келган одамлардан қандай қизиқ гаплар чиқарди. Буваси содда, ишини яхши биладиган, ҳалол, меҳнаткашлагини англади. Бувиси сал қалондимоғ, кибрли, ҳаётдан қўп нарсага эришмаганлиги учун бироз заҳархандалиги ҳам билиниб қолди. У ҳаётда бой-бадавлат, ҳашамдор одамларгагина қуллук қиласидиганлар тоифасидан эди. Лайло буни сезди. Бувиси қайдандир сезган шекилли, Лайлонинг мол-мўлки тўғрисидан гап кетса қулоғи дик этади, неварасини қандай бойлик орттирганини секин авраб суриштиришга ўтади. Лайло бу ҳақда айттиси келмайди, айттиси келса ҳам, яна мақтанаюпти деб ўйламасинлар деб, истиҳола қиласи. Яна унинг яхши одати, мол-дунёси ҳақда гап очишни ёқтирмайди. Ишим қиласи. Кўз тегишидан кўрқади.

Буви ва бувасини ҳам ортиқча талтайтиrmай, уларга кичик совғалар инъом қилди. Бувасига майда қавилган тўқ, ҳаворанг тўн ва бувасига икки турдаги ҳошияли уй ҳалатлари. Шунга ҳам улар хурсанд бўлишиди. Бироқ уйлари анча тўкилиб қолган экан, шуни таъмирлаб берайми-йўқми, деб минг хаёлга борди.

Эрталабки нонушта чорида уларга бу ҳақда ориз очганди, бува ва бувиси бир-бирига қараб олиб, рад қилишиди. Қайтиб бу ҳақда эшлишини истамасликларини буваси жиддий айтди. У принципиал, бирорга муҳтоҷ бўлишини истамайдиган, оч қолса ҳам ёрдам сўрамайдиганлар хилидан эди.

Лайло буни тушунди, аммо бувисининг кўзлари ёниб кетди. У жон дейди. Шундоқ бўлди ҳам. Улар ёлғиз қолишганда бувиси қақшаб қолди.

— Бизларни топганимиз нима бўлади. Уйлар таъмирланмаганига ўн беш йиллар бўлди. Ваиналарнинг кафеллари тушиб бўлди. Трубалар чириб, у ёқ-бу ёғи ёрилишга бошлаган.

Үйларни ҳам бир оқдаб-кўклаб қўйса ёмон бўлмасди. Ҳамма ёқни ис, мотор босиб кетди.

- Бўлмаса нега йўқ дединглар.
- Буванг ўзи шунақалар, гуурлари йўл қўймайди.
- Тушунарли.

Ўша куниёқ Лайло юртдош усталарни топиб келди. Жамшид уларнинг телефонини берган эди. Шунда буваси индамай қолди, Фақат нега маҳаллий усталарни ишлатмайсан деган савонни бердию, ўзи уялиб қолди. Чунки Ўзбекистондан борган усталар, ётволиб емайди, кунда майхўрлик қилмайди, ишга ёнишиб тез ва сифатли бажаришини ўзи ҳам яхши биларди.

Усталарнинг каттаси қўқонлик Ганишер ака ўн кунга мўлжалладими, демак, йигирма кунда битса керак деб ўйлади Лайло, лекин шунда ҳам уларга тайинлади: Келишганимиз-дек бўлсии, чўзиб юборманглар. Бува ва бувимдан ҳар нарса сўраб бошини қотирманглар, илтимос. Олиб келган материаллар ҳажми, уларнинг қийматларини кунма-кун ёзид боринглар. Кейин қўшиб ҳисоб қиласиз. Аванс керакми?

Ганишер ака авансига беш минг кўкида сўради.

Лайло пулни бериб, энди менга бу ерда иш қолмади, кечта қолмай Москвага қайтаман деб нарсаларини йиғиштира бошлиди.

Бува ва бувиси ҳай-ҳай дегунча у кийиниб ва йўл сафарига чоғланиб бўлган эди. Уни қароридан қайтара олишмади. Шунда бу яқинларини ҳам Лайлонинг баъзи ижобий хислатларидан ташқари, унинг бир сўзлиги ва қайсарлигини ўзларида ҳис қилдилар ҳамда ортидан бу ўт-олов жувонга биринчи марта кўраёттандек қараб қолдилар. У елкасида сумкаси, эгнида жинси шим, сиёҳранг кофта ва қўлида енгил оқ куртка билан баландроқ туфлисини дўқиллатиб бораркан, ишбилармон аёллардек туси жозибали эди. Лайло қўл кўтармасидан тўхтаган биринчи машинага ўтириб, автовокзалга йўл олди. Хайрихон опа индамай ўйга чўмди. Унинг қулоги остида асраб олган қизингиз деган қудасининг сўзи янгарди.

У бу сўзларни Лайло қизига айтишга жазм қила-қила айтмади, ичини бўшатиб олиш учун Адиба қизига сўзлаб, йиғлаб олди: бамаъни деган қудамдан чиққан гапни қара.

Адиба кўнглини кўтариб: ойи, ҳар кимни гапини ўзингизга яқин олаверасизми? Қўйинг! Толиб ака келса, жойига тушиб кетади. Ҳали Лайло синглимдан қайтган йигит туғилмаган, —

деди. — Фақат ойи, бу сирни қандоқ қилиб шунча йил ичин-гизда сакладингиз. Сизга қойил қолдим. Одамни ишонгиси келмайди. Қайнанам, ҳа, ўзим ҳам билувдим-а, бу Лайлони бир нарсаси бор, нуқул бир жойда ўтира олмайди, на онаси, на опасига тортган, оғир меҳнатсиз пул топишга усталыги бекор эмас экан, дедилар.

— Ҳа, қайнананг тутул, бор қариндош-урук савол-жавобта мени туттани туттан. Энди нима бұлади.

— Ойи сиқилманг. Лайло келсин, у бундай гап-сүзлардан юқори туради.

— У ўша ерда дайдіб қолди. Эри ҳам эсидан чиқиб кетди. Уни бутунлай қудалар уйига киргазмаса-чи.

— Ойи, яхши нафас қилинг, — деб Адiba телефоннинг у тарафидан сүзларди.

## ЯНА БИТТА ҚАРИНДОШ

Лайло тұғри собиқ қайнанаси уйига түшди. Үч-түрт күн унинг ёнида яшаб, соғлиғи тикланғунча ундан хабардор бўлди. Орасида Мирославни иши билан қизиқиб, тундаги клубта кечқурун борди. Назоратчилар хонасига кириб компьютер орқали дам олувчилар, келди-кетди, түнгি раққосаларнинг қилиғлари, эркаклардан пул шилиш амалларини бирнас томаша қилди, залга чиқмоқчи эди, навбатчи мулойимгина огохлантириди: Эркаклар шилқимлик қилишлари мумкин, шира-кайф мижозлардан бу ҳолда сизни ҳимоялаш мүшкул, жанжал чиқиши мумкин.

— Наҳот ўз клубимда кўринишим муаммо бўлса, — деб Лайло кулди-да, дам олгани «Ўзбекистон» ресторанига йўл одди. — У ерда ҳеч бўлмаса босиқ ҳамюрларимни учратаман деган фикрда эди.

Ресторанда балиқ ва оқ вино буюриб, хаёлга чўмиб ўти-раркан, беихтиёр жойига эътибор берса, бундан бир неча ой илгари Толиб билан ўтирган столи. Ҳатто танлаган жойи ўша кундагидақа, Толиб эри рўпарасида ўтирганди.

Қизик, буни қандоқ тушунсан, эрим қаерда қолди ўзи, телефон ҳам қилмайди. Унга ён-атрофни гап-сўзи мухим-роқ. Яхши кўрган хотини эса чойчақага арзимайди. Мен, Лайло-я? Қанча хушторларни, ошиқларни измини қайтарган, сарсону девона қилган, хонзода деб ном берган шайхлар қолиб, кўчани титратган криминаллар оғиз солганда ноз-истиғно

қилган, оқ билак хоним энди хор бұладими? Йүк, Толиб ака мени эсламантыз, мен ҳам сизни юрагимдан чиқарып ташлайман да бунга үзингиз мажбур қилган бұласыз? Лайло зор булиши мүмкін, лекин хорлыққа чидалайди да үзини у күнгача олиб бормайды.

У чиройли фужердаги виноны секин-секин ұптаркан, үйларидан шу фикрлар үтди да юраги сиқылды.

Лайло дәрдини қандоқ ёзишни билмай атрофға күз ташлады. Ұзоқроқдаги столда бир жұфт үтирибди. Худди кабутарлардек бир-бирига мос. Бошқа столда учта үрта ёшдаги аёллар дугоналар бұлса керак, жуда қызын сұхбат қуриб, секингина қулишиб үтиришибди. Бошқа столда оиласый байрам шекилли, еркак хотиндан ташқари, ёш қызы да иккита катта-кичик үғил бола бор. Лайло энди бошқа тарафға бир күз қирини ташлаб қўйдию үзига яқинроқдаги столда мулойим гаплашиб үтирган ҳамюрларига кўзи тушиб, секин бопшини эгарқан, ҳәёлидан бир гап үтди: кўп дам олиш жойларида кўпинча бақириқ-чакириқ, бу ресторанды мижозлари ўта маданиятлами овози эшитилмайды, ҳатто зерикеб кетади киши, деб үйлади.

Бир вақт унинг столига официант шампанский қўйиб, бояги босиқ, кишиларни кўрсатди. Лайло энди кетиш тараддуудида эди, аммо унинг қоидасида бирорнинг илтифотини рад этиш йўк. Уларга қараб жилмайиб, официантта деди.

— Ҳамюрларимни столимга таклиф этинг, агар исташса.

Таклиф этилган юртдошлари бир қишлоқнинг одамлари экан. Лекин уларнинг босиқликлари юзаки эканми, жувоннинг ҳуснига мубтало бўлибми, унга кетма-кет хушомадлар қилишни бошлазди. Ёшроғи үзини вазмин ушласа, бошқаси, юзи лўпписи, маҳмадоналик билан Лайлони чарчатди. Жувон уларни таклиф этганига пушаймон, боринглар, кетинглар десам кибор аёл кишига ярашмайды, яхшиси боламни ухлатишм керак деб, баҳона қилиб ўрнидан турмоқчи бўлганди, юзи лўпписи уни тўхтатди.

— Ҳеч бўлмаса кимлигингизни айтиб кетинг. Москвани юхши биларкансыз. Ўртоғим хизмат сафари билан келган, мен бозордаман. Мен Ҳудояров Зикрилла, бу ҳамроҳим Ҳобилов Анвар.

Лайло тураётган жойида стулига қайта үтириб қолди. Қўли титраб, фужерни қидирди.

— Сизга нима бўлди, — деб лўппи юз туриб кетди.

— Ҳеч нима, — деб Лайлло винони бир құлтум ютиб, құлқи билан имлади. Бу унинг жойингизга үтириң детани эди.

Лайлло ёшроқ ҳамроҳға қараб сұради:

— Сиз чиндан Анвар Ҳобиловами?

— Ҳа, — деди у ҳайрон бўлиб. — Бирортасига ўхшатдингизми?

Лайлло ютиниб олиб, секин сұради:

— Эшвой Ҳобиловни эшитганмисиз, ватан уруши қаҳрамони.

— Ҳа, лекин сиз уларни қайдан биласиз?

— Йўқ, аввал Сиз жавоб берсангиз. Қариндош эмасми?

— Катта бобом-ку, мен уларга авараман.

Лайлло қизиб кетди. Наҳотки отасининг қариндошларини тақдир шу ерда учраттан бўлса.

У официанткага кўк чой буюрди.

Лўппи юз ҳам жимиб қолган уруш қаҳрамонининг авараси билан Лайлого қараб қолишиди. Лайлло ҳам энди аҳамият бериб қараса, ёшроғи кўз-қоши қора хушрўйгини, чехраси очик киши экан.

— Бўлмаса катта лейтенант Озод Ҳобилов ким бўларди сизга.

— Кичик амаким, — деб Анвар унга энгашди. — Уларни ҳам биласизми?

— Ҳа, — деди ю йирлаб юборди Лайлло. — Улар менинг дадам эдилар.

Ҳамроҳлар столдан ииқилиб тушай деб, баравар бақириб юборишиди:

— Ростданми?

Уларнинг телефон номерини ёзиб олиб, Лайлло тезда хайрлашди, у бу янгиликни яқинларига етказмаса, ичи ёниб кетаётган эди.

Людмила Юрьевна унинг гапларини эшитиб, қучоғидаги собиқ келинини бағрига қаттиқроқ босиб шипшиди.

— Сен уларни яхшиси бу уйга таклиф эт. Ойингни оиласини ҳам. Улар билан баҳонада мен ҳам танишиб оламан. Амирни ҳам кўришсин.

— Мама, жуда доно дипломатсиз. Қачон, балки якшанба кунга бу учрашувни тайинлармиз.

— Бизлар шу ердамиз. Якшанба кунга эса ҳали анча бор. Сен отанг қариндошидан сўра. Балки сафари тугаб, қайтиши лозимдир.

— Яхши.

Эртаси меҳмонлар келганда, чиндан ҳам милиция майори Анвар Ҳобиловни хизмат сафари тугаётган, эртаси кун Тошкентта учиши маълум бўлди. Манзура эрининг амакиваччаси билан қўл узатиб саломлашди. Лайло эса, юзига юзини босиб кўришди. Улар хотираларга берилиб анча гаплашиб ўтиришли. Анвар амакисига ҳаваси келиб органга ишга кирганини, умуман амакиси уларга ўрнак бўлганини, ўшандада у тўқкизинчи синфда ўқинганини эслади.

Манзура бир четда бошини эгиб, сим-сим қўз ёш тўкиб ўтиради. Ёнида қизи Сабрина, бу воқеаларга тувоҳ, бўларкан, онасини юпатиб силаб кўярди.

Кейин энага пешинги уйқудан уйғонган Амирни олиб кирди.

Бола Людмила Юрьевна томонга югуриб ўзини унга отди. Неварасини бағрига босаркан, кампир жилмайиб сўзлади:

— Бир умрли бўйдок ўғлим инсофга кириб, фақат қизингиз Лайлони деди. Неварам Амир эса уларнинг муҳаббатининг меваси.

Ойиси ва Сабрина бир болага, бир Лайлого қараб, кўп ўхшашликларни топдилар. Лайло болани етаклаб ойисига тутди:

— Ойижон, бу сизнинг ҳам неварангиз.

Манзура қўлини чўзганди, Амир унга бегонасирамай келди. Фақат бу бувиси певарасини астойдил қучиб, ўлганида ғингший бошлади.

Сабрина эса болани кўтариб олди ва айлантиргани олиб чиқиб кетди.

Манзура Людмила Юрьевна тўғрисига келиб ўтиракан, Лайло Анвар билан ҳовлига чиқиб, очиқ ҳавода ҳар турли темада сұҳбат куришга ўтиши.

Людмила Юрьевна эса ойисига Лайлони турли хислатларини мақташдан бошлаб, бирпаста Лондондаги унинг жасоратларигача айтиб чиқишга улгурди.

Манзура бу гапларни эшитаркан, шундай ёш аёлнинг — қизининг қўлидан шунча иш келганидан ҳайратланиб, нукул қўз тегмасин, қўз тегмасин, ишқилиб, деб қайтаргани-қайтарган эди.

Кейин стол атрофида қисқа зиёфатдан кейин Манзура Анварга водийга август ойида борсак, қариндошлар билан таништириб қўясизми, деб сўраганди, Анварнинг худди эри-

га ўхшаб жиiddий: бехижолат бораверинглар, ҳаммаси жойида бўлади, деган жавобини эшигти.

Шундан кейин улар ўзаро қуюқ хайрлашишди.

Отасининг қариндоши топилган хабарни ЛайлоХайрихон опа ойисига ҳам айтиб, суюнчи олди. Ҳар ҳолда Хайрихон опа, қизим, юрган йўлингда керакли одамларни Оллоҳ йўлиқтиради, бир ҳикмат боров сенда, илоё доим шундоқ бўлсин, деб дуо қилди.

Эртаси ЛайлоЯзига дам олиш куни эълон қилиб, сауна, бассейндан чиқмади. Сўнг, тушдан кейин, телефонда кетмакет номер териб, дўстлари, қадрдонларига, Красноярскдан бошлаб, Сайрамгача қўнғироқ қилиб чиқди.

Светлана Петровна билан узоқ гаплашди, орасида қизи Айсунинг қувноқ овозини эшигаркан, кўзлари намланиб, унга яқинда бориши тўғрисида ҳовлиқиб ваъда берди. Чунки, Айсу худди катта одам ўргатиб қўйгандек: Ойи, жуда соғиндим. Адамнинг ҳам фикри-зикри сизда. Бир келиб кетинг, илтимос қиласман дегани, Лайлонинг юрагини узиб олгандек бўлди.

Сўнг, Олтинсочга телефон қилишдан аввал, у бироз ўйга чўмди. Ва янгиликларни ҳали айтмай туришга қарор қилди.

У Олтинсоч опаси билан у ёқ-бу ёқдан гаплашишаркан, ҳар галгидек сухбат охири Галактионга бориб тақалди. У яна шаҳар солиқ, тизимиға қайтиб кирганини опаси билдириб кулади: бизни текширишга журъат қила олмаяпти.

У эркакларга иши бўлмаса ҳеч қачон телефон қиласди, ҳозир ҳам бу қоидани бузмай, Ойгул опага телефон қилиб ҳол-аҳвол сўради. Тилининг учидаги турган гапни айтмади. Унинг ўрнига ўғли Ёдгор билан узоқ гаплашди. Ўқишлиари билан қизиқди.

## ЛАЙЛО МОСКОВДА ҚОЛАДИМИ?

Вақт топиб Евгений уни гапга солди.

— Кеча ойим билан гаплашдим. ЛайлоЙана битта фарзанд қиласлил, бошқалардан тўқис бола туғилмаслиги мумкин. Нима дейсиз?

Аввал бўлганда у Евгенийни жеркиб берарди, ҳозир эса: менинг ўзимдами ёки пробиркадами, деб кулади.

— Истаганингиз, — деди Евгений ўзини йўқотиб қўйиб.  
— Балки мен билан фестивалга бориб келарсиз, у ҳолда.  
— Балки борарман. Вақтим кўп. Каерга?

- Каталонияга.
- Испаниягами? Майли. Фақат мени ким деб таништира-  
сиз.
- Хотиним деб.
- Евгений?

Лайло Евгенийни юзини ўзига буриб, кўзларига тикил-  
ди-да:

- У ҳолда ёлғиз бораверинг, — деди аразлагандек.
- Суюмли собиқ рафиқам, ёлғиз ўғлимнинг онаси, ҳозир  
энг яқин дўстим, деб тақдим этсан-чи.
- Вақтида қадримга етмай, энди эса суюмли дейсиз.
- Тентак эдим, ақдим кирди. Чунки, аёлларга ишонмас-  
дим. Сиз менда бу ишончни қайта уйғотдингиз.
- Энди бу гаплар бефойда. Мен эрли аёлман.
- Лекин, Толиб, гарчи мард инсон бўлса-да, феодал, қолоқ  
тушунчалардан халос бўлмаган экан-ку, қадамларингизни  
қирқиб қўяди.
- Ҳимм...

Лайло индамай қолди. У дўстона сухбатга чек қўйиши-  
қўймасликни билмай, бошини Евгенийни елқасига тиради ва  
шу ондаёқ ўзини унинг бағрида кўрди.

— Сиздан менга ҳеч нима керакмас. Аммо, гоҳида шундай  
кичик бир илтифот қиласангиз етарли, сизнинг исларингизни  
ҳидлаб туришнинг ўзидан маст бўламан, — деб, Евгений унинг  
соchlарини силарди.

Никитиннинг шу бетайнлигига, Лайло ундан ўзини олиб  
қочмаслигига ҳайрон эди, бир ойдан ортиқ вақт ўтди, би-  
рор марта ҳам Толиб қўнғироқ қилмади. У умидсизликка  
туша бошлаганди. Евгенийнинг таклифларига нима десам  
деган ўйда, собиқ эрининг елқасидан бошини узмай хаёлга  
чўмган эди. Лайло, уни яқин дўсти сифатида, маслакдоши,  
ватандан олисда суюнган тоғларидан бири ўринида қўриши-  
ни Евгений билармикан. Ё хаёлида ҳамон муҳаббат айшла-  
римикан?

Лайло турмушининг ноаниқлигидан уни хафа қилгиси кел-  
мади, кейин бу оиласдаги эркинликка мойиллик, майда-чуйда  
гапларга аҳамият бермасдан яшаш унга кўпроқ ёқарди. Бир  
томони, яна қайси юз билан Тошкентда тураман, деган ўйдан  
қийналиб, ўзини Москвага боғлаш фикрида эди, чунки тук-  
қан онаси топилиб, доимо ёнида бўлади. Хайрихон ойисини  
ҳам кўчириб олиб келади. Кейин Евгенийдан хушрўй бола

туғилишини у Амирда күрди. Чүзинчоқ юзли, қирра бурун, худди британияларга үхшаш. Энди қиз кўрса ёмон бўлмасди. Шунгами, у ҳозир Евгенийнинг таклифини рад этмай, ўйлаб кўраман деди. Кейин болалар қаерда туғилмасин, барибир онасини биринчи ўринга қўйишини у кундан-кун ҳис қилиб борарди.

Бир неча кун ўтиб, Людмила Юрьевнани кўргани борганда, у севиниб кетди ва бағрига босиб, яна она бўлишга рози бўлибсан, Евгений айтди. Энди қиз бўлса дуруст. Розилигингдан бошим кўкка етди. Аслида, яна икки-учта бола қиласангизлар-чи. Пулимиз етарли. Ана миллиардер Ракитскийда олтита фарзанд бор. Шарқда ўнта бўлса ўрни бор, деб бекорга айтишмайди, — деб Лайлони оғзини очиртиришга бермай сўзларди.

— Шарқ маталларини ҳам билади мама. Евгенийга ўйлаб кўраман, — дедим, холос.

Лайло нозланиб ўрнидан турди.

— Бу тақдир. Яна Евгенийдан бола қилиб оёққа тургаз-гунча, мен маманг бор, сени жондан суюдиган. Юраман десант, ҳеч ким сезмасин. Ана бир вақтлар, бевалигингда, Италияга борганингда бирмас иккита жазман бирпасда топилганди, эсингдами?

— Мама, яна ўша гапми? Яхшиси мен кетдим. Сабрина мени сўраган экан, учрашиб келай.

— Яхши. Ҳа, бола тўғрисида тезроқ қарор қабул қил.

Цветной бульвардаги «Ўзбекистон» ресторани эшигига Сабринани Лайло узоқдан таниди. Улар кучоқлашиб сўрашгач, ичкарига йўл олиши.

Енгил тамадди ва шарбатлар буюртма бериб. Лайло синглисининг ташвишли юзига қараб, қўлини чўзиб унинг ёноғини силади.

— Сабрина, нима бўлди? Юзларинг хавотирли. Ичинта ютмай бор гапни айт-чи.

— Адамни катта пулга лақиллатиб кетишиди.

— Ростданми? — деб Лайло тирсагини столга тираб, унга бошини яқинлаштириб шивирлади. — Буёғига шошилмай, тушунтириб гапир-чи. Нима бўлди ўзи?

Сабрина шунда ўзини қўлга олиб сўзлаб берди.

— Адам Любераңда журилаётган тўрт хонали уйга биринчи авансни икки йил аввал тўлаб қўйган эди. Уй уч йил ичида битиши керак зди. Пул йириб олган ширкат банкрот

бўлибди. Ўшанга пул ҳам йўқ, ширкат раҳбари ҳам қаергайдир кочган.

Лайло ширкат номи, қурилаётган уй-жойи, қуриб бериш тўгрисидаги шартнома ва бошқа маълумотларни ёзиб оларкан, оҳиста сўради.

— Аванс миқдори қанча эди?

— Уч юз минг доллар.

Лайло ичида катта пул эмас экан, деб ўйлади. Лекин синглисига сир бой бермади:

— Тегишли органларга мурожаат қилинганми?

— Мерия, прокуратура ва бошқаларга ариза берганмиз, фойдаси бўлмади.

— Сабрина, ҳеч нима ваъда қилмайман, албатта битта яримта танишларни ишга соламан. Мабодо, ўхшамаса хафа бўлмайсан, синглим. Аммо пул керак бўлса, ёрдам беришга тайёрман.

— Раҳмат, Лайло. Бирам ишбилармонсизки, яхши кўраман бу хислатларингизни, қани эди сизга ўхшасам.

Опаси жавоб ўрнига синглисими ёноғидан ўпиди қўйди.

Лайло уйта борибоқ бу ҳақда Людмила Юрьевна билан алқалашганди, у кулиб, маъмурият ҳал қилолмайди, иш чўзилиб кетади, ўзингнинг танишларингни ишга сол, деди.

— Мама, сиздек маслаҳатчим бўлмаса, сира ишим илгари сурilmасди, — деб қайнанасининг тиззасига бошини қўйди.

Людмила Юрьевна эса, бужмайган қўллари билан келининг сочини силаб:

— Лайло, доченька, ўлим бор. Мен ўлсам Евгенийни бир ўзини ташлаб қўйма, унга сизнинг ўрнигизда дўст бўламан, йўлга соламан, тергаб тураман деб сўз бер, — деб йиграб одди.

— Ҳали ҳам шундай бўлади. Мен Евгенийни кутилмаган қилиқларию, тентак бўлса-да, самимийлиги учун яхши кўраман. Уни ҳеч қачон ташлаб қўймайман. Ҳавотир олманг, мама, — деб қайнанасининг қўлларига лабини босди.

Чиндан ҳам у ўлиб қолса, нима қиламан, деган ўйдан чўчиб, кўксига туфлади.

— Спасибо, доченька. Сен менга келимас, қизимдан ҳам аълосан.

— Ой, мама. Мен-чи, мен. Сизга жуда боғланиб қолганимни билмайсиз. Сиз онамдек, ундан-да зоҳир тиргагимсиз аслида.

— Худо сени менга етказганига доим дуода юраман. Ишқилиб, зорингни кўрсатмасин, доченька, бора қол. Ишларингни

битказ. Мен тўйиб бир йиғлаб олай, қаричилик.

Лайло чиқар экан, Людмила Юрьевна унинг ортидан нигоҳини узмай, кўз ёш қилишга тушди.

Лайло ўша куниёқ Мехметни топди ва масалани тушунтириб, ёрдам сўради.

Бирордан кейин Королёвдаги «Звёздная» ресторанида уни Мехмет кутиб оларкан: — Заурбекнинг синглиси деб атайми ё қайлиги, — деб жилмайиб қўйди.

— Истаганингиз, — деб, баробар ҳоҳолашибди Лайло.

— «Дачник» ширкати бошлигини топиш қийин бўлмади, пулни ундириб берамиз, йигирма фойзи хизмат ҳақига ўтади.

— Менга ўттиздан кам бўлмайди деб айтишган эди.

— Сиз ўзимизникисиз. Яна ... — деди ю тилини тишлаб қолди.

У Лайлого, жозибали аёлни кўрган нормал эрқакдан хушомад қилиши мумкин эди. Қилмади. Заурбек эшитса, чигалликлар пайдо бўлмасин, унинг жаҳли чиқиши мумкин, деб ўйлади.

Лайло сухбатни давом эттириб сўради:

— Пулни қайтариш муддати қанча?

— Бир ҳафта.

— Мен эртага жавобини айтаман.

— Яхши. Қани энди, марҳамат, столга қаранг.

Лайло, яқин синашта бўлмаган одам билан ичиб, обрусини туширмасликни, яна у киши не хаёлга боради деб ўйлаб, шарбат ичишини билдириди.

Мехмет унга бошқа таклиф ҳам киритди:

— Пулни олганингиз билан, ойингиз уй-жойли бўлиб қолмайди. Истасангиз, эски фондан тайёр тўрт хонали уй бор.

— Қаерда?

— Гиляровский кўчасида, шундок ЦСКА стадиони орқасида.

— Онамга маъқул келармикин?

— Ёқади. Фақат, нархи билан қизикмадингиз.

— Барibir сотиладиган нархни ким ўзгартира оларди.

— Сиз учун етти юз минг. Бўлиб-бўлиб тўласангиз ҳам хисоб.

— Менга шартта тўлаш маъқул. Бирордан қарз бўлиб юриш юракка тош солиб юрган билан баробар.

— Тилла гаплар. Хуснингиз десам, ақлингиз ҳам расо экан. Шундай экан, мени ҳам акадек кўрсангиз, хурсанд бўлардим.

— Үндөк бүлсә рухсат беринг.

Лайло ўрнидан туриб, Мехметнинг икки ёноғидан силаб, миннатдорчилек изҳор этиб ўнди.

— Аналар ичида ёнимга тушганингиздаёқ сизнинг жасур, ҳеч нарсадан тап тортмаслигингизни сезгандим. Мени тутиңган яқинингиздек қабул қилинг, оға, — деди.

Мехмет антрайиб қолди-да, сүнг юрак ютиб Лайлони бағрига босди ва шу ондаёқ уни күкрагидан итарди.

— Лайло, иккинчи марта бунчалик яқинимга келманг,

— Нима учун, Мехмет оға.

— Ўзимга жавоб бера олмаслитим мумкин, — деб тескари қараб олди.

— Ҳимм...

Лайло ер остидан Мехметнинг бу ҳолга тушганига ҳайрон бўлмай, уни Ҳусайн шайхга ўшшаб кетишини аниқлади ва ишқилиб буниси ҳам ошиқ бўлиб қолмасин, унинг дўстлиги менга биринчи навбатда керак, деган ўйга чўмди.

Эртасигаёқ Лайло онаси ва Сабринани айтилган жойга олиб бориб кўрсатаркан, тўртинчи қаватдаги бу таъмирдан чиқсан уй Сабринага дарров маъқул бўлди. Уйлар ромлари гарчи аква бўлмаса-да, икки қаватли иссиқ тахта ромлар яхши сақланган, ванна, туалет, ошхонанинг маълум қисмигача чироили кафеллар терилган эди. Сабрина ойисини у уйдан бу ўйга етакларкан, қулогига бир нималар деб пичирлар, энг четдаги кичик уйни бу менинг ётоқхонам бўлади деб туриб олди. Ойиси жилмайиб яхши-яхши дедио, уйнинг баҳосини сўради.

Лайло ўша ширкатга бериаган пул ҳисобидан дейишига қарамай, ишонқиримай, сүнг бошқа важ келтириди. Пулнинг асосий қисми Назир аканини, у уйни кўриши керак. Сабрина отасига кўнғироқ қилиб, чақириди. Ярим соатларда этиб келган Назир бу уй камида саккиз-тўққиз юз минг туришини, бунча пули йўқлигини айтди. Лайло қолган қисмини ўзим топаман деган сўзига, қарзга яшашга рози бўлмади.

Яна биз сени шунча йил боқмаганмиз, қайси сабабдан бу катта соврани олишимиз керак, деб кўнмади.

Уйни кўрсатгани келган Мехмет одами уни четта чақириб: пулингиз бўлса, ўзингизни номингизга расмийлаштиринг, уй қўлингиздан чиқиб кетмасин. Ютқазмайсиз. Мана мени дейиз, — деди.

Лайло шундай қилишга қарор қилиб, нариғи уйға чиқди-да. жигарларига ширкатта берилган аванс пуллар тұғрисида түшүнгіріп берди.

— Банкротлик туфайли ширкат раҳбари чет элға қочибди. Уни төпіб пулларингизни қайтариб олишда ёрдам берувчи одамлар ийгірмә фоиз хизмат ҳақын ушлаб қолишиларини бид-дирилар, бу шарт сизге тұғыры келадими? — деб үтгай отасыға юзланды.

— Қанақасыға? — деб Назир бошиға уриб үтириб қолди.

У умри бүйі қийналип пул ийғанды, ҳозир олтмиш мин-ғдан айрилишини үйлаб аламдан ииелаб юборишиға тайёр зди.

— Бир ҳаfta ичіда пулларингизни оласыз. Истамасанғыз бу савдони тұхтатса бўлади.

Манзура катта қизининг дона-дона гапларини эшитиб, Сабринани бағриға босиб, гапга аралашмай турарди.

— Үйлаб кўринг, адажон, эртадан қолдирмай жавобини айтсанғыз, — деб Лайло нариғи уйға чиқди.

Назир индамай бошини ҳамон чанглаб үтиаркан, Манзура қизининг ортидан қараб үйлаб қолди: кимга ўхшаган, менде бунақа ришталар бўлмаса, Озод ака ҳам бошқароқ здилар. Ҳар ҳолда, антиқа қиз. У билан яшаш роса қизиқдир.

Сабрина эса киши билмас келиб, Лайлони қучоклаб, «қойил опа», деди.

— Сингилжон, айттанингдек бўлдими?

— Ҳа, лекин...

— Яна нима?

— Опа..., — деди ялингансимон Сабрина.

Лайло унга хүшер қараб жилмайды.

— Үй тұғрисида сұрамоқчимисан?

— Вой, қаердан билдингиз. Коммунал уйда сиқилиб кетаман, опа.

— Тушунаман, лекин адажон күнмаяпты-ку?

Сабрина Лайлони бўйнига осилди. У бироз пастакроқ бўлса-да, қиликлари ўзига ярашадиган қиз зди.

— Хўш, эркатор сингилжон, яна нима дейсан?

— Ўртоқларим сизни кўришгач, мени жуда иззатимни жойига кўйишпти. Опа, улар кўз ўнгиде обрўйим кўтарилган. Билмайсиз-да, восточная красавицами синглиси деб гапиришади. Вой, опа, зўр бўлди-да, бизларни топтанингиз, йўқса, жеч ким танимай, бир четда ҳасдек юрардик.

Лайло бу гаплардан эриб синглисими бағытта босди, у эса унинг дудоғидан ўшишга тушди. Лайло уни беихтиёр итарди.

— Менга ҳам юқсин, опажон — деб, Сабріна нариги уйга қоцди, четланган заҳоти.

\* \* \*

Бир ҳафтадан кейин пулини олган Назир на хурсанд, на хафа бўлишини билмасди.

Тўрт хонали уйни эса, Лайло ўзига расмийлаштириб сотиб олди ва онасиға янги уй олгунларича бу уйга кўчиб ўтишни таклиф қилганди, у Назир ака билан маслаҳатлашмасам бўлмайди, деб жавоб қайтарди.

Лайло онасини шоширмади, чунки Владимирдаги буваси-нинг уйини таъмирлассани Назирга унча ёқмаганини эшитганди. Тания опа ҳам уларни ўз ҳолига қўй, қандоқ бўлишса шундоқ қабул қил. Улар ёши катта одамлар, бирпасда турмушини, ҳаёт тарзини ўзгартира олишмайди, сенинг саховатингни яна бошқача тушунишмасин, деб бекор айтмаган экан, деган фикрга амал қиласди.

Толибдан эса ҳамон дарак йўқ эди.

Августда Тошкентта боргандада бу турмушим тўғрисида барча нарса ҳал бўлар, тайёр эрни кўлдан чиқармайман, Евгенийга берган ваъдам эса пуч хаёл. Аммо, тезроқ яна бир қизим бўлишини истардим. Ҳозир эса эртага Красноярскка йўл оламан. Қизим Айсуни соғиндим, деб кўнглидан ўтказди Лайло.

Шу пайт унга қўнғироқ бўлди.

Аввалига у гап нима ҳақдалигини тушунмай ҳайрон бўлса, Заурбек юбилейидаги ўша хунук, лекин машхур кинорежиссер уни кинопробага бош ролга таклиф этиб, Красноярскка келишини илтимос қилиб, йўл харажатлари студия ҳисобидан, деди. Лайло пулим кўп, ўзим боравераман деб мақтаниб ўтирмади, яхши, деб қўнақолди. Баҳонада энди қизим билан узоқ қолиш имумкин, деб суюнди.

## МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим. Илк севги изтироблари.....	3
Иккинчи бўлим. Ўзга ёрнинг кучоғи.....	128
Учинчи бўлим. Хиёнатни кечириш қийин.....	242
Тўртинчи бўлим. Ҳаёт синовлари.....	325
Бешинчи бўлим. Охири баҳайр бўлсин экан.....	395
Олтинчи бўлим. Туб илдиз.....	438

*Агадий-бадиий нашр*

**Абдужаббор Обидов**

## **БАХТИНИ ЙЎҚОТГАН ГЎЗАЛ**

*Саргузашт роман*

**Муҳаррир Гулчехра Азизова  
Дизайнер Хуршида Исмоилхўжаева  
Саҳифаловчи Барно Баҳромова**

Лицензия AI № 168. 23.12.2009 й.  
Босишга 07.05.2015 й. да руҳсат этилди. Бичими 84x108<sup>1/2</sup>,  
BalticaUz гарнитураси. Офсет көроязи. Шартми б.т. 30,0.  
Нашр табоғи. 24,0. Адади: 2 000 нусха. Буюртма № 05-13.

E-mail: **tafakkur-qanoti@mail.ru**  
(муаллиф) **abid354@Rambler.ru**

**«TAFAKKUR QANOTI» нашриёти.** Тел.: (+99894) 632-10-14  
Тошкент, 1-төр Мирсолиҳова кўчаси, 13-йй.  
Фаолият юритувчи манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-йй.  
"Leader Print" МЧЖ босмахонасида босилган

12700e



"Tafakkur qanoti"

97899533382367



— Келинглар, эски қадрдонлар. Қариндош, уруглар яхши-  
ми? Юсуф тузукми? Ишларга тушиб кетдими?

— Ҳа, унинг ошиғи олчи. Ақахонларини соясида яна ўша  
мавқеларини тиклаб олган, давлати қўшилса-қўшилди, ка-  
маймади.

— Қизим ҳам пошпохон, эрка арзанда бўлган. Тушган жойи-  
дагилар унинг димогини кўтариб, ўзгартириб юбориши. Эски  
Лайло энди йўқ.

— Ундан деманг. Барibir таги бор-ку. Зотига тортади. Бу  
қизингиз, худо хоҳласа, борга ҳам, йўққа ҳам кўнадиган.

Хайрихон опа аслида бошқа нарса айтмоқчи эди, лекин  
такаббурлик қилиб, кибрдан сўзлаганини англаб, тилини тишлаб  
қолди.

Сожида сукутни бузиб, «Олинглар, сомсалардан, энди биз-  
ники бўлди», деди.

Совчилар ундан-бундан чўқиган бўлишиди.

Шу пайт эшик очилиб, Лайло ўқишидан қайтди.

У совчилар келишини биларди.

Кириб сўрашмай, қўлларини ювиб, ўз хонасига кириб кет-  
гани ҳаммага сезилди.

Мезбонлар хижолат, совчилар изза бўлишиди.

Хайрихон опа: Ана кўрдиларингми, дегандек Салтанатхон  
ва Марҳабога қараб, кўз уришириб олди.

Сожида чойни янгилай деб ўрнидан турди ва тезда ортига  
қайтиб ўтиради.

— Лайло олиб киаркан.

Меҳмонлар енгил хўрсиниб қўйишиди.

Орага бир неча дақиқа жимлик чўқди.

Ҳамма кейинги воқеалар ривожини кутарди.

Лайло қўлида чойнак билан кирди.

У ўз тахайюлига содик эди. Ўз хонасига кириб, оҳори  
тўкилмаган келинлик либосларини кийиб чиққанди.

Бошида дуррача, оёғига учи қайрилган пойафзалини ки-  
йишни ҳам унумаган, билинар-билинмас пардоз қилиб, ла-  
битга лаб бўёқ ҳам суришга улгурганди.

Овсини чап қўли билан Салтанатхон билакларидан қисиб,  
хайратини унга ошкор эттанди.

Лайло бош эгиб салом қилди.

Келганлар бараварига «кўп яшанг», дедилар.

Лайло ўтирамади. Икки оғиз улар билан сўрашиб,

— Уйдагилар яхшими. Ўғилларингиз келиб хурсанд бўлган-